

ДЭН БРАУН

# ДА ВИНЧИ СИРИ

*РОМАН*

Тошкент  
« Янги аср авлоди »  
2007

Леонардо да Винчи чизган суратлар беқиёс жозибаси ва сирларга йўғрилганлиги билан шуҳрат топган. Бугунги куннинг энг машҳур ушбу романи сизни Леонардо да Винчи асаридаги рамзалар ва уларга яширинган сирлар ортидан санъаткорона эргаштириб кетади. Ва кутилмаган хулосалар билан ҳайратга солади.

Азиз китобхон, ушбу асар ўзбек тилида илк бора тақдим этилмоқда ва бу сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Рус тилидан Мансур РАҲИМОВ,  
Бурхон СОБИРОВлар таржимаси

Масъул муҳаррир:  
Аброр МАЩАРИПОВ

ISBN 978-9943-08-113-0

© Дэн Браун. «Да Винчи сирин». «Янги аср авлоди» НММ, 2007 йил

® Улуғбек Исоқов



## МАЪЛУМОТЛАР

Сион Приорат\*и – 1099 йили Европада ташкил этилган яширин жамият. 1975 йили Париж миллий кутубхонасида «Махфий маълумотлар» номида қўлёзмалар ўрами топилган эди. Унда Сион Приоратининг бир неча аъзолари, жумладан, Исаак Ньютон, Боттичелли, Виктор Гюго ва Леонардо да Винчининг исмлари қайд этилган.

«Дея асари» деб аталувчи Ватиканнинг шахсий прелатураси ўта художўй католик секта ҳисобланади. Рухий поклаш, азоблиш ва «танани жонсизлантириш» каби хавфли маросимлари билан машхур. «Дея асари» сектаси яқиндагина Нью-Йоркдаги Лексингтон-авеню, 243 манзилида ўзининг штаб-квартирасини қуриб битирди. Қурилиш ишларига 47 миллион доллар сарфланди.

Китобда санъат асарлари, меъморчилик обидалари, ҳужжатлар ва сирли диний маросимларнинг аниқ тасвири баён этилган.

---

\*Приорат ёки синьория – ўрта асрларда бир қатор шаҳарлардаги бошқарув органи. Масонлар анъанасида Буюк приорат – масонлар деноминацияси раҳбарлик тизимидаги бўлим (Ибодатхона, Госпитал).

## МУҚАДДИМА

...ва яна Блайзга багишланади, ҳар доимгидан зиёда, ҳар қачонгидан-да ортиқроқ даражада

Париж, Лувр.\* 21:46.

Таниқли нозир Жак Соньер Катта галереянинг гумбазсимон равоқи остида чайқалганча ўтиб бораркан, кўзига биринчи бўлиб тушган расм – Караважо полотноси томон интилди. У иккала қўли билан зарҳал рамкани кучи борича торта бошлади ва ниҳоят дурдона асар девордан узилиб, етмиш ёшли қариянинг устига қулади. Худди Соньер тахмин қилганидек, шу яқин ўртада темир панжара ҳам ерга гурсиллаб тушиб, паркет полни зириллатиб юборди ва залга кирадиган йўлни тўсиб қўйди. Узоқда чинқириқ товушли сигнализация ишлаб кетган эди.

Нозир оғзи билан аранг нафас олар, айни дамда қайси дунёда эканлигини идрок қилишга уринарди. Шу кўни бир неча сония ётди.

«Ҳали тирик эканман».

У полотно остидан судралиб чиқиб, яшириниш учун жой қидирганча атрофга олазарак аланглай бошлаган маҳал гулдурос овоз янгради:

– Қимирлама!

Эмаклаб кетаётган нозир ўша жойда қотиб қолди, кейин ортига астагина ўтирилиб қаради.

Атиги ўн беш фут\*\* нарида, панжара ортида уни таъқиб этаётган кишининг гавдаси кўриниб туради: баланд бўйли, елкалари

---

\*Лувр – Париждаги машҳур меъморий ёдгорлик, йирик музей. XVI асрда қурилган.

\*\*Фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

кенг. Ҳойнаҳой альбинизм\*\*\* касаллигига йўлиққан бўлса керак, териси ўликникидай кўкимтир, кўзларининг оқи пушти, қорачиқларари таҳдид солувчи қора-қизил рангда, сочига эса оқ оралаган эди. У чўнтагидан тўппонча чиқарди-да, узун стволни панжара темирлари орасидан тиқиб, нозирни мўлжалга олди.

– Қочишга ҳаққинг йўқ, – деди у тушуниш қийин бўлган та-лаффузда. – Энди гапир: қаерда у?

– Ахир айтдим-ку, – дея ғудранди ҳалиям нажот илинжида эмаклаб турган нозир, – нима ҳақида гап бораётганидан беҳабарман.

– Ёлғон! – У ҳаракатсиз ҳолатида нозирга шундай қаттиқ тиккидики, кўзларидан гўё қизғиш учқунлар сачрагандай бўлди. – Сенда ва биродарларингда шундай нарса борки, у мутлақо сизларга тегишли эмас.

Нозир илкис сесканиб кетди: «У қаердан билиши мумкин?»

– Бугун эса ўша нарса ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтарилажак. Шундай экан, унинг қаердалигини айт ва жонинг омон қолади. – У стволни хиёл пасайтирган эди, нақ нозирнинг бошига тўғриланиб қолди. – Ёки бу сир учун ўлимга ҳам тайёрмисан?

Сонъернинг нафаси ичига тушиб кетди.

Тўппонча орқали мўлжалга олинаётганини кўргач, қўлини оживона кўтарди.

– Тўхтанг, билганларимнинг барини айтиб бераман.

Нозир сўзларни эҳтиёткорлик билан танлаганча гапира бошлади. Бу ёлғонни бир неча бор машқ қилган ва ҳар сафар уни қўллаш тўғри келмаслигини сўраб дуо қиларди.

У гапини тугатганида таъқибчи мағрурона илжайди:

– Ҳа. Бошқалар ҳам менга айнан шуни айтишган эди.

«Бошқалар?» ҳайрон бўлганича хаёлидан ўтказди Сонъер.

– Мен уларни ҳам қидириб топдим. Учови ҳам ҳозиргина сен айтган гапларни тақрорлашган эди.

«Бўлиши мумкин эмас!» Ахир нозирнинг ҳам, унинг қари уч ноибларининг ҳам асл шахсияти ўзлари сақлаб келаётган кўҳна сир каби муқаддас ва дахлсиз эди. Шу пайт Сонъер бир нарсани

---

\*\*\*Альбинизм – организмда унга хос меъърий ранг берувчи пигмент етишмаслиги.

фаҳмлаб қолди: унинг уч содиқ хизматкорлари ўлим олдидан ҳозирги афсонани сўзлаб беришган. Бу эса улар мўлжаллаган режанинг бир қисми эди.

Тўппонча яна нозирга ўқталди.

– Сен ўлгач, бу дунёда ҳақиқатни билувчи ягона киши мен бўламан.

«*Ҳақиқатни!..*» Нозир бу сўзнинг кўрқинчли маъносини бағоят тезкорлик билан илғаб олди, вазиятнинг бутун даҳшати энди унга намоён эди. «*Агар мен ўлсам, ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон билолмайди*».

У шуурига бўйсунган ҳолда жонини сақлаб қолиш учун яширинишга жой қидира бошлади.

Аmmo шу пайт гумбурлаган ўқ овози эшитилдию нозир полга ҳолсизгина ўтириб қолди. Ўқ унинг қорнига теккан эди. Соньер минг азобда оғриқни енгиллаб ҳаракат қиларкан, судралишга уриниб кўрди. Бошини оҳиста кўтариб панжара ортида турган қотилига кўз қадади.

Қотил энди унинг бошини мўлжалга олган эди.

Соньер кўзларини қисиб олди, кўрқув ва таассуф гўёки уни сўнгсиз азоб гирдобига тортаётгандек эди.

Пахтавон отишдан чиққан овоз йўлак бўйлаб акс-садо бериб ўтди.

Қотил қуролига истеҳзо билан қараб турарди. Тўппончани яна ўқламоқчи бўлди, бироқ фикрини ўзгартирди чоғи, мийиғида кулиб Соньернинг қорнига ишора қилди:

– Мен ўз ишимни бажардим.

Нозир бошини эгиб оппоқ кўйлагида ўқдан ҳосил бўлган тешикни кўрди. Тешик қоннинг қизил доираси билан ўралган ва кўкрак қафасидан бир неча дюйм\* пастда жойлашган эди. «*Ошқозон!*» Қанчалар шафқатсиз хатолик: ўқ унинг юрагига эмас, қорнига теккан экан. Нозир Жазоир урушида қатнашган, нечтадан-нечта азобли ўлимларга гувоҳ бўлган. У яна ўн беш дақиқача яшаши мумкин, холос, ошқозондан чиққан кистота эса кўкрак қафасига сизиб ўтиб, уни аста заҳарлай бошлайди.

---

\*Дюйм – 25,5 мм га тенг узунлик ўлчови.

– Биласизми, месъе, оғриқнинг фойдаси бор, – деди қотил ва ортига ўгирилиб узоқлаша бошлади.

Ёлғиз қолган Жак Соньер темир панжара томонга қаради. Ҳа, у тузоққа тушиб қолганди, эшикларни эса йигирма дақиқадан кейингина очишлари мумкин. Унгача Соньер ўлиб бўлади. Бироқ айни пайтда уни қўрқувга солаётган, ташвишлантираётган нарса ўз ўлими эмас.

*«Мен сирни бошқаларга етказишим даркор!»*

Оёққа туришга уринаётганида ўлдирилган уч биродарининг юзлари кўзига кўрингандай бўлди. Бошқа биродарларини, улар амалга оширган ишларни, муқаддас сирни авлодларга авайлаб етказганлари ҳақида эслади.

*«Билимларнинг узилмас занжири...»*

Энди эса... Барча эҳтиёт чоралари кўрилган бўлишига қарамай, Жак Соньер ушбу занжирнинг ягона ҳалқаси, сирнинг ягона сақловчиси бўлиб турибди.

Бутун вужуди титраганча ўрнидан турди.

*«Мен қандайдир йўлини топишим керак!..»*

У Катта галереянинг ичида қамалиб қолган эди, ахир бу ёруғ дунёда айнан угина билимлар машъаласини авлодларга узата олиши мумкин. Соньер ҳашаматли зиндоннинг деворларини кўздан кечира бошлади: бутун оламга машҳур тасвирий санъат асарлари худди эски қадрдонлар каби, тепадан пастга кулиб қараётганга ўхшарди. Оғриқдан юзлари буришганча бор куч ва матонатини тўплашга уринди. У амалга ошириши керак бўлган вазифа диққат-этиборли бўлишни талаб этади ва унга берилган ҳаётнинг сўнгги сониялари ҳам ана шу йўлда бахшида бўлгуси.

## БИРИНЧИ БОБ

Роберт Лэнгдон ҳадеганда уйғонавермади.

Қоронғи хонанинг аллақайси бурчагида телефон жирингларди. Бироқ бу галги кўнғироқ овози қандайдир ғалати, чинқироқми-ей. Лэнгдон жавонча устини пайпаслаганча чироқни топиб ёқди. Кейин эса кўзини қисган кўйи атрофни кузата бошлади: Уйғониш даври услубига хос барқут қопланган ётоқ, Людовик XVI замонидан қолган мебел, деворларга эса суратлар чизилган, қимматбаҳо чодир остида қизил ёғочдан ишланган каравот.

«Жин урсин, қаердаман ўзи?»

Қресло суянчиғига ташланган халатнинг кўксига «РИТЦ» меҳмонхонаси, Париж» деб ёзилганди.

Миясини карахт қилиб турган туман секинлик билан тарқай бошлади. Лэнгдон гўшакни кўтарди.

– Алло?

– Месье Лэнгдон? – эркак кишининг овози эшитилди. – Умид қиламанки, сизни уйғотиб юбормадим.

Лэнгдон стол устидаги соатга қаради: миллар тунги 12 дан 32 дақиқа ўтганини кўрсатмоқда. У атиги бир соат ухлаган, қаттиқ чарчаганидан ўзини аранг тутиб турарди.

– Мен портъеман, месье. Безовта қилганим учун минг бор узр, лекин бир одам сизни сўраб келди. Айтишича, жудаям зарур иши бор экан.

Лэнгдон ҳали ҳам ўзини карахт сезарди. Кўзи жавонча устидагиғижимланган қоғозга тушди. Бу таклифнома эди.

### ПАРИЖДАГИ АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Гарвард университетининг диний рамзлар профессори

*Роберт Лэнгдон билан бўладиган учрашувга мамнуният ила таклиф этади.*

Лэнгдон оҳиста ингради. Оқшомги маърузада Шартре жомесининг тош деворларига солинган бутпарастлик белгилари ҳақида слайдлар намойиши бўлиб ўтганди. Мутаассиб профессорларга бу ёқмагани аниқ. Балки энг диндор олимлар унинг кетишини талаб қилишар, балки Америкага учадиган биринчи рейсдаёқ жўнатиб юборишар.

– Кечирасиз, – деди Лэнгдон, – мен жуда чарчаганман, ундан кейин...

– Аммо месье, – овозини пасайтирганча гапини маъқуллашда давом этди портье, – меҳмонингиз анчагина баобру киши.

Бунга асло шубҳа қилмаса бўлади. Диний тасвирий санъат ва ибодат рамзлари ҳақидаги китоблари санъат оламида Лэнгдонга анчагина машҳурлик келтирди. Ўтган йили Ватикандаги дудмол можародаги иштироки матбуотда кенг ёритилгач, Лэнгдоннинг шуҳрати янада ортиб кетди. Шундан бери уни алақандай тан олинмаган тарихчилару санъатга ҳавасмандлар безор қилиб юборишган эди.

– Марҳамат қилиб ўша кишининг исм-шарифи ва манзилини ёзиб олинг, – Лэнгдон иложи борича самимий гапиришга ҳаракат қиларди. – Унга пайшанба кун, Париждан кетишимдан олдин кўнғироқ қилишимни айтинг. Келишдикми? Раҳмат!

Портье оғиз жуфтлашга улгурмаёқ у гўшакни қўйиб қўйди.

Лэнгдон каравотга ўтираркан стол устида меҳмонлар учун аталган кундаликни кўриб қолди, унинг муқовасига қуйидаги ёзув битилганди: «Оловлар шаҳрида гўдак каби тиниқ ухланг. «Ритц» меҳмонхонасида ширин уйқу. Париж». У ортидаги катта тошойнага қараб, ўз аксини деярли таниёлмади. Қаттиқ чарчаганлиги ва паришон ҳолати шундоққина кўриниб турибди.

*«Роберт, сен яхшилаб дам олишинг керак».*

Айниқса охирги йил бир мунча оғир келди ва бу ташқи қиёфасига таъсир этмай қолмади. Ҳар доим чақнаб турадиган мовий кўзлари алланечук хиралашиб, маънос тортиб қолгандай. Ёноқлари ва чуқурчаси бор иягини калта туклар қорайтириб турарди. Икки чаккаси кумушранг тус олган, устига-устак қора қуюқ сочига ҳам оқ оралай бошлади. Гарчи ҳамкасб аёллар оқ сочлар унга жуда ярашиб, олимларга хос кўриниш бағишлаб турганини айтишса-да, Лэнгдон бундан хурсанд эмасди.

«Бостон мэгезин»дагилар ҳозир мени кўришса эди!»

Ўтган ой «Бостон мэгезин» журнали Лэнгдонни шаҳардаги «Энг кўп қизиқиш уйғотувчи» кишилар ўнталигига киритган эди. Бундай кутилмаган «обру» унинг бир қадар саросима ва ҳайратига, Гарварддаги ҳамкасбларининг эса доимий кулгисига сабаб бўлганди. Мана энди журнал томонидан кўрсатилган ҳурмат уйдан уч минг миля\* узоқликда расвогарчиликка айланиб, Париж университетига маърузасига қадар уни таъқиб этиб келди...

– Хонимлар ва жаноблар, – дея мурожаат этди бошловчи одамлар билан лиқ тўла «Шаҳзода павильони»га қарата, – бугунги меҳмонимизни таништиришга ҳожат йўқ. У кўплаб китоблар муаллифи ҳисобланади: «Махфий секталар рамэлари», «Закийлар санъати: идеограмма\*\*ларнинг бой берилган тили» каби асарлар шулар жумласидан. Яқиндагина эса унинг «Диний тасвирий санъат» номли янги китоби ҳам нашрдан чиқди. Билишимча, кўтчилигингиз учун унинг китоблари дарслик бўлиб қолган.

Талабалар тасдиқ аломати сифатида бошларини қимирлатишди.

– Бугун эса сизларга бу ажойиб инсоннинг намунали ҳаёт йўли ҳақида гапирмоқчи эдим. Аммо, – у ҳайрат столи ортида ўтирган Лэнгдонга шодон қараб қўйди, – ҳозиргина талабаларимиздан бири менга, айтиш мумкинки, қизиқарли дебчани тақдим этди.

Бошловчи кўлидаги «Бостон мэгезин»ни ҳаммага кўз-кўз қилди.

Лэнгдоннинг ҳуши бошидан учаёзди. «*Жин урсин, қаердан топди экан бунид?*»

Бошловчи ўша аҳмоқона мақоладан парчалар ўқий бошлади, Лэнгдон эса ўтирган креслосига тобора чуқурроқ чўкиб борарди. Яна ўттиз сониядан кейин ўтирганлар ошкора хиринглар, аёл эса ўқишдан тўхтаб демасди. «...Жаноб Лэнгдон ўтган йили Ватиканда бўлиб ўтган йиғилишдаги ғайриоддий роли ҳақида оммавий ахборот воситаларига гапиришдан бош тортганди. Бу эса унинг «қизиқарли шахслар» ўнталигига киришига анчагина қўл келди».

Шу жойга келганда у аудиторияга мурожаат қилди:

– Яна эшитишни хоҳлайсизларми?

---

\*Миля – 7420 метрга тенг масофа ўлчови.

\*\*Идеограмма – бирор маънони шартли ифодалайдиган ёзув белгиси.



Жавоб тариқасида гулдурос қарсақлар янгради. «Йўқ, кимдир уни тўхтатиши керак», ўйлади Лэнгдон. Аёл эса янги парчани ўқишга киришди: «...Гарчанд айрим ёш талабгорлар каби ўта келишган бўлмаса-да, қирқдан ошган профессор Лэнгдон олимона жозиблага фарқ кўмилган. Унинг паст ва ёқимли овози жозибасини янада орттиради, талаба қизларнинг фикрича, бу овоз «қулоққа жуда ёқади».

Зал кулгидан гумбирлаб кетди.

– Миннатдорман, Моник, – аранг илжайганча ўрнидан турди Лэнгдон. – Бостонда чиқадиған ушбу журналда бадий сўз маҳоратини чуқур эгаллаган одамлар ишласалар керак, улар роман ёзишса яхши бўларди, менимча. – У енгил хўрсиниб аудиторияга кўз югуртириб чиқди. – Агар бу журнални ким олиб келганини билиб қолгудай бўлсам, ўша аблаҳни бу ердан ҳайдаб чиқаришларини талаб қилишим аниқ.

Ҳамма яна кулиб юборди.

– Шундай қилиб, азиз дўстлар, барчангизга маълумки, биз бу ерга рамзлар ҳукмронлиги ҳақида гаплашишга йиғилганмиз...

Телефон қўнғироғи Лэнгдоннинг хаёлини бўлиб юборди.

У хўрсиниқ аралаш нафас олди-да, гўшакни кўтарди:

– Лаббай!

Кутилганидек, бу яна портъе эди.

– Жаноб Лэнгдон, безовта қилганим учун яна бир бор уэр сўрайман. Меҳмон хонангиз томон йўл олди, шуни айтиш учун қўнғироқ қиялпман. Мен сизни огоҳлантириб қўйган яхшидир, деб ўйладим.

Лэнгдон энди батамом уйғониб кетган эди.

– Нима? Сиз уни менинг номеримга жўнатдингизми?

– Маъзур тутинг, месъе, аммо шундай мавқели кишига рад жавобини бериш... Уни тўхтатиб қолишга ҳақли эмасман, деб ўйладим.

– Ким экан ўзи у?!

Портъе гўшакни қўйиб бўлган эди.

Худди шу пайт эшик қаттиқ тақиллади. Лэнгдон истамайгина ўрнидан турди, унинг яланг оёқлари юмшоққина гиламда чўкиб кетди гўё. Эгнига халатни ташлади-да, эшик томон йўналди.

– Ким у?

– Жаноб Лэнгдон? Сиз билан гаплашиб олишим зарур. – Эшик ортидан эркак кишининг инглизчани бузиб гапиргани эшитилди, бироқ унинг овози кескин ва буйруқона эди. – Мен лейтенант Жером Коллеман, Судлов полицияси марказий бошқармасидан.

Лэнгдон қотиб қолди. «Судлов полицияси марказий бошқармаси?» У билардики, Франциядаги мазкур ташкилот АҚШдаги Федерал Қидирув Бюроси билан тенг мақомда.

У занжирчани ечмасдан, эшикни бир неча дўймга қия қилиб очди. Юзида бирор ифодадан асар ҳам топилмайдиган киши унга қараб турарди. У кўк форма кийган бўлиб, жуда ҳам озгин эди.

– Кирсам бўладими? – сўради Колле.

Лэнгдон иккиланиб қолди, лейтенант синчков нигоҳи билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

– Нима гап ўзи?

– Менинг капитанимга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Бир иш бўйича экспертиза олиб бориш керак.

– Ҳозирнинг ўзидами? – ҳайрон бўлди Лэнгдон. – Ахир вақт ярим кечадан ўтди.

– Библишимча, бугун кечқурун Лувр ноизи Жак Соньер билан учрашингиз керак эди, тўғрими?

Лэнгдонда безовталиқ пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам у маърузадан кейин муҳтарам Жак Соньер билан учрашишга ва бир пиёла чой устида суҳбатлашишга келишган эди. Бироқ нима учундир нозир айтилган жойга келмади.

– Ҳа. Сиз буни қаердан биласиз?

– Унинг стол тақвимида сизнинг фамилиянгизни топдик.

– Умид қиламанки, у соғ-саломат бўлса керак?

Агент хўрсинди ва тирқишдан «Полароид»да олинган расмини узатди.

– Расм бир соатча олдин, Луврда олинган.

Бутун танаси музлаб кетган Лэнгдон расмдан кўз узолмай қолди. Унинг нафрат ва ғазабга тўла овози қаҳрли янгради:

– Буни ким қилиши мумкин?!

– Биз ҳам айнан шуни аниқламоқчимиз. Диний рамэллар соҳа-сидаги билимларингиз ва Соньер билан учрашмоқчи бўлганингизни ҳисобга олган ҳолда, бизга ёрдам берасиз, деган умиддамиз.

Профессор ҳамон расмдан кўзини узмасди, энди унинг вужудини қоплаб олган нафрат қўрқувга айланди. Бу манзара ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди, аммо гап фақатгина бунда эмас. Худди шунга ўхшаш манзарани аввал ҳам кўрганди. Бир йилча муқаддам унинг қўлига кимнингдир жасади расмини тутқазиб, ҳозиргидай ёрдам сўрашганди. Ўшандан роппа-роса йигирма тўрт соат ўтиб Ватиканда ҳаёти билан хайрашишига бир баҳя қолди. Тўғри, айни пайтдаги расм бутунлай бошқа, аммо аввалги воқеалар так-рорланаётганга ўхшайди.

Лейтенант Колле соатига қараб қўйди:

– Капитаним сизни кутмоқда, сэр.

Бироқ Лэнгдон унинг гапини эшитмади, кўзлари ҳамон расмга қадалган эди.

– Мана бу ердаги белги, кейин жасаднинг бундай ғалати...

– У заҳарланганми? – тахмин билдирди агент.

– Умуман тушунолмаюпман, ким бундай ишни қилиши мумкин?

Колле қоғоғини уйиб олди.

– Илғамаган кўринасиз, жаноб Лэнгдон. Сиз расмда кўриб турган манзара... – у бир неча сония жим турди. – Қисқаси, буни месье Соньернинг ўзи қилган.

## ИККИНЧИ БОБ

Сайлас «Ритц» меҳмонхонасидан бир миляча нарида, рю Лабрюйердаги қизил гиштдан қурилган ҳашаматли бино дарвозасидан кириб борарди. Ёнбошига осиб олган, одам сочидан тўқилган тишли боғич терисига қаттиқ ботар, аммо у ич-ичдан хурсанд бўлганча қўшиқ хиргойи қиларди. Бўлмаса-чи, ахир у Парвардигорга ўринлатиб хизмат қилиб қўйди-да.

*«Бундай пайтда оғриқ кони фойда».*

У бино ичига, вестибюлга кирди-да, қизил кўзлари билан атрофга разм солиб чиқди. Кейин эса ухлаб ётган биродарларини

безовта қилмаслик учун зинадан сассизгина юқорига кўтарила бошлади. У ётадиган хона эшиги очиқ эди, чунки бу ерда қулф ўрнатиш тақиқланган. Сайлас ичкарига кириб, эшикни ёпди.

Хона ўта камтарлик билан жиҳозланган – тахта полга ҳеч нарса тўшалмаган, қарағайдан ясалган оддийгина жавон, бурчакда эса эскириб кетган тўшак. Сайлас бу ерда меҳмон, аммо Нью-Йоркдаги уйида ҳам худди шундай ҳужраси бор. У шошганча жавон олдига келди ва пастки тортмадан уяли телефонини олиб, керакли рақамларни терди.

– Лаббай! – эрақак кишининг овози эшитилди нариги томондан.

– Устоз, мен қайтиб келдим.

– Гапир! – буйруқ берди суҳбатдоши.

– Улуғ устага қўшиб, унинг уч нафар ноибини ҳам гумдон қилдим.

Ўртада бир муддат жимлик пайдо бўлди, суҳбатдоши гўё дуо ўқиётгандай эди.

– Бирор маълумот олгандирсан?

– Тўртови ҳам бири-бирдан беҳабар ҳолда бор ҳақиқатни тан олишди.

– Сен уларга ишондингми?

– Уларнинг бари бир хил нарсани гапиришди, бу тасодиф бўлиши мумкин эмас.

Суҳбатдошининг овози тўлқинланиб чиқди:

– Жуда саз! Мен биродарчиликка хос сир яшириш устун келса керак, деб ўйлагандим.

– Аммо ўлим исини туйган одам омон қолиш учун ҳар нарсага тайёр бўлади.

– Шундай қилиб, шогирдим менинг, интиқиб кутаётган нарсамни менга айта қол.

Қурбонлардан олинган ахборот бомба портлаши каби таассурот қолдиришини Сайлас яхши тушунар эди.

– Устоз, улар афсонавий пойдевор тоши мавжудлигини тасдиқлашди.

У суҳбатдоши деярли нафас олмаётганини англади, Устози вужудини қоплаган ҳаяжонни ўзи ҳам ҳис қилгандай бўлди.

– Пойдевор тоши. Айни биз тахмин қилган нарса.

Афсонага кўра биродарлар иттифоқи пойдевор тоши харитасини яратган. Харитада биродарликнинг буюк сири қаерга яширинганини баён қилувчи белгилар ўйиб битилган... Бу маълумот шундай кучга эга эдики, уни ҳимоя қилиш биродарлик давомийлигининг моҳиятига айланиб қолган эди.

– Баракалла, – деди Устоз, – энди охирги қадам қолибди, холос.

– Биз тошга сиз ўйлагандан ҳам яқинроқмиз. У шу ерда, Парижда.

– Парижда? Ақл бовар қилмайди!

Сайлас унга кечаги оқшомда юз берган воқеаларни гапириб берди. Тўрт қурбоннинг ҳар бири ўлимига бир неча сония қолгач, ўзининг гуноҳларга тўла ҳаётини сақлаб қолиш учун биродарликнинг барча сирларини ошкор этганини ҳам айтди. Уларнинг билдиришича, пойдевор тоши Парижнинг хилват масканида жойлашган қадимий Эглиз де Сен-Сюльпис черковига моҳирлик билан яширилган.

– Тангри уйда! – ҳайқириб юборди Устоз. – Улар бизнинг устимиздан кулишга қандай журъат этишди?!

– Устоз, улар бу иш билан бир неча асрдан бери шуғулланиб келишмоқда.

Устоз зафар онларидан ҳузур қилишни хоҳлади чоғи, жимиб қолди. Ниҳоят, тағин тилга кирди:

– Сен Яратганга улкан хизмат кўрсатдинг. Биз бу соатни юз йиллардан бери кутмоқдамиз. Бу тошни менга топиб келишинг керак. Зудлик билан! Шу бутуноқ! Умид қиламанки, бунинг қанчалар катта аҳамиятга эгаллигини ўзинг жуда яхши биласан.

– Аммо у черков мустақкам қалъадай гап. Айниқса кечқурун. У ерга қандай бораман?

Шунда Устоз катта ҳукмронлик ва обрўга эга кишининг қатъий оҳангида бу ишни қандай амалга ошириш кераклигини тушунтирди.

Сайлас телефони ўчирди ва кучли ҳаяжондан танасида оғриқ турганини сездди.

Олийҳиммат Устоз унга Тангри уйига киришдан олдин ибодат қилиб олиш учун бир соат муҳлат берди.

«Бугун содир этган гуноҳлардан руҳимни поклашим керак».

Бу гуноҳлар эзгулик йўлида амалга оширилди, демакки, афв этилиши аниқ.

Шунга қарамай, гуноҳлардан халос бўлиш учун қурбонлик қилиши лозимлигини Сайлас биларди.

У пардаларни ёпди, яланғоч бўлиб ечинди-да, хона ўртасида чўккалаб олди. Кейин эса ёнбошини ўраб турган тишли боғичга кўз ташлади. «Йўл»нинг барча ҳақиқий издошлари ана шундай боғичларни тақиб юрар, ҳар сафар ҳаракатланганда унинг учи ўткир темир тишлари баданга қадаларди. Бу эса ўз навбатида ҳазрати Исо чеккан азиятларни эсга солади. Бундан ташқари, боғич шаҳвоний истакларнинг исёнини ҳам босиб туради.

Гарчи Сайлас боғични керагидан икки соат ортиқ тақиб юрган бўлса-да, оғриқлар унга кўпам сезилмади. Чунки бугун ҳар қачонгидан-да бошқача кун. У боғични қаттиқроқ тортди, шафқатсиз темир тишлар баданига чуқурроқ ботаркан оғриқдан юзи бужмайиб кетди. Кейин эса кўзларини оҳиста юмди, руҳий поклик ва ҳаловат бахш этувчи бу азобдан роҳат туя бошлади.

«Азоб кони фойда», хаёлидан ўтказди Сайлас. Барча устозларнинг устози бўлмиш Хосе Мария Эскрива ўзининг муқаддас баёнида худди шундай деган. Эскрива 1975 йили ёруғ олам билан хайрлашган бўлса-да, у бошлаган ишни курраи замин бўйлаб минглаб муридлари давом эттиришмоқда, пурҳикмат сўзларини такрор ва такрор ёдга оладилар. Айниқса тиз чўкканча ўтказиладиган «танани ўлдириш» номи билан машҳур, ўзини-ўзи жазолаш маросими пайтида Эскриванинг ўғитлари тинимсиз янграб туради.

Сайлас оёқлари остида ётган ўроғлиқ арқонни кўрди. Арқон кўпол қилиб ўрилган, майда тутунчаларида қон қотиб қолганди. Янада кўпроқ поклик ато этувчи оғриқни олдиндан сезган Сайлас қисқагина дуо ўқиди. Кейин эса арқоннинг бир учидан ушлаб кўзларини юмиб олди. Елкаси оша ўзига-ўзи зарбалар бераркан, тутунчалар терисини тирнаб ташлаётганини ҳис қилди. Сўнг яна, аввалгидан-да қаттиқроқ урди, яна, кейин яна... Ўзини-ўзи азоблаш узоқ давом этди.

Ниҳоят Сайласнинг орқасидан қон томчилай бошлади.

## УЧИНЧИ БОБ

Апрелнинг тетиклик бағишловчи шабадаси «Ситроен ZX»нинг очиқ ойнасига урилиб, борган сари кучаярди. Мана, машина Опера биноси олдидан ўтиб, жануб томонга бурилди ва Вандом майдонини кесиб ўтди. Орқа ўриндиққа жойлашиб олган Роберт Лэнгдон кўз олдидан ўтаётган шаҳар манзарасига паришонхотирлик билан тикилар ва айни пайтда фикрларини жамлаб олишга уринарди. Йўлга чиқишдан олдин шошилиш равишида соқолини қиртишлаган, душ қабул қилганди. Бир қарашда хотиржамдай кўринса-да, аммо ички безовталиги ҳамон тарқалмаяпти. Кўз олдидан ўша даҳшатли манзара – жасаднинг полда ётган ҳолати кетмаётган эди.

«Жак Соньер ўлди».

Лэнгдон унинг ўлими билан катта бир нарсасини йўқотгандай бўлди. Айримлар Соньерни одамовилик ва тарки дунёчиликда айб-лашса-да, у санъатнинг ҳақиқий билимдони сифатида тан олинганди. Соньер билан санъат мавзусида хоҳлаганча суҳбатлашиш мумкин эди. Лэнгдон ўз маърузаларида унинг китобларидаги Пуссен ва Тенирс полотноларига яширинган сир ҳақидаги парчаларни ўқишдан чарчамасди. У Соньер билан бўладиган ўша учрашувни интиқлик билан кутган, нозир келмаганидан қаттиқ хафа бўлганди.

Унинг хаёлида яна таҳқирланган жасад пайдо бўлди. «Буни Жак Соньернинг ўзи қилган?» Ишониш қийин. Лэнгдон даҳшатли манзарани хаёлидан чиқариб ташлаш учун яна ойна томонга ўтирилиб олди. Кўчалар тобора торайиб, эгри-бутри бўлиб боряпти, ҳамма ўз иши билан машғул: ана, шакарли бодом солинган ар-вачасини миниб олган сотувчилар, чиқиндилди қопларни йўл четига ташиётган официантлар. Бир-бирининг пинжига суқилиб кетаётган йигит ва қиз эса тўхтади-да, худди ясмин ҳавоси уфураётган салқин баҳор ҳавосида исинмоқчи бўлгандай қаттиқ қучоқлаша бошлади. «Ситроен» эса уларга зиғирча парво қилмай, сиренасини чин-қиртирганча илгарилаб бормоқда.

– Париждан ҳали кетиб қолмаганингизни эшитгач, капитан жуда хурсанд бўлди, – деди Колле, меҳмонхонадан чиқишгандан буён биринчи марта сўз очиб. – Бахтли тасодиф.

Бироқ Лэнгдон ўзини асло бахтли сезаётгани йўқ, тасодифларга эса кўпам ишонавермайди. У бутун ҳаёти давомида беқийёс рамзлар ва дунёқарашлар ўртасидаги яширин риштани ўрганиб келар, дунёни эса тарихлар ҳамда воқеалар ўзаро чирмашиб кетган тўр деб биларди. «Бу боғлиқликлар кўзга кўринмаслиги мумкин, – дея таъкидларди у Гарварддаги машғулотларда, – аслида улар мавжуд ва жуда юзага яшириб қўйилган».

– Тушунишимча, – деди Лэнгдон, – Париждалигимни Америка университетидан билиб олгансизлар.

Ҳайдовчи бошини чайқади:

– Йўқ, Интерполдан.

«Ҳа-я, Интерпол», ўйлади Лэнгдон. Европа меҳмонхоналарида рўйхатдан ўтиш учун паспорт талаб этилиши шунчаки расмийатчилик эмаслигини буткул унутибди. Ҳа, қонун амри шундай. Бу кеча ҳам Интерпол ходимлари ким қаерда ухлаётганидан, албатта, хабардор бўлишган. Лэнгдонни «Ритц» меҳмонхонасидан топиш ҳечам қийинчилик туғдирмаган, бунинг учун беш сониягина вақт сарфлашгандир.

«Ситроен» тезлигини оширганча жанубий йўналиш бўйлаб елиб борарди. Ана, узоқдан чироқлар билан ёритилган Эйфел бўй кўрсатди. Минорани кўрган Лэнгдон Витторияни эслади. Бир йил олдин улар ҳар олти ойда дунёнинг бирор романтик масканида учрашишга ҳазиломуз ваъдалашишган эди. Лэнгдоннинг гумони-ча, Эйфел минораси ҳам шундай жойлар сирасига кирар эди. Афсуски, улар гавжум Рим аэропортида ўпишиб хайрлашганларидан бери кўришганлари йўқ.

– Сиз унга чиққанмисиз? – сўради Колле.

Лэнгдон унинг саволини илғамади:

– Нима?

– Жуда чиройли-а? – Колле боши билан Эйфел томонга ишора қилди. – Унга ҳеч чиққанмисиз?

– Йўқ, минорага чиқмаганман.

– У – Франция тимсоли. Шахсан мен уни мукаммаллик тимсоли деб ҳисоблайман.

Лэнгдон парижонлик билан бошини қимирлатди. Рамзлар соҳаси мутахассислари ўзининг жанговар феминизми, Наполеон ва



Пипин Пакана каби диктаторлари билан донг таратган Франция учун бундай осмонўпар тимсол кўп-да мос келвермаслигини таъкидлар эдилар.

Улар қизил чироқ ёниб турган рю де Риволи чорраҳасига етиб келишди, аммо «Ситроен» тўхташ тугул тезликни камайтирмади ҳам. Колле газга қаттиқроқ босди, машина чорраҳани кесиб ўтиб, машҳур Тюильри боғининг шимолий кириш қисми томон кескин бурилди. Улар кимсасиз боққа кириб борганларидан сўнггина Колле тезликни пасайтириб, сиренани ўчирди. Лэнгдон баҳорнинг хуш исларига тўйинган ҳаводан чуқур нафас олди, атрофдаги осойишталик эса руҳига ором бағишлади. Йўлакдаги майда шағаллар галоген чироқларнинг совуқ нурида ялтирар, машина шинаси эса худди аллалагандек шитирлар эди. Лэнгдон Тюильри боғини ҳар доим муқаддас маскан ҳисоблаган. Айнан шу ерда Клод Моне ранг ва шакл устида тажрибалар олиб борган ва импрессионизм\*ни бошлаб берган. Бугун эса боғда алланечук ёқимсиз муҳит ҳукмрон.

«Ситроен» чапга бурилиб, боғнинг марказий хиёбони бўйлаб шарққа томон юриб кетди. Улар айлана кўлдан, яна бир кимсасиз хиёбондан ўтишди ва Лэнгдон боғдан чиқишдаги катта тошли аркни кўрди.

Ҳа, бу ўша – Карузель арки. Қадим замонларда бу ер энг ваҳшиёна маросимлар, оммавий ишратбозликлар гувоҳи бўлган, бироқ санъат ихлосмандлари аркни бошқа сабаб туфайли севишади. Айнан шу ердан чиқаверишда тўрт томонда жойлашган нафис санъат музейларини кўриш мумкин.

Сена дарёсининг ўнг қирғоғида байрамона ёритилган эски темир йўл вокзали биноси кўришиб турибди, энди эса унинг бағри қизил қарли д“Орсе музейига макон бўлган. Чап томонга қаралса, ҳашаматли Помпиду марказининг юқори қисмини кўриш мумкин, у ерда Замонавий санъат музейи бор. Лэнгдон орқа томонда дарахтлардан ҳам баландга бўй чўзган қадимий Рамсес ёдгорлиги борлигини биллади. Унинг енида Ме-де-Гом музейи қад ростлаган.

---

\*Импрессионизм – XIX аср ўрталарида санъат ва адабиётда пайдо бўлган идеалистик оқим.

Ва ниҳоят шарқ томонда, Уйғониш даври услубида қурилган сарой арклари ортида дунёнинг энг машҳур музейларидан бири – Луврни кўриш мумкин.

Лэнгдон яна бир бор ҳайрат ва завқ аралаш ҳисни туйди. Бу азим иншоотни бирданига тасаввурга сиғдириш қийин. Улкан майдон, ундан кейин Лувр фасади. У гўёки Париж осмонига интилаётган қўрғонга ўхшайди. Лувр Европадаги энг узун бино ҳисобланади, унинг узунлиги бўйлаб нақ учта Эйфел минорасини жойлаштириш мумкин. Ҳатто ушбу ажойиб иншоотнинг икки қаноти орасидаги миллион квадрат фут майдон ҳам фасаднинг салобатини асло камайтира олмайди. Бир марта Лэнгдон Луврни периметр\*и бўйлаб юриб чиқишга қарор қилди, ажабки, уч миля йўл босибди.

Ўртача ҳисобга кўра, музейдаги 65 300 экспонатни диққат билан кўриб чиқиш учун беш ҳафта керак бўларкан. Аксар сайёҳлар эса кўз югуртириб чиқиш билан кифояланишади. Лэнгдон буни ҳазиллашиб Лувр бўйлаб югуриш деб атаydi. Сайёҳлар энг машҳур уч экспонат – Мона Лиза, Венера Милосская ва галаба маъбудаси ҳисобланмиш қанотли Никани кўриш учун тез-тез қадам ташлайдилар. Америкалик таниқли журналист Арт Бухвальд ушбу дурдона асарларни кўриш учун беш дақиқаю эллик олти сония сарфлаганини айтиб, мақтанган экан.

Ҳайдовчи радиоалоқа мосламасини олиб, французчалаб гапирди:

– Жаноб Лэнгдон етиб келди. Икки дақиқадан кейин ёнингизда бўлади.

Жавобни тушуниб бўлмади. Колле мосламани суриб, Лэнгдонга ўтирилди:

– Капитан билан асосий кириш жойида учрашасиз.

Шундан кейин у майдонга ўтишни тақиқловчи белгиларга қарамасдан гаэни оширди ва панжараларни айланиб ўтди. Ана энди асосий кириш қисми намоён бўлди. Лувр биносининг олд томони ўзига хос улуғворлик касб этган, атрофидаги еттибурчакли фавворалар эса рангдор шуъалаларга монанд ўйноқилаydi.

Луврга янги кириш жойи худди музей каби машҳур бўлиб кетган. Уни америкалик меъмор И. И. Пей томонидан бунёд этилган

---

\*Периметр – ҳамма тарафларнинг узунлиги йиғиндиси.

ойнаванд эҳром безаб турибди. Эҳромнинг модернизм\* услубида қурилгани анъанадорларга ёқмагани аниқ. Улар ушбу иншоот Уйғониш даври услуби ва мавқеига путур етказиши деб ҳисоблар эдилар. Гёте ушбу меъморчилик асарини тўхтаб қолган мусиқа деб атаган бўлса, Пейнинг танқидчилари уни синф тахтаси бўйлаб тирноқнинг гичирлашига ўхшатишган. Илғор фикрли кишилар эса бўйи етмиш фут келадиган шаффоф эҳромни қадимий анъаналар ва замонавий технологияларнинг ажойиб уйғунлиги, ўтмиш ва бугунги кунни боғлаб турувчи рамзий ҳалқа деб ҳисоблашган. Улар ана шундай безакка эга Лувр учинчи минг йилликда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига қаттиқ ишонганлар.

– Бизнинг эҳром сизга ёқадими? – сўради Колле. Бунга жавобан Лэнгдон юзини тириштирди. Ўзи французлар америкаликларга шунақа саволлар беришни ёқтиришади чоғи. Бу албатта илмоқли савол эди. Эҳром ёқишини тан олсанг, дарров сени дидсиз америкаликлар сафига қўшиб қўйишади, тан олмаслик эса французларни хафа қилиш дегани.

– Миттеран жасур ва дангалчи киши эди, – дипломатларга хос усталик билан жавоб берди Лэнгдон.

Айтишларича, Франциянинг марҳум президенти Миср маданияти ишқибози бўлган экан. Унинг буйруғига биноан Париж Миср ёдгорликлари ва унинг қадимги маданиятига оид буюмларга тўлиб кетди. Президент Миср маданиятига жуда қизиқса-да, бу борада кўпам билимдон эмасди, шунинг учун ҳам уни французлар ҳалигача Сфинкс\* деб аташади.

– Капитаннинг исми нима? – деди Лэнгдон суҳбат мавзусини ўзгартирмоқчи бўлиб.

– Безу Фаш, – жавоб берди лейтенант машинани эҳромнинг кириш қисми томонга бураётиб, – аммо биз уни le Taureau деб атаймиз.

Лэнгдон унга ажабланган кўйи қаради:

– Сизлар ўз капитанингизни Буқа деб атайсизларми?

---

\*Модернизм – XIX аср охири ва XX аср бошларида санъат ва адабиётда вужудга келган нореалистик оқим.

\*Сфинкс – икки маънода қўлланилади: одам бошли шер ҳайкали ҳамда ичидагини ҳеч ким билмайдиган сирли одам. Ёзувчи кейинги маъносини қўлламоқда.

Қизиқ экан бу французлар, одамгаям ҳайвон лақабини қўядими? Колленинг қошлари юқорига кўтарилди:

– Камтарлик қилмасангиз ҳам бўлади, французчада ўзингиз эътироф этгандан анча яхши гапиряпсиз.

*«Менинг французчам ҳеч вақога ярамайди, – ўйлади Лэнгдон. – Лекин бурж белгиларидан хабарим бор. Таурус ҳамиша буқа бўлган. Мунажжимлик белгилари бутун дунёда бир хил».*

Лейтенант машинани тўхтатди ва эҳромнинг иккита фаввора ўртасидаги катта эшигини кўрсатди:

– Кириш шу ёқда. Сизга омад тилайман, месье.

– Сиз мен билан бирга бормайсизми?

– Буйруққа биноан сизни шу ерда қолдиришим керак. Менинг бошқа ишларим бор.

Лэнгдон енгилгина хўрсиниб, машинадан тушди.

*«Бу сизларнинг ўйинингиз, қодалари ҳам».*

Мотор ўт олди ва «Ситроен» ўз йўлига равона бўлди.

Лэнгдон тезлик билан кўздан ғойиб бўлаётган машинага тикилганча ўйлади: *«Уларнинг таклифини қабул қилмасам нима бўлади? Майдонни кесиб ўтиб, такси ушласаму меҳмонхонага жўнасам ва ётиб ухласам-чи?»* Аммо қандайдир ички бир ҳиссиёт уни бу фикрдан қайтарди.

Лэнгдон туман кўтарилётган фавворалар томон юраркан, қандайдир бошқа бир дунёнинг остонасига қадам босаётгандай туюлди. Бугун кечқурун содир бўлаётган воқеалар тушда кечаётганга ўхшайди. Йигирма дақиқа аввал меҳмонхонада тинчгина ухлаб ётган эди. Энди Сфинкс қурдирган ойнаванд эҳром қаршисида турибди ва Буқа лақабли полициячи билан кўришиши керак.

Лэнгдон асосий кириш қисми бўлган улкан айланувчи эшик томон юрди. Ойна ортидаги фойе хира ёритилган бўлиб, у ерда ҳеч ким йўққа ўхшарди.

*«Балки тақиллатиш керакдир? Қизиқ, Гарварднинг машҳур мисршуносларидан биронтаси илинж билан эҳром эшигини тақиллатганмикин?»*

У эндигина қўлини кўтарган ҳам эдики, ғира-шираликда кимдир кўринди. Нотаниш киши шошганча айланма зинадан кўтари-

лар эди. У тўладан келган, миқтигина, қорасоч бўлиб, кўринишидан неандертал одамга ўшаб кетарди. Қора, икки ёғи тугмали костюми кенг елкаларида ҳозир ёйилиб кетадигандай эди. Оёқлари калтароқ ва қийшиқроқ бўлиб, қадам босишидан шаддодлиги билиниб турарди. У юрган йўлида уяли телефонда гаплашиб келарди, эшикка яқинлашгач эса суҳбатини тугатди ва қўл ишораси билан Лэнгдонни ичкарига таклиф қилди.

– Мен Безу Фашман, – дея ўзини таништирди у Лэнгдон айланма эшикдан ўтиши биланоқ. – Судлов полицияси марказий бошқармаси капитани.

Унинг овози ташқи кўринишига мос бўлиб, ойнаванд қубба остида гумбурлаб чиқди.

Лэнгдон кўлини узатди:

– Роберт Лэнгдон.

Унинг қўли Фашнинг каттакон кафти орасида қисилиб қолди.

– Мен расмни кўрдим, – деди Лэнгдон, – агентингизнинг айтишича, буни Соньернинг ўзи қилган эмиш ва...

– Жаноб Лэнгдон, – унинг гапини бўлди Фаш, – расмда кўрганнингиз Соньер қилишга улгурган ишларнинг бир қисми, холос.

## ТҲРТИНЧИ БОБ

Бўй-бастаи ва ўзини тутиши билан капитан Фаш ҳақиқатан ҳам жаҳлдор буқани эслатарди. У шахдам қадам ташлар, елкасини сал букчайтириб олган, оғир энгаги кўкрагига ботиб турарди. Қора сочлари орқасига таралган, қандайдир лосьсон сурилган шекилли, ялтирар ва туртиб чиққан пешонасини очиб турарди. У йўл-йўлаккай қора кўзлари билан ҳамма ёқни синчковлик билан текшириб чиқарди. Унинг мисолида ўз мақсадига эришмагунча тинмайдиган одамнинг шиддати намоён эди. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, Безу Фаш ҳар бир масалага жиддий ёндошадиган ва ҳеч қачон ён босмайдиган киши номини олган.

Лэнгдон ойнаванд эҳром ичидаги кичик ҳовличага элтадиган машхур мрамар зина бўйлаб капитаннинг орқасидан юриб борарди. Зинадан тушаётиб судлов полициясининг автоматлар билан қуролланган икки соқчиси ёнидан ўтиб кетишди. Ҳаммаси аён:

бугун бу иншоотга капитаннинг рухсатисиз ҳеч ким кирмайди ва ҳеч ким чиқиб ҳам кетмайди.

Улар ер устидаги қаватдан ўтиб, янада пастроққа туша бошладилар. Лэнгдон ўзидаги асабий титроқни аранг босди. Капитан Фашнинг борлиги уни бироз тинчлантирар эди, аммо айти пайтда Лувр худди зимистон қабристонга ўхшайди. Зинапояларга кино-театрларда бўлгани каби кичкина чироқлар ўрнатилган. Лэнгдон ҳар бир босаётган қадами шиша равоқлар остида акс-садо бераётганини эшитиб турарди. У бошини кўтариб эҳромнинг ойнаванд томи ортида фаввораларга ўрнатилган ранг-баранг чироқларнинг хира товланишини кўрди.

– Қалай, ёқдимми? – сўради Фаш кенг энгагини кўтараркан.

Лэнгдон хўрсинди. Бу ўйинлар унинг жонига тега бошлаган эди.

– Ҳа, эҳром ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб.

– Эҳ, буни Париж юзидаги чандиқ дейиш мумкин, – ачиқ-ланиб гапирди капитан Фаш.

Бу одамга ёқиш қийинлигини Лэнгдон тушунди. «Франсуа Миттеран ҳомийлигида қурилган ушбу эҳром 666 дона шиша панеллардан иборат эканлигини капитан Фаш билармикан», деб ўйлади у. Чунки бу нарса кўп баҳслар ва беҳуда мишмишларга сабаб бўлганди, айниқса президентга қарши бўлганлар орасида. Улар 666 иблисга тегишли сон деб ҳисоблар эдилар.

Лэнгдон бу мавзуда тўхталмасликка қарор қилди. Улар янаям чуқурроққа тушдилар ва ер ости вестибюлига кирдилар. Атроф гира-ширалигидан бу ернинг ҳақиқий катталигини аниқлаш қийин эди. Эллик етти фут чуқурликда қурилган Луврнинг бу янги биноси 70 000 квадрат фут майдонни эгаллар ва улкан горни эслатарди. Кундузлари вестибюл ёруғ ва гавжум бўлади, айти дамда эса бу ердаги ҳолат ҳечам байрамона эмас. Хира ёруғлик ва кимсасизлик кишида гўё совуқ сағанада тургандек таассурот уйғотарди.

– Музей ходимлари қани? – сўради Лэнгдон.

– Карантинда, – жавоб берди капитан пичинг билан. Лэнгдон унинг йигитларини ким деб ўйлади экан. – Бугун тунда музейга бегона одам киргани аниқ. Луврнинг барча тунги қоровуллари бинонинг бошқа қанотида, уларни сўроқ қилишяпти.

Лэнгдон бош ирғаб, Фашдан қолиб кетмаслик учун қадамни тезлатди.

– Жаноб Лэнгдон, сиз Жак Соньер билан яхши танишмисиз?

– Умуман таниш эмасмиз. Мен у билан ҳеч қачон кўришмаганман.

Фаш ҳайрон бўлди.

– Лекин оқшомда учрашмоқчи эдингиз-ку?

– Ҳа. Америка университетидаги маърузадан кейиноқ учрашишга келишгандик. Мен уни кутдим, лекин у келмади.

Фаш ён дафтарига нималарнидир ёзиб қўйди. Улар яна озгина юришди ва Лэнгдон Луврнинг унча маълум бўлмаган, тўнтарилган деб аталувчи эҳромини кўрди. У шифтдан осилиб турар ва гордаги сталактитни эслатарди. Фаш имо билан Лэнгдонни ер ости йўлига олиб чиқувчи зинапояларга кўтарилишга таклиф қилди. Кираверишга «DENON» деб ёзилган эди. Бу ном Луврнинг энг машҳур экспонатлари жой олган қанотига тегишли.

– Оқшомдаги учрашувни ким таклиф қилди? – кўрс оҳангда сўради Фаш. – Сизми ёки у?

Бу савол профессорга ғалати туюлди.

– Умуман олганда, жаноб Соньер, – жавоб берди Лэнгдон ер ости йўлига кираётиб. – Унинг котибаси бир неча ҳафта олдин мен билан электрон почта орқали боғланганди. Соньер Парижда маъруза қилишимдан хабар топганини ва айрим масалаларни муҳокама қилиш учун учрашиш ниятида эканини ёзганди.

– Айнан қандай масалаларни?

– Билмайман. Санъат билан боғлиқ масалалар бўлса керак, деб тахмин қиламан. Чунки бизнинг қизиқишларимиз ўхшаш эди.

Фаш Лэнгдонга ишонмаётгандек қараб турарди.

– Демак, Соньер сизни нима мақсадда учрашувга таклиф қилганини билмасдингиз, шундайми?

Лэнгдон чиндан ҳам билмас эди. «Соньердан менга нима керак бўлиши мумкин», деб ўйларди у. Тасвирий санъат боида улкан билимдон ҳисобланган Соньер ўзининг одамовилиги билан ҳам ном чиқарган бўлиб, камдан-кам ҳолларда маърузалар ва бошқа жамоат тадбирларида иштирок этарди. Лэнг-

дон ана шундай инсон билан сўхбатлашиш имконига эга бўла-  
жагидан хурсанд бўлиб кетган эди.

– Жаноб Лэнгдон, қотиллик юз берган оқшом Соньер сиз билан айнан нималарни муҳокама қилиши мумкинлиги ҳақида бирор тахминингиз бордир? Бу текширувларга катта ёрдам берган бўларди.

Лэнгдон саволнинг қочиримли эканини англаб, асабийлаша бошлади.

– Ҳеч қандай тахминим йўқ. Бу ҳақида сўрамаганман. Шундай инсон мен билан учрашмоқчи бўлганидан жуда мамнун эдим. Мен Соньер асарларининг мухлисман. Унинг мулоҳазаларини кўпинча дарсларда келтириб ўтаман.

Фаш ён дафтарига яна алланималарни ёзиб қўйди.

Улар боришлари лозим бўлган манзилнинг ярмига етишганида Лэнгдон рўпарасида ҳаракатсиз икки эскалаторни кўрди.

– Демак, сизларнинг умумий қизиқишларингиз бор эди, шундайми? – сўради Фаш.

– Ҳа. Ўтган йил давомида мен жаноб Соньернинг илмий изланишларига асосланган китобнинг хомаки нусхаси устида ишладим. Унинг билимларига қаттиқ ишонгандим.

– Ўша китобингиз қайси мавзуга бағишланганини билсам бўладими?

– Унда асосан маъбудага сиғиниш билан боғлиқ масалалар, аёллик ибтидосининг муқаддаслиги ёритилган. Шунингдек, шу мавзудаги бадий тасвирлар ва тимсолларга ҳам бағишланган.

Фаш гўштдор кафти билан бошини силаб қўйди.

– Соньер бу мавзуни яхши тушунармиди?

– Бу соҳанинг билимдони эди у.

– Тушунарли.

Аммо Лэнгдон капитан Фаш ҳеч нарса тушунмаганини фаҳмлади. Жак Соньер маъбудалар тимсоллари бўйича дунёдаги энг зўр мутахассис ҳисобланар эди. У ҳосилдорлик маъбудаси Уитаики ва муқаддас аёллик ибтидосига шунчаки қизиқибгина қолмади, балки йигирма йиллик нозирлик фаолияти даврида Лувр хазиналарининг кўпайишига ёрдам берди, маъбудалар тасвирларидан иборат дунёдаги энг йирик коллекцияни яратди: Дельфадаги кўҳна



юнон сағаналари безакларидан тортиб, тиллодан ясалган салтанат ҳассаларигача; тик турган митта фаришталарни эслатувчи қадимги Миср хочларидан тортиб, ёвуз руҳларни ҳайдашда ишлатилган шақилдоқларгача. Ниҳоят, маъбуда Исида ўғли Горни қандай вояга етказганлигини ифодаловчи ҳайкаллар мажмуаси.

– Балки Сонбер сизнинг қўлёмангиздан хабари бўлгандир? – тахмин қилди Фаш.

Лэнгдон бошини сарак-сарак қилди.

– Қўлёман ҳақида ҳеч ким билмасди, у шунчаки хомаки нуса. Бундан ташқари, тахминий режам ҳам бор, уни муҳарриримдан бўлак ҳеч кимга кўрсатмаганман.

Фаш жим бўлиб қолди.

Лэнгдон нима учун шу пайтгача қўлёмани ҳеч кимга кўрсатмаганлиги ҳақида гапириб ўтирмади. Қўлёманинг шартли номи «Бой берилган илоҳий назокатнинг рамзий белгилари» бўлиб, у диний тимсолшunosликнинг ўзига хос талқини эди ва бир қанча баҳсларга сабаб бўлиши мумкин.

Лэнгдон эгизак эскалаторларга яқинлашди ва бирдан ёнида Фаш йўқлигини сезиб қолди. Ортига ўтирилгач, хизмат лифтидан бир неча ярд\* берида турган капитанни кўрди.

– Лифтда кетамиз, – деди Фаш эшиклар очилиши билан. – Галереягача ҳали узоқ эканини тушундингиз деб умид қиламан.

Лэнгдон эса жойидан қимирламади.

– Нима, чўчияпсизми? – тоқатсизлик билан сўради Фаш лифт эшикларини ушлаб тураркан.

Лэнгдон эскалаторларга маъюслик билан қараганча чуқур нафас олди. Бунинг ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ, дея ўзини ишонтиришга ҳаракат қилди ва лифт томонга қадам босди. Лэнгдон болалигида қаровсиз қудуққа тушиб кетган ва ёрдамга келишгунча бир неча соатни совуқ сувда типирчилаб ўтказган, ҳалок бўлишига оз қолган эди. Ўшандан бери у лифтлар, ер ости йўллари, метролар ва ҳатто ёпиқ кортларга киришдан ҳам қўрқарди. «Лифт – ишончли ва хавфсиз қурилмалардан бири». ўзини ўзи ишонтиришга ҳаракат қиларди Лэнгдон ва айни пайтнинг ўзида

---

\*Ярд – 91,44 см га тенг узунлик ўлчови.

бу сўзларнинг биронтасига ҳам ишонмасди. У нафасини ичига ютганча лифт ичига қадам босди, эшиклар ёпилиши билан бада-нида энгилгина титроқ турди.

Улар икки қават юқорига кўтарилишгунча ўн сонияча вақт ўтди.

– Демак, сиз жаноб Соньер билан ҳеч қачон мулоқотда бўлмагансиз, шундайми? Почта орқали бир-бирингизга ҳеч нарса юбормаганмисизлар?

Яна ғалати савол. Лэнгдон «йўқ» деган маънода бошини қимирлатди.

– Йўқ. Ҳеч қачон.

Фаш профессорнинг гапини мулоҳаза қилиб кўраётгандай бошини ён томонга аста энгаштирди. Аммо бирор оғиз сўз қотмади, лифтниг хромланган эшигига тикилганча тураверди.

Улар тобора юқорилаб боришар, Лэнгдон диққатини тўрт дордан бошқа нарсага қаратишга уринарди. Лифтниг ялтироқ металл эшигида капитан бўйинбоғидаги тўғноғич аксини кўрди. Кумуш тўғноғич хоч шаклида бўлиб, ўн учта қора ақиқ билан безатилган эди. Лэнгдон бироз ажабланди. Хоч ва ўн учта тошчалар ҳазрати Исо ва унинг ўн икки ҳаворийсининг белгиси-ку. Полиция капитани ўз диний қарашларини бунчалик очиқ намойиш этиши Лэнгдонга ғалати туюлди. Аммо бу ер Франция эканлигини ҳисобга олиш керак. Ушбу мамлакатда насронийлик нафақат дин, балки дунёга келганда бериладиган ҳуқуқ ҳамдир.

Лифт тўхтаб, эшиклар очилди.

Лэнгдон тезгина йўлакка отилди, у Луврнинг машҳур баланд шифтлари ҳосил қилган бўшлиқ томон шошарди. Аммо у ошиққан олам тамомила бошқача бўлиб чиқди.

У иккиланганча тўхтаб қолди.

Фаш ўтирилиб қаради.

– Англашимча, жаноб Лэнгдон, Луврда ёпилгандан кейин бўлмагансиз чоғи.

«Ҳеч қачон», ўйлади Лэнгдон. У ўз ҳисларини тушунолмай ҳайрон эди.

Одатда чароғон ёритиладиган музей галереялари ҳозир хира қоронғиликка кўмилган эди. Ҳар доим шифтдан ёғилиб турадиган оқ сутранг нур ўрнига полдан хирагина қизғиш шуъла кўта-

рилиб турибди. Лэнгдон часпакларга ўрнатилган махсус ёритгичларни кўрди.

У қоронғи йўлакка бир муддат тикилиб, бундай ёритиш усулининг ҳеч қандай ғайриоддий жиҳати йўқлигини тушуна бошлади. Дунёнинг деярли барча йирик музейларида тунлари пастга ўрнатилган қизғиш ёритгичлар қўлланилади. Бу эса музей ходимлари ва қўриқчилари қай томонга ҳаракатланаётганини кўришга имкон беради. Бундан ташқари, санъат асарларини кун давомида кўмиб турувчи ёруғлик залворидан халос этади. Кучли ёруғлик полотнолардаги бўёқларнинг асталик билан ўчиб боришига олиб келади. Аммо бугун музейда аллақандай зимистонлик ҳукмрон, ҳамма жойда узун соялар чўзилган, баланд шифтлар остида худди қудуқдаги сингари зулмат қуюқлашган эди.

– Бу ёққа келинг, – деди Фаш ва бирдагина ўнганга бурилиб, бири бири билан боғланиб кетган галереялар занжири бўйлаб юриб кетди.

Лэнгдон капитаннинг ортидан қолмади, унинг кўзлари қоронғиликка кўника бошлаган эди. Аста-секин атрофдаги мойбўёқ билан чизилган суратлар кўрина борди, худди қоронғи хонада расмлар чиқаётганга ўхшайди. Лэнгдонга полотноларда тасвирланган одамлар уларни шубҳали нигоҳлар билан кузатиб қолаётгандек туюлди. Девогларга ўрнатилган назорат камералари эса гўёки ташриф буюрувчиларни огоҳлантириб тургандай: *«Сизларни кўриб турибмиз. Ҳеч нарсага тегманг»*.

– Буларнинг бари ростманми? – сўради Лэнгдон камераларга ишора қилиб.

– Албатта, йўқ, – жавоб берди Фаш.

Лэнгдон ажабланди. Бундай музейларда видеокузатув анча қимматга тушади ва самара бермайди. Музей эгаллаган жуда катта майдонларда нима бўлаётганини кузатиш учун Луврга бир неча юзлаб техник ходимларни ёллашга тўғри келган бўларди. Шунинг учун ҳам аксарият йирик музейлар «тўхтатиб қолиш» деб номланадиган тизимни ишлатишади. Бирор экспонатга салгина тегиб кетилса бас, тизим ишга тушиб кетади ва шу заҳотиёқ бошқарув пултига сигнал тушиб, барча кириш-чиқиш жойлари дарҳол ёпилади. Ўғри полиция ходимлари етиб келгунга қадар панжара ортида кутиб ўтиришга мажбур.

Олдиндан, мрамор йўлак адоғидан овозлар акс-садо билан чиқаётган эди. Афтидан, овоз ўнг томонда жойлашган катта тахмон шаклидаги хонадан келар эди. У ердан йўлакка ёрқин ёруғлик қуйилиб турарди.

– Нозирнинг хонаси, – тушунтирди капитан.

Нихоят, Лэнгдон Соньернинг ҳашаматли хонасида. Деворлар илиқ тусдаги ёғочлардан ишланган бўлиб, уларга қадимги усталарнинг асарлари осиб қўйилган. Хонага катта ёзув столи ўрнатилган, унинг устига тўлиқ қуролланган рицарларнинг икки футли ҳайкали қўйилган эди. Хонада бир неча агентлар уяли телефонда гаплашишар, нималарнидир ёзишар эди. Улардан бири Соньернинг ёзув столи ортида ўтирар ва портатив компьютерда нималарнидир ёзар эди. Бу тун нозирнинг хонаси судлов полицияси марказий бошқармасининг ҳақиқий штаб-квартирасига айланган эди.

– Жаноблар! – деди Фаш ва барча эркаклар бирданига ўгирилиб қарадилар. – Бирор баҳонани рўкач қилиб бизга ҳалақит қила кўрманг, тушунарлими?

Агентлар тушунганликларини билдириб, бирваракайига бошларини қимирлатишди.

Бундай буйруқнинг мазмуни равшан эди: Фаш ва Лэнгдонни ҳар қандай вазиятда ҳам безовта қилиш мумкин эмас.

Ҳамкасбларини хонада қолдириб, Фаш у ердан чиқди ва Лэнгдонни яна ним қоронғи йўлак бўйлаб бошлаб кетди. Тахминан ўттиз ярдларча олдинда Луврнинг энг машҳур Катта галереясига кириш жойи кўриниб турарди. У чексиз йўлакка ўхшар, деворларига энг қимматбаҳо асарлар, яъни италян тасвирий санъатининг ноёб дурдоналари осиб ташланган эди. Лэнгдон айнан шу ерда Соньернинг жасади топилганини фаҳмлади. «Поляроид» билан олинган суратда Катта галереянинг машҳур паркет поли аниқ тасвирланган эди. Улар яқинлашиб келдилар ва шунда Лэнгдон кириш жойи баланд ва қалин пўлат панжара билан тўсилганини кўрди. Шунга ўхшаш панжаралардан ўрта асрларда талончилик қилувчи армиялардан ҳимояланиш учун фойдаланишган.

– Тўхтатиб қолиш тизими, – деди Фаш панжарага яқинлашганларида. Ҳатто қоронғида ҳам тўсиқ кўрқинчи ва ўтиб бўлмасдек туюларди, гўёки у танкни ҳам тўхтатиб қоладиганга ўхшарди.

Лэнгдон қалин паяжара ортидан Катта галереянинг ярим қоронғи лабиринтларига тикила бошлади.

– Сиздан кейин, жаноб Лэнгдон, марҳамат, – деди Фаш.

Лэнгдон ажабланганча ўгирилиб қаради. «*Мендан кейин? Аммо қаерга?..*»

Фаш панжаранинг пастки қисмини кўрсатди.

Лэнгдон разм солиб қаради. У илғамаган экан, панжара икки футча кўтарилиб қўйилган, остидан эмаклаб ўтса бўларди.

– Бу бўлим Луврнинг хавфсизлик хизмати учун ҳали ёпиқ, – изоҳ берди Фаш. – Полициянинг илмий-техник бўлимидаги йигитларим бу ерни ҳозиргина текшириб чиқишди. Илтимос, эмаклаб ўтинг.

Лэнгдон панжара асосидаги торгина тирқишга қаради, бу ердан фақатгина қорин билан судралиб ўтиш мумкин эди. У ҳазиллашяптими? Осилиб турган панжара чақирилмаган меҳмоннинг устига исталган пайтда тушиб кетиб, мажақлаб юборишга тайёр турган гильотинанинг ўзгинаси-ку.

Фаш французчада нималардир деб ғулдиради ва соатига қаради. Кейин эса тиз чўкди ва ўзининг семиз гавдасини бир амаллаб тирқишдан тикди. Панжаранинг нариги томонига ўтиб олгач, у жуссасини кўтарди ва ҳамроҳига тикилиб қаради.

Лэнгдон хўрсинди. У тиззаларини, кейин эса кафтларини паркет полга тиради, қорнига ётиб панжара тагидан эмаклаб ўтди. Ярим йўлда эса твид костюмининг ёқасини темир панжара учига илинтириб олди ва унга бошининг орқа томони билан қаттиқ урилиб кетди.

«*Жуда зўр, Роберт, ҳозирги аҳволингга гап йўқ*», деди у ўзига-ўзи ва қийинчилик билан оёққа турди. Уни узоқ давом этадиган тун кутаётган эди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Мюррей-Хилл-плейс «Дея асари»нинг янги қароргоҳи ҳисобланади, Нью-Йоркдаги Лексингтон авеню, 243 манзилида жойлашган. Бино қурилишига 47 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланган, минорасидаги 133 000 квадрат фут майдонга қизил гишт ётқизилган. Лойиҳа муаллифлари «Мей ва Пинска» бюроси меъморлари бўлиб, бинода юздан ортиқ ётоқхоналар, олтита ош-

хона, кутубхоналар, дам олиш учун меҳмонхоналар, матбуот анжумани ўтказиладиган заллар, офислар бор эди. Ўн еттинчи қават тамомила истиқомат учун ажратилган. Иккинчи, саккизинчи, ўн олтинчи қаватларда эса йўнилган тошлар ва мрамор билан безалган ибодатгоҳлар жойлашган. Эркаклар бинога Лексингтон авенюдаги эшикдан, аёллар эса ёнбош кўча томондан киришади. Шундай қилиб, аини бинога кирган эркаклар ва аёллар бир-бирларини на кўришади, на овозларини эшитишади.

Ўша оқшом ўн еттинчи қават апартаментларининг соҳиби епископ Мануэл Арингароса унча катта бўлмаган йўл сумкасига нарсаларини жойлаштириди ва руҳонийларнинг анъанавий қора сутанасини кийиб олди. Одатда у сутанасини қирмизи белбоғ билан боғлаб оларди, аммо бугун оддий одамлар орасида саёҳат қилишига тўғри келади, шунинг учун ўзининг юқори мартабасига диққатни жалб қилмасликни маъқул кўрди. Йирик олмослар қадалган ўн тўрт каратли олтин узуги ва бошга кийиладиган митрасини диққат билан қарагандагина илғаш, шундагина Арингаросанинг руҳоний эканлигини тушуниш мумкин. Сумкасини елкасидан ошириб олгач, у ичида қисқа дуони ўқиди, ўз апартаментидан чиқди ва уни аэропортга элтиб қўйишга тайёр турган ҳайдовчининг олдига, вестибюлга тушди. Римгача тижорат рейси билан йўл олган авиалайнер бортида епископ Арингароса иллюминатордан пастга – Атлантика уммонининг қора сувларига тикилар эди. Кун алақачон ботган, аммо ўзининг бахт юлдузи яқин орада порлаши муқаррарлигини епископ биларди. *«Бугун биз ушбу жангда галаба қозонамиз»*, деб ўйлади у ва бундан атиги бир неча ой олдин унинг салтанатига таҳдид солган душман олдида ўзини мутлақо ожиз сезганлигига яна бир карра ажабланди. *«Дея асари»*нинг раҳнамоси сифатида ҳаётининг охириги ўн йилини епископ Арингароса ташкилот ғоялари тарғибига бағишлади. Бу диний биродарликка 1928 йилда испан руҳонийси Хосе Мария Эскрива асос солган бўлиб, унинг мақсади асл католик кадриятларга қайтишдир. Ўз аъзоларини *«Дея асари»* учун ҳамма нарсаларини, ҳатто ҳаётларини ҳам қурбон қилишга ундайди.

*«Дея асари»*нинг анъанадорлик фалсафаси Испанияда Франко тузумига қадар пайдо бўлган ва 1934 йили Хосе Мария Эскриванинг *«Йўл»* номи китоби нашрдан чиққанидан сўнггина (асарда

биродарликка ҳаётни қандай бағишлаш мавзусидаги 999 та мулоҳазалар санаб ўтилган эди) унинг дунё бўйлаб ғолибона юриши бошланди. Эндиликда «Йўл» қирқ икки тилда, тўрт миллиондан ортиқ нусхада нашр қилинди, «Дея асари» эса кўп жойда ўз ҳукмини ўткази оладиган қудратли кучга айланди. Курраи заминнинг деярли ҳар бир йирик шаҳрида ташкилотнинг бўлимлари фаолият кўрсатади, ўқув марказлари, ҳаттоки университетлари ҳам бор. «Дея асари» дунёдаги энг тез ривожланаётган ва молиявий жиҳатдан яхши таъминланган католик ташкилоти бўлиб қолмоқда. Арингаросанинг ўзи тан олганидек, диний сурбетлик кенг оммалашган, телевизор экранларидан шубҳали воизлар тушмаётган ҳозирги даврда «Дея асари»нинг ўсиб бораётган қудрати ва бойлиги тез-тез асосиз гумонлар нишони бўлиб қолмоқда эди.

– Кўпчилик «Дея асари»ни онгни чалғитивчи диний ташкилот деб атайди, – дейишарди унга мухбирлар. – Бошқаларнинг айтишича эса, у махфий мутаассиб насроний жамиятидир. Сизлар аслида кимсизлар?

– Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Биз католик черковининг бир қисмимиз, – дея тоқат билан жавоб қайтарди епископ. – Биз кундалик ҳаётимизда католик таълимотига астойдил хизмат қилиш йўлини танлаган биродарликмиз.

– Бу хизмат ифбатли бўлиш қасами, черков ушри ва гуноҳларни ўз-ўзини азоблаш орқали ювишни ҳам назарда тутадими?

– Буларнинг бари «Дея асари»нинг фақатгина баъзи аъзоларига тааллуқлидир, – дерди Арингароса. – «Дея асари»нинг минглаб аъзолари оила қурадилар, ўз жамоаларида Тангрига маъқул бўлган меҳнатни бажарадилар. Бошқалар эса зоҳидона ҳаётни танлайдилар, монастирларда бошқалардан ажралиб танҳо умр кечиришни афзал кўрадилар. Ҳар ким танлашда эркиндир, аммо «Дея асари» жами аъзоларининг муштарак мақсади бор – дунёни янада яхшироқ қилиш. Улар Парвардигор буюрган ишларни бажариш баробарида оламни такомиллаштиришга интиладилар. Биз сафимизга қўшиладиган ҳар бир кишини очиқ юз ва хурсандчилик билан кутиб оламиз.

Аммо ҳар қанча эътирофлару ишонтиришлар беҳуда эди. Ҳаммага маълум – оммавий ахборот воситалари қачон қарама шов-

шувли жанжаллар қидириб юришади. «Дея асари»да ҳам аксарият йирик ташкилотлардаги каби ярамас кимсалар учраб турарди. Ахир гуруч курмаксиз бўлмайди-ку.

Икки ой олдин «Дея асари»нинг Ўрта ғарбдаги бўлинмаси бағоят ёмон машғулот устида фош қилинди. У ўз сафига янги аъзоларни мескалин тарқатиш орқали жалб этган. Ушбу наркотик модда одамга сабабсиз шодлик бахш этади, янги аъзолар эса бу ҳолатни диний жазава деб тушунишган. Университетда ўқийдиган бир талаба ўзининг тиконли боғичини тавсия этилган кунлик меъ-ёрдан икки соат кўп тақиб юриб, оқибатда яраларига инфекция тушиб вафот этган. Яқинда эса Бостонда ёш, бироқ ҳаётдан кўнгли совиган банкир ўз жонига қасд қилган, бундан олдин ўзининг барча давлати, мол-мулкани «Дея асари»га эҳсон қилибди.

Адашган гумроҳлар, деб атарди уларни Арингароса. Бундай одамларга азбаройи раҳми келганидан унинг юраги эзилиб кетарди. ФҚБ айғоқчиси Роберт Хансеннинг иши эса ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Унинг устидан олиб борилган суд жараёни тўрт томонга овоза бўлиб кетди. Хансен «Дея асари»нинг энг нуфузли аъзоларидан бири бўлишдан ташқари, ахлоқи бузуқ кимса ҳам экан. Судда унинг тубан ишлари рад этиб бўлмайдиган далиллар билан ошкор этилди: бу шахс ўз ётоқхонасига видеокамера ўрнатиб, хотини билан бўлган ишқий алоқаларни тасвирга туширган, кейин эса уни дўстларига намойиш қилган.

– Бундай одамни ҳақиқий католик деб атаса бўладими? – деган эди судя кесатиқ билан.

Шу каби нохуш ҳолатлар «Дея асари» устидан махсус кузатув гуруҳи ташкил этилишига олиб келди. Гуруҳнинг интернетда ўз сайти пайдо бўлди, у ерда биродарликнинг собиқ аъзолари «Дея асари» билан боғлиқ даҳшатли воқеалардан огоҳ этардилар. Оммавий ахборот воситалари эса «Дея асари»ни тез-тез «Илоҳий мафия» деб атайдиган бўлиб қолишди.

*«Биз ўзимиз тушунмайдиган нарсадан кўрқаверимиз»,* ўйлади Арингароса. Оғиз кўпиртириб айюҳаннос солаётган бу танқидчилар нечталаб инсонлар ҳаётини айнан биродарлик бойитганлигини биллишармикин? Ахир биродарлик Ватиканнинг оқ фотиҳасини олган-ку! *«Ҳа, «Дея асари» папанинг шахсий ҳомийлиги остида!»*



Яқинда эса биродарлик оммавий ахборот воситаларидан ҳам қудратли ва адоватли куч мавжудлигини билди... Кутилмаган бу душмандан Арингароса қаёққа яширинишни ҳам билмай қолган эди. Беш ой муқаддам ғаним шундай қақшатқич зарба бердики, Арингароса шу кунгача ўзини ўнглаб ологгани йўқ.

– Улар ким билан уруш бошлашганини билмайдилар, – ғазаб билан аста шивирлади епископ, иллюминатор орқали Атлантика сувларига тикилганича. Бир зумга унинг нигоҳи ўз аксига қадалди – қора чўзинчоқ юз ва бир қарашдаёқ кўзга ташланувчи пачоқланган қийшиқ бурни. Бурнини Испанияда, миссионерликни эндигина бошлаган даврида уриб синдиришган. Лекин бу жисмоний қусур бутун кўпам аҳамиятга эга эмас. Арингаросанинг қалби гўзал, бадани эмас.

Сутанаси қаватларига беркитилган уяли телефони тўсатдан жиринглаб қолганида самолёт Португалия қирғоқларидан учиб ўтарди. Арингароса учиб пайтида уяли алоқадан фойдаланишни тақиқловчи қондалар мавжудлигини билади, аммо бу қўнғироқни кўпдан бери кутаяпти.

– Лаббай? – деди руҳоний оҳиста овозда.

– Сайлас пойдевор тошини топибди, – жавоб қилди унга овоз нариги томондан. – У Париждаги Сен-Сюльпис черковига беркитилган экан.

Епископ мамнун табассум қилди.

– Унда биз мақсадга жуда яқин эканмиз.

– Унга тезлик билан эга бўлишимиз мумкин. Лекин сизнинг ёрдамингиз керак бўлади.

– Бажонидил, нима қилишим кераклигини айтинг.

Арингароса телефонни ўчирганида юраги ҳаяжондан қаттиқ тепарди ва у тинчланиш учун яна тун қоронғилигига кўз қадади. Руҳоний ўзи бошлаган воқеалар гирдобидида ўйинчоққа айланиб қолгандай эди.

Бу ердан беш юз миля узоқликда эса Сайлас исмли альбинос тоғорача устига энгашганча орқасидаги яраларини юварди. Қизғиш-жигарранг доғлар сувни бирпасда лойқалантириб юборди.

– Мени ўз нуринг билан ювгил ва мен яна тоза бўлайин, – дуо сўзларини пичирларди у. – Мени марҳаматинг билан покиза эт, шунда қордан-да оппоқроқ бўлиб қоламан.

Сайлас бундай руҳий кўтаринкиликни ҳеч қачон ҳис қилган эмас. Бундай ҳолат уни ҳайрон қолдириб, меҳрини товлантириб юборди. Охириги ўн йил давомида Сайлас «Йўл»нинг қондаларига қатъий риоя қилар, гуноҳларидан покланишга уриниб, ҳаётини тўлиқ ўзгартиришга, ўтмишда қўллашга тўғри келган зўравонликларни хотирасидан ўчириб ташлашга тиришарди. Лекин бугун уларнинг ҳаммаси қайтиб келди. У узоқ йиллар курашган нафрат туйғуси бугун яна керак бўлиб қолди. Ўтмиши кўз-очиби юмгунча руҳига ҳукмрон бўлиб қолганидан у ҳайратда эди. Ўша ноҳўя ва қисман унутилган маҳоратини яна ишга солиш лозим.

*«Ҳазрати Исо бизни тинчликсеварликка, меҳр-муҳаббатга ўргатади. У зўравонликни рад этади».* Сайлас бу сўзларни қалбига жо қилган эди. Энди эса Исо душманлари унинг ўғитларини йўқ қилиб ташламоқчилар. *«Кимки Парвардигорга қилич билан таҳдид солса, ўзи ҳам қиличдан ажал топади. Кескир ва аёвсиз қиличдан».*

Икки минг йил давомида Исо аскарлари ўз эътиқодларини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиб келмоқдалар. Бугун Сайласни ҳам уларнинг сафига чақиришди. Унинг яралари бироз қуриган эди, у узун, қалпоқли кийимини эгнига илди. Устки кийими жуда оддий бичиқли, тўқ рангли, қўпол жун ипдан тайёрланган бўлиб, Сайлас уни кийганида оппоқ қўллари ва сочлари яққол кўзга ташланиб турарди. У арқон билан белини маҳкам боғлагач, қалпоғини бошига ташлаб олди, кейин эса тошойна олдига келди. Қизил кўзлари ўз аксига маҳлиё бўлганча боқарди. Унинг хаёлида воқеаларнинг филдиракчаларию митти мурватлари шитоб билан айлана бошлади.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Панжара остидан қисилиб, базўр ўтиб олган Лэнгдон Катта галереянинг кириш жойига чиқиб қолган ва ўзини гўёки чуқур жарлик оғзига қараётгандай ҳис қиларди. Галереянинг ҳар икки томонида баландлиги ўттиз фут келадиган яланғоч деворлар қад ростлаган бўлиб, юқори қисми қоронғилик қўйнига шўнғиган эди. Часпақдаги тунги чироқлар махсус симлар ёрдамида шифтда осн-

либ турган да Винчи, Тициан, Караважоларнинг улкан полотноларига қизғиш шуълаларини ташлаб турарди. Бу ерда натюр-мортлар, табиат манзаралари, диний маросимлар тасвирланган расмлар, зодагонлар ва дунёнинг донгдор кишилари портретларини кўриш мумкин.

Гарчи Катта галереяда италян рассомчилик мактабининг энг сара асарлари тўплами йиғилган бўлса-да, аксарият ташриф буюрувчилар фикрича, у ўзининг паркет поллари билан ном чиқарган эди. Қайин паркетларидан қиялатиб терилган пол ўзининг ажойиб геометрик шакли билан лол қилибгина қолмай, балки бир қарашда киши нигоҳини чалғитар эди: усти ҳар қадамда ўзгариб турадиган пол кўп ўлчамли тўрга ўхшаб кетар, бу эса томошабинларда гўёки галерея бўйлаб сузиб кетаётгандек ҳиссиёт уйғотарди.

Нигоҳини паркет полнинг жимжимадор чизмаларидан узмай бораётган Лэнгдон кутилмаганда бир неча ярд нарироқда, полда ётган нарсани кўриб қолди. У ер полициячиларнинг махсус тасмаси билан ўраб қўйилган эди. Лэнгдон ўтирилиб Фашдан сўради:

– Бу нима... Караважоми?! Анави, полда ётган?..

Фаш у томонга қараб ўтирмаёқ бош ирғади.

Лэнгдоннинг тахминича, бу расм камида икки миллион доллар турар, аммо ҳозир худди алатта ташлаб юборилган эски суратнинг ўзгинаси.

– Нима учун у ерда ётибди?

Унинг овозида янграган ҳайрат ва тугён Фашга умуман таъсир қилмади.

– Бу ерда жиноят содир бўлган, жаноб Лэнгдон. Биз ҳеч нарсага тегмадик.

Лэнгдон нималар содир бўлганлигини тасаввур этишга уринаркан, панжарага тикилди.

Нозирга ўзининг хонасида ҳужум қилишгани аниқ. У қочиб чиқиб ўзини Катта галереяга урган ва девордан полотнони узиб, сигнализация тизимини ишга туширган. Панжара шу заҳотиёқ кириш йўлини тўсиб қўйган. Галереяга кирадиган ва чиқадиган бошқа жой эса йўқ.

Лэнгдон довдираб қолди:

– Демак, нозир босқинчини галереяда қамаб қўйибди-да?

Фаш бошини сарак-сарак қимирлатди:

– Йўқ. Панжара Сонъерни босқинчидан ажратиб қўйган, холос. – Фаш ҳозиргина улар остидан эмаклаб ўтган панжаранинг чивиқларидан бирини кўрсатди, унга тўқ сариқ белги қўйилган эди. – Илмий-техника бўлимидагилар шу ердан порох изларини топишди. Қотил йўлакда қолган ва панжара орасидан ўқ узган. Сонъер эса мана бу ерда, ёлғизликда ўлган.

Лэнгдон меҳмонхонада кўрсатилган фотосуратни эслади. Ахир агент Колле нозир ўз жонига қасд қилган деганди-ку.

Роберт жуда катта, кимсасиз йўлакка назар ташлади.

– Жасад қаерда?

Фаш хоч кўринишидаги тўғноғичини тўғрилаб қўйиб, йўлида давом этди.

– Галереянинг ниҳоятда узунлигидан хабарингиз бордир?

«Агар янглишмасам, узунлиги ўн беш минг футча келади», хаёлидан ўтказди Лэнгдон. Йўлакнинг кенлигидан ҳам одамнинг юраги энтикиб кетади: бу ерга қарама-қарши ҳаракатланадиган йўловчи поездлар учун темир йўл ётқизса бўлади. Марказ бўйлаб ҳайкаллар ва улкан чинни вазалар тизилган бўлиб, улар нафақат турли мавзудаги кўргазмаларни чегаралайди, балки томошабинлар оқимини ажратишга ҳам ёрдам беради.

Фаш йўлакнинг ўнг томони бўйлаб нигоҳини олдинга қадаганича индамай, шитоб билан қадам ташларди. Лэнгдон эса жаҳоннинг буюк дурдоналари олдидан ақалли бир зумга тўхтамай ўтиб кетишни ҳурматсизлик ҳисобларди. «Бундай ним қоронғиликда нимани ҳам кўриб бўларди», дея ўйлади у.

Хира ва қизғиш ёруғлик Ватиканнинг махфий архивларида ишлаган пайтларини ёдига солди, ўшанда Лэнгдон ўлишига бир баҳя қолувди. Бугун иккинчи маротаба Витторияни эслади. У ойлаб Витторияни ёдига олмасди, мана энди қиз тушмагур кун бўйи хаёлини банд этяпти. Лэнгдон атиги бир йил олдин Римда бўлганлигига ишонмасди, ўшандан бери гўё ўн йиллар ўтиб кетгандек. Витториядан энг охирги хабар декабрда келганди. Қисқагина мактубда у Яван денгизига ўзининг физика соҳасидаги изланишларини давом эттириш учун кетаётганлигини ёзибди. Лэнгдон унингдек аёл билан университет ётоқхонасида бахтли яшай

олишини тасаввур ҳам қилолмайди. Аммо у Римдаги учрашувни, ана ўшанда руҳида уйғонган ажиб ҳиссиётни соғина бошлаганди. Лэнгдонда бўйдоқлик ҳаёти, ёлғиз эркак эркинлигининг ҳузур-ҳаловатига бўлган иштиёқ тобора камайиб бормоқда.

Улар галерея бўйлаб тез-тез юришни давом эттирар эдилар, аммо Лэнгдон ҳалигача ҳеч қандай жасадни учратмади.

– Наҳотки Жак Соньер шунча катта масофани босиб ўтолган бўлса?

– Ўқ Соньернинг қорнига теккан, бу эса секин давом этадиган азобли ўлим дегани. У ўн беш-йигирма дақиқа ичида ўлган.

Лэнгдон ажаблангандан тўхтаб қолаёзди.

– Сиз айтмоқчисизки, бу ерга етиб келиш учун кўриқчиларга ўн беш дақиқа керак бўлган, шундайми?

– Йўқ, албатта. Хавфни билдирувчи сигнал ишга тушиши билан Лувр кўриқчилари тез орада етиб келишган. Аммо Катта галереяга ўтишнинг иложи бўлмаган, чунки йўл панжаралар билан тўсилиб қолган эди. Улар йўлакнинг охирида кимдир юриб кетаётганини сезишган, лекин ким эканлигини кўра олмаганлар. Кўриқчиларнинг бақир-чақирига эса ҳеч ким жавоб қайтармаган. Жиноят содир бўлгани тахмин қилиниб, қоидага кўра полиция чақирилган. Биз ўн беш дақиқада етиб келдик. Кейин бир амаллаб панжарани остидан ўтиш мумкин даражада кўтардик. Мен ўнлаб қуролланган агентларим галереяни тинтиб чиқиш учун юбордим.

– Хўш?

– Ҳеч кимни топишолмади, – деди Фаш, – ундан бошқа...

Лэнгдон Фаш ишора қилган томонга қаради. Аввалига капитан унга марказдаги катта мрамар ҳайкални кўрсатяпти деб ўйлади. Аммо у томонга яқинлашгач эса тамомила янглишганини тушунди. Ҳайкалдан ўттиз ярдча берироқда ёрқин нурли доғ кўринди. Таянчга ўрнатилган чироқ қоронғиликка чўмган галереяда ягона ёруғлик оролчасини яратганди. Ана шу ёруғлик марказида гўё микроскоп остидаги ҳашарот каби нозирнинг яланғоч жасади ётарди.

– Суратни кўргандингиз, тўғрими? – деди Фаш. – Сиз учун бу ерда ҳеч қандай кутилмаган ҳолат йўқ.

Жасад томонга яқинлашаётиб Лэнгдон ўзини титроқ тутаётганини ҳис қилди. Қаршисида у аввал ҳеч қачон кўрмаган энг галати ва даҳшатли манзара намоён эди.

Жак Соньернинг жасади паркет полда худди фотосуратда акс этганидек ётарди. Майит тепасидан ёғилаётган ёрқин нурдан кўзи қамашиб кетган Лэнгдон хаёлига келган фикрни тўхтата олмади: нозир ҳаётининг сўнги дамларини мана шундай ғайриоддий ҳолатни эгаллашга уриниб ўтказган.

Соньер ёшига нисбатан анча бақувват кўринар, баданидаги барча мушаклари кўзга яққол ташланиб турибди. У эғнидаги кийимларини ечиб, полга тартиб билан тахлаган, кейин эса кенг йўлакнинг қоқ марказига чалқанча ётиб олибди. Кўл-оёқлари ҳар томонга чўзилган, гўёки кўзга кўринмас ёвуз кучлар уни тўрт тарафга тортиб, қатл этмоқчи бўлгандай.

Кўкрагидаги кичкинагина қонли доғ ўқ кирган жойни кўрсатиб турарди. Ажабланарлиси, қон жуда кам эди, яра атрофида қора кўлмакча ҳосил бўлган, холос.

Чап қўлининг кўрсаткич бармоғи худди ярага ботириб олингандай қон юқи. Нозир ўз қонини сиёҳ, қорнини эса полотно ўрнида кўллаган кўринади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Соньер қорнига беш қиррали юлдузни чизибди.

Қорин марказидаги қонли юлдуз жасадга мудҳиш тус берарди. Ана энди Лэнгдон ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳ бўлгач кўнглида хавотири кучайиб кетди.

*«Буларнинг барини ўзи қилган...»*

– Жаноб Лэнгдон, бирор нима демоқчимисиз? – Фашнинг ўткир қора кўзлари унга қадалган эди.

– Бу пентакл, – деди Лэнгдон. Унинг овози галерея равоқлари остида алланечук ғалати, ғайриоддий эшитилди. – Ер юзидаги энг қадимий белгилардан бири. Исо пайғамбар туғилишидан тўрт минг йил олдин пайдо бўлган.

– Хўш, бу белги нимани билдиради?

Лэнгдон ҳар сафар шу саволни беришганида иккиланиб қоларди. Бу рамзий белги нимани билдиришини айтиш бир қўшиқ бир неча одамга қандай таъсир этишини тушунтириш билан баробар. Ахир ҳар ким қўшиқни ўзича қабул қилади, ундан ўзича таъсирланади. Айтايлик, Ку-клукс-кланнинг оқ қалпоғи АҚШда нафрат ва ирқчилик рамзига айланган, бироқ Испанияда бундай кийим насроний динига бўлган мустаҳкам ишонч, эътиқодни англатади.

– Бир белги турли хил вазиятларда турлича маънони билдиради. – эҳтиёткорлик билан жавоб берди Лэнгдон. – Қадим замонларда пентакл мажусийларнинг диний рамзи ҳисобланган.

– Шайтонга сиғинувчиларнинг белгисими? – сўради Фаш.

– Йўқ, – деди Лэнгдон ва шу заҳотиёқ сўзларни танлашда жуда ҳушёр бўлиши кераклигини тушунди. Ахир бизнинг замони-мизда мажусий ёки мажусийлик сўзлари шайтонга сиғиниш дея талқин қилинади, аслида бу нотўғри. Мажусий атамаси лотинча рагап сўзидан келиб чиққан бўлиб, «қишлоқ жойларда яшовчилар» маъносини билдиради. Мажусийлар қишлоқ ва ўрмонларда яшар, бир неча бутлардан ташқари, табиат кучларини ҳодисаларига сиғинар эдилар. Насроний черкови эса бундай кўп худоликдан шундай кўрқар эдики, мажусийларни ёмонотлиқ қилишга бор кучини аямади.

– Беш қиррали юлдуз, – тушунтиришга киришди Лэнгдон, – насроний динигача ҳам мавжуд эди. У Табиатга сиғиниш ва уни илоҳийлаштиришга тааллуқлидир. Қадимги одамлар бутун дунёни иккига – эркаклик ва аёллик қисмига бўлганлар. Улар табиатдаги кучлар мувозанатини сақловчи маъбуд ва маъбудалар мавжудлигига ишонишган. Эркаклик ва аёллик кучлари тенг бўлган маҳал дунёда ўзаро уйғунлик ҳукм суради, акс ҳолда талотўп юз бериши муқаррар. – Лэнгдон мурданинг қорнини кўрсатди: – Пентакл ер юзидаги ҳаётнинг аёллик ярмини билдиради. Динлар тарихини ўрганувчилар бу рамзни «муқаддас аёллик ибтидо-си» ёки «маъбуда» деб аташади. Табиийки, Соньердек инсонга бунинг моҳияти яхши маълум эди.

– Демакки, Соньер ўз қорнига маъбуда белгисини чизибдида? Лэнгдон бу фикрга қўшилишга мажбур бўлди.

– Бундан ташқари, беш қиррали юлдуз муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси бўлиш Зухронинг ҳам тимсолидир.

Фаш полда ётган нозирнинг яланғоч жасадига назар ташлаб қўйдида, эшитилмайдиган қилиб бир нималарни минғиради.

– Дастлабки динларнинг келиб чиқиши бевосита табиат билан боғлиқ. Венера маъбудаси ва Венера юлдузи – аслида битта нарса. Маъбуда қоронғи осмонда макон қурган бўлиб, турлича номлар билан аталади – Венера, Шарқ юлдузи, Иштар, Астарте.

Буларнинг бари Табиат ва Она ер билан боғлиқ қудратли аёллик ибтидосининг рамзий белгилари ҳисобланади.

Фаш нимадандир безовта эди. У иблисга сифиниш ҳақидаги фикридан воз кечмаган кўринади.

– Жаноб Лэнгдон, – деди у, – менимча, пентаклниг шайтонга алоқадорлиги бўлиши керак. Ҳар қолда Голливуднинг қўрқинчли фильмларида шундай-ку.

Лэнгдон қовоғини уйди. Беш қиррали юлдуз шайтонпарастлар ҳақидаги сериаллар қолипига айланган эди. Иблисга топинувчилар яшайдиган уйлар деворларига ана шундай юлдузлар расми чизиб ташланар, у ерлар шайтоннинг бошқа рамзий белгилари билан тўлдирилган бўларди.

– Сизни ишонтириб айтаманки, – жавоб берди у, – кинода кўрганларингиз бари ёлгон, тарихий нуқтаи назардан қараганда юлдузнинг шайтоний талқин этилиши мутлақо нотўғридир. Қадим пайтларда беш қиррали юлдуз аёллик ибтидосининг белгиси ҳисобланган, аммо минг йилликлар давомида унинг ҳақиқий маъноси бузилиб кетди. Бунинг учун эса анчагина қон тўкилди.

– Кечирасиз, тушунмадим. Бу билан нима демоқчисиз?

Лэнгдон унинг сўзларини Фаш тўғри англашига шубҳа қилиб, унинг бўйинбоғидаги тўғноғичига қараб кўйди.

– Мен Черковни назарда тутяпман. Маълумки, рамзий белгилар табиатига кўра барқарор ҳисобланади. Аммо Рим католик черкови мажусийлик дини, унинг маъбудларини йўқ қилиш учун астойдил ҳаракат қилди. Бу ҳаракатлар кенг оммани насронийлаштириш йўлидаги курашнинг бир қисми эди. Ана шу кураш доирасида Ватикан мажусийлик белгиларини ёвузлик тимсолларига айлантирди.

– Хўш, давом этинг-чи.

– Бундай ҳолатларни буюк ўзгаришлар даврида айниқса кўпроқ кузатиш мумкин, – деди Лэнгдон. – Замон саҳнасига чиққан ҳар қандай янги куч ўзидан олдинги тимсолларни йўқ қилиш, ҳеч бўлмаганда обрўсизлантириш ёки маъносини бузиб кўрсатишга уринади. Мажусийлик бу аёвсиз жангда ютқизиб кўйди. Шу тариқа Посейдоннинг уч тигли найзаси иблис паншаҳасига, донишманднинг чўққили қалпоғи эса жодугарнинг бош кийимига айлан-



ди. Беш қиррали Венера тилга олинганда одамлар шайтонни тушунадиган бўлишиди. – Лэнгдон бироз тин олиб, яна давом этди: – Минг таассуфлар бўлсинки, АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳам ўз рамзи сифатида беш қиррали юлдуздан фойдаланади. Бир пайтлар гўзаллик ва муҳаббат белгиси бўлган пентакл эндиликда уруш тимсолига айланиб қолди.

– Қизиқ, – деди Фаш ва паркет полда чўзилиб ётган жонсиз танага ишора қилди: – жасаднинг бу тарзда ётиши бирор нарсани билдирадими?

Лэнгдон елкаларини қисди:

– Бу шунчаки пентакл ва муқаддас аёллик ибтидоси орасидаги алоқани таъкидлайди, холос.

– Кечирасиз, тушунтириброқ гапирсангиз.

– Буни репликация дейишади. Тимсолни такрорлаш унинг аҳамиятини кучайтиришнинг энг оддий усулидир. Жак Соньер ўзининг жасади беш қиррали юлдузга ўхшаб кетишини истаган. Битта пентакл яхши, иккитаси эса унданда яхши.

Фаш синчков нигоҳи билан Соньернинг бўй-бастига назар солиб чиқди, кейин эса шундоқ ҳам силлиқ сочларини силаб қўйди.

– Қизиқарли таҳлил, – деди у. – Унинг яланғочлиги ҳақида нима дея оласиз? Нима учун ҳамма кийимларини ечиб ташлаган?

«Яхши савол», ўйлади Лэнгдон. Унинг ўзи ҳам суратни кўриши билан бу ҳолатдан ажабланган эди.

– Билмадим, жаноб Фаш. Жак Соньер бу тимсолни нима учун қорнига чизганини ва бундай ғалати тарзда ётиши сабабини айтиб беролмайман. Аммо Соньердек олим беш қиррали юлдузга муқаддас аёллик ибтидосининг тимсоли сифатида қараган бўлиши эҳтимолга жуда яқин.

– Яхши. Айтинг-чи, нима учун Соньер ўз қонидан сиёҳ ўрнида фойдаланган?

– Ахир кўриниб турибди-ку, ёзиш учун бошқа ҳеч нарса йўқ.

Лэнгдоннинг бу жавобига Фаш эътироз билдирди:

– Менимча, Соньер полиция томонидан суд-тиббиёт текшируви ўтказилишини истаган.

– Тушунмадим?

– Унинг чап қўлига бир қаранг.

Лэнгдон мурданинг оппоқ кўлига, кафтидан елкасига қадар разм солиб чиқди, аммо ҳеч нарсани сезмади. Шундан сўнг жасадни айланиб ўтиб энгашди ва нозирнинг бармоқлари каттагина маркерни сиқиб турганини кўрди.

– Биз жасадни топганимизда шундай ҳолатда эди, – изоҳ берди Фаш. У устида турли асбоблар, электрон жиҳозлар сочилиб ётган столни тартибга келтира бошлади. – Аввал ҳам айтганимдек, биз жиноят содир бўлган жойда ҳеч нарсага тегмадик. Сизга бундай ручка тури маълумми?

Лэнгдон маркердаги ёзувни ўқиш учун пастроқ энгашди:  
STYLO DE LUMIERE NOIRE

У ажабланган кўйи Фашга қаради.

Махсус флуоресцентли сиёҳ тўлдирилган бундай маркерларни одатда музей ходимлари ёки полициячилар ишлатишади, ёзувларини эса фақатгина қоронғида ўқиш мумкин.

Лэнгдон гавдасини тўғрилади, Фаш бу пайтда чироқни ўчиришга улгурди.

Галерея бутунлай қоронғиликка фарқ бўлди.

Атрофдаги зимистонликка кўзлари аста-секин кўника бошлаган Лэнгдон Фашнинг гавдасини аранг ажратиш олди. Капитаннинг кўлида нимадир бор эди, ўша матоҳ ўздан аллақандай қизғиш-сиёҳранг нур тарата бошлади.

– Эҳтимол сизга маълумдир, – деди Фаш, – полициячилар бундай ёритиш услубидан жиноят содир бўлган жойда қон изларини ёки бошқа далилларни излашда фойдаланишади. Сиз мана бу ерга бир эътибор беринг-а, ҳайратга тушмай иложи йўқ... – у чироқ нурини жасад томонга йўналтирди.

Лэнгдон кутилмаган бу ҳолатдан титраб кетди.

Унинг юраги тобора қаттиқ урарди. Паркет полда, Соньернинг жасади ёнида ярқироқ тўқ қизил ҳарфлар пайдо бўла бошлаган эди. Во ажаб, нозирнинг сўнгги сўзлари! Лэнгдон сўзларга тикилиб қарар экан, бошидан ўраб турган туман тобора қуюқлашиб бораётганини ҳис қилди.

У кўрганларига яна бир карра кўз югуртириб чиқди ва Фашга юзланди:

– Нима бу ўзи, нимани билдиради?

– Айнан шу саволга сиз жавоб беришингиз керак, месъе.

Худди шу дақиқаларда эса Луврга эндигина қайтган лейтенант Колле нозир хонасидаги ёзув столига ўрнатилган овоз эшитиш қурилмасини текшираётган эди. У хотиржам бўлавериши мумкин: микрофонлар, умуман овоз ёзиш тизими бенуқсон ишлаяпти.

«Ҳақиқат тантана қиладиган онлар яқин», ўйлади Колле.

У табассум қилганча қулоқчинларни тақиб олди ва Катта галереяда кечаётган суҳбатнинг давомини тинглашга тутинди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Сен-Сюльпис черковининг иккинчи қаватида полига тош ётқизилган ва ўта камтарона жиҳозланган қўш хона мавжуд. Мана, ўн беш йил бўлибдики, бу хоналар роҳиба Сандрин Биел учун бошпана ўрнини ўтамоқда. Черков яқинидаги монастирда ҳам унга атаб жой ажратилган, аммо роҳиба қўш хонани афзал кўради. Ибодаттоҳдаги ажойиб осудалик унинг руҳига ҳаловат бағишлайди. Бундан ташқари, иссиқ овқати, ётоғи тайёр, телефон ҳам унинг хизматида.

Сандрин Биель черковда хўжалик мудираси вазифасини бажаради. Черковни саришта тутиш, хизматчиларни ёллаш, озиқ-овқатларга буюртма бериш, ибодатхона биносини қўриқлаш, хуллас, диний маросимлар билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай юмуш унинг зиммасида.

Телефон қаттиқ жиринглай бошлаганида роҳиба ўзининг торгина ҳужрасида ухлаб ётарди. У гўшакни кўтариб, ҳорғин овозда сўз қотди:

– Сен-Сюльпис черкови, роҳиба Сандрин эшитади.

– Хайрли тун, опа, – эркак кишининг овози эштилди. – Уйғотиб юборган бўлсам, маъзур тутасиз.

Роҳиба ётоғига ўтириб олди. «Қизик, соат неча бўлди экан?» У бош руҳонийнинг овозини таниган эди. Аббат ўта тақводор одам бўлиб, кечки ибодатдан сўнг дарҳол уйига кетарди. У ҳеч қачон роҳибани бундай бемаҳалда безовта қилмаган.

– Сизга бир илтимосим бор, – унинг овози нимагадир асабий чиқарди. – Ҳозиргина Америкадан таниқли епископ Мануэл Арингароса менга кўнғироқ қилди. Эҳтимол, сиз уни танирсиз?

– «Дея асари» етакчисими?

Роҳиба Сандрин албатта уни танирди. Руҳонийлар орасида Арингаросани билмайдиган одам бўлмаса керак. 1982 йили Иоанн Павел II «Дея асари»ни «папанинг шахсий прелатураси» деб эълон қилди, Арингароса бошчилик қилаётган ташкилотнинг нуфузи кескин ортиб кетди. Ватикан раҳбари бу қарори билан «Дея асари»га ўз диний фаолиятини ошкора амалга ошириш ҳуқуқини берган эди. Тез орада эса бундай марҳамат кўрсатилиши бежиз эмаслиги ҳақида миш-мишлар пайдо бўлди: жуда бадавлат бир ташкилот Ватикандаги диний тадқиқотлар институти ҳисобига қарийб бир миллиард ўтказибди. Шу тариқа «Ватикан банки» деб ҳам аталадиган мазкур институт муқаррар инқироздан қутилиб қолган. Рим папаси эса шу йили «Дея асари»ни ўз паноҳига олди. Роҳиба Сандрин бундай шубҳали тасодифни сезмаслиги мумкин эмас...

– Епископ Арингаросанинг билдиришича, – титроқ овозда гап бошлади аббат, – унга яқин одамлардан бири бугун Парижга келибди...

Сандрин опа ўзини буткул хижолатда қолдирган ғалати илтимосни тоқат билан эшитди.

– Кечирасиз, ўша одам эрталабгача кутолмайдимиз?

– Менимча, йўқ. Унинг самолёти эрта тонгда учиб кетар экан. У эса Сен-Сюльписда бўлишни бир умр орзу қилган.

– Аммо черковимизга кундузи келгани маъқул эди, қоронғида нимани ҳам кўрарди?

– Тўғри, гапингизга қўшиламан, аммо... Хуллас, уни бир озга бўлса ҳам черковга киритсангиз, менга катта марҳамат кўрсатган бўлардингиз. Арингаросанинг айтишича, ўша одам тунги соат бирда келади. Демак, роппа-роса йигирма дақиқадан кейин.

Роҳиба ноилож рози бўлди:

– Ҳа, майли, келаверсин.

Аббат унга миннатдорчилик билдириб, гўшакни қўйди.

Роҳиба Сандрин уйқусини очиш учун иссиқ ўрнида бир неча сония қолиб кетди. У олтишни қоралаб қўйди, энди аввалгидек

сапчиб туриб кета олмайди. Устига-устан ҳозирги қўнғироқ унга малол келди. Умуман олганда, «Дея асари» номини эшитиши билан унинг асаби қўзийди. Ўз-ўзини азоблаш каби ваҳшиёна одатларини қўя турайлик, унинг аъзолари аёлларга худди ўрта асрлардагидек муомала қилишар экан. Эркаклар ибодат қилишаётган пайтда аёллар уларнинг хоналарини тозалашади ва бунинг эвазига сариқ чақа ҳам олишмайди. Кечкурунлари аёллар қуруқ полда ухлашаркан, эркаклар учун похол кўрпалар тўшалган; аёллар «илк гуноҳ» учун ўзларини ўзларини кўпроқ жазолашади. Эмишки, улар тақиқланган дарахтдан мева узиб еган Момо Ҳавонинг гуноҳи учун жавобгар сифатида бутун умр машаққат чекиб яшашлари керак. Бу жуда ачинарли ҳол албатта, ахир ҳозирда кўпчилик католик черковлари аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилишга интиладилар. «Дея асари»да эса бунинг акси. Бироқ нима бўлганда ҳам, роҳиба Сандрин ўз ваъдасини бажариши лозим.

У каравотдан оёқларини осилтириб туширди, кейин оҳисталик билан ўрнидан турди, товонларидан ўтган тош полнинг совуғи бутун танасига тарқалди гўё. Уни титроқ тута бошлади, юрагида эса бирданига алланечук оғриқ пайдо бўлди.

*«Бу нимаси энди? Ишқилиб бирор кор-ҳол бўлмасайди».*

Чин тақводор сифатида роҳиба Сандрин қалб хотиржамлигини аллақачон топган эди. Аммо бугун юраги нимадандир безовта. Черковда эса юракни сиқувчи жимжитлик ҳукмрон.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Лэнгдон паркет полда шуъланаётган қизил сонлар ва ҳарфлардан нигоҳини узолмас эди. Унингча, Жак Сонъернинг ёзганлари ўлаётган одамнинг хайрлашув сўзларига сира ўхшамайди:

13-3-2-21-1-1-8-5

*Нодон элчи даврида!*

*Нома изла!*

Булар нимани билдиришини Лэнгдон ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди, аммо Фаш нима учун пентакл Иблисга сиғиниш ёки мажусийлик билан боғлиқлиги ҳақидаги тахминни ушлаб олгани аён бўлди.

– Бу рақамларда қандайдир сир яширилган бўлиши керак, – деди Лэнгдон.

– Тўғри, – унинг фикрини тасдиқлади капитан. – Бизнинг криптограф\*лар бу жумбоқ устида ишлашяпти. Рақамлар қотилни кўрсатувчи калит бўлса, ажаб эмас. Эҳтимол, бу ерда қотилнинг телефон рақами ёки ижтимоий суғурта варақчасининг рақами ёзилгандир. Сиз нима дейсиз, улар бирор рамзийликка эгами?

Лэнгдон яна бир марта рақамларга назар ташлади, уларнинг рамзий аҳамияти, маъно сирини очишга кўп вақт кетиши аниқ. Унинг назарида рақамлар таваккалга танланганга ўхшарди. Аммо бу ерда ҳаммаси ғалати: беш қиррали юлдуз, сўзлар, рақамлар – буларнинг ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдай.

– Сиз Сонъернинг барча ҳаракатлари маъбудага сифинишни таъкидлаш учун қилинган дегандингиз, – деди Фаш. – Энди фикрингиздан қайтгандирсиз?

Дарҳақиқат, рақамлар ва тушунарсиз хитоблар Лэнгдоннинг маъбудалар ҳақидаги тахминига умуман мос келмасди.

*«Нодон элчи даврида! Нона изла...»*

– Бу ерда қандайдир айблов борга ўхшайди, – давом этди у. – Шундай эмасми?

Лэнгдон ҳайҳотдек Катта галереяда қамалиб қолиб, шу ерда ўлимни кутган нозирнинг сўнгги дақиқаларини тасаввур қилишга уринди. Ҳа, Фашнинг сўзларида манتيқ борга ўхшайди.

– Тўғри айтасиз, Сонъер қотилга ишора қилишга уринган кўринади.

– Менинг вазифам эса ўша қотилни топишдан иборат. Жаноб Лэнгдон, сиздан яна бир нарса сўрамоқчиман: ушбу ёзувда рақамлардан ташқари жуда ғалати яна бир нарса бор. Сизнингча, у нима?

Жуда ғалати нарса? Тавба, ўлими яқинлигини билган Сонъер галереяга қамалиб олиб, беш қиррали юлдузни тасвирлаган, полга эса жумбоқли сўзларини тирнаб ёзган. Саволни бошқача қўйиш керак: бу ерда нима ғалати эмас?

---

\*Криптограф – махфий белги ёки ёзувлар билан шуғулланувчи мутахассис.

– Иблис сўзими? – тахмин қилди Лэнгдон. – «Иблиснинг ҳамтовоғи» деган ибора менга ғалати туюляпти. Қизиқ, у кимни назарда тутган экан-а?

– Менимча, бу ибора ҳечам ғалати эмас, – зардали оҳангда жавоб берди Фаш.

У нима демоқчи эканлигини Лэнгдон тушунмаётган эди.

– Соньер француз эди, – деди капитан, – Парижда яшарди. Бироқ сўнгги сўзларини инглиз тилида ёзган. Хўш, нима учун?

Дарҳақиқат, нозир ингличани мукамал эгаллаган эди, лекин ўлими олдидан нима сабабдан айнан французчага эмас, ажнабий тилга мурожаат этган, Лэнгдон ана шуни тушунолмасди. Шунинг учун у елкасини қисиб қўя қолди.

Фаш жасаднинг қорнидаги беш қиррали юлдузга ишора қилди:

– Демак, бунинг шайтонга сифиниш билан алоқаси йўқ. Сиз ҳалиям шунга ишонасизми?

Лэнгдон энди ҳеч нарсага ишонмаётган эди.

– Тимсол билан матн бир-бирига умуман мос келмаяпти. Кечирасиз, менимча, сизга ёрдам бера олмасам керак.

– Балки мана бу вазиятга аниқлик киритар... – Фаш чироқни баландроқ кўтарган эди, жасад атрофида кенгроқ майдонга ёруғлик тушди. – Энди-чи?

Лэнгдон ҳайратдан қотиб қолди: жасад айлана чизиқ ичида эди. Кўриниб турибдики, Соньер полга ётиб, ўша маркер ёрдамида ўзини доира ичига жойлаштиришга уринган.

Ана энди ҳаммаси равшан!

– Во ажаб, «Витрувиан одами!» – ҳайқирди Лэнгдон. Нозир ўз бадани воситасида Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб машҳур асар нухасини яратибди.

Ўрта асрларда «Витрувиан одами» инсон танасининг энг мукамал тасвири ҳисобланар эди. Бизнинг замонамизга келиб, у анча оммалашиб кетди ва турли расмлар, кийим-кечаклару сумкаларда акс этадиган бўлди. Да Винчи «Витрувиан одами»ни тўғри айлана ичига жойлаштирган ва қўл-оёқларини тўрт томонга чўзиб қўйган.

Айнан мана шу ҳалқа боядан бери жумбоқ бўлиб турган масалани ҳал қилди. Яланғоч эркак танасини ўраб турган доира

эркаклик ва аёллик ибтидосининг уйғунлигини билдирар эди. Энди эса яна бир савол жавобсиз қолмоқда: машҳур расмни ўхшатиш Соньберга нима учун керак бўлган?

– Жаноб Лэнгдон, – деди Фаш, – сиз олимсиз, Леонардо да Винчи қора кучларга ишқибоз бўлганини билсангиз керак. Буни да Винчи асарларида ҳам сезиш мумкин, тўғрими?

Капитаннинг Леонардо да Винчи ҳақида бунчалик батафсил маълумотта эгаллиги ҳайратланарли эди, шунинг учун ҳам у шайтонга сифниш ҳақидаги фикрни олға сураётган экан-да. Айниқса насроний анъаналари тарихчилари учун да Винчи ҳаёти ва санъатини ўрганиш ҳамиша ўта нозик масала бўлиб келган. Буюк истеъдод соҳиби бўлишига қарамай, Леонардо ашаддий бесоқолбоз эди. Бундан ташқари, у табиатдаги илоҳий тартибга сажда қилар, инсон анатомиясини ўрганиш мақсадида жасадларни ёриб кўрар, кундалигига ўз фикрларини мутлақо тушунарсиз дастхат билан, ўнгдан чапга ёзиб кўярди. Ўзини алкимёгар деб ҳисоблаган да Винчи назарида кўргошинни олтинга айлантириш мумкин эди. Инсонга абадийлик ато этадиган сув яратишга уриниб, Парвардигорга куфр келтиргани, ақл бовар қилмайдиган даҳшатли азоблаш қуроллари ихтиро қилганини айтмаса ҳам бўлади.

*«Тушунмаслик ишончсизликни тугдиради»*, ўйлади Лэнгдон.

Да Винчининг насронийлик мавзусидаги асарлари шубҳа билан қарши олинар, черковчилар назарида рассом мунофиқ эди, холос. Тўғри, у Ватикандан юзлаб буюртмалар оларди, аммо бу ишларга қалб кўри билан ёндошмас, буюртмаларни айш-ишратга пул топиш учунгина бажарар эди. Бахтга қарши, да Винчи жуда ҳазилкаш эди ва кўпинча ўзи ўтирган шохга ўзи болта уриб кўнгилхушлик қиларди. У Ватикандан буюртма олган полотноларда насронийликка мутлақо оид бўлмаган рамзаларни чизар, бу билан ҳам ўз эътиқодига содиқ қолар, ҳам черковнинг устидан куларди. Леонардо да Винчининг бундай ажабтовур одатлари Лэнгдонга яхши маълум, у Лондон Миллий галереясида «Леонардонинг сирли ҳаёти. Насроний санъатида мажусийлик тим-соллари» мавзусида маъруза ҳам ўқиганди.

– Сизни нима безовта қилаётганини тушуниб турибман, – деди Лэнгдон, – аммо ишонинг, да Винчи ҳеч қачон жодугарлик



билан шуғулламанган. Қачон қарама, черков билан гижиллашиб юрган бўлса-да, у юксақ истеъдод соҳиби эди.

– Ҳм, шундайми? – шубҳали овозда деди Фаш.

– Шошманг, биласизми ҳозир хаёлимга нима келди? – хурсанд бўлиб гапирди кетди Лэнгдон. – Менимча, Соньер ҳам да Винчининг қарашларига қўшилган ҳолда диндан муқаддас аёллик ибтидоси тушунчасини чиқариб ташлаган черковчиларга қарши борган. Эҳтимол, да Винчининг машҳур расмига тақлид қилган нозир рассом каби черков маъбудани иблисга айлантирганидан азият чеккандир.

Фаш қовоғини солганча уни тингларди.

– Нима, бу билан Соньер черковни «иблиснинг ҳамтовоғи» деб атаган демоқчимисиз?

Лэнгдон бундай қатъий саволга тўғридан-тўғри жавоб бериб бўлмаслигини тушунди.

– Мен айтмоқчи эдимки, жаноб Соньер ўз ҳаётини маъбуда тарихини ўрганишга бағишлаган, католик черкови эса маъбудани беобрў қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмади. Тушунишимча, Соньер ўлими олдидан черковдан ихлоси қайтганлигини билдирмоқчи бўлган, холос.

– Ихлоси қайтганлигини билдирган? – Фашнинг овозида қаҳр учқунлари янгради. – Соньер жуда оширворгандек туюлмаётгани сизга?

Шу ерға келганда Лэнгдоннинг ҳам тоқати тугади.

– Менга қаранг, капитан, сиз мендан фикримни сўраган эдингиз, мана, билганимча тушунтирдим.

– Демак, сиз Соньернинг ҳаракатини черковга нисбатан айблов деб ҳисоблайсиз, шундайми? Билиб қўйинг, касбим тақозоси билан кўплаб қотилликларни кўрганман. Ўлаётган одам алақандай сирли ёзувлар ҳақида эмас, қасос ҳақида ўйлашига ақлим етади. Ишончим комилки, Жак Соньер ҳам қотили ким эканлигини айтишга уринган.

Лэнгдон унга таажжубланиб қаради:

– Аммо унинг ёзувларида ҳеч қандай маъно йўқ-ку!

– Менимча эса, бор.

– Йўқ, – дея гудранди Лэнгдон жавобан. У қаттиқ чарчаган ва ҳафсаласи пир бўлган эди. – Соньерга хонасида ҳужум қилиш-

ганини ўзингиз айтгандингиз. Бундан келиб чиқадики, қотилни ичкарига нозирнинг ўзи киритган.

– Тўғри.

– Демак, нозир қотилни билган. Бу ерда қотилга ишора қилувчи нима бор? – Лэнгдон полдаги белгиларга ишора қилди. – Манави рақамларми? Ҳойнаҳой иблиснинг ҳамтовоғи ёки ёвузликнинг турқидир? Балки қорнидаги юлдузми? Йўқ, бу жудаям чалкаш ва жумбоқли.

Фаш бундай фикр гўё унинг калласига умуман келмагандай қовоғини уйди.

– Ҳа, тўғри.

– Менинг тахминимча, – гапида давом этди Лэнгдон, – агар Соньер бизга қотилнинг кимлигини айтмоқчи бўлганида, ўша одамнинг исмини ёзиб қўя қоларди, тамом-вассалом.

Сўхбат бошлангандан бери Фашнинг лабларида илк маротаба ним табассум пайдо бўлди.

– Буни қаранг-а, – деди у, – шу нарса хаёлимга келмаган экан.

*«Ҳа, Фаш чиндан ҳам ўз ишининг устаси, – деб ўйлади Колле кулоқчиндан келаётган овозни эшитаркан. – У бошқалар ҳатто журъат қила олмайдиган ишларни уддалайди».*

Мураккаб вазиятларда эсанкирамаслик ва кези келганда нозик хушомадни ҳам қойиллатиш ҳар қандай полициячининг қўлидан келавермайди. Операцияни бу қадар силлиқ ўтказаятган Фашга ҳавас қилса арзийди. У гўёки ана шундай ишлар учун туғилгандай. Унинг совуққонлиги ва сабр-тоқатига ҳатто роботлар ҳам ҳасад қилса керак.

– Жак Соньернинг қотили ким эканлигини мен биламан, – деди Фаш бундан бир соат олдин агентларига йўл-йўриқ кўрсатар экан. – Ўзингизни кўрсатиш фурсати келди, ҳеч қандай хатога йўл қўймайсизлар, деган умиддан.

Фаш айнан қандай исботларга асосланиб Лэнгдонни қотилликда гумон қилаётганини Колле билмасди. Унинг билгани шуки, Буқанинг сезгиси ҳеч қачон панд бермаган. У жуда художўй одам, черковдаги ибодатларга ҳафсала билан қатнайди. Фаш буни бошқа мансабдорлар каби ўзини кўрсатиш учун эмас, балки чин

кўнгилдан қиларди. Бир неча йил муқаддам Рим папаси Парижга келганида унинг қабулида бўлиш учун Фаш барча таниш-билишларини ишга солганди. Энди эса унинг Рим папаси билан тушган сурати хонасида осифлиқ туради. Ўшандан бери агентлар уни Папа Буқаси деб аташади.

Одатда оммавий баёноتلардан ўзини олиб қочадиган Фаш католик черковида баччавозлик билан боғлиқ жанжалга ўзининг кескин муносабатини билдирган эди. *«Бу руҳонийларни икки марта талаб дорга осииш керак, – деганди у журналистларга. – Аввало болаларга қарши жиноятлари, кейин эса католик черковининг пок номини булзаганлари учун».*

*«Ҳойнаҳой иккинчи сабаб Фашни кўпроқ газаблантирган».* ўйлаганди Колле ўшанда.

У компьютер қаршисига ўтириб яна ўзининг бугунги вазифаси – кузатиш билан шуғулланишга киришди. Шу пайт мониторда жиноят содир бўлган бино қаватларининг мукамал чизмаси пайдо бўлди. Буни Лувр музейининг хавфсизлик бўлимидан олганди. Колле сичқончани қимирлатганча улкан галереялар ва йўлақларни кўздан кечира бошлади. Ниҳоят, қидирган нарсасини топди.

Ана, Катта галереянинг қоқ юрагида миттигина қизил нуқта милтиллаяпти.

Ҳа, Фаш ўз қурбонини юксак маҳорат билан ушлаб турарди. Лэнгдон эса совуққонликда капитандан қолишмас экан.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Безу Фашнинг қимматбаҳо уяли телефони жиринглаб, Лэнгдон билан бўлаётган суҳбатнинг белига тепди. Жаҳлдан тишлари гижирлаб кетган Фаш телефон дисплейига қаради – агентлардан бири кўнғироқ қиляпти. Бу қанақаси? Ахир безовта қилмасликни буюрган эди-ку! Буйруққа хилоф иш тутаётган экан, жуда муҳим хабар етказмоқчига ўхшайди.

- Капитан? – гўшақдан шовқинли овоз эшитилди.
- Нима?!
- Капитан, криптография бўлимининг агенти етиб келди.

Фашнинг лов этиб ёнган ғазаби пов этиб сўнди. Ҳм, криптограф келибди-да. Мавриди бўлмаса ҳам, ёмон янгилик эмас. Сонъернинг полдаги жумбоқли ёзувларини топилиши биланоқ, Фаш жиноят кўринишлари туширилган фотосуратларни криптография бўлимига жўнатган эди. Бордию, у ердаги мутахассислар нозир қолдирган жумбоқнинг тагига етишган бўлса, демак, сирли ёзувнинг маъносини топиш мумкин.

– Мен бандман, – деди Фаш хурсанд бўлиб кетганини билдирмаслик учун жиддий овозда. – Криптографга айт, бошқарув пунктида кутиб турсин. Бўшашим биланоқ у билан гаплашаман.

– У аёл киши, капитан. Агент Софи Невё.

Бу гапни эшитиши заҳоти Фашнинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. Унинг фикрича, Софи Невё судлов полицияси бошқармасининг энг катта хатоларидан бири. Ўттиз икки ёшли бу хоним криптографияни Лондонда ўрганган ва бундан икки йил муқаддам, полицияга аёлларни кўпроқ жалб этиш кампанияси даврида ишга қабул қилинган эди. Вазирликдагилар Фашнинг «аёллар полиция обрўсини тўкади, кучсизлантириб қўяди» деган баҳоналарига қулоқ солиб ўтиришмади. Барибир Фаш айтганидек бўлди. Софи Невё криптография бўлимида кўринганидан буён ҳамма эркакларнинг кўзи унда. Ишлар эса ўлда-жўлда қолиб кетяпти. Заифалардан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин? Парижлик бу хонимчага гап уқтириб бўлмайди, ўтакетган қайсар у. Британиялик мутахассислар услубини мақтайвериб француз криптографияси усталарини аллақачон ўзига қарши қилиб қўйган.

– Агент Невё сиз билан учрашмаса бўлмаслигини айтди, – гўшақдан овоз эшитилди. – Мен уни тўхтатишга уриниб кўрдим, ammo Невё хоним галерея томон йўл олди.

Фаш ғазабдан титраб кетди гўё.

– Йўқ, бунисига чидаб бўлмайди! Ахир бу ўзбошимчаликнинг фирт ўзгинаси!

Фаш гапини тугатдию жағи осилиб, кўзлари қонга тўлди. Лэнгдон унга қараб турарди, Лэнгдон ўтирилиб улгурмасидан аёл кишининг ёқимли товуши келди:

– Мени маъзур тутинг, жаноблар.

Ёш ва гўзал аёл йўлак бўйлаб улар томонга енгил қадам ташлаб келарди. Унинг ҳар бир ҳаракатидан назокат ва латофат уфуриб турибди. Эгнига деярли тиззаларига қадар узайган свитер ва қора шим кийиб олган, қалин сариқ-қизғиш сочлари елкасига ёйилиб тушган эди. У Гарварддаги озишни ўйлаб мунтазам парҳезда юрувчи, танноз малласоч хонимчалардан кескин фарқ қиларди. Кўринишидан маълум, Софи Невё нафақат такрорланмас гўзаллик, балки кучли қатъият соҳиби ҳам экан.

Лэнгдонни ҳайратда қолдириб бу хоним тўппа-тўғри унинг ёнига келди ва сўрашиш учун қўлини чўзди:

– Жаноб Лэнгдон, мен судлов полицияси бошқармасининг криптография бўлимидан Софи Невёман, – деди у инглизчалаб французча оҳангда. – Сиз билан кўришиб турганимдан хурсандман.

Лэнгдон унинг нозик қўлини кафтининг орасига олиб сиқаркан яшил кўзларига маҳлиё бўлиб қолди.

Фаш эса бемаҳалда келгани учун Невёни ғажиб ташлашга ҳам тайёр эди.

– Капитан, – деди Невё Фаш томонга тезлик билан ўтирилиб – бостириб келганим учун уэр, аммо...

– Ҳожати йўқ! – жаҳл билан гудранди Фаш.

– Мен расмдаги жумбоқнинг жавобини топганимни айтмоқчиман, – давом этди Софи инглизчалаб, Лэнгдонга ҳурмат юзасидан.

Лэнгдоннинг юраги ҳапқириб кетди, Фаш эса қандай жавоб қайтаришини билмай, жим турарди.

– Буни сал кейинроқ тушунтириб бераман, – қўшиб қўйди хоним. – Менда жаноб Лэнгдон учун шошилинч хабар бор.

Фаш ҳам ҳайрат, ҳам ташвиш аралаш сўради:

– Жаноб Лэнгдон учунми?

– Ҳа, – жавоб қайтарди Софи ва Робертга ўтирилди: – Сиз тезда АҚШ элчихонаси билан боғланишингиз керак экан, ватанингиздан хат келибди.

Лэнгдон ажабланди. Қизиқ, кимдан мактуб келиши мумкин? Ҳозир Парижда эканлигини айрим ҳамкасблари билишар эди, холос.

Фашга бу хабар ёқмаганлиги кўриниб турар, унинг кўзларида шубҳа акс этган эди.

– Элчихонадагилар жаноб Лэнгдоннинг бу ердалигини қаердан билишибди?

– Менимча, улар аввал меҳмонхонага қўнғироқ қилишган, – елкасини қисганча деди Софи, – у ердагилар эса жаноб Лэнгдон судлов полицияси агенти билан кетганини айтишган бўлса керак.

Фаш безовталаниб қолди:

– Нима? Демак, элчихона ходимлари бизнинг криптография бўлими билан боғланишибди-да?

– Йўқ, ундай эмас. Мен сиз билан боғланиш мақсадида навбатчига қўнғироқ қилгандим, у эса жаноб Лэнгдон учун хабар борлигини айтиб, етказиб қўйишимни илтимос қилди.

Фашнинг қовоғидан чинакамига қор ёғарди, у жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлади, аммо Софи Лэнгдон томонга ўгирилиб бўлган эди.

– Жаноб Лэнгдон, мана бу элчихонанинг телефон рақами, – деди у чўнтагидан буклоғлиқ қоғозни чиқариб. Кейин эса унга маъноли қараб деди: – Сиз гаплашиб бўлгунча мен жаноб Фашга жумбоқнинг ечимини тушунтириб тураман.

– Раҳмат, лекин ҳозир телефонни қаердан топаман, – деди Лэнгдон Софи узатган варақни оларкан.

Софи чўнтагидан уяли телефонини чиқара бошлаган ҳам эдики, Фаш ёвқараш қилиб, уни тўхтатиб қолди. Унинг кўриниши портлашга тайёр турган Везувий вулқонини эслатарди. Капитан Софидан кўзини узмаган ҳолда қўл телефонини Лэнгдонга узатди.

– Бемалол қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Фашнинг шундай гўзал аёлга нисбатан бунчалик газабга ми-ниши Лэнгдонни ажаблантирди. У телефонни олди. Капитан эса шу заҳоти Софини бир четта тортганча танбеҳ беришни бошлаб юборди. Ўзи шу Фаш деганлари борган сайин Лэнгдонга ёқмай кетяпти-да. У қоғозда ёзилган рақамларни терди.

Гудок товуши эшитилди.

Битта гудок, иккита, учта...

Лэнгдон элчихонадаги оператор овозини эшитишни кутган эди, бироқ автоматик жавоб берувчи қурилма ишга тушиб, таниш овоз гапира бошлади:

– Хайрли кун, сиз Софи Невёга кўнғироқ қилдингиз. Айни пайтда у уйда йўқ, аммо...

Лэнгдон ўзини йўқотганича Софига ўтирилиб қаради:

– Кечирасиз, Невё хоним, сиз менга...

– Йўқ, номер тўғри, – Софи шошганча Лэнгдоннинг гапини бўлди. – Гап шундаки, элчихонада хабарларни автоматик тарзда қабул қилиш тизими ўрнатилган. Сиз ўзингизга мўлжалланган ахборотни олишингиз учун яна кириш коддини теришингиз керак.

– Аммо... – ажабланганича гап бошлади Лэнгдон.

– Сизга берган варақда яна учта рақам бор.

Софининг қаҳр учқунлари сачраган кўзларида шундай маънони уқиш мумкин эди: «Хеч қандай савол берманг! Айтганларимни бажаринг!»

Гангб қолган Лэнгдон қоғозда кўрсатилган учта рақамни терди: 454.

– Сиз учун янги хабар бор, – яна овоз келди гўшакдан. Де-мак, 454 рақами Софи уйда йўқлигида хабарларни қабул қилиш учун кириш коди бўлиб хизмат қиларкан.

*«Мен бу аёлга мўлжалланган хабарни қабул қилишим керакми?»*

– Жаноб Лэнгдон, – асабий оҳангда шивирлай бошлади Софи.

– Мени диққат билан тингланг: сиз хавф остидасиз. Қаттиқ илтимос қиламан, кўрсатмаларимни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилинг!

## ЎНИНЧИ БОБ

Сайлас ўзи учун махсус тайёрланган қора «Ауди» машинасида ўтирар ва Сен-Сюльпис черковининг ҳашаматли қиёфасига тикилиб қарарди. Осмонга бўй чўзган бинога икки ёнидаги кўнғироқхоналар ҳам, черковнинг бастича узанган устунлар ҳам алоҳида кўрк бағишлайди, ерга ўрнатилган чироқлар эса меъморчиликнинг ушбу ажойиб намунасини тун қоронғилиги ичида гўё ярқироқ шода каби ўраб турибди.

*«Бу жоҳиллар пойдевор тошини Тангри таолонинг уйига беркитишибди».*

Биродарлик яна бир карра ўзининг ёлгончилар ва худосизлар деган номига муносиб иш қилибди. Сайлас тезроқ тошни топиб Устозига бериш ва ниҳоят мажусийлар бундан кўп йиллар муқаддам асл тақводорлардан нимани ўғирлашганини билиш истагида ёнарди.

*«Пойдевор тоши «Дея асари» қудратига яна қанча куч қўшаркан...»*

Сайлас «Ауди»ни черков олдидаги бўм-бўш майдончага тўхтатди, ўта муҳим вазифани бажаришга киришишдан аввал тинчланиш ҳамда диққатини жамлаш учун чуқур нафас олди. Гуноҳларни ювиш мақсадида ўтказилган ўз-ўзини азоблаш маросимидан кейин кенг яғрини ҳалиям оғрияпти. Аммо Парвардигор марҳаматига эришиш йўлида бу оғриқлар нима бўпти?..

Шундай бўлса-да, унинг қалбини хотиралар изтиробга солмоқда.

– Нафратдан қутилиш керак. Менга қарши борганларни афв этишим зарур.

Сен-Сюльпис черковининг тош минораларига қараганча Сайлас ич-ичини кемираётган нафратини енгилга ҳаракат қиларди. Ҳар сафар ўтмиши ёдига тушди дегунча уни ана шундай нохуш ҳис чулғаб олади. Кўзига қамоқхона камераси, чириган карамлару одам пешоби кўринар, ўлим исини туйгандек бўлади. Ҳеч кимга кераги йўқ, ташландиқ одамларнинг умидсизлик ва иложсизлик аламига тўла қичқирқиқлари, секин йиғлашлари Пиреней тоғлари чўққисидан ўтувчи шамолнинг увиллашига қўшилиб кетар, бу овознинг акс-садоси қулоғи остида жаранглаб кетарди гўё.

*«Андорра»*, ўйлади Сайлас. Шу заҳотиёқ мушаклари зўриқиб кетганини сезд.

Ақл бовар қилмайди, аммо айнан ўша ерда, Испания билан Франция орасидаги миттигина мамлакатда у совуқдан тишлари такилаб фақатгина битта нарса – ўлишни истаган эди.

Ўша пайт унинг исми Сайлас эмасди, майли, ҳозир у ота-онаси берган исми эсламасин. Уйини тарк этганида эндигина еттига кирганди. Ашаддий пиёниста ота оиласида альбинос ўғил туғилганидан қаттиқ ғазабга келди. У аёлини хиёнатда айблаб



калтаклагани-калтаклаган эди. Бола онасини ҳимоя қилишга уринганида отасининг муштларию тепкиларидан бебаҳра қолмасди.

Ана шундай жанжалларнинг бирдан сўнг она полга мук тушдию, қайтиб ўрнидан турмади. Ўғил жонсиз танани қучоқлаганча ўқиб-ўқиб йиғларкан, бу фожида фақатгина ўзини айбдор деб топди.

Унинг кичкинагина жуссасини иблислар эгаллаб олгандай бўлди. У ошхонадан катта пичоқни олиб чиқди-да, каравотда ғирт маст ҳолда юзтубан ётган отасининг устига келди ва жон-жаҳди билан пичоқни суқиб олди. Оғриқдан бўкириб юборган ота ўзини ўнглашга уринди, аммо ўғил унинг дуч келган жойига пичоқ санчарди. Бу ҳол даҳшатли чинқириқлар жимиб қолгунга қадар давом этди.

Кейин эса у ваҳима тўла уйни тарк этди. Аммо... Марсел кўчалари унча меҳмондўст бўлиб чиқмади. Ғалати ташқи кўриниши туфайли ўзи каби ёш дайдилар орасидан жой топа олмади. У узоқ вақт ташландиқ фабрика ертўласида бир ўзи қийналиб яшади, қорнини мевалар ва хом балиқлар ўғирлаб тўйдирди. Чиқиндихонадан топилган журналлар унинг дўстларига айланди, улар ёрдамида ўқишни ўрганиб олди. Шошқалоқ вақт физиллаб ўтар, бола эса ўсиб, кучига куч қўшиларди. Ўн иккига тўлганида ёши каттароқ бир дайди қиз унинг устидан аёвсиз кулиб, овқатини тортиб олмоқчи бўлди. Албатта қизнинг қилмиши жазосиз қолмади: у овқат эмас, ўлар ҳолатга келгунча калтак еди. Уларни ажратиб қолган полициячилар болага қатъий шарт қўйишди: ё Марселдан бош олиб кетасан ёки вояга етмаганлар қамоғига жўнатамиз.

У Тулонга қараб йўл олди. Энди у ўткинчиларнинг нигоҳида ачиниш ва ижирғаниш эмас, балки ҳақиқий кўрқувни кўрар эди. Бола ёнидан ўтаётган одамларнинг ўзаро пичирлашларига гувоҳ бўларди. «Арвоҳ», дейишарди одамлар унинг бўзарган терисига қараб. «*Кўзлари шайтонники каби қип-қизил!*»

У ҳақиқатан ҳам ўзини арвоҳдек ҳис қила бошлади, бир денгиз портидан бошқасига сузиб юрувчи ва кўзга кўринмайдиган арвоҳ...

Ўн саккиз ёшда эди. Бир шаҳарда консерваланган чўча гўшти қутисини ўғирлаётиб қўлга тушиб қолди. Икки денгизчи уни калтаклай бошлашди, уларнинг оғзидан худди отасига ўхшаб пиво

ҳиди анқирди. Шунда йигитчанинг вужудини чексиз нафрат ва ғазаб ҳисси ўраб олди, кучи эса ўн баравар ошиб кетгандай бўлди. Денгизчилардан бирининг бўйинини қўллари билан қайириб ташлади, иккинчиси эса ҳар тутул полициячилар етиб келдию, омон қолди.

Ана шу воқеадан роппа-роса икки ой ўтиб у ўзини Андоррадаги қамоқхонада кўрди.

– Жин урсин, худди арвоҳдек оппоқсан-а! – қотиб кулишарди уни кўрган маҳбуслар. – Буни қаранглар, агар у арвоҳ бўлса, демек, деворлар орасидан бемалол ўта олади!

Ўн икки йил умри қамоқхонада ўтди, ана шу вақт давомида танаси кўзга кўринмас бўлиб бораётгандек туюлди.

*«Мен арвоҳман».*

*«Танам йўқ менинг».*

*«Уни қаранглар... Бу дунёда ёлғиз ўзи дарбадар кезиб юрибди...»*

Бир куни кечаси «арвоҳ» маҳбусларнинг бақир-чақиридан уйғониб кетди. У ухлаб ётган полни ҳам, тош деворларни ҳам ларзага келтираётган қудратли куч нима эканини тушунолмади гаранг эди. Ўрнидан туришга аранг улгуриб қолди, ҳозиргина у ётган жойга жуда катта тош гумбураб тушди. Тош қаердан тушганини билиш учун бошини кўтарди, деворнинг ўпирилган жойидан эса ой нур сочиб турганини кўрди.

У тор тешикдан бир амаллаб ташқарига чиқиб олгунига қадар ҳам ер силкиниши тинмади. Рўпарасида тоғ этагидаги ўрмон пайдо бўлди ва ўша томонга жон-жаҳди билан югуриб кетди. Очлик ва чарчоқ тинкасини қуритиб юборса-да, тун бўйи тинмай фақат олдинга қараб интилди.

Тонготар маҳал ўрмонни кесиб ўтувчи релсларга дуч келди. У ана шу темир излар бўйлаб йўлга тушди, юк ташийдиган бўш вагонни кўриб қолиши билан ҳаловат илинжида ўзини ичкарига урди. Қанча ухлаганини билмайди, уйғонганида поезд юриб кетаётган эди. Буларнинг бари тушда кечаётганга ўхшарди. *«Мен ўлиб қоляпман, шекилли»*, ўйлади у. Йўқ, кимдир уни аёвсиз калтаклаётганидан билдики, ҳали тирик экан. Ўша «кимдир» собиқ маҳбусни ҳолдан тойгунча савалади ва ниҳоят вагондан улоқтирди. Ҳамма ёғи қонга бўялган алфозда қандайдир қишлоқча

атрофида узоқ санғиб овқат излади. У ниҳоят даражада ҳолдан тойгани туфайли шундоққина йўл четига йиқилиб тушди ва ҳуши-ни йўқотди.

Тўсатдан ёруғлик пайдо бўлди ва «арвоҳ» ўлганидан буён қанча вақт ўтгани ҳақида ўйлай бошлади. «*Бир кунми? Балки уч кундир?*» Энди бунинг нима аҳамияти бор? У ётган ўрин худди булутдек юмшоқ, атроф жуда ширин ифорга тўйинган эди. Ҳазрати Исо ҳам шу ерда экан, унга кулимсираганча қараб турарди. «*Қабр тошини олиб ташлашди, — деди у. — Сен қайтадан дунёга келдинг*».

У яна уйқуга кетар ва такрор уйғонар эди. У ҳеч қачон Худонинг борлигига ишонган эмас, аммо кўзини очди дегунча Исони кўряпти. Кровати ёнида овқат пайдо бўлиб қолар, «арвоҳ» ҳаммасини паққос туширар эди. У яна ухлаб қолар ва уйғонганида кўзлари Исонинг меҳрибон нигоҳларига тўқнаш келарди: «*Сен нажот топдинг, бўталогим. Менинг изимдан борганлар марҳаматга муяссар бўлгайлар*».

У яна уйқуга кетди.

Оғриқ ва қаҳр аралаш чинқириқ товуш уни уйғотиб юборди. У товуш чиққан томонга аранг юриб келди ва ошхонада барваста бир эркак жиккакроқ кишини дўппослаётганига кўзи тушди. «Арвоҳ» ўзи билмаган ҳолда бақувват эркакни ёқасидан ушлади-да, деворга урди. У йиқилиб тушди ва шу заҳотиёқ ўрнидан туриб, жон ҳолатда қочиб кетди. «Арвоҳ» роҳиб кийимидаги ёш кишининг ёнига келди. Роҳибнинг бурни пачоқланган, қон оқарди. «Арвоҳ» уни кўтариб хонага олиб борди ва авайлаб диванга ётқизди.

— Раҳмат, дўстим, — деди роҳиб французчада қийналиб ва бўлган воқеани изоҳлагандай бўлди: — Ибодатхона учун йиғилган пул ўғрида катта қизиқиш уйғотади, уни васвасага, нафс балосига дучор қилади. Ҳа-я, уйқунгда сен француз тилида гапирдинг. Испанчани ҳам биласанми?

«Арвоҳ» йўқ деган маънода бошини қимирлатди.

— Исминг нима?

У ота-онаси қўйган исмини ҳеч эслолмади. Кўча-кўйда ва қамоқхонада ҳақоратли лақабларни эшитган, холос.

Роҳиб кулиб қўйди:

– Ҳечқиси йўқ, бу муаммо эмас. Менинг исми-шарифим Мануэл Арингароса, мадридлик миссионерман. Бу ерга ҳазрати Исо шарафига ибодатхона қуриш учун юборилганман.

– Мен қаердаман? – бўғиқ овозда сўради «арвоҳ».

– Овьедодасан, Испания шимолида жойлашган шаҳарчада.

– Бу ерга қандай келиб қолдим?

– Сени кимдир уйимнинг остонасига қўйиб кетибди. Сени парваришладим, чунки касал эдинг. Бу ерда анчадан буён ётибсан.

«Арвоҳ» ўзининг халоскорига зимдан қаради. Охириги йиллар ичида унга ким яхши муносабатда бўлганини эслай олмади.

– Раҳмат сизга.

Кейинги кун эрталаб уйғонган «арвоҳ» ўзини анча яхши ҳис қиларди. У каравотнинг бош томонидаги деворга илинган хочга тикилиб қолди. Ҳазрати Исо энди у билан гаплашмаётгани, аммо унинг ҳаловат бағишловчи тафтини ҳис қилгандай бўлди. Кейин у ўтириб олди ва жавонча устидаги газетани олиб кўздан кечири бошлади. Бир ҳафта олдин босилган бу газета французча эди. «Арвоҳ»нинг бадани кўрқувдан титраб кетди. Газетада ёзилишича, тоғда даҳшатли зилзила рўй бериб, қамоқхона вайронага айланбди, маҳбуслар эса қочиб қолишибди. «Энг хавфли жиноятчилар ҳам озодликда юришибди», дея яқунланган эди мақола.

Юраги қаттиқ ура бошлади. «Демак, роҳиб менинг кимлигимни билар экан-да?» У ўрнидан сакраб турди. «Энди қасққа қочсам экан?»

– Сенга ҳаёт йўлини кўрсатувчи китобни олиб келдим, – орқасидан овоз келди шу пайт.

«Арвоҳ» кўрқиб кетди ва ўтирилиб қаради.

Эшик олдида роҳиб турарди. Унинг бурнига пластир ёпиштирилган, қўлида эса Инжил бор эди.

– Мана, сен учун француз тилидагисини топдим. Белгилаб қўйилган жойини ўқи.

«Арвоҳ» ишонқирамайгина китобни олди.

Белгиланган боб Сайлас исми маҳбус ҳақида бўлиб, у яланғоч ва калтакланган ҳолда зиндонда ётганича Худога ҳамдлар айтарди. «Арвоҳ» 26-байтгача ўқиди ва кутилмаган ҳолдан қалқиб кетди.

«... бирданига ер қаттиқ силкинди ва зулмат эшиклари ўз-ўзидан ёпилиб қолди...»

«Арвоҳ» кўзларини роҳибга қадади.

У эса мулойимлик билан табассум қилди:

– Модомики исминг йўқ экан, бугундан бошлаб сени Сайлас деб атайман.

«Арвоҳ» довдираганича бошини қимирлатди. «Менинг исмим – Сайлас».

– Энди нонушта қилиш вақти келди, – деди руҳоний. – Агар ибодатхона қурилишига ёрдам беришни истасанг, сенга куч керак бўлади...

Ўрта ер денгизидан йигирма минг фут баландликда гирдобли оқимга тушиб қолган самолёт силкинар, йўловчиларнинг бари асабийлашар эди. Аммо епископ Арингароса атрофидаги ғала-ғовурни ҳатто сезмади ҳам. Унинг ўйлари «Дея асари» ва ушбу ташкilotта чамбарчас боғлиқ бўлган ўз келажаги ҳақидаги ўйлар билан банд эди. У Парижда ишлар қандай кетаётганлигини билиш истайди бетоқатланар, Сайласга қўнғироқ қилишни жуда хоҳларди. Афсуски, Устоз бундай қилишни тақиқлаган.

– Бу хавфсизликни таъминлаш учун чора, – деди у Арингаросага. – Электрон алоқа воситаларини яхши тушунаман, менга ишонаверинг, ҳамма гапларингни пойлаб эшитишлари мумкин. Бунинг оқибати эса жуда ёмон бўлиши аниқ.

Арингароса Устози ҳақ эканлигига ақли етарди. Умуман олганда, у жуда эҳтиёткор одам. Ҳатто Арингароса ҳам унинг ҳақиқий исмини билмайди. Устоз унинг фикрларига қулоқ тутиш, буйруқларни эса сўзсиз бажариши лозимлигини бир неча марта исботлаб берган. Айнан угина биродарликнинг тўрт етакчисининг исмини аниқлай олди. Шундан кейин Арингароса тамомила амин бўлдики, фақатгина Устоз «Дея асари»ни мақсадлар сари ҳеч иккиланмай, дадил етаклай олади.

– Епископ, – деди унга Устоз, – мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Режаларимиз амалга ошиши учун Сайлас бир неча кун фақат менинг қўнғироқларимга жавоб беришига тўғри келади. Икковингиз умуман гаплашмаслигингиз керак. Мен эса Сайлас билан ишончли воситалар орқали боғланиб тураман.

– Унга ҳурмат билан муносабатда бўлишга сўз берасизми?  
– Епископ, тақводор одам энг катта ҳурматга сазовордир.  
– Жуда яхши.  
– Бу тадбирлар сизни, Сайласни ва омонатимни сақлаш учун қилиняпти.

– Омонатни?

– Мабодо тараққиётдан ҳам олдинда бўлишга интилишлик сизни қамоққа етаклаб борса, менинг барча меҳнатларим ҳавога учиб кетади.

– Ҳа, буниси ёмон, – кулимсиради епископ. – Худо ёр бўлсин!  
«Йигирма миллион евро ва йигирма миллион доллар», ўйларди епископ самолёт иллюминаторидан пастга қараганича. «Бундай катта омонат учун кам эмасмикан бу мукофот?»

Устоз ва Сайлас панд бериб қўймаслари аниқ. Ахир пул ва эътиқод кўп нарсаларга қодир...

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

– Нима, шунчаки сонлар ўйини?! – деди Фаш ғазаб тўла нигоҳини Софига қадаб. – Сизнингча, бу рақамлар Сонъернинг аҳмоқона математик ҳазилдан бошқа нарса эмасми? Тавба, ўйлаб-ўйлаб топган нарсасини қаранглар-а!

Фаш бу хонимчанинг сурбетлигидан ўзини йўқотиб қўйган эди. Рухсатсиз бостириб келгани камлик қилгандай, боядан бери ўз фикрини ўтказишга уринмоқчи бўляпти.

– Бу код жуда ҳам оддий, Жак Сонъер уни осонлик билан ечишимизга ишонган, – тушунтирди Софи ва свитерининг чўнтагидан варақ чиқариб Фашга узатди. – Мана, коднинг ечими.

Фаш вараққа тикилиб қаради.

*1-1-2-3-5-8-13-21*

– Бун қандай тушуниш керак? – ўшқирди у. – Сиз сонларни тескари тартибда қўйиб чиқибсиз, шу холосми?

Софи безбетларча кулиб жавоб берди:

– Худди шундай.

Фаш энди ўкира бошлади:

– Агент Невё, бунақанги аҳмоқгарчилик билан қаерда шуғулангансиз, билмайман, аммо маслаҳатим шуки, иложи борича тезроқ ўша ерга даф бўлинг! – У ҳалиям телефонда гаплашаётган Лэнгдонга ташвишли назар ташлаб қўйди. Афтидан Америка элчихонасидагилар қандайдир ёмон хабар етказишди, шекилли, Лэнгдоннинг чехраси тундлашиб борарди.

– Капитан, – деди Софи атайин менсимагандек оҳангда, – сиз ҳозир кўриб турган сонлар тўплами тарихдаги энг машҳур математик прогрессиядан ўзга нарса эмас.

Фаш дунёда машҳур математик прогрессиялар мавжудлиги ҳақида ҳеч ҳам эшитмаган эди, агент Невёнинг гапириш оҳанги эса унга умуман ёқмаяпти.

– Бу Фибоначчи кетма-кетлиги дейилади, – деди Софи ва боши билан Фашнинг қўлидаги қоғозга ишора қилди. – Мазкур прогрессияда ҳар бир рақам аввалги иккита соннинг йиғиндисига тенг.

Фаш рақамларга тикилиб қолди. Ҳа, агент Невё ҳақ, аммо бу нарсалар билан Сонъернинг ўлими орасида қандай алоқа бор, капитан шуни тушунмас эди.

– Фикримча, Сонъер полга ёзган рақамлар билан Фибоначчи кетма-кетлигининг мос келиши тасодифий ҳол эмас.

– Хўп, шундай ҳам дейлик, унда Жак Сонъер буни нима учун қилганлигини тушунтириб беринг-чи? У нимани назарда тутган?

Софи елкасини қисди:

– Ҳеч нарсани назарда тутмаган. Бу шунчаки криптографик ҳазил, холос.

Фаш тутақиб кетган эди. У вазоҳат билан Софига яқинлашди.

– Умид қиламанки, бундан бошқа тузукроқ тахминингиз бордир?

Бу гап Софига ёқмади, унинг чиройли қошлари уюлди, кўзларидан эса қаҳр учқунлари сачради.

– Капитан, бугун нималарга дуч келганингизни ҳисобга олиб, Жак Сонъер сизлар билан ўйнашмоқчи бўлганини билиш зарар қилмас деб ўйловдим. Аммо кўриниб турибдики, сиз тамомла бошқача фикрдасиз. Шундай экан, мен криптография бўлими директорига учраб, бизнинг хизматларимизга муҳтож эмаслигингизни билдириб қўйишимга тўғри келади.

Гапани тугатгач, Софи кескин бурилди ва йўлак бўйлаб чиқиш томонга қадам ташлаб кетди. Фаш ҳайрон бўлганча унинг ортидан кузатиб турар эди. «*Нима, агент Невё эсини сганми?*» Бундай журъаткорлик унга қимматга тушиши мумкин, хизмат мавқеи якун топиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Фаш Лэнгдонга ўтирилди. У ҳали ҳам қулоғига телефони босганча АҚШ элчихонаси хабарини тинглаб турарди. «*АҚШ элчихонаси...*» Капитан Фаш бу ёруғ оламда ёмон кўрадиган нарсалар жуда кўп, бироқ уларнинг бирортаси ҳам Фашнинг ғазабини АҚШ элчихонасичалик қаттиқ кўзғатмайди.

Парижга келадиган америкалик меҳмонлар туфайли Фаш АҚШ элчиси билан олишгани-олишган. Ахир Судлов полициясининг марказий бошқармаси деярли ҳар куни америкалик талабаларни наркотиклар сақлаганлиги ва истеъмол қилганлиги, бизнесменларини вояга етмаган фоҳишалар билан алоқаси, сайёҳларни эса дўконлардаги майда ўғирликлар ва жамоат мулкига зарар етказгани учун ҳибсга олади. Қонунга кўра, бундай ишларга АҚШ элчихонасининг аралашшига ҳаққи бор ва элчихона ҳуқуқидан қойилмақом тарзда фойдаланади. Америкалик қонунбузарлар Франциядан ўз ватанларига қайтариб юборилади, у ерда эса уларни ҳеч ким жавобгарликка тортмаслиги тайин.

Элчихона бу тахлит қилмишини тўхтатай демайди. Фашнинг назарида бу судлов полициясини «ахталаш»дан бошқа нарса эмас. Яқинда «Пари матч» газетаси антиқа карикатурани чоп этди: Фаш америкалик қонунбузарни тишлашга уринаётган полиция кучути кўринишида тасвирланган. Кучук минг чўзилгани билан америкалик жиноятчига ҳеч етиб ололмасди, чунки унинг занжири Америка элчихонаси деворига боғланган эди.

*«Ишқилиб бугун ҳам элчи билан жанжаллашмасам гўргайди, – ўйлади Фаш. – Муҳими асабийлашмаслик керак».*

Ва ниҳоят Лэнгдон суҳбатни тугатди. Унинг кўриниши жуда ёмон эди.

– Тинчликми? – сўради Фаш ундан ва телефони олаётиб профессорнинг терлаб кетганлигини кўрди. Лэнгдон «йўқ» дегандек бош чайқаб қўйди.

*«Уйдан ёмон хабар келган бўлса керак», тахмин қилди Фаш.*



– Бахтсиз ҳодиса юз берибди, – ғўлдиради Лэнгдон юзида галати ифода билан. – Менинг бир дўстим... Мен эртага эрталаб уйга учиб кетишим зарур.

– Жуда ёмон бўпти, ҳамдардлгимни қабул қилинг, – деди Фаш синовчан нигоҳини ундан узмай ва йўлакдаги ўриндиққа ишора қилди: – Балки бир оз ўтириб дам оларсиз?

Лэнгдон ўриндиқ томонга бир неча қадам ташладию, бироқ фикрини ўзгартирди, шекилли, тўхтаб қолди.

– Мен ҳожатхонага бориб келишим керак, – деди у хижолат чеккандай.

– Ҳа... албатта. Келинг, бир неча дақиқалик танаффус ташкил қиламиз. – У қўли билан ўзлари келган узун ва қоронғи йўлакка ишора қилди: – Ҳожатхоналар мана шу томонда, шундоққина нозир хонасининг орқасида.

Лэнгдон иккиланар эди. Кейин эса Катта галерея йўлаклари-дан бирига ишора қилди:

– Менимча, шу йўлакнинг охирида ҳам бор эди, шекилли.

Ҳа-я, Катта галереянинг адоғида иккита ҳожатхона бор.

– Сизни кузатиб қўяйми? – мулозамат кўрсатди Фаш.

– Шарт эмас. Мен бир неча дақиқа ёлғиз қолмоқчиман.

Фашнинг кўнгли хижил тортиб қолди. Яхшики, Лэнгдон кетаётган йўлакнинг охири берк, чиқиш эса қарама-қарши томонда жойлашган. Ёнғин хавфсизлиги қондаларига кўра бино қўшимча чиқиш жойлари билан таъминланган, аммо Соньер сигнализаци-яни ишга тушириши билан уларнинг бари ўз-ўзидан ёпилиб қолган эди. Энди очилган бўлса ҳам аҳамияти йўқ, чунки ҳар бир ташқи эшикни судлов полицияси агентлари кўриқлаб туришибди. Лэнгдон ҳеч қаёққа қочиб кета олмайди.

– Мен сизни Соньернинг хонасида кутаман, – деди Фаш. – Биз яна айрим нарсаларни муҳокама қилиб олишимиз керак.

Лэнгдон «Хўп» деб бошвни қимирлатдию қоронғиликда ғойиб бўлди.

Фаш қовоғини солганча қарама-қарши томонга қараб юриб кетди. Панжара остидан ўтиб, Катта галереядан чиқди ва йўлак бўйлаб тез-тез қадам ташлаб Соньернинг хонасига бостириб кирди.

– Софи Невёнинг бинога киришига ким рухсат берди? – ва-жоҳат билан сўради у.

– У соқчиларга кодни ечганини айттанди, – юрак ютиб жавоб қайтара олди Колле.

Фаш у ёқ-бу ёққа назар ташлагач сўради:

– У кетдими?

– Ие, Невё сиз билан бирга эмасми?

– Йўқ, у кетди, – деди Фаш қоронғи йўлак томонга қараб. Кўриниб турибдики, Софининг кайфияти яхши бўлмаган, шунинг учун кетаётиб йигитларнинг олдига кириб ҳам ўтмаган.

Фаш чиқаверишдаги соқчиларга қўнғироқ қилиб Софини тўхтатиб қолишни буюрмоқчи бўлди, аммо дарҳол бу қароридан қайтди. Ҳозир унга хонимча керак эмас, муҳимроқ ишлари кўп.

«Агент Невё билан кейинроқ шуғулланаман», ўйлади у. Капитан учун агент Невё аллақачон ишдан ҳайдаб юборилган, бунинг учун қўлидан келадиган ҳамма имкониятларини ишга солади.

Фаш бир неча сония стол устидаги рицар ҳайкалини ўйланганича томоша қилиб турди. Сўнгра Коллега мурожаат қилди:

– Сиз уни кузатяпсиэми?

Колле «ҳа» дегандай бошини қимирлатди ва компьютер мониторинги Фаш томонга буриб қўйди. Мониторда бино чизмаси бор бўлиб, TOILETTES PUBLIQUES деб ёзилган хонада қизил нуқта милтиллаётган эди.

– Яхши, – деди Фаш ва сигарета тутатди. Кейин эса чиқиш томонга йўналди. – Мен қўнғироқ қилишим керак. Кузатиб туринглар, Лэнгдон ҳожатхонадан бошқа ҳеч қаерга кирмасин.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Лэнгдон боши ғовлаганча йўлак бўйлаб юриб борарди. «Қизиқ, Софи нима учун бундай ғалати хабар қолдирдийкин?» Йўлак охиридаги ҳожатхоналар эшикларида ҳаммага маълум кўрсаткичлар аниқ кўриниб турарди. Лэнгдон эркаклар бўлимига йўл топгач, эшикни очиб ичкарига кирди ва чироқни ёқди.

Ичкари бўм-бўш эди.

У фикрларини жамлаб, нималар содир бўлаётганини мушоҳада қилиб кўрмоқчи бўлди. Тавба, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқе-

алар юз беряпти-я, бировга айтиб берсанг, ўлақолса ишонмайди. Лэнгдон раковинага яқинлашиб, юзини совуқ сувда ювди. Эндигина қоғоз сочиққа артинаётган ҳам эдики, эшик гичирлаб очилиб, Софи Невё кўринди.

– Худого шукур, шу ерда экансиз! – деди у ортидан эшикни оҳиста ёпаркан. – Биласизми, вақтимиз жуда оз.

Лэнгдон Судлов полицияси марказий бошқармасининг криптография бўлими мутахассисига саросимали ҳолда қараб турарди. Атиги бир неча дақиқа олдин унинг хабарини тинглаб туриб, Лэнгдон бу аёл ақдан озган бўлса керак, деб ўйлади. Аммо Софи Невёнинг самимийлигини, сўзларида ёлғон йўқлигини ички бир ҳиссиёт билан сезаётган эди.

*«Мени диққат билан тинланг: сиз хавф остидасиз. Каттиқ илтимос қиламан, кўрсатмаларимни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилинг!»*

Лэнгдон шундай қилишни маъқул кўрди. У яқин дўсти автоҳалокатга учрагани ва зудлик билан АҚШга учиб кетиши кераклигини айтиб, Фашни алдаган эди. Кейин эса ҳожатхонага қараб йўл олди.

Мана, Софи унинг қаршисида турибди. Катта галереяга қараганда бу ер анча ёруғ экан, аёлни юзи яққол кўриниб турарди. Ҳаракатларидаги кескинлик ва қатъийликка қарамай чеҳраси ниҳоятда назокатли, чиройли кўзлари эса синчков боқади. Лэнгдон уни кўриши билан Ренуар мўйқаламига мансуб асарларни эслади: гўзаллиги нигоҳларидаги сирлилиқ билан уйғунлашган аёл образи...

– Мен сизни огоҳлантириб қўймоқчи эдим, жаноб Лэнгдон, – гап бошлади Софи. Унинг овози кафел деворлар ичида қаранглаб чиқарди. – Сизнинг ҳар қадамингиз кузатув остида.

– Кузатув остида? Нима учун? – Софи телефонда бунини тунтирган эди, аммо Лэнгдон шахсан унинг ўзидан эшитишни хоҳлади.

– Чунки Соньбернинг қотиллигида гумон қилинаётган ягона киши сиз бўласиз.

Демак, Софининг айтишига қараганда, уни Луврга рамалар бўйича мутахассис сифатида эмас, асосий гумондор тариқасида

чақиришган экан-да. Лэнгдон ўзи билмаган ҳолда полициячиларнинг сўроқларига жавоб бераверган. Полициядагилар унинг асаблари саволларга дош беролмай, жиноятни бўйнига олади деб умид қилишгандир ҳойнаҳой.

– Пиджагингизнинг чап чўнтагини текшириб кўринг-а, нима борлигини кўрасиз, – деди Софи. – Айнан шу нарса орқали улар сизни таъқиб қилишмоқда.

Лэнгдон унга ишонқирамагандек қараб турарди.

– Қаранг, қараб кўраверинг.

Роберт кўлини твид пиджагининг чап чўнтагига суқиб, пайпаслаб кўрди. «Ҳеч нима йўқ-ку. Софи ҳазиллашяптими нима бало?» Йўқ, ҳартугул кўлига алланарса илашди ва Лэнгдон уни эҳтиёткорлик билан чиқариб томоша қила бошлади. Кўринишидан тутмачага ўхшайдиган, қаттиқ нарса. Бунақасини у ҳеч қачон кўрмаган.

– Нима бу?

– Кузатиш учун махсус маёқча, – жавоб берди Софи. – Бу нарса объектнинг ҳаракатланиши ҳақида компьютерга маълумот юбориб туради ва йўлдош алоқа асосида ишлайди. Демак, объект ер юзининг қаерида бўлса ҳам уни кузатиб туриш мумкин бўлади. Тушунгандирсиз, маёқча сизда экан, ҳеч қачон қочиб кета олмайсиз. Уни пиджагингиз чўнтагига меҳмонхонага келган агент солиб қўйгани аниқ.

Лэнгдон меҳмонхона номеридаги воқеани эслади. У шошилиб душ қабул қилди, кейин кийинди ва эшик олдида агент унга пиджагини узатган эди. «Кўчада ҳаво салқин, – деган эди у. – Париж баҳори кўшиқларда куйланганидек эмас». Лэнгдон агентга миннатдорчилик изҳор қилиб, пиджагини кийиб олганди.

– Маёқча ҳақида аввалроқ айтганимда, Фашнинг ёнидаёқ уни чўнтагингиздан чиқариб олган бўлардингиз, – тушунтирди Софи. – Улар сизни қочиб кетади деб ўйлашган, бу эса шубҳаларини яна бир карра кучайтирарди, холос.

– Нега энди қочишим керак экан? – хитоб қилди Роберт. – Ахир мен айбдор эмасман-ку!

– Фаш эса бундай фикрда эмас.

Лэнгдон аччиқланган кўйи маёқчани ташлаб юбориш учун ахлат қутиси томон йўналди.

– Йўқ, кераги йўқ! – Софи унинг қўлини ушлаб олди. – Чўнтагингизда тураверсин. Агар ташлаб юборсангиз компьютерга маълумот бормаё қолади ва маёқчани топиб олганлигингиз аён бўлади. Кейин эса нималар юз бериши мумкинлигини тасаввур қилаверинг, – у маёқчани Лэнгдоннинг қўлидан олиб, тақрор чўнтагига солиб қўйди. – Ҳозирча сизда туриб турсин.

Лэнгдоннинг юраги гижимлаб қўйгандек бўлди.

– Сизнингча, Фаш нима учун мени қотилликда гумон қиляпти?

– Гумон қилиши учун етарли асослари бор, – жавоб берди Софи. – Энг муҳим далилини эса Фаш ҳозирча сиздан яширяпти.

Лэнгдон энди тамомила гангиб қолган эди, у ҳайратланганича Софига тикилиб қолди.

– Соньер полга ёзиб қолдирган матн эсингиздами?

Лэнгдон «ҳа» дегандек бошини қимирлатди. Сўзлар ва рақамларни жуда яхши эслайди.

– Ўша матннинг тўртинчи қатори ҳам бор эди, Фаш уни ҳам суратга олдириб қўйган, аммо сиз келгунингизга қадар полдан ўчиртириб ташлаган.

Софи свитери чўнтагидан фотосуратнинг компьютерда чиқарилган нусхасини олди ва уни оҳиста оча бошлади.

– Бундан бир неча соат олдин Фаш жиноят содир бўлган жойнинг фотосуратларини бизнинг бўлимга юборган эди. У Соньер ўлимидан олдин нима демоқчи бўлганлигини топиб беришимизга умид қилган. Мана, матннинг тўлиғини ўқиб кўринг, – шундай дея Софи варақни Лэнгдонга узатди.

Лэнгдон вараққа тикилар экан ўз кўзларига ишонмас эди. Охири сатрни ўқидию бошидан учаёзди, аъзойи баданига титроқ кирди.

13-3-2-21-1-1-8-5

Нодон элчи даврида!

Нома изла!

P.S. Роберт Лэнгдонни топинг!

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

Лэнгдон ёзувга алақанча вақт тикилиб қолди. «Роберт Лэнгдонни топинг...» У ўйлаб ўйига ета олмасди: бундай ёзув қолдиришга Соньерни нима ундади экан? Сабабини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин.

– Фаш нега сиздан гумон қилаётганини энди тушунгандирсиз?  
– сўради Софи.

Боя «Буқа» жуда хурсанд бўлиб кетган эди, бунинг сабабини Лэнгдон ана энди англади: марҳум қотилнинг исмини ёзиб қолдирганда яхши бўлмасмиди, деган эди у капитанга.

– Йўқ, ҳеч ақлга сиғмайди, – хитоб қилди у ҳам ҳайрат, ҳам ғазаб тўла оҳангда. – Жак Соньерни ўлдириш менга нима учун керак?

– Айнан шу саволга Фаш ҳали жавоб топа олганича йўқ, – қуруққина қилиб деди Софи.

– Ахир мен жиноят содир бўлган пайт меҳмонхонада эдим, – ўзини оқлашга тушди Лэнгдон, – у ерга маърузам туташи биланок борганман. Портъе ҳам буни тасдиқлаши мумкин.

– Фаш уни сўроққа тутиб бўлган. Портъенинг айтишича, сиз номерингиз калитини тахминан соат ўн яримларда олгансиз. Қотиллик эса соат ўн бирларда содир этилган. Меҳмонхонадан билантирмай чиқиб, кимнидир ўлдиришга ўттиз дақиқа вақт бемалол етади.

– Йўқ, Фаш барибир ҳеч нимани исботлай олмайди!

Софининг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

– Қанақасига исботлай олмас экан, жаноб Лэнгдон? Исмингиз жасад ёнида, полга ёзиб қолдирилган ахир! Бундан ташқари, Соньернинг кундалигига сиз билан бугун учрашмоқчи эканлиги қайд этилган. Учрашув пайти қотиллик содир бўлган вақтга тўғри келяпти. Сизни ҳибсга олиш ва бошқармага олиб бориб сўроқ қилиши учун Фашда етарлича асос бор.

Ҳа, Софи ҳақ. Энди бу ёнига ишнинг адвокатсиз битмаслигини Роберт тушунди.

– Ахир мен одам ўлдирганим йўқ, – деди у ожизона.

Софи чуқур хўрсинди.

– Унутманг, Францияда қонун полициячиларни ҳимоя қилади, жиноятчиларни эмас. Буни ҳам кўя туринг, мана энди журналистларга гап топилди. Эртага улар Жак Соньернинг ўлими ҳақида ҳамма ёққа айюҳаннос солишлари тайин, ўзингиз ҳам биласиз, у Парижда анчагина таниқли киши эди. Мухбирлар баёнот беришини талаб қилиб Фашни тинч қўйишмайди, шунинг учун ҳам капитан ақалли битта гумондорни ушлаб туриши керак.

Лэнгдон ўзини тамомила чорасиз сезаётган эди.

– Буларни нима учун менга айтаётганингизни билсам бўладими?

– Чунки, жаноб Лэнгдон, мен айбингиз йўқлигига юз фоиз ишонаман! – Софи унинг кўзларига тик боқди. – Яна шунинг учунки, бу машмашага аралашиб қолишингизда қисман менинг ҳам айбим бор.

– Кечирасиз, тушунмадим?..

– Гап шундаки, полдаги нома менга мўлжалланиб ёзилган.

Лэнгдон қандай жавоб қайтаришни билмас, мияси гўё фикрлашдан тўхтаб қолгандай эди.

– Соньер сизнинг бундай ноқулай аҳволга тушиб қолишингизни ўйламаган, – гапида давом этди Софи. – Чунки ҳаётининг сўнгги дақиқаларида жуда шошган, ўйлаб ўтиришга вақти бўлмаган. У қолдирган рақамлар эса ҳеч қандай маънога эга эмас, уларни криптографлар эътиборини тортиш учунгина ёзган. Аниқроғи, айнан мен у билан боғлиқ қандай воқеа юз берганини тезроқ аниқлашим учун ҳам шундай йўл тутган.

Лэнгдоннинг боши айланиб кетди. Софининг ақли ўзидами, йўқми, буни тушуна олмасди. Аммо агент унга ёрдам бермоқчига ўхшайди. «*Роберт Лэнгдонни топинг...*» У Соньернинг сўнгги илтимосини бажо келтириш ниятида Лэнгдонни қидириб топган.

– Айтингчи, нома айнан сиз учун қолдирилганини қандай билдингиз?

– «Витрувиан одами» ёрдамида, – жавоб қайтарди Софи. – Леонардо да Винчининг бу асари менга жуда-жуда ёқади. Диққатимни тортиш мақсадида Жак Соньер шу асардан фойдаланган.

– Шошманг, шошманг! Демак, Соньер сиз ҳақингизда билган экан-да?!

Софи бошини қимирлатиб тасдиқлади.

– Билиш ҳам гапми... Мени кечиринг, ҳаммасини бир бошдан айтиб беришим керак эди. Гап шундаки, Соньер ва мен...

Софи жим бўлиб қолди. Унинг гапиришида ўтмишини чуқур қайғу ва алам билан эслайдиган одамнинг оҳанги бор эди. Софи ва Жак Соньер яқин алоқада бўлган... Дарвоқе, кекса француз эркалари ўзларига ёшгина ўйнаш орттириб юришадик-ку. Лэнгдон қаршисида турган гўзал аёлга қараганча шу ҳақида ўйлади.

– Биз ўн йилча олдин уришиб қолгандик, – шивирлагандай гапира бошлади Софи. – Ўшандан бери деярли гаплашмаганмиз. Бугун эса бўлимимизга кўнғироқ қилиб, Соньер ўлдирилганлигини айтишди, фотосуратларни юборишгандаёқ тушундимки, бу нома менга аталган.

– Ўз танаси орқали «Витрувиан одами»ни кўрсатгани учун шундай хулосага келдингизми?

– Бунинг учунгина эмас. Нома охиридаги P.S.\* ҳарфлари шунчаки ишора эмас, балки менинг исминни билдиради.

– Нима? Исмимиз Софи Невё-ку!

– Ҳа. Соньер билан бирга яшаганимизда эса у мени Малика Софи\*\* деб чақирарди. P.S. эса Малика Софининг қисқартирилгани. У пайтлар мен кичкинагина қизалоқ эдим.

– Нима, Соньер билан анчадан бери танишмидингиз?

– Ақлимни таниганимдан бери, – унинг кўзларида ёш қалқиди. – Жак Соньер менинг бобом эди...

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

– Лэнгдон қани? – сўради Фаш хонага кираётиб ва сигаретадан чуқур тортиб қўйди.

– Ҳали ҳам ҳожатхонада, – жавоб қайтарди лейтенант Колле мониторга тикилганча.

– Бунча узоқ қолиб кетмаса?

---

\*P.S. – постскриптум, хат охирида қўшимча гап олдидан қўйиладиган ишора.

\*\*P.S., яъни Princess Sofi, таржимаси – Малика Софи.



Шахсан ўзи ишонч ҳосил қилиш учун у Колленинг елкаси оша мониторга қаради: қизил нуқта милтиллаганча шуълаланиб турарди. У ерга бориб Лэнгдон нима қалаётганини текшириб кўришдан Фаш ўзини зўрға тийди. Майли, истаганча ҳаракат қилиб қолсин, ана шунда ҳеч қандай шубҳага бормайди. Лэнгдон ўз оёғи билан қайтиб келиши керак. Аммо кетганига ўн дақиқа-ча бўлди. Бу жуда узоқ вақт.

– У кузатув ҳақида билиб қолдимикан? – сўради Фаш.

– Йўғ-е, балки ўзини ёмон ҳис қилаётгандир. Агар маёқчани топиб олганида, албатта уни ташлаб юборган ва қочишга уриниб кўрган бўларди.

Фаш қўл соатига қараб қўйди.

– Жуда яхши. Унда кутиб турамин.

Аммо кўриниб турибдики, Фашни гумонлар тинч қўймапти. Колле бугун капитаннинг асаблари жуда таранглигидан ажабланди. Ҳар доим босиқлик билан иш кўрадиган Фаш ортиқча ҳаяжонга берилаётганини сездириб қўймоқда эди. Гўё бу иш унинг учун алоҳида аҳамиятга эгадай.

«Ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади,– ўйлади Колле. – У Лэнгдонни ҳибсга олиши тайин». Фаш яқиндагина вазирлар маҳкамаси ва журналистларнинг аёвсиз танқидига учради: унинг жиноятларни очишдаги анчагина қўпол усуллари, чет давлатлар элчихоналари билан тинимсиз тортишиши, идорасини янги технологиялар билан таъминлаш мақсадида ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфлаши кўпчиликка ёқмаётган эди. Бугун эса худди ўша юқори технологиялар ёрдамида америкалик Роберт Лэнгдоннинг ҳибсга олиниши танқидчилар оғзини ёпиб қўйиши мумкин. Ундан кейин Фаш яна бир неча йиллар мобайнида ўз иши билан хотиржам шуғулланади, кейин эса уни иззат-икром билан нафақага кузатиб қўйишади.

Тўғри, Софи Невёнинг қутилмаган ташрифи ишга бир мунча ҳалақит берди, аммо бунга эътибор бермаса ҳам бўлади. Ҳозир у кетди, энди Фаш ўзини хотиржам сезавериши мумкин. Энг катта далил – Лэнгдоннинг исми жасад ёнида ёзиб қолдирилганлиги ошкор этилганича йўқ. Профессорнинг ўзи бу далилни кўрганида қандай аҳволга тушар экан-а.

- Капитан, сизни сўрашяпти – агентларидан бири қўлида телефон гўшагини ушлаб турар, юзи ташвишли эди.
- Ким экан? – сўради Фаш.
- Криптография бўлимнинг директори.
- Хўш?
- У Софи Невё ҳақида гаплашмоқчи, шекилли...

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Ва ниҳоят фурсат келди.

Сайлас қора «Ауди»дан тушиб, атрофни синчков нигоҳи билан кузатиб чиқди. Эғнидаги кенг сутанаси тунги шабадада тинмай ҳилпирар эди. «Ҳа, буюк ўзгаришлар шамоли эсмоқда», хаёлидан ўтказди у. Бугун амалга оширилажак топшириқ ундан нафақат жисмоний куч-қувватни, балки ақл-идрок билан иш тутишни ҳам талаб қилади. Шуни ўйлаган Сайлас ич чўнтагидан Устоз тақдим этган пистолетни чиқарди ва машина ичига қўйди.

*«Парвардигор даргоҳида ажал қуролига ўрин йўқ».*

Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун черков олдидаги кенг майдон кимсасиз эди, фақатгина хув нарироқда бир жуфт ёшлар кечикиб келган сайёҳлар машиналари ёнида сополдан ишланган эсдаликларни намоиш этишмоқда. Йигит ва қизнинг дуркун қоматини кўриб Сайласнинг кўнглида ажиб ҳислар уйғониб кетди. Уйғониб кетди-ю шу заҳотиёқ тақатақ кесилди: белига осилган боғичи ўзининг ўткир учларини сонига аёвсиз қадай бошлаган эди. Мана, ўн йилдан ошибдики, Сайлас тана билан ҳис қилиш мумкин бўлган ҳар қандай лаззатдан маҳрум, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. «Йўл»нинг қонуни шуни тақозо этади. У «Дея асари» учун кўп нарсадан воз кечган, кўп нарсадан мосуво, бироқ бунинг эвазига ортиқроғини олишига ишончи комил эди. Ҳирсларини тийиб юриш унчалик қийин эмас. Бир маҳаллар хор-зорликда ўтказган кунлари ва қамоқхонада жинсий зўравонликдан чеккан азоблари олдида бундай синов ўзига ҳам ёқиб кетади.

Андорра қамоқхонасида ўтириб чиққанидан буён Францияга илк мартаба келиши. Она юрт тупроғи унинг қалбида соғинч

ҳисларини эмас, аксинча оғриқли хотираларни уйғотиб юборди. «Авалли Сайлас йўқ энди, мен қайтадан тузилганман», деди ўзига-ўзи. Бугун Тангрига хизмат қилиши учун гуноҳ — қотилликка қўл уришига тўғри келади. Аммо бу гуноҳи кечирилиши ва ўрнига савоб олишини у жуда яхши билади.

«Имон-эътиқодинг сен бардош бера оладиган уқубатлар билан ўлчанади», дерди унга Устоз. Оғриқ ва азоб нима эканлиги эса Сайласга кундай аён ва бу машаққатлар Яратганнинг иродаси билан юз бериши фақатгина роҳат бағишлайди.

— Мен Тангри наздида маъқул ишни қилмоқдаман, — дея шивирлади Сайлас черковнинг катта ва залворли эшиги томон юраккан.

Остонада турганча ичкарида ўзини нималар кутаётганини ўйлаб чуқур-чуқур нафас олди.

«Пойдевор тоши мақсадларимизга етишишига ёрдам беради»

У арвоҳники каби оппоқ қўллари билан эшикни уч маротаба тақиллатди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас ғичирлаган товуш эшитилиб эшик очилди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

«Қизик, — ўйларди Софи, — Луврдан чиқиб кетмаганимни тушуниб етиши учун Фаизга қанча вақт керак бўларкан?»

Унинг гапларини эшитиб Лэнгдон карахт бўлиб қолган эди. Уни бу ерга чақиргани ва бор гапни айтиб бериб тўғри иш қилганига Софи шубҳалана бошлади.

«Хўш, нима қилишим керак эди?»

У бобосининг қуруқ полда оёқ-қўлларини узатганча, яланғоч ётганини тасаввур қилди. Қачонлардир Софи бобосини жуда-жуда яхши кўрарди, бугун эса унга унчалик ҳам жони ачимаётганидан ажабланди. Жак Соньер набираси учун бегонага айланганига анча бўлган. Софи йигирма иккига кирган маҳал улар ўртасидаги ришта батамом узилган эди.

Ўшанда у Англияда таҳсил оларди. Уйга мўлжалланганидан бир неча кун эрта қайтди ва...

Кошки ўша манзарани кўрмаганида эди.

Софи бобосидан бундай номаъқулчиликни умуман кутмаганди. У Соньернинг ялиниб-ёлворишларини тушунтиришларига қарамай ўзи туғилиб ўсган уйни тарк этди.

Бу воқеа ҳақида ҳеч қачон ҳеч кимга оғиз очмасликка қасам ичди. Соньер эса у билан ярашиш йўлларини излар, беҳудага тинимсиз мактуб йўлларди. Софи бобосининг илтимосларига фақатгина бир марта жавоб берди: ундан умуман кўнғироқ қилмасликни ва одамлар олдида учрашмасликни талаб қилди. У Соньернинг тушунтиришлари қилган ишидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб чиқишидан кўрқар эди.

Жак Соньер эса чекинмади ва Софининг уйдаги тортма очилмаган хатларга тўлиб кетди. Аммо бугунги кўнғироғи Софини тамомила гангитиб қўйди.

– Софи, – автомат жавоббергичдан қарияларга хос ҳорғин овоз эшитилди, – шу пайтгача талабингни бажариб, сенга кўнғироқ қилмадим. Ишон, бундай қарорга келишим мен учун осон бўлмади. Бироқ гаплашиб олишимиз зарур. Биласанми, жуда кўнғилсиз воқеа рўй берди.

Софининг юраги ҳаққириб кетди, шунча йилдан кейин яна бобосининг овозини эшитиш унга ғалати туюлиб кетди. Соньернинг майин ва илтижоли оҳанги эса болалик дамларини эсга солди.

– Сендан ўтинаман, гапимни охиригача эшит, – деди бобоси инглизчалаб. Соньер набираси билан ҳали у кичкиналик пайтида ноқ инглиз тилида гаплашар эди. *«Французча билан мактабда шуғуланасан. Уйда эса инглиз тилини ўрганганинг яхши»*, дерди у. – Мендан ҳар доим хафа бўлиб юришинг яхши эмас-ку. Шу йиллар ичида юборган хатларимни ўқидингми? Наҳотки ҳеч нарсани тушунмаган бўлсанг? – У бирпас жим қолди. – Биз учрашишимиз керак. Иложи борича тезроқ. Ахир менга раҳминг келсин, озгина вақт ажратиб, Луврга кўнғироқ қил. Менимча, ҳар иккимизнинг ҳаётимизга жиддий хавф соя соляпти.

Софи ўйланганча телефонга тикилиб қолди. *«Хавф? У нима демоқчи ўзи?»*

– Маликам менинг, – бобосининг овози нимагадир қалтираб чиқарди, – сендан кўп нарсаларни яшириб келдим ва бунинг эва-

зига меҳрингдан бебаҳра яшадим. Нимаики қилган бўлсам, сенинг хавфсизлигингни ўйладим. Энди эса бор ҳақиқатни ошкор этиш пайти етди. Илтимос, учрашайлик, сенга оиланг ҳақидаги сирни айтиб бераман. Мен қўнғироғингни кутаман.

«Нима, оилам ҳақида?» Ахир унинг ота-онаси тўрт ёшлигида ўлиб кетишган. Кўприкдан дарёга қулаб тушган машинада онаси ва отасидан ташқари, бувиси ҳамда укаси ҳам бўлишган. Софи бир куннинг ўзида меҳрибонларидан айрилиб қолган эди. Ўша ҳалокат ҳақида газетада босилган хабарларни ҳали ҳам қутичасида сақлайди.

Софи ошхона ўртасида титраганча турар ва бобоси телефонда қолдирган хабар ҳақида ўйларди. Туриб-туриб хаёлига келган фикр жуда жўялидай туюлиб кетди: бу бир баҳона, холос. Соньер кўпдан бери у билан учрашмоқчи бўлиб юрар, бунинг учун турли вазлар кўрсатарди. Балки бобоси оғир касалдир, неварасини охириги ма-ротаба кўриб қолиш илинжида шу гапларни ўйлаб топгандир.

Софи қўнғироқ қилмади. Қилмоқчи ҳам эмасди. Энди эса кун-дузги шубҳалар ўрнини ғамгин ўйлар эгаллаб олди. Жак Соньер-ни музейда ўлдириб кетишибди. Бобоси ўлими олдидан унга атаб жумбоқли нома қолдирибди. Тўғри, номанинг маъносини ҳали тушуниб етганича йўқ, аммо охириги сўзлар шифрли эканми, демак у Софига аталган.

Соньер турли кодлар, шифрлар, бошқотирма ва сўз ўйинла-рининг ашаддий мухлиси эди. Софида криптографияга қизиқиш уйғонишига ҳам айнан бобоси сабабчи. У ўн икки ёшидаёқ «Ле монд» газетасидаги ҳар қандай кроссвордни мустақил равишда еча оларди. Бобоси эса уни инглизча бошқотирмалар, математик жумбоқлар, шифрлаш асосларига ўргата борди. Болаликдаги қи-зиқиш қизалоқнинг келажagini белгилаб берди: эндиликда у Судлов полицияси марказий бошқармасида шифрловчи бўлиб ишляпти.

Номани ўрганиб чиққан Софи бобоси бир-бирига мутлақо но-таниш одамлар, яъни невараси ва Роберт Лэнгдонни учраштирмоқчи бўлганини фаҳмламай қолмади.

Аммо бир савол тинчлик бермайди: нима мақсадда?

Роберт Лэнгдоннинг ҳайрат акс этган нигоҳлари у ҳам ҳеч нарсадан беҳабар эканини билдириб турарди.

– Бугун бобом билан нима учун учрашмоқчи эдингиз? – сўради Софи.

Лэнгдон бу саволдан бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

– Учрашувни унинг котибаси тайинлаганди, менга қўнғироқ қилганида сабабини айтмади, мен ҳам сўрамабман. Менимча, бобонгиз француз черковларида мажусийлик тимсоллари ҳақидаги маърузаларимни эшитган бўлса керак. Бу эса унда қизиқиш уйғотган бўлиши мумкин.

Бу гапга Софининг ишонгиси келмади. Ахир унинг бобоси мажусийлик тимсоллари борасида энг зўр билимдон эди. У ўта кетган одамови бўлиб, Лэнгдонга ўхшаган америкалик профессорлар билан валақлашиб ўтиришга вақт ажратмасди. Учрашмоқчи бўлибдими, демак бирор жиддий сабаби бўлган.

Софи хўрсинди ва Лэнгдонга ҳақиқатни айтишга қарор қилди:

– Бобом кундузи қўнғироқ қилганида у ва мен хавф остида эканлигимизни айтган. Сизнингча, бу нимани билдириши мумкин?

Лэнгдон афсуслангандай бош чайқади.

– Узр, бу ҳақида бирор нима дейишим қийин.

Софи индамади. Ҳожатхонанинг кўчага қараган кичкинагина деразаси олдида келди-да, уни очиб пастга қаради. Улар қирқ футча баландликда туришибди экан. Софи яна хўрсинди ва кўз олдида намоён бўлган кўчани томоша қила бошлади. Ана, Сена дарёсининг чап қирғоғида Эйфел минораси ёрқин нурларга чўмганча қад ростлаб турибди. Шундоққина тўғрида эса Зафар арки. Ўнг томонда Сакре-кёр ибодатхонаси тун қоронғусида ҳам ўзининг бор гўзаллигини кўз-кўз қилмоқда.

Улар Луврнинг энг узоқ, Карузел майдонига туташ ғарбий қанотида эдилар. Вақт кеч бўлишига қарамай бу ерда машиналар қатнови тинмаган. Тунда дўконларга маҳсулотлар тарқатиб юрадиган юк автомобиллари светофор олдида яшил чироқ ёнишини кутиб турар, уларнинг қизил чироқлари эса Софига кўз қисгандек туюларди.

– Қизиқ, бобонгиз ўлими олдидан нима демоқчи бўлган? – деди Лэнгдон Софи томонга яқинлашаркан. – Бу жумбоқни қандай ечиш мумкин?

Софи деразадан ўтирилди. Робертнинг овозида самимийлик бор эди. Бошига тушган шунча кўргуликларга қарамай у чиндан ҳам ёрдам бермоқчи эди. Софи судлов полицияси Лэнгдон ҳақида тайёрлаган материалларни кўриб чиққанди. Лэнгдон олим киши. Ҳақиқий олимлар эса англашилмовчиликларни ҳазм қила олмай-дилар.

«Бу томондан биз ўхшашмиз», ўйлади Софи. Балки Лэнгдон ўзи билмаган ҳолда бирор муҳим маълумотни ошкор этар? Аммо у қандай ёрдам берар экан деб кутиб ўтиришга фурсат йўқ. Вақт жуда тифиз.

– Безу Фаш сизни исталган дақиқада ҳибсга олиши мумкин, – деди Софи. – Мен эса сизни музейдан чиқариб юбора оламан. Бироқ биз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

Лэнгдоннинг кўзлари қинидан чиқиб кетгудай бўлди.

– Нима, сиз менга қочишни таклиф қилмоқчимисиз?

– Энг маъқули ҳам шу. Агар Фаш сизни қўлга олса, у ҳолда француз қамоқхонасида бир неча ҳафта, балки ойлаб қолиб кетишингизга тўғри келади. Агар ҳозироқ бу ердан чиқиб кета олсак, АҚШ элчихонасига етиб оламиз ва Америка ҳукумати сизнинг ҳуқуқларингизни ҳимоя қилади. Мен эса қотилликка алоқангиз йўқлигини исботлашга уриниб кўраман.

Афтидан Софининг сўзлари Лэнгдонни қониқтирмаганга ўхшайди.

– Қочишни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Ҳар бир эшикда Фашнинг қуролланган соқчилари турибди. Агар бизни қочиб кетаётганимизда отиб ташлашса ҳам, қочишимнинг ўзиёқ айбдор эканлигимга исбот бўлади. Яхшиси, полдаги нома сизга аталганлигини Фашга айтишингиз керак.

– Албатта, айтаман, – шошганча ваъда берди Софи, – фақат Америка элчихонасигача етиб олганимиздан кейин. Элчихона эса бу ердан атиги бир миля узоқликда, холос. Тушунинг, Фаш билан Луврда турганча музокара олиб бориш хатарли. Бугун у айбингизни исботлаш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Ҳибсга олмай турганига сабаб шуки, у янги далил-исботлар топиш илинжида.

– Ахир қочиб кетишим унинг гумонларини тасдиқлайди-ку!

Шу пайт Софининг свитери чўнтагида уяли телефони жиринглаб қолди. Фаш кўнғироқ қияпти! Софи телефонни ўчириб, яна чўнтагига солиб қўйди.

– Жаноб Лэнгдон, – гапида давом этди у, – сизга охирги саволимни беришим керак. Эҳтимол келгуси ҳаётингиз айнан шу саволнинг жавобига боғлиқ бўлиши мумкин. Билиб қўйинг, полда исмингиз ёзилгани сизга қарши бевосита далил бўла олмайди. Лекин Фаш одамларимизга асосий гумондор сиз эканингизни айтди. Илтимос, ўйлаб кўринг-чи, яна қандай сабаб туфайли Фаш сизни айбдор деб ҳисобляпти?

Бир неча сония жим тургач, Лэнгдон жавоб берди:

– Йўқ, бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ.

«Демак. Фаш ёлгон гапиряпти», ўйлади Софи. Бу ёлгоннинг сабабини эса у билмайди. Шуниси аниқки, Безу Фаш нима қилиб бўлса ҳам бугун Лэнгдонни панжара ортига жўнатишга қатъий аҳд қилган. Софи ҳам анойилардан эмас, Лэнгдон унинг ўзига ҳам керак. Шундай экан ягона чора қоляпти – профессорни Америка элчихонасига олиб бориб қўйиш.

Софи яна бир бор деразадан пастга қараб, ергача бўлган масофани чамалаб кўрди. Ҳа, қирқ футча келади. Бундай баландликдан сакраса, Лэнгдон камида иккала оёғини ҳам синдириб олади.

Софи қарорини ўзгартириб ўтирмайди: ўзи хоҳлайдими ёки йўқми, Роберт Лэнгдон Луврдан ғойиб бўлиши керак.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

– Нега энди Софи кўнғироққа жавоб бермаяпти? Бу нимаси? – норозилик билан деди Фаш. – Ишқилиб рақамларни тўғри тердингизми? Мен аниқ биламан, у телефонни доим ўзи билан олиб юради.

Колле бир неча дақиқадан буён Софига кўнғироқ қилиб тушишга уринарди.

– Балки қуввати тугаб, телефони ўчиб қолгандир.

Криптография бўлими директори билан бўлган суҳбатдан сўнг Фаш нимадандир ташвишлана бошлаган эди. Гўшакни жойига



қўйиши биланоқ у Колленинг олдига кирди ва агент Невё билан боғланишни буюрди. Афсуски, алоқага киришишнинг ҳеч ҳам иложи бўлмас, Фаш худди қафасдаги йўлбарсдек ўзини у ёқдан-бу ёққа урар эди.

– Бўлимдан нега қўнғироқ қилишибди? – қизиқсинди Колле.

Фаш у томонга кескин бурилди.

– Иблиснинг ҳамтовоғи ва ёвузликнинг турқи ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик топа олишмаганини айтиш учун, – кесатди капитан.

– Шу холосми?

– Йўқ. Ҳартугул Соньер ёзган рақамлар Фибоначчи кетма-кетлиги эканлигини ҳам аниқлашибди.

– Қизиқ бўлди-ку, – деди Колле ҳайрон бўлганча, – ахир бу нарсаларни бизга билдириш учун агент Невёни юборишганди чоғи.

– Йўқ, Невёни улар юборишмаган экан.

– Нима?!

– Директорнинг айтишича, биздан материал тушиши биланоқ барча гуруҳларни чақиртириб иш бошлашни буюрибди. Агент Невё етиб келгач эса, фақат Соньернинг расмларини кўздан кечирган ва бир оғиз гапирмай офисдан чиқиб кетган. «Невёдан ўпкалаб бўлмайди. Суратлар уни жуда хафа қилгани аниқ», деди директор.

– Хафа қилган? Нима, у мурдаларнинг расмини ҳеч кўрмаган эканми?

Бир оз сукутдан сўнг Фаш жавоб берди:

– Бўлимдаги ходимлардан бири айтибди: Софи Невё Жак Соньернинг невараси экан. Мен буни билмаган эдим, директорнинг ҳам хабари бўлмаган.

Колле бу янгиликдан бутунлай довдираб, нима дейишни билмай қолди.

– Невё бу ҳақида ҳеч қачон гапирмаган, эҳтимол камтарлик қилгандир. Балки машҳур одамнинг невараси сифатида унга муруват кўрсатишларини истамаган бўлса, ажаб эмас.

«Суратларни кўриб эзилиб кетгандир бечора, – ўйлади Колле. – Бобосининг иши бўйича бўлимга чақиртирилгани эса кўнгилисиз

тасодифдан бошқа нарса эмас». Аммо Софининг хатти-ҳаракатлари лейтенантга мантиқсиздай туюлаверди. «Тўғри, Соньер қолдирган рақамлар йигиндиси Фибоначчи кетма-кетлиги эканлигини Софи дарҳол тушунган ва келиб буни бизга айтди. Бироқ нима учун ўз ҳамкасбларига ҳеч нима демади?»

Колле ўйлай-ўйлай шундай хулосага келди: Соньер ўз ўлими билан боғлиқ ишга криптографлар ва Софининг эътиборини жалб этиш мақсадида жумбоқли нома қолдирган. У номанинг иккинчи қисми орқали неварасига бирор маълумотни етказмоқчи бўлгандир? Қизиқ, бу қандай маълумот бўлиши мумкин? Лэнгдоннинг бу ишга қандай алоқаси бор?

Лейтенант Колле бу саволларга ҳатто тахминий жавобларни ўйлаб топмасидан музей ичидаги сокинликни сиреналарнинг қаттиқ чинқириғи бузиб юборди. Катта галереянинг аллақайси ерида сигнализация ишга тушиб кетган эди.

– Тревога! – дея бақирди агентлардан бири кузатув асбобларига қараганча. – Катта галереяда! Эркаклар ҳожатхонасида!

Шу тобнинг ўзида Фаш Колленинг ёнида пайдо бўлиб қолди:

– Лэнгдон қаерда?

– Ҳали ҳам ҳожатхонада, – жавоб берди Колле ва мониторингда шуълаланиб турган қизил нуқтани кўрсатди. – Ие, у ойнани синдирди, шекилли. – Лэнгдон бунга журъат қила олади деб лейтенант ҳечам ўйламаганди. Нима бало, профессор эсини еганми, ахир Луврнинг иккинчи қаватидан пастга сакраш ўлим билан баробар-ку! Юмшоқроқ тушаман деса, дераза тагида на ўт ўсади, на бута. Шундоққина пастдан серқатнов йўл ўтган. – Эй Худойим! – хитоб қилди Колле кўзини мониторингдан узмаган ҳолда. – Лэнгдон дераза рафининг энг қирғоғида турибди!

Аммо Фаш ҳам бекор турмаган эди. «MR-93» маркали тўп-пончасини қинидан суғураётиб хонадан отилиб чиқиб кетди.

– Ё тавба! – ўрнидан туриб кетди Колле. Қизил нуқта музей деворларидан ташқарига чиқди. Мана, у аввал титради, кейин бир лаҳза қотиб қолди, ниҳоят девордан тахминан ўн ярд нарида тўхтади-қолди.

Колле мониторга Париж харитасини чиқарди ва уни кузатув тизими орқали текшириб кўрди. Энди у маёқча қаерда жойлашганини аниқ билар эди.

Маёқча энди ҳаракатланмас, Карузел майдонида тўхтаб қолганди.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Фаш Катта галереянинг лабиринтлари бўйлаб югуриб бораркан радиотелефон орқали Колле билан боғланди.

– У пастга сакраб, Карузел майдонида тўхтаб қолди, – хабар берди Колле. – Шундоққина дераза тагида турибди. Э Худо, менимча, Лэнгдон ўз жонига қасд қилди шекилли.

Фаш унинг гапларини тинглар, аммо жавобан бирор оғиз гапирмасди. У фақат югурарди. Йўлаклар унга ниҳоясиздай туюлиб кетди. Сонъернинг жасади ёнидан ўтаётиб галерея охиридан ёруғлик чиқаётганини кўрди. Сирена товуши тобора баландлаб борарди.

– Шошмай туринг! – Колленинг яна ҳаяжонли овози эшитилди. – У ҳаракатланаяпти. Демак, у тирик! Лэнгдон тирик экан!

Фаш эса охири йўқ галереяларни сўкканча олдинга қараб югурарди.

– Лэнгдон борган сари тезроқ ҳаракат қиляпти! – бақирди Колле. – Майдон бўйлаб кетяпти. Тўхтанг-чи... у жудаям тез югурияпти! Ақл бовар қилмайди!

Ниҳоят рўпарада ҳожатхона эшиги кўринди. Колленинг овози сиреналарнинг чинқириғига қўшилиб кетаётган эди.

– У машинада бўлса керак! Ҳа, машинада. Мен била олмаяман...

Колленинг овози энди бутунлай узилиб қолди. Фаш э... гўп-пончасини ўқталганича эркаклар ҳожатхонасига бостириб кетди. Қулоқни тешадиган шовқиндан афтини бужмайтирган кўйи у ерни кузатишга киришди.

Бўлмалар кимсасиз эди. Қўл ювиш хонасида ҳа... зог учрамади. Шу тоб Фашнинг кўзлари хонанинг охиридаги синди-

рилган ойнага тушди. У югура солиб ташқарига назар солди. Пастда Лэнгдон кўринмас эди. Ахир бундай баландликдан ҳар қандай одам сакраганда жароҳат олиши турган гап.

Хайрият, сигнализацияни ўчириб қўйишди ва Колленинг овози яна эшитила бошлади:

– ...жанубга томон ҳаракатланаяпти... жуда тез... Карузел кўпригидан ўтяпти!

Фаш чапга қаради. Карузел кўпригида устига кўк рангли тент қопланган, тиркамали улкан юк машинаси жануб сари ҳаракатланар эди. Капитан хаёлига келган фикрдан сесканиб кетди: бир неча сония олдин светофорнинг қизил чироғи ёнган ва юк машинаси нақ дераза тагида тўхтагану Лэнгдон пастга сакраган.

«Жуда қалтис таваккалчилик!» ўйлади Фаш. Ахир Лэнгдон тент тагида нима борлигини билмаган-ку. Агар у ерда пўлат трубалар бўлса-чи? Ёки цемент, борингки, майли чиқиндилар ортилгандир. Қирқ фут баландликдан сакраш? Бу ғирт телбалик!

– У буриляпти! – бақирарди Колле. – Сен-Пере кўпригига қараб буриляпти!

Хақиқатан ҳам юк машинаси тезликни камайтириб ўннга, кўприк томонга бурилди. «Бузоқнинг юзургани сомонхонагача». ўйлади Фаш кўздан йўқолиб бораётган машинани кузатар экан. Колле алақачон рация орқали кўчада навбатчилик қилаётган агентлар билан боғланган ва юк машинасини қувиб етиш тўғрисида буйруқ берган. Қочоқ қайси томонга кетаётганини аниқлашга эса маёқча ёрдам беради. Хуллас, қанчалик уринмасин, Лэнгдон барибир қўлга тушади.

Фаш револьверини қинига солиб, чиқиш сари йўналар экан Колле билан боғланди:

– Машина келтиринглар. Уни ҳибсга олишаётганида ёнида бўлмоқчиман.

Лэнгдон ва Софи эса қоронғиликда, ҳожатхоналардан атиги ўн беш ярд нарида, галереядан бу ерга киришни тўсиб турувчи пардевор орқасида яшириниб турар эдилар. Улар эндигина бекинган ҳам эдиларки, шундоққина ёнларидан қўлида тўппонча билан Безу Фаш ўтган ва эркаклар бадрафхонасига кириб кетганди.

Охирги олтмиш сония Лэнгдон учун худди тумандек ўтди.

У ҳожатхона ўртасида турар ва ҳеч қандай жиноятга қўл урманини такрорлаб, қочишни рад қиларди. Бу пайтда эса Софи сигнализация ўтказгичлари ўрнатилган ойнани кузатишда давом этарди. Кейин эса пастга қаради, гўё ергача бўлган масофани чамалаётгандек бўлди.

– Менинг ёрдамим билан бу ердан албатта чиқиб кетасиз, – деди у.

«Яна қанақанги ёрдам?» ажабланди Лэнгдон. У ҳам Софининг ёнига келиб пастга тикилди. Шундоққина дераза тагида светофорнинг қизил чироғи ёнди ва тиркамали катта юк машинаси келиб тўхтади. Ортилган юкни бегона кўзлардан асраш мақсадида тиркама устига тент тортилган эди. Лэнгдон шериги нима қилмоқчи бўлаётганини фаҳмладию қўрқиб кетди.

– Йўқ, Софи, мен ҳечам пастга сакрамайман. Бу ахир ўлим билан барабар-ку.

– Маёқчани менга беринг, – деди Софи унга жавобан.

Лэнгдон чўнтагидан кичкинагина металл дискчани излаб топди. Софи уни олиши билан раковина олдига югуриб келди. Маёқчани каттагина совун бўлағи устига қўйди ва совунга ёпишиб қолгунча бармоғи билан эзаверди.

У совун бўлагини ҳаракатларини саросима ичида кузатиб турган Робертнинг қўлига тутқазди, ўзи эса раковина тагидаги ахлат учун мўлжалланган челақни олди. Лэнгдон ҳали оғиз очиб улгурмасидан дераза олдига илдам келди ва челақ билан ойнага урди. Ойна чил-чил синди.

Шу заҳотиёқ сиренанинг қаттиқ чинқириви янгради.

– Совунни беринг! – қичқирди Софи. Лэнгдон унинг буйруғини бажарди..

Софи дераза рафидан эгилганча тахминан ўн ярдча нарида турган юк машинасини мўлжалга ола бошлади. Светофорнинг сариқ чироғи ёндию, Софи бор кучи билан совун бўлагини отиб юборди.

Совун машина устидаги тентнинг шундоққина қирғоғига учиб тушди. Яшил чироқ ёниб юк машинаси жойидан қўзғалди, совун бўлағи эса сирғалиб тирқиш орқали кузов ичига тушиб кетди.

– Табриклайман, – деди Софи Лэнгдонга ва унинг қўлидан ушлаб олиб эшик томон йўналди. – Сиз ҳозиргина Луврдан қочиб кетдингиз.

Айни ўша пайт улар Фашнинг югуриб келаётганини кўрдилар ва ўзларини қоронғилик қўйнига урдилар.

Сигнализация товуши тингач, энди бошқа овозлар ҳам қулоққа чалина бошланган эди: полиция машиналари сиреналарини чийиллатганча Луврдан узоқлашяпти. Ҳа-ҳа, полиция кетмоқда! Фаш ҳам бошқаларга қўшилиб жўнаб қолгандир!

– Тахминан бу ердан эллик метрлар нарида қўшимча чиқиш жойи бор, – деди Софи. – Энди соқчилар йўқ, музейдан чиқиб кетишимиз мумкин.

Лэнгдон бошини қимирлатиб қўйди. Гапиришга ҳожат йўқ. Танишганларига ҳали кўп вақт бўлмади-ю, у Софининг ақл-заковати ва эпчиллигига ишонч ҳосил қилиб улгурган эди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Сен-Сюльпис черкови Париждаги энг ажойиб тарихий обидалардан бири саналади. Ушбу черков Миср маъбудаси Исидда шарафига бунёд этилган қадимий ибодатхона харобалари ўрнида қурилган бўлиб, меъморий жиҳатдан машҳур Нотр-Дам жомесининг кичик нусхасига ўхшайди. Бу ерни кўплаб таниқли кишилар зиёрат қилганлар – маркиз де Сад ва шоир Бодлер унинг салобатидан ҳайратта тушган, Виктор Гюго никоҳ тўйини ана шу даргоҳда ўтказган. Черков мактабида сақланадиган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, аввалги замонларда ибодатхона турли махфий жамиятларнинг учрашув жойи сифатида ҳам хизмат қилган.

Айни дамда Сен-Сюльпис черковида тун ўз ҳукмронлигини ўрнатган, чор атрофи сокин эди. Роҳиба Сандрин Сайласни ичкарига бошлаб кирди. Унинг ҳаракатларидан асабий ҳолда эканини сезиш қийин эмасди. Сайлас бундан ажабланмади. Файритабий кўриниши одамларда қўрқув уйғотишига у аллақачонлар ўрганиб кетган.

– Сиз америкаликмисиз? – сўради роҳиба.

– Аслида Францияда туғилганман, – жавоб берди Сайлас. – Роҳибликни Испанияда қабул қилганман, ҳозир эса АҚШда таҳсил оламан.

– Францияда туғилиб, бизнинг черковга ҳеч келмаганмисиз? Буни деярли гуноҳ деб ҳисоблаш мумкин. Сен-Сюльпис кундузи жуда чиройли кўринади.

– Бунга асло шубҳа қилмайман. Шундай пайтда мени черковга киритганингиз учун катта раҳмат!

– Шахсан аббатнинг ўзи илтимос қилди. Афтидан, дўстларингиз анча нуфузли кишилар, шекилли.

«Улар қанчалик баобрў эканлигини сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан», хаёлидан ўтказди Сайлас.

У роҳиба Сандрин ортидан юриб келаркан, черков ичида умуман ҳашамат кўринмаслигидан ажабланди. Машхур Нотр-Дам ибодатхонасидан фарқли равишда бу ер анча салқин ва кўримсиз эди. Нотр-Дамнинг деворий суратлари рангдор қилиб ишланган, меҳробига эса тилла суви юритилган ва ёғочдан моҳирона ясалган безаклар ўрнатилган. Безаклардан хоилик Сен-Сюльпис ичини янада кенгроқ қилиб кўрсатарди. Сайлас ҳайратланганича шифтдаги ёғоч қовурғаларга тикилиб бораркан, ўзини худди тўнтариб кўйилган қадимий кема ичида юргандек ҳис қилди.

«Тўғри-да, жуда ўринли қиёслаш», деб ўйлади у. Ҳадемай биродарликнинг кемаси ҳам ағдарилиб, денгиз тубига фарқ бўлажак. Сайлас иложи борича тезроқ ишга киришишни истар, роҳиба эса унга ҳалақит берарди. Жиккаккина бу аёлни гумдон қилиш қийин иш эмас, бироқ у ўта зарур ҳоллардагина куч ишлатишга ўзига-ўзи сўз берган эди. «Бу аёл Яратганнинг хизматида, биродарлик айнан шу черковга пойдевор тошини беркитгани учун у айбдор эмас. Бошқаларнинг гуноҳи учун уни жазолаб бўлмайди».

– Мен жуда хижолатдаман, хоним, сизни бемаҳалда безовта қилдим.

– Ҳечқиси йўқ. Ахир Париждан кетиб қолар экансиз. Бизнинг черковни кўрмасдан кетсангиз бўлмас. Айтинг-чи, қизиқишларингиз меъморчилик соҳасидами ёки тарих бўйича?

– Умуман олганда, хоним, менинг барча қизиқишларим динга қаратилган.

Роҳиба мулойимлик билан табассум қилди.

– Бу албатта тушунарли. Сўраганимнинг сабаби, томоша қилдиришни нимадан бошлашни билмай турибман.

Сайлас кўзларини меҳробдан узай демасди.

– Томоша қилдиришга ҳожат йўқ. Шундоғам мени деб анча вақтингиз кетди. Бу ёғига ўзим амаллайман.

– Қўяверинг, – деди роҳиба. – Барибир ўрнимдан турдим-ку.

Сайлас тўхтади. Улар бир текисда тизилган ўриндиқларнинг биринчи қаторига етиб келишган, меҳробгача атиги ўн беш ярдча қолган эди. Сайлас ўзининг бор салобатли гавдаси билан роҳиба томонга ўтирилди ва унинг қизил кўзларига қараб аёлни қалқиб кетганини кўрди.

– Биласизми, хоним, Парвардигор уйида худди томошагоҳда юргандек юришга одатланмаганман. Агар қарши бўлмасангиз, Тангри таолога ёлғиз ўзим ибодат қилмоқчиман, атрофни эса кейинроқ кўздан кечирарман.

– Баҳузур ибодат қилаверинг, – жавоб берди роҳиба, – мен орқа ўриндиқларнинг бирида ўтириб тураман.

Сайлас юмшоқ, аммо оғир қўлини роҳибанинг елкасига қўйди:

– Овора бўлманг. Шундоқ ҳам сизни уйғотиб юборганим учун ўзимни айбдор сезяпман. Қолишингизни сўраш эса ҳаддан ошиш бўлади. Сиз кетаверинг. Мен эса ибодат қилиб бўлгач, черковингизни томоша қиламан. Кейин эса чиқиш йўлини топиб, ўзим кетавераман.

– На чора, – охири ён босди роҳиба, – сиз шуни хоҳлар экансиз, мен нима ҳам дердим.

Сайлас унинг елкасидан қўлини олди.

– Ташаккур. Хайрли тун, хоним. Тангри сизни ўз паноҳида арасин.

– Сизни ҳам, – роҳиба Сандрин зинапоя томонга юра бошлади. – Фақат илтимос, кетаётганингизда эшикни зичлаб ёпишни унутмасангиз.

– Хўп бўлади.

Сайлас роҳиба зинапоялардан кўтарилиб, чиқиб кетишини кузатиб турди. Кейин эса ўтирилиб, меҳроб қаршисида тиз чўқаркан боғичининг ўткир учлари баданига қадалиб бораётганини ҳис қилди.

*«Раҳм-шафқат ва қудратда чексиз Танғрим, бугун амалга оширажак ишимни Сенга бағишлайман».*



Меҳробдан анча баландда, нақшинкор панжара ортига яшириниб олган роҳиба Сандрин сутана кийган тунги меҳмонга хавотир аралаш тикилиб турарди. Унинг вужудини қоплаган қўрқув ҳисси бу ердан тезроқ қочишга ундарди. «*Балки бу одам менга хабар берилган душмандир*», ўйлади роҳиба. Балки шу бугун бундан бир неча йиллар ичган қасамини бажо келтиришига тўғри келар. Ҳозирча эса роҳиба жойидан жилмасликка ва меҳмоннинг ҳар бир қадамини кузатиб туришга қарор қилди.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Пардевор орқасидан чиққан Лэнгдон ва Софи Катта галерея бўйлаб сассизгина қўшимча зина томон юрардилар.

Лэнгдонни бир савол қийнади. Бугунги воқеалар ривождаги кескин бурилиш уни хавотирга солмай қўймади. «*Судлов полицияси капитани менга қотилликни ёпиштиришга уриняпти. Хўш, нима учун?*»

– Биласизми, балки полдаги номани **Фашнинг ўзи ёзиб қўйгандир?**

Софи ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

– Ахир мени қамаш учун у жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти-ку!

– **Фаш айнан нимани ёзган деб ўйлайсиз?** Фибоначчи кетма-кетлигиними? Ёки P.S. ними? Да Винчи асарига ўхшатмани дерсиз? Йўқ, бундай ишларни фақат менинг бобом қилиши мумкин.

Софи ҳақ эди. Беш қиррала юлдуз, да Винчининг машҳур расми, маъбуда тимсоли, **Фибоначчи кетма-кетлиги...** Тимсоллар изчиллиги дейишади буни олимлар. Ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ.

– Бугун кўнғироқ қилганида бобом муҳим бир нарсани айтмоқчи бўлган, – деди Софи. – Ишончим комилки, полдаги нома ўша маълумотни айтишга уринишдир. Унинг нимагини аниқлашга эса сиз ёрдам бера оласиз.

Лэнгдон қовоғини уйди. «Нодон элчи даврида! Нома изла!» Бу сатрларнинг қандай маънога эгалигидан у мутлақо беҳабар, тушунтириб беришга ожиз эди. Ана шу жумбоқли сўзларни кўрган-дан буён ҳар дақиқада қандайдир муаммо дуч келяпти.

– Чиқишга оз қолди, – деди Софи янаям илдам қадам ташлаб.

– Биласизми, балки бобонгиз қолдирган номадаги рақамлар бошқа сатрларни тушуниш учун калит бўла олар? – тахмин билдирди Лэнгдон. Бир маҳаллар у қадимий қўлёзма устида ишлаган, унинг эпиграфидаги рақамлар ёрдамида қолган сатрларни ўқиб чиққандир.

– Мен бутун оқшом давомида шу рақамлар устида бош қотирдим. Йиғиндилар, тенгликлар, кўпайтмалар... Йўқ, ҳеч нарса чиқмаяпти. Математик нуқтаи назардан қараганда шунчаки танланган рақамлардан бошқа нарса эмас. Хуллас, криптографик бемаънилик.

– Аммо улар Фибоначчи кетма-кетлигининг бир қисми-ку. Демак, оддий тасодиф бўлиши мумкин эмас.

– Тўғри, тасодиф эмас. Фибоначчи кетма-кетлиги ҳам, номанинг инглиз тилида ёзилганлиги, жасаднинг жойлашиши, беш қиррали юлдуз ҳам – буларнинг бари менинг эътиборимни тортиш учун қилинган.

– Пентакл ҳақида нима дея оласиз?

– Дарвоқе, сизга айтишга улгурмагандим. Беш қиррали юлдуз билан болалигимданоқ танишман. Мен бобом билан таро ўйнардим, кўрсаткич қартам қачон қарама пентаклардан иборат бўларди. Шубҳасиз, бобом менга ён босарди, ўша пайтлардан бошлаб, пентакл биз учун ўзига хос белгига айланган.

Лэнгдон ажабланди. «Улар таро ўйнашган эканми?» Ўрта асрларда пайдо бўлган ушбу қарта ўйини хурофий белгиларга шунчалик тўла эдики, Лэнгдон ўзининг янги қўлёзмасида тарога бағишланган алоҳида боб ажратди. Аввал бошдаёқ таро қарталари черков томонидан тақиқланган дунёқарашларни хуфёна тарқатиш воситаси ҳисобланган. Бугунги кунга келиб эса улар фолбинларга асқотяпти, холос.

«Таро қарталаридаги кўрсаткич тўғлам муқаддас аёллик ибтидосини ифодалаган, – ўйлади Роберт. – Ҳаммаси яна беш қиррали юлдузга бориб тақалаяпти».

Улар ёнғин пайтида чиқишга мўлжалланган қўшимча эшикка етиб келдилар ва Софи оҳисталик билан эшикни очди. Хайрият, бу сафар сигнализация ишга тушиб кетмади. Улар тор зинапоялардан пастга туша бошладилар.

– Бобонгиз беш қиррали юлдуз ҳақида гапирганида, – деди Лэнгдон Софига ортидан аранг етишиб бораркан, – санамга сиғиши ёки католик черкови тақиқлари ҳақида эсламаганмиди?

Софи «йўқ» дегандай бош чайқади.

– Мени кўпроқ бошқа нарсалар қизиқтирарди. Масалан, «Илоҳий мутаносибликлар», РНІ сони, Фибоначчи кетма-кетлиги ва ҳоказо.

Софи Лэнгдонни яна бир карра ажаблантирган эди.

– Бобонгиз сизга РНІ сонини тушунтириб берганми?

– Ҳа, албатта...

Роберт зиналарни ҳатлаб ўтаркан, РНІ ҳақида ўйлай бошлади. Эҳтимол Соньернинг ишораларидан мантиқий изчиллик келиб чиқса ажаб эмас.

*Да Винчи... Фибоначчи кетма-кетлиги... пентакл...*

Санъатшунослик тарихидаги асосий тамойиллардан бири ақл бовар қилмайдиган йўл орқали ана шу учликни ўзаро боғлаб тургандай гўё.

Хаёллари Лэнгдонни Гарвардга тортиб кетди. Мана, у аудиторияда, доскага «Санъатда рамзий ишоралар» деб аталувчи мавзуни ёзмоқда. Мавзу остида эса унинг сеvimли сони битилган: 1,618.

Талабаларга ўтирилган Лэнгдон уларнинг қизиқиш билан қарашаётганини кўрди.

– Хўш, ким айтади, бу қандай сон?

Энг охирги қаторда ўтирган математикачи Стетнер кўлини кўтарди:

– Бу РНІ сони.

– Баракалла, Стетнер, – дейди Лэнгдон. – Шундай қилиб танишинглар – РНІ сони. У бир бутун мингдан олти юз ўн саккизга тенг бўлиб, тасвирий санъатда энг муҳим сон ҳисобланади. Нима учунлигини биласизларми?

– Чиройли бўлгани учунми? – луқма ташлайди Стетнер.

Талабалар пиқиллаб кула бошлайдилар.

– Гарчи сизларга ғалати туюлса-да, – дейди Лэнгдон, – Стетнер ҳақ. РНІ сони коинотдаги энг чиройли сон сифатида тан олинган.

Кулгилар ҳайратта алмашинади. Стетнер мамнун кулимсираганича ўтирибди.

Лэнгдон талабаларга РНІ сонини тушунтиришга киришади: ушбу сон Фибоначчи кетма-кетлигидан олингандир. Мазкур математик прогрессияда иккита қўшни сонларнинг йиғиндиси галдаги сонга тенг бўлади. Бундан ташқари, иккита ёнма-ён соннинг бўлинмаси 1,618, яъни РНІ сонига яқиндир!

Бу ҳали ҳолваси. РНІ сони ер юзидаги жами тирик мавжуд яратилишида асос бўлиб хизмат қилади. Наботот ва ҳайвонот олами вакиллари ва ҳатто одамлар ҳам жисмоний мутаносибликларга бўлинган бўлиб, улар эса ўз навбатида тахминан РНІ сонининг бирга нисбатан илдизига тенгдир.

– РНІ сони табиатнинг ҳамма ерида мавжуд бўлиши, – давом этади Лэнгдон, – барча тирик мавжудотлар ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигига ишорадир. Авваллари РНІ сони Худо томонидан белгилаб қўйилган деб ҳисобланарди. Қадимий олимлар бир бутун мингдан олти юз ўн саккизни «илоҳий мутаносиблик» деб аташган.

– Кечирасиз, – дейди биринчи қаторда ўтирган ёш қиз, – мен биология факултетининг охирги босқичида таълим оламан. Шу пайтгача табиатда «илоҳий мутаносиблик» мавжудлигини кузатмаган эканман.

– Кузатмаганмисиз? – истеҳзо билан жавоб қайтаради Лэнгдон, – ари уясидаги эркак ва урғочи ариларнинг ўзаро алоқасини ўрганиб ҳам-а?

– Йўқ, ҳеч қачон. Билишимча, асалари уясида урғочилари эркакига нисбатан кўпроқ бўлади.

– Тўппа-тўғри. Агар дунёдаги исталган ари уясидаги урғочи арилар сонини эркак арилар сонига бўлсангиз ҳар доим бир хил натижа чиқишини биласизми?

– Наҳотки?

– Ҳа, ишонаверинг – РНІ сони.

Қизнинг оғзи очилиб қолди.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Жуда ҳам мумкин-да! – дейди Лэнгдон. У табассум қилганча слайдлар намоёишини бошлайди. Биринчи бўлиб доскада кунгабоқар расми пайдо бўлади. – Кўриб турганингиздек, кунгабоқар уруғлари соат милага қарама-қарши, спиралсимон жойлашган. Қани топингчи, ҳар бир спирал диаметрининг кейинги спирал диаметрига нисбати қанақа?

– РНми? – бир овоздан сўрашади талабалар.

– Худди шундай! – Лэнгдон бир слайд кетидан иккинчисини кўрсата бошлайди: маккажўхори сўтасининг спиралсимон ўралган барглари, ўсимликлар бандида баргларнинг жойлашиши, ҳашаротлар таналарининг бўғимсимон қисмлари. Буларнинг бари тузилишига кўра «илоҳий мутаносиблик» қонунига бўйсундилар.

– Ақл бовар қилмайди! – хитоб қилади талабалардан бири.

– Тўғри-ю, бироқ бунинг санъатга қандай алоқаси бор? – савол ташлайди кимдир.

– Жуда ўринли савол бўлди, ташаккур!

Шундай дея Лэнгдон яна битта слайд кўрсатади – Леонардо да Винчи айлана ичида тасвирлаган яланғоч эркак расми. Мазкур асар римлик буюк меъмор Маркус Витрувий шарафига «Витрувиан одами» деб аталган. Витрувий ўзининг «Меъморчилик ҳақида ўн китоб» асарида «илоҳий мутаносиблик» ҳақида ажойиб фикрлар келтирган.

– Инсон танаси тузилишини ҳеч ким да Винчидек яхши тушунмаган. У ҳатто жасадларни ёриб кўрар, скелет суяклари мутаносиблигини ўрганарди. Айнан да Винчи биринчи бўлиб инсон танаси «қурилиш блоклари»дан ташкил топганлиги ва улар ўртасидаги нисбат РН га тенг эканлигини исботлаган.

Талабалар профессорга шубҳа билан қарашарди.

– Менга ишонмаяпсизлар, шундайми? – хитоб қилади Лэнгдон. – У ҳолда уйда душ қабул қилишдан олдин чеварларнинг метр ўлчагичини ҳам олволинг, – баъзи йигитлар бу гапдан ҳиринглай бошлади. – Бу йигитларга ҳам, қизларга ҳам тегишли. Бошингизнинг қоқ учидан полгача бўлган масофани ўлчанг ва уни бўйингизга бўлиб кўринг. Ана шунда қандай натижа чиқишини кўрасизлар.

– Наҳотки РНІ чиқади? – ишонқирамай сўрашади талабалар.

– Худди ўзи – РНІ. Яна мисол келтиришимни хоҳлайсизларми? Елкангиздан бармоқларингиз учигача бўлган масофани ўлчанг, кейин уни тирсагингиздан бармоқларингиз учигача бўлган масофага бўлинг. Тагин РНІ. Сондан тиззагача бўлган қисмни тиззадан полга қадар бўлган масофага бўлинг – РНІ. Қўл бармоқлари суяклари, оёқ бармоқлари суяклари: такрор ва такрор – РНІ. Шундай қилиб, муҳтарам талабалар, сизларнинг ҳар бирингиз «илоҳий мутаносиблик»нинг тирик ва ёрқин мисолисиз.

Аудитория ичи қоронғи бўлса-да, Лэнгдон талабаларнинг ҳайратдан оғизлари ланг очилиб қолганини кўриб турарди. У яйраб кетди. Бундай лаҳзалар Лэнгдонга жуда-жуда ёқиб тушади.

– Кўриб турибсизларки, оламда алғов-далғовлик ҳукмрондек туюлса ҳам, аслида унда яширин тартиб ўрнатилган. РНІ сонини кашф этган қадимги одамлар Худо оламни яратишда ишлатган пойдевор тошини топишганига ишонишган ва Табиатга сажда қила бошлаганлар. Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас. Худонинг яратувчанлик маҳорати табиатда яққол намойён. Кўпчилигимиз мажусийлар сингари Табиатни мадҳ этамиз, аммо бу нима учун қилинишини тамомила англаб етмаймиз. Ваҳоланки, «илоҳий мутаносиблик»ка оид анъаналар бизга қадим пайтлардан етиб келган. Инсон ҳар доим ҳам Табиат гўзаллигига маҳлиё бўлиб келган, санъатни эса Худо яратган гўзалликка тақлид дейиш мумкин. Шундай экан, дарсларимиз давомида санъатдаги «илоҳий мутаносиблик»ка мисоллар келтирсам, ажабланиб ўтирманг.

Шундан сўнг Лэнгдон ярим соат давомида машҳур рассомлар асарларида «илоҳий мутаносиблик» намуналарини кўрсатди ва мисол тариқасида Микеланжело, Албрехт Дюрер, да Винчи ишларини слайдларда намоиш этди. Шунингдек, РНІни меъморчиликда ҳам учратиш мумкин экан: юнонларнинг Парфенонида, Миср эҳромлари ва ҳаттоки БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи қурилишида ҳам. Моцарт сонаталарида, Бетховеннинг Бешинчи симфонияси, Барток, Дебюсс ва Шубертнинг асарларида, Страдивари скрипкасида ҳам РНІни кўрса бўлади.

– Хулосада эса яна рамзларга қайтамиз, – дейди Лэнгдон ва доскага яқинлашади. У доскага беш қиррали юлдуз тасвирини

чизади. – Бу белгини сизлар билан бутун семестр давомида ўрганиб чиқамиз. Унинг номи пентаграмма ёки қадимгилар атаганидек пентакл. Кўп асрлар давомида кўпгина халқлар маданиятларида бу тимсол ҳам илоҳий, ҳам сеҳрли ҳисобланган. Нима учунлигини ким айтиб бероллади?

Биринчи бўлиб Стетнер қўлини кўтаради:

– Чунки сиз пентограммани чизаётганингизда чизиқлар ўз ўзидан «илоҳий мутаносиблик»ка мувофиқ келувчи қисмларга бўлинади.

Лэнгдон маъқуллаб бошини қимирлатади:

– Офарин! Ҳа, беш қиррали юлдузлардаги чизиқли қисмларнинг ўзаро нисбати ҳар доим РНІ сонига тенгдир, бу эса ушбу белгини «илоҳий мутаносиблик»нинг олий ифодасига айлантиради. Айнан шу сабаб беш қиррали юлдуз ҳамиша гўзаллик ва мукамалликнинг тимсоли бўлиб келган, маъбуда, муқаддас аёллик ибтидоси билан боғлаб келинган.

Аудиториядаги қизларнинг бари табассум қиладилар.

– Унутманг, бугун биз Леонардо да Винчи билан юзаки танишдик, аммо бу семестрда уни ўрганишга жуда кўп вақт сарфлаймиз. Леонардо аёллик ибтидоси билан боғлиқ қадимий динларнинг ҳақиқий мухлиси бўлганлиги исбот қилинган. Эртага мен сизларга унинг машҳур «Махфий ибодат» асарини кўрсатаман ва у муқаддас аёллик ибтидосига сажда қилишнинг ажойиб намуналаридан бири эканлигини кўриб чиқамиз.

– Мабодо ҳазиллашяпсизми? – кимнингдир овози келади. – Шахсан мен бу расми ҳазрат Исо ҳақида деб ўйлардим.

Лэнгдон қувлик билан кўзини қисади:

– Рамзлар баъзан қандай жойларда яширинган бўлишини сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!..

– Бўлақолинг! – шивирлаб шошилтирди уни Софи. – Нималарни ўйлаб қолдингиз? Биз манзилга деярли етиб келдик.

Лэнгдон хотираларидан чалғиди ва бошини кўтариб тор, яхши ёритилмаган зинапойларда турганлигини кўрди. Кутилмаганда ҳаёлига келган фикр уни қаттиқ ларзага солган эди.

*Нодон элчи даврида! Нома изла!*

Софи ундан кўзини узмас эди.

«Шунчалар оддийми? Бўлиши мумкин эмас», ўйлади Лэнгдон.

Ҳа, айнан шу ерда, Луврнинг зинапояларидан пастга одимлаётиб, РНІ сони ва Леонардо да Винчи ҳақида ўй сурган Лэнгдон ўзи ҳам кутмаган ҳолда Соньернинг жумбоқли номасига ечим топган эди.

– Афтидан иблиснинг ҳамтовоғи! Оҳ, ёвузликнинг турқи қурсин! – ҳайқирди Лэнгдон. – Мен унинг ечимини топдим! Жуда оддий экан!

Софи тўхтади ва унга ажабланган кўйи қараб қолди. Ахир ана шу сатрлар устида бутун оқшом бош қотириб, ҳеч қандай натижага эриша олмаган эди. Лэнгдон эса унинг ечимини жуда оддий экан деяпти.

– Ўзингиз айтгандингиз, – давом этди Лэнгдон ҳаяжонли овозда, – Фибоначчи кетма-кетлиги қачонки ундаги рақамлар маълум тартибда кўйиб чиқилсагина маънога эга бўлади, деб. Акс ҳолда, бу шунчаки математик бемаънилик бўлиб қолаверади.

У нималар демоқчилигини Софи ҳеч тушунолмасди. Фибоначчи кетма-кетлигидаги сонлар криптография бўлимини ишга жалб этиш мақсадида ишлатилган деб ўйларди. Демак, бобосининг мақсади бошқача бўлган экан-да? У чўнтагидан Соньер қолдирган нома нусхасини олди ва яна кўз югуртириб чиқди.

13-3-2-21-1-1-8-5

*Нодон элчи даврида!*

*Нома изла!*

Қизиқ, бу сонларнинг қандай маъноси бор экан?

– Фибоначчининг бузиб кўрсатилган кетма-кетлиги бу – калитдир, – деди Лэнгдон Софининг қўлидаги қоғозни оларкан. – Сонларни номанинг қолган қисмини ечиш кераклигига ишора деб тушуниш керак. *Нодон элчи даврида! Нома изла!*\* Бу жум-

---

\*Асарнинг русча таржимасида ушбу ибора «*На вид идола родич! О мина зла!*» тарзда берилган. Агар ушбу жумладаги ҳарфлар ўрни алмаштириб чиқилса, юқоридаги ибора ҳосил бўлади. Айни берилган мисраларнинг ҳам ўрни алмаштирилиб ўқилса «Леонардо да Винчи! Мона Лиза!» сўзлари келиб чиқади.



лалар ўз ҳолича ҳеч қандай маънога эга эмас, тартибсиз ёзилган ҳарфлар тўплами, холос. Матннинг маъносини тушуниш учун ҳарфларнинг ўрни алмаштириб чиқилса кифоя.

– Сизнингча, бу нома анаграмма экан-да? – У Робертнинг кўзларига тикилиб қолган эди.

Софининг овозидаги ишончсизлик ва шубҳани илғаш қийин эмасди. Буни тушунса бўлади. Оммавий кўнгилхушлик ҳисобланган анаграммаларнинг тарихи узоқларга бориб тақалиши ва улар рамзлар билан боғлиқлигини камдан-кам одам билади.

Лэнгдон индамайгина пиджагининг чўнтагидан ручка чиқарди, номадаги ҳарфларнинг ўрнини алмаштириб, ҳосил бўлган сўзларни Софига кўрсатди:

*Леонардо да Винчи! Мона Лиза!*

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Мона Лиза...

Зинапоя супачасида турган Софи қаттиқ ҳайратдан ўзига келолмас, улар Луврдан иложи борича тезроқ чиқиб кетишлари кераклигини унутгандай эди.

Бобоси қолдирган жумбоқли номанинг ечими шунчалар осон экан-а. Софи эса буни умуман хаёлига кетирмаган эди. Ахир у мураккаб криптографик таҳлиллар билан ишлашга одатланган тажрибали мутахассис, оддий сўз ўйинларига кўпам қизиқмайди. Аммо қизиқиши керак экан.

– Сира ақлим етмаяпти, – деди Лэнгдон Соньер қолдирган нома нусхасини томоша қиларкан, – бобонгиз жон талвасасида ҳам шундай жумбоқли анаграммаларни қандай яратдйкан?

– Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, бобом ёшлигиданоқ сўз ўйинларининг ашаддий ишқибози бўлган, – жавоб берди Софи. – Эҳтимол, Мона Лиза анаграммасини у аввалроқ тузиб қўйгандир.

«*Бугун эса ана шу анаграммадан код сифатидан фойдаланишга мажбур бўлган*», хаёлидан ўтказди у.

Софи туйқусдан сесканиб кетди, қулоғига Жак Соньернинг овози чалингандай туюлган эди:

Леонардо да Винчи!

Мона Лиза!

Қизиқ, ёруғ олам билан видолашаётган маҳал бобоси нима учун машҳур сурат номини ёдга олди экан?

Софи қачондан бери худди шу савол устида бош қотираётган эди. Хаёлида ғужғон ўйнаётган фикрларни бирма-бир таҳлил қилиб кўришга уринар, аммо бирор жўяли тўхтамга келолмай қийна-либ кетганди. «*Шошма-чи, – деди у ўзига-ўзи, – балки булар бобомнинг охири сўзлари эмасдир?*»

«Мона Лиза»нинг олдига бориш керак! Бобоси у ерда бирор маълумот қолдирган бўлса ажаб эмас. Ахир бу полотно Саль де Эта деб аталувчи кичик залда осифлиқ туради. Зал эшиги билан Жак Соньер ўлдирилган жой ораси эса атиги йигирма метр келади холос.

«*Бобом ўлими олдидан «Мона Лиза»нинг олдига борган бўлса-чи!*»

Софи нима қилишини билмай қолди. Тўғри, энг биринчи навбатда Лэнгдонни музейдан чиқариб юбориш керак, аммо ички ҳиссиёти эса бошқа бир ишни қилишга ундарди. У чуқур хўрсиниб қўйди: болалик хотиралари яна ёдига тушиб кетганди.

У Луврга илк маротаба келганида олти ёшли қизалоқ эди. Бобоси антиқа совға тайёрлаб қўйганини айтиб, уни музейга етаклаб келди.

– Биласанми, «Мона Лиза» жуда бебаҳо санъат асари ҳисобланади, – деган эди бобоси уни кимсасиз галереялардан олиб ўтаркан. – Бундай дурдоналар сақланадиган жойлар дунёда унча кўп эмас.

Қизалоқ баланд шифтлар ва ялтиратиб артилган полни томоша қиларкан, ўзини жуда-жуда кичкина ҳис қилди. Музейда ҳеч кимнинг йўқлиги уни чўчитар, бироқ буни билинтирмасликка тиришарди. У лабларини қаттиқ қимтиганча кичкинагина қўлчасини бобосининг катта кафти орасидан тортиб олди.

– Юр, юрақол, яқин қолди, – деди Соньер. Улар Луврнинг энг машҳур залига яқинлашаётган эдилар. Бобоси нимадандир хурсанд, бир оз ҳаяжонланарди. Софининг эса уйга кетгиси келарди. «Мона Лиза» нусхаларини турли китобларда кўрган, бу расм унга кўпам ёқавермасди. Тавба, одамлар унга тикилиб қандай завқ олишади, тушуниш қийин.

– Зерикдим, – пичирлади қизалоқ.

– Зерикдим?

– Ҳа, Лувр жуда зерикарли жой экан, уйга кетайлик.

Бобоси кулиб юборди:

– Ундай дема, сенга жуда қизиқарли нарсаларни кўрсатаман ҳали.

Софи лабларини чўччайтирганча юришда давом этди. Улар кичкина залга киришгач, атрофга кўз югуртириб чиқди. Бу ер ҳам кимсасиз экан. Ўнг томонда, девор марказига биргина сурат осилган бўлиб, ўқ ўтмайдиган ойна ичига жойлаштирилган эди. Бобоси кираверишда тўхтади, сўнг Софини сурат олдига боришга ишора қилди.

– Борақол, Софи. Бу хоним билан яккама-якка учрашиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Софи аста-секин юриб борди. У «Мона Лиза» ҳақида жуда кўп бор эшитган, айти дамда ўзини маликанинг олдига яқинлашаётгандек сезарди. Ойна қаршисига келгач, бошини кўтариб суратга тикилди.

Худди ўзи. Софи бу суратни китобларда кўп кўрган. Ҳақиқий «Мона Лиза» уни умуман ҳайратга солмади. Унга таниш бўлиб кетган чеҳра гўё китоб саҳифасидан қараб турганга ўхшарди. У бирор нима содир бўлишини кутгандек сурат қаршисида узоқ туриб қолди.

– Хўш, қалай? – шивирлади бобоси унинг ёнига келиб. – Чиройли, тўғрими?

– Ҳм. Жуда кичкина экан.

Соньер табассум қилди.

– Ахир сен ҳам кичкина ва чиройлисан-ку.

«Ҳечам чиройли эмасман-да», ўйлади Софи. У ўзининг қизғиш сочларию сепкил тошган юзини ёмон кўрарди. Устига-устак синфидаги барча ўғил болалардан баландроқ, кучлироқ ҳам эди. У яна «Мона Лиза»га қаради ва бошини сарак-сарак қимирлатди:

– У китобларда кўрганымдан ҳам ёмонроқ экан. Юзи қанақадир...

– Туман қоплагандек, – унинг гапини илиб кетди бобоси.

– Ҳа, туман қоплагандек.

– Бу сурат сфумато деб аталувчи услубда чизилган, – тушун-

тирди Соньер, – бундай услуб жуда қийин ҳисобланади, ҳар қандай рассом ҳам бу даражада чизолмайди.

Шундай бўлса-да, сурат Софига ҳечам ёқмаётган эди.

– У худди ҳеч ким билмайдиган бир сирдан хабардор одамдай қараб турибди. Мактабдаги болалар ҳам бирор сирни билишса шундай қарашади.

Бобоси кулиб юборди.

– Бир ҳисобда, у шунинг учун ҳам машҳур. Одамлар «Мона Лиза» нима учун шундай табассум қилишини топишга уринмоқчи бўладилар.

– Сиз буни биласизми?

– Балки биларман, – бобоси Софига кўзини қисиб қўйди. – Кун келиб, бу ҳақида албатта сенга гапириб бераман.

Софи аччиқланганча оёқчаларини полга уриб қўйди.

– Ахир айтгандим-ку, ҳар хил сирларга тоқатим йўқ деб!

– Маликам, – деди Соньер кулиб, – ҳаётнинг ўзи турли сир-асрорларга тўла. Ҳамма нарсани бирданига билиб олишнинг иложи йўқ...

– Мен унинг олдига боришим керак, – деди Софи хотирларига барҳам бериб. Унинг овози қандайдир бўғиқ чиқди.

– «Мона Лиза»нинг олдигами? – тахминан сўради Лэнгдон. – Ҳозироқми?

– Ҳа. Ўзингиз ҳам биласиз, мени қотилликда гумон қилишаётгани йўқ. Таваккал қилиб кўраман. Бобом менга нима демоқчи бўлганлигини албатта билишим керак.

– Элчихона нима бўлади?

Лэнгдонни шундай пайтда ташлаб кетаётгани учун Софи ўзини айбдор сезарди, аммо бошқа чораси йўқ. У бир қават пастдаги металл эшикка ишора қилди.

– Шу эшикнинг олдига боринг. Ёритилган кўрсаткичларга қараб юраверинг, улар сизни чиқиш жойига олиб боради. Кичкина-лигимда бобом кўпинча айти шу эшикдан олиб ўтарди. Кейин эса назорат турникетига\* етиб борасиз. Тунда улар автомат тарзда

---

\*Турникет – кириш-чиқиш жойларида одамларни битта-битта ўтказиш учун ўрнатилган айланма гов.

очилади, – у машинасининг калитини Лэнгдонга узатди. – Менинг қизил «Смарт»им хизмат машиналари тўхтайдиган жойда турибди. Бу ердан элчихонага қандай етиб боришни биласизми?

Лэнгдон калитни оларкан бошини силкиди.

– Илтимос, мендан хафа бўлманг, – деди Софи мулойим товушда. – «Мона Лиза»нинг ёнида бобом менга бирор нарса қолдирганига ишончим комил. Эҳтимол калитми ёки қотилликка ишора қилувчи бирор нарсами. Биратула менга қандай таҳдид хавф солаётганини ҳам билиб оламан.

– Модомики, сизнинг ҳаётингизга хатар туғилган экан, бобонгиз бу ҳақида полга ёзиб қўя қолса бўлмасми? Бунақанги жумбоқлар, сўз ўйинларининг нима кераги бор?

– Менимча, бунинг сабаби битта – бобом бу тўғрида бошқалар билишини хоҳламаган. Ҳатто полиция ҳам. У «Мона Лиза»нинг олдига айнан мен биринчи бўлиб боришимни истаган.

– Мен ҳам сиз билан бораман!

– Йўқ! Ахир полиция Катта галереяга қайтиб келиши мумкин. Сиз элчихонага боришингиз керак. Иложи борича тезроқ!

Лэнгдон иккиланар эди. Афтидан, олимларга хос қизиқувчанлик ўзини қутқариб қолишга интилишдан устун келаётганди.

– Борақолинг! – Софи унга миннатдорлик билан табассум қилди. – Элчихонада кўришамиз, жаноб Лэнгдон.

– Хўп, лекин учрашувга фақат битта шарт билан розиман.

Софи унга ажабланиб қаради.

– Қанақа шарт?

– Мени жаноб Лэнгдон деб чақиришни бас қиласиз.

Профессор айёрона кулиб турарди.

– Омад ёр бўлсин, Роберт, – Софи ҳам табассум билан жавоб қайтарди унга.

Лэнгдон биринчи қаватга тушиши биланоқ димоғига зиғир ёғи ва алебастрнинг ҳиди урилди. Узун йўлакнинг ҳар икки томонида санъат асарлари таъмирланадиган устахоналар жойлашган эди. Йўлак охирида, шундоққина эшик тепасида эса «ЧИҚИШ» деган ёзув ёниб турарди.

У шахдам қадамлар ташлаб бораркан, бугун рўй берган воқеалар ҳақида ўйлади. Буларнинг бари даҳшатли тушга ўхшайди.

Қанийди уйғониб кетса-ю, Кембрижда, ўз уйида бўлиб қолса. «Мен полиция таъқибидан қочиб юрибман. Лувр деразасидан сакрашимга бир баҳя қолди... Бебошликнинг нақ ўзгинаси-я!»

Унинг хаёлидан Соньер қолдирган анаграммалар чиқай демасди, «Мона Лиза» ёнидан Софи нимани топишига эса қаттиқ қизиқиб қолди. Балки у ерда ҳеч нарса йўқдир. Булар ҳали ҳолва, Лэнгдонни бошқа нарса чинакамига ташвишга солиб қўйганди:

*P.S. Робертни топинг.*

Соньер полга унинг исмини нима учун ёзиб қолдирган? Келиб, Софига анаграммаларни ечишга ёрдам бериши учунми?

Ҳайтовур, бунинг учун эмасдир.

Лэнгдоннинг анаграммалар ечиш борасидаги қобилиятидан Соньер мутлақо беҳабар эди. Бундан ташқари, Софи анаграммаларни ўзи ҳам еча олишини намойиш этди: айнан у биринчи бўлиб полдаги рақамлар Фибоначчи кетма-кетлиги эканини айтди. Тез орада номанинг қолган қисмини ҳам ҳал қилса ажабмас.

«Хўш, у ҳолда Соньер нима сабабдан «Роберт Лэнгдонни топинг» деб буюрди экан? Унинг неварасига нима учун керак бўламан? Бунда қандай маъно бор? Нега энди айнан менинг исимини ёзган?»

Лэнгдон бирданига тақатақ тўхтади. Титраганича чўнтақларини тита бошлади ва Соньер қолдирган номанинг нусхасини олди. Қоғоздаги сўнгги сатрга тикилиб қолди.

*P.S. Робертни топинг.*

Илк икки ҳарфлар...

*P.S.*

Уни гўё ток ургандек бўлди. Бўлди, ҳаммаси тушунарли, ҳаммаси равшан энди! Жак Соньер бугун оқшомда нимаики қилган бўлса, бари мантиққа, маънога эга!

Лэнгдон ҳамон титрар ва ҳозиргина қилган кашфиётининг оқибатларини топишга уринарди. У шарт бурилди-да, орқа томонга югургудай бўлиб юра бошлади.

Ишқилиб вақти етармикан?

Йўқ, бунинг аҳамияти йўқ...

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Сайлас меҳроб қаршисида тиз чўкканча ўзини худди ибодат қилаётгандай тутар, аслида эса черков ичини диққат билан кўздан кечирарди. Сен-Сюльпис ҳам ўз замонасининг аксар черковлари сингари улкан хоч шаклида қурилган бўлиб, хоч чизиқлари кесишган нуқта нақ гумбазнинг тагида эди. «Йўқ, пойдевор тоши бу ерда эмас», ўйлади у.

Сайлас ўнг томонга, ўриндиқлар тутаган жойга қаради. Худди шу ерни барча қурбонлари бир овоздан тилга олишган эди. Кулранг гранит полга кавшарлаб ёпиштирилган ингичка мис тасма ярим қоронғиликда кучсиэгина йилтирар, у чизғичдаги каби қисмларга ажратилганди.

Пойдевор тоши Сен-Сюльпис черковда яширилгани ҳақидаги хабарни Устоз шубҳа билан қаршилади. Шунда Сайлас биродарлик аъзолари айнан шу ибодатгоҳни тилга олишганини, яна қандайдир мис тасма тўғрисида гапиришганини айтди. Устоз қаттиқ ҳайратга тушди: «Сен ахир Атиргул чизиғи ҳақида гапиряпсан-ку!»

У Сайласга черков меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб берди: тошга ётқизилган мис тасма черков биносини қоқ ўқи бўйича – шимолдан жануб томонга бўлиб ўтарди. Сен-Сюльпис қурилишидан аввал бу ер мажусийлар ибодатхонаси бўлиб, улар мис тасмадан қуёш соати ўрнида фойдаланишган. Жанубий девордаги тешикдан тушувчи қуёш нурлари чизиқ бўйича силжир ва шу тариқа одамлар вақтни аниқлашар эди.

Атиргул чизиғи шимолдан жануб томон ўтган бўлиб, кўп асрлар давомида сайёҳларнинг корига яраб келди. Глобусда уни меридиан деб ҳам аташади. Умуман олганда, глобусда Шимолий ва Жанубий қутбларни боғловчи жуда кўп чизиқлар ўтказилган эдики, денгизчилар улардан қайси бири Атиргул чизиғи, бошқача айтганда, нолинчи узунлик деб баҳслашар эдилар.

Эндиликда нолинчи меридиан Лондон, Гринвичда жойлашган.

Ваҳоланки, 1888 йилга қадар нолинчи узунлик Париж, аниқроғи, Сен-Сюльпис черкови орқали ўтган эди. Ҳозир буни ҳеч ким эсламаса-да, у ерда Атиргул чизиғи сақланиб қолган.

– Демак, афсонада айтилганидек, пойдевор тоши Атиргул чизиғи остида экан, – деди Устоз.

Сайлас ўрнидан тураркан, балкон томондан келган шитирлаш товушини эшитмади. У уч бора чўқинди ва ўтирилиб, мис тасма сари юриб кетди.

Айни шу маҳал эса авиалайнер шассиси Римдаги Леонардо да Винчи халқаро аэропортининг учинчи йўлагига тегди ва енгилгина зарба мудраб ўтирган епископ Арингаросани уйғотиб юборди.

– *Benvenuto a Roma,\** – овоз келди радиокарнайдан.

Арингароса ўриндиқдан кўтарилди ва сутанасининг бурмаларини тўғрилаб қўйди. Унинг лабларига табассум қалқиган эди, бундай шодон қиёфада уни камдан-кам кўриш мумкин. Епископ бу лаҳзаларни жуда узоқ, интиқлик ва юрагида хавотир билан кутди. Мана энди Парвардигорнинг марҳамати билан ҳаммаси бошқача бўлади.

Шояд бутун Парижда мўлжалланган режалар амалга ошса, яқин кунларда Арингароса бутун насоро оламида энг қудратли одамга айланажак.

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Софи ҳаллослаб югуриб келди-да, «Мона Лиза» сақланадиган Саль де Эта залининг баланд эшиги олдида тўхтаб қолди. Ичкарига киришдан аввал йигирма ярд нарида ётган бобосининг жонсиз танасига ихтиёрсиз назар ташлади.

У бобосининг руҳи олдида ўзини айбдор ҳис қилаётган эди. Соньер ўн йил давомида ярашиш учун кўп бора қўл чўзди, бироқ у истамади. Бобоси юборган хатларни эса очиб кўрмаёқ жавон тортмасига ташлаб қўйверди. *«Ахир у мени аллади! Ўзининг шармандали гуноҳларини мендан яширди! Хўш, нима қилишим керак эди?»*

У бобосини ўз ҳаётидан чиқариб ташлади. Батамом ва узил-кесил.

Мана энди Жак Соньер ўлган бўлса-да, унга қандайдир сирни етказишга уриняпти.

---

\*Римга хуш келибсиз (итальянча).



Софи икки табақали оғир эшикларни итарди. Остонада турганча тўғри тўртбурчак шаклидаги зални кўздан кечира бошлади. Залда хира қизғиш нур таралиб турарди. Эшикнинг шундоқ рўпарасида Ботичеллининг улкан полотноси осифлиқ, унинг тагига эса саккизбурчакли диван қўйилган. Бу диван Луврнинг энг машхур экспонатини кўришга келганларни бир лаҳза ўтириб, тин олишга чорлаётгандай туюларди.

Бордию бобоси «Мона Лиза»нинг ёнида бирор хабар қолдирган бўлса, буни ҳойнаҳой «кўринмайдиган» маркерда ёзган. Ана шуни ўйлаган Софи орқасига бурилиб, жасад ёнига борди. Иложи борича унга қарамасликка уринаркан, асбоблар солинган қутини кавлаштириб, кичкинагина ултрабинафша нур сочувчи фонарни топди. Уни свитерининг чўнтагига тиқиб, зал томон ошиқди.

Эндигина остона ҳатлаб ўтган эди ҳамки, йўлақда қадам товушлари эшитилди. Товуш борган сайин яқинлашиб келарди. «*Ё Худо! Кимдир келяпти-ку!*» Ярим қоронғилик қўйнидан аллакимнинг шарпаси чиқиб келди-ю, Софи орқага тисарилди.

– Мана қаерда экансиз! – деди нақ рўпарада пайдо бўлган Лэнгдон. Уни кўргач, Софи енгил тин олди.

– Роберт, бу ерга нега қайтдингиз? Ахир музейдан кетишингиз керак эди-ку! Агар Фаш...

– Сиз қаерда эдингиз? – унинг гапини бўлди Роберт.

– Фонарчани олгани боргандим. Агар бобом менга хабар қолдирган бўлса...

– Айтингчи, Софи, – Лэнгдон мовий кўзларини унга қаттиқ тикди. – P.S. ҳарфлари сиз учун алоҳида аҳамиятга эгами?

Овозлари акс-садо билан бутун галереяга тарқашидан чўчиган Софи Лэнгдонни енгидан ушлаб, зал томон тортди. Кейин эса икки табақали эшикни оҳиста ёпиб қўйди.

– Ахир айтгандим-ку, бу Малика Софи сўзларининг бош ҳарфлари, деб.

– Эсимда бор, аммо сиз ҳарфлар билан бошқа ҳеч қаерда тўқнаш келмаганмисиз? Балки бобонгиз бу ҳарфларни ўзгача тарзда ҳам ишлатгандир? Масалан, монограмма\* кўринишида?

---

\*Монограмма – исми, отасининг исми ва фамилияси бош ҳарфларидан тузилган безак шаклидаги шартли белги.

Савол Софини ажаблантирди.

«Роберт қандай қилиб фаҳмлади экан?»

Тўққиз ёшга тўлиши арафасида бу ҳарфларни ҳақиқатан ҳам монограмма шаклида кўрган эди. Яширилган совғаларни топиш умидида бобосига билдирмай бутун уйни тинтиб чиқди. «Қизиқ, бу сафар бобом менга нима тайёрлаб қўйди экан?» ўйларди у. Эринмай ҳамма шкафлару жавонларни очиб кўрди. «Мен орзу қилган қўғирчоқни сотиб олган бўлса-я» Қаерга яширдийкан?»

Ҳеч нарса тополмагач, ҳафсаласи пир бўлди. Бобосининг хоб-гоҳини кўздан кечирмади холос, у ерга кириш эса мутлақо тақиқланган. Барибир болаларга хос қизиқувчанлик устун келди. Секингина ётоқхона эшигини очиб, ичкарига мўралади. Бу пайтда бобоси пастдаги меҳмонхонада ухлаб ётарди.

«Бирровга кираману чиқаман!»

Софи ғичирлайдиган полда оҳиста юриб бориб, кийимлар солинган шкаф тортмаларини бирма-бир кўриб чиқди. Ҳеч нарса йўқ экан. Кейин эгилиб кроват тагини текширди. Йўқ. Бобосининг ёзув столига келди ва ғаладонларини тортиб кўра бошлади. Аммо қўғирчоқни у ердан ҳам тополмай хуноби ошиб борарди. Ва ниҳоят энг пастки ғаладонни очдию, ичида қоп-қора кийимни кўриб оғзи очилиб қолди. Бобосини бундай кийимда ҳечам кўрмаган. Софи қора кийимни, яна алақанча латта-путталарни бир томонга сурган эди, ғаладоннинг орқа бурчагида нимадир ялтираганини кўриб қолди. Ие, тилла-ку! Занжирли чўнтак соатига ҳам ўхшаб кетади, лекин бобосининг бундай соати йўқлигини Софи яхши билади. Қаттиқ ҳаяжонланганидан қизалоқнинг юраги қинидан чиқар даражада ураётган эди.

Кўлини чўзиб занжирни олди, унга бриллиантлар қадалган олтин калитча осиб қўйилибди. Офиргина экан бу калитча. Ялтирашиничи! Софи нафасини ичига ютганча уни томоша қила бошлади. Қизиқ, одатда калитлар текис, тишчали бўлади, бу калит эса цилиндр шаклида бўлиб, кўндаланг кесимида учбурчак жойлашган эди, ҳаммаёғи ботиқчалар билан қопланган. Учида эса квадрат шаклидаги хоч бор бўлиб, бир-бири билан кесишган томонларининг узунликлари ўзаро тенг эди, худди «кўшув» белгисига ўхшаб ке-

тарди. Хочнинг қоқ ўртасини ғалати белги безаб турарди: ўзаро чирмашиб кетган иккита ҳарф, худди гулга ўхшаш кетган.

– P.S. – дея шивирлади Софи ҳарфларга тикиларкан. – Нима-ни билдирад экан?

– Софи!

У бобосининг овозидан сесканиб кетди, орқасига ўгирилиб қарамоқчи бўлдию қўлидаги калитни полга тушириб юборди. Сонъер эшик олдида турар, Софи эса кўзларини кўтариб унга қарашга ботина олмасди.

– Мен... мен... туғилган кунимга аталган совғани қидираётган эдим, – деди Софи тутила-тутила. У яхши иш қилмаганини тушуниб турарди.

– Софи, калитни ол, – аччиқланганча жавоб қайтарди бобоси. У буйруқни бажарди.

– Бошқаларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилиш лозим, – деди Сонъер унинг ёнига тиззалаб ўтираётиб ва аҳтиётлик билан неварасининг қўлидаги калитни олди. – Билсанг, бу оддий калит эмас. Агар уни йўқотиб қўйганингда борми...

Бобосининг дилгир товушидан Софи ўзини янаям ноқулай сеза бошлади. Яхшиси бақриб берса бўларди.

– Бобожон, илтимос, мени кечиринг.

– Яна бир карра қайтараман, Софи, бошқа одамларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилиш керак. Бу доимо ёдингда бўлсин.

– Хўп бўлади, бобожон!

– Майли, бу ҳақида бошқа пайт гаплашармиз. Ҳозир эса боғдаги гулларнинг ўтини ўрамиз.

Софи чопқиллаганча боққа чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб Софи бобосидан совға олмади. Рост, кечаги иши учун ҳеч қанақанги совғадан умид қилмаётганди. Бобоси кун бўйи унга яқинлашмади, ҳатто туғилган куни билан табриклаб ҳам қўймади. У хафа бўлганича ухлагани кириб кетди, ўрнига ётаётиб эса ёстиғи устидан табрикнома топиб олди. Оддий эмас, жумбоқли табрикнома. Жуда хурсанд бўлиб кетди. «Мен бунинг нималигини биламан! Ўйин! «Хазиналар ови» деб номланадиган ўйин!»

Софи топишмоқни ечишга тушиб кетди. Жавоб излаб у хонадан-бу хонага чопиб, шу тариқа бутун уйни кезиб чиқди. Ниҳоят

бобосининг жумбоқ жавобига кўрсатган ишораларига қараб, яна ётоқ-хонасига қайтиб келди. Ичкарига отилиб кирдию тақатақ тўхтаб қолди. Хона ўртасида янгитина қизил велосипед турар, рулига каттагина чиройли бант тақиб қўйилган эди. Софи севинганидан қичқириб юборди.

– Биаламан, сен қўғирчоқ сўрагандинг, – деди бобоси. У хона бурчагида кулимсираганча турарди. – Лекин бу совға сенга кўпроқ ёқса керак деб ўйладим.

Эртаси кундан бобоси уни велосипед ҳайдашга ўргата бошлади. У велосипедни орқасидан ушлаганча йўлакчада югуриб борарди. Софи майсазорга чиққанида мувозанатини йўқотиб қўйди ва улар бақириб кулганча ўтга йиқилиб тушишди.

– Бобожон! – Софи бобосини қучоқлаб олди. – Калит учун мени кечиринг! Қилган ишимдан қаттиқ уялдим.

– Биаламан, азизам, биаламан. Сени кечирдим, сендан узоқ вақт хафа бўлиб юролмайман. Боболар ва набиралар доимо бир-бирларини кечиришлари лозим.

– У ниманинг калити ўзи? Бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман, бирам чиройлики!

– Қутичанинг калити, – жавоб берди бобоси узоқ жимликдан сўнг. – Унинг ичида кўпгина сирларимни сақлайман.

Софи эркаланиб лабларини чўчқайтирди.

– Уф-ф! Сирларни ёмон кўраман!

– Вақт-соати етиб, сен уларни билиб оласан, улар сенга ёқиши тайин.

– Ўша калитда ҳарфлар бор экан, гул ҳам.

– Ҳа-а, у менинг севимли гулим, номи – Лиза гули. Шунақаси бизнинг боғда ҳам ўсади, ўзи оппоқ, ҳиди жуда ёқимли. Англияда бундай гулни лилия деб аташади.

– Биаламан! Менга ҳам ёқади бу гул.

– Унда сен билан келишиб оламиз, – бобоси қошларини кулгили чимириб олди, – бу калит ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайсан. Вақти келиб, уни сенга совға қиламан.

Софи ўз қулоқларига ишонмасди.

– Ростданми?

– Чин сўзим. Калитни албатта сенга бераман, ахир унда сенинг исминг битилган.

– Ие, қанақасига? Калитда P.S. ҳарфлари ёзилган, менинг исмим эса бутунлай бошқа ҳарфлардан бошланади-ку!

Бобоси овозини пастлатди ва уларни ҳеч ким эшитмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга қараб олди.

– Қулоқ сол, Софи. P.S. – сенинг махфий кодинг.

Қизнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

– Менинг махфий кодим?

– Ҳа. Бу ҳарфлар Малика Софи деган сўзлардан олинган.

– Мен ҳеч қанақанги малика эмасман-ку! – қиқирлаб кулди у.

– Мен учун эса маликасан.

Ўша кундан эътиборан бобоси билан калит ҳақида умуман гаплашмади. У эса малика Софи бўлиб қолди. Софи ўша воқеани эслаганича жим турар, уни айрилиқ азоби эзарди.

– Қизиқ, – шивирлагандай гапирди Роберт, – бу ҳарфларни аввал ҳам кўрганмисиз?

Софи калит ҳақидаги сирни ҳеч кимга очмасликка сўз берган эди. Аммо энди қасамни бузиш пайти келди. Роберт Лэнгдон Софига ёрдам беришини бобоси хоҳлаган.

– Ҳа, кўрганман. У пайтлари кичкина қизалоқ эдим.

– Қаерда?

Софи иккиланиб қолди.

– Бобом учун муҳим бўлган бир буюмда.

Лэнгдон Софининг кўзларига қаттиқ тикилди:

– Айтингчи, ҳарфларнинг ёнида бирор тимсол ҳам бормиди? Дейлик, Лиза гули?

– Ҳа... – ҳайратдан орқага тисарилиб кетди Софи. – Лекин сиз буни қаердан биласиз?

– Ишончим комилки, бобонгиз махфий жамият аъзоси бўлган. Қадимий махфий биродарликнинг аъзоси.

Софи сесканиб кетди. Буни ўзи ҳам тахмин қиларди. Ўн йил давомида буни унутишга ҳаракат қилиб келди. Энди эса ўша тахмини ўз тасдиғини топиб турибди.

– Лиза гули ва P.S. ҳарфларининг бирикмаси биродарликнинг рамзи ҳисобланади, – деди Лэнгдон.

– Сиз буни қаердан биласиз? – хавфсираб сўради Софи. «Эй Худойим, ишқилиб, унинг ўзи ҳам ўша махфий биродарликнинг аъзоси бўлмасин-да».

– Бир пайтлар ана шу биродарлик ҳақида мақола ёзишимга тўғри келганди, – Лэнгдоннинг овози ҳаяжондан титрар эди. – Гап шундаки, мен махфий жамиятларнинг тимсолларини ўрганман, бу касбимнинг бир қисми ҳисобланади. Бу биродарлик Францияда жойлашган бўлиб, Сион Приорати деб аталади. Бутун Европадаги энг нуфузли кишиларни ўз сафига жалб қилган. Умуман олганда, у ер юзидаги энг қадимги махфий жамиятлардан биридир.

Софи бу биродарлик ҳақида ҳеч эшитмаган эди.

– Биродарлик аъзолари орасида кўплаб буюк шахслар бўлган. **Боттичелли**, Исаак Ньютон, Виктор Гюго, – у бирпас жим турдида, кейин кўшиб кўйди: – Леонардо да Винчи ҳам.

– Нима, да Винчи ҳамми?

– Ҳа. У ҳатто 1510-1519 йиллар орасида биродарликка бошчилик қилган. Бобонгизнинг Леонардо асарларига қизиқишини тушуниш мумкин. Уларнинг икковини ҳам биродарлик аъзоси бўлган, маъбудага сиғиниш, мажусийлик тимсоллари ва черковга нафрат каби жиҳатлар уларни бирлаштириб турган.

– Демак, улар маъбудага сажда қилишган экан-да?

– Ҳа. Бундан ташқари, биродарлик чексиз қудрат ато этувчи қадимий сирни сақлаб келади.

Софи эшитганларига ишонгиси келмасди. «Махфий биродарлик жамияти? Маъбуда сиғиниш? Леонардо да Винчи бошчилик қилган?» Буларнинг бари бемаъ依ликдек туюларди. Аммо... ўша ўн йил олдинги воқеа яна ёдига тушиб кетди. «Балки ўша воқеа ҳаммасига ойдинлик киритар?»

– Биродарликнинг ҳозирги аъзоларининг исми қатъиян сир сақланади, – деди Роберт. – Болалигингизда сиз кўрган ҳарфлар ва гулнинг тасвири бобонгиз биродарлик аъзоси бўлганини тасдиқлайди.

«Бундан келиб чиқадики, – ўйлади Софи, – Лэнгдон бобом ҳақида кўп нарсаларни гапириб бериши мумкин экан. Лекин ҳозир эмас».

– Фаш сизни ҳибсга олишига йўл қўёлмайман, Роберт. Биз ҳали кўп нарсаларни муҳокама қилишимиз керак. Сиз қочинг! Тезроқ!

Лэнгдон Софининг овозини деярли эшитмади. У юзага чиқаётган кўҳна сирлар, деярли унут бўлаётган тарих ҳақида ўй сурарди. У аста-секинлик билан ўтирилди ва қизғиш нурга чўмган машхур полотнога қаради.

*Лиза гули... Мона Лиза...*

Тез орада Сион Приоративу Леонардо да Винчи ҳақидаги сирлар очилишини Лэнгдон қалбан ҳис қилиб турарди.

Худди шу пайт Луврдан бир неча миля узоқликда, Ногиронлар уйи орқасидаги кўчада ўзини тамоман йўқотиб қўйган юк машинаси ҳайдовчиси автоматлар мўлжали остида турар ва судлов полициясининг капитани ғазабдан бўкирганича қандайдир совун бўлагини Сенанинг қора сувларига отишини кузатарди.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Сайласнинг асаблари таранг тортилган, вужудидаги жами томирлару мушаклар жўшиб-кўпираётган эди. Черковда ёлғиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга яна бир карра кўз ташлади, кейин эса тиз чўкди.

*«Шу ерда. Пойдевор тоши Атиргул чизигининг остида».*

Сайлас ерни пайпаслаб кўрди. Тоштахталарни силжитиш мумкинмикан? Ахир бирор дарз ҳам кўринмайди-ку. У бармоқларини букканча полни тақиллатиб кўра бошлади. Айниқса мис тасма ўтган ҳар бир тоштахтани тақиллатиб, диққат билан эшитиб кўрарди. Ва ниҳоят тоштахталардан бири ғалати товуш берди.

*«Шу ерда ковак бор!»*

Сайлас мамнун табассум қилди. Демак, қурбонлар алдашмаган экан! У қаддини ростлади. Тоштахтани кўтаришга ярайдиган бирор анжом топиш ниятида теваракка кўз югуртира бошлади. Панжара ортида ўтирганча уни кузатаётган роҳиба Сандрин эса бақириб юбормаслик учун оғзини қўллари билан маҳкам ёпиб олди. Унинг тахминлари тўғри бўлиб чиқаётган эди. Бемаҳалда келган бу меҳмоннинг нияти черковни зиёрат қилиш бўлмагани аниқ.

*«Махфий топшириқ билан келган у! – хаёлидан ўтказди роҳиба. – Бунақанги топшириқ олган битта сен эмас...»*

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

АҚШ элчихонаси Елисей майдони яқинида, Габриэл авеню-сидаги ихчамгина бинолар мажмуасида жойлашган эди. Бугун бу ерда навбатчилик қилаётган қиз бекорчиликдан «Тайм» журналини ўқиб ўтирарди. Ногаҳон телефон жиринглаб қолди.

– Алло, АҚШ элчихонаси эшитади.

– Хайрли кеч, – саломлашди кимдир инглизчалаб французча оҳангда, – менга ёрдамингиз керак эди, – гапираётган одам мулойим муомала қилишга уринар, бироқ овозидаги буйруқона ва асабий оҳанг шундоқ сезилиб турарди. – Билишимча, автомат тизимингизга Роберт Лэнгдон номимга хабар келган экан. Афсуски, кириш коди ёдимдан кўтарилибди. Агар ёрдам бериб юборсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлар эдим.

Навбатчи қиз ҳайрон бўлди.

– Кечирасиз, сэр, бу хабар анча олдин келган бўлса керак. Гап шундаки, хавфсизликни таъминлаш мақсадида бундан икки йил олдин ўша тизим ечиб олинган. Номингизга хабар келганини сизга ким айтди?

– Демак, сизда қўнғироқларни қабул қилиб олишнинг автомат тизими йўқми?

– Йўқ, сэр. Хабарлар энди навбатчи томонидан ёзиб қўйилди. Исмнингизни ким деб айтдингиз?

Аммо гўшак қўйиб бўлинган эди.

Ҳафсаласи пир бўлган Безу Фаш Сена соҳили бўйлаб юра бошлади.

*«Жин урсин, Лэнгдон элчихонага қўнғироқ қилмабди. Унда ким билан гаплашди экан?»*

Шу пайт кўзи қўл телефонига тушиб қолдию хазина топган одамдай севиниб кетди.

*«Ахир Лэнгдон менинг телефонимдан фойдаланган эди-ку!»*

Фаш телефоннинг терилган рақамлари рўйхатини кўрсатувчи менюга кириб, Лэнгдон қўнғироқ қилган рақамни топди. Париж рақами ва кириш коди – 454. Фаш шу заҳотиёқ рақамларни тера бошлади.

Бир неча лаҳзадан кейин аёл қишининг овозини эшитилди.



– Хайрли кун, сиз Софи Невёга кўнғироқ қилдингиз, – овоз эшитилди гўшақдан. – Айни пайтда у уйда йўқ, аммо...

Фашнинг миясига қон урилгандай бўлди ва кириш коддини те-ришга киришди – 4...5...4...

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Лэнгдон ҳеч қасқа кетмаслигини яна бир карра таъкидлагач, Саль де Этанинг ичкарасига қадам қўйди. Уни ҳаяжон босарди, қачон буюк санъат асарини кўргани борса, доимо шундай ҳолатга тушади. Кўзини қисганча қизғиш ёруғликка қаттиқ тикиларкан, чап томонда саккиз бурчакли диванга кўзи тушди. Узоқдан қараганда диван ялтироқ паркет сатҳидаги танҳо оролчани эслатарди.

Ниҳоят, Лэнгдон девордаги тўғрибурчакли ойнани кўрди. Мана шу ойна ортида дунёдаги барча санъат ихлосмандларини ҳайратга солувчи, да Винчининг рассом сифатидаги энг улкан ютуғи ва шоҳ асари – «Мона Лиза» турибди. Леонардо да Винчи бу асаридан ҳеч қачон ажралмас, саёҳатга чиқса ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Мусаввирдан ҳар сафар бунинг сабабини сўраганларида, аёл гўзаллигининг мукамал ифодаси ҳисобланган маэкур асардан айро бўлиш қийинлигини айтарди.

Баъзи санъатшунослар да Винчининг «Мона Лиза»га бунчалик қаттиқ боғланганига бошқа сабаб бор дейишар эди. Миш-мишларга кўра, «Мона Лиза» қатларида сирли нома яширинган эмиш. Аммо кўпчиликнинг фикрича, «Мона Лиза»нинг энг катта сирини – бу унинг табассумидир.

«Унинг ҳеч қандай сирини йўқ, – ўйлади Лэнгдон суратга яқинлашар экан. – Мутлақо».

Бундан бир неча ой олдин Лэнгдон «Мона Лиза»нинг сирли табассуми ҳақида Эссекс федерал қамоқхонаси маҳбусларига маъруза ўқирди. Ушбу семинар Гарвардда ишлаб чиқилган дастурнинг бир қисми бўлиб, аҳолининг энг қолоқ табақалари, шу жумладан, маҳбуслар орасида ҳам маданият ва санъатни тарғиб этишни кўзда тутган эди. Лэнгдоннинг ҳамкасблари ҳазиллашиб бу дастурни «Маҳбуслар учун маданият» деб аташарди.

Маъруза қамоқхона кутубхонасида ўтарди. Маҳбуслар Лэнгдонни қизиқиш билан тинглашар, кўполроқ бўлса ҳам зукколик билан луқмалар ташлашарди.

– Шуниси сезиш мумкинки, – дер эди Лэнгдон асарнинг девордаги катталаштирилган нусхаси олдида юраркан, – аёл юзи орқасидаги фон, яъни уфқ кўриниши бир текис эмас. Чап томони ўнгига нисбатан анча пастда жойлашган.

– Нима, да Винчи бу суратни чизаётганида кайфи бўлганми? – сўради маҳбуслардан бири. Лэнгдон мийғида кулиб қўйди.

– Йўқ, да Винчи унчалик ичавермас эди. Буни расмоннинг устамонлиги дейиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, аёллик ва эркаклик ибтидосига мувофиқ чап аёллик, ўнг эса эркаклик томони ҳисобланган. Да Винчи аёллик назокатининг муҳлиси эди, шу сабабли ҳам уфқни қийшайтириб чизиш орқали Мона Лизанинг юзини улуғворроқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Умуман олганда, да Винчи аёллик ва эркаклик ибтидоси орасида мувозанат топишга уринарди. Мусаввирнинг фикрича, кимнинг қалбида ана шу икки ибтидо муроса қилолса, ўша одамни маърифатли ҳисоблаш мумкин.

– Айтингчи, жаноб Лэнгдон, – сўради чайиргина йигит, – «Мона Лиза» – бу да Винчининг аёл кийимида тасвирланган сурати эмиш, шу тўғрими? Буни кўпчиликдан эшитганман.

– Балки шундайдир, – жавоб қайтарди Лэнгдон. – «Мона Лиза» ва да Винчи автопортретининг компьютер таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар иккисининг юзи асосий антропометрик\* кўрсаткичлар бўйича мос тушади. Мусаввир нимани назарда тутганлиги бизга қоронғи, бироқ шу нарса аниқки, «Мона Лиза» эркак ҳам, аёл ҳам эмас. Бу асарни икки ибтидо уйғунлигининг тасвири дейиш мумкин.

– Жаноб Лэнгдон, сиз Гарварддаги олимлар тилида гапиряпсиз. Ундан кўра, қийналиб ўтирмасдан, Мона Лиза ҳақиқий тасқара деб қўя қолсангиз бўларди.

Лэнгдон қаҳқаҳ отиб кулиб юборди.

---

\*Антропометрия – антропология фанида одам танаси ва аъзоларини ўлчашга асосланган текшириш усули.

– Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз. Айтинглари, Миср маъбуди Амон ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

– Жин урсин! Албатта! – хитоб қилди бақувват эркак. – Ахир у эркаклик қуввати маъбуди-ку! Боши қўйниқига ўхшайди.

– Офарин, тўпа-тўғри! Дарҳақиқат, Амонни қўй бошли эркак сифатида тасвирлашган. Ривоятларга кўра, у ишқий муносабатларда жуда жўшқин бўлган, унинг қайрилган шохлари эса жинсий қувватининг ортиқлигини билдиради. Сизлар Амоннинг жуфти ким бўлганини биласизларми? У қадимги Мисрда ҳосилдорлик маъбудаси ҳисобланган, исми қандай эди?

Маҳбуслар миқ этмай ўтиришарди.

– Изис ёки Исида, – деди Лэнгдон ва қўлига бўр олиб, доскага маъбуда исмини ёзди. – Қадимда ушбу маъбуда исмини пиктограмма\* кўринишида ёзишган, пиктограммани эса Л“ИЗА деб ўқиш мумкин.

Лэнгдон яна бир нималарни ёзди ва доскадан бир қадам ортга чекинди.

### АМОН Л“ИЗА

– Хўш, нима ҳосил бўлганини тушунапсизларми? – сўради у.

– Вой Худойим! Мона Лиза... – ҳайратдан бақириб юборди маҳбуслардан бири. Лэнгдон тасдиқ маъносида бошини қимирлатди.

– Кўриб турганингиздек, жаноблар, Мона Лизанинг юзигина жумбоқли эмас. Унинг исми эркаклик ва аёллик ибтидолари уйғунлигини ифода этади. Мона Лизанинг сирли табассуми сабаби ҳам балки шундадир...

– Бобом бу ерда бўлган! – хитоб қилди Софи. Лэнгдоннинг хаёллари шу лаҳзадаёқ тарқаб кетди. Софи суратдан ўн футча нарида чўккалаб олганди. У қўлидаги фонарча билан паркет полдаги доғга ишора қилди.

Аввалига Лэнгдон ҳеч нарсани кўрмади. Кейин эса у ҳам Софининг ёнига чўккалади. Полда бир томчи суюқлик қуриб қолган эди. «Қон-ку!» Ҳа, Софи ҳақ экан, Жак Соньер ҳақиқатан ҳам ўлими олдидан «Мона Лиза»нинг ёнига келган.

---

\*Пиктограмма – қадимда қўлланилган тасвирий ёзув.

– Бобом бу ерга шунчаки келмаган, – шивирлади Софи ва ўрнидан турди. – Ишончим комил, менга яна бир хабар қолдирган бўлиши керак. – У сурат олдига югуриб келди ва унинг остидаги полни, кейин эса ён-атрофни қўлидаги фонарча билан ёритди. – Ҳеч нима йўқ!

Худди шу пайт Лэнгдон ўқ ўтмас ойнада хира нурланишни илғаб қолди. У Софининг қўлидан ушлаб фонарчани сурат томон йўналтирди.

Улар яшин ургандек турган жойларида қотиб қолишди.

Ойнада, Мона Лизанинг юзи бўйлаб кўндалангига ёзилган олтига сўз фонар ёруғида аниқ кўриниб турарди.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Жак Соньернинг хонасида ўтирган Колле гўшакни қулоғига қаттиқроқ босаркан, эшитган гапларига ишонгиси келмасди. «*Фаш нималар деяпти ўзи?*»

– Маёқча совун бўлагида эканми? Лэнгдон уни қандай билдийкан?

– Софи Невё айтган, – жавоб берди Фаш.

– Нима учун?

– Бунисини билмадим, аммо Лэнгдонга айнан Невё ёрдам берганини тасдиқловчи аудиоёзувни ҳозиргина тингладим.

Колле нима дейишни билолмай қолди. Бу Невё деганлари нималар қилиб юрибди? Энди Фашда судлов полицияси операциясини агент Невё бузиб юборганлиги ҳақида далиллар бор. Уни ишдан бўшатиб юборишлари аниқ, балки судга ҳам беришар.

– Капитан, Лэнгдон ҳозир қаерда экан?

– Музейда. Яна бирор жойда сигнализация ишга тушиб кетмадими?

– Йўқ.

– Ҳеч ким Катта галереяга кираверишдаги панжара остидан ўтмадими?

– Йўқ, биз у ерга музей соқчисини қўйиб қўйдик. Худди сиз буюргандай.

– Яхши. Демак, Лэнгдон Катта галереянинг бирор ерида бўлиши керак.

– Катта галереядами? У ерда нима қилади?

– Луврнинг соқчиси қуролланганми? – саволга савол билан жавоб қайтарди Фаш.

– Ҳа, у соқчиларнинг энг каттаси.

– Уни чақириб олинг, – буйруқ берди Фаш. – Ҳамма одамларни чиқиш жойларини қўриқлашга ташлаш керак. Лэнгдон қочиб кетишини истамайман. Яна соқчиларга айтиб қўйинг, агент Невё Лэнгдон билан бирга бўлса керак.

– Ие, агент Невё кетган деб ўйловдим.

– Нима, сиз унинг чиқиб кетганини кўрдингизми?

– Йўқ, бироқ...

– Кўчада навбатчилик қилган бизнинг одамларимизнинг бирортаси ҳам унинг чиқиб кетганини кўришмаган. Қандай кириб келганини эса кўришган.

Колле Невёнинг сурбетлигидан ва ўйламай иш қилишидан жуда ҳайрон бўлганди. «*Наҳотки, у ҳам бино ичида бўлса?*»

– Қани, тезда ҳаракатга тушинглар! – бақирди Фаш. – Мен қайтиб боргунимча Лэнгдон ва Невё ушланган, қўлларига кишан солинган бўлсин!

Юк машинасининг ҳайдовчисини қўйиб юборгач, Фаш ўз одамларига кўрсатмалар бера бошлади. Ҳа, Роберт Лэнгдон бугун уни анчагина ташвишга солиб қўйди. Энди эса Лэнгдонга агент Невё ёрдам бераётгани ҳисобга олинса, аввал ўйланган режаларни амалга ошириш бир мунча қийинлашади.

Шуларни ўйлаган Фаш таваккал қилмасликка қарор қилди.

У одамларининг ярмини Луврга қайтариб юборди, қолганлари эса Париждаги АҚШ элчихонаси томон йўл олишди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Лэнгдон ўқ ўтмайдиган ойнага ёзилган сўзларни ҳайрат билан кўздан кечирарди. Бу сўзлар Мона Лизанинг сирли табассуми узра нотекис соя ташлаганча буғланиб кетаётганга ўхшарди.

– Приорат, – шивирлади Лэнгдон, – бобонгиз биродарлик аъзоси бўлганлиги яна бир марта тасдиқланди!

Софи унга таажжуб билан қаради.

– Сиз бунинг маъносини биласизми?

– Ҳа, – фаромуш ҳолда бошини қимирлатди Лэнгдон. – Бу сўзлар биродарликнинг энг асосий фалсафий қарашини ифода этади.

Софи саросима ичида сирли сўзларга қаттиқ тикилди:

### *ИНСОН ТАФАККУРИНИНГ АЛДАМЧИ ЙЎЛЛАРИ ШУНЧАЛАР ҚОРОНГИ*

– Гап шундаки, – деди Лэнгдон, – биродарлик аъзоларининг фикрича, насронийлик пайдо бўлган пайт бутун дунёда ёлғон-яшиқ ғоялар урчиб кетди: муқаддас аёллик ибтидоси қадрсизлантирилиб, ўрнига эркаклик ибтидоси кўкларга кўтарилди. Сион Приорати бундай адолатсизликка қарши курашиш мақсадида маъбудага сиғиниш анъанасини яратган.

Софи жавоб бермади, у ҳамон сўзларга тикилиб турарди.

– Рим императори Константин\* ва унинг ворислари дунёдан матриархал мажусийликни супуриб ташлаб, патриархал насронийликни ўрнатишган. Бу иш муқаддас аёллик ибтидосига қора чап-ланиши эвазига амалга оширилди, натижада насронийлик учун маъбуданинг ҳеч қандай аҳамияти қолмади.

– Демак, бобом мени шу ёзувни топишга ундаган экан-да, – деди бунга жавобан Софи ўйчан турганча. – Менимча, у яна нимадир демоқчи бўлган.

Лэнгдон Софининг фикрини уққандай бўлди.

“У яна битта код бор деб ҳисобляпти чоғи”.

Аммо Соньер қолдирган иборанинг яширин маъноси бор ёки йўқлигини профессор билмас эди.

“Ҳа, инсон тафаккурининг алдамчи ўйлари чиндан-да қоронғи».

Ҳозирги таҳликали ва нотинч дунёда насроний черкови тарғиб этаётган эзгу ишларни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо тан олиниши лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқат ҳам бор: черков тарихи

---

\*Константин – эрамининг IV асрида ҳукмронлик қилган Рим императори, мажусийлик анъаналарини сақлаб қолган ҳолда насронийларни қўллаб-қувватлаган.

зўравонлик ва фирибга тўлиб-тошиб ётибди. Мажусийларни насронийликка киргизиш ва аёллик ибтидосига сиғиниш билан боғлиқ динларни йўқ қилиш мақсадида ташкил этилган қонли хоч юришлари нақ уч аср давом этди, ўзгача фикрловчиларни бостириш усуллари ҳам ўта шафқатсиз кечди.

Католик инквизицияси инсоният тарихида, муболағасиз айтиш мумкинки, энг қонли китобни нашр этди. Китобнинг номи «Жодугарлар болғаси» бўлиб, унда дунёни «эркин фикрловчи аёллар хавфи»дан огоҳ этилар ва руҳонийларга жодугарларни қандай қилиб топиш, қийнаш, йўқ қилиш тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатиларди. «Жодугарлар» сафига эса барча олималар, роҳибалар, лўли аёллар, илоҳий кучлар ва Табиат қудратига ишонувчи аёллар, умуман олганда, «Табиатга қизиқиши шубҳали бўлган» ҳар қандай аёл киритилди. Черков ҳатто туғруқни енгиллаштириш мақсадида ноанъанавий дори-дармонлар қўлайдиган дояларни ҳам ўлимга маҳкум этди. Чунки мутаассибчилар туғруқ пайтидаги оғриқлар аёлларга Момо Ҳаво қилган гуноҳ\* эвазига Тангри томонидан берилган жазо деб ҳисоблашар эди. Жодугарларни овлаш уч аср давом этди ва Черков бу вақт мобайнида беш миллион аёлни гулханда ёқиб юборди.

Черковнинг шафқатсиз саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермай қолмади: ўша қонли кунларнинг асорати ҳали-ҳануз сақланиб келяпти. Дунё бўйича аёллар орасида диний раҳнамолар йўқ. Эркак ва аёлнинг нафақат жисман, балки руҳан қўшилишини ҳам билдирувчи қовушиш уят иш сифатида қораланадиган бўлиб қолди. Сутана ва жубба кийган руҳонийлар ҳаттоки табиий майларидан ҳам қўрқадилар. Буни иблиснинг найранглари деб ўйлашди, гўёки иблис ўзининг вафодор шериги бўлиши... аёл ёрдамида уларни йўлдан оздирар эмиш.

Она Замин эркаклар оламига айланиб қолди, уруш ва вайронкорлик маъбудлари ўз ҳунарларини кўрсатишмоқда. Муқаддас аёллик ибтидосига қилинган ҳужум дунёда беқарорликни юзага келтирди, Она Ер турли низолар, аёлларга қарши жамиятлар ва бепарволикдан қаттиқ азият чекмоқда...

---

\*Момо Ҳавонинг жаннатда тақиқланган мевадан еб қўйгани назарда тутиляпти.

– Роберт, – шивирлади Софи, – бу ерга кимдир келяпти!

Шу пайт Лэнгдон йўлакда тобора яқинлашаётган қадам товушларини эшитди.

– Бу ёққа келинг! – Софи шундай деб фонарни ўчирган эди залга қоронғилик чўкди.

Лэнгдон ҳеч нарсани кўролмасди. «*Бу ёққа эмиш. Бунақанги зимистонда қасёққа бораман?*» Ҳарқалай кўзи қоронғиликка ўргандию Софининг шарпасини илғаб олди. Софи диван томонга югуриб бориб, унинг ортига яширинди. Роберт ҳам эндигина унинг ортидан йўл олган эдики, ваҳимали ҳайқириқ уни тўхтатиб қолди.

– Тўхта!

Луврнинг хавфсизлик хизмати агенти револьверини ўқталганча эшикдан кириб келарди. У нақ Лэнгдоннинг юрагини мўлжалга олган эди. Профессор ихтиёрсиз равишда қўлларини тепага кўтарди.

– Ёт! – баланд овозда буйруқ берди агент. – Тез!

Буйруқни бажаришдан бошқа илож йўқ эди. Агент сакраб келиб Лэнгдонни бир тепди ва оёқ-қўлларини ёйишга мажбурлади.

– Яхши эмас, жаноб Лэнгдон, – деди у револьверини Лэнгдоннинг курагига тираркан.

Лэнгдон шу ҳолатида ҳам кинояли таққослашдан ўзини тутиб туролмади. «*Худди Витрувиан одамидек ётибман-а, – ўйлади у. – Ҳақат юзтубанман, холос.*».

## ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Сайлас меҳробдан оғир темир шамдонни олиб Атиргул чизиги олдига қайтиб келди. Кулранг мраммарни кўздан кечирар экан, уни шовқинсиз силжитишнинг иложи йўқлигини тушунди.

Мраммарга темир билан урса, акс-садоси бутун черков бўйлаб тарқалади.

Роҳиба Сандрин эшитиб қолса-я? Ҳойнаҳой ҳозир у ухлаб ётгандир, аммо шовқиндан уйғониб кетиши аниқ. Сайлас бундай вазиятларда таваккал қилмасликни афзал кўрарди.



*“Шамдоннинг учига латта ўраш керак”.*

У атрофга аланглаб қаради, бироқ меҳроб устидаги ёпинчиқдан бошқа нарсани кўрмади. Йўқ, ўзини тақводор ҳисоблайдиган одам учун буни ишлатиш ноқулай. «Ахир сутанам бор-ку», хаёлига келган фикрдан қувониб кетди у. Нима қилибди, черковда бир ўзи бўлса. У сутанасининг томоқни бўғиб турадиган боғичини ечган эди, кийими шу заҳотиёқ сирғалиб полга тушди. Кийим тушдию ўзи эса оғриқдан сесканиб кетди: қўпол жузли мато орқасидаги янги яраларига тегиб кетганди.

Сонидаги боғичини ҳисобламаганда, у буткул яланғоч эди. Сайлас сутанасининг этаги билан шамдоннинг учини ўради. Кейин эса мўлжаллаб туриб кулранг тоштахтанинг қоқ ўртасига урди. Бўғиқ овоз эшитилди-ю тош кўчмади. Бор кучи билан яна бир марта урган эди, бу сафар тоштахтага дарз тушди. Ва ниҳоят учинчи уринишда Сайлас уни ёриб ташлади, тош бўлакчалари полга сочилиб кетди, бир қисми эса тагидаги чуқурчага тушди.

Хуфя жой!

Чуқурни тош парчаларидан тозалагач, чўккалаб пастга қаради. Қаттиқ ҳаяжонланганидан чаккаларига тинимсиз қон урарди. У оппоқ қўлини чуқурга суқиб, ерни пайпаслаб кўра бошлади. Ҳеч нарса йўқ. Қўлини сал нарироққа, Атиргул чизиги остигача узатдию, шодликдан довдираб қолди: *“Наҳотки! Наҳотки топган бўлсам!”* Сайлас топилмани бармоғининг учида, эҳтиёткорлик билан тортиб олди. Кейин эса қаддини ростлаб қўлидаги қалингина тош бўлагига тикилди. Унга нималардир ўйиб битилган эди. Сайлас ёзувни ўқиди ва бир неча сония муқаддам вужудини титратаётган ҳаяжон ўрнини энди чексиз ҳайрат эгаллади. У пойдевор тошида бирор харита ёки йўналишни кўрсатувчи ишоралар бўлади, деб ўйларди. Бироқ тошга атиги шугина ўйилган эди:

*Аюб 38:11*

Инжилдан иқтибос-ку! Шунча куч сарф қилиб Инжилдан парчалар битилган тош топибди-да. Ҳа, биродарлик аъзолари диндорларни мазах қилиш учун ҳеч нарсадан қайтишмайди!

*Аюб. Ўттиз саккизинчи боб. Ўн биринчи байт.*

Сайлас бу байтни ёддан билмас эди. Шуниси маълумки, Аюб китобида Парвардигорга бўлган иймони туфайли оғир синовларга

дуч келган киши ҳақида баён қилинади. “Тасодифни қаранглар-а”, мийиғида кулиб қўйди Сайлас. Унинг юрагида яна бир бор умид учқунлари порлаган эди.

Тепада яшириниб ўтирган роҳиба Сандрин эса қўрқувдан дир-дир титрарди. Атиги бир неча дақиқа олдин роҳиба бу ердан югуриб чиқишга ва ўз бурчини адо этишга ҳозир эди. Аммо ўша лаҳза чақирилмаган меҳмон сутанасини ечиб ташладию, инсон танасига хос бўлмаган оппоқ терини кўрган роҳиба даҳшатдан қотиб қолди: роҳибнинг кенг яғрини қонли чандиқлар билан тўла эди. Ҳатто узоқдан ҳам бу яраларнинг янги эканлигини пайқаш қийин эмас.

*“Уни хипчин билан аёвсиз савалашибди!”*

У тиканли боғич Сайласнинг сонида қолдирган қонли доирани ҳам кўрди. “Бу нимаси? Инсон танасини шундай азобларга дучор этиш нимага керак?” Роҳиба Сандрин «Дея асари» аъзолари амал қиладиган одатларни мутлақо ҳазм қила олмайди. Бироқ ҳозир бунақа нарсаларни ўйлаб ўтиришнинг мавриди эмас. «*Дея асари» пойдевор тошини қидирмоқда!*”

Қонга беланган Сайлас хотиржамлик билан сутанасини кийиб, бурмаларини тўғрилаб қўйди. Қўлидаги тошни маҳкам қисганча Инжил турган меҳроб томон юра бошлади.

Роҳиба Сандрин яширилган жойидан чиқаркан, иложи борича нафас олмаслик ва овоз чиқармасликка тиришди. Зинапоялардан шошилиб тушди-да, ўз хонасига отилиб кирди. Шу заҳотиёқ ёғоч кровати ёнига чўккалаб, унинг тагидан муҳрланган конвертни олди. Роҳиба Сандрин ичига телефон рақамлари ёзилган бу конвертни уч йил олдин беркитиб қўйган эди.

Конвертни шошилиб очди ва қалтироқ бармоқлари билан рақамларни тера бошлади.

Сайласнинг бармоқлари ҳам ҳаяжондан қалтирарди. У тошни меҳроб устига қўйиб, зарҳал тагликда турган чарм муқовали Инжилни қўлига олган ва Қадимги Аҳд\*дан Аюб китобини қидирарди. Ва ниҳоят, керакли бобни топди, кўрсаткич бармоғини

---

\*Қадимги Аҳд – Таврот ва Забурни ўз ичига олувчи китоб. Исо алайҳиссаломга тушган Инжил эса Янги Аҳд деб аталади.

юрғизганча ўн биринчи бобни ўқир экан, вужудини даҳшат қоплаб борарди. Кўзларига ишонмагани учунми, ўша байтни саросима ичида бошқатдан ўқиб чиқди:

**...ШУ ЕРГАЧА ЕТИБ КЕЛДИНГ ВА БОШҚА ҲЕЧ ҚАЁҚҚА ЎТИБ КЕТОЛМАССАН. ХУДДИ ШУ ЕРДА ТАКАББУРОНА ФАЛАЁНЛАРИНГ ЯКУН ТОПАЖАК.**

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Лувр қўриқлаш хизматининг бошлиғи Клод Груар «Мона Лиза» қаршисида юзтубан ётган Лэнгдонни оёқлари билан босиб олган, бутун вужуди ғазабга тўлган эди. «*Бу аблаҳ Жак Соньерни ўлдирибди-я!*» Клод учун ҳам, унинг одамлари учун ҳам Соньер оталаридай бўлиб қолганди. У Лэнгдонни ҳозироқ отиб ташламоқчи бўлдию, ўзини тутиб қолди. Яхшиси, жазолашни Фашга ҳавола этган маъқул, капитан бу америкаликни шундай азобларга солсинки, ёруғ дунёга келганига пушаймонлар бўлсин.

Клод белидаги радиосўзлашув мосламасини суғириб олди ва ёрдам сўраш мақсадида ўз одамлари билан боғланишга уриниб кўрди. Аммо гўшақда фақат шитирлаган товушларгина эшитилар эди. Залга қўшимча равишда ўрнатилган электрон қўриқлаш жиҳозлари алоқага халал бераётган эди. «*Майли, эшик олдида улаиб кўраман*», ўйлади Клод. Робертни орқасидан мўлжалга олганча у эшик томон тисарилиб юра бошлади. Икки қадам ташладию турган жойида тош қотди. «*Жин урсин, бу нимаси?*»

Хона ўртасида қандайдир қоронғи кўланка пайдо бўлган эди. Одамга ўхшайди шекилли?! Демак, яна кимдир бор экан-да!

– Кимсиз? – бақирди Груар. Унинг юраги қинидан чиққудай урар, энди кимни мўлжалга олишнью қаерга қочишни билолмасди.

– ПИТБ, – аёл кишининг хотиржамгина жавоб бергани эшитилди. У қўлидаги фонарча билан полда ниманидир қидирар эди.

«*Полициянинг илмий-техника бўлими*». Қўриқлаш бўлими бошлиғи терлаб кетди. «*Ҳамма агентлар кетиб бўлган деб ўйлабман*». У ултрабинафша нузли фонарчани таниди, судлов полицияси агентларининг ҳаммасида бор шунақаси.

– Исмингиз нима? – саросима ичида бўқирди Груар.

– Бу мен – Софи Невёман.

Бу исм Груарга таниш эшитилди. «Эҳ-ҳа, эсладим, бу Жак Сонъернинг невараси-ку!» У Луврга қизалоқлик пайтида келарди, бунга кўп вақт бўлди. «Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас!» Сонъернинг набираси билан алоқалари узилиб кетганидан у хабардор эди.

– Сиз мени танийсиз! Роберт Лэнгдон бобомни ўлдиргани йўқ. Менга ишонсангиз бўлади.

Клод Груар эса бу гапга ишонмоқчи эмасди. «Кўшимча ёрдам сўраш керак!» У яна одамлари билан уланишга ҳаракат қилди, бироқ радиоалоқа ҳануз ишламаётган эди. Груар полда ётган Лэнгдонга револьверини ўқталганича асталик билан эшик томонга юрмоқчи бўлди. Бир қадам ташлаган эди ҳамки, Софи зални кесиб ўтиб, «Мона Лиза»нинг қаршисидаги катта полотнони титкилаётганини кўриб қолди.

Бу қайси асар эканини эслаган Груарнинг ҳаяжондан тишлари гижирлаб кетди.

«Жин урсин, нима қиляпти у?»

Ўзини хотиржам кўрсатишга уринаётган бўлса-да, Софи ҳам қаттиқ ҳаяжонланар, пешонасини совуқ тер босганди. У ҳали ҳам полда чўзилиб ётган Лэнгдонга қараб қўйди. «Бардам бўлинг, Роберт! Мен деярли нишон олдидаман». Соқчининг ўқ отмаслигига ишонган Софи диққатини асосий мақсадига қаратди: Леонардо да Винчининг яна бир ноёб асари атрофини ултрабинафша нур ёрдамида синчковлик билан кўздан кечира бошлади. Аммо на пол, на деворда, полотнонинг ўзида ҳам Софи излаган нарса йўқ эди.

«Бу ерда албатта нимадир бўлиши керак!»

Бобосининг бошқа чораси қолмаганига унинг ишончи комил эди.

Полотно анчагина катта бўлиб, баландлиги беш футча келарди. Да Винчи унда ғалати манзарани тасвирлаганди: ноқулай ҳолатда ўтирган Биби Марям, чақалоқ Исо, Яҳё пайғамбар (унинг ҳам чақалоқлик пайти) ва фаришта Уриел\* – уларнинг бари чўққили

---

\*Уриел ёки Уриил – насронийликда етти буюк фариштадан бири. Ислом динидаги Исрофил ва қисман Азроил фариштага тенглаштирилади.

қоялар устида. Софи қизалоқлигида ҳар сафар «Мона Лиза»ни томоша қилиб бўлгач, бобоси уни албатта мана шу асар олдиға етаклаб келарди.

*«Мен шу ердаман, бобожон! Ҳозирча ҳеч нарсени кўрмаймман!»*

Софи кўриқлаш хизмати бошлиғи ўз одамларини ёрдамга чақирдишга уринаётганини эшитиб қолди.

*«Ўйласанг-чи, каллангни ишлат!»*

У «Мона Лиза» устидаги ойнага ёзилган сўзларни хаёлига келтирди: *Инсон тафаккурининг алдамчи йўллари шунчалар қоронғи*. Ҳозир у кўздан кечираётган асар ўқ ўтказмайдиган ойна билан ҳимояланмаган эди. Бобоси бундай дурдона устига ёзув битиб, ҳеч қачон булғамаган бўларди. Шунда унинг калласига тўсатдан ялт этиб бир фикр келиб қолди: *«Орқа томонини ҳам текшириб кўрсам-чи»*. Полотно узун арқонларга осилган эди. Софи суратнинг чап томонидан тортиб, орқасини кўздан кечира бошлади. Дафъатан фонарча ёруғида алланарса ялтираб кетди. У нурни ўша томонга йўналтирди: сурат ва ёғоч рамка орасидаги тирқишдан тилла занжирчанинг учи осилиб тушган эди.

Софи ҳайратдан донг қотиб қолди: ахир бу тилла калитнинг занжири-ку! Уни тўққиз ёшга тўлиш арафасида кўрган эди. *“Вақт-соати етиб, калитча албатта сеники бўлади”*, деган эди бобоси ўшанда. Мана, Соньер ўлаётиб ўз ваъдасининг устидан чиқибди.

Ана энди тушунарли: бобоси бугун уюштирган сўз ўйинларидан мақсад шу калитни топиш бўлган. Калитча полиция кўлига тушишини истамагани учун Соньер уни суратнинг орқасига яшириб қўйган экан-да. Бунақанги жумбоқларни ечиш учун юксак истеъдоду топқирликнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун Софи Невё бўлиб туғилиш керак эди.

– Ёрдамга келинглар! – бақирди соқчи.

Софи занжирчали калитни суғуриб олди ва фонарчага қўшиб чўнтагига солиб қўйди. Сурат ортидан мўралаб, рақия орқали боғланишга уринаётган Груарни кўрди. У Лэнгдонни мўлжалга олганча эшик томон тисарилиб борарди.

*“У ҳеч ким билан боғлана олмайди”*, хаёлидан ўтказди Софи.

Бу залга келганлар “Мона Лиза”ни кўришганини суюнчилаш мақсадида таниш-билишларига беҳуда қўнғироқ қилиб овора бўлишарди. Чунки зал электрон ҳимоя тизими билан шунчалик тўлдириб ташланган эдики, уяли телефонлар ташқарига чиқилгачгина ишлаб кетарди.

– Тўхтанг! Акс ҳолда мен суратни парчалаб ташлайман! – Софининг таҳдидли овози зални тутиб кетди. У шошилинич тарзда бирор қарор қабул қилиши кераклигини ўйлаган, яна бир бор Леонардо да Винчи ёрдамидан фойдаланаётган эди.

Груар ўгирилиб қарадию турган жойида тошдек қотди.

– Ё Парвардигор!

Софи полотнони ечиб олган ва ундан қалқон ўрнида фойдаланаётган эди. Сурат уни деярли тўлиқ тўсиб турарди. Груар сигнализация ишга тушиб кетмаганидан ҳайрон бўлди. “*Ҳа-я. алоҳида турадиган асарларнинг хавфсизлик тизими бугун ишлагани йўқ-ку*”.

Шу маҳал полотнонинг ўртаси шишиб қолди, Биби Марям, чақалоқ Исо ва Яҳё пайғамбарнинг ғира-шира тасвири буриша бошлади.

– Йў-ў-қ! – бақирди даҳшатга тушган Груар. Софи асарнинг қоқ ўртасига тиззасини ботириб турарди. – Йўқ!

У Софини мўлжалга олмоқчи бўлдию, кўлидан ҳеч нарса келмаслигини тушуниб қолди. “*Ахир суратга қарата отолмайман-ку. – ўйлади у. – Нақ олти миллион доллар туради-я!*”

– Қурол ва рацияни полга қўйинг! – буйруқ берди Софи. – Акс ҳолда суратни тиззам билан эзиб ташлайман.

Соқчининг тинка-мадори қуриб боши айланиб кетаётган эди.

– Ўтинаман, кераги йўқ! Бу ахир «Мадонна ғорда» асари-ку! – у рация ва револьверини ерга қўйди, кўлларини эса тепага кўтарди.

– Раҳмат, – деди Софи. – Бундан кейин ҳам айтганларимни қилсангиз, ҳаммаси яхши бўлади.

\* \* \*

Бир неча сониядан сўнг улар Саль де Этани тарк этишаркан, Клод Груар қаҳр ва қўрқувдан дағ-дағ титраганча полда чўзилиб ётарди. Софи ва Лэнгдон эса қўшимча зинадан пастга тушгунча

бир оғиз ҳам гаплашишмади. Профессор қўлидаги тўппонча зилдай оғирлигидан ҳайрон бўлар, айна пайтда юраги қинидан чиққудай бўлиб урарди. У ўйланиб қолди: “Софи ҳозиргина эзиб ташламоқчи бўлган асарнинг қанчалар бебаҳо эканини билармикан?”

– Гаровнинг ўта қимматини танладингизда ўзиям, қойилман!

– “Мадонна ғорда”ми? Уни мен эмас, бобом танлаган. Ўша суратнинг ортида менга кичкинагина нарса қолдирибди.

Лэнгдон унга ҳайратланиб қаради:

– Буни қандай билдингиз? Бобонгиз нима учун айнан шу асарни танлабди?

– Инсон тафаккурининг алдамчи йўллари шунчалар қоронғи! – голибона табассум қилди Софи. – Роберт, мен аввалги икки анаграммаларни ечолмадим. Аммо учинчисини топишим керак эди!

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

– Улар ҳалок бўлишибди! – зорланиб гапирарди роҳиба Сандрин. Гўшакнинг нариги томонида ҳеч ким жавоб бермас, фақатгина қўнғироқларни автомат ёзиб олувчи қурилманинг ишлагани эшитиларди. – Ўтинаман, гўшакни кўтаринг, уларнинг бари ҳалок бўлишибди!

Рўйхатдаги учта рақамлар бўйича қилинган қўнғироқлар даҳшатли хабарларни келтирди – ўкириб йиғлаётган бева, жиноят содир бўлган жойга чақирилган детектив, етим бўлиб қолган оилани тинчлантираётган руҳоний. Учови ҳам ўлдириб кетилибди. Энди эса биргина чора – сўнги телефон рақамига қўнғироқ қилиш қолди. Аммо қўнғироққа ҳеч ким жавоб бермаётган эди. Гўшакда янграган овоз абонент исмини айтмади, сим қоққан одамдан хабар қолдиришни сўради холос.

– Пол бузилди! Учала шеригингиз ҳам энди ҳаётда йўқ!..

Роҳиба Сандрин телефон рақамлари эгалари билан шахсан таниш эмасди, бу рақамларига фақатгина бир ҳолатда қўнғироқ қилишга рухсат берилган.

“Агар полни бузиб, махфий тўйнуқни топишса, – ўргатган эди ташқи кўриниши эса қолмайдиган бир киши, – бу

юқоридагиларга талофат этганини билдиради. Ана шунда ақалли бирортамизга ўлим билан таҳдид қилинган ва у мажбуран ёлғон гапирган бўлади. Сиз ҳаммага қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйишингиз керак. Бизга панд бериб қўймасликка ҳаракат қилинг”.

Хавфдан огоҳ этишнинг ишончли ва хавфсиз усули. Роҳиба бу режанинг оддийлигидан ҳайрон бўлган эди: агар биродарларнинг биронтаси таҳдидга учраса, у ёлғон гапириши мумкин. Худди шу ёлғон бошқаларни хатардан огоҳ этишга сабаб бўлади. Бутун эса бирданига уч биродар ҳалок бўлибди.

– Илтимос, жавоб беринг, – умидсиз оҳангда шивирларди роҳиба. – Қаердасиз, қаердасиз-а?..

– Қани гўшакни жойига қўй-чи! – эркак кишининг бақиргани эшитилди орқадан.

Роҳиба Сандрин чўчиб тушди ва овоз келган томонга астагина ўтирилди. Эшик олдида темир шамдонни кўтарганича тунги меҳмон турар эди. Бутун вужуди титраётган роҳиба гўшакни жойига қўйди.

– Уларни ўлдирдим, – деди Сайлас, – тўртовини ҳам. Улар мени алдашибди. Энди гапир, пойдевор тоши қаерда?

– Бундан хабарим йўқ! – самимий оҳангда жавоб қайтарди роҳиба. – Бу бошқаларнинг сири.

Сайлас ўликниқидай оппоқ қўллари билан темир шамдонни маҳкам ушлаганча роҳиба томонга яқинлаша бошлади.

– Ахир сен черковда хизмат қиласан-ку! Ўша аблаҳларга ҳам-товоқ бўлдингми?

– Ҳазрат Исо бизга кўплаб ҳақиқатларни айтиб берган, – жасурлик билан унга тикилди роҳиба Сандрин. – Аммо ушбу ҳақиқатлардан бирортасини ҳам «Дея асари» ишларида кўрмаймман.

Сайласнинг қизил кўзлари ғазабдан чақнаб кетди. Қўлидаги шамдонни баланд кўтарди-да, бор кучи билан роҳибанинг бошига туширди. Роҳиба Сандрин ерга гурсиллаб йиқиларкан, ҳаётидаги сўнги фикр хаёлидан ўтди:

Уларнинг тўртови ҳам ўлди.

Бебаҳо сир абадий йўқолди.



## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Луврнинг фарбий қанотида ишга тушиб кетган сигнализациянинг чинқироқ товушидан Тюильри боғини макон тутган каптарлар чўчиб, пириллаб учиб кетишди. Музейдан тун қўйнига шошиб чиққан Софи ва Лэнгдон яна шундай суръатда майдонни кесиб ўта бошладилар. Узоқда полиция машиналарининг сиреналари увилларди.

– Ана менинг машинам! – Софи майдон четида турган кичкинагина, олди тўмтоқ қизил машинага қўли билан ишора қилди.

“Буни қаранг-а, – хаёлидан ўтказди Лэнгдон, – машина деганиям шунақа кичкина бўларканми?”

– Бу – «Смарт», – тушунтира кетди Софи, – юз километрга атиги бир литр бензин “ейди” холос.

Лэнгдон олд ўриндиққа бир амаллаб сиғиб ўтириши биланоқ, Софи машинани ўт олдирди ва “Смарт” кескин силтанганча тош тўсиқдан ошди, кейин эса йўлқадан физиллаганча ўтиб, кичик айланма йўлга чиқиб олди.

Софи тезлик тепкисини охиригача босди, Луврдан узоқлашишмаса аҳвол чатоқ. Чунки полиция машиналарининг чинқириви тобора қаттиқроқ эшитилар, ён кўзгудан уларнинг ёрқин чироқларини кўриш мумкин эди. Эллик ярдча олдиндаги чорраҳада қизил чироқ ёнса ҳамки, Софи тезликни камайтиришни ўйламасди. Лэнгдон бутун вужуди билан ғужанак бўлиб олди.

– Софи!..

Чорраҳага деярли етиб келгачгина Софи машина тезлигини камайтирди, у ёқ-бу ёққа қараб олгач яна тепкини охиригача босди ва чапдаги кўчага кескин бурилди. Чорак миляча юргач, улар Елисей майдонининг кенг авенюсида елиб кетишарди.

Лэнгдон тор ўриндиқда орқага аранг бурилиб, машина ойнасидан Лувр томонга қаради. Улар энди таъқибдан холи эдилар. Полиция машиналари музей олдига йиғила бошлабди.

– Жуда ғалати бўлди-ку! – деди ўзини бир оз босиб олган Лэнгдон.

Чамаси Софи унинг гапини эшитмади. У йўлдан кўзларини узмасди. Йўлнинг ҳар икки томонида эса донғи бутун Парижга

кетган ҳашаматли дўконлар тизилиб ётибди. Яна бир миляча юришса бас, АҚШ элчихонасига етиб боришади. Лэнгдон бўшашганича ўзини ўриндиқ суянчигига ташлади.

Ҳа, Софининг уддабуронлигига қойил қолиш керак!!

Боя у сурат ортида бобоси нимадир қолдирганини айтганди. “Сўнги номамикан? Соньер хуфя жойлар танлашга жуда устамон экан-да. “Мадонна форда” асари бугунги тимсоллар занжирида етишмаётган яна бир ҳалқа эди. Соньер ўзининг ҳар бир ҳаракати билан да Винчининг сирли ижодига бўлган қизиқишини намойиш этишга уринган кўринади.

– Дарвоқе, сурат ортига нима яширилган экан? – сўради Лэнгдон.

– Кейинроқ, элчихонада кўрсатаман.

– Кўрсатаман? – ажабланди Роберт. – Демак, у сизга буюм қолдирибди-да?

– Ҳа. У лилия гули ва P.S. ҳарфлари билан безатилган.

Профессор ўз қулоқларига ишонмасди.

Қизил “Смарт” кескин равишда ўнга бурилди. Мана, улар маҳобатли «Де Крийон» меҳмонхонаси ёнидан ўтиб, яшилликларга бурканган дипломатлар туманига етиб келишди. АҚШ элчихонаси шу ерда жойлашган. Ана энди хотиржам нафас олса бўлади.

Софининг фикри-хаёли чўнтагида калитда эди. Уни илк маротаба кўрганида, ўшанда кичкина қизалоқ эди, жуда ҳайрон бўлганди. Полиция бошқармасидаги иши уни кўп нарсага ўргатди, шу жумладан, хавфсизликни таъминловчи воситалар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди. Энди бу ғайриоддий калит кўпам сирли туюлавермайди. “Лазер ёрдамида ишланган матрица.\* Амалда бундай калитнинг нусхасини ясаб бўлмайди”.

Олтин калитча билан нимани очиш мумкинлигини Софи ҳатто тасаввур қилолмайди. Бу борада унга фақат Роберт ёрдам бериши мумкин. У калитни аввал кўрмаган бўлса-да, устидаги рамзларни тўппа-тўғри тасвирлаб берди. Калитнинг учидан хоч бор, демак, у бирор насроний ташкилотга тегишлидир балки. Бироқ лазер ёрдамида тайёрланган матрицали калитдан қайси черков фойдаланиши мумкин, Софи шунга ҳайрон эди.

---

\*Матрица – ўйма қолип.

*“Бобом сира ҳам насроний бўлган эмас-ку!”.*

Бу гап ўн йил олдин ўз тасдиғини топган. Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида Софи Парижга самолётда учиб келди. Шарл де Голл аэропортидан такси ушладиво, тўғри уйига йўл олди. *“Мени кўриб бобом жуда хурсанд бўлиб кетадилар-да!”* ўйларди у. Софи Англиядаги коллежда криптографияни ўрганар, баҳорги таътилга кутилганидан бир неча кун олдин чиққан эди. Тезроқ бобоси билан кўришишни, ўқишдаги муваффақиятлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб беришни хоҳларди.

Бахтга қарши бобоси уйда йўқ экан, ҳойнаҳой Луврда ишга кўмилиб ётгандир. *“Ахир буғун якшанба-ку!”* бирдан эслаб қолди. Дам олиш кунларида бобоси камдан-кам ҳоллардагина ишлайди. Якшанба кунини у одатда...

Софи кулимсираганча гараж томонга югурди: машина жойида эмас. Жак Соньер Париж шимолидаги дала ҳовлисига борадиган бўлсагина машинадан фойдаланади, қолган пайтлари эса “тўрт оёқли арава” гаражни банд этади, холос. Софи ўйлаб ўтирмаёқ дала ҳовлига отланди. У Лондонда кечган шовқин-суронли кунлардан чарчаган, табиатни, тоза ҳаво ва далаларни соғинганди. Дўстидан машинасини сўраб олдида, дарҳол йўлга тушди. Манзилга эса жуда кеч, соат ўн бирга яқин етиб келди. Дала ҳовли ўрмон четида, тепаликлар ён бағрида жойлашган эди. Ишқилиб бобоси ухлаб қолмаган бўлсин-да.

Уйда чироқлар ёниқлигини кўриб Софи хурсанд бўлиб кетди. Аммо ҳовли олдидаги катта майдон машиналар билан лиқ тўлалигидан эса оғзи очилиб қолди. Бу ерда «Мерседес»лар, «БМВ», «Ауди», ҳаттоки «Роллс-ройс»лар ҳам бор экан.

Мана сизга одамови Жак Соньер! Уни ҳеч кимга қўш-илмайди, дегувчилар бекорларни айтибди. Вақтни қандай ўтказишни билар экан бобоси! Софининг йўқлигидан фойдаланиб кеча ўтказмоқчи бўлибди-да. Қимматбаҳо машиналарга қараганда меҳмонлар анчагина баобрў кишилар, шекилли.

Софи шоша-пиша ичкарига кирмоқчи бўлиб, эшик тутқичини тортди. Лекин эшик берк эди. Тақиллатиб кўрди, ҳеч ким жавоб бермади. Ҳайрати ошганча уйни айланиб ўтди ва қўшимча эшикдан кирмоқчи бўлди. Ажабки, бу эшик ҳам берк.

У диққат билан теварак-атрофга қулоқ тутди: водий бўйлаб эсаётган дайди шамолнинг увиллашигина қулоққа чалинарди. Уй ичида эса тиқ этган товуш йўқ.

На мусиқа садоси ва на одамлар овози.

Уйни яна бир марта айланиб ўтди-да, тахлоғлиқ ўтинлар устига чиқиб, меҳмонхонага мўралади. Қизиқ, у ерда зоғ кўринмайди. Афтидан, биринчи қаватда умуман ҳеч ким йўқ, шекилли.

*“Шунча одам қаерга кетдийкан?”*

Софининг юраги тинимсиз депсинарди. Омборхонага югуриб борди-да, бобоси тарашалар тагига яшириб қўйган калитни олди. Кейин эса ўша калит билан эшикни очиб, уйга кирди. Даҳлизга ўтиши билан ўнг деворда ёниб-ўчаётган қизил чироқни кўрди.

*“Бобом сигнализацияни ёқиб қўйибди. Жуда ғалати-ку!”*

У шоша-пиша кириш кочини терди ва қизил чироқ ўчиб қолди.

Уй худди ҳеч ким яшамайдигандек ҳувиллаб ётарди. Иккинчи қаватдан меҳмонхонага тушгач, нима қиларини билмай тек қотди. Бобоси ва келган меҳмонларнинг қаерга ғойиб бўлишгани, бу ерда нималар содир бўлиши мумкинлигини ўйлар, ҳатто бирорта ҳам тахмини йўқ, эди.

Кутилмаганда қулоғига нимадир чалинди.

Бўғиқ овозлар. Пастдан келяпти, шекилли. Софи чўккалаб олди-да, энгашиб полга қулоқ тутди. Ҳа, адашмабди, овозлар аниқ пастдан келаётган эди. Кимлардир қўшиқ куйлаяпти чоғи ёки дуо ўқишяптимикиан? Софи чўчиб тушди. Ахир уйда ертўла йўқ-ку, овозлар эса пастдан келяпти.

*“Балки ертўла борлигини бобом менга айтмагандир”.*

Софи атрофга аланглаб қарай бошлади. Меҳмонхонада нимадир ўзгарган. Ана! Шарқий деворда, камин ёнида осилган ва бобоси жуда қадрлайдиган қадимий гилам бир томонга суриб қўйилибди. Унинг орқасида эса ёғоч девор очилиб қолган эди.

Софи деворга яқинлашгани сайин овозлар баландлашиб борарди. У қулоғини ёғоч деворга тутди. Одамлар дуо ўқишаётганга ўхшайди, аммо ҳеч нимани тушуниб бўлмаяпти.

*“Демак, девор ортида ҳам хона бор экан-да!”*

У деворни пайпаслаб кўрар экан, бармоқлари кичкинагина тешикка кириб қолди. Қойил, яширин эшик-ку! Бир қарашда эшик

борлигини англаш амри маҳол. Софи қаттиқ ҳаяжонланар эди. У Англиядан бобосини кўриш учун елдай учиб келган эди, бу ерда эса мутлақо кутилмаган воқеаларга рўбарў келяпти. У тешикчага бармоғини тикди ва ичидаги бўртиқни босди. Оғир эшик сассизгина бир томонга сурилди. Энди ичкаридаги овозлар яққол эшитилаётган эди.

Софи эшикдан ўтиб, айланма зина орқали пастга туша бошлади. Юзига салқин ҳаво урилди. Мана, бир неча пиллапоя қолди ва ниҳоят тош пол ҳам кўринди. У нафасини ичига ютганча ичкарига мўралади.

Ертўла ёрга ўхшаб кетарди, деворларга машғалалар ўрнатиб қўйилган. Ўртада эса ўттизтача одам айлана ҳосил қилганча турарди.

*“Мен туш кўряпман, – деди Софи ўзига-ўзи. – Фақат тушдагина шунақа нарсаларни кўриш мумкин”.* Одамларнинг бари ниқоб тақиб олишганди. Аёллар юпқа матодан тикилган кенг кўйлак кийишган, оёқларида эса зарҳал сандал бор. Улар юзларига тутиб олган ниқоблар оқ бўлиб, қўлларида тилларанг золдирлар. Эркакларнинг кийими ҳам, ниқоби ҳам қора рангда. Одамлар қандайдир дуони ўқиганча у томондан-бу томонга тебранишар, ҳаммалари айлана марказига кўз тикишган эди. У ерда нима борлигини эса Софи кўролмас эди.

Дуо ўқиш тобора тезлашиб, баланглашиб борарди. Бирдан ҳамма айлана маркази томон бир қадам ташлади ва чўккалаб олди. Ана шундагина Софи улар сажда қилаётган нарсани кўриб қолди. Кўрдию, даҳшатдан ўзини орқага ташлади: томоғига нимадир тикилди, кўнгли беҳузур бўлди ва шу заҳотиёқ тепага ўқдек отилди. Яширин эшикни бир амаллаб беркитди ва ташқарига чиқиб машинасига ўтирдю, хўнграб йиғлаганча Парижга қайтиб кетди.

Ертўлада кўрган манзара ҳеч қачон ёдидан кўтарилмайди.

Софи шу куниеқ ҳамма нарсаларини йиғиштирди ва болалиги ўтган жонажон уйни тарк этди. Меҳмонхонадаги стол устида эса бобосига дала ҳовлининг калити ва нома қолдирди: *«Мен ўша жойда бўлдим. Мени топишга асло уринманг...»*

– Софи! – унинг хаёлларини Лэнгдоннинг овози бўлиб юборди. – Тўхтанг! Тўхтасангиз-чи!

Софи жон ҳолатда тормозни босди ва икковлари ҳам олдинга қалқиб кетишди.

– Нима? Нима бўлди?

Лэнгдон олдиндаги узун кўчага ишора қилди.

Тахминан юз ярдча наридаги чорраҳа судлов полициясининг икки машинаси билан тўсилган эди.

*“Элчихонага йўл йўқ энди!”*

Лэнгдон асабий кулимсиради:

– Менимча, биз бугун элчихонага етиб боролмаймиз, шекилли...

Олдинда икки полиция “Смарт” тўхтаган жойга қараб туришарди.

*«Майли, – деди Софи ўзига-ўзи, – орқага қайтамиз, фақат секинлик билан».*

У машинани орқага бурди ва улар келган йўлларида қайтиб кета бошладилар. Чорраҳадан узоқлашишлари билан машина шиналарининг чийиллаб, сиреналарнинг ишга тушгани эшитилди.

Софи бўралатиб сўкинганча тезликни оширди.

## ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Софи элчихона ва консулхоналар ёнидан елдай учиб ўтиб, машинани ён кўчага олиб чиқди. Кейин эса ўнгга буриб, Елисей майдонининг кенг йўли бўйлаб ҳайдаб кетди.

Лэнгдон муштларини шунчалик қаттиқ сиқиб олган эдики, ҳатто бармоқларининг суякларигача оқариб кетди. У тез-тез орқасига бурилиб, уларни ҳеч ким таъқиб этмаётганини текшириб қўярди. Ҳозир асаблари жуда таранг. *“Рост-да, одамга алам қиларкан, – ўйларди у, – ҳеч қандай гуноҳим йўғу, ашаддий жиноятчидек қочиб юрибман”.* У ўзича ҳеч қандай қалтис ишга қўл ургани йўқ. Софи эса ундан сўраб ўтирмай, маёқчани Лувр деразасидан улоқтириб юборди. Ана шундан кейин бошланди ҳаммаси. Улар АҚШ элчихонасидан узоқлашганлари сари Лэнгдоннинг ўзига бўлган ишончи камайиб борарди. Тўғри, ҳозирча улар полициядан қочишга муваффақ бўлишди, аммо ҳар қандай қочоқликнинг ҳам поёни бор-ку.

Бир қўли билан машина рулини бошқариб кетаётган Софи, иккинчи қўли билан свитерининг чўнтагини титкилади ва калитчани чиқариб Лэнгдонга узатди.

– Мана, Роберт, бобом сурат орқасида қолдирган нарса шу.

Профессорни ҳаяжон чулғаб олганди. У калитни диққат билан кўздан кечира бошлади.

– Бу калит лазер ёрдамида тайёрланган, – тушунтирди Софи.

– У фақат электрон назорат қурилмасига тиқилади. Энди ағдариб, нариги томонини кўринг-а.

Лэнгдон калитни ағдарди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Калит учидаги хочнинг қоқ марказида моҳирона ўйиб ишланган P.S. ҳарфлари худди лилияга ўхшаб турарди.

– Софи! Ахир бу мен сизга айтган лилия гули-ку! Сион Приоратининг расмий герби!

У антиқа калитдан кўз узолмай қолди. Ажабтовур уйғунлик: юқори лазер технологиялари ва асрий тарихга эса тимсол. Калит эса ўтмиш кўйнида яшириниб ётган кунларни ҳозирги замон билан боғловчи кўприкка ўхшайди.

– Бобом ўзининг кўпгина сирларини сақлайдиган қути айнан шу калит билан очилишини айтган эди.

Жак Соньер қандай сирларни сақлаши мумкинлиги ҳақидаги ўйнинг ўзиёқ Лэнгдонни хавотирга соларди. Биродарлик калитдан қай мақсадда фойдаланишини эса ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Дейлик, Приорат мислсиз қудрат ва ҳукмронлик ато этувчи сирни жон-жаҳди билан ҳимоя қилади. Аммо калитнинг бу ишга нима алоқаси бор?

– Калит нимани очишини биласизми? Ақалли тахминингиз бордир? – сўради Лэнгдон.

Савол Софининг ҳафсаласини тамомила пир қилиб қўйди.

– Мен... буни сиз биласиз деб ўйловдим.

Лэнгдон қўлидаги калитни айлантирганча жим бўлиб қолди.

– Менимча, бу насронийларники шекилли.

Бироқ профессор бу гапга ишонмайди. Насронийлар хочнинг горизонтал чизиги вертикал чизигига нисбатан қисқароқ бўлади. Томонлари тенг ушбу хоч эса насронийликдан бир ярим минг йил аввал пайдо бўлган.

– Шуни айтишим мумкинки, бундай хоч “тинчликсевар” ҳисобланади. Томонлари тенг бўлгани учун уни азоблаш воситаси сифатида ишлатиб бўлмайди.\* Хочнинг томонлари эркаклик ва

---

\*Яъни жазога мустаҳқиқ этилган одамни унга миҳлаб бўлмайди (Тарж.)

аёллик ибтидосининг бирлашувини билдиради, бу эса ўз навбатида Сион Приоратининг фалсафасига тўла мосдир.

Софи ҳорфин кўзларини унга қадади:

– Демак, ҳеч қандай тахмин йўқ экан-да?

– Йўқ.

– Майли, калит нимани очиши ҳақида кейинроқ ўйлаб кўра-миз. Ҳозир эса хавфсизроқ жойга етиб олишимиз керак.

Лэнгдон «Ритц» меҳмонхонасидаги шинамгина номерини софинч билан эслади. Минг таассуфлар бўлсинки, айни пайтда у ёққа боролмайди.

– Америка университетидаги ҳамкасбларимдан биронтасиникига борсак-чи?

– Тўғри келмайди. Безу Фаш ҳамма танишларимизнинг уйини бирма-бир текшириб кўради.

– Ахир сиз Парижда яшайсиз-ку, бирор ишонганингиз бордир?

– Тушунинг, Фаш барча телефон кўнғироқларимни, электрон почтамини текшириб кўради, ишхонамдаги ҳамкасбларимни сўроққа тутади ва ким билан мулоқотга киришишимни аниқлайди. Меҳмонхонадан жой олишининг эса маънисини йўқ. Чунки у ерда рўйхатдан ўтиш талаб қилинади.

Лэнгдон хўрсиниб қўйди: Луврдаёқ Фашга ўзини топшириб кўя қолгани яхшимиди.

– У ҳолда, элчихонага кўнғироқ қиламиз. Мен вазиятни туншунтираман, шундан кейин элчихонадагилар бизга ўз одамларини юборишади. Учрашув жойини белгилаб...

– Нима, учрашув жойини? Фараз ҳам эви билан-да, Роберт. АҚШ элчихонасининг тартиблари фақатгина унинг ҳудудиди амал қилади. Ташқарида эса сиз Франция қонунларига бўйсунмишга мажбурсиз. Хўп, элчихона кимнидир юборди, дейлик, ўша одамни француз полицияси излаётган жиноятчилар билан ҳамкорликда айблашлари тайин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Бир амаллаб элчихона ҳудудига ўтволиб, ёрдам сўрасангиз – бу бошқа гап. Аммо улардан Франция қонунини бузишни сўрашингиз, – у бошини сарак-сарак қилди, – амалга ошмайдиган иш, хомтама бўлмай кўя қолинг. Истасангиз, ҳозирнинг ўзидаёқ элчихонага кўн-



финоқ қилиб кўринг: юз бериши мумкин нохушликлар олдини олиш учун Фашга таслим бўлишни маслаҳат беришади. Ва албатта, барча дипломатик воситаларни ишга солиб, суднинг адолатли ўтишига ёрдам беришни ваъда қилишади. Ана шунақа. – Софи Елисей майдони бўйлаб саф тортган ҳашаматли дўконларга қараб кўйди. – Ёнингизда қанча пул бор?

Лэнгдон ҳамёнини текшириб кўрди.

– Юз доллар бор экан, озгина евро ҳам. Нимаиди?

– Кредит карта-чи?

– Бор.

Софи ниманидир режалаштираётгани аён эди. Рўпарада, Елисей майдони ниҳоясида Зафар арки бўй кўрсатди. Бу ёдгорлик Наполеоннинг жангу жадалларда эришган ютуқлари шарафига бунёд этилган. Зафар аркининг шундоққина орқасида эса айланма йўл бор.

– Ҳозирча полициядан қутулдик, – деди Софи. – Агар шу машинада беш дақиқа юрсак, улар яна изимизга тушишади.

*“У ҳолда машина ўғирлаймиз, – хаёлидан ўтказди Лэнгдон. – Биз барибир жиноятчилармиз-ку!”*

– Нима қилмоқчисиз ўзи?

– Ҳозир кўрасиз, – жавоб берди Софи айлана йўлга кескин буриларкан.

Лэнгдон хаёлга толди. Бутун бу аёлга бир неча марта ишонди, мана оқибати. Майли, бўлар иш бўлди. Энди бу ёғига ҳам унинг гапига кириб, таваккал қилаверди. Ҳар ҳолда Софи тантиқ хонимчалардан эмас экан. Иродали, мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган, мушоҳадали аёл.

У энгини шимариб Микки Маус тасвири туширилган қўл соатига қараб кўйди. Бу соатни кўрган одам ажабланмай қолмайди. Аммо Лэнгдон учун у қадрли – болаликдан эсдалик, ўн ёшга тўлганида ота-онаси совға қилишган. Дисней қаҳрамони билан танишув унинг учун ўзига хос туртки бўлди: ўшандан эътиборан шакл ва ранг сеҳрини ўрганишга киришди. Соат вақтни билдиришдан ташқари, кўнгли ёш бўлиб қолишига ҳам ёрдам беради. Айни дамда эса Микки Маус тунги иккидан эллик бир дақиқа ўтганини кўрсатмоқда эди.

Улар Париж шимолига қараб йўл олишди. Иккита чорраҳадан, кейин эса Мальзерб хиёбонидан ўтишди. Дипломатлар яшайдиган ям-яшил туманни тарк этиб, кўримсизгина ишчилар маҳалласига чиқиб қолишди. Лэнгдон ана шундагина қаерга келишаётганини пайқаб қолди.

Сен-Лазер вокзали.

Ана, поездлар терминалининг ойнаванд гумбази кўринди. Европа вокзалларидан кечаю кундуз одам узилмайди. Ташқарида турган сандвич ва минерал сув сотувчилар бақир-чақир қилиб харидор чорлашар, кутиш залидан эса орқаларига рюкзакларини осволган бир гуруҳ болакайлар чиқиб келишарди. Улар кўзларини ишқалаганча атрофга аланглаб қарашар, қайси шаҳарга келиб қолишганини тушунмаётганга ўхшашарди. Сал нарироқда эса икки нафар полициячи адашиб қолган сайёҳларга йўл кўрсатиш билан овора.

Софи ўзининг кичкинагина машинасини қатор тизилиб турган таксилар ёнига тўхтатди. Лэнгдон ундан нима қилмоқчилигини сўраб улгурмаёқ, машинадан тушиб кетди ва рулда ўтирган таксичилардан бири билан суҳбатлаша бошлади.

Лэнгдон машинадан тушаётиб Софи таксичига бир даста пул тутаётганини кўриб қолди. Ҳайдовчи “хўп” дегандай бош силкидию, шу заҳотиёқ қаёққадир жўнаб кетди.

– Нима бўлди? – сўради у Софидан

– Юринг, – деди Софи саволга жавоб қайтармай, – поездга чипта оламиз.

Эҳ, элчихонага бир қадам қолганида ортга қайтишга мажбур бўлишди. Энди эса шу бемаҳалда узоқ саёҳатга чиқишади шекилли.

Воқеалар ривожини Лэнгдонга умуман ёқмаётган эди.

## ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ БОБ

Епископ Арингаросани Леонардо ва Винчи аэропортида кутиб олган ҳайдовчи кичкинагина қора «Фиат»да ўтирарди. Ватикан хизматчилари папанинг махсус нишони ва байроқчаси билан безатилган лимузинлардан фойдаланишган дамларни у яхши эслайди. У кунлар аллақачон ўтиб кетган, ҳеч қандай дабдаба қолмади

ҳозир. Тўғри, Ватикан бундай тежамкорликни хайрли ишларга кўпроқ маблағ ажратиш учун қилинди, дея таъкидлайди. Аммо Арингаросанинг назарида, бу хавфсизликни таъминлашга мўлжалланган чорадан ўзга нарса эмас. Эндиликда Европанинг кўплаб давлатларида насроний динига эътиқод қилиш анчайин хатарли бўлиб қолди, ҳазрат Исога бўлган муҳаббатини ошкор этувчи киши қутурган буқа қаршисида қизил латта ҳилпиратувчи тореадорга тенг.

Кенг сутанаси этакларини йиғиштирганча Арингароса машина ўриндиғига чўкди.

*“Римга энг охирги саёҳатим, – хўрсинди у. – Ҳаётимдаги энг узун тун”.*

Худди ҳозиргидай беш ой муқаддам ҳам Гандольфо саройига отланган эди. Унга Ватикандан кўнғироқ қилишдию, зудлик билан Римга етиб келишини талаб қилишди. Сабабини эса айтиб ўтиришмади. Ҳа, Католик черковининг олий раҳбариятига боғлиқ сирлар ошкор бўлмаслиги учун Ватикан ҳар нарсага тайёр.

Шошилинч чақирув “Дея асари” яқиндагина эришган катта муваффақият – Нью-Йоркда ҳашаматли қароргоҳнинг қуриб битирилиши билан боғлиқ, папа ва унинг ёрдамчиларига танқид учун баҳона топилди деган тахмин Арингаросага ёқмади. Ахир «Аркитектурел дайжест» журнали бу бинони кўкларга кўтариб мақтаб, «католицизмнинг замонавий шаҳар манзарасига узвий мос тушувчи ёрқин маёғи» деб таърифлаганди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз: энди Ватиканда «замонавий» деган сўзни унчалик хушламай кўйишди, айниқса бу сўз черков ишларига алоқадор бўлса.

Арингароса истагига қарши ўлароқ Римга йўл олди. У аксар мутаассиб руҳонийлар сингари ҳозирги папа маъмуриятини ёқтирмас, бир йилгина олдин тахтга ўтирган янги папанинг ҳар бир ишини сергаклик билан кузатарди. Ўзининг мурасосозлиги билан ном чиқарган ҳазрати олийларининг Католик черковига раҳбарлик қилиш даври Ватикан тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли паллага тўғри келиб қолди. Жуда тез эришилган юксак мартабадан асло эсанкирамаган папа вақтни бекор ўтказмоқчига ўхшамайди. У кардиналлар орасида ўзига кўпроқ хайрихоҳ бўлганларга таяниб, папа салтанатининг янги вазифасини эълон қилди: «Ватикан

таълимотини янгилаш ва католик маъҳабини учинчи минг йиллик талабларига мослаш».

Бу сўзлар Арингаросага хавfli кўринди. *“Папа ўзига ҳаддан зиёд эб бериб юбормоқда, – ўйларди у. – У, Католик черкови талаблари замонавий дунё воқеликларига мувофиқ эмас, дегувчилар қалбини забт этиш ниятида. Майлику-я, бироқ бу ишни Парвардигор қонунларини қайтадан ёзиш эвазига амалга оширмоқчи, шекилли”.*

Шунда Арингароса папа ва унинг маслаҳатчиларига черков қонунларини юмшатиш эътиқодга нисбатан хоянлик эканини уқдиришга уринди ва бунинг учун ўзининг сиёсий кучидан фойдаланди. «Дея асари»га хайрихоҳларнинг кўпчилиги ва ташкилотнинг банкдаги катта-катта пуллари ҳисобга олинса, бу сиёсий кучнинг таъсири қанчалар қамровли экани кундай равшан бўлади. У шунга ўхшаш аввалги ҳаракатлар салбий яқун топганини алоҳида қистириб ўтди: зиёратчилар сони ҳам, хайр-эҳсон миқдори ҳам кескин камайиб кетган, жойлардаги қавмларга бошчилик қилиш учун руҳонийлар етишмай қолганди.

*“Черков одамларга қатъий ва аниқ кўрсатмалар бериши лозим, – дерди Арингароса. – Бепарволикнинг оқибати эса ёмон бўлади”.*

Ўша тун аэропортдан чиқишгач, улар Ватиканга эмас, бошқа томонга кетишгаётганини пайқаб қолди.

– Қаерга кетяпмиз? – сўради у ҳайдовчидан.

– Альбан-Хиллэга. Учрашув Гандольфо қасрига тайин қилинган.

*“Папанинг ёзги қароргоҳида-я?”*

Арингароса у ерга ҳеч қачон бормаган ва боришга кўзи учиб тургани ҳам йўқ. Ўн олтинчи асрда бунёд этилган ушбу қасрда папанинг ёзги қароргоҳидан ташқари, Ватикан расадхонаси ҳам жойлашган эди. Ватиканнинг илм-фанга бўлган қизиқиши епископ Арингаросага ҳечам маъқул эмас. Фан ва эътиқодни бири-бирига аралаштиришдан қандай маъни бор? Чин эътиқодли киши илм-фан билан жиддий шуғуланмаслиги даркор, акс ҳолда янглиш тушунчаларга берилиб кетади. Қолаверса, эътиқоднинг ҳақлигини исботлаш учун моддий тасдиққа ҳожат йўқ.

Хатто узоқдан қараганда ҳам Гандольфо қасрининг улғуворлиги яққол кўриниб туради. Мазкур иншоот қадимги меъморчиликнинг мумтоз намунаси ҳисобланар, ортидаги тоғ манзараси билан жуда яхши уйғунлашиб кетганди. *"Иккита алюмин гумбазлар ўрнатилгани қаср кўринишини бузиб қўйибди"*, хаёлидан ўтказди Арингароса. Ваҳоланки, Европанинг энг яхши расадхоналаридан бири айнан шу гумбазлар остида жойлашган.

Эндигина машинадан тушган Арингаросанинг истиқболига ёш бир руҳоний югуриб келди.

– Хуш келибсиз, епископ жаноблари. Менинг исмим Мангано, шу ерда фалакшунослик билан шуғулланаман.

Арингароса тўнғиллаб алик олди ва йигитнинг ортидан хол томон йўналди. Хона дидсизларча безатилибди: деворларга Уйғониш даври асарлари ва фалакшуносликка онд турли хил расмлару хариталар осиб ташланган эди. Улар кенг мрамар зинадан кўтарилиб боришаркан, епископ деворда илмий конференциялар ва маърузалар ўтказилиши, шунингдек, махсус фалакшунослик курсиялари уюштирилиши ҳақидаги эълонларни кўриб қолди. *"Қизиқ-ку, – ўйлади у, – зиёратчиларнинг имон-эътиқоди борасида қайғуриш ўрнига, Ватикан ўз кучи ва вақтини нималарга сарф қилмоқда?"*

Ватикан ақлдан озган кўринади. Эркатоё боласининг ҳар қандай хархашасини бажаришга тайёр, аммо қатъийлик кўрсатиб, унга асл қадриятларни ўргатишга эринадиган ота-онага ўхшаб қолибди. У замонавий тараққиётнинг жами инжиқликларини кўтаришга тайёр турибди.

Юқори қаватдаги кенг йўлак охирида икки табақали баланд эшик кўринди. Эшикка **"ФАЛАКШУНОСЛИК КУТУБХОНАСИ"** деб ёзиб қўйилибди.

Арингароса Ватиканнинг машҳур Фалакшунослик кутубхонаси ҳақида эшитган эди. Миш-мишларга қараганда, бу ерда йигирма беш минг жилддан зиёд нодир китоблар, жумладан, Коперник, Галилей, Кеплер, Ньютон сингари буюк олимларнинг ҳам асарлари сақланар экан. Бундан ташқари, айнан шу кутубхонада папа черковнинг олий раҳбарияти билан учрашар ва мазкур суҳбатларнинг дараги Ватикан ташқарисига чиқиши мутлақо мумкин эмасди.

Баланд эшикка яқинлашар экан, унинг ортида ўзини қандай хабарлар кутаётгани ва мана шу учрашув даҳшатли воқеалар зан-жирини бошлаб беражагини Арингароса ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эди. Кутубхонадан бир соат ўтгачгина чиқди ва у ерда эшитганлари қанчалар мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқ ҳис қилди. *“Атиги олти ой қолибди. – ўйлади у. – Тангри бизга ёр бўлсин!..”*

Ҳозир эса яна қора «Фиат»да ўтирган епископ қалтироқ қўлларини мушт қилиб тукканча ўша биринчи учрашув ҳақида эсларди. *“Ҳаммаси яхиши бўлади”, ўзига- ўзи тасалли берди у. Аммо Ус-тознинг ҳанузгача қўнғироқ қилмаётганидан хавотирлана бошлади. “Ахир Сийлас пойдевор тошини топган бўлиши керак эди-ку!”*

Тинчланишга уринаркан бармоғидаги узукнинг қизғиш кўзига тикилди. Унинг юзаси моҳирона ишланган олмослар билан безалган эди. Бу узук нима бўпти! Епископ Арингароса тез орада қўлга киритадиган ҳукмронлик олдида уммондан бир томчи, холос у!

## ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Сен-Лазер биноси ичида Европанинг бошқа вокзалларидаги каби одатий манзара: ўтган-кетгандан ёрдам сўровчи бошпанасиз дайдилар, мижоз кутиб сигарет чекаётган ҳаммоллар ва албатта саргузашталаб ёшлар – айримлари рюкзакларини ёнбошларига қўйганча уйқуни уришар, қолганлари плейерни варанглатиб мусиқа тинглашарди.

Софи бошини кўтариб поездларнинг келиб-кетиш вақтини кўрсатувчи каттакон таблога қаради. Оқ ва қора чизиқларда манзиллар ва рақамлар алмашар, маълумотлар тинимсиз янгиланиб турарди. Лэнгдон ҳам электрон таблога тикилиб қолди, унинг энг юқори қаторида қуйидаги ёзув пайдо бўлди:

**ЛИЛЬ – ТЕЗКОР – 3:06**

– Афсус, эртароқ жўнайдигани йўқ экан, – деди Софи. – Нима ҳам қилардик, Лиль бўлса Лиллда.

Лэнгдон соатига қаради – 2:59. *“Эртароқ дегани нимаси? Ахир поезд етти дақиқадан сўнг жўнайди, биз эса ҳали чипта олганимиз йўқ”.*

Худди шу пайт Софи унинг фикрини уққандай чиптахона томонга ишора қилди:

- Бориб, кредит картангиз орқали иккита чипта сотиб олинг.
- Майли-я, аммо кредит картани доим кузатиш мумкин-ку...
- Тўппа-тўғри.

Лэнгдон ортиқча эътироз билдириб ўтирмай, унинг айтганини бажарди. Чипталарни эса Софининг қўлига тутқазди.

Улар платформага чиқишганида радиокарнайдан эълон янгрди: *“Париж – Лилль йўналиши бўйича қатнайдиغان тезюрар поезд учинчи йўлдан жўнашга тайёр”*. Аммо Софи Лэнгдонни учинчи йўлга эмас, буткул қарама-қарши томонга етаклаб кетди. Ён вестибюл, тунги тамаддихона олдидан ўтишди, кейин эса қандайдир узун йўлакдан юриб, сокин кўчага чиқиб қолишди.

Улар кўриниши билан йўлкада турган таксининг чироқлари ёниб ўчди. Икковлари ҳам орқа ўриндиққа чўкишдию, машина жойдан силжиди. Софи свитери чўнгагига солиб қўйган чипталарни олди-да, майда-майда йиртиб, ойнадан ташлаб юборди.

*“Етмиш доллар шамолга соврилди-я”*, хўрсиниб қўйди Лэнгдон.

Машина шимол томонга қараб йўл олган эди, де Клиши кўчасига етишгачгина таъқибдан қутилишганини Лэнгдон тушуниб қолди. Кўчанинг ўнг томонида Монмартр, кейин эса ўзининг ҳайратомуз гумбази билан Сакре-Кёр ибодатхонаси бўй кўрсатди. Софи ҳайдовчига аниқ бир манзилни айтмай, шаҳар ташқарисига олиб чиқишни сўраган эди. Лабларини қаттиқ қимтиб олганидан аёнки, у энди нималар қилиш кераклигини ўйлаб ўтирибди.

Лэнгдон эса қўлидаги калитни кўзига яқин тутганча, ундан яна бирор маълумот топишга уринарди. Аммо кўча чироқлари ёруғида махфий жамият гербидан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

– Ўлай агар, ҳеч нарсани тушунмадим, – деди у.

– Нима ҳақида гапиряпсиз, Роберт?

– Мана шу калитни деб бутун бошимизга қанча ғалва орттирдик, айбимиз бўлмаса ҳам полициядан қочиб юрибмиз. Энди эса калитни нима қилишни билмаяпмиз. Ахир бобонгиз фақат қувлашмачоқ ўйнаб юришимизни истамагандир.

– Тўғри.

– Яхшилаб эсланг-чи, бобонгиз сурат орқасида бирор нома қолдиргандир.

– Йўқ, мен ҳамма ёқни яхшилаб қараб чиқдим. Калитдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди у ерда.

– Ҳа, майли. Биласизми, менимча, калит яқинда тозаланган бўлса керак, ундан спиртли эритманинг ҳиди келяпти. Мана, – у калитни Софининг димоғи остига олиб келди.

– Ҳа, тўғри. Нариги томонидан эса ҳид янаям кучлироқ келяпти.

– Шошманг-чи... – Лэнгдон хочнинг кўндаланг қисмини синчиклаб текшира бошлади. Унинг баъзи жойлари худди сув теккандек ялтирарди. – Фонарчангиз ёнингиздами?

Софи чўнтагидан ултрабинафша нузли фонарчани чиқарди. Лэнгдон уни ёқиб, ингичка нурини калитга йўналтирди.

Калит юзасида шу заҳоти ҳарфлар пайдо бўлди. Махсус маркер билан, шошинч тарзда ёзилибди, лекин ўқиса бўлади.

– Ана, – деди профессор кулиб, – спирт ҳиди қаердан келатганини энди билиб олдик.

Софи ҳайратдан катта-катта очилган кўзлари билан ҳарфларни ўқий бошлади:

#### АКСО КЎЧАСИ, 24

– Ие, бобом менга манзил қолдирибди-ку!

– Қаерда бу кўча? – сўради Лэнгдон.

– Билмайман, – Софи шундай деб ҳайдовчига ўтирилди. – *Connaissez-vous la Rue Нахо?*\*

Ҳайдовчи бир лаҳза ўйланиб қолди ва бош ирғади.

– Бу кўча шаҳар чеккасида, теннис кортлари яқинида, – жавоб қайтарди у французчалаб.

– Биз у ерга зудлик билан боришимиз керак.

– Фақат Булон ўрмони орқалигина тезроқ бориш мумкин. Хўш, ҳайдайверайми?

Софининг қовоғи уйилди. «Галва»сизроқ йўналишни танлашса бўларди-ю, бироқ ҳозир бошқа илож йўқ.

– Майли.

---

\*Ақсо кўчаси қаерда жойлашганини биласизми? (франц.)



“Роберт у ердаги манъарадан оғзи ланг очилиб қолиши аниқ”, хаёлидан ўтказди у.

Софи яна калитга қаради: Аксо кўчасида нима жойлашган бўлиши мумкин? Черковми? Балки биродарликнинг қароргоҳидир?

У чуқур хўрсиниб қўйди. Ўн йил олдин бобосининг дала ҳовлисида кўрган махфий маросим ёдига тушиб кетган эди.

– Роберт, мен сизга бир сирни очишим керак... – у бир сония жим бўлиб қолди. – Ундан олдин эса Сион Приорати ҳақида гапириб берсангиз. Нима билсангиз, барини.

## ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

«Мона Лиза» осифлиқ залдан чиқаётган Безу Фаш қўриқлаш хизмати бошлиғининг дудмол тушунтиришларидан ғазаби қайнаб кетди. Софи билан Лэнгдон унинг қуролини олиб қўйишган эмиш.

– Ўша лаънати суратга қараб отавермайсанми! – бақирди у Груарга.

Яхшиямки, лейтенант Колле келиб қолди, акс ҳолда Клод Груар яна қанча ҳақоратларни эшитишига тўғри келарди.

– Капитан, – деди Колле. – Ҳозиргина рациядан эшитиб қолдим, агент Невёнинг машинаси топилибди.

– Элчихона олдиданми?

– Йўқ, вокзалдан. Улар Лилга иккита чипта олишган экан, поезд ҳозиргина жўнаб кетибди.

Фаш Груарга кетавериши мумкинлигини ишора қилди, кейин эса шивирлагандай гап бошлади:

– Эҳтимол улар бизни лақиллатмоқчи бўлишгандир. Майли, кўрамиз. Дарҳол энг яқин бекатдаги полиция билан боғланинг. Поездни тўхтатиб, бошидан охиригача тинтиб чиқишсин. Лэнгдонга Невё ёрдам бераётган экан, ҳамма нарсани кутса бўлади улардан. Невёнинг машинаси жойида тураверсин. У ерга фуқаро кийимидаги детективлардан юборинг, балки машинани олиб кетгани келиб қолишар. Одамларимиз вокзал атрофидаги барча кўча-

ларни қараб чиқишсин, улар пиёда йўлга тушган бўлиши ҳам мумкин. Вокзалдан автобуслар қатнайди-а?

– Йўқ, бунақанги бемаҳалла автобуслар юрмайди. Таксичилар навбатчилик қилишади, холос.

– Жуда соз. Ҳайдовчилардан суриштиринг, эҳтимол бирор нарсани кўришгандир. Кейин такси компанияси билан боғланиб, қочоқларнинг суратини юборинг. Мен эса Интерполга қўнғироқ қиламан.

– Ишни ошқора қилмоқчимисиз? – ажабланиб сўради Колле.

Тўғри, бу фикр Фашнинг ўзига ҳам ёқмаётган эди, аммо бошқа чора йўқ.

Ҳозир қочоқларнинг асаби жуда таранг. Уларга нималар кераклигини эса тахмин қилиш қийин эмас: транспорт, яшаш учун бошпана ва нақд пул. Ана шу уч омилни кузатиб туриш Интерполга чўт эмас. Лэнгдон ва Софининг суратлари Париждаги барча транспорт бошқармалари, меҳмонхоналар, банкларга юборилади. Қарабсизки, қочоқларда ҳеч қандай имконият қолмайди. Шаҳардан чиқиб кетишнинг иложи йўқ, яширинишга жой топишолмайди, ҳи-собларидан пул олишолмайди. Одатда бундай вазиятларда қочоқлар саросимага тушиб қолишади ва албатта, қандайдир аҳмоқликка йўл қўйишади. Айтайлик, машина ўғирлашади ёки бирорта дўконни талашади. Иложсизликдан кредит карталарини ишга солишади. Қандай хатога йўл қўйишмасин, охири барибир қўлга тушишади.

– Фақат Лэнгдонни қўлга туширмоқчисиз, шундайми? – сўради Колле. – Софи Невёни ҳам топширмасиз? Ахир у бизнинг агентимиз-ку!

– Шундай топширайки! – ўшқирди Фаш. – У Лэнгдон учун ҳар қандай номаъқулчиликдан тап тортмаяпти. Мен унинг ҳужжатлари билан шуғулланмоқчиман. Ҳаммасини – дўстлари, оиласи, шахсий алоқаларини текшириб кўриш керак. Нима сабабдан бундай йўл тутяпти, билмайман, аммо қилмишлари унга жуда қимматга тушади!

– Мен алоқада бўлиб турайми ёки қидирувга қўшилайми?

– Яхшиси, вокзалга боринг. У ерда одамларимизни бошқариб турасиз. Лекин ҳар бир ишни мендан берухсат қилманг. Тушунарлими?

– Хўп бўлади! – деди ва Колле хонадан югуриб чиқиб кетди.

Фаш дераза олдига борди. Ойнаванд эҳром бу ердан яққол кўриниб турарди. “Шундоққина бурнимнинг тагидан қочиб кетишиди-я, – ўйлади Фаш. – Аллақандай ўқитувчию, шифрларни ечувчи қиз! Ҳа, майли. Тонггача албатта қўлга тушираман”.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Булон ўрмонига қандай лақабларни тақашмайди дейсиз бу парижликлар. “Лаззат макони!” Машҳур рассом Босх\*нинг шу номдаги асарини кўрган одам гап нимадалигини тушуниб олади. Асарда тасвирланган ўрмон дарахтлари қора рангда бўлиб, шохлари бири-бирига чирмашиб кетган. Турли муттаҳам ва қаллоблар, ахлоқсизликда учига чиққанлар паноҳ топадиган масканнинг айнан ўзгинаси. Атрофга қоронғилик чўкиши билан эса Булон ўрмони ўртасидан ўтган йўл бўйлаб оппоқ... баданлар пайдо бўлади. Танасини сотиш эвазига ҳар қандай истакни адо этишга тайёр юзлаб аёллар ва эркаклар...

Лэнгдон Сион Приорати ҳақида гапиришга чоғланиб, фикрларини жамлагунча машина ўрмон ичига кириб, тош йўлдан кета бошлади. Энди эса хаёллари ҳар томонга тарқаб кетяпти. Чунки машина чироғини кўришлари билан, Булоннинг тунги “эгалари” ўз “маҳсулотлари”ни кўз-кўзлашга киришиб кетишганди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган қизчалар, бақувват, мушаклари ўйнаб турган негр йигит, дўндиққина малласоч аёл...

Кўнгилсиз бу манзарадан кўзларини тезгина олиб қочган профессор чуқур хўрсинди.

– Сион Приорати ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз, – эслатди Софи.

Лэнгдон бош ирғади. Атрофдаги муҳит у айтмоқчи бўлган афсона руҳига ҳеч-да мос эмас. Нимадан бошласа экан? Биродарлик тарихи минг йилдан ошиқ даврни ўз ичига олади ва та-

---

\*Босх – XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб, ижод қилган голланд рассоми.

саввурга сиғмайдиған сир-асрорлар, хоинликлар, тазйиқлар, ҳатто папа амрига мувофиқ ўтказилган қийноқлар силсиласидан иборат.

– Сион Приорат Биродарлигига, – сўз бошлади у, – 1099 йили француз қироли Годфруа де Буйон Қуддусда, шаҳарни иш-ғол қилганидан сўнг асос солинган.

Софи ҳикояни диққат билан тинглай бошлади.

– Ривоятга кўра, қирол Годфруанинг ўта муҳим сирни бор эди. Ҳазрат Исо замонидан бери отадан ўғилга ўтиб келаётган шу сир туфайли у чексиз қудрат ва салтанатга эришган. Годфруа ўлимидан сўнг сир йўқ бўлиб кетишидан қўрқарди, шунинг учун ҳам Сион Приоратига асос солган. Приоратга сирни авлоддан-авлодга узатиш вазифаси юкланди. Вақт ўтиб, биродарликка Қуддусдаги Ирод ибодатхонаси\* харобалари остига ўта муҳим ҳужжатлар яширилгани ҳақидаги маълумот келиб тушади. Ибодатхона эса шоҳ Сулаймон маъбади вайроналари устига қурилган эди. Биродарликнинг фикрича, ўша ҳужжатлар қирол Годфруа сирининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди, улар шундай таъсир кучига эгаки, ҳужжатларга эгалик қилиш учун Черков ҳеч нарсадан қайтмаган бўларди.

Бу гапдан Софининг нигоҳларида шубҳаланиш акс этди.

– Приорат ҳужжатларни харобалар тагидан олиб чиқиш ва йўқолиб кетмаслигини таъминлашга қарор қилади. Бунинг учун тўққиз нафар рицардан иборат махсус ҳарбий бўлинма ҳам ташкил этилади. Бўлинмага «Ҳазрат Исо ва Сулаймон маъбадининг фақир рицарлари ордени»\*\* деган ном берилган. Бироқ у асосан тамплиерлар ордени сифатида машҳур.

Софи мамнун кулимсиради: бу атама унга таниш эди.

Лэнгдон тамплиерлар ордени ҳақида жуда кўп маърузалар ўқиган. У билардики, тамплиерлар борасида эшитган одамлар уларнинг қандай ҳодисалар гирдобини билан алоқадор эканидан воқиф эмаслар. Олимларнинг назарида тамплиерлар тарихи анчайин шубҳали, аниқ маълумотлар ва афсоналар шунчалик қоришиб кетганки, ёлғон қаердаю ҳақиқат қаердалигини билиб бўлмайди. Кей-

---

\*Ҳозир унинг ўрнида Ҳазрат Умар масжиди жойлашган.

\*\*Орден – махфий диний ташкилот, жамият.

инчалик Лэнгдон ўз маърузаларида тамплиерлар ҳақида гапирмай қўйди, чунки ҳар сафар гапга ноаниқ маълумотлар қўшилиб кетарди.

– Қизиқ, тамплиерлар ордени махфий ҳужжатларни қўлга киритиш учун тузилган экан-да? Мен эса уларнинг вазифаси Муқаддас замин\*ни ҳимоя қилиш деб ўйларканман.

– Қўпчилик шундай ўйлайди. Зиёратчиларни ҳимоя қилиш ғояси одамларни чалғитиш учун ўйлаб топилган, холос. Тамплиерларнинг Муқаддас заминда туришларидан асл мақсад эса харобалар остидан ҳужжатларни чиқариб олиш эди.

– Хўш, ўша ҳужжатларни топишганми улар?

Лэнгдон кулимсиради.

– Буни ҳеч ким аниқ билмайди. Аммо аксар олимларнинг фикрича, тамплиерлар чексиз қудрат ато этувчи ниманидир топишган.

Шундан кейин Лэнгдон тамплиерларнинг олимлар томонидан маъқуланган тарихини қисқача гапириб берди: бу рицарлар Муқаддас заминга иккинчи салб юриши даврида келиб қолишган. Улар қирол Болдуин II\*\*га мурожаат этиб, насроний зиёратчиларни ҳимоя қилишлари, кейин эса ҳеч ким ҳақ тўламагани учун қашшоқлашиб қолишганини айтиб, қасамлар ичишди. Рицарлар қиролдан ибодатхона харобаларида яшашга ижозат беришини сўрашади. Рухсат теккач эса, Муқаддас заминнинг қоқ марказига жойлашиб олишган.

Истиқомат учун бундай жойнинг танланиши бежизга эмасди. Махфий ҳужжатлар айнан шу харобалар остида – ер юзидаги энг муқаддас жойда эканлигига улар қаттиқ ишонишган. Аниқроқ айтганда, бу ер яҳудо динининг нақ юраги эди. Рицарлар бир неча йил давомида харобадаги тошларни кавлаб, ҳужжатларни излашди. Ва ниҳоят, тўққиз йил деганда улар ўз мақсадларига эришишди ва топилган хазинани олиб Европага жўнашди. Шундан кейин уларнинг таъсир кучи мислсиз даражада ортиб кетди.

Тамплиерлар Ватиканга зуғум ўтказишганми-йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Аниғи шуки, папа Иннокентий II махсус ёрлиқ

---

\*Муқаддас замин – яъни. Қуддус шаҳри.

\*\*Қирол Болдуин – XI-XII асрда яшаган Қуддус қироли.

чиқариб, тамплиерларга чексиз ҳокимият олиб берди. Уларнинг ишига ҳеч ким, ҳатто қиролу олий руҳонийлар ҳам аралаша олмас эди.

Табийки, тамплиерлар бундай имкониятдан фойдаланмай қолишмади. Улар сиёсий таъсирларни ёйиш мақсадида сафларини кенгайтиришди, ўнлаб мамлакатларда катта-катта амлоқларга эгалик қила бошлашди. Рицарлар хонавайрон бўлган қироллик оилаларига ҳотамтойлик билан қарзлар беришар, бунинг эвазига эса ўз манфаатлари ҳимоя қилинишини талаб этишарди. Уларнинг бойлиги ва куч-қудрати тинимсиз ортиб борарди.

1300 йилга тахтга ўтирган папа Климент V га тамплиерлар йиққан ҳокимият умуман ёқмади. У Франция қироли Филипп IV билан тамплиерлар орденининг олийнасаб етакчиларини йўқ қилиш ҳамда уларнинг бойликларини қўлга киритиш бўйича маккорона режа ишлаб чиқди. Папа бутун Европага ҳарбий буйруқлар тарқатди: буйруқ барча мамлакатларда бир вақтда – 1307 йилнинг 13 октябрь тонгида очилиши лозим эди.

Ўша тонг мактублар очилдию ҳамма ҳайратдан қотиб қолди. Эмишки, папага уйқусида Тангри таолодан ваҳий тушиб, тамплиерларнинг бари хурофотчилар экани билдирилибди. Рицарларнинг иш-амали иблисга сажда қилиш, баччавозлик, хочни ёмонлаш, Худога шак келтириш ва шунга ўхшаш гуноҳлардан иборат экан. Гўёки, Парвардигори олам Климент V га заминни бундай осийлардан тозалашни, ҳаммасини йиғиб шаккокликларини тан олмагунларича азоблашни буюрганмиш.

Папанинг ваҳшиёна режаси ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошди. Шу куни тамплиерларнинг катта гуруҳи қўлга олинди, шафқатсиз қийноқлардан сўнг бидъатгўйлар сифатида оловга ташланди. Ўн учинчи сананинг жума кунига тўғри келиши хосиятсизлик белгиси, деган гап ўша мудҳиш воқеанинг асоратидир.

– Демак, тамплиерларнинг барини қириб ташлашибди-да? – сўради Софи.

– Ундай эмас, тамплиерлар ҳали ҳам бор, лекин турлича аталади. Папанинг ёлғон айбловлари ва тамплиерларни йўқ қилиб ташлашга бўлган уринишларига қарамай, айрим рицарлар ҳалокатдан омон қолишди. Албатта, Климент V нинг асл мақсади

махфий ҳужжатларга эгалик қилиш бўлган. Бироқ ҳужжатлар сувга чўккандай изсиз йўқолганди. Ваҳоланки, улар аллақачон тамплиерларнинг яширин ҳомийси – Сион Приоратига сақлаш учун топширилган эди. Бир оз муддат ўтиб, Ватикан тинчлангач, Приорат ҳужжатларни Париждан олиб чиқиб кетди.

– Қаерга олиб кетишган?

Лэнгдон елкасини қисди.

– Буни фақат биродарлик аъзоларигина билишади. Махфий ҳужжатлар шу кунгача қидирувлар манбаи бўлиб қолмоқда. Табиийки, уларни бир неча бор қайтадан яширишган. Агар охирги миш-мишларга ишонадиган бўлсак, ҳужжатлар ҳозир Буюк Британия ҳудудиди.

Энди Софининг ҳафсаласи пир бўлган эди.

– Юз йиллар мобайнида, – давом этди Лэнгдон, – махфий ҳужжатлар ҳақидаги афсона оғиздан-оғизга кўчиб ўтган. Ҳужжатлар, уларнинг одамлар устидан ҳукмронлигини ва уларга алоқадор ҳамма нарсани битта сўз билан – Сангрил деб атай бошладилар. Бу ҳақида юзлаб китоблар ёзилган.

– Сангрил? Бу қанақа сўз? “Қон” маъносини билдирувчи французча sang ёки испанча sangre сўзларига алоқаси йўқми?

Лэнгдон бош чайқади. Тўғри, ана шу ҳужжатлар сабаб жуда кўп қонлар тўкилди, бироқ Сангрилнинг у сўзлар билан боғлиқлиги йўқ.

– Сангрил ҳақида афсоналар кўп. Шуниси аниқки, Приорат уни қаттиқ кўриқлайди ва ҳақиқатни ошкор этиш учун қулай тарихий паллани пойлаяпти.

– Бу қанақанги ҳақиқат?

Лэнгдон чуқур хўрсиниб қўйди.

– Биласизми, Сангрил жуда қадимий сўз ҳисобланади. Йиллар ўтиб у янгича, замонавий атама билан алмашди, – у бир лаҳза сукут сақлади. – Бу сўзни айтишим билан ёдингизга тушиши аниқ, дунёдаги ҳар киши у ҳақида албатта эшитган.

– Йўқ, – дарров эътироз билдирди Софи, – шахсан мен эшитмаганман.

– Аминманки, эшитгансиз, – табассум қилди Лэнгдон. – Бу – Граал косаси.

## ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Софи кўзларини катта-катта очганича Робертга тикилиб қолди. “У ҳавиллашмаяптими!”

– Граал косаси?

– Ҳа. Граал косаси – бу Сангрилдир. Французчадаги Sangraal сўзидан олинган, бу сўз эса San Greal га айланганини пайқаш қийин эмас.

“Муқаддас Граал!.. Буни нега дарҳол фаҳламадим-а?” Бироқ Софи ҳозиргина эшитган гапларга тўла ишона олмаётган эди.

– Мен ҳар доим Граални коса, жом деб ўйлардим, – деди у. – Сиз эса Сангрил махфий ҳужжатлар тўплами, деяпсиз.

– Тўғри, лекин Сангрил ҳужжатлари Муқаддас Граалнинг бир қисми, хазинасининг ярми, холос. Ҳужжатлар эса коса билан бирга ибодатхона харобалари остида қолиб кетган. Улар ёрдамида Граалнинг асл моҳиятини англаш мумкин, буни тамплиерлар яхши билишган.

“Граалнинг асл моҳияти?”

Софи ўзини буткул йўқотиб қўйди. Ахир Граал косаси ҳазрат Исо махфий оқшом\*да ишлатган идиш эмасми?

– Сион Приоратининг фикрича, Граал ҳеч қанақанги идиш эмас, у ҳақидаги афсона қудратли бир нарсани таъкидлаш учун истиора, холос, – у бир лаҳза жим тургач, яна давом этди: – Ўша нарса эса бугун бобонгиз бизга айтмоқчи бўлган нарса билан ҳам, муқаддас аёллик ибтидосига ишора қилган тимсоллари билан ҳам ўзаро мувофиқ келади.

– Майли, сиз айтганча бўлақолсин, – деди Софи. У кулиб турса-да, Лэнгдоннинг гапларига ҳалиям ишонқирамаётган эди. – Граал идиш эмас экан, унда айтингчи, нима ўзи у?

Лэнгдон бу саволни кутган, аммо унга қай тарзда жавоб қайтаришга иккиланаётган эди. Жавобни эса тарихий маълумотларга таянмасдан бериб бўлмайди. Бир неча ой муқаддам муҳарририга қўлёмасини олиб борганида, унинг юзида ҳам худди шундай таажубланиш пайдо бўлганди.

---

\*Насроний эътиқодига кўра ҳазрати Исо ва ўн икки ҳаворийнинг йиғилиши.



– Демак, сен шундай деб ўйлайсан... – деди муҳаррир кўлидаги шаробли қадаҳни стол устига қўяркан ва Робертга тикилиб қолди. – Жиддий ёзганмисан? Бундай бўлиши мумкин эмас!

– Мутлақо жиддий! Ахир бунинг учун бир йил тадқиқотлар, илмий изланишлар олиб бордим.

Нью-Йорклик машҳур муҳаррир Жонас Фаукман эчки соқолини асабий силарди. Ўзининг ёрқин фаолияти давомида ғайриоддий ғояларга бой кўплаб китобларга дуч келган, бироқ бунақасини биринчи марта кўриши.

– Мени тўғри тушун, Роберт, – деди у анчадан кейин ўзига келгач, – ишларинг менга ҳар доим ёққан. Бордию бу китобинг ҳам нашр этилишига рухсат берсам, норозилик намойишчилари нашриётим олдидан кетмай қолишади. Қолаверса, обрўйингга ҳам путур етиши аниқ. Сен олим кишисан, тарихчисан, Гарварддай университетда дарс берасан. Арзимаган долларни деб олди-қочди гапларни тарқатиб юрмассан?! Бу тахминларингни тасдиқловчи далил-исботинг борми ўзи?

Лэнгдон табассум қилганча пиджагининг чўнтагидан варақ чиқариб Фаукманга узатди. Бу машҳур тарихчиларнинг эллик номдан иборат китоблари рўйхати эди. Китобларнинг аксарияти илм оламида жуда машҳур, номларининг ўзининг бевосита Лэнгдон назариясига тасдиқ бўла оларди. Фаукман рўйхатга кўз югуртириб чиқди, унинг юзида Ер думалоқ эмас, балки текис эканлигини тўсатдан билиб қолган одам каби ҳайрат ифодаси зоҳир эди.

– Айрим муаллифлари жуда яхши биламан. Улар ҳақиқий тарихчилар!

Лэнгдон истеҳзоли кулди:

– Кўриб турибганингдек, Жонас, бу фақат менинг назариям эмас. Ҳеч бир тарих китобида эса Граал косаси рамзий нуқтан назардан тадқиқ қилинмаган. Ушбу назария ҳисобига топган иконографик далилларим ҳам анчайин ишонарлидир.

Фаукман рўйхатдан кўз узмас эди.

– О, Худойим! Қироллик тарих жамияти аъзоси сэр Лью Тибинг ёзган китоб ҳам бор экан бу ерда!

– Тибинг деярли бутун умрини Граал косасини ўрганишга бағишлаган. Тўғриси, менга илҳом бериб турувчи ҳам айнан у.

Биласизми, аксар олимлар фикрига кўра, Граал косаси инсоният тарихида энг кўп изланган хазинадир. У ҳақида кўплаб афсоналар пайдо бўлди, баъзи кишилар уни умр бўйи қидиришди, низолар, урушлар олиб боришди, қонлар тўкилди. Хўп, Граал оддий бир коса ҳам дейлик, унда нима учун одамлар, айтайлик, тиканли чамбар\* ёхуд хочга эмас, айнан унга кўпроқ қизиқишган? – Лэнгдон табассум қилди. – Нима учунлигини ана энди сиз ҳам биласиз.

Фаукман ишонқирамайгина бош силкиди.

– Граал косаси ҳақида жуда кўп китоб ёзилган экан, аммо Граал назарияси нима учун машҳур эмас?

– Чунки бу китоблар асрлар давомида шаклланган тасаввурни енга олмайди. Бу тасаввур эса барча халқлар орасида кенг ёйилган бир китоб таъсирида вужудга келганини унутмаслик керак.

– Ишқилиб «Гарри Поттер»да ҳам Граал косаси ҳақида ёзилган дея кўрма! – деди Фаукман кўзларини ола-кула қилганча.

– Азизим, мен Инжил ҳақида гапиряпман.

Муҳаррир бўшашиб кетди.

– Ўзимам шундай деб ўйловдим...

– Laissez-le!\*\*- Софининг чинқирғидан Лэнгдоннинг хаёллари тарқаб кетди. – Дарҳол ўчириб қўйинг!

Такси ҳайдовчиси қўлига радиоузатгич микрофонини олиб, нимадир гапирмоқчи бўлар, Софи эса унга бақирарди.

Лэнгдон нималар бўлаётганини дарров тушуна олмади: Софи кескин ўтирилди-да, унинг пиджаги чўнтагига қўл солиб, револьверни чиқарди ва уни ҳайдовчининг чаккасига тиради. Ҳайдовчи шу заҳотиёқ қўлидаги микрофонни тушириб юборди ва қўлларини боши узра кўтарди.

– Arrêtez! – бақирди Софи унга.

Ҳайдовчи буйруққа бўйсунган ҳолда машинани тўхтатди. Лэнгдон ана шундагина радиоприёмникдан келаётган таксомотор нозимининг овозини эшитди:

---

\*Насроний этиқоди бўйича ҳазрат Исонинг бошига ўлими олдидан кийдирилган чамбар.

\*\*Қўйинг (франц.)

– ....qui s'appelle Agent Sophie Neveu...\* – радиоприёмник бир марта шитирлаб олди. – ...Et un Americain, Robert Langdon...\*\*

“Демак, улар бизнинг қаердалигимизни билишибди-да”, ўйлади асаблари таранглашиб бораётган Лэнгдон.

– Descendez! – ўшқирди Софи. – Йўқол бу ердан!

Кўркувдан дағ-дағ қалтираётган ҳайдовчи машинадан тушди ва қўлларини кўтарганча нари кетди. Софи машина ойнасини тушириб, уни нишонга олган эди.

– Роберт, рулга ўтинг. Машинани энди сиз ҳайдайсиз.

Лэнгдон у билан баҳслашиб ўтирмади. Ҳайдовчи эса уларни бўралатиб сўкар, қўлини эса ҳалиям кўтариб турарди.

– Бу ўрмоннинг ажойиботларини яхшилаб томоша қилиб бўлгандирсиз деб ўйлайман...

– Керагидан ортиқ, – энсаси қотгандай жавоб берди профессор.

– Жуда яхши. Энди бу ердан туёғимизни шиқиллатиб қолишимиз керак. Кетдик!

Лэнгдон тезликни ўтказиш қутисига қарадио, юзи буришиб кетди. “*Жин урсин!*”

– Софи, балки ўзингиз ҳайдаганингиз маъқулдир?

– Олға!

Ўрмон ичидан бир неча бекорчилар чиқиб келиб, нима бўлаётганини томоша қилиш мақсадида тўплана бошлашди. Бир аёл эса уяли телефонидан қаёққадир қўнғироқ қилди. Шу маҳал машина шиналаридан ўт чиққудай бўлиб, кескин олдинга интилди ва худди шох ташлагандай юриб кетди. Тўпланганлар дуч келган томонга қочиб қолишди. Телефонда гаплашаётган аёл эса ўзини аранг буталар орасига урди, машина уни уриб кетишига бир баҳя қолган эди.

– Секинроқ, Роберт! Эсингиз жойидами, нималар қиялпсиз ўзи?

– Сизни огоҳлантирмоқчийдим! – бақирди Лэнгдон жавобан.

– Мен фақат узатмалар қутиси автоматлаштирилган машиналарни ҳайдайман!

---

\*Софи Невё исми агент (франц.)

\*\*Ва америкалик Роберт Лэнгдон (франц.)

## ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Лабрюйер кўчасидаги гиштин уйнинг оддийгина жиҳозланган хонасида кўп бора уқубат чекишга тўғри келган эди, ammo уларнинг бирортасини ҳам айти дамба Сайласнинг тан-жонини кемираётган азоблар билан солиштириб бўлмайди. *“Мени алдашди! – алам билан гудранди у. – Барча ҳаракатлар зое кетди!”*

Биродарлар ўз сирларини очишдан кўра ўлимни афзал билишди. Устозга қўнғироқ қилиб, бу ҳақида гапиришга Сайласнинг мажолли қолмади. Пойдевор тоши қаерга яширилганини билувчи одамлардан ташқари, шундоққина черковнинг ўзида роҳибани ҳам ўлдирди. *“У Парвардигорга осий эди! “Дея асари”ни лаънатлади!”*

Сайлас қотилликни ғайрихитийрий тарзда қилган бўлса-да, бироқ роҳиба Сандриннинг ўлими вазиятни қаттиқ чигаллаштиради. Жасадни кўргач, аббат нима деркин? Сайласни Сен-Сюльпис черковига киритишни сўраб Арингароса унга қўнғироқ қилганди-ку! Тўғри, у аёл жасадини каравотига ётқизиб, устига чойшаб ёпиб қўйди, бироқ бошдаги жароҳатни сезмаслик мумкин эмас. Қолаверса, полдаги тешикни билинтирмай кўмиб ташламоқчи бўлиб, уддасидан чиқолмади.

Топшириқни бажаргач, «Дея асари»да яширинишни мўлжаллаган эди. Ҳаётини Нью-Йоркдаги қароргоҳда тоат-ибодат ва осудалик билан ўтказишни ҳар доим орзу қилган. Энди эса у ерга қадам босиш жуда хавфли. *“Мени бу ерда ҳеч ким қидирмайди”*. ўйлади у. Лекин Арингаросадек таниқли одам ўзини қаёққа ҳам урарди.

*«Мен епископ ҳаётини хавф остига қўйдим».*

Сайлас ерга тикилганича ҳаёт қилвирликлари ҳақида хаёл сурарди. У Арингаросадан бир умр қарздор. Епископ унинг ҳаётини сақлаб қолди, ўқитди, яшаши учун мақсад кўрсатди.

– Дўстим менинг, – дерди унга Арингароса, – сен альбинос бўлиб туғилдинг, лекин бошқаларга устингдан кулишларига йўл қўйма. Наҳотки тушунмасанг, Тангри таоло бежиз сени оппоқ қилиб яратиб, бошқалардан ажратиб қўймаган. Чунки сен азиятсан, сени буюк ишлар кутмоқда!

Арингаросанинг ўитлари сабабми, вақт ўтиб Сайлас ўзига бутунлай бошқача назар билан қарай бошлади.

*“Мен беғуборман. Мен оппоқман. Мен чиройлиман. Мисли фариштаман”.*

Шу пайт қулоғига отасининг овози эшитилгандай туюлди:

– Сен бадбашара махлуқсан! Арвоҳнинг ўзгинасан!

Сайлас тиз чўкди-да, гуноҳлари мағфират этилишини сўраб, ибодат қилишга тутинди. Кейин эса эғнидаги сутанасини юлқиб олиб, ўзини-ўзи жазолай бошлади.

## ҚИРҚИНЧИ БОБ

Булон ўрмонидан эсон-омон чиқиб олишгач, Лэнгдон машинани тўхтатди.

– Яхшиси, ўзингиз ҳайдай қолинг, – деди у Софига.

Улар жой алмашишгач, де Лоншан хиёбони бўйлаб фарб томонга йўл олишди.

– Аксо кўчаси қаерда жойлашган? – сўради Лэнгдон. Спидометр мили эса 100 сонига яқинлашаётган эди.

– Таксичи Ролан-Гаррос стадиони яқинида деганди. Мен у жойни биламан.

Профессор чўнтагидан яна олтин калитни чиқарди, уни кафтида салмоқлаб кўрди. Ҳозир содир бўлаётган ҳодисалар занжирида бу калит қанчалар катта ўрин тутишини қалбан ҳис қилди. Эҳтимол айнан шу калит туфайли у озодликка эришар.

Софига тамплиер-рицарлар ҳақида сўзлаб бераётиб бир жиҳатга эътибор қаратди: калитга Приорат рамзи туширилганидан ташқари, унинг ташкилот билан бошқа умумийлиги ҳам бор. Томонлари тенг бўлган хос нафақат мувозанат ва мутаносибликни билдиради, балки рицарлик орденининг белгиси ҳамдир. Тамплиерларнинг узун оқ кийимига ҳам худди шундай хоч тасвири туширилган эди.

Лэнгдон калит нимани очиши мумкинлигини ўйлай бошлади. *“Балки Граал косаси яширилган жойни очар?”* Ўзининг фикридан киноя қилиб кулиб қўйди. Мишмишларга кўра, Граал косаси 1500 йили Англиядаги черковларнинг бири остига кўмиб қўйилган.

*“Буюк даҳо да Винчи замонда”.*

Иккинчи минг йилликнинг илк асрларида биродарлик ноёб ҳужжатларни бир неча бор қайта беркитишига тўғри келди. Тарихчилар фикрича, ҳужжатлар Қуддусдан Европага олиб келинган, сақлаш жойи олти марта ўзгартирилди. Одамлар Граал касасини сўнгги бор 1447 йили кўришган. Ўшанда ёнғин оқибатида ҳужжатлар йўқ бўлиб кетишига бир баҳя қолган, хайриятки, уларни оловдан олиб чиқишга улгуришди. Ҳужжатлар солинган тўрт сандиқ шунчалик оғир эдики, ҳар бирини олти киши базўр кўтариб, хавфсиз жойга элтишди. Шундан кейин Граал касасини кўрдим дегувчи одам топилмади.

Фақатгина мишмишлар. Бироқ ушбу хазина Буюк Британияда, қирол Артур\* замонида яширилгани ҳақидаги фикр кенг тарқалган.

Шу ўринда икки муҳим омилни ёддан кўтармаслик лозим.

*Леонардо да Винчи Грааль касаси қаерга яширилганини биларди.*

*Эҳтимол, хазина ҳалиям Британиядадир.*

Граал касасини қидирувчилар да Винчи асарлари ва қундаликларини синчиқлаб ўрганишлари бежизга эмас. Улар шу орқали хазина яширилган жойни топишга умид қилишади. Айримлар “Мадонна форда” суратидаги тоғлар Шотландия тепаликларига ўхшаб кетади, дейишади. Бошқаларнинг фикрича эса, “Махфий ибодат” да ҳаворийларнинг ғалати тартибда ўтириши ҳам хазинага ишорамиш. Яна бир тахмин ҳам борки, Лэнгдон уни ҳечам маъқулламайди: “Мона Лиза”нинг рентгенли таҳлилида аниқланишича, аввалига суратда маъбуда Исиданинг шокиласи тасвирланган эмиш. Кейинроқ эса рассом номаълум сабабга кўра уни ўчириб ташлаганмиш. Аммо ҳаворанг шокила билан Граал касаси ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкинлигини Лэнгдон умуман тасаввур қилолмайди. Шундай бўлса-да, бу тахмин интернетда қизгин муҳокама қилинади.

*“Ҳа, одамлар сирли нарсаларни хуш кўришади”.*

Жумбоқлар эса тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда машҳур итальян санъатшуноси Маурицио Сузарини «Нью-Йорк таймс»

---

\*Қирол Артур – афсоналарга кўра, Англияни бирлаштирган ҳукмдор.

газетасида эълон қилган «Леонардонинг тутунли пардаси» номли мақола бутун дунёда шов-шув бўлиб кетди. Мақолада айтилишича, да Винчининг “Жодугарлар ибодати” асари қатларида қандайдир сир яширин эмиш.

Серазини фикрича, бўёқлар қатлами остида кулранг-яшил рангларда чизилган «Жодугарлар ибодати» этюди ҳақиқатан ҳам да Винчи мўйқаламига мансуб, суратнинг ўзи эса уники эмас. Аллақандай номаълум рассом Леонардо вафотидан бир неча йил кейин хомаки расми устидан бўяб чиққан экан. Буни ҳам қўя туринг, суратнинг инфрақизил нурлар ва рентген ёрдамидаги таҳлили шунни кўрсатдики, ўша муттаҳам этюдни аслига путур етказиш мақсадида бўяб ташлаган. Леонардо да Винчи бу полотнода ҳақиқатда нимани тасвирлагани ва унга етказилган зарар кўлами қанчалигини эса ҳеч ким айтиб беролмайди...

– Балки қўлингиздаги калит Граал косаси яширилган жойни очгандир? – Софининг саволи Лэнгдоннинг хаёлини бўлди.

– Йўқ, бу фикрга қўшила олмайман. Қолаверса, Граал косаси Франция эмас, балки Англия ҳудудига яширилган деб ҳисобланади.

– Ахир энг маъқул тахмин ҳам шу эмасми? – гапини маъқуллашда давом этди Софи. – Бу калитга Сион Приоратининг рамзи туширилган ва биз уни биродарлик аъзосидан олдик. Граал сирини эса, ўзингиз айтгандек, кўп асрлар давомида айнан биродарлик сақлаб келган.

Софининг мулоҳазалари мантиқли бўлса-да, Лэнгдон уларни қабул қилолмаётган эди. Приорат Граални Францияга қайтариш ва шу ерда абадий сақлашга қасам ичганлиги ҳақида мишмишлар юради. Аммо бу гап тарихий тасдиғини топмаган. Бордию, Приорат қасамнинг устидан чиқиб, Граални Францияга олиб келган тақдирда ҳам рю Аксодаги манзил бундай хазина учун сўнгги паноҳ бўлиши умуман ақлга сиғмайди.

– Йўқ, Софи, шахсан мен бу калит ва Граал косаси бир-бирига алоқадор бўлиши мумкин деб ҳисобламайман.

– Нима, Граал Англияда яширилгани учунми?

– Фақатгина бунинг учун эмас. Приорат аъзолари кўп бўлса-да, Граал косаси яширилган жойни тўрт киши, яъни улуғ уста ва унинг уч ноиби билган холос. Бу тўртлик сараланиши учун эса ўн

йиллаб вақт керак бўлган. Менимча, бобонгиз Сион Приоратининг оддий аъзоси бўлган.

“Йўқ, биродарликда бобомнинг мавқеи катта бўлган, буни аниқ биламан”, хаёлидан ўтказди Софи.

– Агар бобонгиз ўша тўрт кишидан бири бўлганда ҳам, буни сизга, биродарлик аъзоси бўлмаган одамга, ҳеч қачон айтмас эди.

Софи ўйланиб қолди. Дала ҳовлида кўрганларини Лэнгдонга сўзлаб берсинми? Балки пайти келгандир? Ахир бу сирни ўн йилдан бери дилида сақлаб келяпти, бировга айтишга эса номус қилади.

– Мана у! – бақриб юборди Лэнгдон ва олдинда кўринган Ролан-Гаррос теннис мажмуасига қўли билан ишора қилди.

Софи машинани ўша томонга ҳайдади. Тор кўчаларда бир оз айлангач, улар Аксо кўчаси бошланадиган чорраҳага чиқишди. Энди керакли манзилни топиш қолди, холос.

Йигирма тўртинчи уйни қидираркан, Софи нуқул черков ёки ибодатхона гумбазига кўзи тушишини ўйларди. “Нима, қанақанги черков? Ахир бу кўчада фақат турли идораю ташкилотлар бинолари жойлашган экан-ку!”

– Мана, етиб келдик, – деди у бир маҳал ва рўпарадаги бинога имо қилди.

Квадрат шаклидаги замонавий бино. Олдига тенг томонли улкан хоч қўйилган бўлиб, неон чироқлари ёруғида аниқ кўриниб турарди. Хочнинг остида эса қуйидаги ёзув бор эди:

### ЦЮРИХ ДЕПОЗИТАР БАНКИ

Лэнгдон черков ҳақидаги тахминини Софига айтмаганидан хурсанд бўлди. У тимсоллар бўйича мутахассис сифатида яширин маъноларни улар умуман мавжуд бўлмайдиган жойлардан излашга ўрганган эди. Томонлари тенг хоч эса Швейцариянинг ҳам рамзидек белгиси бўлиб, байроғида акс этгани Лэнгдоннинг хаёлидан мутлақо кўтарилиб кетибди.

Ҳартугул битта сир очилди.

Софи билан Лэнгдонинг қўлидаги калит Швейцария депозитар банки сейфининг калити бўлиб чиқди.



## ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

«Фиат» машинасидан тушган епископ Арингаросанинг аъзойи бадани совуқ шамолдан жунжикиб кетди. Баланд тоғ чўққиларидан эсиб, Гандольфо қасри деворларини силаб-сийпаловчи совуқ шамол унга ҳам ўз заҳрини санчиб ўтганди. «Иссиқроқ кийиниб олсам бўларкан», ўйлади епископ. У бутун вужудини қоплаган титроқни енгишга тиришар, ўзини кучсиз ва ҳолсиз кўрсатишни асло истамас эди.

Қаср деярли қоронғулик қўйнига чўмган, фақат энг тепасиданги ойналардан ёруғлик таралиб турарди. «Кутубхона, – хаёлидан ўтказди Арингароса. – Ухламай кутиб ўтиришибди». У бошини эгтанча кириш томон йўналаркан, расадхона гумбазларига қара-масликка ҳаракат қилди.

Эшик олдида уни уйқусизликдан кўзларини аранг очаётган руҳоний кутиб олди. Арингароса бу йигитча билан беш ой муқаддам учрашган, ўшанда у анчагина илтифотли кўринган эди. Бутун эса мулозамат қилишга тоби йўққа ўхшайди.

– Биэ хавотирлана бошлаган эдик, муҳтарам епископ, – деди руҳоний ва қўл соатига қараб қўйди. Бироқ у энсаси қотаётганини яшириб ўтирмасди.

– Минг бор узр. Ҳозирги авиакомпанияларга ишонч қолмаяпти ўзи.

Бунга жавобан руҳоний бир нималарни гўлдиради-да, шундай деди:

– Сизни тепада кутишмоқда. Мен кузатиб қўяман.

Кутубхона анчагина кенг бўлиб, полидан шифтига қадар қорамтир ёғоч билан қопланган эди. Деворлар бўйлаб эса китобларга лиқ тўла баланд жавонлар қад кўтариб турибди. Полга қаҳраболи мраммар плиталар ётқизилган, атрофи қора базальт билан ўраб чиқилган. Бу эса бир вақтлар мазкур бино сарой бўлганини эслатади.

– Хуш келибсиз, епископ, – овоз янгради хонанинг нариги бошидан.

Арингароса бу кимнинг овози эканини аниқламоқчи бўлди, бироқ бунақанги хира ёруғликда одамни ажратиб олиш жуда муш-

кул. Бу одамлар бугун юз беражак воқеадан хижолат тортгандай ўзларини қоронғилик қўйнига урган кўринишади.

Арингароса савлат тўқканча қадам босарди. Ниҳоят хонанинг нариги томонига қўйилган узун стол ортида уч кишининг қораси кўринди. Епископ ўртада ўтирган кишини дарҳол таниди: Ватикан котибиятининг семизгина ранси, у барча ҳуқуқий масалаларни олиб борарди. Ёнидагилар эса италян кардиналлари экан.

Арингароса стол томонга йўналди.

– Бамаҳал безовта қилганим учун маъзур тутинг. Кутавериб чарчаган бўлсангиз керак.

– Ҳечқиси йўқ, – деди дўмбоқ қўлларини каттакон қорнига қўйиб олган котиб. – Узоқ жойдан етиб келганингиз учун сиздан миннатдоримиз. Қаҳва ичасизми ёки бирийўла тамадди қилиб оласизми?

– Ташаккур, яхшиси ишга ўтақолайлик, ҳали самолётга улгуришим керак. Демак, бошлаймизми?

– Майли, – жавоб қайтарди семиз киши. – Сиз кутганимиздан кўра тезроқ ҳаракат қилдингиз...

– Шундайми?

– Ҳа, ихтиёрингизда яна бир ой бор эди.

– Сизлар бундан беш ой аввал ташвишингизни изҳор қилган эдингиз, – деди Арингароса. – Шундай экан, имиллашга ўрин йўқ.

– Сиз ҳақсиз. Сизнинг илдам ҳаракатингиздан бағоят мамнунимиз.

Арингароса узун столни кўздан кечириб чиқди: устида каттагина қора портфел бор эди.

– Мен сўраган нарса шунинг ичидами?

– Ҳа, – андак саросимали оҳангда гапирди котиб. – Назаримизда, бу илтимос...

– Бир мунча қалтис, – унинг гапини илиб кетди кардиналлардан бири. – Бу ердаги маблағ жуда катта, балки бошқачароқ йўл билан олиб кетарсиз?

– Айни пайтда хавфсизлигим мени кўпам қизиқтираётгани йўқ. Парвардигор паниҳида асраса, йўлимга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

Аммо котибнинг ҳам, кардиналларнинг ҳам нигоҳида иккила-ниш зоҳир эди.

– Портфелга мен сўраган маблағнинг ҳаммаси солинганми?

Котиб бошини ирғади:

– Ҳа. Ватикан банкининг йирик қийматдаги облигациялари. Бутун дунёда нақд пул ўрнида қабул қилинади.

Арингароса столга яқинлашиб портфелни очди, ичида облигацияларнинг иккита йирик ўрами бўлиб, ҳар бирига Ватикан муҳри босилган эди.

Котиб безовталаниб қолди.

– Агар нақд пул берганимизда биз ўзимизни анча хотиржамроқ ҳис қилган бўлардик.

«Бунча нақд пулни олиб кетишнинг иложи йўқ», ўйлади Арингароса. Портфелни ёпаркан уларга жавобан сўз қотди:

– Облигациялар қиймат жиҳатидан нақд пулга тенг деган эдингиз.

Кардиналлар бир-бирларига саросимали қараб олишгач, улардан бири деди:

– Тўғри, шундай дегандик. Бу облигацияларни кузатиш осон, улар албатта Ватикан банкига олиб келади.

Арингароса кулгидан ўзини базўр тийиб турарди. Устоз худди шу сабаб ҳам Ватикан банкдан пулларни облигациялар кўринишида олишни маслаҳат берганди. Бу ҳам ўзига хос эҳтиёт чорада. «Мана энди ҳаммамиз битта тўрдамиз».

– Менимча, биз ҳеч қандай қонунни бузганимиз йўқ, – деди Арингароса. – Ахир «Дея асари» Ватиканнинг шахсий прелатураси ҳисобланади, аъло ҳазратлари эса пулни нимага лозим кўрсалар, ўша нарсага сарф қилишга ҳақлидирлар.

– Ҳа, тўғри, аммо барибир... – котиб бутун гавдаси билан ўзини олдинга ташлади, курси эса унинг оғирлигида! гичирлаб кетди. – Сиз бу маблағдан қандай фойдаланасиз, буни билмаймиз. Мабодо бирор англашилмовчилик рўй берса...

– Сизлар олдимга қўйган талабни ҳисобга оладиган бўлсак, – унинг гапини бўлди Арингароса, – бу пуллардан қандай фойдаланишим билан ишингиз бўлмасин.

Орага узоқ ва оғир сукунат чўкди.

«Мен ҳақ эканлигимни улар жуда яхши тушуниб туришибди», кўнглидан ўтказди Арингароса.

– Хўш, қандайдир қоғозларга қўл қўйишим керакдир?

Рухонийлар ундан тезроқ қутулиш ниятида бўлса керак, бир неча қоғозни тезлик билан олдиға суриб қўйишди.

Арингароса ҳар бир вараққа тикилиб қаради, уларға папа муҳри босилган эди.

– Бу қоғозлар менга юборилган нусхалар билан бир хилми?

– Ҳа, албатта.

Епископ ҳужжатларни имзолар экан, ҳеч нимани ҳис қилмаётганидан ажабланди. Аммо қаршисидаги кишиларнинг эса елкаларидан тоғ ағанагандай бўлди.

– Ташакқуримизни қабул қилинг, епископ, – деди котиб. – Черков сиз кўрсатган хизматларни ҳеч қачон унутмайди.

Епископ портфелни кўтариб олди, аини пайтда қўлида жуда катта куч ва ҳукмронлик борлигини тушуниб турарди. Тўртовлон бир-бирларига нимадир демоқчи бўлгандай бир муддат жим қолишди. Кейин эса Арингароса бурилди-да, эшик томон йўналди.

– Епископ! – чақирди кардиналлардан бири.

– Лаббай? – бўсағада турган Арингароса ортига ўтирилди.

– Айтингчи, ҳозир қаерга кетяпсиз?

Бу савол шунчаки қизиқишдан сўралмаганини аниқ эди.

– Парижга, – лўндагина жавоб берди у ва хонадан чиқиб кетди.

## ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Туғу кун ишловчи Цюрих депозитар банки мижозларга аноним хизмат кўрсатиш турлари билан ном чиқарган. Банкнинг Куала-Лумпур, Нью-Йорк ва Парижда ҳам бўлимлари фаолият юритар, сўнги йилларда хизмат кўрсатиш доирасини анча кенгайтди. Банкнинг асосий даромади аноним сейфлардан тушади. Мижоз ўзининг бирор қимматбаҳо ашёсини – акция ва облигациялардан тортиб ноёб полотноларгача – исм-шарифини ошкор этмай шу ерга жойлаштириши, омонатни истаган пайтда яширинча олиб кетиши мумкин. Сейфлар эса энг замонавий ҳимоя технологиялари билан таъминланган.

Софи машинани маҳобатли дарвозалар олдида тўхтатди. Дарвоза тепасига ўрнатилган кузатув камераларининг кўзлари уларга қадалган эди. Бундан Лэнгдон ўзини ноқулай сеза бошлади. Чунки Луврадагидан фарқли равишда бу камералар ростмана бўлиб, кўрган нарсани тасвирга оларди.

Софи машина ойнасини тушириб, дарвозага ўрнатилган электрон таблонни кўздан кечириб чиқди. Экрандаги кўрсаткичлар бир неча тилларда ёзилган, энг юқори сатр эса инглизчада эди:

### **КАЛИТНИ ҚЎЙИНГ**

Софи чўнтагидан хочли олтин калитни олди. Экран тагида учбурчак шаклидаги тешикча кўриниб турарди.

– Менимча, калитимиз тўғри келади, – деди Лэнгдон.

Софи калитни тешикка тиқиб, ичкарига итарди. Калитни бурашга ҳожат йўқ экан, чунки пўлат дарвозалар шу заҳотиёқ икки томонга силжий бошлади. Улар ичкарига киришлари биланоқ эса ёпилиб қолди. Қаршиларида иккинчи дарвоза турарди. Қизил «Смарт» худди шлюздаги кема каби қамалиб қолди.

Лэнгдоннинг аъзойи бадани жимираб кетди. «Ишқилиб бу дарвоза ҳам очилсинда».

Ҳартугул олтин калит панд бермади. Улар иккинчи дарвозадан ҳам ўтиб, кичикроқ ер ости гаражига кириб боришди. Чор атрофда ним қоронғилик ҳукмрон эди. Гаражнинг нариги томонида бинога кириладиган кулранг темир эшик кўринди, унинг олдига эса қип-қизил гилам тўшаб қўйилибди.

– Қуролни яхшиси шу ерда қолдирганингиз маъқул, – деди Софи эшик яқинида машинани тўхтатар экан.

«Бажонидил», ўйлади Лэнгдон ва револьверни ўриндиқ тагига яшириб қўйди.

Улар машинадан тушиб, эшикка яқинлашишди, қизиги, унинг умуман тутқичи йўқ эди. Дарвозадаги сингари электрон табло ҳам кўринмади, лекин учбурчак тешиги бор экан.

– Буниси энди фақат банк хизматчилари учун экан-да, – деди Лэнгдон.

– Олға, унда! – Софи калитни тешикка солиши билан ичкарига аста-секин очила бошлади.

Цюрих депозитар банкининг вестибюли ўзининг ҳашамдорлиги билан Лэнгдонни ҳайратга солди. Одатда банклар ичи мрамор ва гранит билан безатиб қўя қолинади, бу ерда металл панеллар ва михпарчинлар ялтираб турарди. Ҳамма ёқда – пол, деворлар, эшиклар, устунларда ҳам кулранг металл безакларни кўриш мумкин, ҳатто вестибюлдаги ўриндиқлар ҳам металлдан ишланганга ўхшайди. Гўё банкнинг ичи улкан сейфнинг ўзгинаси.

Баланд стол ортида турган йирик гавдали навбатчи йигит улар томон қаради. Кейин эса томоша қилиб тургани кичкина телевизорни ўчирди-да, уларни табассум билан кутиб олди. Алп қомати, қўлтиғи остига тўппонча осиб олганига қарамай у жуда илтифотли ва хушмуомала экан.

– Bonsoir\*, – деди у. – Сизларга қандай ёрдам беришим мумкин?

Европанинг барча ташкилотлар ва муассасаларида меҳмонларни икки хил тилда кутиб олиш одатий ҳолга айланган. Меҳмонлар эса ўзлари учун қулай бўлган тилни танлаб олишади.

Бироқ Софи сўз қотмади, индамайгина калитни стол устига қўйди. Калитни кўриши билан йигит гавдасини тўғрилаб олди.

– Тушундим. Марҳамат қилинг, йўлак охиридаги лифтга чиқасизлар. Мен ҳозир ходимимизни огоҳлантириб қўяман, у сизларни кутиб олади.

– Нечанчи қаватга чиқамиз? – сўради Софи калитни қайтариб оларкан.

Навбатчи ғалати қараб қўйди.

– Лифт қайси қаватда тўхташини калит айтиб беради.

– Ҳа-я! Ёдимдан кўтарилибди.

Улар лифтга чиққунларига қадар навбатчи кузатиб турди ва лифт эшиклари ёпилиши билан телефон гўшагини кўтарди.

У ҳеч кимни огоҳлантириш ниятида эмасди, чунки бунга ҳожат йўқ.

Мижоз махсус калит билан биринчи дарвозани очиши биланоқ сейф сақловчиларига дарҳол маълумот келиб тушади.

Навбатчи банкнинг тунги бошқарувчиси рақамларини терарди. У яна телевизорни ёқди, янгиликлар дастури эндигина тугаётган

---

\*Салом (франц.)

экан, экранда Софи Невё ва Роберт Лэнгдоннинг йирик тасвири пайдо бўлди.

– Алло! – гўшакдан бошқарувчининг овози эшитилди.

– Бизда кутилмаган ҳолат юз берди.

– Нима бўлди?

– Француз полицияси икки кишини изламоқда.

– Хўш?

– Ўша одамлар ҳозиргина банкка кириб келишди.

– Жин урсин! – сўкинди бошқарувчи. – Мен ҳозир месье Берне билан боғланаман.

Соқчи гўшакни қўйиб қўйди ва шу заҳотиёқ Интерпол рақамларини тера бошлади.

Лэнгдон ҳайрон эди, лифт тепага кўтарилмас, худди жарга кулаётганга ўхшарди. Неча қават босиб ўтишди, билмайди. Ва ниҳоят эшиклар очилдию, бу расво лифтдан қутилганига хурсанд бўлиб кетди.

Эшик олдида уларни ёши ўтинқираган, истараси иссиққина ходим кутиб олди.

– Хуш келибсизлар, – деди у. – Марҳамат қилиб ортимдан юрсангиз.

Шундай дея бурилди-да, тор йўлак бўйлаб юриб кетди.

Улар бир нечта йўлакдан ўтишгач, мустаҳкам пўлат эшик олдида тўхташди.

– Мана, етиб келдик, – у эшикни очиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди.

Роберт билан Софи бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандай бўлишди. Бу хона қиммат меҳмонхонанинг ҳашаматли хонасига ўхшар эди. Ерга қалин шарқ гиламлари тўшалган, эман дарахтидан ишланган мебеллар, юмшоқ ўриндиқлар қўйилган. Хона ўрта-сидаги катта стол устида перье ичимлиги шишаси, ёнида иккита биллур қадаҳ турибди.

«Ҳа, швейцарияликлар бунақа ишларни қотиришади», хаёлидан ўтказди Лэнгдон.

– Менимча, бу ерга биринчи марта келишингиз, шундайми? – сўради ходим.

Софи истар-истамас бош ирғади.

– Тушунарли. Калитлар кўпинча авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади, илк маротаба келган миждозлар эса ўзларини ўнғай-сиз сезишади. Бу албатта, табиий ҳол. Чунки улар бизнинг тартиб-қоидалар билан ҳали таниш бўлишмайди, – у ишора билан меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

– Калитлар баъзида мерос бўйича ўтади дедингиз-а? – сўради Софи.

– Ҳа, худди шундай. Калит – Швейцария банкидаги ҳисоб дегани. Ҳисоб рақамлари эса кўпинча мерос қилиб қолдирилади. Олтин ёмби ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни сақлашга келсак, депозитар сейфни ижарага олишнинг энг қисқа муддати эллик йил. Ҳақи олдиндан тўланади.

– Эллик йил дедингизми? – ажабланиб сўради Лэнгдон.

– Бу энг қисқа муддат. Агар миждоз хоҳласа, сейфни яна ҳам узоқроқ муддатга ижарага олиши мумкин. Бордию эллик йил ичида сейфни ҳеч ким сўраб келмаса, у йўқ қилинади. Сизлар ўз омонатингизни ҳозироқ кўрмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Ушбу хона тамомила сизларнинг ихтиёрингизда. Бу ердан чиқишим билан сейфни очиб, ичидаги нарсани истаганча томоша қилишингиз, ўрндан жилдиришингиз, қайтадан жойлаштиришингиз мумкин. Сизга тегишли қути-сейф эса мана бу ёқдан чиқиши керак, – у худди аэропорт юкхонасидаги каби тасмали конвейер ўрнатилган девор томонга ишора қилди. Кейин эса электрон табло тагидаги учбурчак тешикни кўрсатди: – Калитни шу ерга қўясизлар. Компьютер калитингиз мувофиқлигини тасдиқлаши биланоқ кириш кодиди терасиз ва қутингиз пастдаги асосий сейфдан узиб берилади. Ишни битиргач, қутини яна конвейерга, калитни эса тешикка қўясиз, ўша жараён тескари тартибда такрорланади. Шундай қилиб, мулкнингизга тўлиқ дахлсизлик кафолати берилади. Қути ичида нима борлигини ҳатто банк хизматчилари ҳам билишмайди. Бирор савол туғилиб қолса, хона ўртасидаги столда чақирув тугмаси бор, ўшани босинг.

Софи ниманидир сўрамоқчийди, бироқ телефон жиринглаб қолди. Қутиламаган бу кўнғироқдан ходим довдираб қолди.

– Кечирасизлар! – у стол ёнидаги телефон гўшагини кўтарди: – Лаббай?



Қўнғироқ қилган одам хавотирили хабар айтди, шекилли, ходимнинг ранги оқариб кетди.

– Хўп, хўп, келишдик, – у гўшакни жойига қўйди-да, асабий табассум қилди: – Кечирасизлар, сизларни ёлғиз қолдиришимга тўғри келади. Ўзингизни худди уйингиздагидек ҳис қилинглар.

– Шошмай туринг! – уни тўхтатди Софи. – Кетишдан олдин бир нарсани тушунтириб берсангиз, боя код теришимиз кераклигини айтдингиз, тўғрими?

– Ҳа, албатта. Аксар Швейцария банкларида бўлгани каби бизда ҳам депозит қутилар рақамларга боғланган, мижоз исмига эмас. Сизларда калит ва бошқа ҳеч ким билмайдиган рақамлар бор. Бу эҳтиёт чора сифатида қилинган. Ахир калитни йўқотиб қўйсангиз ундан кимдир фойдаланиши мумкин-ку.

Софи иккиланаб қолди.

– Мабодо валинеъматим менга ўша рақамларни қолдирмаган бўлса-чи?

Банк ходимининг юраги безовта тепарди. «Улар жуда шубҳали, ниманидир яширишяпти!»

– У ҳолда яна бир ходимимизни ёрдамга чақираман, – сохта жилмайди у. – У тезда етиб келади.

Ходим ташқарига чиқди-да, эшикни маҳкам тортди. Софи ва Лэнгдон қамалиб қолишган эди.

Шу маҳал шаҳарнинг бошқа томонида, Шимолий вокзал биносида иш олиб бораётган агент Колленинг телефони жиринглаб қолди.

– Интерполга маълумот келиб тушибди, – деди Безу Фаш. – Поездни унутинг. Лэнгдон ва Невё ҳозиргина Цюрихнинг депозитар банкига киришибди. Одамларимизга айтинг, зуллик билан у ерга етиб боришсин.

– Жак Соньер уларга нима демоқчи бўлганлиги ҳақида янги фикр борми?

– Икковини ҳибсга олсангиз, шахсан ўзим сўраб бераман, – кесатикли жавоб қайтарди Фаш. – Аксо кўчасидаги йигирма тўртинчи уй. Тушунарлими?!

– Худди шундай!

Колле рация орқали ўз одамлари билан боғланишга киришди.

## ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ

Цюрих депозитар банки Париж бўлимининг директори Андре Берне банк тепасидаги ҳашаматли уйда яшарди. Уйи шинам, баркут қопланган мебелларга тўла бўлишига қарамай, у ҳамиша Сен-Луи-ан-л'Иль кўчасида уйи ёки данғиллама ҳовлиси бўлишини орзу қиларди. Ахир у ерда ҳақиқий буюк шахслар билан суҳбатлашиши мумкин, бу ердагига ўхшаб зерикарли ва ёқимсиз бой-ваччалар билан эмас.

*«Нафақага чиқсам, — хаёлларга бериларди Берне, — ертўла-ни камёб бургунд виноси билан тўлдириб ташлайман, меҳмон-хонани эса Фрагонар ёки Бушенинг сураатлари билан безайман. Кунларимни Лотин кварталлида кўҳна мебеллар ва ноёб китобларни излаш билан ўтказаман».*

Бутун эса Бернени ухлагани қўйишмади. Уйғонгач, роппа-роса олти ярим дақиқадан сўнг банкнинг ер ости йўлагига кетиб борарди. Аммо ташқи кўринишидан шахсий тикувчиси билан сарта-рошн камиди бир соат уринганга ўхшайди. У эгнига чиройли ипак костюмини кийиб олди, бўйинбоғини эса йўл-йўлакай боғлади. Берне тунда ҳам миждозларни кутиб олишга ўрганиб қолган, чунки улар дунёнинг турли бурчакларидан келишади. Уйқудан бир зумда уйғонишни эса Африканинг масаи қабиласи жангчиларидан ўрганган. Бу жангчилар кўз очиб-юмгунча ухлаб ётган ўринларидан туриб, жанговар ҳолатга ўта олишади.

*«Мен ҳам жангга тайёрман, — ўйлади Берне. — Қойилмақом ўхшатиш бўлди-да ўзиям».* Унинг банкида олтин калити бор миждозларга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ француз судлов полицияси қидираётган миждозларнинг олтин калит билан келиши эса уни жуда нозик аҳволга солиб қўйди. Миждоз ашаддий жиноятчи бўлиши мумкиндир, банк эса унинг омонати ҳақидаги сирни ҳатто судда ҳам ошкор этмайди.

*«Атиги беш дақиқа. Уларни банкдан чиқариб юборишим учун беш дақиқа вақтим бор».*

Агар тезроқ ҳаракат қилса, кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш мумкин. *«Ҳа, улар ростдан ҳам банкка киришди, лекин миждозимиз бўлишмагани ва кириш кодлари йўқлиги учун қай-*

тариб юбордик». Полицияга худди шундай дейди. Навбатчининг Интерполга кўнғироқ қилгани умуман ортиқча бўлибди. Шов-шув кўтаришнинг нима кераги бор? Яна соатига ўн беш евро ҳақ олади бу галварс!

Эшик олдида тўхтаган Берне чуқур нафас олди ва лабларига ширин табассум кўндирди-да, хонага шамол мисол отилиб кирди.

– Хайрли кеч, – саломлашди миждозлар билан. – Мен Андре Бернеман. Сизларга қандай ёрдам беришим мум... – у ҳаяжонланганидан гапини тугата олмади. Бу аёлни банкда, устига-устак бунақанги вазиятда кўраман деб ҳеч ўйламаганди.

– Кечирасиз, биз аввал ҳам учрашганмизми? – сўради Софи. У банкирни танимади, аммо Берне унга худди арвоҳни кўргандек тикилиб қолган эди.

– Йўқ... – базўр жавоб қайтарди Берне. – Менимча... учрашмаганмиз. – У ўзига келиб яна сохта табассум қилди. – Ёрдамчимнинг айтишича, сизларда олтин калит бор экан-у, лекин ҳисоб рақамини билмас экансиз, шундайми? Қолаверса, бу калитни қаердан олганингизни билсам бўладими?

– Уни менга бобом топширган, – деди Софи Бернедан кўзини узмай. Жаноб директорнинг асабийлашаётгани шундоққина кўришиб турарди.

– Тушунарли. Бобонгиз калитни берибди-ю, рақамларни айтмабди-да?

– Бунга улгурмади. Уни бутун оқшомда ўлдириб кетшибди. Берне турган жойида қалқиб кетди.

– Нима?! Жак Соньер ўлдирибди? – унинг кўзларида ҳақиқий кўрқув намоён бўлди. – Аммо... қандай қилиб?

Энди эса ажабланиш навбати Софига келган эди:

– Сиз бобомни таниримидингиз?

Андре Берне юмшоқ чарм ўриндиққа ўзини ташлади.

– Биз Жак Соньер билан яқин дўст эдик. Уни қачон ўлдиришибди?

– Бир неча соат олдин. Луврда.

– Сизларга жуда муҳим бир саволни беришим керак, – у аввал Лэнгдонга, кейин эса Софига синчковлик билан тикилди. – Икковингиздан бирингиз унинг ўлимига дахлдормисиз?

– Йўқ! – хитоб қилди Софи. – Ҳеч қандай дахлимиз йўқ!

Берненинг қовоғи солиқ эди. У бир муддат жим ўтирди.

– Суратларингизни Интерпол ҳамма ёққа тарқатиб чиқибди. Шунинг учун ҳам таниб қолдим. Сизлар қотилликда айбланыпсизлар.

Софининг бутун вужуди музлаб кетди. “*Демак, Фаш Интерполга мурожаат қилибди-да?*!” Капитан бу ишдан яхшигина манфаат кутяпти чоғи. Шундан сўнг Софи Лэнгдон ким эканлиги-ю, Луврда нималар бўлганини қисқача айтиб берди.

– Бобонгиз ўлаётиб жаноб Лэнгдонни топишни буюрибдими?  
– ажабланди Берне.

– Ҳа. Мана бу калитни ҳам қолдирибди, – Софи олтин калитни стол устига қўйди.

Берне калитга қаради, аммо қўлига олмади.

– Бўлдими? Бошқа ҳеч нарса қолдирмабдими? Масалан, хатми ёки бирор қоғозми?

– Йўқ. Шунинг ўзи.

– Калитни ишлатиш учун ўнта рақамдан иборат кириш кодини билиш керак, – ночор хўрсинди Берне. – Акс ҳолда ундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Бу ўнта рақамни топиш учун ўн миллиард хил эҳтимолни кўриб чиқишга тўғри келади. Агар шифрлаш бўлимидаги энг кучли компьютерлар бараварига ишга солинган тақдирда ҳам, бунинг учун бир неча ҳафта кетади.

– Тушуниб турибмиз, месье. Балки сиз ёрдам бера оларсиз деб ўйлагандик.

– Афсуски, бу ўринда қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Мижозларнинг рақамларини ўзлари ва компьютер билади, холос. Банки-мизда махфийлик шу тарзда таъминланади. Албатта, ходимларининг хавфсизлиги ҳам.

Табииyki, банк таваккал қилишни хоҳламасди. Кимдир калитни ўғирлаши, кейин эса банк ходимларини гаровга олиб, рақамларни айтишга мажбурлаши мумкин-да.

– Ақалли бирор тахминингиз бордир? Бобом бу ерда нимани сақлаган?

– Йўқ, ҳатто тахмин ҳам айта олмайман. Бу қонун-қондаларинизга зид.

– Месъе Берне, вақтимиз жуда кам, – деди Софи. – Сиз билан очиқ-ойдин гаплашишга ижозат берсангиз, – у калитни ағдариб, Сион Приорати нишонини кўрсатди. – Ушбу белги ҳақида нима дея оласиз?

Берне лилия гулига қаради, унинг юзида аниқ ифодани кўриш мушкул эди.

– Қайдам. Кўпчилик мижозлар ўз калитларини турли нишонлар билан безаб олишади. Ўшанақалардан биридир-да.

Софи чуқур хўрсинди.

– Бу – «Сион Приорати» номи билан машҳур махфий жамиятнинг рамзи ҳисобланади.

Бу сафар ҳам Берне қилт этмади.

– Билмас эканман. Биз бобонгиз билан асосан бизнес ҳақида гаплашардик, – у бўйинбоғини тўғрилаб қўйди.

– Месъе Берне, – унга босим кўрсатишга давом этди Софи, – бобом бутун менга қўнғироқ қилиб, икковимизнинг ҳам ҳаётимизга катта хатар туғилганини, айрим нарсаларни топшироқчи эканлигини айтганди. Мана шу калитни қолдирибди. Энди эса бобом ҳаёт эмас. Тушунинг, сиз берадиган ҳар қандай маълумот жуда муҳим бўлиши мумкин.

Берненинг пешонасида майда терлар кўринди.

– Бу ерга тез орада полиция етиб келади, шунинг учун зудлик билан кетишингиз керак.

Софи ҳам жуда ташвишли эди. Аммо “чиқмаган жондан умид” қабилда яна бир уриниб кўрмоқчи бўлди.

– Бобом оилам ҳақидаги ҳақиқатни айтиб бермоқчийди. Балки сиз оилам ҳақида биларсиз?

– Мадемуазел, билганим шуки, оилангиз аъзолари автоҳалокатда вафот этишган, у пайтда сиз жуда кичкина бўлган эксансиз. Ж.к. сизни яхши кўрарди. Сиз у билан кўришмаётганингиз ҳақида бир неча марта афсус билан гапирган.

Софи нима дейишни билолмай қолди.

– Айтинг-чи, – суҳбатга аралашди Лэнгдон, – нима деб ўйлайсиз, сейф ичидаги нарса Сангралга алоқаси бўлиши мумкинми?

Берне унга ғалати қараб қўйди.

– Нимани назарда тутганингизни тушунмадим, – шу пайт қўл телефони жиринглаб қолди. – Ҳа! Нима? Полиция? – унинг юзи-

даги ташвиш аломатлари янаям аниқроқ кўрина бошлади. Берне французчалаб алақандай кўрсатмалар берди ва бир дақиқадан сўнг вестибюлга тушишини айтди. Телефонни ўчиргач эса, Софи-га қаради: – Полиция одатдагидан кўра тезроқ келибди.

Аmmo Софи бўш қўл билан қайтиш ниятида эмасди.

– Уларга ҳозиргина чиқиб кетганимизни айтинг. Банкда тинтув ўтказишмоқчи бўлса, албатта ордер талаб қилинг. Шунда озмоз вақт ўтади.

– Хоним, Жак билан дўстлигимиз ҳаққи сизларга ёрдам берман. Шошманг, бир дақиқа... банкдан билинтирмай қандай чиқиб кетишингиз мумкинлигини ўйлаб кўрай. Қолаверса, мени бу ишга аралашиб қолишим мутлақо мумкин эмас, – у ўрнидан турди-да, шошганча эшик томон йўналди. – Сизлар шу ерда кутиб туринглар, бир неча кўрсатмалар бериб қайтиб келаман.

– Тўхтанг, сейфни қандай очамиз? – сўради Софи.

– Кечирасизлар, бу масалада ёрдам бера олмайман.

У чиқиб кетди.

Софи ўйланиб қолди. Балки рақамлар бобоси ўн йил давомида йўллаган хатлардан бирортасига ёзилгандир. Хатларни очиб кўрса бўларкан-а.

Шу пайт Лэнгдон томонга ўтирилди-ю, юзидаги табассумни кўриб ҳайрон бўлди.

– Нимага хурсандсиз, Роберт?

– Сизнинг бобонгиз ҳақиқий даҳо!

– Тушунтириб гапирсангиз-чи!

– Ўнта рақам! Ишончим комилки, бобонгиз уни айнан бизга қолдирган!

У чўнтагидаги қоғозни чиқариб, стол устига қўйди.

13-3-2-21-1-1-8-5

Афтидан иблиснинг ҳамтовоғи!

Оҳ, ёвузликнинг турқи курсин!

P.S. Роберт Лэнгдонни топинг!

## ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ БОБ

– Ўнта рақам... – шивирлади Софи қоғоздан кўзини узмай.  
13-3-2-21-1-1-8-5

*“Бобом ҳисоб рақамини Луврда ёзиб қолдирган экан-да!”*

Паркет полга ёзилган Фибоначчи кетма-кетлигини биринчи марта кўрганида, бундан мақсад терговга криптография бўлимини, демакки, Софини ҳам жалб этиш, деб ўйлаганди. Сал ўтиб эса бу рақамли анаграмма эканини, кейинги сатрлар маъносини топиш учун хизмат қилишини тушунди. Мана энди гувоҳи бўлганидек, айни шу рақамлар бобоси ўз сирларини яширган сейфнинг калити ҳам экан.

Лэнгдон эса аллақачон электрон табло қаршисида турарди. Стол устидаги қоғозни олди-да, Софи ҳам ўша ёққа ошиқди.

Табло тагида худди банкка киришдаги каби учбурчак тешик кўриниб турарди. Экранда эса Швейцария депозитар банкининг хоч шаклидаги рамзи намоён. Вақтни бекор ўтказмай, Софи калитни тешикка суқди. Экрандан хоч тасвири йўқолиб, ёзув пайдо бўлди:

**ҲИСОБ РАҚАМИ**

Ўнта рақам... Софи овоз чиқариб, уларни айтиб турди, Лэнгдон эса компьютерда тера бошлади.

**ҲИСОБ НОМЕРИ 1332211185**

Охирги рақам киритилиши билан бир неча тилдаги ёзув чиқди. Энг биринчи сатр инглиз тилида эди:

**ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Илтимос, КИРИШ тугмасини босишдан олдин ҳисоб рақами тўғри терилганлигини текшириб чиқинг.

*Компьютер ҳисоб рақамингизни қабул қилмаса, хавфсизлигингизни таъминлаш мақсадида тизим автомат равишда ўз ишини тўхтатади.*

– Ҳм, тушунарли, – деди Софи қовоқ уйганча. – Афтидан, имкониятимиз жуда чекланганга ўхшайди.

Одатда банк карталарининг эгалари пин-кодни уч марта териб кўришлари мумкин бўлади. Бу қурилма эса кўпам оддий банкوماتга ўхшамайди.

– Ҳаммаси тўғри, – Лэнгдон ўзи терган рақамларни яна бир карра текшириб чиқди. Кейин эса КИРИШ тугмасига ишора қилди. – Қани, дадил бўлинг!

Софи кўрсаткич бармоғини тутма томон чўзди-ю, шу заҳотиёқ тортиб олди. Унинг хаёлига бошқача фикр келган эди.

– Бўла қолинг! – қистади Лэнгдон. – Ҳали замон Берне етиб келади.

– Йўқ. Бизга керакли рақамлар бу эмас.

– Нимага энди? Мана, ўнта рақам. Яна нима керак? – Лэнгдоннинг хуноби ошарди.

– Жуда ҳам тартибсиз бу рақамлар.

Жуда ҳам тартибсиз? Ахир ҳар бир банкда мижозларга пин-код сифатида тартибсиз рақамлар танлашни маслаҳат беришади. Бегона биров билиб қолмаслиги учун. Бу банк мижозлари эса ўта қиммат ашёларини сақлашади, турган гапки, уларга ҳам шундай маслаҳат беришган.

Софи экрандаги рақамларни ўчириб ташлади.

– Ҳар қандай ихтиёрий олинган рақамлар ўрнини алмаштириб, Фибоначчи кетма-кетлигини ҳосил қилиш мумкин эмас, ахир.

Бу гапда жон борлигини Лэнгдон ҳам фаҳмай бошлади.

Софи клавиатура ёнига келди ва рақамларни бошқача тартибда тера бошлади.

– Бобомнинг турли хил рамэлар ва махфий кодларга нисбатан муҳаббатини ҳисобга олсак, у шундай сонлар тўпламини танлаши керак эдики, бирор нимани эслатадиган, осон ёдда қоладиган бўлсин, – Софи рақамларни териб бўлди ва мийиғида кулиб қўйди. – У танлаган рақамлар бир қарашда тартибсиз туюлиши мумкин, аслида эса ундай эмас.

Лэнгдон экранга қаради.

**ҲИСОБ РАҚАМИ 1123581321**

Ҳа, Софи ҳақ эди.

Фибоначчи кетма-кетлиги.

**1-1-2-3-5-8-13-21**

*Доҳиёна ўйлаб топилган!*

Софи сал энгашиди ва бармоғи билан КИРИШ тугмасини босди.



Ҳеч қандай натижа кўринмади.

Ваҳоланки, банк ертўласидаги робот ишга тушиб кетган эди. Унинг пўлат чангали транспортёр бўйлаб сирғалиб борар ва узатилган маълумот асосида керакли қутини изларди. Унақанги қутилар бу ерда сон мингта. Ертўла гўё кичкина қабрчаларга тўла сағананинг ўзгинаси.

Мана, робот керакли қутини топди, электрон кўзи қути устидаги кодни текшириб кўрди ва уни ақл бовар қилмайдиган чаққонлик билан ушлаб, тепага кўтарди. Узатма механизм ҳаракатга келди, пўлат чангал ертўланинг нариги чеккасига борди ва тасмали конвейер устида тўхтади. Қутини конвейер устига оҳистагина қўйиб, ўзи эса чеккага сурилди.

Конвейер ҳаракатга тушиши билан Софи ва Лэнгдоннинг елкаларидан тоғ ағанагандай бўлди. Улар ўзларини юқини кутаётган сайёҳлардек ҳис қилишар эди. Ва ниҳоят конвейер тўйнути очилдию кичикроқ қора қути чиқиб кела бошлади. ғирллаб айланаётган конвейер, қути нақ Лэнгдон ва Софининг рўпарасига келганида тақатақ тўхтади.

Икковлари ҳам сирли қутини жимгина томоша қилишар эди.

Ҳаммаси рисоладагидек: темир лўкидон, оғир темир банд, код рақамлари тизилган пластина. Софи уни асбоб-анжомлар солиб қўйиладиган қутига ўхшатиб юборди.

Вақт жуда тифиз. Софи қутига яқинлашди ва лўкидонни сурди. Кейин эса Лэнгдонга қараб қўйганди, у ҳам келиб ёрдамлаша бошлади. Икковлон оғир қопқоқни очишди ва қути ичида нима борлигини билиш ниятида хиёл эгилишди.

Аввалига қути бўшдек кўринди. Йўқ, тагида нимадир бор экан.

Тўқ қизил рангдаги ёғочдан силлиқ қилиб ишланган қутича. Катталиги тахминан оёқ кийим солинадиган қутича келади. *"Буниқа ёғочни бобом жуда суярди"*. хаёлидан ўтказди Софи.

Эгилиб қутичани қўлига олди.

*"Ё Худойим, бунчалар оғир бўлмаса!"*

Қутичани авайлабгина стол устига олиб бориб қўйди. Лэнгдон ҳам унинг ёнига келди ва Жак Соньер йўллаган қутичани қизиқсиниб кўздан кечира бошлашди.

Профессор қутича қопқоғига ўйиб ишланган беш баргли атиргулга қаттиқ тикилиб қолган эди. Эҳ-ҳе, тимсолга неча марта лаб дуч келмаган эди у!

– Беш гулбаргли атиргул, – гудранди Лэнгдон, Приоратнинг Граал косасига ишора қилувчи тимсоли.

Софи кўзларини Лэнгдонга қадади. Унинг нималар ҳақида ўйлаётгани равшан. Қутичанинг ҳажми, оғирлиги, қопқоғидаги Приорат тимсоли – буларнинг бари битта хулосага олиб келади. “Қутича ичида Граал косаси бор”. Аммо профессорнинг бу гапга сира ишонгиси келмасди.

– Катталиги коса учун мос, – шивирлади Софи.

Софи қутичани очмоқчи бўлиб ёнига тортди. Жойидан жилдирган эди ҳамки, ичида нимадир қултиллади.

“Қизиқ-ку, ичида суюқлик бормикан?”

– Сиз ҳам эшитдингизми? – сўради Софи.

Лэнгдон бошини ирғади:

– Суюқлик.

Софи оҳисталик билан қопқоқни кўтарди. Бунақанги нарсани Лэнгдон ҳеч қачон кўрмаган. Шуниси аён бўлдики, қутича ичидаги нарса Граал косаси эмас экан.

## ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

– Полиция кўчаларни тўсиб қўйибди, – деди Андре Берне ичкарига кираркан. – Энди бу ердан чиқиб кетишингиз анча қийин бўлади. – У эшикни ёпгачгина хонада нималар содир бўлганини фаҳмлаб, турган жойида қотиб қолди.

Софи шу заҳоти ёғоч қутининг қопқоғини ёпиб қўйди.

– Кўриб турганингиздек, биз барибир ҳисоб рақамини билиб олдик, – деди у.

Берне лом-мим демасди. Юзага келган назият ҳамма нарсани тамомила ўзгартириб юборар эди. У қутичадан нигоҳини олиб қочди ва бундан кейин нима қилиши кераклигини ўйлади. “Уларни албатта банкдан чиқариб юборишим керак!” Ҳамма йўллар ёпиқ экан, демак, биттагина чора қоляпти.

– Невё хоним, агар банкдан чиқиб кетишингизга ёрдам берсам, қутичани ўзингиз билан олиб кетасизми ёки сейфга қайтарасизми?

Софи аввал Лэнгдонга, кейин эса Бернега қараб олди.

– Уни олиб кетишимиз зарур.

– Жуда соз. Қутичани пиджакка ўраб олганингиз маъқул деб ўйлайман, ходимларимизнинг кўзи тушмасин.

Лэнгдон у айтгандай қилди. Берненинг ўзи эса конвейер ёнига келиб, бўш қутининг оғзини ёпди, компьютерда нималарнидир терган эди, тасма ҳаракатга келиб, қутини ер остига олиб кетди. Олтин калитгни тешикчадан чиқариб, Софига узатди, кейин эса чиқиш томон ишора қилди:

– Марҳамат қилиб бу ёққа юрсангиз, иложи борича тезроқ ҳаракат қилишимиз керак.

Улар юк лифтида бош вестибюлга қўшни бўлган хонага тушишди. Ер ости гаражида эса қўл фонарларининг ёруғи кўринарди. Демак, полициячилар теварак-атрофни тинтиб чиқишяпти. “Энди нима қиламан?” – ўйлади Берне. – Уларни чиқариб юбора олмасам-а?..” Бу фикрдан унинг вужудига титроқ кирди.

У банкнинг кичкина, зирҳланган юк машинасини кўрсатди.

– Орқасига чиқиб, яшириниб олинглар. – шундай деб оғир эшикни очди. Машина ичи ҳам пўлатдан ясалган бўлиб, ялтираб турарди. – Мен ҳозир келаман.

Софи ва Лэнгдон машинага чиқиб олишди. Берне ҳам зум ўтмай қайтиб келди. Эгнига ҳайдовчилар куртқасидан кийиб, юзи яхши кўринмаслиги учун эса кепкани пешонасигача бостириб олибди. У юк бўлимида турган Софи билан Лэнгдонга қаради.

– Балки керак бўлиб қолар, – деди Берне ва кузов шифтидаги чироқни ёқиб қўйди. – Менимча, ўтириб олганингиз дуруст. Дарвозадан чиқиб олмагунимизча умуман товуш чиқарманглар.

Полнинг муздеклиги этни жунжиктириб юборса-да, ўтиришга мажбур бўлишди. Лэнгдон пиджакка ўралган қутичани бағрига маҳкам босиб олган эди. Берне эшикни ёпиб, рулга ўтди ва машинани ўт олдириди.

Машина йўлакдан юриб бораркан, Берненинг пешонасидан совуқ тер қуйилиб келарди. У полициячилар бунчалик кўп деб ўйламаган эди. Мана, аввал ички, кейин эса ташқи дарвозалардан ўтиб, кўча томонга чиқишди. “*Чиқаверишни полициячилар тўсиб олганини ҳисобламасак, ҳаммаси жойида*”. ўйлади Берне.

Таваккал қилишдан бошқа чора йўқ. У пешонасидаги терни артаркан, машинани олға ҳайдади.

Олдиндаги полиция машинасидан бўйи узун офицер тушди ва қўли билан тўхтатишни буюрди. Банк биноси олдига полициячиларнинг яна тўртта машинаси турган эди.

Берне тўхтади. Кепкасини янаям бостириб олди ва юзидаги қаҳр-ғазабни иложи борича яширишга тиришди. У машина эшигини очди, аммо пастга тушмай, полициячига қаради.

– Нима гап, тинчликми? – атайин қўпол оҳангда сўради Берне.

– Мен Жером Коллемен, судлов полицияси лейтенанти, – ўзини таништирди полициячи. – Машинангизда нима бор?

– Қаердан билай? Мен атиги ҳайдовчиман.

– Биз иккита жиноятчини қидиряпмиз.

Берне кулиб юборди.

– Унда мўлжални тўғри олибсизлар. Мен хизмат кўрсатадиган одамларнинг пуллари шунчалик кўпки, уларни ҳақиқий жиноятчилар деб ўйлайман.

Полициячи унга Роберт Лэнгдоннинг паспортидан катталаштирилган суратини кўрсатди:

– Айтингчи, шу одам бугун банкингизда бўлдим?

Берне елкасини қисди.

– Мени билади деб ўйлаяпсизми? Биздақаларни мижозларга умуман яқин йўлатишмайди. Яхшиси, ичкарига кириб навбатчидан сўранг.

– Аммо банк бошлиғи тинтув учун ордер сўраяпти. Ҳозирча ордерибиз йўқ.

– Бир пулга қиммат бюрократлар! – ғазаб билан деди Берне. – Бўлди, ортиқ гапирманг улар ҳақида, йўқса жазавам қўзиб қолади.

– Илтимос, орқа эшикни очиб, машина ичида нима борлигини кўрсатсангиз.

Берне унга чақчайиб тикилди ва қаттиқ кулиб юборди:

– Очинг? Менда калит бор эканми? Улар бизга ишоничарканми?

Агент ишонқирамай қараб турарди.

– Нима, сизда машинанинг калити йўқми?  
– Ўт олдириш учунгина бор. Юкхонанинг калити эса йўқ. Юкларни ортиб бўлгач, юкхонанини ичкаридаёқ муҳрлаб қўйишади. Ҳайдовчи эса машинани керакли манзилга олиб боради, холос. Юкхонани ўша ерда очишади. Биз йўлга чиқишдан олдин уларга қўнғироқ қилиб, калитлари бор-йўқлигини сўраймиз. Шундан кейингина йўлга чиқамиз. Хуллас, мен нима олиб кетаётганимни ҳеч қачон билмайман.

– Бу машина юкини қачон муҳрлашди?

– Бирор соат олдин бўлса керак. Мен Сен-Туриалга боришим керак. Юкхонанинг калити ўша ерда.

Колле жавоб бермади, у Бернега қаттиқ тикилган, гўё фикрларини ўқиб олишга уринаётгандек кўринарди.

– Энди ўтиб кетсам бўладими? – сўради бурнидаги терни енги билан артаркан. – Йўл узоқ, вақт кетяпти.

– Айтинг-чи, сиздаги ҳамма ҳайдовчилар «Ролекс» тақиб юришадими?

У Колле ишора қилган қимматбаҳо қўл соатига қаради. Қовун тушириб қўйибди-ку! Бироқ шу заҳотиёқ ўзини қўлга олди.

– Ҳа, буми? Сен-Жермен-де-Пре кўчасида савдо қилувчи бир тайванликдан йигирма еврога олган эдим. Сизга қирқ еврога беришим мумкин.

– Йўқ, раҳмат, керак эмас, – деди Колле бир оз тайсалланиб тургач. Ниҳоят у чекинди: – Бораверинг, оқ йўл.

Машина банк биносидан узоқламагунча Берне нафасини ичига ютиб кетди. Энди эса унинг олдида бошқа бир муаммо бор: бу одамларни қаёққа олиб борса экан?

## ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

Сайлас хона ўртасида, каноп тўшама устида чалқанча ётар, орқасидаги янги яраларнинг жазиллаши бир оз босилишини кутарди. Бугунги ўз-ўзини жазолаш анча ҳолдан тойдириб қўйди. Боши тинимсиз айналанаётган эди. Устига-устак тиканли боғичини ҳам ечганича йўқ.

*“Мен Черков ишончини оқлай олмадим.*

*Энг ёмони, епископнинг ишончини оқлай олмадим”.*

Бугун епископ Арингароса учун бошқача кун. Бундан беш ой муқаддам Ватикан расадхонасидаги учрашувдан қайтгач, у қаттиқ тушқунликка тушиб қолганди. Кейин Сайласга дардини ёрди.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилди Сайлас. – Ишонмайман!

– Бу бор гап! – деди Арингароса. – Қанчалик ақл бовар қилмаса ҳам, аммо ҳақиқат. Атиги олти ойдан сўнг.

Епископнинг сўзлари Сайласни қаттиқ кўрқитиб юборди. У мудом епископни дуо қилар, ҳатто ўша қора кунларда ҳам Худога ва «Йўл»га бўлган эътиқодини асло йўқотмади. Бир ой ўтгач эса, бошлари узра йиғилган қора булутлар тарқаб, умид учқунлари ёғдулана бошлаганини билди.

– Сайлас, – пичирлади Арингароса, – Тангри биздан марҳаматини аямай, «Йўл»ни ҳимоя қилиш учун имконият берди. Биз олиб борадиган жанг ҳам ўзга жанглار сингари қурбонлар талаб қилади. Сен Парвардигори оламнинг аскарини бўлишга тайёрмисан?

Сайлас унга янги ҳаёт инъом этган епископ Арингароса қаршида тиз чўкди:

– Юрак қаерга буюрса, ўша ёққа юбораверинг. Мен ҳаммасига тайёрман.

Арингароса улар олдида очилажак имкониятлар ҳақида сўзлаб бергач, бу ишлар Тангрининг инояти ила содир бўлаётганини тушунди. Епископ уни ушбу режани таклиф қилган одам билан боғлади. У одамни Устоз дейишар экан. Гарчи Сайлас Устоз билан ҳеч қачон учрашмаган, фақат телефон орқали гаплашсада, уни қаттиқ ҳурмат қилар, иймонининг мукамаллиги ва дастининг узунлигидан ҳайратга тушарди. Устоз ҳар доим ҳамма нарсадан хабардор. Шунча ахборотни қаердан олади, тушуниш қийин.

– Устоз сенга нимани амр этса, албатта, бажар, – уқтирарди Арингароса. – Шунда ғалаба биз томонда бўлади.

Ғалаба қаёқда эмиш! Устозни алдашибди. Пойдевор тошини тополмади. Барча ҳаракатлар беҳуда бўлди.

Сайлас епископ Арингаросага кўнғироқ қилиб, бўлган воқеалардан огоҳ қилмоқчи бўлди, бироқ бугунчалик улар билан боғлана олишмайди. Хавфсизлик важдан Устоз тақиқлаб қўйган.

У оҳиштагина ўрнидан турди. Полда ётган сутанаси чўнтагидан уяли телефонини олди-да, минг хижолат ичида керакли рақамни тера бошлади.

– Устоз, – шивирлади Сайлас, – ҳаммаси барбод бўлди.

Кейин эса бўлиб ўтган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб берди.

– Эътиқодинг бунчалар мўрт бўлмаса! – танбеҳ берди унга Устоз. – Ҳозиргина биз учун кутилмаган бир хушxabар олдим. Жак Соньер ўлими олдидан маълумот беришга улгурибди. Яқин ўртада кўнғироқ қиламан, кут! Ишимиз ҳали поёнига етганича йўқ.

## ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

Зирҳли машинанинг хира ёритилган юкхонаси қамоқхонадаги бир кишилик камерани эслатарди. Лэнгдон тўрт томони ёпиқ жойларда бўлишдан кўрқади, айнаи дамда ана шу кўрқув ҳиссини енгилла тиришар ва Берне уларни қаёққа олиб кетаётгани ҳақида ўйларди: *“Шаҳардан ташқарига олиб бориб қўйман деганди. Аммо айнан қаерга? Қачон етиб борамиз?”*

Темир полда мук тушганча ўтираверганидан Лэнгдоннинг оёқлари увушиб, оғриб қолганди, ўтиришини ўзгартирди.

– Менимча, катта йўлга чиқиб олдик, – шивирлади Софи.

Чиндан ҳам шунақа, шекилли. Ўқ ўтмас шиналар асфалт йўлда бир маромда кетаётганини сезиш қийин эмас. Лэнгдон маҳкам босиб келаётган пиджагини ерга қўйди ва ичидан қутичани олди. Софи ҳам унинг ёнига сурилди. *“Байрам совғасини томоша қилаётган болаларга ўхшаймиз-а”*, хаёлидан ўтказди профессор. Қутича қопқоғидаги атиргул тасвирини ҳатто ним қоронғиликда ҳам яққол кўриш мумкин эди. Кўпгина армиялар, динлар, яширин жамиятлар ана шу тимсолдан фойдаланишган.

– Бўлсангиз-чи, – шоширди Софи. – Очақолинг.

Қопқоқни кўтаришдан олдин Лэнгдон чуқур хўрсинди ва ҳайрат тўла нигоҳларини сўнгги бор беш баргли гулга қадади. Кейин эса лўкидонни суриб, қутичани очди.

Лэнгдон қутича ичида нима бўлиши мумкинлиги ҳақида жуда кўп ўйлаган эди. Энди эса у илгари сурган тахминларнинг бирортаси ҳам ўз тасдиғини топмаганига гувоҳ бўлиб турибди. Қутича ичига тўқ қизил ипак қопланган бўлиб, бир қарашда у ердаги нарсанинг нималигини тушуниш мушкул эди.

Оқ тусли силлиқ мрамардан ишланган цилиндр, катталиги теннис коптокчалари солиб қўйиладиган идишча келади. Бироқ цилиндр яхлит бўлмай, ўрталарига нафис мис тасмалар ўтказилган бешта лаппакдан иборат эди. Цилиндрнинг ҳар икки учи ҳам мрамар қопқоқ билан мустаҳкамлангани учун ичидаги нарсани кўриб бўлмасди. Бироқ суюқлик борлиги аниқ, қултиллаб турибди.

Ҳаммасидан ҳам цилиндр юзасига ўйиб ёзилган ҳарфлар Лэнгдонни кўпроқ қизиқтириб қўйди. Ҳар бир лаппакда биттадан алифо.

– Лолман, – шивирлади Софи. Лэнгдон унга қаради.

– Жуда қизиқ. Нима экан ўзи бу?

Софининг кўзида учқунлар шуғъаланди.

– Эсладим! Бунақа нарсаларни ёғочдан яшаш бобомнинг севимли машғулоти эди. Аслида эса бу Леонардо да Винчининг ихтироси ҳисобланади.

Кузовда ҳукмронлик қилаётган ярим қоронғуликда ҳам Робертнинг ажабланишини кўриш мумкин эди.

– Да Винчининг ихтироси? – ажабланиб сўради у.

– Ҳа. Бу криптекс деб аталади, – бугун бўлиб ўтган жами воқеаларни хаёлидан ўтказар экан, Софи ўзича хулоса чиқарди: – Худди сейфга ўхшаган нарса, ичида махфий маълумотлар сақланади.

Софи Жак Соньернинг ҳунармандлик бобидаги муваффақиятлари ҳақида сўзлай бошлади. Бобоси бўш қолди дегунча, Леонардо да Винчининг хомаки ёзувларига асосланиб, турли буюмлар яшашга киришарди.

Да Винчи амалга ошмай, чизмаларига қанчалик кетган кашфиётлари билан ҳам донг таратган. Соньер ана шу лойиҳаларни рўёбга чиқаришга аҳд қилган эди. У хронометрлар, сув насосла-



ри ва ҳатто француз рицарининг роботини ҳам ясади – ҳозир робот Луврдаги хонасида турибди. Леонардо томонидан 1495 йили анатомия ва ирсиятни ўрганиш мақсадида лойиҳаланган бу робот-рицар махсус механизм билан таъминланган бўлиб, мазкур механизм унинг ҳамма бўғимларини ҳаракатга келтирарди. Робот ўтира олади, қўлини, бошини қимирлатади, оғзи очилиб-ёпилади. Софи қурол-аслаҳалар тақиб олган рицарни бобосининг энг яхши ишларидан бири деб ҳисобларди... Бугунги криптексни кўрмагунича.

– Кичкиналагимда бобом менга ҳам шунга ўхшаш нарса ясаб берганди. Лекин бунақанги чиройлисини энди кўришим.

Лэнгдон кўзларини қутичадан узмасди.

– Мен эса криптекслар ҳақида умуман эшитмаганман.

Софи бу эътирофдан ажабланмади. Леонардонинг амалга ошмаган аксар кашфиётлари деярли ўрганилмаган, табиийки уларга ном ҳам қўйилмаган. Ҳойнаҳой, “криптекс” атамасини Соньернинг ўзи ўйлаб топган бўлса керак.

Машинаси равон йўлда физиллаб кетар, Софи эса Леонардо яратган криптекс туфайли ахборотни узоқ манзилларга хавфсиз узатиш муаммоси ҳал бўлганини тушунтирар эди. Қадим замонларда телефон ҳам, электрон почта ҳам бўлмаган-ку. Одамлар ўзларининг махфий номаларини чопарлар орқали жўнатишар эди. Кўпинча чопарлар нафс қутқусига учиб, номани керакли манзилга етказишмас ва манфаатдор шахсларга пуллашарди.

Ҳар қандай замонда ҳам даҳо кишилар ахборотни ҳимоя қилиш масаласи устида бош қотиришган ва шу тариқа шифрлашни ўйлаб топилди. Масалан, Рим ҳукмдори Юлий Цезар “Цезар қутичаси” номини олган кодли хат ёзишни ихтиро қилган. Шотландия маликаси Мария эса қамоқхонадан битган мактубларида ҳарфлар ўрнини алмаштириб қўярди. Ва ниҳоят, буюк араб олими Абу Юсуф Исмоил ал-Киндий бир неча алифболар ҳарфларидан фойдаланган ҳолда шифр тузиб, ўз сирларини яшира олган.

– Бизга калит сўз керак, – деди Софи лаппаклардаги ҳарфларга ишора қиларкан. – Агар лаппаклар керакли тартибда тизиб чиқилса, цилиндр қисмларга ажраб кетади.

– Ичидачи?

– Ичида махфий ахборот битилган хатми, бошқа бирор нарсами сақланиши мумкин.

– Биз уни бўлиб ташласак-чи? Ёки синдириш мумкиндир?

Софи табассум қилди:

– Сизнингча, да Винчи бу ҳақида ўйламабдимиз? Агар криптексга босим кўрсатилса, ичидаги маълумот ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, – у криптексни қутича ичидан авайлабгина олди. – Бу ердаги маълумот папирусга ёзилган.

– Ие, терига эмасми?

– Йўқ, айнан папирусга, – бош чайқади Софи. – Тўғри, тери анча мустаҳкам ҳисобланади, бироқ махфий ахборот ҳар доим папирусга ёзилган. Папирус қанча юпқа бўлса, шунча яхши.

– Тушунарли.

– Папирусни криптекс ичига жойлаштиришдан олдин суюқлик тўлдирилган юпқа шишачага ўрашган, – Софи криптексга энгилгина силкитган эди, суюқлик овози эшитилди.

– Шишача ичида қанақа суюқлик бор? – навбатдаги саволини берди Лэнгдон.

– Сирка!

– Демак, криптексга ўзимизча қисмларга ажратмоқчи бўлсак, ичидаги шишача синиб, сирка папирус ўрамини эритиб юбораркан-да? Жуда зўр ўйлаб топилган! Гап бўлиши мумкин эмас!

– Тўппа-тўғри. Кўриб турганингиздек, махфий маълумотни олиш учун калит сўзни билиш керак, – деди Софи. – Ҳар бир лаппакка йигирма олтитадан ҳарф битилган. Йигирма олтини бешга кўпайтирсак... тахминан ўн икки миллион хил вариант келиб чиқади.

– Бунча вариант кўплик қилади, – деди Лэнгдон. – Қизиқ, криптекс ичида қандай маълумот бор экан?

– Қанақалигидан қатъи назар, битта нарса аниқ: бобом уни жон-жаҳди билан сир тутишга уринган, – Софи қутичани ёпди ва бир муддат унинг қопқоғидаги атиргул тасвирини томоша қилди. У нимадандир безовта бўла бошлаганди. – Агар хотирам панд бермаётган бўлса, Атиргул Граал косасининг рамзий белгиси дегандингиз, шундайми?

– Тўғри.

– Ғалати-ку. Бобом ҳар доим “атиргул сириинг тимсоли” дерди. Уни безовта қилишимни истамаса эшигига атиргул осиб қўярди.

– Бу қадимги римликлар одати, – тушунтирди Лэнгдон. – Бирор хонада махфий учрашув кетаётган бўлса, эшик ташқарисига атиргул илиб қўйишган. Умуман, sub rosa, яъни атиргул белгиси остидаги ҳамма нарса сир тутилиши лозим бўлган. Атиргулнинг Сион Приорати томонидан танланиши бежиз эмас. Ушбу ўсимликнинг rosa rugosa деб аталувчи қадимги турининг бешта гулбарги бўлган. Гулбарглар эса йўл кўрсатувчи Венера юлдузи сингари беш қиррали симметрия бўйича жойлашган. Атиргул тасвирининг аёллик ибтидоси билан боғланишига сабаб ҳам шу эди.

Ғапини тутатиши билан Лэнгдоннинг бирданига юзи тундлашди.

– Нима бўлди, Роберт, нима гап?

– Бўлиши мумкин эмас! Атиргул белгиси остида... Криптекс ичида нима борлигини биламан, шекилли...

## ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

Лэнгдоннинг ўзи ҳам бу тахминга аранг ишонаётган эди. Бирок криптексни уларга ким қолдиргани, уни қай тарзда олишгани, қолаверса, қутича қопқоғидаги атиргул тасвири ҳисобга олинса, фақатгина битта хулоса келиб чиқяпти.

– Биласизми, менимча бунинг ичида пойдевор тоши бор, – у криптексга имо қилди.

– Нималар деяпсиз, қанақанги тош?

– Йўқ, сиз тўғри маънода тушунманг, Софи. Приоратнинг пойдевор тоши – бу кодлаштирилган харита бўлиб, унда Граал косаси қаерга яширилгани кўрсатилган.

Ҳаяжонланганидан Софининг ҳатто ранги оқариб кетди.

– Демак, криптекснинг ичида харита борми?

Лэнгдон индамай қўя қолди. Унда бундан бошқа тузук-қуруқ тахмин йўқ эди.

Сўнги ўн йилликлар давомида тарихчилар ва олимлар пойдевор тошини француз черковларидан излашяпти. Улар буни гумбазлар тепасида ишлатиладиган понасимон тош деб ўйлашар, ну-

қул атиргул тасвири туширилган меъморчилик обидаларини ўрганиш билан банд эдилар. “Пойдевор тоши” жумласини тўғри маънода тушуниб, уларнинг бари қаттиқ янглишган.

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, – деди Софи. – Биринчидан, у эски эмас, ишончим комилаки, уни бобом ўз қўллари билан ясаган. Иккинчидан, Граал ҳақидаги афсоналарнинг унга алоқаси йўқ.

– Бироқ пойдевор тоши атиги бир неча ўн йил олдин Приорат аъзоси томонидан яратилган эмиш! Бу жуда кенг тарқалган фикр.

– Майли, криптекснинг ичида пойдевор тоши бор ҳам дейлик, бобом нима учун бу сирни менга ишониб топшириши керак? Мен ахир криптексни қандай очишни билмайман, умуман, Граал косаси нималиги ҳақида тўла тасаввурга эга ҳам эмасман.

Софи ҳақ эканлигини Лэнгдон тушунди. Ҳали Граал косасининг асл моҳияти ҳақида тушунтириб беришга улгургани йўқ. Бу ҳикояни кейинроққа қолдиришга тўғри келади, ҳозир энг асосийси – пойдевор тоши.

Профессор пойдевор тоши ҳақида билганларини айтиб берди. Мишмишларга қараганда, Приоратнинг энг муҳим сирини бўлиши Граал косаси яширилган жой бир неча аср давомида ёзма кўринишда баён этилмаган. Бу ҳақида биродарлик етакчиларига фақат оғзаки гапирилган. Бироқ электрон сўзлашув мосламаларининг пайдо бўлиши Приорат анъанасига путур етказди. Энди унинг аъзолари Граал яширилган жойини умуман тилга олмасликка қасам ичишган.

– Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, пойдевор тоши яратилган. Приоратни бошқарувчи тўрт етакчидан бири вафот этса, унинг ўрнига оддий аъзолар орасидан номзод изланади. Аммо унга Граал қаердалигини айтишдан олдин обдон синовлардан ўтказишади. Ҳа-я, яна бир нарса... Агар криптекс ичида чиндан ҳам пойдевор тоши бўлса, бобонгиз ўша етакчилардан бири эканлигига шубҳа қолмайди...

– Мен бунга ишонаман, – деди секингина Софи. – Бобом биродарликнинг энг катта бошлиғи эди.

– Нима, у Улуғ уста бўлганми? Сиз қаердан биласиз?

– Ногоҳ гувоҳ бўлиб қолганман, – Софи ўтирилиб олди. Ўн йил олдинги воқеа унинг қалбига ҳали-ҳануз азоб бериб келмоқда. – Бу ҳақида гапиргим келмайди.

Лэнгдон ўз қулоқларига ишонмасди.

*“Жак Соньер Улуғ уста бўлганми? Ақл бовар қилмайди!”*

Приорат етакчиларининг ҳар бири кўзга кўринган жамоат арбоблари, фавқулодда истеъдод соҳиблари бўлишган. Леонардо да Винчи, Исаак Ньютон, Виктор Гюго, Жан Кокто... Бу ҳақида Париж миллий кутубхонасида ўқиган эди. 41m1 249 рақамли каталог. Махфий жамиятлар билан шуғулланувчи ҳар қайси олим, Граални изловчи ҳар ким ушбу каталогни жуда яхши билади.

*“Хўш, нима учун Жак Соньер Улуғ уста бўлмаслиги мумкин?”*

Айнан бугун Жак Соньер билан учрашмоқчи бўлгани эсига тушиб, Лэнгдоннинг вужуди музлаб кетди. *“Приоратнинг Улуғ устаси учрашишни таклиф қилибди-я? Лекин нима сабабдан? Шунчаки валақлашиш учун эмасдир?”* Приорат бошлиғи пойдевор тошини ҳам, америкалик олимни ҳам топишни набирасига бежиз буюрмаганини у ич-ичдан ҳис этиб турарди.

Нима учун ахир?

Эҳтимол, Соньер ўлимидан кўрққандир. Унинг уч ноиб-чи? Улар ҳам айни сирни билишади-ку. Соньернинг ўн йил олдин аразлашиб қолган набирасига пойдевор тошини ишониши мантиқсизлик эмасми? Устига-устак Лэнгдондек бегона бир одамнинг ҳам бу ишга жалб этилиши...

*“Бу жумбоқда биз билмайдиган яна бир ҳалқа бор”,* хаёлидан ўтказди Лэнгдон.

Шу маҳал машинанинг юриши секинлашди, шиналар остидаги шағалнинг гичирлаши аниқ эшитилаётган эди. Софи ва Лэнгдон ҳушёр тортиб қолишди. *“Берне нима учун тўхтаяпти? Нима, етиб келдикми?”* Юк машинаси силкиниб-силкиниб кетарди, ёмон йўлдан юришяпти чоғи. Софи шошилибгина қутичанинг қопқоғини ёпиб қўйди, Лэнгдон эса уни пиджагига ўради.

Машина тўхтаса ҳам, мотори ишлаб турарди. Орқа эшик очилгач, ўрмонга келиб қолишгани аён бўлди. Рўпарада Берне пайдо бўлди, қўлида тўппонча.

– Кечирасизлар, – деди у, – бошқа иложим йўқ...

## ҚИРҚ ТҰҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Мени қалтис йўл тутишга мажбур қилмассизлар деган умид-даман, – деди Берне. Унинг кўзларида ёнаётган қатъият нияти астойдил эканидан дарак бериб турарди. – Энди эса қутичани пастга қўйсангиз.

Қутичани Софи кўтариб олганди.

– Ахир сиз бобомнинг дўстисиз-ку!

– Жак Соньер мулкени сақлаш – менинг бурчим, – жавоб қайтарди Берне. – Айнан шу иш билан ҳозир шуғулланыяпман.

– Бу нарсани бобомнинг ўзи менга ишониб қолдирган!

– Қўйинг!

Софи буйруқни бажарган ҳолда қутичани оёқлари остига қўйди. Берне эса тўппончани Лэнгдонга тўғрилади.

– Энди эса жаноб Лэнгдон, қутичани менга узатиб юборинг. Бу ишни сизга топширганим сабаби шуки, сизни ўйлаб ўтирмай отиб ташлайверишим мумкин.

– Сизга бунинг нима кераги бор? – сўради профессор ундан.

– Хўш, нима деб ўйлайсиз? – бақирди Берне. – Мен ҳар доим ўз мижозларим мулкени ҳимоя қилганман ва бундан кейин ҳам ҳимоя қиламан!

– Биз сизга мижоз эмасмизми? – эътироз билдирди Софи.

– Невё хоним, олтин калитни ва ҳисоб рақамини қандай қилиб олганингизни билмайман, аммо шуниси аниқки, бу ишни алдов ёки ёвузлик орқали қилгансиз. Ашаддий жиноятчи эканликларингизни билганимда эди, банкдан чиқиб кетишингизга асло ёрдам бермаган бўлардим.

– Аввал ҳам айтгандим-ку, бобомнинг ўлимига ҳеч қандай алоқамиз йўқ!

Берне ўз нигоҳини Лэнгдонга қадади.

– Радиодан хабар беришди, сизларни фақат Жак Соньернинг эмас, балки яна учта одамнинг ўлимида айблашяпти!

– Нима?! – бақириб юборди Лэнгдон.

«Яна уч кишининг ўлими? Ноибларнинг учови ҳам ўлибди-да? Демак, чиндан ҳам Соньер иложсиз қолган. Пойдевор тошини кимгадир қолдириши керак бўлган».

– Мен сизларни полицияга топширгач, ҳаммаси ойдинлашади,  
– деди Берне. – Шундоғам банким обрўсига катта путур етди.

Софининг кўзлари ғазабдан ялтиллаб кетди.

– Бизни кўпам полицияга топшироқчига ўхшамасиз! Акс  
қолда банкка қайтариб олиб борган бўлардингиз. Сиз эса алла-  
қандай ўрмонга олиб келиб, тўппонча ўқталиб турибсиз!

– Сонъер мени ўз мулкени ва у ҳақидаги маълумотларни сир  
тутишим учун ёллаган. Қутича ичида нима борлигидан қатъи на-  
зар, уни ашъвий далил сифатида полицияга топшириш ниятим  
йўқ. Тушунарлими? Жаноб Лэнгдон, менга қутичани узатиб юбо-  
ринг!

Софи бошини сарак-сарак қилди:

– Берне, бундай қилманг!

Шу тоб гумбурлаган овоз янграб, ўқ бошлари узра ўтиб юкхо-  
нанинг пўлат томига тегди ва пастга тушиб юмалаб кетди. Софи  
ҳам, Роберт ҳам чўчиб туришди.

– Жаноб Лэнгдон, қутичани олиб, менга узатинг!

Лэнгдон қутичани кўтарганча аста-секинлик билан эшикка  
яқинлаша бошлади.

*«Нимадир қилиш керак! Наҳотки пойдевор тошини унга  
бериб қўйсам! Балки тепадан устига сакрасаммикан?»* Аммо  
Берне худди унинг фикрини уққандай бир неча қадам орқага ти-  
сарилди.

– Қутичани эшик олдига қўйинг! – буйруқ берди у.

Бошқа илож йўқ эди.

– Энди эса туринг.

Лэнгдон ўрнидан тураётиб оёғи остида ётган гилзани кўриб  
қолди. Уни сездирмайгина тепиб юборган эди, нақ эшик қирғоғи  
билан юкхона девори ўртасига бориб тушди. Кейин эса батамом  
қаддини ростлаб, ичкарига йўналди.

– Орқароққа ўтиб, ўтирилинг!

Берненинг юраги гупиллаб ураётган эди. Ўнг қўлидаги тўп-  
пончани асирлари томон ўқталганча, чап қўлини қутичага узатди.  
Оғиргина экан. Иккала қўли билан олмаса бўлмайди. Софи ва  
Лэнгдон ўн беш футча нарида, юкхона деворига қўлларини тира-  
ган кўйи, орқа ўгириб туришибди. Берне тўппончани бамперга

қўйди. Қутичани тезлик билан кўтарди-да, ерга қўйди. Кейин эса тўппончани яна ўқталди. На Софи ва на Лэнгдон қилт эт-масди.

Жуда яхши. Энди эшикларни ёпиб, юкхонани қулфлаш қолди холос. Берне қутичани ерга қўйиб, эшикни ёпди. Зулфинни чапга тортиб, илгакка туширмоқчийди, уддасидан чиқолмади. Зулфинни қаттиқроқ тортди. Яна бўлмади. *“Жин урсин, нима қилди? Эшик охиригача ёпилмадимикан?”* У бор кучи билан эшикни итара бошлади. Ҳам қўрқув, ҳам чарчоқ сабаб пешона-сидан реза-реза тер оқарди. Бутун гавдасини эшикка ташлади-ю, бир нарса қарсиллаб, эшик зарб билан нақ юзига урилди. Берне ерга гурсиллаб йиқилди, тўппончаси эса қўлидан қаёққадир учиб кетди. У тизиллаб қон оқаётган бурнини маҳкам қисганча букчайиб ётиб қолди.

Тўсатдан ёнида Роберт Лэнгдон пайдо бўлди. Берне ўрnidан туришга уринган эди, кўз олди қоронғилашиб яна йиқилди. Софи Невё эса алланималар деб бақирарди. Бир неча сониядан сўнг ҳаммаёқ чангиб, машинадан чиқаётган газнинг ҳиди атрофии тутиб кетди. Берне бир амаллаб ўтириб олганида катта тезликда узоқлашаётган юк машинасининг орқа бамперини кўриб қолди. Шу маҳал нимадир қарсиллади. Олд бампер кичкина дарахтга илиниб қолган экан. Машина шитоб билан олдинга интилди-ю, бампернинг ярми узилиб тушди. Мана, у бетон тўсиқдан ошиб ўтди ва шиналари остида учқунлар сачраганча бир зумда кўздан йўқолди.

Берне атиги бир неча сония олдин юк машинаси турган жойга қаради. Ҳатто ой нурида ҳам кўриш мумкин: у ерда ҳеч нарса йўқ. Ёғоч қутича ғойиб бўлган эди!

## ЭЛИГИНЧИ БОБ

Мана, Гандольфо қасри тобора ортда қолмоқда. Қора “Фиат”нинг орқа ўриндиғида ўтирган епископ Арингароса қимматбаҳо қоғозлар солинган портфелга қараб мамнун кулимсирарди.

*“Йигирма миллион евро”.*

Эҳ-е, бу пулларга ҳокимиятдан ҳам қимматроқ нарсани сотиб



олса бўлади.

Ширин хаёллар оғушида кетаётган Арингароса шу пайтгача Устоз қўнғироқ қилмаганини тўсатдан эслаб қолди. У шошганча сутанаси чўнтагидан уяли телефонини олди.

– Тоғлар орасида ишламайди, – деди ҳайдовчи кўзгу орқали унга қараркан. – Беш дақиқалардан кейин текис йўлга чиқиб оламиз, ўшанда ишлаб кетади телефонингиз.

– Раҳмат.

Епископнинг юраги безовта эди. Устоз у билан боғланишга уринган бўлса-чи? Балки бирор кўнгилсиз воқеа юз бердимикан?

Арингароса телефон почтасини текшириб кўрди. Ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳа-я, Устоз умуман маълумот қолдирмаган бўларди. У алоқа воситаларини танлашда ўта эҳтиёткор. Ҳозирги замонда очиқ мулоқотларнинг нақадар хатарли эканини ҳеч ким Устозчалик яхши билмайди. Хавфсизлик чоралари унинг учун биринчи ўринда.

*“Телефонингиз доимо ёнингизда бўлсин, – дерди Устоз. – Керак пайтда ўзим алоқага чиқаман”.*

Ҳозир эса Арингароса тоғ йўлида кетяпти. Устоз унга қўнғироқ қилган бўлса-чи? Нима деб ўйлаши мумкин?

*“Балки пулни ололмаган деб ўйлагандир”.*

Шу пайт епископни муздек тер босди.

“Янаям ёмони... мени пулларни олиб қочиб кетган деб ўйлаши мумкин!

## ЭЛЛИК БИРИНЧИ БОБ

Юк машинаси соатига олтмиш километр тезликда кетар, бамперининг асфалтга ишқаланишидан учқунлар сачраб, қулоқни қоматга келтирувчи овоз чиқарди. Лэнгдон қаёққа кетишаётганини тузук-қуруқ кўролмас эди. Чунки машина дарахтга урилган пайтда битта чироғи синиб кетган, иккинчиси эса осилиб қолганди, шунинг учун йўлни эмас, ўрмон четини ёритиб борарди.

– Сизга ҳеч нима қилмадимиз? – сўради Роберт тиззасидаги қутичага тикилиб қолган Софидан.

– Раҳмат, яхшиман. Сиз унинг гапига ишондингизми?

– Анави уч қотиллик ҳақидаги гапгами? Албатта. Бу хабар бир неча саволларга жавоб бўла олади. Масалан, бобонгиз нима учун пойдевор тошини сизга топширмоқчи бўлган, нима сабабдан Фаш ортимдан бунчалик қаттиқ қувяпти ва ҳоказо.

– Йўқ, мен буни сўрамадим. Берненинг ўз банкени ҳимоя қилиш ҳақидаги гапини айтяпман.

Лэнгдон унга қараб қўйди.

– Хўш, ўзингиз нима деб ўйляяпсиз?

– Менимча, у пойдевор тошига эгалик қилмоқчи эди.

– Қутичада нима борлигини қаердан билиши мумкин?

– Эҳтимол бобом унга айрим сирларини очгандир. Балки Берне Граал косасини қўлга киритмоқчи бўлгандир.

Лэнгдон бошини сарак-сарак қилди. Берне унақа одамга ўхшамас эди.

Орага оғир сукунат чўкди. Улар бир неча километр йўл бошишган бўлса-да, машинанинг олд бампери ҳали ҳам асфалтни таталаб борарди. Лэнгдон ердан чиқаётган учқунларга қараб, бунинг хатарли бўлиши мумкинлигини ўйлаб қолди. Йўлда бошқа машиналар учраб қолса, эътиборни торттиши мумкин.

– Бамперни тўғрилаб қўймасам бўлмайди, – деди Лэнгдон ва машинани йўл четига тўхтатди.

Машинанинг олд томонига йўналаркан, Лэнгдон ўзини бе-ниҳоя кучли ва абжир сезди. Бугун у ўлим билан юзма-юз келди. Ахир ўқланган тўппонча ҳазил эмас. Айни пайтда масъулият ҳиссини ҳам унутмаслик керак. Софи ва унинг қўлида инсоният тарихидаги энг буюк сирга йўл кўрсатувчи буюм турибди.

Пойдевор тошини Приоратга қайтарилга уриниш энди бефойда. Уч ноибнинг ўлими биродарлик қанчалар мушкул вазиятда қолганидан дарак беради. Ҳа, Сион Приорати хавф остида. Афтидан, биродарлик аъзолари мунтазам кузатувда бўлишган ёки уларнинг орасидан сотқин чиққан. Шунинг учун ҳам Жак Соньер тошни Софи ва Робертга қолдиришга қарор қилган. Улар биродарлик аъзоси эмаслар, демакки, душман назарига ҳам тулишмаган. *“Приорат аъзолари билан боғланишдан ҳам наф йўқ, – ўйлади Лэнгдон. – Бунақанги вазиятда ҳеч кимга ишониб бўлмайди”.*

У осилиб қолган яримта бамперни кучи борича бир неча бор тепган эди, узилиб тушди. Кейин эса машинанинг ўнг чироғини эплаганча қотириб қўйди. Ана энди сал бўлса-да, эътибор тортмайдиган бўлди. Лэнгдон бампер бўлагини кўтариб олди ва ўрмон четига итқитиб юборди.

Хўш, энди бу ёғига нима қилиш керак?

Криптексни қандай очишни ўйлаб топиша олганича йўқ. Со-  
ньер нима учун криптексни айнан уларга қолдиргани ҳам қоронғи.

*“Бизга ёрдам керак, – ўйлади Лэнгдон. – Ўз касбининг ҳақиқий билимдони бўлган кишининг ёрдами керак”.*

У, Граал сири ва Сион Приоратини ўрганиш бобида деярли аллома бўлаёзган бир кишини биледи. Софини унинг хузурига боришга кўндириш керак. Ҳар ҳолда, бу иш осон битмайди.

Софи эса бу пайт Лэнгдоннинг келишини кутиб ўтирарди. Тиззаларини зилдай босиб турган қутича кўзига жуда хунук кўри-  
ниб кетди. *“Бобом нима учун уни менга қолдирди экан? Ҳойна-  
ҳой муҳим бир сирни етказмоқчи бўлгандир. Ўйла, Софи, кал-  
лангни ишлатсанг-чи!”*

У қутичадан мрамор криптексни чиқариб, лаппакларини кўздан кечира бошлади. Нима қилиб бўлсаям, калит сўзни топмаса бўл-  
майди. Софи лаппакларни оҳисталик билан айлантириб, ҳарфлар-  
ни тера бошлади. Лаппаклар худди мой сурилгандек силлиқ айла-  
нарди.

Г-Р-А-А-Л

Криптексни учидан тортиб кўрди. Йўқ, очилмади. Устига-ус-  
так ичидаги суюқлик қултиллаб, хавф яқинлашаётганидан дарак бергандай бўлди. У лаппакни тортишни бас қилиб, бошқа сўзни ёзишга киришди:

В-И-Н-Ч-И

Яна ҳеч қандай натижа чиқмади.

Ҳафсаласи пир бўлган Софи криптексни қайтадан қутига жойлаб қўйди. Бошини ойнадан чиқариб, Лэнгдондан хабар олди. Аме-  
рикалик профессор бутун унга ҳамроҳлик қилаётганидан жуда мин-  
натдор. Ҳар қалай, Софига ёрдам бериши учун бобоси бежиз уни танламаган. Билими чуқур муаллим у. Таассуфки, Лэнгдонга бутун ўқитувчилик қилиш кўпам насиб этмади, Безу Фашнинг

нишонига айланиб қолди. Яна... Граалга эгалик қилишга тириша-  
ётган аллақандай номаълум кучнинг ҳам...

Ўзи Граал деганлари нима? Унинг учун ҳаётни хавф остига  
қўйиш арзирмикан?

Юк машинаси тезликни ошира бошлади. Лэнгдон унинг бир  
маромда юришидан мамнун эди.

– Версалга қандай боришни биласизми? – сўради Софидан.

– Нима, шу пайтда томоша қилмоқчимисиз?

– Йўқ, менда бир режа туғилди. Версал яқинида динлар тари-  
хи билан шуғуланувчи буюк олим яшайди. Мен унинг уйида кўп  
меҳмон бўлганман. Исми Лью Тибинг, Қироллик тарих жамияти-  
нинг собиқ аъзоси.

– Британиялик бўла туриб Парижда яшайдими?

– Унинг ҳаётдаги энг катта мақсади Граал косасини топишдир.  
Ўн беш йилча олдин пойдевор тоши ҳақидаги мишмишлар унинг ҳам  
қулоғига етиб боргач, Францияга кўчиб келди. У пойдевор тоши ва  
Граал ҳақида бир нечта китоблар ёзган. Менимча, бизга ёрдам бера  
олади, криптексни очиш ва бу ёғига қандай йўл тутишни ўргатади.

Софининг нигоҳлари шубҳали боқарди.

– Унга ишонса бўладими?

– Қайси маънода? У ахборотни ўғирламайдими демоқчимисиз?

– Ҳа. Қолаверса, бизни сотиб қўймасмикан?

– Бизни полиция қидираётганини унга айтмоқчи эмасман. Бари  
ойдинлашгач эса, қўрқишимизга ҳеч қандай ҳожат ҳам қолмайди.

– Роберт, ахир бу ердаги ҳар бир уйда телевизор бор, экран-  
лардан эса бизнинг расмимиз тушмаяпти. Бу ҳақида ўйлаб кўрма-  
дингизми? Кўрган одам бизни танимай қолмаслиги даргумон.

“Ҳа, ишлар чатоқ. – ўйлади Лэнгдон. – Француз  
телевидениесига илк дебютим «Хавфли жиноятчи қиди-  
рилмоқда» рўқни остида чиқди. Ҳар ҳолда муҳарририм Жонас  
Фаукман хурсанд бўлар бундан, китоб сотуви бирданига ос-  
монларга чиқиб кетади”.

– Ўша одам ҳақиқатан ҳам сиз билан яхши дўстми? – сўради  
Софи.

Шундай бемаҳалда Тибинг телевизор кўриб ўтирмагандир.  
Аммо Софининг охириги саволи устида ўйлаб кўриши керак. Ти-

бингга тўлиқ ишониш мумкинлигини Лэнгдон ич-ичдан ҳис қиларди. У Граал билан боғлиқ барча масалаларнинг ҳақиқий билимдони ҳисобланади. Агар Софининг бобоси Сион Приоратининг Улуғ устаси бўганини эшитса, бу ишга бош қўшиши тайин, албатта ёрдам қўлини чўзади.

– Унга ишонса бўлади, – деди Лэнгдон.

– Ҳойнаҳой, Фаш бизни тутиш учун пул мукофоти ваъда қилгандир, – Софини ҳамон шубҳалар тарк этмаган эди.

Лэнгдон кулиб юборди.

– Шуниси аниқки, Тибинг пулга қизиқадиганлар хилидан эмас.

Лью Тибингнинг мол-мулкани кичикроқ мамлакат бойлигига тенглаштириш мумкин. У инглиз герцоги Ланкастернинг авлоди бўлиб, жуда катта меросга эгалик қилади. Париж яқинидаги амлокида ўн еттинчи асрда қурилган сарой, боғ ва иккита қўл бор.

Лэнгдон у билан бир неча йил муқаддам телекўрсатувда танишиб қолган. Тибинг Би-Би-Сига Граал косаси ҳақида ҳужжатли сериал суратга олишни таклиф этган экан. Бу мавзу кўпчиликда катта қизиқиш уйғотишига у ишонган ва сериалда бошловчилик қилишни ҳам ўз зиммасига олган. Би-Би-Си телерадиокомпанияси продюсерларига бу лойиҳа маъқул келди, улар Тибингни олим сифатида қаттиқ ҳурмат қилишарди. Бироқ бунақанги нозик мавзунинг оддий томошабинлар қабул қилиши қийин бўлади, деб хавфсирашди, бу эса ҳужжатли дастурлари билан донг таратган Би-Би-Си обрўсига путур етказиши мумкин эди. Тибингнинг таклифига биноан муаммо ҳал этилди – Граал бўйича уч нафар кўзга кўринган мутахассис кўрсатувга чақирилди.

Улардан бири Лэнгдон эди.

Тасвирга олиш жараёни Тибингнинг уйида бўлиб ўтди. Лэнгдон Тибинг билдирган фикрларни шарҳлар, ора-орада гумонларга тўла луқмалар ташлаб қўярди. Барибир кўрсатув охирида Тибинг Граал косаси тарихининг ҳаққонийлигига ишонтира олди, дейишдан бошқа иложи қолмади. Шундан сўнг, у томошабинларни ўзининг шахсий изланишлари билан ҳам таништирди. Дастур Буюк Британияда намойиш этилди. Бироқ иштирокчиларнинг “юлдузли” таркиби ҳамда асосли далил-исботлар келтирилганига қарамай, насронийларнинг норозилиги ҳамма ёқни тутиб кетди...

– Роберт, дўстингиз панд бериб қўймайдими?

– Мутлақо! Унинг пулга эҳтиёжи йўқ, бундан ташқари, у француз ҳокимиятини ёқтирмайди. Франция ҳукумати ундан жуда катта солиқ ундирар экан. Сабаби, гўёки Лью Тибинг тарихий ерларни сотиб олган эмиш. Унинг Фаш билан ҳамкорлик қилмаслиги аниқ.

Софи олдинга қоронғи йўлга тикилди.

– Хўп, биз уникага бордик ҳам дейлик. Унга нимани айтиш мумкину нимани гапириб бўлмайди?

Лэнгдон қўл силтаб қўйди.

– Софи, ишонинг, Лью Тибинг Граал ва Сион Приорати ҳақида ҳаммадан ҳам кўпроқ нарса билади.

– Ҳатто бобомдан ҳамми?

– Мен “ҳамма” деганда, биродарлик аъзоси бўлмаганларни назарда тутган эдим.

– Унинг биродарлик аъзоси эмаслигини қаердан биласиз?

– Тибинг ҳар доим Граал косаси ҳақидаги ҳақиқатни бутун дунёга айтиб беришга уриниб келади. Приорат аъзолари эса бу сирни ошкор этмасликка қасамёд қилишган.

Профессор унинг хавотирларини тушунар эди. Соньер криптексни унга топшириб, елкасига улкан масъулият ҳам юклаб кетди. Софи эса бу ишга бегона аралашшини истамапти. Криптекс ичидаги маълумот қанчалар муҳимлиги ҳисобга олинса, жуда тўғри ўйланган фикр.

– Пойдевор тоши ҳақида Тибингга дарҳол гапириш шарт эмас. Балки бу ҳақида умуман оғиз очмасмиз. Унинг уйи эса яширинишимиз учун бошпана вазифасини ўтайди, фурсатдан фойдаланиб биз нима қилиш кераклигини яхшилаб ўйлаб оламиз.

– Ўша Тибинг айнан қаерда яшайди ўзи? – сўради Софи.

– Виллет деган жойда.

Софи унга ишонмагандек қаради:

– Нима, Виллет қароргоҳидами?

– Ҳа.

– Қойил, дўстингиз зўр экан-ку!

– У жой қаердалигини биласиз-а?

– Бир сафар ёнидан ўтгандим. Атрофида фақат қасрлар жойлашган. Бу ердан йигирма дақиқалик йўл.

– Шунчалик узоқми? – қовоғини уйди Лэнгдон.

– Ҳечқиси йўқ. Сиз бу пайт ичида менга Граал аслида нима эканлигини гапириб беришга улгурасиз.

– Тибингнинг уйида айтиб бераман, – жавоб берди Лэнгдон бир оз жимликдан сўнг. – Биз у билан турли хил соҳалар бўйича ихтисослашганмиз, шунинг учун иккаламизнинг ҳикояларимизни бирлаштира, афсона ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз, – Лэнгдон кулиб қўйди. – Бундан ташқари, Граал косаси ҳақидаги тарихни Тибинг оғзидан эшитиш – нисбийлик назариясини Эйнштейннинг ўз оғзидан эшитишдай гап.

– Ўша Лью деганингиз бемаҳалда келган меҳмонларни ҳам қабул қилаверар деган умиддаман.

– Уни шунчаки Лью эмас, балки сэр Лью деб чақиришади. Шахсан қироличанинг ўзи унга рицарлик унвонини топширган.

– Мабодо ҳазиллашмаяпсизми? Демак, биз рицарникига меҳмонга кетяпмизми?

Лэнгдон мийиғида кулиб қўйди.

– Биз Граал тарихини ўргангани кетяпмиз, Софи. Бу ишда рицардан ҳам яхшироқ ким ёрдам бера оларди?

## ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ

“Шахсий қароргоҳ. Бегоналар кириши мумкин эмас”.

Виллет саройи дарвозасига ана шундай ёзувли тахтача илинган эди. Лэнгдон машинани дарвоза қаршисида тўхтатди. Бу ердан саройгача бўлган масофа камида бир миля келарди. Ўнг томонга эса радиосўзлашув мосламаси ўрнатилган, афтидан, Тибинг бу ердаги тартиб-қоидалар ҳам Англиядаги каби бўлишини истаган, шекилли.

Софи машина ойнасини туширди.

– Роберт, яхшиси у билан ўзингиз гаплашинг.

Лэнгдон ўнг томонга энгашиб, тугмачани босди. Димоғига Софи сепиб олган атирнинг ҳиди гупиллаб уриларди. Ичкаридан жавоб келгунча бир оз кутишларига тўғри келди. Ва ниҳоят микрофондан аввалига шиқиллаш эшитилди, кейин эса одам овози янгради.

– Ким у?

– Роберт Лэнгдон, – у деярли Софининг тиззаларига ётиб олганди, – сэр Лью Тибингнинг дўстиман. Менга унинг ёрдами керак.

– Хўжайин ухлаяптилар. Мен ҳам ухлаётган эдим. Қандай ишингиз бор?

– Ўта шахсий иш. Лекин бу иш у кишини ҳам жуда қизиқтиради.

– У ҳолда сэр Тибинг сизни эрталаб қабул қиладилар.

– Кечирасиз, биз ҳозир кўришмасак бўлмайди, бу жуда муҳим, – гапини маъқуллашда давом этди Лэнгдон.

– Сэр Тибинг учун уйқу ҳам муҳим. Агар дўсти бўлсангиз, унинг соғлиғи заифлигини яхши билишингиз керак.

Тибинг болалигида полиомиелит билан оғриган, энди эса оёқларига махсус тутқич тақиб, қўлтиқтаёқда ҳаракатланади. Шундай бўлса-да, Лэнгдон уни охири марта кўрганида анчагина тетик ва бардам эди, жисмоний камчилиги деярли сезилмасди.

– Илтимос, у кишига айтсангиз, мен Граал ҳақида янги маълумот топдим. Эрталабгача кутишнинг сира иложи йўқ.

Нариги томондан жавоб эшитилмади.

Лэнгдон ва Софи кутишар, машина мотори эса ишлаб турарди.

Ва ниҳоят микрофондан таниш товуш янгради:

– Азизим, бу ерда ҳам Гарвард вақти билан яшаяпсиз чоғи?

Лэнгдон кулиб юборди.

– Лью, Худо ҳаққи, сизни шундай бемаҳалда безовта қилаётганим учун кечиринг.

– Хизматчимнинг айтишича, мен билан Граал ҳақида гаплашмоқчи экансиз.

– Ана шу хабаргина ўрнингиздан туришга мажбур этиши мумкин деб ўйладим-да.

– Мутлақо ҳақсиз.

– Эски дўстингизга дарвозани очишингизга умид қилсам бўладими?

– Ҳақиқатни излаётган киши мен учун дўст эмас, балки биродардир.

Лэнгдон мамнун кайфиятда Софига қараб қўйди.

– Дарвозани очавераман-а, – деди Тибинг, – лекин бундан олдин пок кўнгли ва яхши ният билан келганингизга ишонч ҳосил



қилмоғим зарур. Сиз учта саволга жавоб беришингизга тўғри келади. Бу – ўзига хос синов.

Профессор юзи буришганча Софига шипшиди:

– Айтгандим-ку, унинг ғалати қилиқлари бор деб!

– Биринчи савол, – тантанавор оҳангда бошлади Тибинг, – сизга нима олиб келишсин: қаҳвами ёки чой?

Америкаликларнинг тинимсиз қаҳва ичиш одати унга ёқмаслигини Лэнгдон яхши биларди.

– Чой, – жавоб берди у, – «Эрл Грей».

– Жуда соз! Иккинчи савол: сут қўшилган бўлсинми ёки шакар?

Лэнгдон иккиланиб қолди.

– Сут, – пичирлади унинг қулоғига Софи. – Мен аниқ билман, инглизлар чойга сут қўшиб ичишни яхши кўришади.

– Сут, – жавоб қайтарди Лэнгдон.

Орага жимлик чўқди, Тибинг сўз қотмас эди.

– Йўқ, шошмай туринг! – хитоб қилди Лэнгдон. – Бўлди! Лимонли «Эрл Грей» чойи!

– Табриклайман, – ниҳоят тилга кирди Тибинг, – энди эса сўнги, даҳшатли саволимга жавоб топинг: қайси йили гарвардлик эшкакчилар оксфордлик мусобақадoshларидан ўзиб кетишган?

Бу савол ҳам аввалгиси сингари ilmoқли эканини Лэнгдон тушуниб қолган эди.

– Улар ҳеч қачон ўзиб кетишмаган, чунки бунақанги мусобақа умуман ўтказилган эмас.

Қулф шиқиллаб, дарвоза ланг очилди.

– Сиз юраги пок инсонсиз, менинг дўстим. Бемалол ўтавершингиз мумкин.

## ЭЛЛИК УЧИНЧИ БОБ

– Месье Берне! – Цюрих депозитор банкининг тунги навбатчиси гўшакда ўз бошлиғининг овозини эшитиб хурсанд бўлиб кетган эди. – Қаяққа йўқолиб қолдингиз? Полициячилар ҳали ҳам шу ерда, сизни кутиб ўтиришибди.

– Баъзи масалалар юзасидан жуда банд эдим, – жавоб берди Берне. – Менга зудлик билан ёрдамингиз керак!

– Хизматингизга тайёрман, жаноб.

– Дарҳол учинчи рақамли юк машинасини топинг!

Навбатчи шошиб қолди ва қатнов жадвалига қаради.

– Машина шу ерда. Пастда, гаражнинг юклаш бўлимида турибди.

– Ҳеч ҳам ундай эмас! Уни полиция қидираётган икки нусха ўғринча ҳайдаб кетишди.

– Нима? Улар буни қандай уддалашибди?

– Ҳозир тафсилотларга тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Тезроқ ҳаракат қилишингиз зарур, акс ҳолда банкимизга катта зиён етиши мумкин.

– Мен нима қилишим керак, жаноб?

– Назорат қурилмасини ишга тушириб, машинани қидириб топинг!

Тунги навбатчи хонанинг нариги бошида турган қутига қаради. Бу қути махсус назорат қурилмаси деб аталади ва унинг ёрдамида банкнинг зирҳли машиналари қаерда кетаётганини аниқлаш мумкин. Қурилмадан фақатгина фавқулодда ҳолат юз берганда фойдаланилар эди.

– Жаноб, агар қурилмани ишга туширсам, полицияга ҳам сигнал боради-ку!

Берне бир неча сонияга жим бўлиб қолди.

– Биламан, лекин сиз буйруқни бажаринг. Машина топилиши биланоқ менга хабар беринг.

– Хўп бўлади.

\* \* \*

Ана шу суҳбатдан ўттиз сония ўтиб, банкдан қирқ километр узоқликда турган юк машинасининг шассисига кичкинагина узатгич миалтилай бошлади.

## ЭЛЛИК ТҮРТИНЧИ БОБ

Тол дарахтлари экилган хиёбон бўйлаб кетишар экан, Софининг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Ва ниҳоят, шунча саргузаштлар ва сарсон-саргардонликдан кейин хотиржам нафас ростлаб олиш учун имконият туғилди. Оқкўнгил ва қувноқ ажнабийнинг қароргоҳидан кўним топиш қанчалар яхши!

Улар уй олдидаги айлана томонга бурилишганида, Виллет қасрининг чироқлари ёна бошлади. Лэнгдон машинани четроққа, арчалар тагига тўхтатди.

– Шундай қилсак, кўчадан ўтганлар кўзидан пана бўлади, – тушунтирди у. – Қолаверса, Лью ҳам уринган машинамизни кўриб ажабланмайди.

Софи бош ирғади.

– Криптексни нима қилай? Ҳар ҳолда машинада қолдириб бўлмас. Лекин Лью кўриб қолса, нималигини сўраши аниқ.

– Хавотирланманг, – деди Лэнгдон. У машинадан тушгач, эгнидаги пиджакни ечди ва қутичани ўради. Худди йўргакланган чақалоқнинг ўзгинаси бўлди-қолди.

– Йўқ, шубҳали кўриняпти.

– Биласизми, Тибинг шахсан ўзи эшик очиб, меҳмонларни кутиб оладиган зотлардан эмас. У ҳузурига келганларни озгина маҳтал қилиб, кейин эса тантанавор тарзда кириб келишни маъқул кўради. Ичкарига кирганимизда қутичани албатта бирор жойга яшириб қўяман. Айтганча, мезбонимизнинг ҳазиллари сизга гала-тироқ туюлиши мумкин, ҳайрон бўлиб ўтирманг.

Софи бу огоҳлантиришга аҳамият бермади. Бугун шундай нарсаларга дуч келдики, уни яна нимадир ҳайратда қолдириши даргумон эди.

Улар тақиллатишга улгурмай, эшик ўз-ўзидан очилиб кетди. Рўпарада оқ галстуги ва фрагини тўғрилаётган келишгангина, ёши элликларга бориб қолган хизматкор пайдо бўлди. Бемаҳалда ташриф буюрган меҳмонлар уни кўпам хурсанд этишмаган кўринади.

– Сэр Лью ҳозир тушадилар, – деди у. – Меҳмонларни тунги кўйлақда кутиб олишни истамаганлари учун кийиняптилар. – У Лэнгдоннинг кўлига ишора қилди. – Пиджагингизни беринг, осиб қўяман.

– Миннатдорман, овора бўлманг.

– Ўзингиз биласиз, сэр. Марҳамат, бу ёққа ўтинглар.

Хизматкор уларни серҳашам меҳмонхонага олиб ўтди. Хонани абажурли чироқ чароғон қилиб турар, паркет пол, қуруқ чой ва херес виносининг иси тошдан қурилган барча иншоотларга хос бўлган нам тупроқ ҳидига аралашиб кетганди. Рўпарадаги деворга қадимий қурол-аслаҳалар илиб ташланган, уларнинг тагида эса каттагина камин бор эди. Тошдан ясалган бу каминда бутун бошли буқани қовурса ҳам бўладигандек. Хизматкор энгашиб, ичидаги қайин шохларига гугурт ёқди. Олов ҳам дарров ёна қолди.

Хизматкор қаддини ростлаб, фракени тўғрилаб қўйди.

– Хўжайиним ўзингизни худди уйингиздагидек ҳис этишингизни сўрадилар.

Шу сўзларни айтгач, у Лэнгдон ва Софини холи қолдирди.

Софи қаерга ўтиришни билмай қолганди: Уйғониш даври услубида ясалган баркут диванга ўтирсинми ёки қўл қўядиган жойи бургутнинг тирноғига ўхшайдиган тебранма курсигами? Балки тош ўриндиқлар яхшидир?

Лэнгдон пиджагига ўралган қутичани чиқариб, диван тагига итариб юборди. Кейин эса пиджакни қоқиб, эгнига илди. Софига қараб кулимсираганча дивачга ўтирди.

«Ҳа, майли, диванга бўлса, дивангада». ўйлади Софи ва Лэнгдоннинг ёнидан жой олди.

У каминда чарсиллаб ёнаётган оловга тикилган кўйи хаёлга толди. Бобосига бу хона ёққан бўларди. Деворларга қадимги мусавирларнинг асарлари илиб ташланибди. Анавиниси Пуссен мўйқаламига мансуб, Софи уни дарров таниди. Бобоси Пуссенни да Винчидан кейин иккинчи буюк рассом сифатида тан оларди. Камин тепасидаги маъбуда Исида ҳайкали эса бу ерда нималар содир бўлаётганини кузатиб тургандай.

Хотиралар Жак Соньер ўлимини ёдга солар ва юракни эзарди. У диван остида ётган криптексни кўз олдига келтирди. Тибинг уни қандай очишни билмаса ҳам керак. Балки криптекс ҳақида унга умуман гапирмаган маъқулдир. Ахир бобоси Роберт Лэнгдонга мурожаат қилишни буюрган, бошқа кишига эмас. «Биз ба-

рибир қаердадир яшириниб туршишимиз керак эди, бу ерга келиб нотўзри қилмабмиз, шекилли».

– Сэр Роберт! – орқадан овоз янгради. – Кўриб турганимдек, ёлғиз эмас экансиз, ҳамроҳингиз соҳибжамол хоним-ку!

Лэнгдон сўрашиш учун ўрнидан турди, кейин Софи ҳам. Овоз тепадан, иккинчи қаватта олиб чиқувчи ўймакор тўсиқли ёғоч зинадан келатган эди. У ерда кўннингдир шарпаси элас-элас кўриниб турарди.

– Хайрли оқшом! – деди Роберт. – Сэр Лью, сизга Софи Невёни таништиришга ижозат бергайсиз.

– Жуда хурсандман, – Тибинг соядан чиқди.

– Бизни қабул қилганингиздан миннатдормиз, сэр. Биз анча кеч келдик ва...

– Кеч эмас, азизим, сал эртароқ, – кулиб қўйди Тибинг. У зиналардан қўлтиқтаёқлар ёрдамида аста-секин тушиб келарди. – Сиз америкаликмисиз?

Софи «йўқ» дегандай бош чайқади:

– Парижликман.

– Инглиз тилида яхши гапирар экансиз.

– Раҳмат, сэр. Мен Ройял-Холлоуэда ўқиганман.

– Унда тушунарли, – деди Тибинг. – Балки Роберт айтгандир, сиз айтган жой яқинида, Оксфордда дарс берганман. – Тибинг ҳамкасбига қараб айёрона кулиб қўйди. – Ва албатта Гарвардни ҳам назардан қочирмаганман.

Ва ниҳоят, у зинапоядан тушиб бўлди. Унинг икки юзи қизил, сочлари эса қизғиш-сарик эди. Жигар ранг кўзлари кулиб турар, ҳар гапирганида худди қисилиб кетаётганга ўхшарди. Эгнига каттак панталон ва кенг ипак кўйлак, унинг устидан майда гулли нимча кийиб олибди. Оёғидаги ҳалқаларга қарамай, ҳақиқий аслзодалар каби қаддини тик тутиб турарди.

У сўрашиш учун қўлини Лэнгдонга чўзди:

– Анчагина озибсиз, Роберт.

– Сиз эса семирибсиз!

Тибинг қотиб-қотиб кулди.

– Биру бир! Ўзи қиладиган ишим лаззатли таомларни паққос тушириш бўлиб қолди, – деди Софига яқинлашаркан. Кейин хиёл эгилиб унинг қўлини оҳистагина ўпиб табассум қилди. – Миледи!

Софи нима қилишини билмай қолганди, қўлини тортиб олсинми ёки жим тураверсинми?

Яхшики, шу маҳал эшик очилиб, патнисда чой кўтарган хизматкор кўринди ва ҳамманинг диққати бўлинди.

– Танишинглар Реми Легалудек, – деди Тибинг, – менинг садоқатли хизматкорим.

Хизматкор бошини қимирлатиб қўйди-да, чиқиб кетди.

– Реми асли Лиондан, – Лью шундай оҳангда шивирлаб гапирдики, худди лионлик бўлиш уят ишдай. – Лекин соусларни қойилмақом тайёрлайди.

– Мен Англиядан хизматкорларингизни ҳам эргаштириб келгандирсиз деб ўйлардим, – кулди Лэнгдон.

– Худо сақласин! Ҳатто душманимга ҳам инглиз ошпази билан бўлишни раво кўрмайман. Йўқ-йўқ, шошманг, француз солиқчиларига инглиз ошпазини рўпара қилса бўлади. – У Софига қаради. – Мени маъзур тутинг, Невё хоним, мен французлар орасида фақатгина сиёсатчилару футболчиларни ёмон кўраман, холос. Сизларнинг ҳукуматингиз пулларимни юзсизларча шиллади, футболчиларингиз эса яқинда бизниқиларнинг тит-питини чиқариб юборди.

Софи унинг гапларига жавобан кулиб қўйди.

Тибинг аввал унга тикилиб турди, сўнг Лэнгдонга ўтирилди.

– Нима гап, тинчликми? Кўринишларингиз бошқачароқ?

– Ҳа-а, бугунги оқшом анчайин мароқли ўтди-да.

– Бунга шубҳам йўқ. Ярим кечаси дарвозамни тақиллатиб, Граал ҳақида сўз очдингиз. Хўш, билсам бўладими, гап чиндан ҳам Граал ҳақидами ёки ўрнимдан туришим учун шундай дедингизми?

– Муҳтарам Лью, – деди Лэнгдон, – сиз билан Сион Приорати ҳақида суҳбатлашишни истар эдик.

– Демак, гап ҳақиқатан ҳам Граал ҳақида экан-да? Жуда соз. Боя қандайдир янгиликдан сўз очгандингиз чоғи, Роберт?

– Ҳа, лекин ўзимиз ҳали тўлиқ ишонч ҳосил қилганимизча йўқ. Сиздан маълумот олсак, тахминларимизни тасдиқлаб олармидик.

Тибинг унга ҳазил билан бармоғини ўқталиб қўйди:

– Америкаликларнинг бари айёр бўлади-да! Майли, сиз айтганча бўлақолсин. Мен хизматингизга тайёрман. Нимани билишни истайсизлар?

– Илтимос, Невё хонимга Граал косасининг асл моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Хоним ҳали бу ҳақида билмайдими? – ажабланди Тибинг.

– Йўқ, билмайди.

– Демак, менинг уйимга маъсумани бошлаб келибсиз-да?

Бу гап Лэнгдонни ноқулай аҳволга солиши тайин эди. У пешонасини тириштирди ва Софига изоҳ берган бўлди:

– Граал ишқибозлари унинг ҳақиқий тарихини бирор марта ҳам эшитмаган одамни шундай деб аташади.

Энди эса Софига Тибинг мурожаат этди:

– Азизам, бу ҳақида нималарни биласиз?

Софи яқиндагина Лэнгдондан эшитганлари – Сион Приорати, тамплиерлар ордени, Сангрл хужжатлари, Граал косаси тўғрисида қисқача гапириб берди.

– Шу холосми? – Тибинг Робертга норози қиёфада қараб қўйди. – Эҳ, Роберт! Мен сизни ҳақиқий жентелмен деб юрибман-а! Бу гўзал қизга энг муҳимини айтмабсиз-ку! Ҳечқиси йўқ, бу хатони, албатта, тўғрилаймиз.

## ЭЛЛИК БЕШИНЧИ БОБ

Софи диванда, Лэнгдон билан ёнма-ён ўтирар, арпа унидан ёпилган нон еб, чой ичарди. Эндигина қанчалар қорни очганини ва чарчаганини ҳис қилди. Сэр Тибинг кулимсираганча камин олдида у ёқдан-бу ёққа юрар, оёғидаги темир ҳалқа ўқтин-ўқтин ўчоқ остидаги тошга тегиб кетарди.

– Граал косаси! – ўз нутқини бошлади у. – Кўпинча одамлар мендан унинг қаерда жойлашганини сўрашади. Қўрқаманки, бу саволга ҳеч қачон жавоб бера олмасам керак. Менимча, саволни бошқачароқ қўйсақ тўғри бўлади: Граал косаси аслида нима? Граал нималигини англаш учун эса, авваломбор Инжилани тушуниш керак. Айтинг-чи, Янги Аҳдни яхши биласизми?

– Умуман билмайман, дейишим мумкин, – елка қисди Софи.  
– Мени Леонардо да Винчини ҳаддан ортиқ яхши кўрган, унга сиғинган одам тарбия қилган.

Тибинг бу гапдан хурсанд бўлиб кетди:

– Маърифатли қалб! Жуда яхши! У ҳолда, Леонардо Граал сирини сақловчиларидан бири бўлганини билсангиз керак.

– Ҳа, Роберт бу ҳақида гапирган эди.

– Да Винчининг Янги Аҳдга қарашлари ҳақида-чи?

– Йўқ.

Тибинг хонани бошқа томонидаги китоб жавонларига қаради.

– Роберт, марҳамат қилиб энг пастки токчадан “Леонардо тарихи” китобини олиб келсангиз, – Тибинг хона бурчагидаги китоб жавонига ишора қилди. Лэнгдон илтимосни бажаргач, китобни стол устига қўйди ва иқтибослар ёзилган саҳифани Софига қаратиб очди. – Мана, ўзингиз ўқиб кўринг.

“Ёлгон мўъжизалар ҳақида гап сотувчилар лақмаларни алдаб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади”.

*Леонардо да Винчи*

– Мана яна! – Тибинг бошқа иқтибосга ишора қилди:

Жаҳолат бизни албатта йўлдан оздиргуси.

Ўв, ғариб бандалар, кўзларингизни очинглар!

*Леонардо да Винчи*

Софини енгилгина титроқ босди.

– Нима, да Винчининг бу фикрлари Инжил ҳақидами?

Тибинг бош ирғади:

– Яхшиси, гапни мухтасар қилиш учун диншунослик фанлари доктори Мартин Персининг фикрини келтира қолай: “*Инжил бизга осмондан факс орқали юборилган эмас*”.

– Тушунмадим, бу нима дегани?

– Бу дегани, Инжил аҳли башар қўли билан ёзилган китобдир.

Ундаги суронли даврларнинг тарихий силсиласини инсон ёзган, кейин эса бу китобнинг сон-саноқсиз таржималари яратилди, унга ҳадсиз-ҳисобсиз қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Хуллас, Инжилнинг асл нусхаси ҳеч қачон мавжуд бўлмаган. Вақт ўтиб, Инжилни китоб ҳолига келтириш учун саксондан ортиқ



Муқаддас хушxabарлар кўриб чиқилди ва шулардан айримларигина киритилди. Масалан, Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно келтирган хушxabарлар.

– Қайси Хушxabарни танлашни ким ҳал қилган? – сўради Софи.

– Мана гап қаерда! – Тибингнинг шижоати жўшиб кетди. – Насронийларнинг иззат-нафсига тегадиган жиҳат ҳам айнан шу! Биз биладиган Инжил мажусийликка эътиқод қилган Рим ҳукмдори Константин томонидан тузилган.

– Қизиқ-ку, Константин насроний бўлмаганми?

– Асло, – бош чайқади Тибинг. – У бутун умри давомида мажусий бўлиб яшади ва уни фақатгина ўлим тўшагида, ҳеч нарсага қаршилиқ кўрсата олмайдиган пайтида чўқинтиришган. Константин ҳукмронлиги пайтида Римнинг расмий дини қуёшга топиниш бўлиб, император бир вақтнинг ўзида бош руҳоний ҳам эди. Ўша йиллари Римда насронийлик тарафдорлари тобора кўпайиб борарди. Насронийлар ва мажусийлар тинимсиз эиддиятда эдилар. Вазият шу даражага етдики, салтанат иккига бўлиниб кетиш хавфи туғилди. Зудлик билан вазиятни тўғрилаш кераклигини Константин жуда яхши тушунар эди. Шундай қилиб, у эрамизнинг 325 йилида Римни насронийлик байроғи остида бирлаштиришга қарор қилди.

– Мажусий ҳукмдор давлат дини сифатида насронийликни танлаганми?

Тибинг истеҳзоли жилмайди.

– Константин пухтагина сиёсатдон эди, тарихчилар ҳали-ҳануз унинг маҳоратига қойил қолишади. У мажусийлик анъаналарини насроний динига киритди ва натижада ҳар икки томонга ҳам маъқул келувчи чатишма ҳосил бўлди.

– Насронийликда мажусийлик белгилари яққол кўриниб туради, – гапти илиб кетди Лэнгдон. – Қуёш маъбуди атрофидаги зарҳал доира католик авлиёлари бошидаги нур чамбарга айланди. Маъбуда Исида ўғли Горни аллалаётган ҳолати эса, Биби Марям чақалоқ Исони қўлда кўтариб турган тасвирига асос бўлди. Католик маросимларининг барча унсурлари – митра, меҳроб, мадҳия айтиш ва ҳоказолар илк мажусий динларидан олинган.

– Ҳа, энди бизга гап ҳам қолмади! – киноя қилди Тибинг.  
– Тимсолшунос насронийлик белгилари ҳақида гап бошлама-  
син-да, сира тўхтатиб бўлмайди. Сизга яна бир мисол айтаман,  
Софи, мажусийлар маъбуди Митра ҳам айнан 25 декабрда ту-  
рилган, вафот этгач эса, ғордаги сағанага дафн этилган ва у уч  
кундан кейин қайта тирилган. Ҳатто насронийлар муқаддас  
санайдиган якшанба ҳам, аслида мажусийлар қуёшга сиғинади-  
ган кун бўлган.

Софи эшитганларини ҳазм қилолмай, боши айланиб кетганди.

– Хўш, бу гапларнинг Граал косасига нима алоқаси бор?

– Ўринли савол. Биласизми, икки динни бирлаштиргач, Кон-  
стантинга янги насроний анъаналарини мустаҳкамлаш керак бўлиб  
қолди. Шу муносабат билан у руҳонийларни халқаро йиғинга ча-  
қирди. Йиғинда насроний динининг кўпгина янги жиҳатлари –  
Пасха санаси, епископлар роли, черковнинг сирли ибодатлари ва  
албатта Исо Масихнинг илоҳийлиги кабилар муҳокама қилинган.

– Мен яна тушунмаяпман, – пешонасини тириштирди Софи, –  
Исонинг илоҳийлиги деганингиз нимаси?

– Азизам, ўша пайтга қадар Исога ихлос қўйганлар уни вафот  
этадиган пайғамбар сифатида билишган. Тўғри, унинг обрўси кат-  
та, таъсири ҳам кучли бўлган, лекин у оддий инсон эди.

– Исо Худонинг ўғли эмасми?

– Йўқ! – хитоб қилди Тибинг. – Ўша халқаро йиғинда Исо  
Масих овоз бериш орқали Худонинг ўғли деб эълон қилинди ва  
расман тан олинди.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Айнан шундай бўлди. Озчилик овознинг устунлиги билан  
Исога илоҳийлик тамғаси ёпиштирилди, – деди сэр Тибинг. –  
Худди шу нарса Рим империяси ривожда катта рол ўйнади ва  
Ватикан ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилди. Константин  
Исо Масихни Худонинг ўғли деб эълон қилиб, уни башарият  
устидан ҳукмронлиги абадий бўлган илоҳга айлантириб қўйди. Бу  
тадбир нафақат мажусийларнинг келгусида насронийларга бўла-  
диган ҳужумларининг олдини олди, балки Исо издошлари руҳий  
ҳаловат топиш учун фақат биргина йўл – Рим католик черковига  
муурожаат қилишларига имкон ҳам яратди.

Софи савол назари билан Робертга қаради, у эса бошини қирмирлатиб ҳозир айтилган фикрларга қўшилишини билдирди.

– Буларнинг бари фақатгина ҳокимият учун қилинди, – давом этди Тибинг. – Константин Исо Масихни инсоний қиёфадан маҳрум этиш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. Мен бу мавзуда бир нечта китоблар ёзганман.

– Демак, уйингиз насронийларнинг таҳдидли хатларига тўлиб кетгандир?

– Йўғ-е, нима учун? – эътироз билдирди Тибинг. – Илм-маърифатли аксарият насронийлар ўз динларининг тарихини яхши билишади. Исо чиндан ҳам буюк инсон бўлган, у икки минг йил аввал миллионлаб инсонларни эзгуликка чорлаган ва ҳеч ким уни ёлғончи дейишга ҳаққи йўқ. Мен Константиннинг Исо Масих обрўсидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланганини айтяпман, холос. Шундай қилиб, мажусий Рим императори ҳозирги насронийликнинг асосларини шакллантирди. Бу иш Исо ҳаётидан тўрт юз йил ўтиб амалга оширилди. Ана шу вақт ичида эса Исонинг пайғамбар, бошқалар сингари вафот этадиган инсон экани, унинг ҳаёти ҳақида минглаб ҳужжатлар йиғилиб қолган эди. Император бу китобларни қайтадан ёзиш зарурлигини тушунар эди. Унинг амрига биноан Инжил қайтадан ёзилди ва унга Исонинг илоҳийлигини мақтовчи Хушхабарлар киритилди. Исо банда сифатида тасвирланган китоблар эса тўпланиб, оловга ташланди. Тарихчиларнинг бахтига, айрим китоблар сақланиб қолган экан, 1950 йили Ўлик денгиз атрофидан қадимий битикли ўрамлар топилган. Турган гапки, Ватикан бу ўрамлар тарқалмаслигига жон-жаҳди билан тиришди.

– Менимча, – гапга аралашди Лэнгдон, – Ватиканнинг бу ҳаракатидан шуни уқиш мумкинки, у ердагилар Исо ҳақидаги тасаввурларнинг тўғрилигига, топилган ҳужжатларнинг эса ёлғонлигига астойдил ишонадилар.

Тибинг истеҳзоли кулди ва Софининг рўпарасидаги ўриндиққа чўкди.

– Кўриб турганингиздек, азизам, мендан фарқли равишда профессор Римга юмшоқроқ муносабатда. Унинг ҳақлигини тан олишим керак, ҳозирги черков ўша ҳужжатларнинг зарарли эканига ишонади. Ахир Константин Инжил асрлар давомида насроний-

лар учун ҳақиқат манбаи бўлиб хизмат қиляпти. Дунёда ишонтиришга хизмат қилувчилардан-да ишонувчан одамлар йўқдир.

– У шунчаки айтмоқчики, – деди Лэнгдон, – биз ота-боболаримизнинг худосига сажда қиламиз.

– Мен айтмоқчиманки, – эътироз билдирди Тибинг, – ота-боболаримизнинг Исо ҳақида айтган барча гаплари ёлғон. Худди Граал косаси ҳақидаги ҳикояларга ўхшаб.

Софи нигоҳини да Винчининг иқтибосига қаратди. *“Жаҳолат бизни албатта йўлдан оздиргуси. Ўв, ғариб бандалар, кўзларингизни очинглр!”*

Тибинг китоб томон чўзилди ва уни варақлашга тушиб кетди.

– Энди эса сизга да Винчи Граални тасвирлаган асарини кўрсатаман. – У китобни Софига қаратди. – Бу суратни таниётган бўлсангиз керак?

Ахир бу “Махфий ибодат”-ку! Милан яқинидаги Авлиё Мария жомеси деворига чизилган. Унда Исо Масих ўз ҳаворийлари даврасида тасвирланган.

– Ҳа, бу суратни яхши биламан.

– У ҳолда мен билан ўйин ўйнашга рози бўларсиз? Кўзларингизни бир дақиқага юминг.

Софи бир оз ўзини йўқотиб қўйди, лекин кўзларини юмди.

– Исо қаерда ўтирибди? – сўради Тибинг.

– Марказда.

– Жуда яхши! У ва ҳаворийлар нима ейишяпти?

– Нон!

– Нима ичишяпти?

– Вино. Улар вино ичишяпти.

– Ва ниҳоят, энг охирги савол: стол устида вино учун нечта коса турибди?

– Битта, – жавоб берди Софи. – Исо вино сузилган косани ҳавройларига узатган ва шу орқали насронийларни бирлашишга даъват этган.

Тибинг хўрсиниб қўйди.

– Энди эса кўзингизни очинг.

Во ажаб! Суратда ҳар кимнинг ўз косаси бор эди. Ўн учта коса. Ҳаммаси кичкинагина. Граал косасининг эса қораси ҳам йўқ.

– Ғалати, тўғрими? Инжил ва кўпгина афсоналарда ушбу лаҳзани Граал косаси пайдо бўлиши билан боғлашади. Мусаввир эса буни унутгандай косани чизмаган.

– Санъатшунослар буни албатта пайқашлари керак эди-ку!

– Тўғри, лекин олимлар ва санъатшунослар да Винчи асарларидаги ғалатиликларни пайқаб туриб, кўз юмишган. Бу суратга келсак, у Граал сирини англаш учун калит хизматини ўтайди.

Софи суратга синчковлик билан назар сола бошлади.

– Бундан келиб чиқадики, бу сурат Граал косаси аслида нимадан иборат эканлигини билдиради?

– Нимадан эмас, – шивирлади Тибинг, – кимдан. Гап шундаки, Граал ҳеч қанақанги буюм эмас, у – одам.

## ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ БОБ

Софи ажабланган кўйи Тибингга қараб турди, кейин эса Лэнгдон томон ўтирилди.

– Муқаддас Граал одамми?

– Ҳа, аёл киши, – бош ирғади профессор.

Софининг ҳолатини тушунса бўлади. Бу ҳақида биринчи марта эшитганида ўзи ҳам мутлақо ишонмаган эди. Кейинчалик, Граалнинг яширин белгиларини ўргангачгина, уни шубҳа-гумонлар тарк этди.

– Балки тимсолшunosимиз бизга айрим нарсаларни тушунтириб берар? – жимликни бузди Тибинг. У стол устидан тоза қоғоз олиб, Лэнгдоннинг олдига қўйди. Роберт эса чўнтагидан ручка чиқарди.

– Манави белгилар – ♂ ♀ сизга танишдир, Софи?

– Албатта, эркаклик ва аёллик белгилари.

– Ваҳоланки, қадимда бу тимсоллар Марс ва Венера сайёраларини билдирган, эркаклик белгиси қалқон ва найзадан, аёллик белгиси гўзалликни акс эттирувчи ойнадан келиб чиққан, деган фикр эса нотўғридир, – у қоғозга яна нимадир чизди. – Аслида эркакликни мана шу белги билдирган, у қиличнинг тиғи ёки шамшир номи билан машҳур, тажовузкорлик ва мардликни таъкид-

лаш учун ишлатилади. Буниси эса, – бошқа тимсолни чиэди, – идиш номини олган, кўпроқ косага ўхшаб кетади. Аниқроқ айтганда, аёл бағрини ифодалайди, аёллик ибтидоси ва ҳосилдорликни билдиради. Хуллас, афсонада айтилганидек, муқаддас Граал идиш эмас, балки унинг асл моҳиятини яшириш учун қилинган истиора, холос. Граал аёллик ва назокатнинг, аёллик ибтидоси ҳамда маъбуданинг тимсолидир. Вақт ўтиши билан черковнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ундан бу маъно олиб ташланди. Аёлнинг ҳукмронлиги, унинг ҳаётни вужудга келтириш қобилияти бир вақтлар муқаддас ҳисобланиш билан бирга, эркаклик ибтидосини биринчи ўринга қўядиган черковнинг ривожланишига тўсқинлик ҳам қиларди. Черков албатта қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, аёллик ибтидосига иложи борича лой чаплашга уринди. Момо Ҳавонинг тақиқланган мевадан ейишига барча аёллар жавоб беришлари керак, деган сафсата ўйлаб топилди. Бироқ насронийлик пайдо бўлиши билан қадимий мажусийлик динлари йўқ бўлиб кетмади. Граални қидирган рицарлар ўзларини қандайдир “коса” излаётгандай кўрсатишарди, яъни Черковни чалғитиш учун. Аслида эса уларнинг мақсади муқаддас аёллик ибтидосини топиш эди. Ҳа, Граал – бу йўқотилган маъбуда тимсолидир.

– Кечирасиз, Граал – бу одам деган эдингиз...

– Худди шундай, – тасдиқлади Лэнгдон.

– Шунчаки одам эмас, – Тибинг ўрнидан турди, – аёл киши!

Бу аёл насронийлик асосларини остин-устун қилиб юбора оладиган сирни билади!

Софи қаттиқ ҳайратда эди.

– Уни... ҳамма танийдимиз?

– Албатта! – Тибинг қўлтиқтаёқларини олди. – Энди менинг хонамга кирамиз ва сизларга ўша аёлнинг Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб тасвирини кўрсатаман.

Бу пайт содиқ хизматкор Реми Легалудек ошхонада телевизор кўриб ўтирарди. Янгиликларнинг навбатдаги сониди жиноятчи аёл ва эркак кишининг фотосуратини кўрсатишди. Атиги бир неча дақиқа олдин айнан уларга чой дамлаб берган эди...

## ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ БОБ

Цюрих Депозитар банки олдидаги йўлкада турган лейтенант Колле ўйлаб ўйига етолмасди: Фаш нима сабабдан ҳалигача тинтув учун ордер олиб келмаяпти? Бу айёр банкчилар ниманидир яширишаётгани аниқ. Аввалига Невё ва Лэнгдоннинг банкка кирганини тасдиқлашди. Энди эса ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмагани учун қайтариб юбордик, дейишяпти.

Ақалли текшириб кўриш учун ҳам ичкарига киритишмаяпти-ку!

Кўл телефонининг тўсатдан жиринглаб қолиши унинг хаёлини бўлди. Луврдаги йигитлар кўнғироқ қилишяпти экан.

– Ва ниҳоят ордер олдиларингми? – энсаси қотиб сўради Колле.

– Банкни унутинг, лейтенант, – жавоб берди агентлардан бири.

– Ҳозиргина янги маълумот олдик. Лэнгдон билан Невё қаерга яширинишганини энди аниқ биламиз.

Колле ажабланганидан машинасининг капотига ўтириб қолди.

– Мабодо ҳазиллашмаяпсизми?

– Ҳазиллашганим йўқ. Улар ҳозир Версал яқинида.

– Капитан Фаш биладимми?

– Унга айтиб улгурмадик, у телефонда гаплашяпти.

– Унда мен йўлга чиқаман. Айтиб қўйинг, Фаш бўшаши билан менга кўнғироқ қилсин.

Колле шоша-пиша манзилни ёзиб олди-да, машинасига ўтирди. Эҳ, бу маълумотни ким етказганини сўрамабди-ку. Майли, бунинг кўпам аҳамияти йўқ. Коллега аввалги хатоларини тузатиш учун қулай имконият туғилди. Анойилардан эмас у, жиноятчиларни албатта қўлга туширади!

У рация орқали ёнида кетаётган машиналар билан боғланди.

– Йигитлар, сиреналарни ёқманглар. Лэнгдон биз боришимизни билмаслиги керак.

Худди шу жойдан эллик километр узоқликда қора «Ауди» дала четидаги дарахтлар тагига тўхтади. Сайлас машинадан тушди, дам Виллет қароргоҳига, дам унинг ортида ой ёритиб турган тоққа қараб қолди. Сарой ойналаридан ҳам нур таралар эди. “Қизиқ-ку, – ўйлади Сайлас, – бунақа пайтда одамлар чироқларини ўчириб, ухлаб ётишган бўлишади”. Устознинг айтганлари ўз

тасдиғини топмоқда эди. “Бу ердан пойдевор тошисиз кетмайман! Устознинг ва епископнинг ишончларини оқлайман!”

У сутанасининг этагини йиғиштириб, темир панжара устидан ошиб ўтди. Тиканли боғич берган оғриқларга эътибор қилмай, сарой томон йўналди.

## ЭЛИК САККИЗИНЧИ БОБ

Тибингнинг хонаси замонавий идорадан беш-олти баробар катта бўлиб, кўпроқ илмий лаборатория ёки кутубхонага ўхшаб кетарди. Сон-саноқсиз столлар устига китоблар, суратлар, ҳайкалчалар ва бошқа санъат асарлари қалаштириб ташланган. Бир нечта компьютерлар, проекторлар, микроскоплар, нусха кўчирувчи аппаратлар, сканерлар ҳам тартибсиз жойлаштирилибди.

– Рақс залини ўз хонамга айлантирдим, – оstonадан ўтибоқ тушунтира бошлади Тибинг. – Энди барибир рақсга туша олмайман-ку.

Софи бугун жуда кўп қутилмаган воқеаларга дуч келди, лекин бунақанги ҳашаматли хонани кўраман деб ўйламаганди.

– Буларнинг ҳаммаси сизга ишлаш учун керакми?

– Ҳақиқатни топиш ҳаётим мазмунига айланган, – жавоб қайтарди Тибинг. – Сангрилни эса энг суюкли асирам десам бўлади.

“Граал косаси – бу аёл киши”, ўзига-ўзи эслатди Софи. Тибингдан шунчалик кўп маълумот эшитдики, хаёлида турли фикрлар чарх уриб, боши айланарди.

– Шундай қилиб, сизда Граал деб ҳисобланадиган аёлнинг портрети борми?

– Ҳа.

– Қани у? – сўради Софи деворларга қарар экан.

– Ҳозир. Граал косаси... Сангрил... Идиш... – деди Тибинг ниманидир эшлашга уринаётгандай. Кейин эса кескин ўтирилди ва энг орқа деворни кўрсатди: – Ана!

У ерда “Махфий ибодат” суратининг баландлиги саккиз футча келадиган, катталаштирилган нусхаси осифлиқ эди.

– Кечирасиз, бу суратни кўрсатган эдингиз!



– Биламан. Унинг катталаштирилган нусхаси янам қизиқроқ, шундай эмасми?

Софи Лэнгдонга ўтирилди.

– Бу топишмоқлардан бошим айланиб кетди.

– Демак, – кулимсираб гап бошлади Роберт, – Леонардо да Винчи “Махфий ибодат”да Граал косасини тасвирлаган ва...

– Шошманг! Ахир Граални аёл киши деган эдиларинг, бу суратда эса фақат эркакларни кўряпман. Ўн учта эркак!

– Сиз диққат билан қаранг-чи, – айёрона кўз қисди Тибинг.

Софи суратга яқинроқ келди: Исо Масихнинг ўнг томонида олти нафар, чап томонидан ҳам шунча ҳаворий ўтирибди.

– Уларнинг бари эркак-ку!

– Адашяпсиз. Исонинг шундоққина ўнг ёнида ўтирган кишига яхшироқ қаранг.

Софи ўша томонга тикилди. Узун, жингалак сочлар, кичкинагина қўллар, кўкраги... Наҳотки! Бўлиши мумкин эмас!

– Бу аёл киши экан! – хитоб қилди у.

– Мана буни сюрприз деса бўлади, тўғрими? Кўзларингизга бемалол ишонишингиз мумкин, улар алдагани йўқ. Унутманг, Леонардо жинслар ўртасидаги фарқни маҳорат билан тасвирлаши билан машҳур эди. “Махфий ибодат” инсон онгига шундай таъсир қилади, у ерда аёл борлигини сезиш жуда мушкул. Бундан ташқари, Исо Масих ёнидаги аёлни кўра олмаслигимизга яна бир сабаб бор. Бунга ўн саккизинчи асрда яшаган рестовраторлар айбдор. Улар суратни ўта қўпол тарзда таъмирлашган. 1954 йилга келибгина асар қалин чанг ва бўёқ қатламидан тозаланди, унинг асл, улуғвор қиёфасини ҳозир кўриб турибсиз.

Суратдаги аёл ёш бўлиб, кўринишидан анча тақволи эди. Уялиб, қимтинибгина ўтирибди, устма-уст қўйилган қўллари ҳам, тўлқинланиб турган сариқ сочлари ҳам унга ажиб латофат бахш этган. Софи унга тикилиб тўймас эди.

– Ким ўзи у?

– Азизам, бу аёл Мария Магдалина бўлади.

– Нима? Фоҳишами?

Тибинг худди ўзи ҳақоратлангандек, қовоғи осилиб кетди.

– Ҳечам унақа эмас. Бунақа янглиш фикр насронийликнинг илк даврида черковчилар томонидан ўйлаб топилган. Улар Исо Масихни илоҳга тенглаштириб қўйишди. Мария Магдалина, тўғрироғи, унинг Исо билан никоҳи эса черковчилар тарғиб этаётган таълимотга мутлақо мос келмас эди.

– Кечирасиз, тушунмадим... – Софи ажабланган кўйи бир Тибингга, бир Лэнгдонга қарарди.

– Ҳазрати Исонинг уйланганлиги ҳақидаги маълумот тарихий китобларда қайд этилган. Да Винчи буни биларди ва “Махфий ибодат” да ҳақиқатни тасвирлаган. Исо ва Мария жуфтлик бўлишган! Кийимларига эътибор беринг-а, улар худди бир-бирларининг аксига ўхшайди.

Софи нигоҳларини суратга қадади. Дарҳақиқат, Исо Масих ва Мария Магдалинанинг кийимлари бир хил эди, фақат бириники кўк, иккинчисиники қизил рангда.

– Ва ниҳоят, яна бир белгига диққатингизни тортмоқчиман: Исо ва Мария ёнма-ён, оёқлари бир-бирига тегиб ўтиришибди ва шу ҳолатда “М” ҳарфини ҳосил қилишган.

– Бу шунчаки тасодиф бўлиши мумкин эмас, – луқма ташлади Лэнгдон.

– “М” нимани билдиради? – сўради Софи. У ҳарфни олдинроқ пайқамаганидан ҳайрон эди.

– Махфий белгилар ва тимсоллар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрича, бу ҳарф Мария Магдалинага ишорадир. Граалга алоқадор расмларнинг барчасида “М” ҳарфини турли ҳолатларда кўриш мумкин.

Софи эшитаётганларини ҳазм қилишга улгурмаётган эди.

– Тўғри, суратдаги “М” қизиқарли туюлиши мумкиндир, бироқ у Исо ва Мариянинг никоҳига далил бўла олмайди-ку!

– Мен ҳозиргина айтиб ўтдим, – Тибинг китоблар уюлиб ётган столга яқинлашди ва титкилай бошлади, – бу никоҳ ҳақида тарихий китобларда ёзиб қолдирилган. Бундан ташқари, Исо Масих яшаган даврда эркакларнинг бўйдоқ юриши маъқул кўрилмаган.

У муқовасига “Гностик\* Хушхабарлар” деб ёзилган каттагина китобни олиб, варақлай бошлади. Китоб саҳифаларида папирусга

---

\*Гностик, гностицизм – илк насронийликда Худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимотни яратишга уринган диний-фалсафий оқим.

битилган қадимий ҳужжатларнинг суратлари бор эди. Ҳужжатларнинг қайси тилда эканини Софи тушунмади.

– Булар Ўлик денгиз атрофидан топилган ўрам парчалари, илк насронийлик даврига оид битиклар, – изоҳ берди Тибинг. – Менимча, Филипп баён қилган хушхабардан бошлаган маъқул.

*“Халоскорнинг йўлдоши Мария Магдалинадир. Масиҳ уни ҳамма шогирдларидан ҳам кўпроқ яхши кўрар ва тез-тез лабидан бўса оларди. Қолган шогирдлар бундан хафа бўлишар ва: “Наҳотки уни биздан кўпроқ яхши кўрасан?” дейишарди”.*

Софи ўқиганларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолганди.

– Бу ерда никоҳ ҳақида ҳеч гап йўқ-ку?

– Адашасиз, хоним, – табассум қилди Тибинг. – Оромий тили бўйича истаган мутахассисдан сўрашингиз мумкин: “йўлдош” сўзи қадимда “турмуш ўртоғи” маъносини билдирган.

Лэнгдон тасдиқ маъносида бош ирғади. Тибинг эса тинмай гапирар эди.

– Бу китобдан Масиҳ ва Магдалинанинг никоҳига ишора қилувчи кўплаб парчаларни кўрсатишим мумкин. Лекин мана буни-сини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, – у навбатдаги бетга ишора қилди, – Мария Магдалина баён этган хушхабар.

Инжилда бунақанги Хушхабар йўқлигини Софи билар эди, шунга қарамай парчани ўқиб чиқди:

“Пётр деди: «Халоскор чиндан ҳам бизнинг хабаримизсиз аёл киши билан гаплашдимиз? Энди ҳаммамиз ўша аёлга қулоқ солишимиз керакми? Исо биздан ўша аёлни афзал кўрдими?»

*Левит унга жавоб берди: «Сен ҳамиша қизишиб кетасан. Пётр. Ўша аёл билан худди душмандек рақобат қилмоқчисан. Агар халоскорнинг ўзи танлаган бўлса, сен кимсанки, уни рад этсанг? Халоскоримиз биздан кўра кўпроқ нарсани билади, шунинг учун ҳам уни бизга нисбатан ортиқроқ севади”.*

– Ҳаворийлар тилга олган аёл Мария Магдалинадир, – деди Тибинг. – Пётр Исони ундан қизғанаяпти.

– Исо Марияни кўпроқ яхши кўргани учунми?

– Фақатгина бунинг учун эмас. Кўплаб Хушхабарларда келтирилишича, айнан ўша пайт Исо тез орада қўлга олиниб, хочга

михланишини сезган. Кетганидан сўнг эса черковни қандай бошқариш борасида Марияга йўл-йўриқ кўрсатган. Шундай қилиб, Пётр иккинчи даражали бўлиб қолишидан хавфсираган. Менимча, у аёлларни ёқтирмаган бўлса керак.

– Бундай дейишга қандай тилингиз борди? – аччиқланди Софи.  
– Ахир Пётр авлиё-ку! Черков қуришда Исо унинг ёрдамига суянган.

– Тўғри, Исо Масих черков қуриш тўғрисида кўрсатмалар берган, лекин Пётрга эмас, Мария Магдалинага берган! Илк Жуш-хабарларда худди шундай ёзилган.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ю. Айтмоқчисизки, насроний черковига аёл киши асос солган ва у томонидан бошқарилган, шундайми?

– Аввал-бошдан режа шунақа эди. Исо ўз черкови келажагини Мария Магдалина қўлига топширган.

– Пётр эса буни маъқулламаган, – суҳбатга қўшилди Лэнгдон ва «Махфий ибодат» сурати нусхасига ишора қилди: – мана у. Кўриб турибсизки, да Винчи унинг Марияга муносабатидан жуда яхши хабардор бўлган.

Софи яна қаттиқ ҳайратда эди. Суратда тасвирланган Пётр Мария Магдалинага таҳдид солаётгандек туюларди. Устига-устак, қўли билан ишора қилиб, Мариюни томоғидан сўйиб ташлашга тайёр эканлигига кўрсатиб турар эди.

– Пётр атрофида ўтирган шогирдларнинг Марияга қарашини ҳам таҳдидона тус олган, тўғрими?

У суратга диққат билан тикилди. Кимнингдир қўли ажралиб қолган эди.

– Анавининг қўлида нима бор? Ханжарми?

– Ҳа. Лекин расмдаги қўллари ҳисоблаб кўринг-а, ханжар тутган қўлнинг эгасини топа олмайсиз. Ҳеч кимники эмас у.

Биргина суратдан шунча сирнинг кашф этилиши Софини лол қилиб қўйган эди.

– Мен барибир бир нарсани тушунмаяпман: Мария Магдалина билан Граал ўртасида қандай алоқа бор?

– Мана энди ишимизнинг моҳиятига яқинлашдик! – хитоб қилди Тибинг. У стол устидаги қоғозларни кавлаштириб каттагина харитани топди ва уни ёйиб юборди. Харитада шажара дарахти тасвирлан-

ган эди. – Мария Магдалина Исонинг ўнг қўли бўлишидан ташқари, катта хукмронликка эга бўлганини кўпчилик билавермайди.

Софи шажара дарахти устидаги ёзувни ўқиди:

### **ВИНИАМИНЛАР УРУФИ**

– Нима, у Виниаминлар уруфиданми?

– Худди шундай. Унинг келиб чиқиши подшо хонадонига бо-  
риб тақалади.

– Мен эса камбағал бўлган деб ўйлардим.

Тибинг бошини сарак-сарак қилди.

– Черков Мариянинг подшолар авлодидан эканлигини яши-  
риш учун уни фоҳишага чиқариб қўйди. Қолаверса, Исо ҳам под-  
шолар авлодидан, ҳаворий Маттонинг ёзишича, Довуднинг ўғли  
эди. Довуд эса ўз навбатида Сулаймон подшонинг ўғли бўлган.  
Агар Исо Марияга уйланганида икки подшолар авлоди бирла-  
шиб, кучли сиёсий иттифоқ вужудга келар, бу иттифоқ тахтга  
хукмронлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган бўларди.

Кекса тарихчи ҳаяжонлана бошлаган эди.

– Граал косаси ҳақидаги афсона – бу подшолик қони ҳақидаги  
афсонадир. «Исо қони қуйилган идиш» ибораси аслида “подшо-  
лик қони”ни ўзида сақловчи аёллик бағри, яъни Мария Магдали-  
нага ишора ҳисобланади.

– Демак... Исо фарзанд кўрган бўлиши мумкин экан-да?

– Ҳа! Мария Магдалина эса подшолик авлодини давом этти-  
радиган “муқаддас идиш” эди.

– Лекин нима учун бу маълумот кўп вақт сирлигича қолган?

– Қўйсангиз-чи, мен буни сир демаган бўлардим. Ҳақиқатни  
билиш учун диққатлироқ бўлиш керак, холос. Мария Магдалина  
ҳақида ҳар вақт, ҳамма жойда гапирилган.

– Санграл ҳужжатлари-чи? – сўради Софи. – Бу ҳам. Исонинг  
подшолар авлодидан эканлигига ишорами?

– Ҳа.

– Бундан келиб чиқадики, Граал косаси ҳақидаги афсона под-  
шолик қони тўғрисидаги ҳикоя экан-да?

– Тўппа-тўғри. “Санграл” сўзи Муқаддас Граал маъносини  
билдирувчи “San Greal” сўзидан келиб чиққан. Лекин қадимда  
“Санграл” бошқача – “Sang Real” тарзида бўлинар эди. Бунинг  
маъноси эса “подшолик қони” дир...

## ЭЛИК ТҰҚҚИЗИНЧИ БОБ

«Дея асари»нинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида навбатчилик қилаётган йигит гўшақда Арингаросанинг овозини эшитиб, аввалига ажабланди.

– Хайрли кеч, сэр!

– Менга ҳеч қандай хабар қолдирилмадими? – епископнинг овози одатдагидан кўра ташвишли ва ҳаяжонли чиқарди.

– Ҳа, сэр! Кўнғироқ қилганингиз яхши бўлди, сиз билан боғлана олмаётган эдим. Ярим соатча олдин сизга муҳим бир хабар келганди.

– Шундайми? – Арингароса енгил тортди. – Кўнғироқ қилган одам кимлигини айтдимиз?

– Йўқ, сэр, фақат телефон рақамини қолдирди, – навбатчи рақамни айтиб берди.

– Коди ўттиз учми? Бу Франция, шекилли?

– Ҳа, сэр, Париж. Сиз зудлик билан кўнғироқ қилишингиз керак экан.

– Раҳмат, – деди Арингароса ва телефонни ўчирди.

“Фиат” машинаси Римдаги Чампино аэропортига яқинлашаётган эди. “Устоз телефонимга тушолмабди-да”, ўйлади епископ. Кўриниб турибди, Устоз ўзига ишонгани учун ҳам Нью-Йорк билан тўғридан-тўғри боғланган. “Демак, Париждаги ишлар кўнгилдагидек кетяпти, тез орада ўзим ҳам етиб бораман у ерга”.

Арингароса навбатчи айтган рақамларни терди.

– Судлов полицияси марказий бошқармаси эшитади! – аёл кишининг овози янгради.

У ўзини йўқотиб қўйди.

– Э-э... хайрли кеч. Шу рақамга кўнғироқ қилишимни сўрашган экан.

– Исмингиз?

– Епископ Мануэл Арингароса, – деди бир оз иккиланиб тургач.

– Бир дақиқа кутиб турсангиз!

Гўшақдан аввал шиқиллаган товуш, кейин эса эркак кишининг кўпол овози эшитилди:

– Овозингизни эшитишдан жуда хурсандман, епископ. Сиз билан кўп нарсаларни муҳокама қилиб олишимиз керак.

## ОЛТМИШИНЧИ БОБ

Сангрил... Sang Real... San Greal... Подшолик қони... Граал косаси...

Буларнинг бари бир-бирига боғлиқ.

Софи кенг хонанинг ўртасида турганча шу ҳақида ўйлар эди.

– Гувоҳи бўлганингиздек, – деди сэр Тибинг китоб жавонлари томон оқсоқланиб қадам ташларкан, – Граал ҳақидаги ҳақиқатни ошкор этмоқчи бўлган фақатгина да Винчи эмас. Исо Масиҳнинг насабини ўнлаб олимлар синчковлик билан ўрганишган, – у китобларга ишора қилди.

Бошини хиёл эгтанча, Софи китоблар номларини ўқий бошлади:

Тамплиерлар кашфиёти: Исонинг асл насабини сақловчилар кўза тутган аёл: Мария Магдалина ва Граал косаси хушxabарларда маъбуда образи: муқаддас аёллик ибтидосини

тиклаш

– Мана буниси, менимча, энг машҳури, – деди Тибинг ва тоқчадан уриниб кетган китобни олиб Софига узатди.

**МУҚАДДАС ҚОН, МУҚАДДАС ГРААЛ**

– Бу китоб ҳақида ҳеч эшитмаган эканман.

– У чиққанида сиз кичкина эдингиз. Саксонинчи йилларда бутун дунёга шов-шув бўлиб кетган бу китоб. Тўғри, муаллифлар ўз таҳлилларига мантиқий яқун яшашга журъат этишолмаган, лекин фикрлари ўринли. Уларга «рахмат» дейиш керак. Исонинг келиб чиқиши подшолардан эканини кенг омма онгига сингдиришди.

– Ҳар ҳолда черков қараб ўтирмагандир?

– Албатта. Китоб руҳонийларнинг қаҳрини кўзғатиб юборди.

Шундай бўлиши аниқ эди. Ахир асарда черков тўртинчи асрадаёқ йўқ қилишга уринган сир, шунингдек, аёвсиз салб юришлари ҳақида сўз боради.

– Беш гулбаргли атиргул... – деди Софи китоблардан бирининг муқовасини томоша қила туриб. – Худди шундай нақш ёғоч қутича қопқоғида ҳам бор эди.

– Жуда синчков экансиз, – кулди Тибинг. – Бу Приорат томонидан Мария Магдалинага атаб яратилган тимсол ҳисобла-

нади. Умуман олганда, атиргул ҳар доим ҳам аёл гўзаллигининг рамзи бўлган. Бешта гулбарг эса аёл ҳаётидаги беш босқични билдирган: туғилш, ҳайз, оналик, климакс ва ўлим, – у Робертга қаради. – Эҳтимол, тимсоллар бўйича мутахассис бирор-бир қўшимча қилар?

Лэнгдондан эса садо чиқай демасди.

– О Худойим! Ўтакетган иккиюзламачи бўлади-да бу америкаликлар! – Тибинг яна Софи томонга ўтирилди. – Профессор гапиришга уялди: атиргул гули аёллик узвини ёдга солади. Инсон зоти борки, унинг ғунчаси очилишидан ёруғ дунёга келади.

– Энг асосийси, – ниҳоят тилга кирди Лэнгдон, – бу китобларнинг барини муҳим бир фикр бирлаштиради.

– Исонинг ота бўлгани ҳақидаги фикрми?

– Ҳа, – жавоб берди Тибинг. – Сион Приоратига кўра, Исо хочга тортилган пайтда Мария Магдалина ҳомиладор бўлган. Ҳали туғилмаган фарзандини асраб қолиш учун у Муқаддас заминдан қочиб, Францияга келади ва у ердаги яҳудий жамоасидан қўним топади. Мария қиз кўради, унга Сара деб исм қўяди.

– Улар боланинг исмини ҳам билишганми?

– Албатта. Мариянинг фарзанди яҳудий подшолари бўлмиш Довуд ва Сулаймоннинг авлоди эди, шунинг учун ҳам Францияда яшовчи яҳудийлар Мария Магдалинани қаттиқ ҳурмат қилишарди. Ўша давр тарихчилари унинг Франциядаги ҳаётини батафсил ёзиб чиқишган, кейин эса авлодларининг шажара дарахтини тузишган.

– Демак, Исо Масиҳнинг шажара дарахти борми?

– Ҳа. Бу маълумотлар Сангрил ҳужжатларининг асоси, пойдевор тошига айланган.

– Лекин ўша ҳужжатлардан нима наф? – хитоб қилди Софи. – Тарихчилар уларнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаб беролмасалар ҳам керак.

Тибинг истеҳзоли кулди.

– Бу худди Инжилнинг ҳақиқийлигини исботлашга ўхшаган гап.

– Яъни?

– Биласизми, тарих ҳамиша ғолиблар томонидан ёзилади. Икки маданият тўқнашуви юз берган тақдирда, мағлубиятга учраган



томон ҳақоратлар ва камситилишларга учрайди, голиб томоннинг эришган муваффақиятлари ҳақида эса тарих китоблари янгидан ёзилади. Унутманг, тарих воқеаларнинг бир томонлама ёритилишидир.

Бунақа фикр Софининг хаёлига умуман келмаган эди.

– Сангрил ҳужжатлари ҳазрати Исо ҳаётининг бизга номаълум жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилади. Уларни ўқигач, хулоса чиқариш кишининг ўзига ҳавола. Энг муҳими, бу ҳужжатлар сақлаб қолинди. Сангрил ҳужжатлари минг саҳифадан иборат, айтишларича, улар тўртта сандиқда сақланади. Мишмишларга кўра, ушбу хазинанинг бир қисми Исо Масиҳнинг ваъзалари қўлёзмалари бўлиб, унинг ўзи томонидан ёзилган. Буни ҳатто Ватикан ҳам тан олади.

– Исонинг ўзи ёзган?!

– Менимча, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Хазинадаги яна бир муҳим қўлёзма «Магдалинанинг кундалиги» деб аталади. Унда Исо ва Мария Магдалинанинг ўзаро муносабатлари, Исони қандай хочга тортишгани, Мариянинг қочиши ва Франциядаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган.

– Демак, бу ҳужжатлар тамплиерлар Сулаймон ибодатхонаси вайроналари остидан топган хазина экан-да?

– Худди шундай. Рицарларга чексиз қудрат ато этган ҳам ўша ҳужжатлар эди. Граал косасини қидириш деб номланган сон-санноқсиз изланишлар, тадқиқотлар манбаига айланган ҳужжатлар.

– Лекин Граал – бу Мария Магдалина деган эдингиз. Агар одамлар ҳужжатларни излаш билан овора эканлар, у ҳолда Граал косасини қидириш деб аташнинг нима кераги бор?

– Гап шундаки, – деди оҳиста Тибинг, – Граал яширилган жойда, саркофаг – тош тобут ҳам бор.

Ташқарида кучли шамол увиллар, Тибинг энди овозини пастлатиб гапирарди.

– Граал косасини излашдан мақсад аслида Мария Магдалина хоки олдида ҳурмат бажо келтиришдир. Шу тариқа йўқотилган аёллик ибтидоси зиёрат қилинган бўлади.

Софига жон киргандай бўлди.

– Граал яширилган жойда қабр борми?

– Ҳа. У ерга нафақат Мария Магдалинанинг жасади, балки унинг ҳаётидан сўзловчи ҳужжатлар ҳам кўмилган. Граал косасини излаш аслида алданган ва таҳқирланган маликани топишга уришидир.

Софи ҳикоянинг давомини кутганди, аммо Тибинг тўсатдан жим бўлиб қолди. Кўп нарсалар ноаниқлигича қолмоқда эди, жумладан, бобосининг тарихи ҳам.

– Бундан келиб чиқадики, Приорат аъзолари Сангрил ҳужжатлари ва Магдалина кўмилган жой сирини қўриқлаб келишган экан-да?

– Тўғри, бироқ биродарликнинг яна бир муҳим вазифаси бўлган – Исо авлодларини ҳимоя қилиш. Черков Исо авлодлари кўпайиши ва бундан одамлар хабар топишидан қаттиқ чўчирди. Ахир бу католик черкови ақидаларига путур етказар эди-да. Шунга қарамай, ҳазрати Исо авлодлари Францияда униб-ўсди, улар ҳақидаги маълумот бешинчи асрда, француз қироллари сулоласи билан бирлашгачгина, юзага чиқди. Бу сулола Меровинглар номи билан машҳурдир.

Бу янгилик Софини ларзага солди. Меровинглар ҳақида ҳар бир француз талабаси билади-ку!

– Ўша Меровингларми, Парижга асос солган?

– Ҳа, худди ўшалар. Граал косаси ҳақидаги афсона айнан Францияда кўпроқ машҳурлигига сабаб ҳам шунда. Сиз қирол Дагоберт ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

– Менимча, у Меровинглар қироли эди, шекилли? Ухлаб ётганида кўзига ханжар суқиб олишган.

– Тўппа-тўғри. Еттинчи аср охирида Ёш Пипин Ватикан ёрдамида уни ўлдирди ва шу тариқа Меровинглар сулоласи барҳам топди. Буни қарангки, Дагобертнинг ўғли Сигизберт омон қолган эди, кейинчалик у авлодни давом эттирди. Сион Приорати асосчиси Годфруа де Буйон ҳам унинг наслдан ҳисобланади.

– Айнан Годфруа, – деди Лэнгдон, – тамплиерларга Сангрил ҳужжатларини Сулаймон маъбади харобаларидан кавлаб топишни буюрган. Хулоса қиладиган бўлсак, Меровинглар сулоласининг келиб чиқиши Исо Масиҳга бориб тақалапти.

Тибинг оғир хўрсинди.

– Бугунги кунда Сион Приоратининг уч муҳим вазифаси бор: Сангрил ҳужжатларини ҳимоя қилиш, Мария Магдалина қабрини асраш ва Меровинглар сулоласи давомчиларини қўлаб-қувватлаш.

Софи ҳаяжондан титраётганини сезди. Исо Масих авлодлари ҳозир ҳам бор экан!

Қулоқларига бобосининг овози эшитилгандай бўлди: “Маликам, сенга оиланг ҳақидаги ҳақиқатни сўзлаб беришим керак”.

Унинг суюк-суюкларигача зирқираб кетгандай бўлди.

*Подшолик қони...*

Йўқ, буни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди!

*Малика Софи...*

– Сэр Лью! – девордаги селектор қутисидан Ремининг овози эшитилди. – Ошхонага бирров келиб-кета оласизми?

Тибинг ғижиниб қўйди. Иш пайтида ҳалақит беришларини жуда ёмон кўрарди. У қутичага яқинлашиб тутгани босди.

– Реми, ахир биласан-ку, ёнимда меҳмонлар бор. Агар ошхонадан бирор нарса керак бўлса, ўзимиз айтармиз. Илтифотинг учун раҳмат ва хайрли тун.

– Сиздан қаттиқ илтимос қиламан, сэр.

– Бўпти, гапир. Фақат тезроқ.

– Бу гап фақат ўзимизга тегишли, меҳмонларга эмас.

– Нима, эрталабгача кутишнинг иложи йўқми?

– Асло. Кўп вақтингизни олмайман, сэр, атиги бир дақиқага, холос.

Тибинг кўзларини олайтирганича Лэнгдон билан Софига қараб деди:

– Баъзан умуман тушуна олмайман, бу ерда ким кимнинг хизматини қилади ўзи! – У яна тутмачани босди: – Кетяпман, Реми. Сенга бирор нарса олиб борайми?

– Майли, озодликни ола келинг.

– Реми, биласан, менга ҳалигача хизмат қилаётганингга ягона сабаб – қалампирли бифштексларингдир.

– Сиз нима десангиз шу, сэр.

Тибинг норози бўлганича Ремининг олдига, ошхона томон йўл олди.

## ОЛТМИШ БИРИНЧИ БОБ

Малика Софи.

Йўлакда сэр Тибингнинг қўлтиқтаёқлари тақиллар эди. Софи руҳини алланечук тушкунлик эгаллаганини сезди. У ўтирилиб, умидвор нигоҳларини Лэнгдонга қадади. Профессор эса унинг фикрларини уқиб тургандай, бош чайқади.

– Йўқ, Софи, йўқ. Бобом оилам ҳақидаги сирни айтмоқчи бўлди, деганингиздаёқ бу ҳақида ўйлаб кўрганман, – у бир лаҳза жим қолди. – Бу бўлиши мумкин эмас. Соньер фамилиясининг Меровингларга алоқадор жойи йўқ.

Софи хафа бўлишини ҳам, хурсанд бўлишини ҳам билмасди. Сал олдин Лэнгдон ундан онасининг қизлик фамилиясини сўровди. Мана гап, қаёқда экан.

– Шовел-чи?

Профессор яна бош чайқади.

– Кечирасиз, Софи, бу ҳақида аввалроқ айтишим керак эди. Меровинглар авлодидан фақатгина иккита оила яшаб қолган, уларнинг фамилиялари Плантар ва Сен-Клер. Уларни Приорат ўз ҳимоясига олган.

“Бобом оиламиз ҳақида эслатмагани яхшийдир”, ўйлади Софи.

Уни хотиралар қийнаётган эди.

Онаси ҳар кеча алла айтиб берарди. Отаси эса елкасига ўтқазволиб, хона бўйлаб югурар, укаси ва бувиси қийқириб кулишарди. Энди эса улар йўқ.

“Бобом ҳам ўлди-ю, бу дунёда ёлғиз қолиб кетдим...”

Софи «Махфий ибодат»даги Мария Магдалинага тикилиб қолди. Бу аёлнинг ғамгин кўзлари унга ўз яқинларини эслатаётган эди.

– Роберт, – чақирди Софи, – Лью ҳозиргина Граал юзада ётганлигини айтди. Бу ҳақида эшитмаган эканман.

Лэнгдон кўнглини кўтариш учун қўлини унинг елкасига қўйишдан ўзини аранг тийди.

– Сиз ҳам ҳамма қатори бу ҳақида эшитгансиз, лекин гап нимадалигини яхши тушунмагансиз.

– Ҳозир ҳам тушунмаяпман.

– Граал сир бўлса-да, уни ҳамма жойда кўриш мумкин. Черков Мария Магдалина исмини тилга олишни тақиқлагач, у ҳақидаги тарих истиора ва ишораларга кўчди. У “Махфий ибодат”га ишора қилди: – Мана фикримизнинг ёрқин далили. Ҳозирги кўплаб замонавий санъат асарлари, адабиёт, мусиқа ҳам Исо Масиҳ ва Мария Магдалина ҳақида ҳикоя қилади.

Лэнгдон да Винчи, Ботичилли, Пуссен, Бертини асарларида муқаддас аёллик ибтидосини ёритишга бўлган уринишлар, Гюго-нинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси”, Моцартнинг “Сеҳрли флейта” асарларида Граалга ишоралар тўлиб ётгани ҳақида гапириб берди.

– Ҳатто мультфильмлар ва бадний кинода ҳам Граални кўрса бўлади, – деди у. – Дисней ўз ижоди орқали ҳақиқатни айтишга ҳаракат қилган. Масалан, “Оппоғой”ни олайлик. У заҳарланган олмани егач, турли машаққатларга учрайди. Бу эса ўз навбатида Момо Ҳавонинг жаннатда тақиқланган олмани еб қўйиб, гуноҳга ботишига ишора бор\*.

Шундан сўнг Лэнгдон «Қирол шер» мутфильми ҳақида гапира кетди. Талабалар билан ушбу фильмни томоша қилиб, қизиқ нарсага дуч келди: тасмани айлантираётиб Симбанинг боши узра чанглардан ёзилган «SEX» сўзини кўриб қолишди. Бу сўз мультпликаторларнинг ҳазили эмас, балки мажусийларнинг шаҳватпарастлигини кўрсатишга уриниши эди. У яна “Кулойим”, “Уйқудаги гўзал”, “Сув париси” асарларидан мисоллар келтирди.

Шу маҳал эшикда Тибинг кўринди. Унинг қовоқлари солиқ эди.

– Роберт, марҳамат қилиб, мени нима учун алдаганингизни тушунтириб беринг, – деди у совуқ оҳангда.

---

\*Насронийлик этиқодига кўра, Момо Ҳаво жаннатда еган тақиқланган мева олма эди.

## ОЛТМИШ ИККИНЧИ БОБ

– Худо ҳаққи, ишонинг, менинг ҳеч қандай айбим йўқ, – деди Лэнгдон иложи борича ўзини хотиржам тутишга уриниб. – Ахир мен қотилга ўхшайманми?

Тибинг юшмади.

– Телевизорда расмингизни кўрсатиб ётишибди! Сизни полиция қидираётганини билармидингиз?

– Ҳа.

– Демак, ишончимни суиистеъмол қилибсиз, мени хавф остига қўйибсиз. Сиздан буни кутмаган эдим. Граал ҳақида суҳбатлашишдан мақсад уйимда беркиниб ўтириш экан-да?

– Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ.

– Лекин Жак Соньер ўлдирилган ва полициянинг фикрича, бу қотиллик сизнинг бўйингизда. – Тибинг қовоқ уйди: – Билсангиз, Соньер санъат ривожига улкан ҳисса қўшган киши эди.

– Сэр! – эшик олдида хизматкор пайдо бўлди. – Рухсат берсангиз, мен ҳайдаб юбораман!

– Йўқ, ўзимга қўйиб бер, – Тибинг хонани кесиб ўтди ва айвонга чиқиладиган эшикни очди. – Машинангизга ўтириб, бу ердан кетинг!

Софи жойидан жилмади.

– Бизда пойдевор тоши ҳақида маълумот бор. Приоратнинг пойдевор тоши ҳақида.

– Йў-ўқ! Энди бунақаси кетмайди. Яна мени алдаяпсизлар.

– У рост гапиряпти, – деди Роберт. – Биз айнан пойдевор тоши тўғрисида гаплашиш учун олдингизга келган эдик.

Реми яна гапга аралашди:

– Даф бўлинглар! Акс ҳолда полиция чақираман!

– Лью, биз пойдевор тоши қаердалигини биламиз.

Тибинг иккиланиб қолганди. Реми эса меҳмонларга вазоҳат билан яқинлашиб келарди.

– Йўқолинглар!

– Реми! – Тибинг хизматкорига бақирди. – Кечирасан, бу ердан чиқиб турсанг дегандим.

– Ахир, сэр... бу одамлар...

– Уларни ўзимга қўйиб бер, – Тибинг эшик томонга ишора қилди.

Хонага сукунат чўқди. Салқин шабада очиқ эшиклардан ичкарига ёпирилиб кирарди. Тибинг меҳмонлар томонга ўтирилди.

– Хўш, пойдевор тоши ҳақида нимани биласизлар?

Шундоққина дераза тагида эса Сайлас тўппончасини кўксига босганча пойлаб ўтирарди. У ичкаридагиларга беш дақиқа муҳлат берди, агар шу вақт ичида хазина қаердалиги маълум бўлмаса, хонага бостириб кирази ва куч ишлатиб, пойдевор тоши яширилган жойни билиб олади.

– Нималар деяпсиз? – ишонқирамади Тибинг. – Жак Соньер Улуғ уста эканми?

Софи жимгина бош ирғади.

– Буни қаердан билдингиз?

– Жак Соньер менинг бобом эди.

Тибинг ҳайратдан қалқиб кетди.

– Невё хоним, тўғриси, нима дейишни ҳам билмай қолдим. Чуқур таъзиямни қабул этинг. Тадқиқотларим жараёнида Сион Приоратига алоқадор бўлиши мумкин париждликлар рўйхатини тузиб қўйгандим, Жак Соньер ҳам рўйхатимда бор. Лекин унинг Улуғ уста эканлиги умуман ҳаёлимга келган эмас! – у бошини сараксарак қилди. – Хўп, бобонгиз Улуғ уста бўлган, пойдевор тошини ўз қўллари билан ясаган ҳам дейлик, лекин ҳеч қачон бу ҳақида сизга айтмаган бўларди. Ҳатто набираси бўлсангиз ҳам.

– Соньер бу ҳақида ўлими олдидан ёзиб қолдирган, – деди Лэнгдон. – Чунки чорасиз эди.

– Бундай қилишига ҳожат йўқ, – эътироз билдирди Тибинг. – Приоратда яна уч киши, яъни ноиблар ҳам сирдан хабардор бўлишади.

– Сиз янгилликларни охиригача кўрмабсиз. шекилли, – деди Софи. – Бугун бобомдан ташқари яна таниқли уч нафар париждлик ҳам ўлдирилган. Уларнинг бари бир хил усулда қийноққа солинган.

– Сизнингча, улар...

– Ноиблар эди, – унинг ўрнига гапни тутатди Лэнгдон.

– Бўлиши мумкин эмас! Қотил уларнинг тўртовини ҳам қандай билиб олган? Мана мен, Сион Приоратини ўн йиллардан буён

Ўрганаман, лекин бирорта ҳам унинг аъзосини танимайман. Улуғ уста ва уч ноибнинг бир кунда ўлдирилишини тасаввур қилиб бўлмайди.

– Шубҳасиз, Сион Приорати узоқ вақт давомида кузатув остида бўлган. Эҳтимол, биродарлик раҳбарларига сирни очишади деган мақсадда хужум қилинган.

Тибинг ҳамон ишонмаётган эди.

– Лекин биродарлар сирни сақлашга қаттиқ қасам ичишган.

– Ва айнан шунинг учун ҳам ўлдирилганлар, – деди Лэнгдон.

– У ҳолда пойдевор тоши қаердалигини ҳеч ким ҳеч қачон била олмайди, – Тибинг инграгандай гапирди. – Ишончим комилки, бундай ёвузликни Приоратнинг эски душмани қилган.

– Черковми?

– Албатта-да. Ахир Ватикан юз йиллардан бери Граални излаб келади.

– Сизнингча, бобомни Черков ўлдирганми? – шубҳаланиб сўради Софи.

– Ҳа, бу унинг тарихидаги биринчи қотиллик эмас. Черков Граал хазинасини топиш ва йўқ қилиш учун ҳамма нарсага тайёр.

Лэнгдон бу фикрга қўшилмади. У папа билан ҳам, унинг кўплаб кардиналлари билан ҳам шахсан учрашган эди. Улар чуқур маданиятли, чин эътиқодли кишилар, қотилликдай манфур жиноятга ҳеч қачон қўл уришмаган бўлишарди.

– Айтингчи, Лью, католик руҳонийларига Приорат аъзоларини ўлдиришнинг нима кераги бор? Ўзлари ёлғон деб ҳисоблаган ҳужжатларни топиш, йўқ қилиш учунми?

Тибинг истеҳзоли кулимсиради.

– Гарвард сизни анча мулойим қилиб қўйибди, Роберт. Тўғри, ҳозирги Ватикан кучли тажовузларга ҳам дош бера олади. Аммо унинг ичидаги нифоқлар, низоларни одамлар кўрмаяпти деб ўйлайсизми? Черковда Исо Масих ҳақида ваъз ўқийдиган, хилватга чиққач эса ёш болаларни йўлдан урадиган руҳонийларни-чи? Тангри таолонинг ердаги вакиллари ҳали шуларми, деб одамлар сўрашмайдимми ахир? – Тибинг нафасини ростлаб олди. – Ўша одамларга черковнинг Исо тўғрисидаги гаплари ёлғон экани илмий асослаб берилса, нималар содир бўлиши мумкинлигини биласизми?



Лэнгдон жавоб бермади.

– Ўзим айта қолай: Ватиканнинг икки минг йилдан бери давом этиб келаётган дини таназулга учраши аниқ.

Орага оғир сукунат тушиди.

– Агар қотилликларда чиндан ҳам Черковнинг қўли бўлса, нима учун бу айнан ҳозир содир бўлди? Ахир Приорат ҳужжатларни ҳалиям сир сақлаяпти ва улар Черковга ҳеч қандай хавф солмайди-ку?

– Невё хоним, – деди Тибинг, – бир пайтлар Приорат ва Черков ўзаро келишиб олишган эди: Приорат Сангрл ҳужжатларини сир тутади, Черков эса биродарликка тегинмайди. Бироқ Сион Приоратида кун келиб, Исо Масиҳнинг асл тарихини бутун дунёга ошкор қилиш режаси ҳар доим бўлган.

– Демак, ўша пайт келибди-да?

– Черковнинг ҳужумларига қараганда, шунақага ўхшайди. Худо кўрсатмасин, борди-ю, Черков хазинани топгудай бўлса, уни йўқ қилмай қўймайди. Ана ўшанда ҳақиқат ҳам абадий йўқотилади.

Софи асталик билан чўнтагидан хоч шаклидаги калитни чиқарди ва Тибингга узатди.

– Вой Худойим! Приорат муҳри-ку! Қўлингизга қандай тушиб қолди бу?

– Бобом ўлими олдидан қолдирибди. У пойдевор тошига олиб боради.

Тибингнинг кўзлари катта-катта очилиб кетган эди.

– Ишонмайман! Ахир мен Франциядаги барча черковларни текшириб чиқдим-ку!

– Бу калит черковники эмас, – деди Софи, – Цюрих депозитар банкиники.

– Нима, пойдевор тоши банкдами?

– Сейфда, – деди Лэнгдон.

– Банк сейфидами? Ахир у Атиргул белгиси остида яширилган бўлиши керак.

– Худди шундай, – маъқуллади Лэнгдон. – Ёғоч қутича ичида сақланган, қутича қопқоғида эса бешта гулбаргли қадама атиргул бор.

Тибингни худди чақмоқ ургандай бўлди.

– Сиз... пойдевор тошини кўрдингизми?

– Ҳа, биз банкка кирдик.

Тибинг уларга яқинлашди, унинг кўзларида ҳақиқий қўрқув акс этарди.

– Дўстлар, биз нимадир қилишимиз керак! Пойдевор тоши хавф остида! Бизнинг бурчимиз уни ҳимоя қилиш! Агар ноибларда ҳам калит бўлган бўлса-чи? Калитларни албатта ўғирлашган. Демак, Черков ҳам банкка кириши мумкин ва у ҳолда...

– У ҳолда жуда кеч бўларди. Биз эса пойдевор тошини олиб қўйдик.

– Нима? Сизлар пойдевор тошини яширилган жойидан олдиларингми?

– Бунчалик ҳаяжонланманг, – деди Роберт, – тош яхши яширилган.

– Умид қиламанки, энг ишончли жойга яширилган бўлса керак?

– Умуман олганда, – Лэнгдон ўзини кулгидан тўхтата олмади, – бу ишонччилик диванингизни суришингизга боғлиқ.

Сайласнинг сутанаси шамолда тинмай ҳилпирар эди. Ичкаридаги суҳбатни узук-юлуқ эшитди. Аммо энг муҳим икки сўз – “пойдевор тоши” бир неча маротаба аниқ янгради.

*“Пойдевор тоши шу ерда”.*

Устоз ҳеч кимга тегмасликни, Виллет саройига кириб, тошни олиб чиқишни буюрган эди.

Тўсатдан кутубхона чироқлари ўчиб, ичкаридагилар чиқиб кетишди. Сайлас эшикларни сассизгина очиб, ичкарига қадам босди. Қўшни хонадан келаётган бўғиқ товушларни эшитиб, йўлакка чиқди.

## ОЛТМИШ УЧИНЧИ БОБ

Лейтенант Колле ҳашаматли Виллет қароргоҳига тикилиб турарди. *“Яшириниш учун жуда қулай жой”*. ўйлади у. Агентлар сарой атрофини ўраб олишаётган эди. Эндигина капитан Фаш билан боғланмоқчи бўлиб турувдики, унинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди. У Колленинг ютуқларидан кўпам хурсандга ўхшамайди.

– Лэнгдоннинг изи топилгани ҳақида нима учун менга хабар бермадиларинг?

– Телефонда гаплашаётган эдингиз, шунинг учун...

– Лейтенант, ҳозир қаердасиз?

Колле унга манзилни айтди.

– Ҳозироқ етиб бораман, – деди Фаш, – менсиз ҳеч қандай ҳаракат қилинмасин! Шахсан ўзим операцияга бошчилик қиламан.

– Капитан, сиз келгунингизга қадар йигирма дақиқа ўтиб кетади-ку! Биз эса зудлик билан ишга киришишимиз керак!

– Мени кутинглар!

– Лэнгдон у ерда кимнидир гаровга олган бўлса-чи? Ёки бизни сезиб қолиб, қочишга уринса-чи? Йигитларим операцияни бошлашга тайёр туришибди.

– Лейтенант Колле, яна бир марта қайтараман: мени кутинглар! Буйруқ тушунарлими?

Фаш жавобни кутиб ўтирмаёқ телефонни ўчирди.

Колле ҳайрон эди. Фаш нима учун кутиб туришни буюрди? Сабабини тушуниш қийин эмас, ахир Безу Фаш деганлари ўта кетган димоғдор одам. Ҳойнаҳой яна мақтов эшитгиси келиб қолгандир. Америкалик олим қидирилаётгани ҳақида ҳамма телеканалларга эълон бериш билан бирга, қачондан бери ўзи ҳам экрандан тушгани йўқ. На чора, Колле энди унинг келишини кутиб ўтиришга мажбур.

Балки гумондорнинг айби ўз тасдиғини топмагандир? Хаёлига келган бу фикрдан лейтенант чўчиб тушди. Ахир Лэнгдоннинг қотил эканлиги ҳақида ҳамма ёққа жар солиб бўлинди, Интерполга мурожаат этилди, бутун полиция оёққа турғизилди. Бирданига Лэнгдон айбсиз бўлиб чиқса-я? Ана ундан кейин кўринг томошани. Ҳатто Безу Фашдай одам ҳам бунақа жанжални кўтара олмайди. Ўзи бу иш Коллега бошиданоқ ғалати туюлаётган эди. Марҳум Жак Соньернинг набираси нима учун қотилликда гумон қилинаётган одамга ёрдам беришти? Демак, унинг айбсизлигига тўлиқ ишонади. Фашнинг тахмини эса бошқача эди: ягона меросхўр Софи Невё пулларга эгалик қилиш мақсадида ўйнаши бўлмиш Роберт Лэнгдонни бобосини ўлдиришга кўндирган. Соньер унинг ниятини пайқаган бўлиши керак, шунинг учун ҳам ўлими олдидан “P.S. Роберт Лэнгдонни топинг”, деган ёзув қол-

дирган. Аммо, Колленинг назарида Софи Невё бундай пасткашликка қўл урадиган аёл эмас.

– Лейтенант! – унинг олдига агентлардан бири югуриб келди.  
– Биз машинани топдик.

Қора “Ауди” дарвозадан эллик ярдча нарида, буталар орасига қўйилган экан. Давлат рақамларига қараганда, ижарага олинган бўлса керак. Колле машина капотини ушлаб кўрди: ҳали иссиқ.

– Лэнгдон балки шу машинада келгандир, – деди у. – Ижарага берувчи фирмалар билан боғланишлар, олиб қочилган бўлиши ҳам мумкин.

– Хўп бўлади!

Бошқа бир агент Колленинг қўлига бинокол тутқизиб, сарой томонга ишора қилди.

– Дарахтзорга бир қаранг-а.

Лейтенант биноколни сошлаб, дарахтлар томонга қаради. Ё тавба! У ерда зирқли юк машинаси турарди. Худди ўша. Бугун Цюрих депозитар банкида кўргани. Машинани бу ердалигини тасодифга йўйиб қўя қолди. Лекин юрагининг туб-тубидан сезардики, бунақанги тасодиф бўлиши асло мумкин эмас.

– Лэнгдон билан Невё банкдан шу машинада чиқиб кетишган, шекилли, – деди агент.

Колле индамади. Юк машинасининг ҳайдовчисини эслади. Қўлида “Ролекс” соати бор эди, кетишга жуда шошганди. “Мен аҳмоқ юкxonани текшириб ҳам кўрмабман-а”.

Лэнгдон ва Невё банкда яшириниб туришига кимдир ёрдам берган, кейин эса уларнинг қочиб кетишига ҳам. Хўш, ўша одам ким бўлиши мумкин? Нима сабабдан бундай йўл тутган? Улар юк машинасида келишган бўлса, унда қора “Ауди” кимга тегишли?..

Епископ Арингароса Тиррен денгиз узра парвоз қилаётган самолёт бортида ўтирар, ўзини тобора ҳолсиз сезаётган эди. Париждан кўнгилсиз хабарлар эшитди, режалар чиппакка чиқибди. У бармоғидаги тилло узугини тинимсиз айлантирганча, вужудини қамраб олган қўрқув ҳиссини енгишга уринарди.

“Ё Парвардигор! Ишқилиб Безу Фаш ҳаммасини тўғриласин-да!”

## ОЛТМИШ ТЎРТИНЧИ БОБ

Тибинг диванда ўтирганча қутича қопқоғига маҳорат билан туширилган атиргулга узоқ тикилиб қолди.

– Қутичани очинг, – деди унга Софи.

Қария табассум қилди. Уни шошилтиришнинг ҳожати йўқ. Пойдевор тошини ўн йилдирки қидиради. Франциядаги қанчадан-қанча черковлар ва ибодатхоналарни, атиргул тасвирланган юзлаб равоқлар ва пештоқларни текшириб чиқди. Мана энди унга етишганида бахтли дамларининг ҳар бир сониясидан лаззат олишни хоҳлар эди.

Ва ниҳоят Тибинг оҳисталик билан қопқоқни кўтарди.

Ҳа, пойдевор тоши. У мрамор цилиндрни, ҳарфлар битилган лаппакларни томоша қила бошлади. Криптекс қандай очилишини Тибинг билмайди, аниғи шуки, тақдир цилиндри ичидаги нарсага боғлиқ. Омадсизликка учраган пайтлари саъй-ҳаракатларим беҳуда кетмасмикан, деган хаёлга борар эди. Ҳозир эса ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Асрлар қаъридан Граал афсонасига асос бўлган сўзлар етиб келаётгандай туюлди:

*Муқаддас Граални топа олмайсиз, муқаддас Граал сизни топади.*

Қанчалик ғаройиб бўлмасин, бугун Граалнинг ўзи унинг уйига келди.

Софи ва Тибинг криптекс билан овора бўлиб қолишганини кўрган Лэнгдон ёғоч қутичани яхшироқ текширмоқчи бўлиб чироқ тагига борди. Ҳозиргина ҳамкасби айтган гап унга тинчлик бермаётган эди.

*“Граал калити Атиргул белгиси остига яширилган”.*

Атиргулни қопқоқдан ажратиб бўлмаслигини тушунгач, Лэнгдон ич томонни ўтирди ва ёруғликка яқинроқ тутди. Ана! Қопқоқнинг қоқ марказида кичкина тирқиш кўринди. Стол устини титкилаб қисқич топди ва бир учи билан тешикчага босди. Кўп куч ишлатишга тўғри келмади, атиргул қопқоқдан ажраб, стол устига тушди.

Ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолган Лэнгдон ҳозиргина атиргул турган жойни кўздан кечира бошлади. Ёғочга тўрт қатор матн

ўйиб ёзилган эди. “Сомий ҳарфларига ўхшайди, – ўйлади Лэнгдон. – Лекин қайси тилда экан?”

Шу пайт ортидан кимдир яқинлашаётганини сезди. Ўгирилиб улгурмасидан бошига кучли зарба тушди ва полга гурсиллаб йиқиларкан, хушидан айрилди.

## ОЛТМИШ БЕШИНЧИ БОБ

Софи Невё полициядан анчадан буён ишлаётган бўлса-да, ҳали бирор марта ҳам тўппонча нишонига дуч келмаган эди. Уларга қурол ўқталиб турган одам баланд бўйли альбинос бўлиб, узун сочлари оппоқ, қизил кўзчалари ғазаб ва нафратга тўла, худди еб қўйгудек қарарди. Эгнидаги жундан тикилган сутана ва белидаги қўпол арқон уни ўрта аср роҳибларига ўхшатиб қўйибди.

У қаердан пайдо бўлганига Софи ҳайрон эди. Тибингнинг бу ишга Черков аралашгани ҳақидаги тахминлари асосли, шекилли.

– Мен нима учун келганимни жуда яхши биласизлар, – деди роҳиб алланечук бўғиқ овозда.

Софи ва Тибинг худди у буюрганидек қўлларини кўтариб олишган, Лэнгдон эса полда оҳиста инграб ётарди. Босқинчи Тибингнинг тиззасида турган криптексга қаради.

– Сиз уни барибир очолмайсиз.

– Менинг Устозим эса бағоят ақлли киши, – жавоб қилди у ва тўппончасини ўқталганча яқинлаша бошлади.

“Қизиқ, – ўйлади Софи, – *Реми қаерга гумдон бўлдийкан?* *Наҳотки у Робертнинг йиқилганини эшитмаган бўлса?*”

– Устозингиз ким ўзи? – сўради Тибинг. – Балки уни рағбатлантириб, келишиб олармиз?

– Граалнинг баҳоси йўқ.

– Оёғингиздан қон оқаяпти, – мезбон роҳибнинг ўнг оёғига ишора қилди, – оқсоқланыпсиз ҳам.

– Худди сиз каби, – диванга суяб қўйилган қўлтиқтаёқларни кўрсатди роҳиб. – Менга пойдевор тошини беринг.

– Пойдевор тошидан хабарингиз борми ҳали?

– Нимадан хабардорлигим муҳим эмас. Ўрнингиздан аста ту-  
ринг ва уни менга узатинг.

Тибинг чап қўли билан цилиндрни ушлаганча ўнг қўлига қўл-  
тиқтаёғини олди, кейин унга суянганча базўр ўрнидан тура бош-  
лади. Роҳиб ундан кўз узмас эди.

– Қўлингиздан барибир ҳеч нарса келмайди, буни фақат му-  
носиб одамгина оча олади.

“Ҳар кимнинг муносиб ёки муносиб эмаслигини ҳал этиши  
Яратганга ҳавола”, хаёлидан ўтказди Сайлас.

– Жуда оғир экан, – Тибингнинг қўли қалтирар эди. – Тезроқ  
олинг, йўқса уни тушуриб юбораман.

Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Қария ўнг томонга  
оға бошлаганини кўрган Сайлас олдинга интилди ва тўппонча ство-  
лини беихтиёр пастга қаратди. Чол бир вақтнинг ўзиде икки ишни  
уддалади: чап қўлидаги криптексни диван устига ирғитди, ўнг  
қўлидаги қўлтиқтаёғини эса роҳибнинг ярадор оёғига отди.

Сайласнинг бутун вужудини оғриқ қоплади. Қўлтиқтаёқ со-  
нидаги боғичга келиб урилган, боғичнинг тишлари эса танаси-  
ни тешиб ўтганди. Йиқилаётиб тўппончадан ўқ узди, аммо ўқ  
шифтга бориб тегди. Шу заҳоти кимдир жағига зарб билан  
туширди.

Дарвоза олдида турган лейтенант Колле ўқ овозини эшитиб,  
саросимага тушиб қолди. Бўлди, ортиқ кутиб туролмайди. Агар  
ҳозироқ бирор чора кўрмаса, бўйнига алақанча айбловлар или-  
нади, ишидан ажраб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Лэнгдон ҳам отишмани эшитди. Яна кимдир бақирдими-ей.  
Балки ўзининг овозидир? Боши қаттиқ оғриганидан атрофдаги  
овозлар аралашиб кетаётган эди.

– Жин урсин, қаерларда юрибсан, Реми? – ўшқирарди Ти-  
бинг.

Хонага хизматкор отилиб кирди.

– Ё Худо! Бу ерда нималар бўлди ўзи? Ҳозироқ полиция  
чақираман!

– Ҳеч қанақа полициянинг кераги йўқ! Яхшиси, манави дарди-  
сарни тинчителиш учун бирор нарса қилсанг-чи!

– Муз олиб келинг! – деди Софи.

Лэнгдон яна ҳушидан кетиб қолди. Кўзини очганида Софи муз солинган пакетни бошига босаётган экан.

– Ким у? – ерда ётган нотанишга имо қилди. Унинг ўнг оёғидан қон оқар, оғзига эса скотч ёпиштирилган эди. – Бу ерда нима бўлди?

– Сизни Акле Ортопедик лақабли рицар ҳалокатдан қутқариб қолди, – Тибингнинг қувноқ овози эшитилди.

Лэнгдон гавдасини тўғрилашга уринди.

– Шошилманг, Роберт, – деди Софи унинг елкасидан тутиб. Тибинг эса тинмай гапирарди.

– Ҳозиргина сизлар ночор аҳволимнинг афзал жиҳатларига гувоҳ бўлдингиз. Ана шунақа, дўстлар, мажруҳларни камситишнинг умуман кераги йўқ. – Лэнгдоннинг ерда чўзилиб ётган роҳибга тикилганини кўриб, тушунтириб ўтди: – Унинг боғичи бор экан.

– Нима?

– Ўз-ўзини азоблаш боғичи, сонига боғланган эди. Мен яхшилаб мўлжалга олдим.

– Сиз буни қаердан билдингиз?

– Ахир насронийликни бир неча ўн йилликлар давомида ўрганиб келаман, – деди Тибинг кулимсираганча. – Қийимининг енгига қаранг, юракчаси бор. Демакки, “Дея асари”дан бу нусха. Қизиқ, «Дея асари» нима сабабдан Граални қидириб қолди экан?

Лэнгдон ҳалиям ўзини яхши ҳис қилмаётган эди, шунинг учун бу саволга жавоб бермади.

– Роберт, бу нима? – Софи қўлида кичкинагина атиргулни ушлаб олганди.

– Қутича қопқоғидаги ёзувни беркитиб турган экан. Менимча, ўша ёзув криптексни очишимизга ёрдам беради.

Шу маҳал сиреналарнинг чинқиргани эшитилди. Полиция машиналари уй томон келаётган эди.

– Дўстларим, зудлик билан бирор қарор қабул қилишимиз керакка ўхшайди. Қанча тез бўлса, шунча яхши.



## ОЛТМИШ ОЛТИНЧИ БОБ

Колле ва унинг йигитлари эшикни бузиб, сэр Лью Тибинг саройига отилиб киришди ва шу заҳотиёқ биринчи қаватдаги хоналарни текширишга тушиб кетишди. Меҳмонхона шифтида ўқ, полда эса қон изи топилди, скотч ўрами, яна алақандай тишли боғич ҳам. Тирик жондан эса асар йўқ.

Лейтенант одамларининг ярмини эндигина ертўлага юбормоқчи бўлиб турган эдики, тепадан овоз эшитилди:

– Улар бу ёқда экан!

Ҳамма зинага ёпирилиб, иккинчи қаватга чиқди. Ним қоронғи йўлак охиридаги хонадан овозлар эшитилаётган эди. Агентлар ўша томонга ошиқдилар. Улар хонага яқинлашганларида эшиги катта очиқлигини кўришди, ичкарида нимадир гурилларди. Колле агентларга тайёр туришларини қўли билан ишора қилди. Ўзи эса эшикка яқинлашиб, хона деворини пайпаслаб чироқни ёқди ва барчалари тўппончаларини ўқталганча бостириб киришди.

Бақир-чақир қилаётган Колле бирданига жимиб қолди. Чунки... хонада зоғ кўринмасди.

Ўнг девордаги селектор қутисидан машина овози келаётган эди. Колле қутига яқинлашди ва ҳар бир тугмача остидаги ёзувларни ўқиб чиқди:

КАБИНЕТ... ОШХОНА... КИР ЮВИШ ХОНАСИ...  
ЕРТЎЛА...

*“Жин урсин, мотор товуши қаердан келяпти?”*

ХЎЖАЙИН ЁТОҚХОНАСИ... СОЛЯРИЙ... ОМБОР...  
КУТУБХОНА...

Омбор! Атиги бир неча сониядан сўнг Колле биринчи қаватда, орқа эшик томон югуриб кетарди. Ёнидаги ҳамроҳи билан майсазорни кесиб ўтди ва ҳаллослаганча эски омборга етиб келди. Ҳали кирмасларидан машинанинг узоқлашаётган товуши эшитилди. Қўлларида тўппончаларини кўтарганча эшикни тегиб очишди ва Колле чироқни ёқди.

Бу ер кўпроқ устахонага ўхшаб кетарди. Ўнг томонда газон ўргичлар, боғда ишлатиладиган асбоб-анжомлар, қутилар ва қоплар сочилиб ётарди. Девордаги селекторнинг бир тугмаси босилган, унинг остида МЕҲМОНХОНА 11 деган ёзув бор эди.

Колле газабдан кўкариб кетди. “Улар бизни шу билан алдаб кетишибди-да!” Шунга қарамай, тинтувни давом эттириш керак. Чап томон сайисхона экан, лекин отларнинг ўрнида “темир тулпор”лар тизилиб турибди: қора «Феррари», кумушранг «Роллс-ройс», «Астон-Мартин»нинг антиквар модели, салобатли «Порше-355».

Охирги гаражда машина йўқ эди. Колле ўша жойга югуриб борди ва полда мой доғларини кўрди. “Ахир улар сарой ҳудудидан чиқиб кетишлари мумкин эмас! Дарвозалар патрул машиналари билан тўсиб қўйилган-ку!”

– Сэр! – агент гаражнинг охирги қаторига ишора қилди.

Омборнинг далага чиқиладиган орқа эшиги очиқ эди. Тонг ёришиб келаётганди. Ҳарчанд уринмасин, Колле узоқдаги ўрмондан бошқа ҳеч нарсани илғай олмади. Билч-билч лой далани кесиб ўтиб, ўрмонгача етволиш амримаҳол.

– Шу томонга одам юборинг! – буйруқ берди у. – Улар шу ўртада лойга ботиб қолишгандир. Серҳашам машиналар бунақанги йўлларга мўлжалланмаган.

– Сэр, мана бунга қаранг! – агент илгичларга осилган машина калитларига ишора қилди: «Даймлер», «Роллс-Ройс», «Астон-мартин», «Порше». Охирги илгич эса бўш эди. Колле машина маркасини ўқидию, ишлар яна чаппасига кетганини тўшунди.

## ОЛТМИШ ЕТТИНЧИ БОБ

Лэнгдон “Рейнжровер” рулига ўтирмаганидан хурсанд эди.

Реми бошқараётган оғир жип даладан ўтиб, ўрмон томон йўл олди. Эътиборни тортмаслик учун машини чироқлари ўрнига ой нуридан фойдаланишга қарор қилишди. Улар Виллет қароргоҳидан тобора узоқлашиб боришарди.

Олд ўриндикда ўтирган Роберт қўлидаги қутичани маҳкам ушлаб олганди. У орқага, Тибинг ва Софи томонга ўтирилди.

– Бош қалай, Роберт? – меҳрибонлик билан сўради Софи.

– Раҳмат, анча яхши.

Аслида боши шунчалик қаттиқ оғридики, инграб юборишдан ўзини аранг тийиб ўтирганди.

Тибинг елкаси оша роҳибга қараб қўйди. Унинг қўл-оёғини боғлаб, юкхонага ётқизиб қўйишганди.

– Биласизми, Роберт, бутунги ташрифингиздан ғоят мамнун бўлдим, – истеҳзоли кулди қария.

– Сизни бу ишга аралаштирганимдан хижолатдаман, Лью.

– Қўйсангиз-чи, мен тариқчаям хафа эмасман. Бундай саргузаштга дуч келишни узоқ кутдим.

Ўнқир-чўнқирлардан ўтиб, ўрмон ичкарисига анча кириб боришгачгина Реми жипнинг туманга қарши чироқларини ёқди. Ҳартугул йўлни энди бемалол кўрса бўлади.

– Қаёққа борамиз? – сўради Софи.

– Ўрмон ичидан уч километрча юриб, кейин шимолга буриламиз, – жавоб берди Тибинг. – Агар ботқоққа ботиб кетмасак ва синган дарахтлар учрамаса, эсон-омон бешинчи катта йўлга чиқиб оламиз.

Шу пайт юкхонадан инграган товуш эшитилди. Роҳиб ўзига келган, арқонларни ечишга уриниб, қаттиқ типирчиларди.

Тибинг орқасига ўтирилиб, ҳалигина чақирилмаган меҳмондан тортиб олган тўппончани унинг ўзига ўқталди.

– Сэр, нимадан бунча норозисиз, тушунмаяпман. Уйимга бос-тириб кирганингиз камдек, дўстимни ўлдириб қўйишингизга бир баҳя қолди. Сизни итдай отиб, жасадингизни ўрмонга ташлаб кетишга тўла ҳақлиман, менимча.

Роҳиб жимиб қолди.

– Уни ўзимиз билан олишимиз кераклигига ишончингиз комилми, Лью? – сўради Лэнгдон.

– Албатта! Ахир сизни қотилликда гумон қилишяпти, бу нусха эса озодликка йўлланмангиз бўлади. Полиция сизни қўлга олишга қаттиқ аҳд қилган кўринади, менинг уйимгача келишибди-я.

– Зирҳи машинага узаттич ўрнатилган бўлса керак, – деди Софи.

– Энди бунинг аҳамияти йўқ. Полиция изингизга тушганига ҳам унчалик ажабланмаяпман. Энг ҳайрон қолдиргани, манави роҳибнинг сизларни уйимгача қандай кузатиб келгани. Балки поли-

цияда ёки Цюрих депозитар банкида унинг одами бўлиши мумкин. Унинг ортида ким туриши аниқланмагунга қадар икковингизнинг ҳаётингиз хавф остида. Менимча, бу махлуқ муҳим бир сирни биледи, хўжайини ҳозир асабийлашиб ўтирган бўлса, ажабмас.

Реми тезликни ошира бошлади. Жип қўлмақдан шалолаб ўтиб, кичкинагина тепалиқдан ошди ва яна нишабликка чиқди.

– Роберт, марҳамат қилиб менга телефонни узатворсангиз. – Роберт асбоб-анжомлар тахтасига маҳкамланган телефонни унга олиб берди. Тибинг кимгадир қўнғироқ қилди, ҳеч ким жавоб беравермади чоғи, анчагина кутиб қолди. – Ричард? Уйғотиб юбордимми? Ҳа, албатта, уйғотиб юбордим, тагин аҳмоқона савол ҳам бераман. Кечир. Менда муаммо чиқиб қолди, шу десанг, мазам бўлмаяпти. Даволанишим учун оролга боришим керак, Реми билан. Ҳозироқ. Олдиндан огоҳлантирмаганим учун хафа бўлмайсан. «Элизабет»ни йигирма дақиқа ичида тайёрлай оласанми? Биламан, лекин ҳаракат қилгин. Бўпти, ҳозирча хайр. Тез орада учрашамиз.

– Элизабет деганингиз нимаси? – сўради Софи.

– Менинг самолётим, катта пулга сотиб олганман.

Лэнгдон унга саволомуз қаради.

– Нима қилибди? Ҳозир икковингиз ҳам Францияда қололмайсизлар, чунки сизларни полиция қувлаяпти. Лондон эса хавфсиз жой. Бу ерга нисбатан Британияда менинг дастим узунроқ. Қолаверса, Граал ҳам Буюк Британияда яширилган деб ҳисобланади. Агар криптексни очолсак, ишончим комилки, унинг ичидан харитани топамиз.

– Бизга ёрдам бериш билан бирга ўзингизни катта хавф остига қўйяпсиз! – деди Софи. – Бу ҳаракатингиз сизни француз полициясига қарши қилиб қўяди.

Тибинг қўл силтади:

– Францияга энди қайтиб келмайман. Бу ерга пойдевор тошини излаш учун келгандим, мана у, топилди.

Софи ишонқирамайгина сўради:

– Аэропортнинг хавфсизлик хизматидан қандай қилиб ўтамыз?

Тибинг истеҳзоли кулди.

– Мен ҳар доим шу яқин ўртадаги Ле Буржедан учаман. У кичкина аэропорт. Одатда, шифокорга кўриниш учун ҳар икки ҳафтада бир марта Лондонга бораман. Бунинг учун аэропортга албатта мўмайгина пул тўлайман. Ҳавога кўтарилишимиз билан АҚШнинг Лондондаги элчихонасига кўнғироқ қиласизми, йўқми, энди буни ўзингиз ҳал қиласиз.

Лэнгдоннинг элчихона билан боғлангиси келмаётган эди. У пойдевор тоши ҳақида, қутичадаги сирли ёзув ва бу ёзув уларни Граалга олиб борадими, йўқми, шуни ўйлар эди.

– Сэр, – сўради Реми, – сиз ростданам Англияга бутунлай қайтиб кетмоқчимисиз?

– Ташвиш тортма, Реми, – жавоб қайтарди Тибинг, – Қирол-лича ҳазрати олиялари паноҳига қайтиб боришим бир умр сосиска ва бемаза картошка пюреси билан овқатланишимни билдирмайди. Умид қиламанки, сен ҳам мен билан бирга бўласан. Мен Девонширда зўр вилла сотиб оламан. Сенинг нарсаларингни эса денгиз орқали келтирирамиз. Саргузашт, Реми! Бу ҳақиқий саргузашт-ку ахир!

Лэнгдон ўзини табассум қилишдан тия олмади. Тибинг Британияга қайтиш ҳақида шунчалар завқ-шавқ билан гапирардики, унинг шодмонлиги ва иштиёқига қойил қолди.

Лэнгдон туманга қарши чироқларнинг сарғиш нури дарахтларни қандай ёритиб ўтаётганини анчагача кузатиб борди. Кейин эса шох-шаббалар тинимсиз урилаётган ён кўзгуда Софининг аксини кўриб қолди. У орқа ўриндиқда, хаёлларга чўмганча ўтирарди. Бугун жуда кўп ташвишларни бошдан кечиришган бўлишсада, тақдир уни шундай ажойиб инсон билан учраштирганидан Лэнгдон миннатдор эди.

Софи профессорнинг нигоҳларини сездди, шекилли, олдинга эгилиб қўлини унинг елкасига қўйди.

– Тузукмисиз, Роберт?

– Раҳмат, аввалгидан анча яхши.

«Рейнжровер» ҳар силкинганида юкхонада ётган Сайласнинг жон-жони зирқираб кетаётган эди. Яхшиямки, сондаги белбоғни ечиб қўйишгани, акс ҳолда оғриқларга чидаб бўлмасди. У йўтала бошлади.

– Нафаси қайтиб қоляпти, шекилли, – деди Реми. Тибинг орқага ўтирилиб, унга қовоғини солганича қараб қўйди.

– Бахтинг бор экан, сенга ўхшаган аблахлардан фарқли равишда биз, британияликларнинг кўнглимиз анча юмшоқ, – у роҳибнинг оғзига ёпиштирилган скотчни олиб ташлади.

– Кимга хизмат қиласан? – дўқ урди Тибинг.

– Парвардигорга!

– Биламиз, сен «Дея асари» дансан.

– Ҳеч нарсани билмайман, ҳеч нарсани айтмайман.

– «Дея асари» нима учун пойдевор тошини қидиряпти?

Сайлас бу саволга асло жавоб бермоқчи эмасди. Пойдевор тоши Граалнинг калити, Граалнинг ўзи эса – эътиқодни ҳимоялаш учун калитдир.

У епископ ва Устознинг ишончини оқлай олмаганидан қаттиқ изтиробда эди. Улар билан боғланиш, воқеалар қанчалик ёмон тус олганлигини айтиб беришнинг ҳеч имкони йўқ. Сайлас дуо ўқий бошлади. Танасидаги оғриқлар унга гўёки куч бағишлаётгандек эди.

*“Мўъжиза, эй раҳмдил Худойим, менга мўъжиза керак!”*

Бир неча соатдан кейин қандай мўъжиза юз беришдан Сайлас беҳабар эди.

– Роберт, нима бўлди? Нималарни ўйлаяпсиз?

Лэнгдоннинг лаблари қаттиқ қимтилган, юраги эса гупиллаб ураётганди.

– Менга уяли телефонингиз керак, Софи.

– Ҳозирми?

– Менимча, нималарнидир тушундим.

– Нимани?

– Бир дақиқадан сўнг айтаман. Менга телефон керак.

– Фаш телефон кўнғироқларимизни текшираётган бўлиши мумкин. Камроқ гаплашишга ҳаракат қилинг, бир дақиқадан ортиқ эмас, – Софи телефонни узатди.

– АҚШга қандай тераман?

– Қўшимча ҳақ тўлаб, оператор орқали уланишга тўғри келади.

Лэнгдон нолни терди, яна бир неча сониялардан сўнг уни туни билан қийнаган саволига жавоб олишини билар эди.

## ОЛТМИШ САККИЗИНЧИ БОБ

Нью-Йорклик муҳаррир Жонас Фаукман эндигина ухлаш учун ётганди. Шу пайт тўсатдан телефон жиринглаб қолди. “Шу бе-маҳалда-я”, гижинди у ва гўшакни кўтарди.

– Сиз Роберт Лэнгдон қилаётган шаҳарлараро кўнғироқ учун ҳақ тўлашга тайёрмисиз?

Ўзини йўқотиб қўйган Фаукман тунги чироқни ёқди.

– Э-э, ҳа... албатта.

Гўшакда шиқиллаш эшитилди.

– Жонас?

– Роберт? Мени уйғотганинг етмагандек, яна тўлашга ҳам мажбур қиляпсанми?

– Худо ҳаққи, кечир, – деди Лэнгдон. – Қисқа гапираман. Ишон, бу жуда муҳим. Сенга берган қўлёзмамни...

– Роберт, биламан, сенга уни шу ҳафтада тузатишлар билан жўнатиб юборишим керак эди, лекин ишларим кўпайиб кетди. Душанба куни қўлёзмамни аниқ қўлингга оласан, сўз бераман.

– Йўқ, гап бунда эмас. Реклама учун тайёрланган нусхани менинг рухсатимсиз бирорта жойга жўнатганмисан, шуни билмоқчиман.

Фаукман жавоб беришга иккиланиб қолди. Лэнгдоннинг охириги қўлёзмаси маъбудага сажда қилиш соҳасидаги тадқиқот бўлиб, Мария Магдалина ҳақидаги бир нечта бўлимларни ўз ичига олганди. Бу китоб энг камида тушунмовчилик уйғотиши мумкин. Гарчи бошидан охиригача ҳужжатлар билан мустаҳкамланган бўлсада, Фаукман уни таниқли тарихчи ва санъатшуносларнинг тақризларисиз чиқармоқчи эмасди.

– Жонас! Сен қўлёзма нусхаларини тарқатганмисан ёки йўқми?

Орага жимлик чўқди. Муҳаррир ўзини оқлаш учун нима дейиши кераклигини ўйларди.

– Айтчи, битта нусхани Париждаги Лувр музейи нозири Жак Соньерга жўнатганмисан?

– Хўш, нима қипти шунга? Ахир қўлёзмамда у йиққан экспонатлар тилга олинади, унинг китоблари библиографик рўйхатга киритилган. Соньер аллақандай ҳаваскор эмас, кўзга кўринган

олим ахир. Тушунсангчи, бу нарса китобни бошқа давлатларда ҳам сотишга ёрдам беради.

– Хўш, унга қачон жўнатгандинг?

– Бир ойча олдин. Унга ёзган хатимда сен яқинда Парижда бўлишингни эслатиб ўтдим. Икковларинг учрашиб, китоб ҳақида, соҳаларингиз ҳақида суҳбатлашишни таклиф қилдим. У сенга қўнғироқ қилмадимми? – Фаукман кўзларини ишқади. – Айтганча, ахир шу ҳафтанинг бошида Парижда бўлишинг керак-ку, тўғрими?

– Мен Париждаман.

Фаукман ётоғига ўтириб қолди.

– Нима? Ҳали сен менинг ҳисобимдан Париждан қўнғироқ қилиясанми?

– Гонораримдан ушлаб қоларсан, Жонас. Сен Соньердан қанақадир жавоб олдингми? Қўлёзмам унга ёқибдимми?

– Билмадим, ундан ҳеч нарса олганим йўқ.

– Яхши. Майли, қолганини кейин тушунтириб бераман.

– Роберт, алло, эшитсанг-чи!

Лэнгдон телефонни ўчириб қўйган эди. “Эҳ, бу муаллифлар, – ўйлади Жонас. – Ҳатто уларнинг энг ақллиси ҳам ҳақиқий телба бўлади-я”.

– Демак, сиз махфий жамият ҳақида китоб ёзган экансиз, – деди суҳбатга гувоҳ бўлган Тибинг. – Муҳаррирингиз эса қўлёзма нусхасини худди шундай жамият аъзосига юборибди, тўғрими?

– Ҳа, шунақа бўлиб чиқяпти.

– Менимча, жуда кўнгилисиз тасодиф.

“Йўқ, гап тасодифда эмас”, ўйлади Лэнгдон. Жак Соньернинг маъбудага сажда қилиш ҳақидаги китобга ёзган ижобий тақризи нафақат тижорий муваффақиятни, балки рекламага Сион Приоратидек ташкилот ҳам аралашганини билдиради.

– Фашга барибир ёлғон гапирибсиз-да, – деди Софи.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Сиз унга бобом билан ҳеч қачон ёзишмаганман, дегандингиз.

– Тўғри-да! Қўлёзма нусхасини мен эмас, муҳарририм жўнатган-ку!

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, Роберт. Агар капитан Фаш муҳаррир жўнатган конвертни тополмаса, буни албатта сиздан кўради.



Энг ёмони, қўлёзмани шахсан бобомнинг қўлига топширгансиз деб ўйлаши мумкин.

Ва ниҳоят «Рейнжровер» Ле Бурже аэродомида пайдо бўлди. Реми машинани учиш чизиғи охиридаги кичик ангар ёнига ҳайдаб борди. Ангардан мош рангли гижимланган комбинезон кийиб олган, сочлари тўзиб кетган бир киши сакраб чиқди ва саломлашгандай уларга қарата қўл силкитиб, улкан темир эшикни очди. Ичкарида оппоқ реактив самолёт турарди.

Лэнгдон самолётдан кўз узолмай қолди.

– Элизабет деганингиз шуми ҳали?

Тибинг кулди:

– Ҳа. Учишини кўрасиз ҳали.

Комбинезонли киши машина чироғига рўбарў бўлгани учун кўзларини қисиб келарди.

– Деярли ҳаммаси тайёр, сэр, – деди у. – Ушланиб қолганим учун узр, аммо учишга кутилмаган пайтда буюртма бердингиз, шунинг учун... – жипдан бир неча киши тушиб келаётганини кўриб у жимиб қолди. Савол назари билан Робертга, Софига, Тибингга бирма-бир қараб чиқди.

– Булар менинг ёрдамчиларим, – деди Тибинг, – Лондонда зарур ишимиз бор. Шунинг учун вақтни бекор кетказмайлик, зудлик билан учишга тайёргарлик кўринг, – шу сўзлар билан у машинадан тўппонча чиқариб Лэнгдонга узатди.

Қуролни кўрган учувчи бир чўчиб тушди.

– Сэр, кечирасиз, аммо дипломатик имтиёзлар фақат сизга ва хизматкорингизга тегишли. Мен бортга бошқа одам ололмайман.

– Ричард, – меҳрибонлик билан табассум қилди Тибинг, – икки минг фунт стерлинг ва мана бу ўқланган тўппонча самолётга дўстларимни ҳам олишинг кераклигини билдиради, – у жип томон ишора қилди: – Машина юкхонасида яна бир киши бор, у ҳам эсдан чиқмасин. Камроқ савол бериб, тезроқ қимирласанг, яхши бўларди.

## ОЛТМИШ ТҰҚЗИНЧИ БОБ

“Гаррет” фирмасининг иккита турбореактив двигателлари кучли овоз ва катта куч билан «Хокер 731» самолётини осмонга тобора кўтариб борарди.

“Ўз ватанимдан қочиб кетяпман”, хўрсинди Софи. Шу пайтгача Фаш билан ўрталаридаги сичқон-мушук ўйинини оқлаш мумкин деб ҳисобларди. “Мен айбсиз одамни ҳимоя қилиш, бобоннинг васиятини бажаришга ҳаракат қилдим, холос”. Энди эса ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ: у ҳужжатларсиз, полиция қотилликда гумон қилаётган олим ва гаровга олинган роҳиб билан Франциядан учиб кетяпти.

– Пойдевор тоши билан шуғулланишга киришишдан олдин айрим нарсаларни аниқлаб олмоқчийдим, – сўз қотди Тибинг. – Дўстлар, Граални излаш учун кўп йилларни ўтказган инсон сифатида огоҳлантириб қўйишим лозим: сизлар ортга қайтиб бўлмайдиган йўлга қадам босяпсизлар. Бу йўл хавф-хатарларга тўладир. – У Софига ўтирилди. – Невё хоним, бобонгиз пойдевор тошини сизга Граал сирини сақлаб қоласиз деган умидда топширган, тўғрими?

– Ҳа.

– Тушунишимча, бу йўлни охиригача босиб ўтишни ўз бурчингиз деб ҳисоблайсиз.

Софи бош ирғади.

У яна бошқа омил ҳақида ўйларди: “Оилам ҳақидаги сир”.

Лэнгдон пойдевор тоши унинг ўтмишига дахлдор эмаслигини бир неча бор таъкидлади. Лекин бобоси ўз қўллари билан ясаган криптекс ёлғизликда кечган йиллари эвазига товон бўлишини Софи қалбан ҳис қиларди. У оиласи тақдири билан боғлиқ сир тезроқ очилишига жуда интиқ.

– Бугун бобонгиз ва унинг уч ноиб ҳалок бўлишди, – давом этди Тибинг. – Улар пойдевор тошини Черковга беришдан кўра ўлимни афзал билишди. Бугун бебаҳо хазина «Дея асари» қўлига ўтиб кетишига бир баҳя қолди. Сизга икки минг йил давомида ёниб келаётган ва ўчиб қолиши асло мумкин бўлмаган машъала топширилган. – У атиргул ўйиб ишланган қутичага қараб олди. – Аёнки, бу ҳақида сиздан ҳеч ким сўрагани йўқ, топширилди, вас-

салом. Сизни бундай катта масъулиятни зимангизга олишга тайёр бўлишингиз ёхуд кимнингдир елкасига юклашингиз керак.

– Бобом криптексни менга топширди. Ишонаманки, буни бежиз қилмаган.

– Жуда соз. Сиздан кучли ирода талаб этилади. Агар криптекс муваффақиятли очилса, сиз янада жиддийроқ синовларга дуч келасиз.

– Нима учун?

– Азизам, тасаввур қилиб кўринг-а, сизда Граални кўрсатувчи харита бор. Бу харитани юз йиллардан бери излашади ва у тарих филдирагини чаппасига айлантириб юборишга қодир. Сиз асл ҳақиқатни бутун дунёга ошкор қилишингиз мумкин, ҳақиқатни эса ҳамма ҳам бирдай қабул қилавермайди.

Софи бир оз иккиланиб тургач жавоб берди:

– Буни ёлғиз ўзим ҳал қилмасам керак.

Тибинг ажабланганича қошларини чимирди:

– Шундайми? Унда ким ҳал қилади?

– Ушбу сирни асрлар давомида сақлаган биродарлик.

– Приоратми? – ишонқирамай деди Тибинг. – Ахир биродарлик йўқ қилиб ташланган, аниқроғи, йўлбошчисиз қолган. Эҳтимол, уларнинг сафида жосус пайдо бўлгандир. Шахсан мен тўсатдан пайдо бўлиб, биродарлик вакилиман деб ўзини таништирган одамга ишонмаган бўлардим.

– У ҳолда нимани таклиф қиласиз? – сўради Роберт.

– Сизларга ҳам яхши маълумки, Приорат бу сирни ошкор этиш учун қулай фурсат пойлаган.

– Шундай фурсат келди деб ўйлаяпсизми?

– Албатта! Ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турибди-ку! Агар Приорат сирни очмоқчи бўлмаганида, Черков унга хужум қилмас эди.

– Лекин анави роҳиб ўз мақсадлари ҳақида гапириб берганича йўқ, – эътироз билдирди Софи.

– Унинг мақсади – Черковнинг мақсади, – деди Тибинг, – яъни сирни ошкор қиладиган хужжатлардан қутилиш. Невё хоним, Граални қутқариш вазифаси Приоратнинг сўнгги истаги – хужжатларни эълон қилишни ҳам ўз ичига олади.

– Лью, Софига жуда катта масъулият юкляб юбормаяпсиз-микан? Ахир у Сангрил хужжатлари ҳақида бир неча соат олдин эшитди, холос.

Тибинг хўрсинди:

– Невё хоним, сизга тазйиқ ўтказаётган бўлсам, мен маъзур тутинг. Узил-кесил қарор қабул қилиш эса ўзингизга ҳавола. Мен криптекс очилганидан кейин нималар содир бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўймоқчийдим.

– Жаноблар, – қатъий оҳангда деди Софи, – “Сиз Граални топа олмайсиз, Граал сизни топади”, деган эдингиз. Граал мени бекордан-бекорга топмагандир. Шундай экан, вақти келганида нима қилиш кераклигини ўзим биламан. Ҳозир эса, келинлар, иш билан шуғулланайлик.

## ЕТМИШИНЧИ БОБ

Лейтенант Колле Виллет саройнинг кенг меҳмонхонасида турганча каминдаги оловнинг сўниб боришини кузатар эди. Капитан Фаш бир неча дақиқа олдин етиб келди, қўшни хонада бақириб-чақириб, одамларидан жипни зудлик билан топишларини талаб қиляпти.

*«Худо билади, бу жип қаерларда кетяпти экан».*

У Фашнинг буйруғига бўйсунмай, иккинчи марта ҳам Лэнгдонни қўлдан чиқариб юборди. Яхшики, подда ўқ излари топилди, унинг ҳаракатларини оқлаш учун қандайдир асос бор. Фашнинг ҳозир ғазаби қайнаган пайт, ҳаммаси жой-жойига тушгач, барибир гап эшитишини Колле билиб турибди. Бахтга қарши, саройда топилган ашёвий далиллар бу ерда нималар содир бўлганию, кимлар иштирок этганига ойдинлик киритмайди. Қора «Ауди» сохта номга ижарага олинган экан, тўлов амалга оширилган кредит картаси ҳам сохта. Машинадан топилган бармоқ излари эса полиция картотекасида йўқ.

Хонага агентлардан бири ҳовлиққанча отилиб кирди.

– Капитан Фаш қани?

Колле ҳали ҳам оловга тикилиб турарди.

- Телефонда гаплашяпти.
- Гаплашиб бўлдим! – бақирди Фаш хонага кирар экан. – Нима бўлди, бирор нарса топдиларингми?
- Бошқармага ҳозиргина Цюрих депозитар банкидан Андре Берне кўнғироқ қилди, – ҳисоб берди агент. – Сиз билан шахсан гаплашмоқчи экан. У ўз кўрсатмаларини ўзгартиришга қарор қилибди.
- Шунақами? – пишқирди Фаш.
- Унинг айтишича, Невё билан Лэнгдон банкда бир муддат бўлишган экан.
- Бунга ўзимам фаҳмлагандим, – деди Фаш. – Нима учун у аввалига ёлғон гапирди? Гап мана шунда!
- У фақат сиз билан гаплашар экан, бизга ёрдам кўрсатишга тайёрлигини айтди.
- Хўш, ниманинг эвазига?
- Банкани янгилıklarда кўрсатмаслигимиз эвазига. Афтидан, профессор билан агент Невё нимадир ўғирлаб кетишибди, ўша нарсани ҳам топишга ёрдам беришимизни ҳам сўраяпти.
- Нима ўғирланибди?
- Бунисини айтмади.
- Ошхонадан яна бир агент Фашни чақирди:
- Капитан, ҳозиргина Ле Бурже аэропорти билан боғландим. Янгилıklar ёмонга ўхшайди.
- Тибинг ярим соатча олдин ўзининг реактив самолётида учиб кетибди. Диспетчерлик хизмати вакили самолёт бортида кимлар бўлгани ва қайси томонга учганини билмаслигини айтиб, қасамлар ичди. Учиш режадан ташқари юз берган эмиш. Кичкинагина аэропорт учун бунча қонунбузарлик кўплик қилади. Агар яхшироқ босим кўрсатилса, барча саволларга жавоб олиш мумкин бўлади.
- Лейтенант Колле, – буюрди Фаш эшик томонга йўналаркан, – бошқа иложим йўқлиги учун ҳам, сизни бу ерда бош қилиб қолдирыпман. Бирор натижага эришишга уриниб кўринг.

## ЕТМИШ БИРИНЧИ БОБ

Лэнгдон тиззасидаги қутичани стол устига қўйди. Кейин эса қопқоқ ўртасидаги тирқишга ручка тиқиб, қадама атиргулни чиқарди. Мана ўша сирли матн.

– Ҳеч нарсани тушунмаяпман, Лью, бу қанақа ёзув ўзи?

Софи маттни кўрганича йўқ эди, лекин Лэнгдоннинг саволи уни ҳайратга солди. «*Наҳотки бобом тимсолшунос ҳам аниқлай олмайдиган ёзув қўллаган бўлса?*»

– Мен аввалига сомий тил бўлса керак деб ўйлагандим, энди эса бу фикрга шубҳам бор. Ахир илк сомий тиллари неккудотдан фойдаланишган, бу ёзув эса неккудотга ўхшамайди.

– Эҳтимол янаям қадимийроқ ёзувдир? – тахмин қилди Тибинг.

– Неккудот нима ўзи? – сўради Софи.

– Аксар замонавий сомий алифболарида унли товушлар мавжуд эмас, уларнинг ўрнига неккудот, яъни кичкина нуқталар ва чизиқлар ишлатилади. Улар ундош товушларнинг остига ёки ичига қўйилади. Тарихий нуқтаи назардан эса, неккудот тил қўшимчиси ҳисобланади.

Лэнгдон ҳалиям матн устида эгилганича ўтирар эди.

– Балки сефардик транслитерациядир?\*

Тарихчи ортиқ чидаб туролмади.

– Қани, мен бир кўрай-чи, – у қопқоқни қўлига олиб, синчиклаб текшира бошлади. Унинг назарида матн жуда қадимий тилда ёзилган, масалан, Раши\*\* ёки қопламали яҳудий ёзувида. – Тан олишим керак, мен биладиган ёзувларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди.

Лэнгдон ўтирган жойида букчайиб олди.

– Роберт, шунга ўхшаш нарсани кўрганингизни айтувдингиз-ку.

– Ҳа, қаердадир кўрганман.

– Лью! – Бу мунозарага қўшилмаганидан Софи норози эди. – Жиллақурса, бобом ясаган қутичани кўрсам бўлар?

– Ҳа, албатта, – Тибинг қутичани унинг олдига суриб қўйди. Британия қиролик тарих жамияти аъзоси ва Гарварднинг атоқли олими аниқлай олишмаяпти-ю...

– Буни қаранглар-а-а, – деди Софи чўзиб. – Дарров фаҳмлашим керак эди.

Тибинг билан Лэнгдон бирваракайига бош кўтариб, ажабланган кўйи Софига қарашди.

– Нимани олдинроқ фаҳмлашингиз керак эди?

Софи елка қисди:

– Бобом айнан шу ёзувни танлашини.

– Нима, маттни ўқий оласизми? – хитоб қилди Тибинг.

– Муаммосиз! – Софи истеҳзо билан кулди. – Бобом бу ёзувни менга олти ёшлигимда ўргатган, – у чиройли яшил кўзларини Тибингга қадади: – Сиз тож-тахтта яқин одамсиз, буни билмаслигингиз эса мени ажаблантиряпти.

Бўлди! Ҳаммаси равшан! Матннинг таниш кўрингани бежизга эмас экан. Лэнгдон бир неча йил олдин Гарварднинг Фогт музейига, Билл Гейтс тақдим этган экспонатни кўришга борганини эслади.

Муаллифи Леонардо да Винчи бўлган ўн саккиз варақ қоғозни Билл Гейтс нақ ўттиз саккиз миллион саккиз юз минг долларга аукционда сотиб олганди. Қоғозлар аввалги эгаси бўлмиш Лестер герцоги шарафига «Лестер кодекси» деб аталар, унда да Винчининг астрономия, меъморчилик, геология ва гидрология бўйича назариялари қайд этилган.

Оч қаймоқранг қоғозга қизил сиёҳ билан, чиройли ҳуснихатда ёзилган битикларни Лэнгдон аввалига тушунмади. Ҳатто бирорта ҳарфини ҳам. Қадимги италян тилида ёзилганмикан, деб ўйласа, италянча сўзлардан асар ҳам йўқ. Шунда экспонат ёнида навбатчилик қилаётган аёл унинг қўлига кичкина кўзгу тутди.

– Мана бу билан уриниб кўринг-чи, сэр.

Лэнгдон кўзгучани матнга тутди.

Буюк даҳо ғоялари билан танишишга бўлган иштиёқи кучлилигидан ёзувларни кўзгу аксида ўқиш кераклигини унутиб қўйган экан.

Леонардо да Винчи нима учун бундай антиқа услублар қўлагани тарихчилар орасида ҳали-ҳануз баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келади. Балки шу тарзда кўнгилахушлик қилгандир, балки қайдларни ўзидан бошқа ҳеч ким ўқий олмаслиги, ғояларини бошқалар ўғирламаслиги учундир. Анигини ҳеч ким билмайди.

Софи табассум қилди. Лэнгдон гап нима ҳақида эканлигини тез тушунганидан у хурсанд эди.

– Майли, бир нечта сўзларини ўзим ўқиб бераман. Матн инглиз тилида ёзилган.

Тибинг эса ҳали ҳам тушуниб етмабди.

– Нималар бўляпти ўзи?

– Афдарилган матн, – деди Лэнгдон. – Бизга кўзгуча керак.

– Йўқ, керак эмас, – эътироз билдирди Софи. – Усиз ҳам эплейвераман.

Қутичани чироқ ёруғига олиб келди ва қопқоғининг ички томонини кўздан кечира бошлади. Соньер орқадан олдинга қараб ёзолмас, шунинг учун олдинга оддий тартибда ёзиб, кейин эса қоғозни афдарар ва ҳарфларни қарама-қарши йўналишда чиқарар эди. Афтидан, бобоси матнни ёғочи бўлагиди куйдириб чиқарган, худди шу бўлакчани дастгоҳда ҳарфлар яққол кўринмагунга қадар юққалаштирган. Сўнг уни афдариб, қутича қопқоғига ёпиштирган.

Софининг тахминини ўз тасдиғини топди. Матнни ёруғликка тутган эди, пастда сўзларнинг сояси кўринди.

Ўқиса бўлади.

– Инглизчада экан, – томоқ қирди Тибинг ва уялганидан нигоҳларини олиб қочди. – Менинг она тилим.

## ЕТМИШ ИККИНЧИ БОБ

Лэнгдоннинг фикру хаёли Жак Соньер қутича қопқоғига ёзиб қолдирган шеърини сатрларда эди.

Софи қаердандир қоғоз топиб, матнни кўчириб олди. У ёзишдан тўхташи биланоқ Лэнгдон ва Тибинг ҳам столга энгашишди. Сатрлар сирли туюлди, худди криптиксни қандай очишни айтиб беришга ваъда қилаётгандай. Лэнгдон шошилмай ўқий бошлади:

– *Кўҳна дунёни доно ўрам очади... оилани бир уй ичра йиғишга ёрдам беради... тамплиерлар даҳмаси – бу калит... ва этбаш ҳақиқатни гўё нур каби ёритгуси.*



Беш тууроқли ямб\*да ёзилган шеър. Матни ўқибоқ унинг хаёлига келгани шу бўлди.

Европанинг махфий жамиятлари тарихини ўрганиш жараёнида бу вазнга жуда кўп тўқнаш келган эди. Қадимги юнон шоири Архилохдан тортиб Шекспир, Милтон, Чосер, Волтер каби дунёнинг донгдор ижодкорларигача ямб вазнини афзал кўришган. Эмишки, ямб сирли хусусиятларга эга ва унинг илдизи мажусийлик этиқодининг аввалига бориб тақалармиш.

– Демак, бу шеърда, – ҳаяжонланиб сўз бошлади Тибинг, – Граал, тамплиерлар ордени ҳамда Мария Магдалинанинг курра бўйлаб сочилиб кетган оиласига ишора бор. Хўш, яна нима етишмаяпти?

– Калит сўз, – жавоб берди Софи шеърдан кўзини узмай. – Бизга «донолик» сўзининг қадимий муқобили керакка ўхшайди.

“Беш ҳарфдан иборат сўз”. ўйлади Лэнгдон. “Донолик” маъносини билдирувчи кўҳна сўзларни сеҳру афсунларда, мунажжимлик башоратлари, махфий жамиятлар қасамёдлари, мажусийлик мадҳияларида қанчадан-қанча учратиш мумкин.

– Калит сўз тамплиерларга алоқадор, шекилли, – Софи шеърдан парча ўқиди: – Тамплиерлар даҳмаси – бу калит.

– Лью, сиз ахир тамплиерлар бўйича мутахассиссиз-ку, нима дея оласиз? – сўради Лэнгдон.

Тибинг бир оз тараддудланиб жавоб қайтарди.

– Эҳтимол, «даҳма» дейилганда қабр тоши назарда тутилгандир, масалан, тамплиерлар Мария Магдалинаники деб ўйлаб сизинг тош. Таассуфки, биз бу тошнинг қаердалигини билмаймиз.

– Охирги сатрда эса “этбаш” сўзи бор, – деди Софи. – Бу сўзни аввал ҳам эшитгандекман.

– Уни криптография дарсликларида учратган бўлсангиз, ажаб эмас. Этбаш – дунёдаги энг қадимги шифр ҳисобланади.

“Ҳа-я. Роберт ҳақ. Эски яҳудий тилидаги машҳур коллаштириш тизими”.

Криптография кафедрасида таҳсил бошланишидаёқ Софи этбаш шифрига дуч келган эди. Бу шифр йигирма икки ҳарфдан

---

\*Ямб – шеъринг вазн.

иборат қадимги яҳудий алифбосига асосланади, тахминларга кўра, эрамиздан 500 йил аввал ўйлаб топилган. Этбаш шифрида алифбонинг биринчи ҳарфи энг охиргиси билан алмаштирилади, иккинчиси охиргидан аввалгиси билан ва ҳоказо.

– Демак, Приорат аъзолари ҳам этбашни ўрганишган экан-да.

– Муаммо шундаки, Лью, биз этбашни айнан нимага нисбатан қўллашни билмаймиз.

Тибинг хўрсиниб қўйди.

– Кўриниб турибдики, қабр тошига кодли сўз ўйиб ёзилган.

Биз ўша тошни топишимиз керак.

Лэнгдоннинг қовоғи уюлиб кетганидан, бу ишни амалга ошириш ўта мушкуллигини тушуниш мумкин эди.

– Мен боши берк кўчага кириб қолдим, шекилли, дўстларим. Ўйлаб олиш учун озгина вақт беринглар. Ҳозир эса Реми билан меҳмонимиз ҳолидан хабар олай, – Тибинг ўрнидан туриб, самолётнинг дум қисмига йўналди.

Софи уни ҳорғин нигоҳлари билан кузатиб қолди.

Ташқари зимистон эди. Тўсатдан Софи ўзини қандайдир куч қоронғилик қўйнида олиб кетаётгандай сездди. Кетаверади, кетаверади, қаерда тўхташни эса билмайди.

У болалигиданоқ бобосининг турли-туман жумбоқларини ечишни ўрганган, бу топшириққа эса тиши ўтмайдиган кўринади.

*“Йўқ, мен барибир бу сирнинг тағига етаман!”*

Лэнгдон ва Тибинг криптекс ичидан Граални кўрсатувчи харитани топишларига қаттиқ ишонишяпти. Лекин Софи аниқ билмадики, бобоси ўзининг сирлари билан шунчаки хайрлашиб қўя қоладиган одам эмас эди.

## ЕТМИШ УЧИНЧИ БОБ

Ле Бурже аэропортнинг тунги диспетчери радарнинг қора экрани олдида мудраб ўтирган пайт эшикни тарақлатиб очиб, хонага капитан Фаш кириб келди.

– Тибингнинг самолёти қаерга учиб кетди? – унинг важоҳати қутурган буқани эслатарди.

Диспетчер алланарсаларни минғирлади. Ахир Тибинг энг хурматли мижозлардан бири саналади, унинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш кўпам одобдан бўлмас. Бироқ капитан Фаш ҳам анойилардан эмас-да.

– Майли, – деди Фаш унинг дудмол гапларига жавобан, – парвоз режасига қайд этмай туриб, шахсий самолётнинг учишига рухсат берганинг учун сени ҳибсга олишга тўғри келади. – У бир имо қилган эди, бирга келган агент қўлида кишан билан яқинлаша бошлади. Қўрқувдан диспетчернинг ранги оқариб кетди.

– Тўхтанг! Майли, қўлимдан келганча ёрдам бераман, – деди у бўшашган оҳангда. – Сэр Лью Тибинг даволаниш учун Лондонга тез-тез учиб туради. Кент шаҳридаги Биггин-Хилл аэропортида унинг ангари бор.

Фаш кишан кўтариб олган агентига чиқиб кетишни ишора қилди.

– У бугун ҳам Биггин-Хиллга қўнадими?

– Менимча, шунақа.

– Бортда ундан ташқари яна кимлар бор?

– Қасам ичиб айтаман, жаноб, бунисини билмайман. Мижозларимиз одатда тўппа-тўғри ўз ангарларига келишади. У ерда самолётта кимни чиқаришади ёки нимани юклашади, бу уларнинг иши. Бортдаги ортиқча одамларга паспорт-божхона назоратидагилар жавоб беришади.

Фаш аввал қўл соатига, кейин эса терминал олдида қатор тизилган самолётларга назар солди.

– У Биггин-Хиллга қачон қўнади?

– Умуман олганда, парвоз унча узоқ давом этмайди. Сэр Тибингнинг самолёти тахминан олтию ўттизларда, яна ўн беш дақиқалардан сўнг қўнади.

Фаш агентини чақирди.

– Менга самолёт ёлланг, Лондонга учиб кетаяпман. Кент шаҳри полицияси билан боғланинг, Тибингга қўнишга рухсат берсин, лекин аэропортда ушлаб туришсин. Мен иложи борича тезроқ етиб бораман!

## ЕТМИШ ТЎРТИНЧИ БОБ

– Нима бўлди, жимиб қолдингиз? – деди Лэнгдон Софига салонда икковлари холи қолгач.

– Шундоқ ўзим. Манави шеър ҳақида ўйлаяпман. Ҳеч нимани тушунмадим.

Лэнгдон ҳам айтарлик бирор нарса тушунгани йўқ. Моторларнинг бир маромда гуриллаши ва самолётнинг оҳиста тебраниши аллалагандай таъсир қилаётган эди. Боши ҳалиям оғрияпти, қўлинг сингур роҳиб қаттиқ урган экан. Тибинг эса қайтганича йўқ, фурсатдан фойдаланиб, Софи билан суҳбатлашиб олиш керак.

– Бобонгиз нима учун мени топишни буюргани сабабини аңлагандекман, – деди профессор. – У сизга баъзи нарсаларни тушунтириб беришимни истаган.

– Граал ва Мария Магдалина тарихиними? Айтиб бердингиз-ку.

– Буни эмас, бобонгиз билан аразлашиб қолишингиз сабабини назарда тутаяпман.

Софи асабийлаша бошлади.

– Сиз шахвоний маросимнинг гувоҳи бўлиб қолгансиз, тўғрими?

– Буни қаердан билдингиз? – Софининг ҳайрати ошди.

– Ахир ўзингиз айтувдингиз-ку, бобом махфий жамият аъзоси эканлигини исботловчи саҳнага гувоҳ бўлганман, деб. Кўрганларингиз сизни қаттиқ ларзага солгани аниқ. Бу қачон юз берган эди? Баҳорда, март ойи ўрталарида бўлса керак, шундайми?

Софи иллюминатор томонга ўгирилиб олди.

– Университетда баҳорги таътиллار бошланганди ўшанда. Мен уйга кутилганидан бир неча кун аввал қайтгандим.

– Балки ўша воқеани сўзлаб берарсиз?

– Эслагим ҳам келмайди, – у Лэнгдон томонга ўгирилди, кўзларида ёш қалқиган эди. – Нималарни кўрганимни ўзим тушунмаганман.

– У ерда эркаклар ҳам, аёллар ҳам бўлган, шундайми?

Софи кўз ёшларини артди ва бош ирғади.

– Аёллар эгниларига юпқа оқ матодан кўйлак, оёқларига эса тилларанг садал кийишган эди... Қўлларида тилларанг золдир... Эркаклар эса бошдан-оёқ қора кийимда...

Лэнгдон ҳаяжонини аранг бошиб турарди.

– Ниқоблар-чи? – сўради у овози хотиржам чиқишига уриниб.

– Улар икки жинс белгилари бўлган ниқоблар тақишганмиди?

– Ҳа, ҳаммаси.

– Бу маросим Хиерос гамос деб аталади, – тушунтира бошлади Лэнгдон, – жуда қадимий анъана. Икки минг йил муқаддам Миср руҳонийлари ва коҳинлари мунтазам ўтказиб туришган. Ундан мақсад аёлнинг фарзанд кўриш имкониятини мадҳ этишдир. – У бир лаҳза жим турди. – Хиерос гамосдан беҳабар ҳолда унга гувоҳ бўлган экансиз, сизга қандай таъсир этганини тушуниш қийин эмас.

Софи жавоб бермади.

– Хиерос гамос юнончада «муқаддас никоҳ» деган маънони билдиради.

– Лекин кўрганларим никоҳ маросимига ўхшамасди.

– Бу никоҳ «қовушиш» маъносида, Софи, ҳозир биз биладиган жинсий қўшилишдан фарқ қилади. Қадимгилар эркак киши токи аёллик ибтидосини жисман ҳис этмагунча руҳий мукаммалликка эриша олмайди деб ҳисоблашган.

– Ҳм. Дуо ўрнига шахвоний лаззатми?

Лэнгдон жавоб ўрнига елка қисиб қўя қолди. Умунан олганда, Софи ҳақ. Руҳий мукаммалликка ҳеч қандай жинсий алоқасиз ҳам эришиш мумкин.

– Биласизми, қадим пайтларда одамларнинг қовушишга муносабати бошқача бўлган. Қовушиш янги ҳаётни юзага келтиради, бу эса мўъжизадир. Мўъжизани эса фақат Худо ярата олади. Аёлнинг қорнида янги ҳаётни кўтариб юриши уни муқаддас қилган, маъбудага айлантирган. Қовушиш инсон руҳининг аёллик ва эркаклик қисмлари бирлашуви эди.

Софининг кўзларида яна ёш қалқиди.

У Лэнгдон айтган гапларнинг маъзини чақишга ҳаракат қиларди. Кўз олдига бобоси ёзган хатлар келди. Қайсарлик қилиб бирортасини ҳам очиб кўрмаган эди. Ўн йил бобосидан аразлади. Ўн йил-а!.. Афсус...

*«Робертга ҳаммасини гапириб беришим керак!»*

У иллюминаторга тикилганча сўз бошлади. Дала ҳовли... ертўлага тушиши... бобосининг ўша ҳолати...

## ЕТМИШ БЕШИНЧИ БОБ

Капитан Фаш билан суҳбатлашиб бўлгач, Арингароса телефонини ўчирди.

«Нималар бўляпти ўзи? Сайласни қандай ишга аралаштириб қўйдим?..»

Астагина ўрнидан туриб, учувчи кабинаси томон йўналди. Унинг оёқлари қалтирар, бутун вужуди бўшашиб кетаётган эди.

– Зудлик билан курсни ўзгартиришимиз керак!

Учувчи унга елкаси оша қаради ва кулиб юборди.

– Нима, ҳазиллашяпсизми?

– Йўқ. Мен дарҳол Лондонга бормоқчиман.

– Ахир бу чартер рейс, такси эмас.

– Тўлайман. Қанча хоҳлайсиз? Лондонга бир соатлик йўл, холос, курсни кескин ўзгартиришга тўғри келмайди.

– Гап пулда эмас! Бортда бошқа йўловчилар ҳам бор.

– Ўн минг евро бераман. Ҳозирнинг ўзидаёқ.

Учувчи унга ажабланганча тикилиб қолди.

– Қачондан буён руҳонийлар бунақа пуллар олиб юрадиган бўлишган?

Арингароса жойига қайтди, портфелдан бир даста облигациялар олиб келиб, учувчига узатди.

– Бу нима?

– Ватикан банки облигациялари. Нақд пул ўрнига ўтади.

– Йўқ, бўлмайди, нақди яхши-да, – учувчи облигацияларни қайтариб берди.

Арингароса баттар бўшашиб кетди.

– Ахир бу ҳаёт-мамонт масаласи. Сиз менга ёрдам беришингиз керак.

– Олмослари ҳақиқийми? – учувчи унинг бармоғидаги қалин тилло узукка ишора қилди.

– Бунга бера олмайман, – шивирлади епископ.

Учувчи елка қисганча ўтирилиб олди.

Арингароса севимли узугидан кўз узолмасди. У чуқур хўрсинди-да, узукни бармоғидан чиқариб, учувчининг олдига қўйди.

Ўн беш сониядан кейин самолёт шимол томонга бир неча да-ража бурилди.

Бироқ епископ Арингароса хурсанд эмас эди.

Қандай яхши бошланган эди-я бу режа. Энди эса худди саробга ўхшаб кўриняпти.

## ЕТМИШ ОЛТИНЧИ БОБ

Хиерос Гамоснинг нафақат тўлиқ тавсифи, балки унда Жак Соньернинг ҳам иштирок этгани Лэнгдонни қаттиқ ҳайратга солди. Сион Приоратининг Улуғ устаси-я?.. Худди да Винчи, Боттичелли, Исаак Ньютон, Виктор Гюго, Жан Кокто каби...

– Тўғриси, нима дейишни ҳам билмай қолдим, – пичирлагандай гапирди профессор.

Софи кўз ёшларини тия олмас эди.

– Бобом мени ўз қизидай тарбия қилгандилар...

Олдинлари у бобосидан қаттиқ нафратланарди, энди эса бўлиб ўтган воқеаларга бошқача назар билан қарай бошлади.

Уфқ тез оқариб келар, курраи замин эса ҳали ҳам зулмат кўйнида ором олаётган эди.

– Тамадди қилиб олсак чакки бўлмасди! – Тибингнинг қувноқ овози эшитилди, у стол устига бир неча шиша кола ва печенье-ларни қўйди. – Айбга буюрмайсизлар, бори шу экан. Роҳиб дўстимиз эса ҳанузгача чурқ этгани йўқ, ҳа, майли, унга яна озгина вақт берамиз. – У печенье кавшаганча шеър ёзилган вараққа тикилиб қолди. – Хўш, азизлар, янги фикрлар борми? – Кейин Софига қаради: – Бобонгиз нима демоқчи бўлганийкин? Тамплиерлар сажда қилган даҳма қаерда бўлиши мумкин?

Софи жавоб қайтармади.

Тун шошқалоқлик билан ўз ўрнини кундузга бўшатиб бермоқда. Лэнгдон тонг отиши билан калаванинг учи топилишига умид боғлаганди. Афсуски, ҳозирча бунинг акси бўляпти.

У ямб вазнида ёзилган шеър, Хиерос гамос ва бошқа сирли маросимларда ўқилган афсунлар ҳақида ўйлай бошлади.

*Тамплиерлар сажда қиладиган даҳма.*

– Топдим! – тўсатдан қўлидаги кола шишасини столга тарақлатиб қўйди.

– Нимани топдингиз? – сўради Тибинг. – Даҳма қаерда жойлашганлигиними?

– Йўқ, унинг аслида нима эканлигини. Менимча, «headstone»\* сўзини бирламчи маъносида, яъни «stone head» – «тошли бош» деб тушуниш керак. Гап даҳма ёки қабртоши ҳақида эмас.

– Қанақанги тошли бош?

– Лью, эслаб кўринг, инквизиция даврида Черков тамплиерларни қаттиқ қоралаган, тўғрими?

– Тўғри.

– Тамплиерлар тошдан ўйилган бош – мажусийлик маъбудига сифинишда айбланганлар ва...

– Бафомет! Тамплиерлар сажда қилган тош! – унинг гапини бўлди Тибинг. – Э, Худойим! Роберт, сиз албатта ҳақсиз!

– Бамофет – мажусийларнинг ҳосилдорлик маъбуди ҳисобланган, эркаклик кучи унга қиёсланар эди, – деди Лэнгдон икки олиннинг сўзларини тушунолмаётган Софига. – Тамплиерлар Бафометни ўртага қўйиб, ўзлари эса айлана ҳосил қилганча дуолар ўқишган. Папа Климент эса уни шайтоннинг бошига тенглаштириб қўйди.

«Демак, ҳозирги икки шохли шайтон тушунчаси шундан олинган экан-да», хаёлидан ўтказди Софи.

– Ҳа! – Тибинг қаттиқ ҳаяжонланар эди. – Шеърда гап айнан Бафомет ҳақида кетяпти, тамплиерлар сажда қилган тош.

– Яхши, – бош ирғади Софи, – шундай деб ҳисобласак, бизда яна бир муаммо пайдо бўлади. – У криптиксга ишора қилди: – «Бафомет» етти ҳарфли сўз, калит сўз эса беш ҳарфдан иборат.

Лью Тибинг кўз қисди:

– Худди шу ўринда бизга этбаш коди керак бўлади.

## ЕТМИШ ЕТТИНЧИ БОБ

Сэр Тибинг мук тушганча alef-beit деб аталувчи қадимги яҳудий алифбосини қоғозга туширди:

A B G D H V Z C H T Y K L M N S O P T Z Q R S H T H

Гарчи йигирма икки ҳарфнинг бари яҳудийчасига эмас, латин ёзувида бўлса-да, кекса олим уларни хатосиз талаффуз қила олди:



– Алеф, Бет, Гимель, Далет, Хей, Вав, Заин, Хэт, Тэт, Йод, Каф, Ламед, Мэм, Нун, Самех, Айн, Пэй, Цади, Коф, Рейш, Шин Тав, – Тибинг шерикларига мамнун қараб қўйди. – Қадимий яхудий ёзувида унли ҳарфлар бўлмаган. Агар «Бафомет» сўзидаги унларни олиб ташласак, қўйидагича ёзилиб...

– Бешта ҳарф қолади!\* – бақриб юборди Софи.

Тибинг бош ирғаб, яна ёнишда давом этди.

– Ивритда сўзлар чапдан ўнгга қараб ёзилишини ёдда тутиш лозим, этбашни ҳам худди шу тарзда қўлласак осонроқ бўлади. Ва ниҳоят охириги босқич, алифбони тескари тартибда кўчириб чиқамиз.

– Биласизларми, Холлоуэй коллежида кичкинагина ҳийла ўрганганман, – Софи Тибингдан ручкани олиб, алифбонинг биринчи ярмини чапдан ўнгга, иккинчи ярмини эса ўшанинг тагига, ўнгдан чапга қараб ёзиб чиқди. – Биз, шифрловчилар буни «буклама» деймиз, менимча, шуниси қулайроқ.

– Яхши, – деди Тибинг. – Холлоуэй коллежидагилар вақтларини беҳуда сарфлашмас экан. Келинглар, энди ишга ўтамиз. «Бафомет» сўзини унли ҳарфларсиз ёздик ва қўйидаги нарса ҳосил бўлди: B-P-V-M-Th. Энди эса сизнинг «буклама»нгиз ёрдамида уни беш ҳарфли сўзга айлантириб кўрамиз.

Лэнгдон юраги қинидан чиқар даражада қаттиқ ураётганини сезди. *B – бу Sh. P – бу V...*

Тибинг мамнун табассум қиларди.

– Этбаш кодини қўллаймиз ва... – унинг ранги оқариб кетди. – Вой Худойим-ей!

– Нима гап? – хавотирланиб сўради Софи.

– Айтсам, ишонмайсизлар, айниқса, сиз, азизам.

– Нима ҳақида гапиряпсиз ўзи?

– Доҳиёна! – шивирлади Тибинг. – Доҳиёна! Мана сизнинг калит сўзингиз, – у варақни олдинга суриб қўйди.

*Sh-V-P-Y-A*

Софи пешонасини тириштирди.

– Бу нима?

Лэнгдон ҳам ҳеч нарса ни тушунмаган эди.

– Бу, менинг дўстларим, «донолик» маъносини билдирувчи қадимий сўзидир.

Софи аввал ҳарфларга, кейин эса криптекс лаппакларига қаради.

– Тўхтанглар! Бу калит сўзи бўлолмайди! – эътироз билдирди у. – Криптекс лаппагида Sh ҳарфи йўқ, унинг алифбоси лотинча-ку!

– Хулоса чиқаришга шошилманг, – деди Лэнгдон. У боядан бери ҳамкасбининг кашфиётини таҳлил қилаётган эди. – Ивритчада Sh ҳарфи баъзида «эс», P ҳарфи эса «эф» тарзида талаффуз қилинади.

S V F Y A

Софи бутунлай ўзини йўқотиб қўйганди.

– Van ҳарфи кўпинча унли O товуши ўрнини босади, – хитоб қилди Тибинг.

S...O...Ф...И...А...

Софи ўзи ўқиган сўзга ўзи ишонгиси келмасди.

– Бунга «София» ёки «Софья» тарзида ўқиш мумкинми?

Лэнгдон хурсанд бўлганча бош ирғади.

– Ҳа! Исмингиз худди шу сўздан олинган. «София» қадимги юнон тилида «донолик» деган маънони билдиради.

«Бобом Приоратнинг пойдевор тошини менинг исмим билан шифрлаган экан-да!» Софининг томоғини нимадир куйдириб ўтди.

Унинг кўзларида яна шубҳа пайдо бўлганини кўриб, Тибинг изоҳ берди:

– Тўғри, лотинчада бу сўз олтига ҳарф билан – Sophia тарзида ёзилади, лекин қадимги юнон тилида эса сал бошқача – S-O-F-I-A...

## ЕТМИШ САККИЗИНЧИ БОБ

Софи ҳаяжондан қўллари титраган кўйи лаппакларни айлантира бошлади. Лэнгдон ва Тибинг эса нафасларини ичга ютганча унинг ҳар бир ҳаракатидан кўз узишмас эди. S...O...F...

– Эҳтиётроқ бўлинг! – ялинди Тибинг. – Ўзиниб сўрайман, эҳтиёт бўлинг.

...I...A

Беш ҳарф ҳам бир қаторга тизилди.

– Мана, бўлди шекилли, – шивирлади Софи. – Энди очсак ҳам бўлар.

– Сиркани эсдан чиқарманг, – огоҳлантирди Лэнгдон. – Эҳтиёт бўлинг.

Агар бу ҳам болалигида ўйнаган криптекслар каби бўлса, икки учидан енгилгина тортилса шу заҳоти очилиб, лаппаклар бир-биридан ажралади. Агар лаппаклар калит сўзга мосланган бўлса, у ҳолда криптекснинг бир учи худди қопқоқдай очилади ва ичидан юпқа сирка шишасига ўралган папирус тушади. Бордию, калит сўз нотўғри терилса, криптекс учига кўрсатилган босим пружинадаги пишангни ҳаракатга келтиради ва натижада шишача синиб, сирка папирусни эритиб юборади.

Цилиндр учларини тортишдан олдин Софи калит сўзи тўғри ёзилганини яна бир карра текширди. Кейин эса ўта оҳисталик билан торта бошлади. Йўқ, очилмади. Энди қаттиқроқ тортди. Криптекс худди телескопга ўхшаб ажралиб, Софининг қўлида ярми қолди. Лэнгдон ва Тибинг ўринларидан сакраб туришди, Софи ҳам улардан кам ҳаяжонланмаётган эди. У криптекс қопқоғини стол устига қўйди ва цилиндр ичига қаради.

Қоғоз ўрами!

Қизиги, қоғоз папирусга ўхшамас эди. Пергамент, шекилли. Ахир сирка энг юпқа пергаментни ҳам эрита олмайди-ку. Синчиклаб тикилгач, цилиндр ичида ҳеч қандай сирка шишаси йўқлигини тушуниб қолди.

– Нима бўлди? – сўради Тибинг. – Балки, ўрамни оларсиэ?

Софи бармоқларининг учлари билан пергаментни тортиб олди.

– Бу папирус эмас-ку, – деди Тибинг.

– Ҳа, бузоқ териси.

– Ичидаги нима, сиркали идишми?

– Йўқ, – Софи пергаментни ёйиб, унга ўралган сирли предметни олди. – Мана қаранг.

– Эй Худойим, бобонгиз ўтакетган ҳазилкаш бўлган экан!

Лэнгдон ҳайрон боқиб турарди. Ҳа, жумбоқ осонликча ҳал бўладиганга ўхшамайди: стол устида қора ақиқдан ясалган яна бир криптекс ётарди. Жак Соньер жуфт нарсаларни жудаям яхши кўрган бўлса керак.

Профессор кичик криптексни қўлига олган эди, нимадир бил- қиллади. Демак, сирка шишаси шунинг ичида.

– Мана, – Тибинг унинг олдига пергаментни суриб қўйди. – Тўғри йўлдан кетаётганимизга хурсанддирсиз.

Терига оҳанжамадор дастхат билан шеърый тўртлик битилган эди. Бу ҳам беш туроқли ямб вазнида. Лэнгдон биринчи сатрни ўқиди-ю, Тибингнинг Британияга учиб ҳақидаги қарори тўғри бўлганига ишонч ҳосил қилди.

*Лондон. Папа қўмган рицар бор у ерда...*

Шеърнинг қолган сатрларидан шуниси маълум бўлдики, ик- кинчи криптекснинг калит сўзини ўша рицар қабрини зиёрат қи- лишгандагина топишар экан.

Лэнгдон умид билан Тибингга қаради.

– Гап қайси рицар ҳақидалигини биласизми?

– Асло. Лекин унинг сағанасини қандай излаш кераклигини биламан.

Бу пайт ўн беш миля нарида Кент полициясининг олтита ма- шинаси Биггин-Хилл аэропорти томон елиб борарди.

## ЕТМИШ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Лейтенант Колле Тибингнинг музлатгичидан перье шишасини олди, бир қултум ичиб, кейин ошхонадан йўлакка чиқди. У Фаш билан Лондонга бориш, асосий воқеаларда қатнашиш ўрнига Виллет саройини тўлдириб юборган техник мутахассисларни назорат қилиб ўтиришга мажбур.

Бу ердан топилган ашёвий далиллар вазиятга ойдинлик кирит- мади: ёғоч полга тиқилиб қолган ўқ, аллақандай белгилар, «шам- шир» ва «идиш» сўзлари ёзилган қоғоз бўлаги, ҳаммаёғи қонга ботган тишли боғич. Мутахассиснинг айтишича, бундай боғични «Дея асари» деб номланувчи мутаассиб католик секта аъзолари тақиб юришар экан. Яқинда телевизорда кўрсатишди, бу секта Парижда сафига янги аъзоларни жалб этиш учун ноўя ишларни қилибди.

*“Яхшиям шунақанги бош оғриқлар билан ҳам шуғуллан- маймиз”. хўрсинди Колле.*

У кенг холлдан ўтиб, улкан рақс залига кирди. Сарой соҳиби бу ерни шахсий хонасига айлантирибди. Мутахассисларнинг семизгина бошлиғи бармоқ излари бўлиши мумкин жойларга махсус таркиб сепаётган эди.

– Бирор нарса борми? – сўради Колле. Бақалоқ бошини сарак-сарак қилди:

– Янгилик йўқ. Бармоқ излари кўпу, лекин бошқа хоналардан топилганлари билан мос келмаяпти.

– Тиканли боғичдаги-чи?

– Уни Интерполдагилар текширяпти, топилган нарсаларнинг барини уларга бериб юбордим.

Колле стол устидаги муҳрланган иккита пластик пакетларга ишора қилди:

– Булар нима?

– Бу англиялик ғалати одам экан, – қаддини ростлади мутахассис. Кейин пакетлардан бирини лейтенантга узатди. – Мажусийлик динларига қаттиқ қизиққан, шекилли.

Колле қорозлардаги ғалати ёзувлар, расмларга кўпам тушунмади.

– Буниси нима экан? – сўради иккинчи пакетни оларкан.

– Қайдам, бу ҳужжатнинг нусхалари сочилиб ётибди, биттасини олводдим.

Колле ҳужжатни ўрганишга киришди.

## СИОН ПРИОРАТИНИНГ УЛУФ УСТАЛАРИ

Жак де Гизор 1188-1220

Мари де Сен-Клер 1220-1266

Гийом де Гизор 1266-1307

Эдуард де Бар 1307-1336

Жанна де Бар 1366-1351

Жан де Сен-Клер 1351-1366

Гэланш Д“Эврё 1366-1398

Никола Фламелъ 1398-1418

Рене Д“Анжу 1418-1480

Иоланда де Бар 1480-1483

Сандро Ботичелли 1483-1510

Леонардо да Винчи 1510-1519

Коннетабль де Бурбон 1519-1527

Фердинанд де Горсаке 1527-1575

Луи де Невер 1575-1595

Роберт Фладд 1595-1637

Ж. Валентин Андреа 1637-1654

Роберт Бойль 1654-1691

Исаак Ньютон 1691-1727

Чарльз Рэдклифф 1727-1746

Шарль де Лорен 1746-1780

Максимильен де Лорен 1780-1801

Шарль Иодье 1801-1844

Виктор Гюго 1844-1885

Клод Дебюсси 1885-1918

Жан Кокто 1918-1963

«Сион Приорати?» уйланиб қолди Колле.

– Лейтенант, – хонага агентлардан бири кирди, – Цюрих депозитар банкининг директори капитан Фашни сўраяпти, у билан боғлана олмаётган эмиш. Жуда зарур ишим бор, дейди. Балки сиз гаплашарсиз?

Колле ошхонага қайтиб телефон гўшагини кўтарди.

– Капитан Фаш менга кўнғироқ қилиши керак эди, – деди Берне ҳажжонини босолмай. – Лекин шу пайтгача қилмади.

– Капитан жуда банд. Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Мени нима бўлаётганидан хабардор қилиб туришади деб ўйлагандим.

Коллега бу овоз танишдай туюлиб кетди, аммо уни қаерда эшитганини эслай олмади.

– Месье Берне, Париждаги қидирув ишларига вақтинча мен бошчилик қиляпман. Ўзимни таништиришга рухсат беринг – лейтенант Колле.

Банк директори нимагадир жимиб қолди.

– Кечирасиз, лейтенант, бошқа жойга ҳам кўнғироқ қилишим керак. Безовта қилганим учун узр. Сиз билан кейинроқ боғланарман, – Берне гўшакни қўйиб қўйди.

Бўлди! Колле овоз эгасини таниди-ю қўлида гўшак билан қотиб қолди. “Зирҳли машина ҳайдовчиси! Қўлида сохта «Ролекс» соати бор эди”.

Берне суҳбатни нима учун бунчалик тез тугатгани энди тушунарли. Банкдан чиқаверишда тўхтатган полициячи исмини эслаб қолган экан-да.

“Нима қилиш керак?..”

Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди: Интерпол билан боғланиб, Цюрих депозитар банки раҳбари Андре Бернега алоқали ҳамма маълумотни беришларини сўради.

## САКСОНИНЧИ БОБ

– Марҳамат қилиб, камарларни тақиб олинг, – эълон қилди “Хокер” учувчиси. – Биз беш дақиқадан сўнг ерга қўнамиз.

Пастда Кент шаҳрининг туман қоплаган тепаликларини кўрган Тибинг хурсанд бўлиб кетди. Ва ниҳоят у уйда! Эрталабдан ёмғир томчилаяпти, атроф худди баҳордаги каби ям-яшил. “Францияни елкаминг чуқури кўрсин энди. Мен Англияга ғалаба билан қайтиб келяпман. Пойдевор тоши топилди!”

У ўрнидан туриб салон охиридаги ёғоч панелни сурди ва яширин сейфни очди.

– Реми билан менинг ҳужжатларим, – тушунтирди у. Кейин бир даста элик фунтли пулни кўрсатди. – Бу ҳужжатлар эса сизлар учун, азизлар.

Софи афтини буриштирди.

– Порами?

– Дипломатча ёндашув, десак тўғрироқ бўлади. Бу шаҳарда ишлар тезгина битақолади. Божхона назорати ходими бизни ангар ёнида кутиб олади, ҳужжатларимизни кўздан кечириб, самолётни текшироқчи бўлади. Мен унга самолётда машҳур бир француз борлигини, ўша хоним Англияга келганидан ҳеч ким, айниқса матбуотчилар хабар топишини истамаслигини айтаман. Ва оғзидан гуллаб қўймаслиги учун божхоначига “арзимаган совға” бераман.

Тарихчининг гаплари Лэнгдоннинг кулгисини қистади.

– У пулни оладими?

– Бегона одамдан албатта олмаган бўларди, мени эса бу ерда ҳамма танийди. Ахир мен рицарман, қурол ёки наркотик сотувчи

эмас. – Тибинг табассум қилди. – Рицарларнинг имтиёзлари бўлиши керак-ку!

Шу пайт қўлида тўппонча кўтариб олган Реми пайдо бўлди.

– Мен нима қилай, сэр?

Тибинг хизматкори томон ўтирилди.

– Яхшиси, меҳмонимиз билан самолётда қолсанг. Уни оёқ-қўли боғлиқ ҳолда Лондон бўйлаб кўтариб юролмаймиз барибир.

– Лью, биз қайтгунимизча бу ерга француз полицияси ҳам етиб келсачи? – Софи ташвишлана бошлаган эди.

Тибинг эса кулиб юборди.

– Ремини кўриб, уларнинг ажабланишини тасаввур қилиб кўринг-а!

– Лекин, Лью, биз гаровдаги одамни давлат чегарасидан олиб ўтдик. Бу жиддий масала.

– Менинг адвокатларим ҳам жиддий одамлар. – Тибинг қўлини самолётнинг дум қисми томон силкитди: – Бу ҳайвон уйимга бостириб кирди, камига мени ўлдириб қўйишига бир баҳя қолди. Бу фактларни Реми бажонидил тасдиқлаб беради.

– Сэр! – учувчининг овози янгради. – Аэропортдагилар самолётни ангар ёнига эмас, асосий йўлга қўндиришимни сўрашяпти. Уларда қанақадир муаммо бор экан.

Биштин-Хиллага ўн йилдан буён учаётган бўлса-да, Тибинг бирор марта муаммо юзага келганини эслолмади.

– Нима бўпти?

– Диспетчер аниқ бир гап айтмади, насос станциясида газ сирқиб чиқаётганмиш. Хавфсизлик важидан ҳаммамиз самолётда ўтириб турарканмиз, токи маҳаллий ҳокимиятдан рухсат бўлмагунча.

– Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди, – деди Реми.

Тибинг Софи ва Лэнгдон томон ўтирилди.

– Дўстларим, бизни бу ерда кимдир кутиб олмоқчи, шекилли.

– Ким бўларди, Фаш-да. Ортимдан етиб келгандир, – хўрсинди Лэнгдон. – Келинглар, мен ўзимни полицияга топшираман ва ҳаммасини қонуний ҳар қилишга уриниб кўраман.

– Нималар деяпсиз, Роберт? – деди Тибинг. – Қолганларчи? Сизлар чегарани бузиб ўтдингиз, Невё хоним Луврдан қочишингизга ёрдам берди, альбинос роҳибни эса гаровга олганмиз.



– Балки бошқа аэропортга қўнармиз? – таклиф қилди Софи. Тибинг бошини сарак-сарак қилди.

– Бўлмайди. Қаерга бормайлик, бизни танклар билан кутиб олишади, – у учувчи кабинаси томон йўналди. – Мен тезда қай-таман.

– Нима қилмоқчисиз? – сўради Роберт.

– Бир оз савдолашаман холос...

Қизиқ, умуман тақиқланган ишни бажариши учун учувчига қанча “узатган” маъқул?..

## САКСОН БИРИНЧИ БОБ

Биггин-Хилл аэропортининг хавфсизлик хизмати офицери Саймон Эдвардс асабийлашгандан ўзини қўярга жой тополмас, тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Ахир бугун шанба, дам олиш куни саҳарлаб ишга чақириб олишди. Устига-устак аэропортнинг энг обрўли мижозларидан бири қўлга олиншида иштирок этишга тўғри келади. Сэр Лью Тибинг тез-тез учиб туради, нафақат ангар ижараси, балки аэропорт худудига қўниш учун ҳам мўмайгина пул тўлайди. У инжиқ одам. Келишига буюртма бўйича ишлаб чиқарилган, ойналари қора, ҳашаматли «Ягуар» лимузини тайёр туриши, орқа ўриндиғида эса «Лондон таймс» газетасининг охирги сони бўлиши керак. Божхоначилар самолётни шунчаки расмиятчилик учунгина текширишади, Тибингнинг «сахийлиги» эвазига эса ноқонуний юкларга кўз юмишади: французча турли тансиқ таомлар, доривор гиёҳлар, мева-чевалар, зираворлар ва ҳоказо. Умуман олганда эса, божхоначиларнинг тақиқлари аҳмоқгарчиликдан бошқа нарса эмас, агар Биггин-Хилл аэропорти ўз мижозлари кўнглини олмаса, улар ҳеч иккиланмай бошқа аэропортга ўтиб кетишлари тайин.

Эдвардс қўнаётган самолётни кўриб, янада ҳаяжонланиб кетди. Тибинг нимада айбланаётгани ҳақида унга айтишмади, лекин иш жиддийлигини сезиб турибди. Қуролланган саккиз нафар полициячи парвоз тугагини кутиб туришибди.

«Хокер» жуда пастлаб учарди, бироқ у буюрилганидек теми-

нал олдига эмас, Тибингнинг ангари томон йўналди.

Полициячилар ҳайрон бўлиб Эдвардсга қарашди.

– Учувчи терминал олдига қўнишга рози бўлди дегандингиз-ку?

– Ҳа, рози бўлганди, – деди ўзини йўқотиб қўйган Эдвардс.

Полициячилар ангарга етиб келишганида атрофни қулоқни қоматта келтирувчи шовқин тутиб кетганди, «Хокер»нинг мотори ҳали ҳам гуриллаб турарди. Ниҳоят, самолёт бурилиб, ангардан чиқишга шай тарзда тўхтади ва шовқин ҳам тинди. Эшик очилиб, энг биринчи Сэр Тибинг кўринди. У электрон трапга қўлтиқта-ёқларини тираганча гўппонча ўқталиб турган полициячиларга ангр айиб қараб қолди.

– Бу нимаси, Саймон? Полициячилар лотереясидан менга ютуқ чиқибдими?

– Хайрли тонг, сэр, – деди Эдвардс хижолатли овозда. – Ангарингиз ёнида газ сирқиб чиқаётган экан, шунинг учун учувчингиздан терминал олдига қўнишини сўрагандик.

– Ҳа, ҳа, биламан, бу ерга қўнишни мен буюрдим, чунки зудлик билан врач ҳузурига боришим керак. Ахборотинг учун, мен ангарга пул тўлаяпман ва ҳал хил баҳоналарни эшитиб ўтиришга тоқатим йўқ.

– Ангарга қўнишингизни умуман кутмагандик, сэр.

– Тушунаман. Айтдим-ку, мен кеч қоляпман. Биласанми, янги дориларни ичганимдан кейин пешобимни ушлолмайдиган бўлиб қолганман, врачга албатта кўринишим керак.

Полициячилар кўз уриштириб олишди.

– Тўғри қилибсиз, сэр.

– Гап мана бундай, сэр, – полиция инспектори олдинга бир қадам босди, – бортда ярим соатча ўтириб туришингизга тўғри келади.

Тибинг эса самолёт трапидан тушиб кела бошлади.

– Бунинг иложи йўқ. Менга врач қабулида учрашув тайинланган, – у ерга тушди.

– Мен бу ерга Франция судлов полициясининг илтимосига кўра келдим, – полициячи унинг йўлини тўсмоқчи бўлди. – Улар

сизни жиноятчиларни яширишда ва чегарадан ноқонуний равишда олиб ўтишда айблашяпти.

Тибинг инспекторга қараб турди-да, кейин қаттиқ кулиб юборди.

– Ҳазилни ҳам боплар экансиз!

Инспектор қилт этмади.

– Ҳазиллашаётганим йўқ, сэр. Француз полициясининг айтишича, бортингизда гаровга олинган асир бор экан.

Шу пайт самолёт эшиги ёнида Реми пайдо бўлди.

– Шахсан мен сэр Лью Тибингга ишлаб, ўзимни гаровга олингандек сезаман. Лекин сэр ҳар доим истаган пайтимда кетишим мумкинлигини айтади. – Реми қўл соатига қаради ва ангар чеккасида турган «Ягуар»га ишора қилди: – Хўжайин, биз ростдан ҳам кеч қоляпмиз. Ҳозир машинани олиб келаман.

– Кечирасиз, бунга йўл қўя олмайман. Икковингиз ҳам самолётга қайтиб чиқинглар, французлар ҳадемай етиб келишади.

Тибинг Эдвардсдан кўзларини узмас эди.

– Саймон, ўзинг чиқиб текшириб кўр! Бортимизда бегоналар йўқ! Фақат Реми, учувчи ва мен.

Эдвардс тузоққа тушганини фаҳмлади.

– Хўп бўлади, сэр, ҳозир чиқиб кўраман.

– Йўқ! – хитоб қилди инспектор. Саймон Эдвардс аэропорт мижозига ён босмаслигига ким кафолат бера оларди? – Ўзим қиламан бу ишни.

– Йўқ, бунақаси кетмайди. Самолёт – шахсий мулк, тинтув учун сиздан ордер талаб қилишга ҳақлиман. Иллоки, ордерингиз йўқ экан, самолётимдан узоқроқда туришингизни сўрайман. Саймонга эса мумкин, текшириб кўраверсин.

– Ўзим текшираман!

– Кечирасиз, инспектор, – деди Тибинг мутлақо совуқ оҳангда. – Аҳмоқона ўйинларга вақтим йўқ. Агар тўхтатмоқчи бўлсангиз менга қарата ўқ узишингиз мумкин.

Тибинг ва Реми полиция нозирини ёнидан ўтиб, лимузин томон йўл олишди. Инспектор уни ич-ичдан ёмон кўриб кетди. Ҳамма бойлар шунақа ўзи, қонунни назар-писанд қилишмайди.

– Тўхтанг! Акс ҳолда отаман!

– Отаверинг, – Тибинг инспекторга ҳатто ўтирилиб ҳам қарамади. – Кўрамиз, адвокатларим сизни тинч қўйишармикан.

Аммо инспектор ён босгиси келмасди. Агар Тибингнинг кетишига йўл қўйса, хизмат мавқеига анчагина путур етади, қолаверса, Безу Фаш деганлари бошида ёнғоқ чақиши турган гап.

– Уларни тўхтатинг! – у ўз одамларига буюрди. – Мен эса самолётни текшириб чиқаман.

Полициячилар худди ким ўзарга ўйнагандек югуриб бориб, лимузинни ўраб олишди.

– Охириги марта огоҳлантиряпман, инспектор. Самолётимга киришга журъат эта кўрманг! Бунга жавоб берасиз ҳали!

Инспектор таҳдидларга парво қилмади. Самолёт трапидан юқорига чиқди.

Жин урсин, бу нимаси? Бортда кўрқиб кетган учувчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Ҳожатхона, юкхона, ҳатто ўриндиқларнинг тагини ҳам қараб чиқди. Зоғ кўринмайди. Лью Тибинг рост гапирган, шекилли.

– Уларни қўйиб юборинг! – асабий буйруқ берди инспектор самолётдан тушгач. – Кетаверишсин. Англашилмовчилик юз берганга ўхшайди.

Тибинг унга ўқрайиб қаради:

– Адвокатларим кўнғироқ қилишларини кутинг ва яхшилаб эслаб қолинг: француз полициясига ишониш мумкин эмас!

Реми узун лимузиннинг орқа эшигини очиб, ногирон хўжайинининг ўтиришига ёрдам берди. Зум ўтмай, «Ягуар» катта тезликда ангардан отилиб чиқди.

– Зўр ўйнаб қўйдик-да, ўзиям, – деди Тибинг аэропортдан чиқишаркан. Сўнг олд ўриндиқлар тагига энгашди. – Дўстлар, ўзингизни қандай ҳис қиляпсизлар?

Полициячилар ангарга етиб келгунга қадар улар ишни бажариб бўлишганди. Учувчи ангарга кириб самолёт моторини ўчирди. Роҳибни лимузин юкхонасига жойлаштиришди, Софи ва Лэнгдон эса салонга яширинишди. Шундан кейин учувчи моторларни ёқиб, самолётни бура бошлади.

Энди эса «Ягуар» Кент томон елиб борарди. Лэнгдон билан Софи Тибингнинг рўпарасидан жой олишди.

– Демак, бахтсиз рицар қабри сари олға! – табассум қилди қария.

## САКСОН ИККИНЧИ БОБ

– Флит-стритми? – сўради Лэнгдон Тибингдан кўзларини узмаган ҳолда. – Марҳум Флит-стритга кўмилганми?

Тарихчи рицар даҳмаси ҳақида фикр билдиришга шошмаётган эди. Ҳали иккинчи криптексни очиш учун калит сўзини топиш керак.

– Невё хоним, ижозатингиз билан жаноб профессор шеърни яна бир бор ўқиб чиқсалар.

Софи чўнтагини титкилаб пергамент бўлагига ўралган қора криптексни чиқарди. Ёғоч қутича ва катта криптексни самолёт сейфида қолдиришган эди.

Парвоз пайтида Лэнгдон шеърни бир неча марта ўқиб чиққанди, лекин барибир рицар даҳмаси қаерда жойлашганини тушуна олмаганди. У сатрларни такрор-такрор ўқишга киришди.

Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда,

Понтификнинг ғазоби ҳазор зиёда.

Қабрнинг золдирини топ. Атиргул ҳам бор –

*Бил, ҳосилдор ғовакка ишора такрор.*

Бир қарашда ҳаммаси тушунарли. Лондонда қандайдир рицар кўмилган экан, у шундай иш қилганки, Черковнинг қаттиқ ғазоби кўзгаган. Қабрида аллақандай золдир етишмайди. Атиргул ва ҳосилдор ғовак эса Исо Масих авлодини давом эттирган Мария Магдалинага ишора.

– Хўш, нима дейсизлар? – Тибинг аввал Лэнгдонга, кейин эса Софига қаради. Икковлари ҳам бирин-кетин елка қисийди. – Эҳ, менсиз нима ҳам қила олардиларинг-а? Ахир кўриниб турибди-ку, калит сўзни биринчи сатрдан топамиз. Яна бир марта овоз чиқариб ўқинг.

– Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда, – ўқиди Лэнгдон.

– Хўп, ўша рицарни папа кўмган экан. Бу нимани билдиради?

– Дафн маросимида папа иштирок этгандир-да.

Тибинг хандон отиб кулиб юборди.

– Жуда кўнгилчансиз, Роберт. Иккинчи сатрга қаранг, рицар папанинг ғазобига дучор бўлган. Эслаб кўринг-а, Черков билан тамплиерлар ордени орасидаги муносабат қандайлигини.

– Рицарни папа ўлдирганми? – тахмин қилди Софи.

– Мана бу бошқа гап, азизам, ҳақиқатга яқинроқ.

Лэнгдон 1307 йили тамплиерлар билан боғлиқ юз берган фожиани эслади. Ўшанда папа Климент минглаб рицар-тамплиерларни қирғин қилганди.

– У ҳолда рицарларнинг қабрлари жуда ҳам кўп бўлиши керак-ку!

– Йўқ! – хитоб қилди Тибинг. – Уларнинг аксарияти устунларга боғлаб ёқиб юборилган, куллари эса Тибрга оқизилган. Биздаги шеърда эса даҳма ҳақида ёзилган. Библишимча, Лондонда атиги бир неча рицар дафн этилган. – У ҳамкасбига қаттиқ тикилди. – Роберт, Худо ҳаққи! Бу Приоратнинг ҳарбий бўлини маси томонидан қурилган черков! Тамплиерлар ордени черкови!

– Темпл черковими? – ҳайрон бўлиб сўради Лэнгдон. – У ерда даҳма борми?

– Ўнлаб даҳмалар бор.

Лэнгдон Приорат тарихини ўрганаётиб Темпл черкови ҳақида бир неча бор ўқиган эди. Черков ҳам, рицарлар ордени ҳам Сулаймон подшо маъбади шарафига ана шундай номланган эди.\* Темплда насронийларникига ўхшамайдиган ғалати маросимлар тез-тез ўтказилиб турган.

– Демак, Темпл Черкови Флит-стритда жойлашганми?

– Йўқ, Флит-стритдан анча узоқда, Иннер-Темпл-лейнда, – жавоб берди Тибинг. – Баланд уйлар орасида жойлашган. У ерда черков борлигини кўпчилик билмайди ҳам. Жуда ғалати жой, фэйзсизми-ей. Қурилиши жиҳатидан мажусийлар меъморчилигига ўхшайди.

– Ростдан-а? – ишонқирамай сўради Софи.

– Ҳа-да! Черков қурилишида насронийлик анъанасига хос бўлган хоч шакли эмас, балки айлана қўлланилган. Бу ўз навбатида қуёш рамзини ифода этади. Тасаввур қиялпсизми, Лондоннинг қоқ марказида мажусийлар ибодатхонаси!

– Шеърнинг қолган сатрлари ҳақида нима дея оласиз?

– Биладим, – Тибингнинг бирданига шашти пасайиб кетди. – Биринчи навбатда черковдаги қабрларни текшириб чиқишимиз керак, омадимиз чопса, аввал золдир ўрнатилган қабрни топармиз.

Лэнгдон яна бир марта шеърый сатрларга қаради. Бошқотир-манинг ўзгинаси-я. *"Граални билдирувчи беш ҳарфдан иборат сўз"*. Самолётда бир нечта тахминларни кўриб чиқишди: Граал, Мария, Сарра ва ҳоказо. Криптекс барибир очилмади. Бу жумбоқ Лью Тибингдай олимни ҳам ўйлантириб қўйбдими, демак, уни ечиш осон бўлмайди.

– Сэр Лью? – Ремининг овози эшитилди. – Сиз Флит-стрит Блэкфрайарэ кўприги яқинида дегандингиз, тўғрими?

– Ҳа. Виктория соҳили бўйлаб ҳайдайвер.

– Мени маъзур тутинг, лекин у йўлни билмайман. Одатда биз фақат касалхонага борар эдик.

– Эй, Худойим-ей, баъзан ўзимни энагадай ҳис қиламан, – деди Тибинг энсаси қотиб. У Реми билан гаплашиш учун олд ўриндиққа ўтди.

Софи эса Лэнгдон томонга ўтирилди.

– Биз бу ердалигимизни ҳеч ким билмайди, Роберт.

Ҳа, у ҳақ эди. Кент полицияси самолёт бортида ҳеч ким топилмагани ҳақидаги маълумотни алақачон Фашга етказгандир. Энди уларни Францияда қолган деб ўйлашади. Тибинг ўйлаб топган ҳийла туфайли вақтдан ютишяпти.

– Фаш осонликча таслим бўлмайди. Сизни ҳибсга олишга астойдил бел боғлаган кўринади.

Лэнгдон Фаш ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиларди. Софи бу машмашалар тугагач, унинг айбсизлигини исботлаш учун қўлидан келадиган ҳар қандай ёрдамни беришга ваъда қилди. Лекин гап фақатгина ёлғон айбловларда эмас. *"Капитан Фаш ҳам бу фитнанинг иштирокчиси бўлиши мумкин"*. Гарчанд Франция судлов полицияси ва Граални излаш орасида боғлиқлик бўлишини тасаввур қилолмаса-да, аниқ сезиб турибди, Фаш бу ишдан каттагина манфаат кўриши тайин. *"У жуда художўй одам. Қотилликларни бўйнимга илиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти"*. Тан олиш керак, капитан унга қарши анчагина далиллар йиғиб қўйган: исми Лувр полига ёзиб қолдирилган, Соньернинг ён дафтарида ҳам, қўлёзма ҳақида ёлғон гапириб, устига-устак қочиб кетди.

Узоқдан, туман ортидан Лондон кўрина бошлади.

- Агар Сангрил ҳужжатларини топсак, уларни нима қиламиз?
- секингина сўради Софи.
- Буни ўзингиз ҳал қилишингиз керак, чунки криптексни бобонгиз айнан сизга қолдирган.
- Мен сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчийдим. Китобингизда шундай нарсани ёзгансизки, бу бобоннинг эътиборини тортган, у сизга ишонган ва шу сабаб сиз билан учрашув тайинлаган. Бобоннинг ишончини қозониш жуда қийин эди.
- Балки у ёзганларимни хато деб айтмоқчи бўлгандир.
- У ҳолда нима учун менга сизни топишни буюрди? Айтингчи, ўша қўлёзманингизда Сангрил ҳужжатларини ошкор қилиш керак дейилганми ёки гулханда ёқиш?
- Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Китобда муқаддас аёллик ибтидоси ҳақида сўз боради, Граални ошкор этиш-этмасликни эса мен ҳал қилмайман.

## САКСОН УЧИНЧИ БОБ

Лондоннинг энг кўҳна ибодатгоҳларидан бири бўлмиш Темпл черкови юмалоқ шаклда, тошлардан оддий услубда барпо этилган бўлиб, турли ҳашаматлардан холи, кўпроқ қалъа ёки ҳарбий истеҳкомга ўхшаб кетарди. 1135 йилнинг 10 февралда Қуддус патриархи Гераклий томонидан ибодатхона деб эълон қилинган, бу черков саккиз аср давомида сиёсий ўйинлар суронига мардона бардош берди, Лондонда юз берган катта ёнғинда ҳам, Биринчи жаҳон уруши жангларида ҳам омон қолди, лекин 1940 йилги бомбардимонда қаттиқ зарар кўрди. Черков урушдан кейин тўлиқ тикланди.

– Шанба кунлик ибодат бошланишига ҳали эрта, – Тибинг кириш томон оқсоқланган кўйи йўл олди. – Менимча, бизга ҳеч Ким ҳалақит бермайди.

Эшикнинг чап томонида эълонлар тахтаси осилган бўлиб, унда ибодатлар ва турли концертлар вақти ёзилган эди.

– Зиёратчилар учун икки соатдан кейин очилар экан, – у тутқичдан тортиб кўрганди, эшик очилмади. Бир неча сония ич-



карига қулоқ тутиб турди, кейин эса эълонлар тахтасига ишора қилди: – Роберт, қарангчи, бу ҳафтадаги ибодатларни ким ўтказар экан?

Роҳиб йигитча полни чангюттича тозалаб бўлай деганида черков эшиги тақиллаб қолди. У эътибор бермади. Харви Ноулз отанинг ўзида калит бор, эшикни очиб кираверади, эрталабки ибодат эса икки соатдан кейин бошланади. Бирор қизиқувчан сайёҳ ёки тиланчи келган бўлса керак.

Эшик тобора қаттиқроқ тақиллай бошлади. Йигитча чангюттичани ўчириб, эшикни очишга мажбур бўлди. Остонада уч киши турарди.

– Айтганимдек, сайёҳлар экан, – норози оҳангда гудранди у. – Черков тўққизу ўттизда очилади.

– Мен сэр Лью Тибингман, – қўлтиқтаёқли киши ўзини таништирди, – кўриб турганингиздек, мен Кристофер Рен тўртинчи ва унинг рафиқасига ҳамроҳлик қилмоқдаман.

Роҳиб ўзини йўқотиб қўйди. Кристофер Рен Темпл черковининг энг машҳур ҳомийларидан бири бўлганини у яхши биларди. Лондондаги катта ёнғиндан кейин жаноб Рен черковнинг таъмирлаш ишларига анчагина пул ажратган эди. У ўн саккизинчи аср бошида вафот этган. Демак, булар Реннинг авлодлари экан-да.

– Ҳа-я... Сизлар билан танишганимдан хурсандман...

Қўлтиқтаёқли киши қовоғини уйди.

– Яхшиям савдогар эмассиз, йигитча. Ноулз ота қани?

– Бугун шанба, шунинг учун кечроқ келадилар.

– Бу қанақаси бўлди? Ахир шу пайтда биз билан кўришишга ваъда берган эдилар. Майли, у кишисиз ҳам ишимизни бажараверамиз, бунга кўп вақт кетмайди.

Йигитча эса уларни черковга қўймоқчи эмасга ўхшайди.

– Кечирасиз, сэр, тушунмадим. Нимага кўп вақт кетмайди?

Эркак кўзларини қисди, олдинга интилди ва гўё шерикларини хижолатда қолдиришни хоҳламагандек шивирлади:

– Сиз бу ерда янгига ўхшайсиз. Ҳар йили сэр Кристофер Реннинг авлодлари улуғ боболари хокидан бир чимдимини олиб келишади ва черков ичига сочишади. Тўғриси, одамга малол келадиган иш, аммо илож қанча, васиятда шунақа бўлган.

Ёш роҳиб Темпл черковида икки йилдан бери хизмат қиларди, лекин бундай одат борлигини умуман эшитмаган экан.

– Кечирасизлар, барибир тўққизу ўттизгача кутиб турсаларинг яхши бўларди. Мен тозалаш ишларини тугатганимча йўқ.

Тибингнинг кўзларида ғазаб учқунлади.

– Йигитча, бу ибодатхона шу пайтгача турганига мана шу хонимнинг чўнтагидаги нарса сабаб эканини биласизми ўзи?

– Кечирасиз, тушунмадим...

– Миссис Рэн, илтимос, мана бу йигитчага, хокни кўрсатинг.

Аёл аввалага иккиланди, кейин эса свитерининг чўнтагига қўлини тиқиб қандайдир кичкина цилиндрни чиқарди.

– Мана кўрдингизми? Энди васиятни бажаришга, яъни хокни черковда сочишга рухсат берасиз ёки Ноулз отага бизга қандай муомала қилганингизни етказишга мажбур бўламан.

Ноулз ота черковнинг барча анъаналарига жиддийлик билан ёндашиши яхши маълум. Черков шаънига ноҳўя сўзлар айтилишига у асло тоқат қилолмайди. Балки бутун эрталаб машҳур оила аъзолари келишини айтишни унуттандир. Майли, нима бўлса бўлар, бу одамлар тез чиқиб кетамиз дейишяпти-ку.

Роҳиб уларга йўл бўшатди. Ўз иши билан машғул бўлса-да, меҳмонларни зимдан кузатиб турарди.

– Қараб турсам, сэр Лью, фирт ёлғончи экансиз-ку, – деди Лэнгдон кулимсираганча. Тибинг ўғринча унга кўз қисиб деди:

– Окфорд театридаги клубнинг таъсири бу. У ерда ҳалигача мен ўйнаган Юлий Цезарни эслаб юришади.

Улар черков ичига кириб боришди. Бу ердаги безакларнинг жўнлиги Лэнгдонни ҳайрон қолдирди. Ҳеч қандай дабдаба ҳам, ҳашамат ҳам йўқ. Девоглари эса жуда қалин кўринди.

– Худди қалъага ўхшайди-я, – шивирлади Софи.

– Тамплиерлар ордени рицарлари жангчи бўлишган, – эслатди Тибинг. Тош гумбазлар остида қўлтиқтаёғининг тақиллаши эшитилар эди. – Диний-ҳарбий уюшма. Черков бир вақтнинг ўзида улар учун ҳам истехком, ҳам банк бўлиб хизмат қиларди.

– Банк дедингизми? – ажабланди Софи.

– Ҳа. Айнан тамплиерлар замонавий банк ишига асос солишган. Европалик зодагонлар учун олтин билан саёҳат қилиш хавф-

ли эди, шунинг учун бойваччаларга Темпл черковига олтинларини сақлашга рухсат беришади. Хужжатларни тўғри тўлдиргач, Европанинг бошқа бурчагидаги худди шундай черковда олтинларини қайтариб олишган. Бунинг учун эса озгина ҳақ ундирилган. Хўш, банкоматдан нимаси кам?

Улар кенг залга ўтишди. Деворларга иблис, алақандай ғалати мавжудотлар, азоб чекаётган одам қиёфалари ўйиб ишланган эди. Айлана бўйлаб эса ўриндиқлар ўрнатилган.

– Қадимий театрнинг ўзгинаси, – деди Лэнгдон.

– Ана! – Тибинг қўлтиқтаёғи билан аввал чап, кейин ўнг томонга ишора қилди.

Ўнта тош рицар.

*Бештаси чапда. Бештаси ўнгда.*

Полда рицарларнинг одам бўйи қилиб тошдан ишланган ҳайкаллари ётарди. Улар турли ҳолатда ётар, қурол-аслаҳалари ҳам, қалқонларидаги белгилар ҳам ҳар хил эди.

*Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда.*

Лэнгдон юрагида минг ҳаяжон билан ҳайкаллар томон ошиқди

## САКСОН ТЎРТИНЧИ БОБ

Реми Легалудек лимузинни Темпл черкови яқинида тўхтатди. Бу торгина кўча бўлиб, ҳамма ёқда чиқиндилар сочилиб ётарди. Моторни ўчириб, аτροφга олазарак назар ташлади. Умуман тирик жон кўринмайди. Кейин машинадан тушиб, орқа эшикни очди ва салонга чиқиб олди. Полда қўл-оёғи боғлиқ Сайлас ётарди.

У кимдир келганлигини сезиб, қизил кўзларини очди. Унинг кўзларида кўрқув эмас, балки қизиқиш ҳисси зоҳир эди. Реми унинг бардошига қойил қолди. Шунча пайдан бери миқ этмай ётибди-я.

Реми бўйинбоғини бўшатиб, оҳорли кўйлагининг тугмасини ҳам ечди, узоқ йиллар давомида илк маротаба кўкрагини тўлдириб, эркин нафас олди. Бардан «Смирнофф» ароғидан олиб, стаканга қуйди ва бир кўтаришда ичиб юборди. Кейин яна қуйди.

*“Яқинда мен озод ва бой кишига айланаман”.*

Унинг қўлидаги пичоқчани кўргач, роҳибнинг капалаги учиб кетди. Худди тўрга тушган қуш каби ўзини ҳар томонга ура бошлади.

– Типирламасанг-чи!

Сайлас мана шу лимузин ичида ўлиб кетишни истамас эди. У бир неча соатлик азобларга чидади ва тун бўйи Тангрига илтижо қилиб чиқди. “Устоз мени ҳимоя қилишга ваъда берганди!”

Кўзларини қаттиқ юмиб олди, орқасини кучли оғриқ куйдириб ўтгандай бўлди. Ва... вужудини ёқимли илиқлик чулғаб олганини сезди. “Қон оқаётган бўлса керак...”

– Манавини ичиб олинг. Қон айланишининг тикланишига ёрдам беради.

Сайлас кўзларини катта-катта очди. Тепасида қўлида стакан ушлаб олган Реми турарди. Полда эса скотч ўрами ётибди.

– Ичиб олинг, ҳамма ёғингиз оғриётган бўлса керак.

Сайлас ароқни ичиб юборди, мазаси жуда ёмон экан. Охирги кунларда ишлари тамоман чаппасига кетаётган эди, энди эса Парвардигори оламнинг марҳамати ёғилмоқда.

“Худо мени унутмади”.

– Сизни олдинроқ озод қилмоқчийдим, – деди Реми – ҳеч иложи бўлмади. Аввал Виллетга полиция етиб келди, кейин эса Биггин-Хиллда рўй берган воқеалар. Мени тўғри тушундингиз деб ўйлайман, Сайлас.

Роҳиб сесканиб кетди.

– Исминни қаердан биласиз?

Хизматкор табассум билан жавоб берди. Сайлас оҳишта ўтирди, қўллари билан увишиб қолган мушакларини силади, унинг фикрлари чалкашиб борарди.

– Сиз Устозмисиз?

Реми бошини сарак-сарак қилди:

– Унингдек қудратли бўлишни истардим. Афсуски, Устоз эмас, сиз каби хизматкорман.

Сайлас баттар ажабланди.

– Ҳеч нимани тушунолмаяпман. Агар сиз Устозга хизмат қилсангиз, Лэнгдон қандай қилиб пойдевор тошини уйингизга олиб келиши мумкин?

– Менинг уйим эмас у, Граал бўйича мутахассис, машҳур та-  
рихчи Лью Тибингнинг уйи.

– Лекин сиз ҳам ўша ерда яшайсиз-ку. ғалати...

– Нима ҳам дердим, бу ишни олдиндан тахмин қилса бўларди.  
Роберт Лэнгдон пойдевор тошига эга бўлгач, унга ёрдам керак  
бўлади. Лью Тибингнинг уйидан бошқа қаерга ҳам борарди. Унга  
маслаҳат ва қочгани жой керак эди. У ерда яшашимни билиб,  
Устоз менга мурожаат қилди. – У бир лаҳза жим қолди. – Сиз-  
нингча, Устоз Граал ҳақида бунчалик кўп нарсани қаердан били-  
ши мумкин?

Сайлас эндигина тушунди: Устоз Лью Тибинг уйда ишлай-  
диган хизматчини ўзига ёллаган. Хизматчи эса унинг барча изла-  
нишлари ҳақида маълумотга эга бўлган ва бу маълумотларни Ус-  
тозга жўнатиб турган...

– Ҳозир эса сиз билан бир ишни битиришимиз керак, – Реми  
унга тўппонча узатди...

Капитан Фаш Биггин-Хилл аэропортига қўнган самолётдан  
тушиб, Кент полицияси инспекторининг анчайин чигал ҳикоясини  
ишонқирамай тинглади.

– Самолёт бортини шаҳсан ўзим текшириб чиқдим, ҳеч ким  
йўқ эди. Сэр Тибинг мени тинч қўймайди энди.

– Учувчини сўроқ қилдингизми?

– Йўқ. У француз, бизнинг қонунчилигимиз эса...

– Мени самолётга олиб боринг.

Фаш Тибингнинг ангарига кирди ва лимузин турган жойдан  
қон изларини топиш учун унга олтмиш сония етиб ортди. У  
самолётга яқинлашиб, фюзелажга мушти билан қаттиқ туширди.

– Франция судлов полицияси! Эшикни очинг!

Кўрқиб кетган учувчи эшикни очди. Бор-йўғи уч дақиқадан  
кейин у ҳаммасига иқрор бўлди ва Лэнгдон, Софи, қўл-оёғи  
боғланган роҳибни тасвираб берди. Бундан ташқари, Тибинг  
самолёт сейфида қандайдир қутичани қолдириб кетганини ҳам  
айтди.

– Сейфни очинг! – буйруқ берди Фаш.

– Мен унинг кодини билмайман, – учувчи ўзини орқага таш-  
лади.

– Яхши эмас. Лицензиянгизни ўзингизда қолдирсаммикан деб турувдим...

Учувчи ноиложликдан кафтларини бир-бирига ишқалади.

– Балки сейфни пармалаб кўрармиз?

– Сизга ярим соат вақт бераман.

Фаш ўзини юмшоққина ўриндиққа ташлади. Туни билан ухлагани йўқ, қаттиқ чарчади. У кўзларини юмганча бўлиб ўтаётган воқеалар ҳақида ўйлай бошлади. Кент полициясининг хатоси қимматга тушиши мумкин. Энди нима қилиб бўлса ҳам «Ягуар» маркази қора лимузинни топиш керак.

Шу пайт уяли телефон жиринглаб қолди. «*Бир сония ҳам тинчлик йўқ!*» уфлади Фаш.

– Алло!

– Мен Лондонга учяпман, йўлданман, – бу епископ Арингароса эди. – Тахминан бир соатдан кейин етиб келаман.

Фаш гавдасини тўғрилаб олди.

– Сизни Парижга учяпсиз деб ўйлагандим.

– Мен жуда ташвишданман. Режаларни ўзгартиришга тўғри келади. Сайлас сизнинг олдингиздами?

– Йўқ, уни асирга олишган, кейин эса Кент полициясининг нақ бурнининг тагидан олиб кетишган.

Арингаросанинг овозида қаҳр учқунлари янгради:

– Ахир уларни қўлга тушираман деб ишонтирган эдингиз-ку!

– Гап бундай, епископ, ҳадеб менинг сабр-тоқатимни синайвермасангиз. Сайласни тезроқ топишга ҳаракат қиламан. Сиз қачон қўнасиз?

– Бир дақиқа, – Арингароса микрофонни кафти билан тўсди ва яна гапира бошлади. – Учувчи Хитроуга қўнишга рухсат сўраяпти.

– Биггин-Хиллга учинг, учувчига айтиб қўйинг, қўнишга рухсат ҳақида ташвиш чекмасин. Қўнганингизда бу ерда бўлмасам, сизга машина қолдираман.

– Раҳмат.

– Епископ, ёдингизда бўлсин, бор-йўғидан ажралиш ғами туншаётган фақат сиз эмассиз!

## САКСОН БЕШИНЧИ БОБ

Улар биринчи бўлиб чап томондаги рицарларни кўриб чиқишга қарор қилишди. Тибинг диққатли бўлишга ундар, Софининг эса ичи қизиб, сабри чидамасди.

Рицарлар тош ёстиқларга бош қўйганча узанишган. Иккитаси дуо ўқиётганга ўхшайди, қолганлари эса қўлларидаги қилични маҳкам сиқиб олишган. Софи уларга узоқ тикилиб турди, кейин ўнг томондаги рицарни текшириб чиқмоқчи бўлди. Ҳамкасблар эса жуда имиллашар, эндигина учинчи рицарга етиб келишганди.

Софи шеърый сатрларни хаёлан такрорлади:

Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда,

Понтификнинг ғазаби ҳазор зиёда.

Қабрдаги золдирни топ, атиргул ҳам бор,

*Бил, ҳосилдор ғовакка ишора такрор.*

Бу рицарлар ҳам чапдагилари билан бир хил экан, қурол-яроғлари бор, турли ҳолатда ётишибди. Лекин ўнинчиси... унинг на тош ёстиғи ва на қиличи бор.

– Роберт! Лью! – овози тош гумбазлар ичида жаранглаб чиқди. – Қаранглар, бу ерда нимадир етишмаяпти.

Икковлари шу томонга қараб юришди.

– Золдир етишмаяптими? – ҳаяжон билан сўради Тибинг. – Шунақами?

– Йўқ, унақа эмас, – деди Софи қабрга тикиларкан. – Бу ерда рицарнинг ўзи етишмаяпти.

Чиндан ҳам рицар йўқ, унинг ўрнига узун тош тобут қўйилганди.

– Қизиқ-ку, – гудранди Тибинг, – черковдан анчадан бери бўлмагандим, бунақа нарса хаёлимда ҳам йўқ.

– Менимча, барча ҳайкаллар битта ҳайкалтарош томонидан ясалган, – тахмин билдирди Софи. – Лекин бу рицар нима учун тобутда дафн этилган?

Тибинг бошини сарак-сарак қилди.

– Черков жумбоқларидан бири бу.

– Жаноблар! – уларнинг олдида роҳиб йигитча пайдо бўлди. – Кечирасизлар, ҳалақит бермоқчи эмасдим. Сизлар хокни сепиб

дарҳол чиқиб кетамиз дегандингиз, лекин бу ерда худди сайрда юргандек юрибсизлар.

Тибинг қовоғини уйганча Лэнгдонга ўтирилди:

– Кўриниб турибдики, жаноб Рен сизнинг хайрия фаолиятингиз бизни ақалли бир дақиқа ҳам тинч қўйишларига арзимас экан. Шундай экан, хокни олинг, ишимизни тугатайлик, – у Софига қаради: – Рен хоним?

Софи чўнтагидаги пергаментга ўралган криптексни чиқара бошлади.

– Энди эса бизни холи қолдирарсиз, ҳеч бўлмаса бир дақиқага.

Бироқ йигитча жойидан жилмади.

У Лэнгдондан кўз узмас эди.

– Сизни қаердадир кўрганман...

– Жаноб Рен бу ерга ҳар йили келадилар, – ўшқирди Тибинг.

– Бунинг ажабланарли жойи йўқ.

«Балки у Робертни телевизорда кўргандир», кўрқиб кетди Софи.

– Биз жаноб Рэн билан ҳеч қачон учрашмаганмиз, бу аниқ, – жавоб қилди роҳиб.

– Адашасиз, – хотиржам эътироз билдирди Лэнгдон. – Сиз билан ўтган йили кўришгандик. Тўғри, Ноулз ота ўшанда бизни таништирмаган эди, лекин сизни дарров танидим. Тўғри, чақирилмаган меҳмондек бостириб келдик, шундай бўлса-да, бизни бир неча дақиқага холи қолдирсангиз дегандим. Мен шу хокни сочиш учун атайин узоқ жойдан етиб келдим.

Аммо йигитча ён босадиганга ўхшамасди.

– Бу сизга қабрлар эмас.

– Нима унда?

– Шунчаки хайкаллар холос, тагида ҳеч қандай жасад йўқ.

– Йўқ, булар ҳақиқий қабрлар! – қайсарлик билан эътироз билдирди Тибинг.

– Тарихий китобларда шундай ёзилган, аслида ундай эмас. 1950 йилги таъмирлаш жараёнида ҳайкаллар тагида жасад йўқлиги аниқланди. – У Лэнгдонга маъноли тикилди. – Буни жаноб Рен билишлари керак эди, чунки таъмирлашни у кишининг оилалари олиб борган.



Орага ўнғайсиз сукунат чўкди.

Шу пайт черков эшиги қаттиқ тақиллади.

– Ноулз ота келган бўлса керак. Балки бориб қараб келарсиз,  
– деди Тибинг.

– У нима ҳақида гапирди, Лью? – сўради Роберт йигитча кетиши билан. – Нега энди жасад йўқ экан?

Тарихчи ўзини йўқотиб қўйган эди.

– Билмадим... Балки Жак Соньер шеърда хато қилганди.

Лэнгдон ўйланиб қолди.

– Ахир ўзингиз айтдингиз-ку, черков Приоратнинг ҳарбий бўлинмаси, яъни тамплиерлар томонидан қурилган деб. Приоратнинг Улуғ устаси бу ерда рицарлар дафн қилинганми ёки йўқми, аниқ билиши керак.

– Мен ҳар доим бу ерда қабр бор деб ўйлардим! – Тибинг тош рицарлар устига энгашди. – Ниманидир назардан қочирдик, шекилли.

Роҳиб эшикни очди, лекин Ноулз ота кўринмади.

Остонада фрак кийган озғин киши турар эди. Кўринишидан черковда қачон никоҳдан ўтиш мумкинлигини сўрамоқчига ўхшайди.

– Кечирасиз, черков ҳали очилгани йўқ!

Орқадан шитирлаган товуш эшитилди, йигитча ўгирилиб улгурмасидан қандайдир оппоқ қўл унинг оғзини маҳкам ёпди. Шу заҳтиёқ боя черков эшигини очиқ қолдирганини даҳшат билан эслади.

Озғин киши эса кичкинагина тўппончани унга ўқталди.

– Мени диққат билан эшит, – шивирлади у, – ҳозир черковдан жимгина чиқиб, қочасан. Тўхтамасдан югурасан. Тушунарлими?

Йигитча бош ирғади.

– Агар полиция чақиришга уринсанг, – озғин киши тўппончани нақ унинг бурнига тақади, – мендан яхшилик кутма!

## САКСОН ОЛТИНЧИ БОБ

Софи орқадан кимдир келаётганини жуда кеч сезиб қолди. Сайлас тўппончани унинг курагига тақаб, иккинчи қўли билан уни ўзига тортди. Тибинг ва Лэнгдон бирваракайига ўгирилишди ва икковлари ҳам даҳшатдан қотиб қолишди.

– Нима?.. Менинг Ремимни нима қилдинг?

– Буни билишингиз шарт эмас, – хотиржам жавоб қайтарди Сайлас. – Сиздан фақатгина битта нарсани талаб қиламан – мени бу ерда пойдевор тоши билан холи қолдириш.

Реми унга черковда ҳеч кимни ўлдирмасликни буюрган эди. Сайлас қўлини астагина пастга тушириб, Софининг чўнтагини титкилай бошлади. Ундан ароқ ҳиди гуппилларди.

– Қани у? – шивирлади Софининг қулоғига.

– Менда! – кескин бақирди Лэнгдон. Бир неча дақиқа олдин шеърни ўқиш учун пергаментга ўралган криптексни Софидан олганди.

– Ерга қўйинг! – буйруқ берди Сайлас.

– Аввал Софини қўйиб юбор. У билан Тибинг черковдан чиқиб кетишсин. Кейин эса сен билан бир амаллаб келишиб оламиз.

Сайлас Софини итариб юборди, тўппончасини ўқталганча Лэнгдонга яқинлаша бошлади.

– Ортиқ бир қадам ҳам яқинлашма! – деди Роберт. – Улар черковдан чиқиб кетишсин.

– Бу ерда буйруқни мен бераман.

– Йўқ, – Лэнгдон криптексни боши узра баланд кўтарди. – Ҳозир уни полга уриб синдираман. Ичидаги сирка шишачаси ҳам синади.

Бу гап Сайласни қўрқитмади, лекин уни иложсизлик қамраб олганди. У Лэнгдоннинг бошини мўлжалга олди, қўли ва овози қалтирамаслигига ҳаракат қилиб деди:

– Тошни ҳеч қачон синдира олмайсиз, Граал ҳали сизга керак.

– Адашасан, у мендан кўра сенга кўпроқ керак. Сен Граал учун одам ўлдиришга тайёр эканлигингни исботладинг.

Қирқ футча нарида ўриндиқ орқасида беркиниб ўтирган Реми чўчиб тушди. Иш улар ўйлаганчалик силлиқ кетмаяпти. Устига-устак Сайлас ўзини йўқотиб қўйди, нима қилишини билмаяпти.

– Уларни қўйиб юбор! – яна талаб қилди Лэнгдон.

Реми даҳшатдан музлаб кетди. У Сайласнинг асаби дош беролмасдан Лэнгдонга ўқ узади, деб қўрқди. Унда криптекс тамом бўлади!

Криптекс – Реми учун озодлик ва бойлик дунёсига йўланма. Бир йилча олдин у Виллет қароргоҳида хўжайинининг ҳар қандай

инжиқликларини адо этишга тайёр оддий хизматкор эди. Унга жуда зўр таклиф билан мурожаат этиб қолишди. Буюк тарихчи ва Граал бўйича дунёдаги энг зўр мутахассис бўлмиш сэр Лью Тибингга хизмат қилиш Ремига орзу қилган ҳамма нарсани келтириши мумкин. Ўшандан бери Виллетда кечаётган ҳар бир дақиқа уни орзулари томон яқинлаштирар эди.

*«Мен ҳар сафаргидан-да мақсадга яқинроқман».*

Қурбонларга кўринишни Устоз қаттиқ тақиқлаган эди.

– Сайласнинг бир ўзи топшириқни уддалашига кўзингиз етадими? – ярим соат олдин Устоздан сўрагани у.

– Сайлас бизга анчагина хизмат қилиб қўйди. Пироратни раҳнамосидан айирди. Тошни ҳам бир амаллаб олади. Сиз номаълумлигингизча қолишингиз керак. Агар улардан бирортаси сизни кўриб қолса, сизни йўқ қилишга тўғри келади, шусиз ҳам жуда кўп қон тўкилди. Уларга юзингизни кўрсатманг.

*«Менинг юзим яқинда ўзгаради».* уйлади Реми. Устоз ваъда қилган пуллар нафақат ҳаётини, балки ташқи қиёфасини ҳам ўзгартиришга етади.

– Реми, – деди Устоз, – улар излаётган қабр Темпл черковида жойлашган эмас. Шунинг учун сиз кўрқманг.

Реми ҳайрон бўлди.

– Сиз қабр қаердалигини биласизми?

– Албатта. Аммо бу ҳақида кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир эса чаққон ҳаракат қилишингиз зарур. Агар улар қабрнинг асл жойини билиб қолишса ва пойдевор тоши қўлга киритилгунча черковдан чиқиб кетишса, биз Граални абадий йўқотамиз.

Реми ўша Граалга тупурган бўларди, лекин тош Устознинг қўлига етиб бормагунча унга сариқ чақа ҳам тўламайди. У ваъда қилинган пулни ўйлаб, боши ҳушидан учарди. Йигирма миллион евронинг учдан бири-я! Умрбод роҳат-фароғатда яшашига етиб ортади.

Борди-ю, Лэнгдон қўлидаги пойдевор тошини тушириб юборса, унга қўшилиб Ремининг орзу-умидлари ҳам чил-чил синади. Бирданига ҳамма нарсадан айрилиб қолиш мумкинлиги ҳақидаги ўй уни кескин чора қўллашга мажбур қилди.

Яшириниб ўтирган жойидан чиқиб, Тибингнинг нақ бошини мўлжалга олди.

– Эй чол, сен билан ҳисоб-китоб қилиб олишни жуда узоқ кутдим!

Сэр Лью Тибингнинг юраги нақ тўхтаб қолаёзди. Садоқатли хизматкори Реми унга тўппонча ўқталиб турибди-я?! Жин урсин, у нималар қиляпти? Тибинг дарҳол ўзининг “Медуза” номли кичкинагина револьверини таниди. Уни ҳар эҳтимолга қарши лимузинида сақларди.

– Реми? – ҳайратдан тили аранг калимага келди Тибингнинг.  
– Нима бўляпти ўзи?

Лэнгдон ва Софи ҳам қотиб қолишган эди.

Реми Тибингни айланиб ўтиб, тўппончани орқасига тақади.

– Ҳаммаси жуда оддий! – деди Реми хўжайинининг елкаси оша Лэнгдонга қараркан. – Тошни ерга қўй, йўқса, мен уни отиб ташлайман.

Лэнгдон нима қилишини билмай, довдираб қолганди.

– Аммо-сизга криптексдан нима наф? – юрак ютиб сўради у.  
– Барибир очишни билмайсиз-ку!

– Аҳмоқлар! – ачиқланди Реми. – Сезмадингизми, мен тунни билан сизларнинг шеър ҳақида мулоҳазаларингизни тинглаб чиқдим. Демак, эшитганларимни бошқа одамлар билан бўлиша оламан. Улар бу ҳақида сизлардан кўра кўпроқ билишади. Сизлар ҳатто керакли жойни қидираётганингиз ҳам йўқ. Қабр бошқа жойда жойлашган!

Тибинг қаттиқ қўрқиб кетди.

– Сизга Граал нима учун керак? – сўради Лэнгдон. – Уни йўқ қилиб ташлаш учунми?

– Сайлас, жаноб Лэнгдондан пойдевор тошини тортиб олинг!  
– буйруқ берди Реми.

Роҳиб яқинлашди, Лэнгдон эса орқага чекинди, у аввалгидек криптексни боши узра баланд кўтариб турарди.

– Уни сиздек аблаҳларга топширгандан кўра синдириб қўя қолганим афзал.

– Йўқ, Роберт, йўқ! – бақирди Тибинг. – Бундай қила кўрманг! Ахир кўлингизда Граал турибди! Реми мени ҳеч қачон ўлдирмайди, ахир биз ўн йилдан бери биргамиз.

Реми шифтга қарата ўқ узди. Кучли овоз қулоқларни қоматга келтирди.

– Ҳеч ким жойидан қимирламасин, бу ерга сизлар билан ўйин ўйнагани келганим йўқ, – ўшқирди у. – Кейинги ўқ дўстингизга аталган бўлади. Тошни дарҳол Сайласга беринг. Тезроқ!

Чорасиз қолган Лэнгдон криптексни Сайласга узатди. Сайласнинг қизил кўзларида шодлик учқунлари порлаган эди. У криптексни сутанасининг чўнтагига солди, Роберт ва Софини мўлжаллаганча орқага чекина бошлади. Реми ҳам Тибингни томоғидан маҳкам сиққанча эшик томонга судради.

– Уни қўйиб юборинг! – бақирди Лэнгдон.

– Биз жаноб Тибинг билан сайр қилгани кетяпмиз, – жавоб берди Реми. – Агар полиция чақирсангиз, у ўлади. Жойингиздан жилмоқчи бўлсангиз ҳам ўлади. Тушунарлими?

– Унинг ўрнига мени асирга олақолинг, – деди Лэнгдон. Унинг овози ҳаяжонланганидан бўғилиб қолган эди. – Льюни қўйиб юборинг!

Реми қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Сизни бошимга ураманми? Сэр Лью билан мени дўстлик ришталари боғлаб туради. Унинг яна фойдаси тегиб қолиши мумкин.

Сайлас ҳамон Роберт ва Софини мўлжалга олганча тисарилиб борарди.

– Сиз кимга хизмат қиласиз ўзи? – сўради Софи Ремидан.

Бу савол унинг кулгисини қистади.

– Агар кимлигини билганингизда эди, Невё хоним, қаттиқ ҳайратга тушган бўлардингиз!

## САКСОН ЕТТИНЧИ БОБ

Виллет саройидаги камин аллақачон совиб бўлган, лейтенант Колле эса Интерполдан олинган факсларни ўқиганча у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

Бу маълумотлар мутлақо кутилмаган бўлиб чиқди.

Расмий ахборотларга кўра, Андре Берне намунали фуқаро эди. У бирор марта ҳам қонунга хилоф иш қилмаган, ҳатто машинани нотўғри тўхтатгани учун жаримага ҳам тортилмаган. У нуфузли

хусусий мактабда ўқиган ва халқаро молия соҳасида дипломи бор. Бернени ўқтин-ўқтин газеталар мақтаб қоларди. У банк хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўта замонавий электрон технологияларни қўллаш бўйича ном чиқарган. Тасвирий санъат, мумтоз мусиқа ҳамда ноёб виноларга қизиқади.

“Ҳечқиси йўқ”, хўрсинди Колле.

Интерполнинг ягона қизиқарли маълумоти Тибингнинг хизматкорига тегишли бармоқ изларининг топилиши бўлибди. Илмий-техника бўлимининг бошлиғи меҳмонхонадаги ўриндиққа бе-малол жойлашволиб шу хабарни ўқиётган эди.

Колле унга қаради.

– Бирор нарса борми?

Бўлим бошлиғи елкаларини қисди.

– Бармоқ излари Реми Легалудекка тегишли. Бир вақтлар университетдан ҳайдашган экан, қилган телефон қўнғироқларига пул тўламай, бошқалар номига ўтказиб юборгани учун. Яна майда-чуйда ўғирликлар ҳам қилган.

– Бўпти. Бу маълумотни капитан Фашга юборинг.

Шу пайт хонага илмий-техника хизмати агенти отилиб кирди.

– Лейтенант! Биз омборхонада айрим нарсаларни топдик!

Унинг ҳовлиқиб қолганини кўриб Колле тахмин қилди:

– Ҳасадми?

– Йўқ! Жуда кутилмаган нарса.

Колле уйқусираган кўзларини ишқалаганча агентнинг ортидан омборхонага йўл олди. У ерда ним қоронғилик ҳукмрон эди. Агент хашак фарамига суяб қўйилган нарвонга ишора қилди.

– Бу ерда нарвон йўқ эди, шекилли? – сўради Колле.

– Уни мен қўйдим. Биз “Ролс-ройс” атрофида бармоқ изларини текшираётган эдик, кўзим ерда ётган нарвонга тушиб қолди. Пилла-поялари лой, ундан кўп фойдаланилгани кўриниб турарди. Нарвонни қаерга қўйиш мумкинлигини ўйлаб, атрофга қарадим. Уни хашак фарамга устига қўйишган экан, кейин эса тепага чиқиб кўрдим.

Колле тепага қаради. У ердан илмий-техника бўлими катта агентининг боши кўринди.

– Чиқа қолинг, лейтенант! – чақирди у. – Бу ердаги нарса сизни жуда қизиқтириши аниқ.

Колле аста-секин тепага кўтарила бошлади. Қаттиқ чарчаганидан боши айланиб кетаётган эди. Хайрият, агент унга қўлини узатиб, тортиб олди.

– Манави томонда, – чордоқнинг орқасига ишора қилди у. – Фақатгина битта бармоқ излари топилди, кимга тегишли эканини тез орада аниқлашади.

Орқа девор олдидаги стол устида замонавий компьютер жамланмаси турар эди. Монитори текис, микрофони, овоз кучайтиргичлари бор эди. Яна алақанча дисклар, кўп каналли овоз ёзиш қурилмаси ҳам.

“Қизиқ, бунақанги жойда ишлаш кимга керак бўлиб қолди экан?”, ўйлади Колле. У компьютер томонга юра бошлади.

– Сиз ҳаммасини кўриб чиқдингизми?

– Ҳа, – жавоб қайтарди агент ва турли маълумотномалар, асбоб-ускуналар, симлар билан тўлдириб ташланган узун столга ишора қилди: – Замонавий техника билан таъминланган овоз эшитиш тизими. Буни ташкил қилган одам ўз ишининг устаси экан. Бу ердаги техника мураккаблиги жиҳатидан бизникилардан қолишмайди. Митти микрофонлар, ихчам аккумуляторлар, катта сифимли чиплар бор.

Лейтенант ҳайратдан қотиб қолган эди.

– Манави билан тўплам тўлиқ бўлади, – агент унга катталиги чўнтак калкуляторича келадиган нарсани узатди, – бу овоз ёзиш аппарати ҳисобланади, дискида анчагина маълумотларни сақласа бўлади, батареяси ўз-ўзидан қувват олади.

Колле бунақа нарсаларнинг билимдони эди. Бировлар суҳбатини хуфя эшитишга мўлжалланган шунга ўхшаш микрофонлар юқори технологиялар оламида ўзига хос силжиш бўлди. Микрофонни хонадаги бирор буюмга билинтирмай қотириб қўйилса, бас, у ерда нималар гаплашилганини бемалол эшитиб туриш мумкин бўлади. Колленинг нигоҳи юзлаб аудиокассеталар териб ташланган диванга тушди. Кассеталар устига саналари ва яна алланималар ёзиб ташланган эди. Бу ерда ишлаган одам анчагина вақт сарфлагани кўриниб турибди.

– Кимни пойлашгани ҳақида бирор тахмин борми?

– Биласизми, лейтенант, – деди агент компьютерни ёқаркан. – Бу жудаям ғалати...

## САКСОН САККИЗИНЧИ БОБ

Улар турникетдан ўтиб, “Темпл” метро станцияси эсклаторидан пастга туша бошладилар. Лэнгдон қаттиқ чарчаган, бунинг устига айбдорлик ҳисси юрагини кемираётган эди. “*Льюни нима учун бу ишга тортдим-а, энди унинг ҳаёти хавф остида қолди*”. Ремининг хиёнат қилиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас. Аён бўлдики, Граал овчиларига Тибингнинг уйдан кимнидир ёллашга мажбур бўлишган. Тибинг уларга керак эди. Неча асрлардан буён Граал билимдонлари нафақат олимларни, балки ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўғрилар ва фирибгарларни ҳам қизиқтириб келади. “*Биз албатта Тибингни топишимиз керак! Унга ёрдам бериш керак!*”

Лэнгдон ва Софи платформанинг охиригача, “Дистрикт” бекатига ўтиладиган жойгача келишди. Ремининг огоҳлантиришига қарамай, бу ердаги телефон будкадан полицияга кўнғироқ қилмоқчи бўлишди. Профессор будка ёнидаги ўриндиққа чўкди. У иккиланарди.

– Ишонинг, Льюга ёрдам беришнинг энг маъқул йўли, – деди Софи рақамларни тераркан, – бу ҳақида Лондон полициясига хабар беришдир! Зудлик билан!

Лэнгдонга бу фикр кўпам ёқмаётган эди, аммо Софи ҳақ кўринади. Тўғриси, бундан бошқа чора ҳам йўқ. Аини дамда Тибинг хатардан холи бўлиши керак. Реми ва унинг ҳамтовоқлари рицар қабрини топишган тақдирда ҳам, золдир билан боғлиқ сирни ечиш учун уларга Тибинг керак бўлади. Лэнгдонни бошқа нарса ташвишга солаётган эди: Граални яширилган жойни кўрсатувчи харита топилса нима бўлади? Ана ўшанда улар қари олимдан воз кечиб қўя қолишади.

Софи полицияга хабар бергач, Реми ва Сайлас яширинишга жой излаб қолишлари аниқ. Балки уларни ҳибсга олишар. Лэнгдоннинг режаси эса бунчалик аниқ эмас эди. Энг биринчи навбатда улар метрога ўтириб, Қиролик коллежига боришади. У ерда эса ҳар қандай диний-тарихий саволга жавоб топса бўладиган элетрон маълумотнома бор. Қизиқ, папа томонидан дафн этилган рицар ҳақида маълумотномада нима ёзилган экан?



Лэнгдон ўрнидан турди-да, поезд келишини кутиб, платформа бўйлаб юра бошлади.

Ва ниҳоят Софи қўнғироқ қилиб полицияга туша олди.

– Сноу-Хилл бўлими, – гўшакдан навбатчининг овози эшитилди. – Сизга қандай ёрдам керак?

– Мен одам ўғирланиши ҳақида хабар бермоқчийдим.

– Исмингиз?

– Софи Невё, Франция судлов полицияси агентиман.

Навбатчи довдираб қолди.

– Бир дақиқа кутиб турсангиз, хоним, сизни детектив билан боғлайман.

Тибингни ўғирлаганлар ҳақидаги маълумот Лондон полициясига қанчалик қўл келаркин? Софи шуни ўйларди. Куппа-кундуз куни кўчада фрак кийим юрадиганлар кўп бўлмаса керак. Устига-устак, Ремининг ҳамроҳи альбинос роҳиб бўлса. Бундай жуфтликни кўздан қочириш мумкин эмас. Дарвоқе, улар асир билан бирга жамоат транспортига чиқишмайди-ку. Қизиқ, Лондон кўчаларида нечта “Ягуар” лимузинлари юраркин?..

Детектив билан боғланиш жуда чўзилиб кетди. Софининг юраги сиқиларди.

Орадан ўн беш сония ўтди.

Ниҳоят, гўшакдан эркак кишининг овози келди:

– Агент Невё?

Бу овозни Софи дарҳол таниди.

– Агент Невё? – қайтарди Фаш. – Жин урсин, қаерларда юрибсиз?

Софи нима дейшини билмасди. Демак, капитан унинг қўнғироқ қилишини кутган ва полиция нозимини бу ҳақида огоҳлантириб қўйган.

– Қулоқ солинг, – Фаш энди французча гапирарди, – кеча кечқурун катта хатога йўл қўйибман. Роберт Лэнгдоннинг ҳеч қандай айби йўқ, ундан ҳамма айбловлар олиб ташланди. Шунга қарамай, икковингизнинг ҳам ҳаётингиз хавф остида. Зудлик билан маҳаллий полиция бўлимига боринглар.

Софи ҳамон жим эди. У аниқ биладикки, Безу Фаш хатолари учун кечирим сўрайдиган одам эмас.

– Жак Соньер сизнинг бобонгиз бўлганини эслатмай қўя қолинг, – давом этди Фаш. – Майли, кеча буйруқларимдан бош тортганингизга ҳам кўз юмаман. Лекин Лэнгдон билан дарҳол полиция бўлимига боринглар. Сизларнинг хавфсизлигингизни ўйлаб гапиряпман.

*“У Лондонда эканимни билар экан-да. – хаёлидан ўтказди Софи. – Яна нималардан воқиф у?”*

Фашнинг овозини қандайдир шитирлашлар узиб қўяётган эди.

– Қаердан қўнғироқ қилаётганимни аниқламоқчисиз шекилли, капитан?

– Биз бирлашмоғимиз зарур, акс ҳолда кўп нарсани бой берамиз. Америкалик профессор ва ўз агентимизни беҳуда айблаб, таъқиб этганим юқоридагиларнинг қулоғига етиб боргудай бўлса, хизмат мавқеим ниҳоясига етиши аниқ. Билиб қўйинг, мен сизларни бир нечта мураккаб вазиятларда қутқариб қолдим.

Софининг юзига илиқ шабада урилди, поезд бекатга яқинлашаётган эди. Лэнгдон ўрнидан туриб, телефон будкаси томон юрди.

– Сизларга Реми Легалудек исми одам керак, – деди Софи, – Тибингнинг хизматкори. У ҳозиргина Темпл черковида хўжайинини асир олди ва...

– Агент Неве! – бақирди Фаш. – Бунақа нарсаларни телефонда ҳал қилиб бўлмайди. Лэнгдон билан тезроқ етиб келинглар! Бу буйруқ!

Софи гўшакни жойига илди ва улар шоша-пиша ўзларини вагонга уришди.

## САКСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

“Хокер”нинг авваллари топ-тоза сақланадиган салони энди темир қириндиларга тўлиб кетган, атрофни пропан ҳиди тутиб кетганди. Безу Фаш ҳамма ходимларни тушириб юборди. Стол устида Тибингнинг сефидан топилган ёғоч қутича турарди.

Фаш қутича қопқоғини оҳиस्ताгина очди. Ичида бир неча лаппаклардан иборат цилиндр бор эди. Лаппаклардаги ҳарфлардан “СОФИЯ” сўзи териб чиқилибди. У аввал сўзни, кейин эса

қутича ичини синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Цилиндри қўллари билан тортган эди, иккига бўлиниб кетди. Ичи бўш экан.

Уни қутича ичига қайтиб солди. Фаш иллиуминатор орқали ангарга тикилганча яқиндагина Софи билан бўлган суҳбат ва Виллет саройида ишлаётган ходимлардан олинган маълумот ҳақида ўйларди. Уяли телефоннинг жиринглаши хаёлини бўлиб қўйди.

– Сизни ишдан чалғитганим учун минг бор уэр, – деди судлов полицияси навбатчиси. – Цюрих депозитар банкининг бошлиғи кўнғироқ қилавериш ҳол-жонимга қўймапти, сизга айтадиган зарур гапи бор эмиш.

Капитан у билан боғлашни буюрди.

– Месье Берне, – гап бошлади Фаш Бернени саломлашишга ҳам қўймай, – мени маъзур тутинг, эртароқ ўзим кўнғироқ қила олмадим, чунки жуда банд эдим. Мен сўзимнинг устидан чиқдим, журналистлар банкингиз ҳақида умуман гапиришгани йўқ. Шундай экан, сизни нима безовта қиляпти?

Берненинг овози ҳаяжондан қалтираб чиқарди. У Софи ва Лэнгдоннинг банкдан ёғоч қутичани олишганини, кейин эса яширинишга ёрдам сўрашганини гапириб берди.

– Радио орқали уларнинг жиноятчи эканликларини эшитгач, машинани тўхтатиб, қутичани қайтаришларини талаб қилдим, – давом этди Берне. – Улар эса менга хужум қилиб, машинани олиб қочишди.

– Гап бундоқ денг, сизни ҳаммасидан ҳам қутича кўпроқ ташвишга солаётган экан-да? – Фаш қутича қопқоғидаги атиргул тасвирига қараб қўйди. – Айтингчи, унинг ичида нима бор ўзи?

– Бу муҳим эмас! Банким обрўсига путур етмаса бўлди! Ахир бизни ҳеч қачон тунаб кетишмаган. Агар миждозларимиз омонатларини сақлай олмаётганимиз ҳақида хабар тарқалса борми, расво бўлишимиз тайин.

– Гапингизга қараганда, агент Невё ва Роберт Лэнгдоннинг калитлари бўлган ва кириш кодини билишган экан. У ҳолда нега уларни ўғрига чиқаряпсиз?

– Чунки улар қотиллар! Бир неча кишини, ҳатто Жак Соньерни ҳам ўлдиришибди. Калит ва кириш кодини жиний йўл билан қўлга киритишганига шубҳа йўқ.

– Жаноб Берне, биз сизнинг таржимаи ҳолингизни ўрганиб чиқдик. Ўқимишли, юксак маданиятли ва ҳалол киши экансиз. Сизга Франция судлов полицияси зобити сифатида сўз бераман, қутичангиз ҳам, банкингиз обрўси ҳам ишончли қўлларда.

## ТЎҚСОНИНЧИ БОБ

Лейтенант Колле Виллет омборининг чордоғига ўрнатилган компьютер мониторига ҳайрон қараб турарди.

– Демак, шу ердан туриб рўйхатдаги одамларнинг суҳбатларини эшитиб туришган экан-да?

– Ҳа, – бош ирғади агент. – Маълумотлар бир йилдан ортиқ вақт мобайнида тўпланган.

Колле рўйхатга назар ташлади.

Кольбер Состак – Конституцион кенгаш раиси

Жан Шаффе – Жё-де-Пом музейи нозир

Эдуард Десроше – Митгеран кутубхонаси бош архивариуси

Жак Соньер – Лувр музейи нозир

Мишел Бретон – француз разведкаси бошлиғи

Агент мониторга ишора қилди:

– Уларни айниқса Жак Соньер кўпроқ қизиқтирган.

“Ҳм, Соньерни ҳам кузатиб юришган экан-да, – хаёлидан ўтказди Колле. – Шунча таниқли кишиларни пойлашни қандай уддалашди экан?”

– Ёзиб олинган суҳбатлардан бирортасини эшитиб кўрдиларингми?

– Ҳа. Мана энг охиргиси, – агент клавиатура тугмасини босди: “Капитан, криптография бўлимининг агенти етиб келди”.

Колле ўз қулоқларига ишонмас эди.

– Ахир бу менинг овозим-ку!

“Соньернинг хонасида! Капитан Фашига рация орқали агент Невё келганини хабар бергандим”.

– Гувоҳ бўлганингиздек, Луврдаги текширувларимиздан бегона киши ҳам хабардор бўлиб турган.

– Микрофон қаерга ўрнатилганини аниқлашяптими?

– Бунга ҳожат йўқ, унинг қаердалигини биламан, – жавоб берди агент. У стол устидаги қоғозларни титкилаб, охири биттасини Коллега узатди. – Суратни таниётгандирсиз?

Колле ҳайратда эди.

Қўлида робот-рицар суратининг нусхаси турарди.

*“Худди ўзи! Соньер столининг устидаги!”*

Қоғоз тагига микрофонни роботнинг қаерига ўрнатиш лозимлиги ёзиб қўйилган эди.

## ТЎҚСОН БИРИНЧИ БОБ

Сайлас Темпл черкови қаршисида тўхтаган “Ягуар”нинг олд ўриндиғида ўтирар, пойдевор тошини маҳкам сиқиб олганидан қўли терлаб кетганди. Реми эса лимузин юкхонасидан топилган арқон билан ўз хўжайини бўлмиш сэр Тибингни боғлаш билан банд эди. Ниҳоят, у ишини бажариб бўлди ва Сайласнинг ёнидан жой олди.

– Маҳкам боғладингизми? – сўради роҳиб.

Реми хунук ишшайганча салонга ўтирилди. Лью Тибинг бир бурчақда типирчилаб ётарди.

– Қаерга ҳам қочарди!..

Шу маҳал салондан бақир-чақир эшитилди. Эҳ, Реми Тибингнинг оғзини ишлатилган скотч билан ёпибди-да.

– Ўчир товушингни! – ўшқирди Реми ва бошқарув панелидаги бир тутгани босган эди, орқаларидан ойнаванд тўсиқ кўтарилиб, салондаги овозлар эшитилмай қолди. Кейин эса ҳамроҳига қаради: – Чийиллаши жуда жонга тегди-да.

Бир неча дақиқадан сўнг Лондон кўчалари бўйлаб кетишар экан, тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Сайлас қувониб кетди: *“Устоз кўнгироқ қиляпти!”*

– Лаббай!

– Сайлас! Худога шукур, овозингни эшитдим, демак, энди хатардан холи бўлибсан.

– Устоз, пойдевор тоши менда!

– Жуда соз! – деди Устоз. – Реми ҳам ёнингдами?

– Ҳа. Мени у озод қилди.

– Унга мен буйруқ бергандим. Сенинг қийин аҳволга тушиб қолганингга қаттиқ ачиндим.

– Қўяверинг, танам чеккан қийноқлар ҳеч гап эмас, муҳими, пойдевор тоши энди бизда.

– Биласанми, мен тошни тезроқ кўришни истайман.

Қувончдан Сайласнинг боши осмонга етгудай бўлди. Бунақан-ги бахт етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Демак, Устоз билан кўришади!

– Хўп бўлади, Устоз. Амрларингизни адо этишдан ғоятда бахтиёрман.

– Сайлас, пойдевор тошини менга Реми олиб келса дегандим.

Реми? Бу қанақа адолатсизлик бўлди? Ахир у Устоз учун жонини жабборга бериб хизмат қилди. Ҳар қандай мукофотга лойиқ эмасми Сайлас? Майли, мол-дунё керак эмас, у билан кўришиб, бир-икки оғиз илиқ сўзини аямаса бўлди.

– Хафалигингни сезиб турибман, – деди Устоз. – Бу эса менинг асл мақсадларимни англаб етмаганингни билдиради. – Устоз овозини пасайтириб гапира бошлади: – Ишон, пойдевор тошини аллақандай жиноятчидан эмас, айнан сендан, Парвардигор хизматчисидан олишни хоҳлаган эдим. Аммо Реми билан ҳисоб-китобим бор. У айтганларимни бажармай, режамизни хавф остига қўйди.

Сайлас Ремига кўз қири билан қараб қўйди. Тибингни ўғирлаш режада йўқ эди. Энди эса бошларига галва орттириб ўтиришибди, чолни нима қилишни билишмайди.

– Биз Тангри таолонинг хизматкорларимиз, – шивирлашда давом этарди Устоз, – ўз йўлимиздан ҳеч ҳам оғишмаслигимиз даркор. Айнан шу сабаб ҳам тошни Реми келтиришини буюряпман. Мени тушунгандирсан?

“Эртами-кечми, у барибир юзини кўрсатиши керак. – ўйлади Сайлас. – Реми эса қилар ишни қилиб бўлди. У пойдевор тошини қутқарди”.

– Тушундим, – унинг овози аранг чиқди.

– Унда яхши. Лондон кўчаларида юришингиз хавфли, полиция ҳадемай лимузинни қидиришга тушади. Айт-чи, Лондонда “Дея асари”нинг бўлими борми?

– Албатта бор.

– Улар сени қабул қилишадими?  
– Худди ўз биродарларидек.  
– У ҳолда зудлик билан ўша ерга бор. Мен пойдевор тошини олишим ва барча масалаларни ҳал қилишим билан сенга қўнғироқ қиламан.

- Сиз ҳам Лондондамисиз? – сўради Сайлас.
- Сен айтганларимни бажар ва ҳаммаси жойида бўлади.
- Хўп.

Устоз чуқур нафас олди.

- Энди Реми билан гаплашмоқчиман.

Сайлас телефони Ремига узатди. У энди аниқ билади, ҳозирги суҳбат Реми учун энг охиргиси бўлиши мумкин.

Реми эса телефони олакан, уни қандай келажак кутиб турганидан бу бахтсиз роҳибнинг хабари йўқлиги ҳақида ўйлади.

*“Устоз сендан шунчаки фойдаланибди холос. Сайлас.*

*Сен севадиган епископ эса ношуд кимса бўлиб чиқди”.*

– Сўзларимни диққат билан тингла, – деди Устоз Ремига. – Сайласни “Дея асари” биносидан бир неча квартал бериди тушириб қолдир, ўзинг эса Сент-Жеймс боғига кел. Машинани Хосгардэ-Парейд\*да тўхтатсанг бўлади. Сен билан ўша ерда гаплашамиз.

## ТЎҚСОН ИККИНЧИ БОБ

Қиролик коллежига 1829 йили Георг IV гомонидан асос солинган бўлиб, парламент биноси яқинида жойлашган. Ушбу ўқув муассасаси нафақат ўзининг тадқиқотлар борасидаги ютуқлари ва олий сифатли таълими билан, балки 1982 йили ташкил этилган «Диншунослик тадқиқотлари институти» билан ҳам ҳақли равишда фахрланиши мумкин. Бу ерда турли динларни ўрганиш бўйича дунёдаги энг йирик электрон маълумотлар базаси мавжуд.

Улар коллежга етиб келишганида ҳавонинг авзойи айниб, ёмғир ёға бошлаган эди. Лэнгдоннинг юраги ҳаяжондан тез-тез ура

---

\*Лондондаги Қиролик отлиқ гвардияси казармаси олдидаги майдон.

кетди. Бош лаборатория худди Тибинг тасвирлангандай экан: катта ва тўғри бурчакли зал, ўртага айлана стол қўйилган. Агар устидаги ўн иккита компьютерни ҳисобга олмаса, қирол Артур ва унинг рицарлари бу стол атрофида ўзларини жуда қулай сезишлари мумкин эди.

– Ажойиб тонг, шундай эмасми? – деди уларни кўрган кутубхоначи инглизларга хос илтифот билан. У чой дамлаётган экан, чойнагини қўйиб, меҳмонларга яқин келди. – Сизларга ёрдам керакми?

– Раҳмат, – жавоб берди Роберт. – Аввал ўзимни таништирай...

– Роберт Лэнгдонсиз, – у табассум қилди, – сизни дарҳол танидим.

Невё ҳам, Лэнгдон ҳам кўрқиб кетишди. Фаш уларнинг расмини Буюк Британия телевидениесига кўрсатган бўлса-я? Лекин кутубхоначи аёлнинг кулиб туриши уларни бир оз тинчлантди. Лэнгдон ҳали ҳам ўзининг машҳуру маълумлигига ўрганмаган эди. Дунёдаги барча динлар тарихи факультетларида уни албатта танишади деса бўлади.

– Памела Геттем, – ўзини таништирди кутубхоначи ва сўрашиш учун қўл узатди. Унинг овози ёқимли, чеҳраси истарали эди. Қалин кўзойнагини бўйнидаги занжирга осволибди.

– Танишганимдан хурсанман, – деди профессор. – Бу менинг дўстим Софи Невё.

Аёллар сўрашишди ва Геттем яна Лэнгдон томонга ўтирилди.

– Тўғриси, бу ерга келишингизни умуман кутмаган эдим.

– Ўзим ҳам кутмагандим. Агар малол келмаса, айрим маълумотларни топишга ёрдам бериб юборсангиз.

Геттем хоним довдираб қолди.

– Кечирасиз, биз фақат расмий сўровлар бўйича хизмат кўрсатамиз. Сиз бирор профессоримизнинг меҳмонимисиз?

– Афсуски, биз таклифсиз келганмиз. Кутубхонангизни бир дўстим тавсия қилганди. Балки уни танирсиз, исми Лью Тибинг, машҳур тарихчи...

– Вой Худойим-эй, уни албатта танийман! – кутубхоначининг юзи ёришиб кетди. – Ажойиб инсон! Буюк олим! Афсонанинг ўзгинаси! У фақат бир нарса – Граални ўрганади.



– Бизга ёрдам бера оласизми? – сўради Софи. – Ишонинг бу жуда муҳум.

Геттем кимсасиз залга кўз югуртириб чиқди.

– Ҳар ҳолда, ҳозир бандман дея олмайман, тўғрими? Сизларга ёрдам берсам, қоидаларимиз кўпол таразда бузилмайди деган умид-даман. Хўш, нима қизиқтиряпти сизларни?

– Биз Лондондаги эски бир қабрни қидириямиз.

– Бунақа қабрлар сон мингта. Айнан кимнинг қабрини изла-япсизлар?

– Рицарнинг қабри, унинг исми эса номаълум, – Софи кутуб-хоначига шеърнинг илк икки сатрини узатди. – Мана шу бор-йўқ билганимиз.

Софи шеърнинг ҳаммасини бегона одамга кўрсатишни истамаган эди. Ҳар эҳтимолга қарши, эҳтиёткор бўлган яхши-да.

Кутубхоначи кўзойнагини тақди ва шеърни ўқишга тутинди:

Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда,

*Понтификнинг газаби ҳазор зиёда.*

– Бу нима? Гарвардлик олимларнинг ҳазилими?

– Шундай деса ҳам бўлади, – деди Лэнгдон ўзини кулгидан аранг тийиб.

Геттем меҳмонлар ниманидир яширишаётганини тушуниб қол-ганди. Лекин бу жумбоқ жуда қизиқ экан.

– Хў-ўш, шеърда ёзилишича, Лондонда папанинг газабига дучор бўлган бир рицар кўмилган, – кутубхоначи компьютер қар-шисига ўтирди. – Кўрайлик-чи, маълумотлар баъзасидан бирор нима чиқармикан. Аввал бир нечта калит сўзлар ёзамиз: Лондон, рицар, папа.

У «қидирув» тугмасини босди.

– Компьютер ана сўзлар учрайдиган матнларни топади, тўғри, кераксиз маълумотлар кўп учрайди. Майли, бошланишига бўла-веради.

Мониторда илк натижалар кўрина бошлади:

*Папа портретлари. Сэр Жошуа Рейнолдснинг картиналар тўплами. “Лондон университети пресс”.*

Геттем хоним бошини сарак-сарак қилди.

– Бизга керак эмас бу. Давомини кўрамиз:

*Ж. Найт\*нинг "Александр Поп\* ижодида Лондон даври".*

– Бу ҳам кераксиз маълумот.

Компьютер жуда кўп маълумотларни чиқарарди, уларнинг аксарияти ўн саккизинчи асрда яшаган инглиз шоири Александр Поп, унинг Лондон ва рицарларга бағишланган сатирик шеърлари ҳақида эди.

– Биз қидирув доирасини торайтиришимиз керак, акс ҳолда кўп вақт йўқотамиз. Қабр ҳақида яна нима дея оласизлар?

Лэнгдон Софига маъноли қараб қўйди. Софи эса иккиланар эди.

*"Ҳа, улар аниқ ниманидир яширишяпти, – ўйлади Геттем. – Бу Гарвардча ҳазил эмас».*

Памела Геттем бу кутубхонада кўп йиллардан бери ишлайди. Лондонга рицарларни излаб келган одам борки, Граалга қизиқишини у яхши билади.

Кутубхоначи кўзойнагини тўғрилаб олди.

– Сизлар Лью Тибингнинг дўстларисиз, Англияга келиб, рицарни қидирмоқдасиз. Бундан хулоса қилдимки, сизлар Граалга қизиқасизлар.

Лэнгдон ва Софи ҳайрон бўлиб қолишди. Геттем эса кулиб юборди.

– Дўстлар, бизнинг кутубхона Граал овчилари учун маълумотлар макони ҳисобланади. Лью Тибинг ҳам ўша овчилардан бири. Агар менга ҳар бир қидирув учун бир шиллингдан тўлашганида борми, алақачон бойиб кетардим, – у кўзойнагини ечиб, меҳмонларга тик қаради: – Менга қўшимча маълумот керак.

Софи бир неча сония жим тургач, қозога шеърнинг ярмини ҳам ёзди ва Геттемга узатди.

– Мана. Бор билганимиз шу.

Қабрнинг золдирини топ. Атиргул ҳам бор –

*Бил, ҳосилдор ғовакка ишора такрор.*

---

\*Найт фамилияси инглизча «knight», яъни «рицар» сўздан олинган.

\*\* Поп фамилияси инглизчада «pope» тарзида ёзилади ва «папа», яъни «католик черкови раҳбари» деган маънони ҳам билдиради.

– Мана энди сизларга ёрдам бера оламан, – деди кутубхоначи. – Бу шеър сизларга қаердан келиб қолганлигини билсам бўладими? Ва нима учун айнан золдирни излаш керак?

– Албатта билсангиз бўлади, – кулди Лэнгдон, – лекин бунинг тарихи жуда узун, бизнинг вақтимиз эса эиқ.

– Мулойимлик қилмасдан, “бу сизнинг ишингиз эмас”, дейиш ҳам мумкин.

– Памела, агар бизга бу рицарнинг кимлигини ва қаерга дафн этилганини аниқлаб берсангиз, сиздан умрбод қарздор бўлиб қоламиз.

– Яхши, – Памела тагин компьютер қаршисига ўтирди, – мен бошқа калит сўзларни ҳам ишлатишга уриниб кўраман. Бу эса Граал олами билан боғлиқ матнлар билан чегараланишга имкон беради.

У клавиатурада бир неча сўзларни терди:

*Рицар, Лондон, папа, қабр.*

Кейин эса пастига яна ёзди:

*Граал, Сангрил, Атиргул, идиш.*

– Қидиришга тахминан қанча вақт кетади? – сўради Софи.

– Ўн беш дақиқа, кўп эмас.

Лэнгдон ва Софи жим туришарди. Улар учун ана шу ўн беш дақиқа асрларга тенглашиши мумкин.

– Чой ичасизларми? – мулозамат кўрсатди Геттем. – Лью мен дамлаган чойни хуш кўрарди.

## ТЎҚСОН УЧИНЧИ БОБ

Лондондаги Орт-Корт кўчаси 5-уйда “Дея асари”нинг қароргоҳи жойлашган. Сайлас бу ғиштин бинода ҳеч қачон бўлмаган, бироқ у ерга яқинлашгани сайин руҳида алланечук хотиржамликни ҳис қилаётган эди. Ёмғир шаррос қуйиб турган бўлса-да, Реми уни бир неча квартал берида тушириб қолдирди. “*Лимузинда катта кўчаларга кирмаганим маъқул*”, деди у. Майли, пиёда юрса, юрибди-да. Қайтанга, ёмғир ғуборлардан фориф этади.

Реми айтганидек, тўппончадаги бармоқ изларини артиб чиқди, кейин эса канализация қудуғига ташлаб юборди. Қуролдан қутул-

ганига энгил тортгандай бўлди. У Тибинг ҳақида ўйлай бошлади. Ҳойнаҳой, қари чол қийналаб ётгандир, қўл-оёғи боғлиқ бўлиш қандайлигини энди у ҳам билади.

– Уни нима қиласан? – сўраганди машинадан тушаётиб.

– Буни Устоз ҳал қилади, – жавоб берди Реми елка қисганча.

Бироқ унинг гапириш оҳангиданоқ ҳукм аниқ эди.

“Дея асари” биносига яқинлашиб қолганида ёмғир тобора жадаллашиб, жалага айланди. Сутанаси жиққа ҳўлигидан янги яраларига ёпишиб қолган ва оғриқлари яна-да кучайган эди. Майли, Сайлас барига чидайди. Сўнгги соатларда қилган гуноҳлари учун тазарру қилиши керак.

Эшик очиқ экан. Камтаргина жиқозланган даҳлизга кириб, гиламга қадам босган эди ҳамки, қаердадир электрон қурилма ишлаб кетди ва тепадан қўнғироқ овози эшитилди.

Бир дақиқадан кейин унинг қаршисида сутана кийиб олган эркак пайдо бўлди.

– Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

– Мен “Дея асари” аъзосиман.

– Америкаликмисиз?

– Ҳа, – бош ирғади Сайлас. – Шу ерда бир кеча қолиб, дам олволсам бўладими?

– Албатта. Учинчи қаватдаги иккита хона бўш. Сиз чиқаверинг, мен чой ва нон олиб бораман.

– Катта раҳмат, – у қаттиқ очиққанини ҳис қилди.

Ягона деразали хона ҳам жиқозларга бой эмас эди. Сайлас сутанасини ечиб, қоziққа илди ва ич кийимдаёқ чўккалаб олди. Шу пайт йўлакдан қадам товушлари эшитилди: бояги роҳиб егуликлар солинган патнисни эшик тагига қўйиб кетганди. Сайлас ибодат қилди, кейин қорнини тўқлаб, ухлагани ётди.

Биринчи қаватда телефон жириинглаганида Сайласни кутиб олган роҳиб гўшакни кўтарди.

– Лондон полицияси безовта қияпти, – эркак кишининг овози келди, – биз альбинос роҳибни қидиряпмиз. Биздаги маълумотга кўра, у сизларнинг қароргоҳингизда экан. Сиз уни кўрдингизми?

– Ҳа, у келганди. Нима бўлди ўзи?

- У ҳозир ҳам ўша ердами?
- Ҳа, тепада ибодат қияпти.
- У ҳеч қасёққа кетиб қолмасин, мен ҳозироқ одамларимни юбораман. Сиз эса ҳеч кимга оғиз оча кўрманг!

## ТЎҚСОН ТЎРТИНЧИ БОБ

Сент-Жеймс парки – Лондоннинг қоқ марказида, Вестминстер ва Букенгем саройлари яқинидаги яшил оролча. Бир пайтлар қирол Генрих VIII парк атрофини буталар билан ўраб, буғулар боққан, вақти-вақти билан сарой аъёнлари ҳамроҳлигида жониворларни ов қилган. Ҳозир эса истаган киши бу ерга келиб ҳордиқ чиқариши, кўлда сузиб юрган сақоқушларга дон-дун бериши мумкин.

Бугун Устоз ҳеч қандай сақоқушларни кўрмади, чунки тинимсиз ёмғир ёғиб, кучли шамол эсарди. Эрталабки туманга қарамай, бу ердан парламент биноси ва Биг-бен яққол кўриниб турибди. Кўл этагида тинимсиз тебранаётган мажнунтолар орқасида эса рицар дафн этилган бинонинг чўққили томи кўзга ташланади. Устоз Реми билан бўладиган учрашувга Сент-Жеймс паркини танлашига ҳам сабаб шу эди.

Устоз лимузинга яқинлашганида Реми хиёл эгилганча олд эшикни очиб турди. Лекин Устоз машинага ўтиришдан олдин коняк шишасини очиб, бир неча қултум ичди, кейин дастрўмол билан оғзини шошилмай артди.

Реми кўлида тантанвор ушлаб турган пойдевор тошини кўз-кўз қилди.

- Йўқотиб қўйишимизга бир баҳя қолди-я.
- Сиз бу ишни қойилмақом уддаладингиз, – мақтади Устоз.
- Биргаликда уддаладик! – деди Реми ва пойдевор тошини узатди. Устоз мамнун кулимсираганча тошга узоқ тикилиб қолди.
- Тўппончани нима қилдингиз? Бармоқ изларини ўчириб ташлагандирсиз?
- Ҳа, албатта. Кейин яна жойига солиб қўйдим.
- Жўда сиз! – Устоз конякдан яна ҳўплади ва шишани Ремига узатди: – Ғалаба учун ичамиз!

Коняк таъми шўрроққа ўхшади, бироқ Реми бунга аҳамият қилиб ўтирмади. Энди унинг ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди, у ҳеч қачон хизматкор бўлмади. Шамол бағрини тилаётган кўлга қараркан, Виллет қароргоҳи худди тушдек туюлди.

Ичимликдан яна бир ҳўплагач, бутун вужудини алланечук илиқлик чулғаганини ҳис қилди. Лекин кўп ўтмай бу илиқлик қиздира бошлади. Реми бўйинбоғини бўшатди, оғзида ачқимтир таъмни сезди.

– Бўлди, бошқа ичмайман, – аранг гапирди шишани Устозга узатиб.

– Ўзингиз тушуниб тургандирсиз, мени танийдиган ягона киши сиз бўлдингиз. Сизга катта ишонч билдирдим.

– Ҳа, – Реми титрай бошлаган эди, – бу сирни ўзим билан гўримга олиб кетаман.

– Мен сизга ишонаман, – жавоб қайтарди Устоз, сўнг коняк шишасини ҳам, пойдевор тошини ҳам чўнтагига солиб қўйди. Машина тортмасини очиб, кичкинагина «Медуза» револьверини олди ва шимининг чўнтагига тиқди.

«У нима қиляпти ўзи?» қўрқиб кетди Реми.

– Мен сизга озодликни ваъда қилгандим, – деди Устоз ачингансимон оҳангда. – Бироқ юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда сиз учун энг маъқул ишни қилдим.

Реми бўғилиб кетаётган эди, бўйинбоғини ечиб ташлаган, томоғини иккила қўли билан маҳкам ушлаб олганди. У бақришига уринди, ўрнига бўғиқ инграш чиқди, холос. Ана эндигина конякнинг таъми нима учун шўрлигини тушуниб қолди.

«Мен ўляпман! У мени ўлдирди!»

Бу даҳшатли фикрга ишонгиси келмай, ёнида ўтирган Устозга қаради. Устоз эса хотиржамгина ташқарига тикилиб ўтирарди. Ремининг кўз олди қоронғилашиб, оғзини катта-катта очарди. «Унинг учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилгандим. Бунга қандай ҳадди сизди?» У Устозга ташланмоқчи бўлди, лекин танаси қимир этмасди. «Мен унга ишонгандим-а!...»

Устоз лимузиндан тушиб, чор аτροφга қараб қўйди. «Бошқа иложим йўқ эди», ўзини оқлади у ва Ремига умуман ачинмаётганидан ажабланди. «Унинг ўзи шундай тақдирни танлади».

Темпл черковида аҳмоқлик қилмаганида балки ҳозир ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишни бошлармиди. Роберт Лэнгдоннинг Виллет саройига кириб келиши бир томондан яхши бўлди, бир томондан эса аксинча. Профессор тинимсиз қидирувларга яқун ясаб, бебаҳо хазинанинг топилишига ва айни пайтнинг ўзида полиция уларнинг изидан тушишига сабабчи бўлди. Ношуд Реми эса бутун уйда, омбор чордоғига ўрнатилган компьютер атрофида бармоқ изларини қолдирган. Яхшики, эҳтиёт чораларини кўриб қўйилгани, Реми билан Устоз ўртасидаги муносабатлар ошкор бўлиши умуман мумкин эмас.

*«Полиция нималар содир бўлганини ҳеч қачон билолмайди, тирик туюв ҳўқ энди».* ўйлади Устоз лимузиннинг орқа эшиги томон йўналаркан. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, машинага чиқиб ўтирди.

Бир неча дақиқадан сўнг Устоз Сент-Жеймс паркинни кесиб ўтаётган эди. «Энди Лэнгдон ва Невёнинг масаласини ҳал қилиш керак». Тўғри, бу иш осонликча битмайди, лекин эпласа бўлади. Айни дамда эса криптекс билан шуғулланиш керак.

*Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда...*

Қулоқлари остида жаранлаган бу шеър жавобини у билади. Кўп нарсани билади... Жак Сонъернинг ҳар бир суҳбатларини ойлаб пойлаб келди, бир сафар Улуғ уста ўша машҳур рицар эслаб ўтди ва уни Леонардо да Винчидан кам ҳурмат қилмаслигини айтди. Шеърда ўша рицар ҳақида сўз бораётгани шубҳасиз, лекин қабр сўнгги сатрни топиб олишга қандай ёрдам беради, буниси ҳали номаълум.

*Қабрнинг золдирини топ...*

Устоз машҳур қабрнинг фотосуратларини эслади. Қабр бошидаги улкан золдир жуда чиройли эди.

Ёмғир челақлаб қуяётганди. Устоз ҳўл бўлмаслиги учун криптексни чўнтагига солиб қўйди. Чап чўнтагида эса «Медуза» револьвери бор. Яна бир неча дақиқалардан сўнг у тўққизинчи аср охирларида бунёд этилган ажойиб ибодатхонага қадам босди.

Худди шу лаҳаларда епископ Арингароса кичик самолёт трапидан тушаётган эди. Сутанасининг этагини кўтарганча Биггин-Хилл аэропорти биноси томон йўл олди. У капитан Фаш кутиб

олади, деб ўйлаганди, лекин унга Британия полициясининг ёш зобити пешвоз чиқди.

– Епископ Арингароса сизмисиз? Капитан Фаш зарур иш билан кетди, сизни эса Скотланд-Ярдга олиб боришимни буюрди. Ўша ер хавфсизроқ экан сиз учун.

«Ҳа-я...» У қўлини портфелга қўйди. Ватикан банки облигацияларини кўтариб олганини унутмаёзиди.

– Раҳмат.

Полиция машинасига ўтирар экан, Сайласнинг қаердалигини ўйлади. Жавобни эса шу заҳоти, рация орқали олди: «...Орм-Корт кўчаси, 5-уй...»

Арингароса бу манзилни жуда яхши билади. «*Дея асари*»нинг Лондондаги қароргоҳи-ку!»

– Мени ўша жойга олиб боринг! – деди у ҳайдовчига.

## ТЎҚСОН БЕШИНИЧИ БОБ

Лэнгдон монитордан кўз узмас эди.

Памела Геттем эса қўшни хонада, меҳмонлар илтимосига кўра қаҳва дамлаётган эди.

Компьютер қаттиқ чийиллади.

– Яна нимадир чиққанга ўхшайди-а? – овоз берди Памела.

Лэнгдон мониторда кўринган натижани ўқиди:

Ўрта асрлар адабиётида Граалга истиора: сэр Гуэйэн ва Яшил рицар ҳақида трактат

– Қанақадир Яшил рицар ҳақида, – жавоб берди у.

– Йўқ, Лондонга ҳеч қанақа яшил рицарлар кўмилмаган.

Мониторда навбатдаги натижа пайдо бўлганида улар ҳайрон бўлиб қолишди.

Die Opern von Richard Wagner

– Вагнер операсими? – сўради Софи.

Геттем қўлида қаҳва пакетчасини кўтарганича кириб келди.

– Қизиқ-ку, Вагнер рицар бўлганми?

– Йўқ, – деди Лэнгдон, – лекин у таниқли масон\* эди.

---

\*Масон, масонлик – XVIII асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим.



«Худди Моцарт, Бетховен, Шекспир, Гершвин, Гудини ва Дисней каби», хаёлидан ўтказди профессор. Масонларнинг тамплиерлар ордени, Сион Приорати ҳамда Граал билан муносабатлари ҳақида кўплаб китоблар ёзилган.

– Матннинг ҳаммасини принтердан чиқариб олсам бўладими?

– Ҳаммасини нима қиласиз? – эътироз билдирди кутубхоначи.

– Керакли сўзни танлаб, сичқончани босинг, фақат ўша сўз учрайдиган сатрлар келиб чиқади.

Лэнгдон тушунмаган бўлса ҳам, Геттемнинг айтганини қилди.

Мониторда бир неча сатрлар кўринди:

...Парсифал исмли афсонавий рицар...

...Граал, уни қидириш турли баҳсларга...

...Лондон филармонияси 1855...

...Ребекка Попнинг «Дива(Маъбуда)»ни ўз ичига олувчи опера анталогияси...

...Вегнернинг қabri Германияда жойлашган...

– Бу ҳам бошқа Поп, – хўрсинди Лэнгдон. – Вегнернинг «Парсифал» операсида эса Мария Магдалина алоҳида ҳурмат билан тилга олинган.

– Сабр қилинг, – деди Геттем меҳмонларнинг безовта бўлганини кўриб, – компьютерга вақт керак.

...Рицарлар, саллотлар, папалар ва беш қиррали юлдузлар: таро қарталарида муқаддас Граал тарихи...

– Калит сўзларининг айримлари қарта номларига оҳангдошлиги ажабланарли эмас, – деди Лэнгдон Софи томонга ўгирилиб. – Қарта эса ўғирланган Келин ва унинг «ёвуз» Черков томонидан асир қилиниши ҳақида ҳикоя қилади, бобонгиз сиз билан таро ўйнаганида буни умуман эслаб ҳам ўтмагандир.

– Тўғри, мен буни билмасдим, – елка қисди Софи.

– Ваҳоланки, шунга ўхшаш ўйинлар ёрдамида Граал қўриқчилари бир-бирлари билан маълумот алмашишган. Замонавий қартадаги қарға, таппон, чиллик ва фишт ўз навбатида таро қарталаридаги қилич, идиш, салтанат ҳассаси, беш қиррали юлдузларни билдиради.

Қарға – қилич, яъни эркаклик рамзи.

Таппон – идиш, яъни аёллик рамзи.

Чиллик – салтанат, яъни подшолик қони рамзи.

*Гишт* – беш қиррали юлдуз, яъни муқаддас аёллик ибтидоси рамзи.

Лэнгдон компьютерда яна бирор натижа кўринишидан умидини узиб бўлганди, лекин роппа-роса тўрт дақиқадан кейин қуйидаги ёзув пайдо бўлди:

«Даҳо кечирган машаққатлар: замонавий рицарнинг таржимаи ҳоли»

Эшиқда яна Геттемнинг боши кўринди.

– Бу рицар қанчалик замонавий? Ишқилиб Нью-Йорк ҳокими Руди Жулианини айтманглар менга! Ҳечам рицарга ўхшамайди у.

Лэнгдоннинг хаёлига яқиндагина рицарликка қабул қилинган сэр Миг Жаггер келди. Лекин ҳозир Британиянинг рицарликка онд сиёсатини муҳокама қилишнинг мавриди эмас.

– Келинглар, яхшиси, калит сўзлари учрайдиган матнларни кўздан кечирайлик, – таклиф қилди у.

...фахрий рицар сэр Исаак Ньютон...

...Лондонда 1727 йилда ва...

...унинг қабри Вестминстер аббатлигида...

...Александр Поп ва унинг ҳамкасблари...

– Менимча, «замонавий» тушунчаси анчагина нисбий экан, – деди Софи Памелага. – Бу сатрлар Исаак Ньютон ҳақидаги қандайдир эски китобдан келтирилган парчалар, холос.

Геттем эса ҳали ҳам эшик олдида турарди. У бошини сараксарак қилди:

– Ахир Ньютон Вестминстер аббатлигида, инглиз протестантизмнинг юрагига кўмилган. Католик папанинг у ердаги дафн маросимида қатнашиши эҳтимолдан йироқ. Қаҳвага сут билан шакар қўшайми?

Софи бош ирғади.

– Сизга-чи, Роберт?

Лэнгдоннинг юраги қаттиқ депсинарди. У монитордан нигоҳини узди.

– Исаак Ньютон айнан биз излаётган рицар бўлади.

– Нималар деяпсиз? – сўради Софи ҳайратдан кўзлари каттакатта очилиб.

– Ньютон Лондонда кўмилган, – тушунтиришга киришди профессор. – У фанда жуда кўп кашфиётлар қилган ва шунинг учун ҳам Черковнинг тавқи лаънатига дучор бўлган. Қолаверса, у Сион Приоратининг Улуғ устаси ҳам эди. Хўш, яна қандай далиллар керак?

– Папа томонидан кўмилган рицар-чи? – Софи шеър ёзилган вараққа ишора қилди. – Геттем хонимнинг гапини эшитмадингизми, Ньютоннинг дафн маросимида ҳеч қанақанги папа иштирок этмаган!

– Ким сизга айтди ўша папа Католик черковининг бошлиғи деб? – у монитордаги «папа» сўзини алоҳида белгилаган эди, парча тўлалигича пайдо бўлди:

*«Сэр Исаак Ньютоннинг Александр Поп бош-қош бўлиб ўтказган дафн маросимида қирол оиласи аъволари ва юқори табақа вакиллари иштирок этишди. Тобут устига тупроқ ташлашдан олдин марҳумнинг дўстлари ва ҳамкасблари нутқ сўзлашди».*

Лэнгдон Софига ўтирилди.

– Шундай қилиб, ўзимизга керакли папани топдик. Бу – жаноб Поп. Александр Поп.

*Лондон. Поп кўмган рицар бор у ерда.*

*Софи оҳистагина ўрнидан турди.*

Ҳа, бобосининг заковати ва кашфиётчилигига тан бериш керак.

## ТЎҚСОН ОЛТИНЧИ БОБ

Сайлас енгил турткидан уйғониб кетгандай бўлди.

У қанча ухлаганини ҳам, нимадан уйғонганини ҳам билмасди. «*Туш кўрдим шекилли*», деб ўйлади. Сомон тўшакка чўккалади ва атрофга қулоқ тутди. Биринчи қаватда кимдир овоз чиқариб ибодат қилаётган экан.

Сайласнинг кўнгли барибир хотиржам эмасди. «*Кимдир изимдан тушган бўлса-я?*» Лекин ҳовлида ҳеч ким йўқ, атроф жимжит эди. «*Нимага асабийлашяпман ўзи?*»

Ойнадан бошини чиқариб, теваракни синчиклаб кузатди. Бутали тўсиқ ортида полиция машинасининг томи кўриниб турарди. «*Жин урсин!*» Йўлакда кимдир юриб келиб, эшик тутқичини тортди.

Қўлида тўппонча ўқталган полициячи хонага эндигина кириб келаётган ҳам эдики, Сайлас зарб билан эшикни итариб юборди. Полициячи ҳам, унинг ортидан келаётган шериги ҳам йиқилиб тушишди. Биринчи полициячи ўзини ўнглаб, ўқ узишга шайланди, Сайлас эса ўзини ўша томонга отиб, унинг тиззасига ўхшатиб тепди. Ўқ нақ бошининг устидан ўтиб кетди. Бу пайт иккинчи полициячи ўрnidан тураётган эди, қорнига тушган тепкидан букчайиб қолди. Сайлас биргина ич кўйлақда ўзини йўлакка урди.

Биринчи қаватта тушганида дарвозадан полициячилар кириб келаётганини кўриб, орқасига югурди. Аввалига аёллар бўлими, кейин ошпазлару идиш ювувчиларнинг капалагини учириб ошхонадан ўтди. Торгина йўлак охирида кўчага олиб чиқувчи эшик бор эди. У эшикни очдию ичкарига кирмоқчи бўлган полициячига урилиб, икковлари ҳам ерга думалаб тушишди. Полициячининг қўлидаги тўппонча қаёққадир учиб кетди. Орқадан яна кимдир бақирганча югуриб чиқаётган эди. Сайлас дарҳол ўрnidан туриб, тўппончани қўлига олди. Аммо рўпарадан отилган ўқ унинг қовурғасига текканди. Ғазаб ва офриқдан кўзига қон тўлган Сайлас уч нафар полициячини отиб ташлади.

Шу пайт тепасида қандайдир соя кўринди ва кучли қўллар уни маҳкам сиқиб, нақ қулоғининг тагида бақирӣқ эшитилди:

– Сайлас, йў-ўқ!

Сайлас ўтирилдию ўқ узди.

Епископ Арингароса кўлмак устига шалолаб йиқилди.

## ТЎҚСОН ЕТТИНЧИ БОБ

Вестминстер аббатлигига уч мингдан ортиқ киши дафн этилган. Жоме ичи қироллар ва қирол оиласи аъзолари, давлат арбоблари, олимлар, шоирлар, мусиқачилар, хуллас, кўзга кўринган шахсларнинг қабрлари билан тўла. Европа меъморчилигига хос услубда барпо этилган Вестминстер аббатлиги на кафедрал жоме ва на оддий черков ҳисобланади – бу ўзига хос «қироллик черкови». Бу ерда ҳукмдорларнинг тахтга ўтириш маросимлари ҳам ўтказилган. Ана шундай маросимнинг биринчиси 1066 йилнинг

Рождество байрамида, Музаффар Вилгелм шарафига бўлиб ўтган эди. Кейинроқ ибодатхона турли-туман шоҳона, давлат ва диний маросимларнинг гувоҳи бўлди

Роберт Лэнгдонни бу ерда рицар Исаак Ньютоннинг қабридан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди.

Улуғвор пештоқ остидан ўтган Лэнгдон ва Невё кўриқчиларга дуч келишди. Улар меҳмонларни хавфсизлик қурилмасидан ўтишга таклиф қилишди. Бунақанги қурилмалар Лондондаги аксар тарихий обидаларга ўрнатилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Улар жоме маркази томон йўл олишди.

Аббатлик остонасидан ўтиши билан Лэнгдон ўзини худди бошқа оламга тушиб қолгандай ҳис қилди. Атроф жимжит, машиналарнинг шовқини ҳам, ёмғирнинг шитирлаши ҳам эшитилмайди. Сассизлик кишини ўзига оҳанрабодай тортади, салобатли иншоот қулоққа ниманидир пичирламоқчидай. Кулранг тошдан ясалган баланд устунлар ҳам, баҳайбат гумбазлар ҳам бу ерга келган ҳар бир зиёратчида чексиз ҳайрат уйғотади.

– Ҳеч ким йўғ-а, – шивирлади Софи.

Чиндан ҳам атроф кимсасиз эди. Қайтанга одамлар кўп бўлгани яхшийди. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Оломон ичида киши ўзини хавфсизроқ сезади. Лэнгдон бу ерга охириги марта ўтган йили ёзда келганди, ҳозир эса апрел, бунақанги йиғлоқи ҳавода ким ҳам кўчага чиқарди.

– Биз ҳозиргина хавфсизлик қурилмасидан ўтдик, – эслатди Софи. – Демак, ичкарига кирган одам қуролланган бўлиши мумкин эмас.

Лэнгдон бош ирғаса-да, Софининг сўзлари уни барибир хотиржам қилолмади. У аббатликка Лондон полициясини чақирмоқчийди, лекин ишга капитан Фаш аралашгани учун Софи кескин қаршилиқ билдирди. “*Биринчи бўлиб қиладиган ишимиз криптексни топшиш, – деди у. – Криптекс ҳамма нарсанинг калитидир*”.

Ҳа, у ҳақ.

Тибининг соғ-саломат қайтиши учун калит.

Граал сирининг калити.

Бу ишларнинг ортида ким турганлигини билиш учун калит.

Афсуски, бу калитни айнан ҳозир, Исаак Ньютон қабридан топишга тўғри келади. Криптексни ўғирлаган одам ҳам шу ерга келиши тайин, охирги калит сўзни топиш учун. Ишқилиб, у чақ-қонлик қилмаган бўлсин-да. Лэнгдон ва Невё барибир умид узишгани йўқ.

Лэнгдоннинг кўз ўнгидан Тибингнинг қўл-оёғи боғланган ҳолати кетай демасди. Сион Приорати раҳбарларини бир кечада йўқ қилган одам унга қаршилиқ кўрсатган ҳар кимни тап тортмай ўлдириб юборавериши мумкин. Тақдирнинг ачиқ ҳазилини қаранг, Британия рицари унвонини олган Тибинг ўз ватандоши, яна бир рицар Исаак Ньютоннинг қабрини топмоқчи бўлганида гаровга олинди.

– Қабр қаердайкин? – сўради Софи атрофга аланлаганча.

– Шу ерда хизмат қиладиганлардан сўраб кўриш керак. Улар қизил сутанада юришади.

– Лекин атрофда зоғ кўринмайди-ку. Балки қабрни ўзимиз топишга уриниб кўрармиз?

Вестминстер аббатлиги ўз замонасининг меъморчилик анъаналари руҳида – улкан хоч шаклида қурилган эди. Луврнинг Катта галереясидаги каби бу ерда ҳам кириш жойи фақат битта бўлиб, қайтиб чиқиши учун бир оз тер тўкишга тўғри келади. Чунки саноқсиз мақбаралар, катта-кичик бутхоналар, даҳма учун қазилган ўралар орасида адашиб қолиш ҳеч гап эмас.

Лэнгдон лом-мим демай, олдинга бир неча қадам юрди ва ўнг томонга ишора қилди.

– Тушунарли, – деди Софи. Бинонинг ички қисми катталигидан у ҳайрон бўлиб қолганди. – Бизга албатта йўлбошчи керак.

\* \* \*

Устоз Исаак Ньютон қабрини ўн дақиқача томоша қилиб турди.

Қора мрамрдан ишланган тобут устида олим ҳайкали мағрур қад ростлаган, ўз асарлари – “Фалсафанинг математик ибтидо-си”, “Оптика”, “Илоҳийёт” ва ҳоказолардан мамнунлиги юз қиёфасидан яққол кўриниб турибди. Ҳайкалнинг шундоққина орқасида эса каттагина, оддий эҳром ўрнатилган эди. Устоз эҳромга эмас, унинг марказидаги айланага эътибор қаратди.

Унинг фикри-зикри Жак Соньер қолдирган жумбоқда эди.

Қабрнинг золдирини топ...

Эҳромдаги айлана ичида турли самовий жисмлар – юлдузлар, кометалар, сайёралар ва бурж белгилари бўртма тарзда ишланган эди.

Устоз авваллари қабрни топгач, золдир ёки айланани топиш муаммо бўлмайди деб ҳисоблар эди. Энди эса нотўғри ўйлаганига иқрор бўлиб турибди. У самовий жисмлар харитасига синчковлик билан тикилди: бу ерда қайси сайёра етишмаяпти экан? Эҳтимол, бирор юлдузлар туркумида битта жисм камдир? Устоз жумбоқнинг жавоби шу ерда эканлигини биларди, лекин қайси золдирни излаш кераклигига ақли етмаётган эди. Ахир Граалга етишиш учун фалакшуносликдан аллома бўлиш талаб қилинмас.

Қабрнинг золдирини топ. Атиргул ҳам бор –

Бил, ҳосилдор ғовакка ишора тақрор.

Устоз қабрнинг ҳар бир қаричини диққат билан кўздан кечира бошлади. Ҳайкални, унинг тагида ўрам кўтариб турган митти фариштачаларни, эҳромни, айлана ичини, хуллас ҳамма ёқни текшириб чиқди. «Қайси золдир етишмаяпти бу ерда?» У чўнтаги мрамор криптексни ушлаб қўйди, худди ушлаб турса жумбоқнинг жавоби топилиб қоладигандай. «Граалдан мени алақандай бешта ҳарф ажратиб турибди-я!..»

У чуқур нафас олди ва бош меҳробга олиб борувчи йўлқадан узоққа тикилди. Қизил сутанали роҳиб қўлини бу томонга силкитганча икки кишига алланималарни тушунтирар эди.

Невё ва Лэнгдон-ку!

Улар қабрни албатта топишларини биларди, лекин бунчалик тез келишади деб умуман ўйламаганди.

«Нима бўлгандаям, криптекс менда-ку».

Балки Лэнгдон калит сўзни билар, у ҳолда озгина босим кўрсатилса, тамом, Устоз ўз мақсадига эришади.

Лекин бу ишни ибодатгоҳда амалга ошириб бўлмайди.

Холироқ жойга бориш керак.

## ТЎҚСОН САККИЗИНЧИ БОБ

Лэнгдон дам даҳмага, дам эҳром айланасидаги саноқсиз самовий жисмларга тикиларди.

*Қабрнинг золдирини топ...*

Бу иш сомонхонадан игна қидириш билан баробар-ку.

– Бурж белгилари ҳам бор экан, – деди Софи. – Эсингизда-ми, менга Балиқ ва Қовға ҳақида гапириб бергандингиз?

Профессор бош ирғади.

– Ўтган минг йиллик Балиқ буржи даври эди, янгиси эса Қовға буржи остида бошланди. Сион Приорати худди шу тарихий паллада Сангрил ҳужжатларини ошкор этишни мўлжаллаган. Янги минг йиллик бошланиб бўлди, биродарлик эса бу ҳақида лом-мим дегани йўқ.

Охирги жумбоқнинг жавоби осмон жисмлари ва ҳодисалари билан боғлиқ бўлмаслигини у ич-ичдан ҳис қилиб турарди. Жак Соньернинг аввалги топишмоқларига топилган жавоблар тамомилан рамзий маънога эга эди: «Мона Лиза», «Мадонна ғорда» ва ниҳоят «СОФИЯ». Само жисмлари, уларнинг йўлдошлари ҳаракатланишида эса рамзийлик бўлиши мумкин эмас, улар аниқ қонунларга риоя қилади. Лэнгдоннинг ишончи комил, Граал сирини очувчи сўнгги калит сўз оддий ва очиқ-ойдин бўлиши керак. Ечим шундоққина юзада, фақат...

– Қаранг! – ҳаяжон ичида қичқирди Софи мрамор тобутга тикилиб. Ёдгорликнинг оёқ томонида нимадир қорайиб турарди. – Бу ерга биздан олдин кимдир келибди.

Лэнгдон унинг хавотирига парво қилмади. Шунчаки, сайёҳлардан бири қаламини унутиб қолдирибди. У эгилиб қаламини олмақчи бўлди-ю, Софининг ҳаяжони беҳуда эмаслигини тушунди: мрамор устида қора қалам билан ёзилган сўзлар ялтирар эди.

*Тибинг менда. Чептер-Хаус орқали боққа боринглар.*

– Тибинг тирик экан, – деди Лэнгдон ёзувни икки марта ўқиб чиққач. – Яна бир яхши хабар, улар ҳалигача калит сўзни билишмайди.

Тўғри-да, акс ҳолда улар учрашув тайин қилишмаган бўлишарди.



– Балки улар Тибингни калит сўзга алмаштириш ниятидир?  
Ёки бу тузоқмикан?

Лэнгдон бош чайқади.

– Бундай деб ўйламайман. Боғ аббатлик ташқарисида, гавжум жой. Демак, биз хавфсизликда бўламыз.

– Аббатлик ташқарисидами? У ерга кириш учун хавфсизлик қурилмасидан ўтилмас экан-да?

Лэнгдон бу жиҳатни эътиборга олмаган эди. У ҳайкалга тикилганча калит сўзни топа олмаётганига афсусланди. «*Льюни бу машини мен тортдим, энди унинг овоз бўлиши учун ҳар нарсани қилишим керак*».

У қабрдан бир неча қадам узоқлашиб, атрофга аланглай бошлади. Улар жомега кириб келган жойнинг рўпарасида қоронғи йўлак кўринди, тепасига эса ёзувли тахта илинган экан:

БУ ЕРДАН:

Монастир

Бош руҳоний уйи

Коллеж зали

Музей

Инъом сақлаш хонаси

Сент Фейт бутхонаси

Чептер-Хаусга

ЎТИШ МУМКИН

Лэнгдон ва Софи шундай шошиб юришар эдики, кираверишга осилган, майда ҳарфлар билан ёзилган яна бир эълонни кўрмай қолишди. Чептер-Хаус таъмир учун ёпилган эди.

Улар баланд деворлар билан ўралган ҳовлига чиқишди. Ёмғир эринмай ёғяпти. Тепадан қора булутлар учиб ўтар, шамол ваҳимали увилларди. Улар бутун ҳовли бўйлаб чўзилган айвонга кириб олишди ва девордаги кўрсаткичларга қараб кираверишди. Рўпарада, тахминан қирқ ярдча нарида Чептер-Хаусга ўтиладиган равоқ кўринди. Лекин кириш жойи пастак панжара билан тўсилган бўлиб, унга ёзувли тахтача илинган эди:

ЧЕПТЕР-ХАУС ТАЪМИР УЧУН ЁПИҚ

Панжарани айланиб ўтиб, бинонинг баҳайбат ёғоч эшигидан ичкарига қадам қўйишди. Бир пайтлар Буюк Британия парламен-

ти йиғилган ушбу улкан зал деразаларидан мўл-кўл ёруғлик туншаётган эди. Бир нечта қоронғи йўлақлардан кейин бу ерда одам ўзини қандайдир енгил сезар экан. Софи ва Роберт атрофга аланглаб, боққа чиқадиган эшикни қидира бошладилар. Баҳорни қарши олаётган боғ деразадан кўриниб турар, лекин у ерга ўтиладиган эшик кўринмасди.

Улар нима қилишни билмай, ҳафсалалари пир бўлганча бир неча дақиқа туриб қолишди.

Эшикнинг гичирлаб очилиши, кейин эса тарақлаб ёпилиши уларни ортга ўтирилишга мажбур қилди.

Паст бўйли, тўладан келган киши кичкинагина тўппончасини ўқталиб турарди.

«Туш кўряпман чоғи», ўйлади Лэнгдон.

– Лью?..

## ТЎҚСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Лью Тибинг дарғазаб кўз қисганча уларни “Медуза” револьверидан мўлжалга олган эди.

– Дўстларим, кеча уйимга кириб келганингиздан бошлаб кўнгилсизликларга рўбарў бўлмаслигингиз учун бор кучим билан ҳаракат қилдим. Ўзингиз кўриб турибсизки, қайсар феълингиз бошингизга етди, – у мутлақо кутилмаган хиёнатдан тахтадек қотиб қолган Софи ва Лэнгдонга тикилиб турарди. – Ишонинглар, сизларни бу ишга умуман аралаштирмоқчи эмасдим, лекин ўзингиз олдимга келдингиз.

– Лью? – ниҳоят Лэнгдон тилга кирди. – Нималар бўляпти ўзи? Бу ерга сизга ёрдам бериш учун келгандик.

– Келишингизга зиғирча шубҳа қилмагандим. Сизлар билан кўп нарсаларни муҳокама қилиб олишимиз керак. Яхшилаб кулоқларингизга қуйиб олинглар, агар сизларга қарши бад ниятим бўлганда эди, алақачон асфаласофинга жўнатиб юборардим. Мен эса аксини қилдим. Янги минг йиллик кириб келса-да, Сион Прорати Сангрил ҳужжатларини ошкор этмаслигини билгач, кескин чоралар кўришга мажбур бўлдим. Да Винчи, Ботичелли, Ньютон

каби даҳолар бу хазинани асраб-авайлаш учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар. Ҳақиқат они яқинлашгач эса Жак Соньер биродарликнинг қарорини ўзгартириб юборди.— Тибинг Софига ўтирилди.— У Граалга, Сион Приоратига хиёнат қилди.

—Сизми?!— чинқириб юборди Софи. — Бобомни сиз ўлдирдингизми?

—Бобонгиз ҳам, унинг ноиблари ҳам хиёнаткор! У Черков тазйиқига чидай олмади.

Софи бошини сарак-сарак қилди.

—Черковнинг бобомга босим ўтказиши мумкин эмас.

—Азизам, черковнинг бу борада тажрибаси катталигини унутмаслик лозим. У икки минг йил давомида ҳақиқатни ошкор этмоқчи бўлганлар билан курашиб келди. Шу тариқа император Константин давридан то шу кунгача Исо Масих ва Мария Магдалинанинг асл муносабатлари сирлигича қолмоқда. Рухонийлар бутун дунёни ғафлатда сақлашга уриниб ётишганига ҳайрон бўлмаслик керак. Тўғри, Черков энди динсизларга қарши салб юришлари уюштирмаяпти, бироқ бу билан унинг таъсири камайиб қолганича йўқ, тажовузкорлиги ҳам.— Тибинг бир неча сония жим қолди. — Невё хоним, адашмасам, бобонгиз сизга оилангиз ҳақида бор ҳақиқатни айтиб бермоқчи эди.

—Сиз қаердан биласиз?!

—Бу унча муҳим эмас. Билиб қўйинг, ота-онангиз, бувингиз ва уқангизнинг ўлими тасодиф эмас.

Унинг гаплари Софини эсанкиратиб қўйди. Гапирмоқчи бўлдию, томоғига нимадир тиқилди.

—Нима демоқчисиз? — сўради Лэнгдон.

—Ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турибди-ку, Роберт! Черков Граал сирини яшириш учун қотилликдан тап тортмаслиги аниқ. Улуғ уста Жак Соньернинг ўлими эса бошқаларга ибрат бўлиши керак. Тилини тийиб юришга тўғри келади, акс ҳолда навбатдаги қурбонга айланиб қолиш ҳеч гап эмас.

—Лекин улар автоҳалокатга учрашган,— деди Софи юраги эзилиб. — Бахтсиз ҳодиса бу!

—Ёш бола учун ўйлаб топилган эртақдан бошқа нарса эмас, — жавоб қайтарди Тибинг. — Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, оиланинг

фақат икки аъзоси – бобо ва набира тирик қолишган. Биродарликни назорат қилишнинг энг яхши усули-ку. Сўнгги йиллар давомида Черков бобонгизга қанчалар зуғум ўтказганини тасаввур қилиш қийин эмас. Агар Соньер ҳужжатларни ошкор этишга уринганида борми, ягона неварасидан айрилиб қоларди. Шунинг учун ҳам у Приоратнинг қарорини ўзгартиришга мажбур бўлди.

– Лекин, Лью, – Лэнгдон анча ўзига келиб қолганди, – бу қотилликларда айнан Черковнинг қўли борлигини, Приоратни тазйиққа олганини тасдиқловчи далилларингиз йўқ-ку.

– Сизга яна қанақанги далил керак? Ахир янги минг йиллик бошланиб бўлди, дунё эса ҳамон ғафлатда!

– Демак, сизнингча Соньерга босим ўтказишган ва сиз уни ўлдирдингиз, шундайми? – сўради Лэнгдон.

– Лекин тепкини мен босганим йўқ. Соньер анча аввал, Черков уни оиласидан жудо қилган кунда ўлган. Энди эса у виждон азобидан ҳам холи. Дунё бундан кейин ҳам ғафлатда қолиши керакми? Черков ўзининг ёлғонлари билан одамлар онгини заҳарлайверсинми? Қотиллик, зуғум ва зўравонликларини давом эттираверсинми? Йўқ, буларга чек қўйиш керак! Жак Соньернинг хатосини, мана биз, учовимиз тўғрилаймиз, муқаддас вазифани унинг ўрнига биз адо этамиз.

Софи ўз қулоқларига ишонмасди.

– Биз сизга ёрдам берамизмикан?

– Азизам, ҳужжатлар ошкор этилмаслигига айнан сиз сабабчисиз. Бобонгизнинг сизга бўлган муҳаббати уни кўрқоқ, Черковга қарши курашолмайдиган даражада ожиз қилиб қўйди. У ҳеч қачон ҳақиқатдан сўз оча олмасди, чунки сиз унинг оғзини ёпиб ташладингиз, қўл-оёғини боғлаб қўйдингиз. Энди сирни очиш сизнинг бурчингиз, бу ишни Жак Соньер хотираси учун қилишингиз керак.

Лэнгдон Софига кўз қири билан қаради. Софининг юзи кўрқувдан оқариб кетган эди. “*Приорат сирни ошкор этмаслиги учун Черков унинг оила аъзоларини ўлдирганмикан?*” Бу гапга ишониш қийин. Бу фожианинг бошқа сабаби бўлиши керак.

– Келинг, Софини қўйиб юборайлик, – деди Лэнгдон. – Кейин сиз билан келишиб олаверамиз.

Тибинг хунук ишшайди.

–Менимча, бунга йўл қўя олмайман. Лекин бошқа таклифим бор, – у бўш қўли билан чўнтагидан криптексни чиқариб Лэнгдонга узатди.

Профессор жойидан жилмади.

“Лью пойдевор тошини бизга беряптими? Бўлиши мумкин эмас!”

– Олсангиз-чи!

– Сиз уни очиб, харитани олдингизми?

– Эҳ, Роберт! Агар бу жумбоқни бир ўзим ҳал қила олганимда эди, ҳозир бу ерда қорамни кўрмаган бўлардингиз. Тан олиб айтаманки, мен жавобни билмайман. Аббатликка кириб келганингизни кўрганимдаёқ тушуниб етдим: сизлар менга ёрдам бера-сизлар. Граал бизларни бирлаштирди.

Тибинг чиройли нутқ сўзлаётган бўлса-да, ўқталган тўппончасини бир зумга ҳам туширмасди. Лэнгдон бир қадам олдинга босди ва унинг қўлидан криптексни олди. Мармар цилиндр билқиллаб кетди, чиндан ҳам ҳали очилмабди.

Лэнгдон Тибингнинг кўзларига тик қаради:

–Агар уни ерга уриб, синдириб ташласам-чи?

– Одамнинг кулгисини қистатманг. Темпл черковида ҳам шунақа таҳдид қилгандингиз, лекин ўша дўқлар ҳам ёлғондакам эканлигини билардим. Қўлингизда икки минг йиллик сирнинг калити турибди. Айнан шу сир учун минглаб рицарлар гулханда тирик-лайн ёқиб юборилган. Сиз уларнинг руҳи олдида масъулсиз. Фурсат келди, сир ортиқ сирлигича қолмаслиги керак.

– Лью, сизга ёрдам бера олмайман, чунки криптексни қандай очишни билмайман. Калит сўзни билганимда ҳам айтмасдим.

– Айтмайсизми? – хўрсинди Тибинг. – Тўғриси, мени ҳайрон қолдирдингиз. Олдимда қанчалар қарздор эканлигингизни тушуниб етмаган кўринасизлар. Сизларни Виллет саройига келганингиз заҳоти Реми билан бир ёқли қилсам бўларди. Мен эса ўзимни хатарга қўйиб, сизларга олижаноблик қилдим.

– Ҳали олижаноблик қилдим деб ўйлаяпсизми? – Лэнгдон тўппончага қараб қўйди.

– Ҳаммасига Соньер айбдор. У ва унинг ноиблари Сайласга ёлғон гапиришмаганида пойдевор тошини ҳеч қандай қийинчи-

ликларсиз қўлга киритган бўлардим. Унинг мени алдашини ва пойдевор тошини унга умуман алоқаси бўлмаган неварасига бериб юборишини қаердан билибман? Эътироф этишим керак, Роберт, сиз маълум даражада мушкулимни осон қилдингиз.

“Энди нима қилиш керак? Унга ёрдам берайми?” – ўйлаб қолди Лэнгдон. – *Ҳақиқатдан ҳам бизларни кўп нарса боғлаб турибди”.*

– Соньер жон бераётиб нома қолдирганини билганимдаёқ, сизда Приорат билан боғлиқ қимматли маълумот борлигини фаҳмлаганман. Бу маълумот пойдевор тоши ҳақидами ёки уни қаердан излаш ҳақидами, бунисини билмасдим. Полиция изингизга тушгач эса, айнан менинг олдимга келишингизга ишончим комил эди.

– Агар бормаганимизда-чи?

– У ҳолда сизларга ёрдам бериш режасини тузиб қўйгандим. Хуллас, нима қилиб бўлсаям, пойдевор тоши Виллет саройига олиб келиниши керак эди. Сизларнинг кириб келишингиз эса, менинг ҳақлигимни исботлади.

– Нима?! – ғазаб билан бақирди Лэнгдон.

– Режага кўра, Сайлас Виллетга кириб, сизларга озор етказмай, тошни тортиб оларди, мен эса гумондан холи бўлардим. Бироқ Соньернинг жумбоқларини кўргач, икковингизни ҳам вақтинча ўйинда қолдиришга қарор қилдим. Сайлас тошни кейинроқ ҳам тортиб олиши мумкин эди.

– Темпл черковида, – Софининг овозида хиёнаткорга нисбатан чексиз нафрат янгради.

“Ҳаммаси ўз изига тушяпти”, ўйлади Тибинг.

Темпл черкови Софи ва Лэнгдондан пойдевор тошини тортиб олиш учун энг қулай жой эди. Уларни ибодатхонага олиб келиш учун эса Соньернинг шеъри қўл келди. Афсуски, Лэнгдоннинг пойдевор тошини синдириш ҳақидаги пўписаси Ремини кўрқитиб юборди ва у яшириниб ўтирган жойидан чиқиб келди. *“Агар ўша аҳмоқ панадан чиқмаганида эди, бари бошқача бўларди. Реми мен билан боғланган ягона ҳалқа эди ва у юзини кўрсатишга журъат этди!”*

Бахтига, Сайлас унинг асида ким эканлигини билиб қолмади. Бечора роҳиб кекса тарихчининг гаровга олиниш саҳнасига чип-

па-чин ишонди. Реми салон ва ҳайдовчи кабинаси ўртасидаги ойнаванд тўсиқни кўтариши билан Тибинг унга кўнғироқ қилиб, одатдагидек, французча гаплашган ва Лондондаги “Дея асари” қароргоҳига боришни буюрганди. Ундан қутулиш учун эса полицияга қилинган биргина кўнғироқ кифоя бўлди.

Ремидан воз кечиш эса қийин эди.

У бир неча бор ўзининг садоқатини намоёйиш эта олган. Бироқ Тибингнинг бошқа чораси йўқ эди. “Граални излаш ҳар доим ҳам қурбон талаб қилган”. Лимузиндаги мини барда коньяк шишаси ва ер ёнғоқ қутиси бор экан. Қутича тагида озгинагина толқон Ремининг бўғилиб ўлишига етиб ортди. Чунки унинг ер ёнғоққа аллергияси бор эди. Ремининг жони узилгач, Тибинг орқа ўриндиққа ўтди ва барча далилларни йўқ қилди.

Вестминстер аббатлиги узоқ эмасди. Унинг металлдан ишланган қўлтиқтаёқлари ва чўнтагидаги “Медуза” револьвери киришдаги хавфсизлик қурилмасини ишга тушириб юборди. Қўриқчиларда ҳам инсоф бор, ундан қўлтиқтаёқларни ташлаб, қурилмадан яна бир бор ўтишни талаб қилишмайди-ку. Устига-устак, Тибинг рицарлик унвонини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатди. Қўриқчилар ногирон рицарни иззат-икром билан киритиб юборишди.

Энди эса қаршисидаги Лэнгдон ва Невёга ўзининг Насроний черковини фош қилиш борасидаги айёрона режасига “Дея асари”-ни ҳам тортганини тан олишдан базўр тийилди. Ҳозир ишни ниҳоясига етказиш керак.

—Mes amis,— деди Тибинг соф француз тилида, — vous ne trouvez pas le Saint-Graal, c'est le Saint Graal qui vous trouve.\*— У жилмайди.— Йўлимиз бир экан, Граал бизларни бирлаштирди.

Софи ва Лэнгдон жавоб беришмади.

— Наҳотки Граалнинг асрлар қаъридан келаётган овозини эшитмаяпсизлар? Ахир у ёрдам сўраяпти. Бу ёруғ оламда калит сўзни топиб, криптексни оча оладиган одам топилмайди. Биз бир-биримизга содиқ қолишга ва буюк сирни ошкор этишга қасамёд қилишимиз керак.

—Хеч қачон бобомнинг қотилига содиқ бўламан деб қасам ичмайман, — ўқрайди унга Софи. — Фақат бир нарсага қасам ичи-

шим мумкин: сизни панжара ортига жўнатиш учун барча имкониятларимни ишга соламан.

Тибингнинг қовоғи уюлиб кетди.

– Бундай қарорга келганингиздан афсусдаман, хоним. – Кейин эса Лэнгдондан сўради: – Сиз-чи, Роберт? Мен биланмисиз ёки менга қаршимисиз?

## ЮЗИНЧИ БОБ

Беш ой муқаддам олинган мудҳиш хабар епископ Арингаросани тамомила гангитиб қўйди. Гандольфо қасридаги учрашув ҳар бир икир-чикиригача ҳамон ёдида. Ҳаммаси ана ўшандан бошланган.

Мануэл Арингароса Гандольфо қасрининг Фалакшунослик кутубхонасига кириб бораркан, бошини мағрур тутган эди. Ҳозир уни мақтовларга кўмиб ташлашади, қўлини сиқиб чин юракдан табриклашади, Америкада католик мазҳабини ёйишга қўшган улкан ҳиссаси учун муносиб тақдирлашади.

Лекин ичкарида ҳеч қандай тантанадан асар кўринмади. Уни кутиб олган Ватикан котиби ҳам, ёнидаги икки кардинал ҳам хўмрайиб ўтиришибди.

– Марҳамат, ўтиринг, епископ, – илтифот кўрсатди котиб.

Арингаросанинг юраги шув этди.

– Мен расмиятчиликни ёқтирмайман, шунинг учун биратўла ишга ўта қолсак. Сизни бу ерга нима учун чақирганимизни тушунтириб берсам.

– Бажонидил эшитаман.

– Ўзингиз ҳам биласиз, Ҳазрати олийлари “Дея асари” хатти-ҳаракатлари сиёсий оқибатларга олиб кетаётганидан қаттиқ хавотирдалар.

Арингарос фикрини қўйди. Бунга ўхшаш гапларни янги понтификдан кўп бора эшитган.

– Шундай бўлса-да, у киши ташкилотингиз фаолиятига кескин ўзгартиришлар киритиш ниятида эмаслар.

– Хўш, унда мени нима учун чақирдиларинг?



Хўппа семиз котиб хўрсинди.

– Муҳтарам епископ, гапни чувалатмай, тўғриси айтиман. Икки кун аввал Ватикан котиблар кенгаши “Дея асари”ни Ватикандан ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

– Кечирасиз, тушунмадим?..

– Хуллас, роппа-роса олти ойдан кейин “Дея асари” Ватикан прелатурасига кирмайди. Понтифик ҳам бу қарорни қўллаб-қувватладилар.

– Лекин... бунинг иложи йўқ!

– Ҳуда ҳам иложи бор ва шундай қилиш керак. Понтификка ташкилотингиз сафи қинғир йўллар билан кенгайтирилиши, аъзолар орасида “ўз-ўзини азоблаш” каби одатлар ўтказилиши ва аёлларга нисбатан муносабатингиз умуман ёқмаяпти, – котиб бир неча сония сукут сақлади. – Очигини айтмай, “Дея асари” Ватикан учун ташвишга айланиб қолди.

– Ахир “Дея асари” энг тез ривожланаётган католик ташкилоти ҳисобланади! Рухонийларнинг ўзи ўн бир мингдан ортиқ.

– Тўғри, – деди кардиналлардан бири, – ва бу бизни хавотирга солади.

Епископ ўрндан сапчиб турди.

– Сиз яхшиси, Ҳазрати олийларидан 1982 йили Ватикан банкига кўрсатган ёрдамимиз ҳам ташвиш келтирмаганмикан, шуни сўраб кўринг.

– Ватикан бунинг учун сизлардан доимо миннатдор, – жавоб қайтарди котиб ижирғилангандай. – Бизнингча, шахсий прелатура мавқеини олишингизга айнан ўша молиявий ёрдам сабабчи бўлган.

– Ёлғон!

– Биз қарзимизни қайтаришга тайёرمىз.

– Нима, менга пул бериб қутулмоқчи бўлдиларингми? Мен папа билан кўришишим керак!

– Менимча, у сизни ортиқ кўрмоқчи эмас...

Мануэл Арингароса Нью-Йоркка қайтгач, бир неча кун ўзига келолмади. У фақат насронийлик келажаги ҳақида ўйларди.

Қутилмаганда кимдир унга қўнғироқ қилиб, француз тилида гаплашди. У ўзини прелатурада катта мартаба эгаси – Устоз деб таништирди.

– Ватиканнинг режасидан хабарим бор, – деди Устоз епископни ҳайрон қолдириб. – Мен ҳаммасини биламан. Сизнинг ёрдамингизда чексиз ҳокимият инъом этадиган муқаддас хазинани топмоқчиман. Ана ўшанда Ватикан қаршингизда тиз чўқади, “Дея асари”га ҳам, эътиқодингизга ҳам ҳеч нарса соя солмайди.

– Бунинг учун нима қилишим керак?..

## БИР ЮЗ БИРИНЧИ БОБ

*“Сиз мен биланмисиз ёки менга қаршимисиз?..”*

Бу вазиятдан чиқишнинг энг маъқул йўли – сукут сақлаш.

Лэнгдон Тибингга орқа ўтирганча дераза томон йўналди.

У Ньютоннинг қабри, ундаги самовий жисмлар ҳақида ўйларди. Софини албатта қутқариш, бунинг учун эса калит сўзни топиш керак.

*“Майли, ўйлаб олаверсин, – хаёлидан ўтказди Тибинг. – Олим одамнинг пешонасига тўппонча тираганинг билан бирор нарса-ни ҳал қилиб беролмайди”.*

У ўз режасини кеча, Лэнгдон ва Соньер учрашмоқчи бўлган пайтда амалга ошира бошлади. Нозир суҳбатларини хуфёна пойлашдан шу нарса аниқ бўлдики, профессор Приоратга оид сирдан ўзи билмаган ҳолда воқиф бўлган. Соньер эса уни ҳақиқатни ошкор этмасликка кўндирмоқчи, учрашувдан мақсад ҳам шу эди.

*“Улар ҳақиқатни жуда узоқ яшириб келишди. Етар энди!”*

Иложи борича тезроқ ҳаракат қилиш керак бўлди. Сайласнинг ҳужуми билан Соньерни тўхтатиб қолиш, яъни уни Лэнгдон билан учраштирмаслик ва пойдевор тошини қўлга киритиш кўзда тутилганди. Ҳужум уюштириш эса кўпам қийинчилик туғдирмади.

– Мен черков руҳонийсима, – ўзини таништирди Сайлас. – Сиз билан гаплашиб олишим зарур. Тўғри, тавба қилувчилар сирини ошкор этиш одобдан эмас, лекин ҳозиргина оилангиз аъзоларини ўлдирган одамнинг тавбасини эшитдим.

Соньер жавоб қайтаришга шошилмади.

– Улар автоҳалокатга учрашган.

– Жаноб, агар ўша одам сиз ва набирангиз ҳам хавф остида эканлигини айтмаганида, сизга қўнғироқ қилмаган бўлардим.

Хийла иш берди. Соньер Сайласдан дарҳол Луврга етиб келишини илтимос қилди...

“У барибир калит сўзни топади. Чунки Софини қутқармоқчи”.

– Қабр... – оҳиста сўз қотди Лэнгдон ва кўзлари порлади. – Ньютоннинг қабридан нима излаш кераклигини биламан. Мен калит сўзни топдим!

Тибингнинг юраги қаттиқ ура бошлади.

– Айтинг, нима у?

– Йўқ, Роберт! – қичқирди Софи. – Зинҳор айта кўрманг!

– Софини қўйиб юбормагунингизча, ҳеч нарса айтмайман, – Лэнгдон хиёнаткорга тик боқди.

– Роберт, жаҳлимни чиқарманг!

– Унинг кетишига рухсат беринг, бўлди. Кейин сизни Ньютоннинг қабрига олиб бораман ва биргалашиб криптексни очамиз.

– Мен ҳеч қаяққа кетмайман, – Софининг чиройли кўзлари ғазабга тўлганди. – Криптексни бобом менга қолдирган, уни очиш-очмасликни эса сизлар ҳал қилмайсизлар.

– Софи, ўтинаман, кетинг. Ахир ҳаётингиз хавф остида.

– Кетмайман. Криптексни менга беринг ёки уриб синдириг.

У бобомни ўлдирган одамнинг қўлига тушгунча йўқ бўлиб кетгани яхши, – у Тибингга юзланди: – Қани, энди отсангиз отаверинг! Бобом қолдирган омонатни ифлос қўлингизга топширмоқчи эмасман.

Тибинг уни мўлжалга олди.

– Йўқ! – Лэнгдон пойдевор тошини баланд кўтарди. – Агар ўқ узадиган бўлсангиз, мен уни синдираман.

– Мен билан ўйнашганингиз етар. Сиз ёлгон гапирдингиз, калит сўзини билмайсиз. Тошни яхшилиқча ерга қўйинг, сўзни эса ўзим бир амаллаб топиб оларман.

Энди унга дўқ-пўписалар ўтмаслиги аниқ эди. Бордию, пойдевор тоши унга ўтса, кейин ҳам ҳаётлари хавф остида қолмаслигига асло кафолат йўқ.

Лэнгдон қарор қабул қилди.

У аввал бошини кўтариб Чептер-Хауснинг улкан гумбазига қаради. Кейин эса сал эгилдида, криптексни кучи борича тепага ирғитди.

Лью Тибинг тепкини қандай босиб юборганини сезмай ҳам қолди. Ўқ профессорнинг нақ оёқлари остига тегди.

Тибинг тўппончани ҳам, қўлтиқтаёқларини ҳам ташлаб, қўлларини чўзганча олдинга интилди. *“Мен уни ушлаб қолишим керак! Барча орзу-умидларим криптекс ичига жо бўлган ахир!”*

У цилиндри маҳкам сиққанча ерга юзтубан йиқилди. Пойдевор тоши қўлидан сирғаниб чиқиб, ёнгинасига учиб тушди ва шу заҳоти ҳавода сирканинг аччиқ иси пайдо бўлди.

*“Йў-ў-қ!”*

Тибинг йиғлаб юбораёзди.

*“Ҳаммаси тамом. Граал йўқ энди”.*

Ақалли папируснинг қолдиқларини сақлаб қолиш ниятида криптексга ёпишди ва жон-жаҳди билан икки учидан тортди. Қизиқ... лаппаклар ажралиб кетди. Криптекснинг ичи эса бўм-бўш эди.

– Олма,\* – деди Лэнгдон лаппакларга терилган сўзга ишора қилиб. Софи эса қўлига тўппонча кўтариб олганди. – Момо Ҳаво тишлаган “зўлдир”. Муқаддас аёллик ибтидосининг емирилиш рамзи.

Ҳа, худди ўзи. Исаак Ньютоннинг қабрида етишмаган зўлдир, олимнинг бошига тушиб кетиб, ернинг тортиш кучи ҳақидаги қонун кашф этилишга сабабчи бўлган мева.

– Роберт, – ҳайрат ичида шивирлади Тибинг, – демак, сиз уни очибсиз-да? Харита қаерда?

Лэнгдон пиджагининг ич чўнтагидан папирус ўрамини олди, уни очди ва обдан кўздан кечира бошлади.

– Айтинг, Граал қаерга яширилган? – зорланди у. – Худо ҳаққи, ўтинаман!

Шу пайт эшик тарақлаб очилиб, Безу Фаш кўринди. У Софи ва Лэнгдонни кўриб, хотиржам тортди.

– Хайрият, тирик экансизлар. Айтганимни қилиб, полицияга боришларинг керак эди.

---

\*Инглиз тилида олма сўзи бешта ҳарфдан иборат – apple.

Залга кириб келган инглиз полициячилари Тибингнинг қўлига кишан солишди.

–Бизни қандай топдингиз? – сўради оғзи очилиб қолган Софи. Фаш Тибингга ишора қилди:

–У аббатликка кираверишда ҳужжатини кўрсатибди. Биз барча қўриқлаш хизмати ходимларини огоҳлантириб қўйгандик.

–У Лэнгдоннинг чўнтагида!– бирдан чийиллади Тибинг.– Граал қаерга яширилганини кўрсатувчи харита!

Лекин уни қўлтиғидан олиб, ташқарига судрай кетишди.

–Роберт! Айтинг, қаерда у?!

–Граал қаердалигини фақатгина муносиб кишилар билишади. Буни менга ўзингиз айтгандингиз, Лью.

## БИР ЮЗ ИККИНЧИ БОБ

Кенсингтон-гарденз паркини қуюқ туман қоплаган. Биров кўриб қолишини истамаган Сайлас оқсоқланган кўйи буталар орасига кирди. Шундоққина ҳўл майсага чўккалади, ярасидан оқаётган қонга парво ҳам қилмас, рўпарага маъносиз тикилиб ўтирарди.

У дуо ўқийтгандай қўлларини юқори кўтарди, ёмғир томчилари бармоқларидаги қон юқини ювиб тушар, териси ўзининг асл – оппоқ рангига кираётган эди. Ёмғир елкаларини тобора қаттиқроқ савалар, вужуди туман ичра эриб бораётганга ўшарди.

*«Мен арвоҳман».*

У дуо ўқирди. Бу дунёда билиб-билмай қилган гуноҳлари афв этилиши, Парвардигори оламнинг иноятига ноил бўлиш, руҳи абадий ҳаловат топиши учун дуо қиларди.

«Ё Тангрим, паноҳгоҳим епископ Арингаросанинг умрини зигеда қилгин! Унинг қиладиган ишлари ҳали бисёр».

Сайлас ўзини тобора енгил ҳис қиларди.

У кўзларини юмди ва ўзининг сўнгги дуосини ўқиди.

*«Худои таолонинг қудрати ҳам, марҳамати ҳам улуг».* Арингаросанинг овози эшитилгандай бўлди унга.

Сайласнинг юраги чексиз ҳузур туя бошлади.

Устози ҳар доимгидек ҳақ.

Куёш оқшомга яқин қизарган юзини кўрсатди. Йўллар, паст-баланд бинолар томларию дов-дарахтлар устига инган намлик аста селгий бошлади. Безу Фаш қаттиқ чарчаган эди, судралгудай бўлиб полиция идорасидан чиқиб, такси тўхтатди. Сэр Лью Тибинг оғиз кўпиртириб ўзининг айбсизлигини исботлашга уриниб ётибди. Унинг адвокатлари оёғи куйган товукдек питирлаб қолишади ҳали.

*“Телба. У ҳақиқий телба!”*

Бундай одам сувдан қуруқ чиқиш учун ўйлаб топган режанинг пухталигига тан бериш керак. У “Дея асари” ва Ватикан мавқеидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланган, қинғир ишларни эса унинг ўрнига аллақандай манқурт роҳиб ва таваккалчи руҳоний бажаришган. Омбор чордоғига эшитиш мосламаларини ўрнатгани-чи! Мажруҳ одамнинг унақанги жойга чиқолмаслиги аниқ. Суҳбатларни унинг хизматкори Реми пойлаб борган. Айнан Реми туфайлигина Тибингнинг бу ишга алоқадорлиги ва ҳақиқий башараси фош этилди.

*“Буларнинг барини ана шу телба қилганлигига ишониш қийин”.*

Лейтенант Колле Виллет қароргоҳидан юборган маълумотларни ўрганиб чиққач, капитан Фаш топқирлик бобида Тибингдан ўрганадиган жиҳатлар кўплигини тан олди. Жак Соньерга ишлатган ҳийласини, ҳойнаҳой, қадимги юнонлардан ўрганган бўлса керак. У нозирни саройига таклиф этиб, Луврда алоҳида “Да Винчи қаноти”ни ташкил этиш ташаббусини муҳокама қилишни билдирган. Таклифнома охирида эса камтаргина илтимос ҳам бор эди: *“Сиз ясаган робот рицар ҳақида кўп бор эшитганман, уни ўзингиз билан олиб келсангиз, жуда кўргим келяпти”.* Соньер илтимосни рад эта олмаган ва Реми Легелудек тушлик пайтида роботга миттигина аппаратни жойлаштириб қўйган.

Таксининг орқа ўриндиғида ўтирган Фаш кўзларини юмиб олди. *“Парижга жўнашдан олдин яна бир жойга кириб ўтсам ёмон бўлмасди”.* ўйлади у.

Авлиё Мария касалхонаси ходимлари жуда хушмуомала-да.

– Бизни жуда ҳайрон қолдирдингиз, – деди юзидан табассум тушмайдиган ҳамшира. – У дунёдан қайтиб келдингиз дейиш ҳам мумкин.

Епископ Арингароса ҳам кулимсираганча жавоб берди:

– Тангри таоло мени ҳар доим паноҳида асраган.

Ҳамшира муолажани тугатиб, уни холи қолдирди. Баҳор қуёши юзларини анчагина илтиб қўйди. Кечаги тун эса ҳаётидаги энг машғум воқеаларни бошидан кечирган эди.

У паркдан жонсиз танаси топилган Сайлас ҳақида ўйларди.

*“Илтимос, мени кечир, ўғлим...”*

Арингароса ўз режасига Сайласни ҳам тортганидан қаттиқ пушаймон эди. Кеча унга капитан Безу Фаш қўнғироқ қилиб, Сен-Сюльпис черкови роҳибасининг қотиллигида гумон қилинаётганини айтди. Телеянгликлардан яна тўрт қотиллик ҳақида хабар топгач эса фигони фалакка ўрлади. *“Нималар қилиб қўйдинг Сайлас? Қандай ҳаддинг сиғди бундай қилишга?”* У минг уринса ҳам Устоз билан боғлана олмади. Шунда епископ Устоз ундан ўз мақсадлари учун шунчаки фойдаланганини тушуниб қолди. Кейин содир бўлиши мумкин бўлган даҳшатли ҳодисаларнинг олдини олиш учун капитан Фашдан ёрдам сўради. Устоз яна бирор қотилликни буюрмасидан олдин Сайласни қўлга тушириш керак эди.

Арингаросанинг бутун танаси зирқираб оғриётган эди. Телевизорда таниқли инглиз олими сэр Лью Тибингнинг ҳибсга олингани тўғрисидаги янгиликни кўрсатишяпти.

*“Устоз ҳаммамизни ўзининг ногорасида ўйнатди”.*

Кўриниб турибдики, Устоз Ватиканнинг “Дея асари”дан халос бўлиш борасидаги ниятидан хабар топган ва режаларини бажариши учун епископ Арингаросани танлаган. Ундан бошқа яна ким Граал ортидан бунчалик ғайрат ва қайсарлик билан қувиши мумкин? Йўқотадиган нарсаси бор одам эмас, албатта. Қолаверса, афсоналарга кўра Граал ўзининг янги соҳибига чексиз ҳокимият ва куч-қудрат ато этаркан.

Лью Тибинг ҳақиқий башарасини ўта моҳирлик билан яширган.

– Кўринишингиз чакки эмас, муҳтарам епископ.

Бу хирилдоқ товуш эгасини дарҳол таниди.

– Хуш келибсиз, капитан.

Кўринишидан қаҳри қаттиққа ўхшаса-да, капитан жуда ғамхўр одам экан. У ётоққа яқинлашиб, оғир қора портфелни стулга қўйди.

– Менимча, бу сизники эди, шекилли.

Арингароса облигациялар солинган портфелга хижолат чек-  
кандай назар ташлади.

– Ҳа... катта раҳмат сизга. – У бир оз жимликдан сўнг нияти-  
ни ошкор этишга қарор қилди: – Агар малол келмаса, сиздан бир  
ўтинчим бор.

– Бажонидил.

– Буларни Сайлас Парижда ўлдирган одамларнинг оилаларига  
тарқатсангиз. Тўғри, уларга етказилган қалб жароҳатини ҳеч нима  
билан тузатиб бўлмайди, лекин илтимосимни бажо келтирсангиз,  
жуда миннатдор бўлардим.

Фаш бир неча сония епископга тикилиб турди.

– Жуда яхши ўйлабсиз. Бу иш билан шахсан ўзим шуғулланаман.

Телевизорда француз полициясининг озғингина зобити гапира  
бошлади.

– Лейтенант Колле, – савол берди Би-Би-Си муҳбири, – кеча  
идорангиз раҳбари мутлақо айбсиз икки кишини қотилга чиқариб  
қўйганди. Роберт Лэнгдон ва Софи Невё сизларга қарши даъво  
очдимиз? Фашнинг бу хатоси қанчалик қимматга тушиши мумкин?

Колле унга хотиржам жавоб қайтара бошлади:

– Тажрибамдан биламанки, капитан Фаш камдан-кам ҳоллар-  
да адашади. Мен бу масалани ҳали капитан билан муҳокама қил-  
ганимча йўқ, лекин ўз фикримни айтишим мумкин. Менимча,  
Роберт Лэнгдон ва Софи Невёга ҳақиқий қотилни чалғитиш учун-  
гина айблов эълон қилинган.

Фаш Арингаросага ўтирилди.

– Анчагина фаҳмли бу Колле деганимиз, – деди кулимсираб.  
Кейин эса чўнтагидан олтин узук чиқариб, Арингаросага узатди.

Узукни кўриб, епископнинг кўзлари ёшланиб кетди.

– Сиз шунчалар яхшисизки! – капитаннинг кафтини енгил си-  
қиб қўйди. – Раҳмат!

– Айтингчи, епископ, касалхонадан чиққач қаерга борасиз?

Арингаросага худди шунга ўхшаш саволни кеча Гандольфо  
саройида ҳам беришган эди.

– Менимча, амалларим сизники каби истиффорга муносиб эмас.

– Ҳм... – ғудранди Фаш. – Мен яқинда истеъфога чиқишни  
ўйлаб турибман.



Арингароса табассум қилди:

– Одам озгина имон билан ҳам ҳақиқий мўъжизалар ярата олиши мумкин. Озгина имон билан, холос...

## БИР ЮЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Роберт ва Софи Атиргул чизиги – шимолдан жануб томон чўзилган меридианда жойлашган қадимий Рослин ибодатхонасига етиб келишганида қош қорайиб қолганди. Лондондан Эдинбурггача бўлган қисқа парвоз давомида озгина дам олишгандай бўлишди. Лекин олдинда уларни нима кутаётгани ҳақидаги ўй уйқу берармиди. У Граални кўрсатувчи харита бирор чизма ёки расмдан иборат деб ўйлаганди. Лекин кичик криптекс ичидан ҳам бир қарашда оддий туюладиган шеър чиқди, Соньер унда Рослин меъморчилигининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ёзган.

*Граал сизни кўҳна Рослин ичра кутмоқда.*

Бебаҳо хазина айнан мана шу ибодатхонага яширилгани ҳақидаги мишмишлар мана, бир неча асрлардан бери қулоқдан-қулоққа ўтиб келади. Сўнгги йилларда эса бу ҳақида баралла гапирила бошлади. Эмишки, ибодатхона остида тўрт томони берк ер ости хонаси бор экан, Сангрил хужжатлари ҳам, Мария Магдалина хоки ҳам ўша ерда сақланаркан. Археологлар бу ерда бир неча бор қазишма ишларини бошламоқчи бўлишди, бироқ Рослин жамғармаси кескин қаршилик кўрсатди. Ибодатхонага зиёратчилар оқиб келарди. Баъзилар шунчаки, тарихий ёдгорликни кўргани келдик, дейишса, баъзилар эса ер ости хонасини топиш илинжини билдиришарди. Барининг нияти эса битта – Граал ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш.

Граал билан шуғулланувчи аксар олимлар эса Рослин ибодатхонаси Приорат томонидан одамларни чалғитиш учун қурилган тузоқлигини таъкидлашади. Охирги номани ҳам ўқигач, Лэнгдон бу фикрга шубҳа қила бошлади. Уни кун бўйи бир савол қийнади: *“Бу ерга жўнатишдан олдин Соньер нима учун бизни бунчалик овора қилди?”*

Афтидан, бу саволнинг жавоби ҳам битта: *“Демак, Рослинда биз билмайдиган ва тушунмайдиган нарса бор”.*

– Роберт, юра қолинг, – чақирди Софи. Унинг қўлида Фаш тақдим этган ёғоч қутича бўлиб, қайтадан йиғилган ҳар икки крип-текс ҳам солинганди.

Ибодатхонага кираверишда ҳеч қандай ҳашамат кўзга ташланмади. Эман дарахтидан оддийгина қилиб ишланган икки табақали эшикка “РОСЛИН” деган ёзув илинган. Ибодатхона бир неча дақиқадан кейин ёпилар эди, шунинг учун Лэнгдон эшикни шошапиша итарди. У Рослинни безаган сангтарошлик маҳсулотлари ҳақида кўп ўқиган, ўша маҳсулотларни кўз билан кўриш эса кишига чексиз завқ бағишласа керак ҳойнаҳой.

Ҳамкасбларидан бири бу ерни “Тимсоллар макони” деб атаган эди.

Деворларда бир қарич ҳам бўш жой қолмаганга ўхшайди. Ҳамма ёқ рамзаларга тўлиб кетган: насронийлар хочлари, яҳудийларнинг юлдузлари, масонлар муҳри, тамплиерлар ордени хочи, эҳромлар, мевалар, атиргуллар, беш қиррали юлдузлар. Тамплиерлар моҳир сангтарош бўлишган, ҳатто Сангтарошлар иттифоқига асос солишган. Улар бу ерда меҳр билан ишлагани кўриниб турибди, ҳеч бир тош расмсиз қолмабди.

Ичкарида бир гуруҳ сайёҳлар ва уларни нималарнидир тунтираётган экскурсавод йигит бор экан. У меҳмонларни кўриб, бош ирғаб саломлашди ва ибодатхонани томоша қилишга ишора қилди. Лэнгдон ҳам табассум қилди-да, ичкарига юра бошлади. Лекин Софи эшик олдидан нари жилмади.

– Нима бўлди?

– Менимча... бу ерда аввал ҳам бўлганман, – деди Софи ибодатхона ичига аланглаб.

– Рослин ҳақида умуман эшитмаганман, дегандингиз чоғи?

– Тўғри. Эҳтимол кичкиналигимда бобом мени олиб келгандир. Тағин билмадим. Аммо ҳамма нарса таниш туюляпти. – У рўпарадаги иккита устунни кўрсатди. – Анавиларни эса аниқ кўрганман.

Лэнгдон одатда меҳроб турадиган жойда қад ростлаган устунларни кўрди. Брига пастдан тепагача, иккинчисига эса бурама қилиб турли расмлар ўйиб ишланган эди. Софи устунларга яқинлашди.

- Ҳа, мен уларни аввал ҳам кўрганман.
- Бўлиши мумкин, – деди унинг ортидан етиб келган Лэнгдон.
- Балки бошқа жойда кўргандирсиз.

– Бошқа жойда?

– Эсингиздами, мен Рослин ибодатхонаси шоҳ Сулаймон маъбадининг нухаси деган эдим. Маъбадга кираверишда ҳам худди шундай устунлар бўлган. – Лэнгдон чаптаги устунни кўрсатди: – У Боаз ёки Масонлар устунни, ўнгдагиси Жачин ёки Шогирдлар устунни деб аталади. Дунёдаги ҳар бир масонлар ибодатхонасида худди шундай устунлар бор.

– Мен ҳеч қачон масонлар ибодатхонасида бўлмаганман. Устунларни айнан шу ерда кўргандекман.

Сайёҳларни жўнатиб юборгач, экскурсавод йигит уларга яқинлашди. У йигирма етти ёшлар атрофида бўлиб, сочлари узун, малла рангда эди.

– Кечирасизлар, ибодатхона ҳозир ёпилади. Сизларга бирор ёрдам керакми?

*“Граални топишга ёрдам берворсангиз улуғ иш бўларди-да”*, хаёлидан ўтказди Лэнгдон.

– Код! – хитоб қилди Софи. – Бу ерда код бўлиши керак!

– Ҳа, хоним, код бор...

– Ана, шифтда!

Рослин ибодатхонасининг шифти турли-туман рамзларга тўла эканини профессор унутиб қўйибди. Баъзи фикрларга кўра, ер ости хонасига кириш ана шу рамзлар орқали шифрланган экан. Ёки улар ёрдамида Граалнинг асл тарихини билиб олиш мумкин эмиш. Кўп асрлардан бери криптографлар бу тимсолларни ўрганиб келишади, бироқ бари беҳуда. Улар ўз сирини очишганича йўқ.

– Сизларга мамнунят билан...

Софи йигитнинг сўзларини эшитмасди. У қўлидаги қутичани Робертга тутқазди-да, шифтга тикилганча хаёлга толди. Бу ерга оила аъзолари вафотидан бир йил ўтиб келган эди. Бобоси билан Рослинга етиб келишганида, ҳозиргидай атрофга қоронғилик чўкаётган эди. Ибодатхона берклигига қарамай, улар барибир ичкарига киришди.

– Бобожон, уйга қачон кетамиз? – сўрагани Софи. У жуда чарчаган эди.

– Ҳозир кетамиз, қизалоғим. Менинг озгина ишим бор. Шу ерда кутиб тураверасанми ёки машинага чиқасанми?

– Жуда муҳим ишми?

– Ҳа, – бош ирғади бобоси.

– Келгунингизча шифтдаги кодларни томоша қилиб турсам майлими?

– Майли. Бир ўзинг кўрқмайсанми?

– Йўқ, ҳали қоронғи тушмади-ку.

Бобоси унинг пешонасидан ўпди.

– Мен тезда қайтаман, хўпми? Эшикни очиқ қолдираман, керак бўлсам чақирсан.

Софи расмларни қанча томоша қилганини билмайди, шундоқ-қина ерга узанганча ухлаб қолибди. Совуқдан жунжикиб уйфонганида зал қоронғи эди.

У чопқиллаб ташқарига чиқди. Бобоси сал нарироқдаги тош уй олдида ким биландир гаплашиб турарди. Сухбатдоши кимлигини эса кўролмади, чунки ойнаванд эшик тўсиб турарди.

– Бобожон! – чақирди у.

Бобоси қайтиб келганида кўзларида ёш ҳалқаланган эди.

– Нимага йиғлаяпсиз, бобожон?

– Қизалоғим, биз яқин одамларимиздан айрилиб қолдик, бу жуда огир.

Софи оила аъзоларининг ҳалоқатга учрагани ҳақида эслади.

– Ҳозир ким билан хайрлашдингиз?

– Жуда яқин дўстим билан. Энди уни ҳали-вери кўрмасам керак...

Лэнгдон яна боши берк кўчага кириб қолишганини сезди. Сонъер қолдирган хатда Рослин ибодатхонаси тилга олинган бўлса-да, Граал бу ерга яширилганига шубҳа бор. Шеърда “идиш” ва “қилич” сўзлари учрайди, ибодатхонада эса улар йўқ.

Граал сизни кўҳна Рослин ичра кутмоқда,

Эшик очинг ва кўрингки – қилич ва идиш.

– Мени кечиринг, сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, – деди экскурсовод. – Бу қутичани қаердан олгансиз?

– Эҳ, бунинг тарихи жуда узун, – кулди Роберт.

Йигит қутичадан кўз узмас, чамаси, гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

– Биласизми... бундай қутича бувимда ҳам бор, унга зеб-зийнатларини соладилар.

У адашаётганига Лэнгдоннинг ишончи комил эди. Приорат пойдевор тошини асраш учун фақат битта қутича ясаган.

– Балки ўхшаб кетар... – унинг гапини эшикнинг тарақлаган овози бўлиб қўйди. Софи лол-мим демай ташқарига чиққан, ибо-датхона яқинидаги тош уй рўпарасида турарди.

– Бу кимнинг уйи? – сўради Лэнгдон йигитдан.

– Нозирнинг уйи, у айна пайта Рослин жамғармасини ҳам бошқаради. У менинг бувим.

– Бувингиз Рослин жамғармасини бошқарадими?

Йигит бош ирғади.

– Эсимни таниганимдан бери ўша уйда яшайман, бувимга ёрдам бераман. У мени катта қилган.

Лэнгдон дам Софига, дам қўлидаги қутичага қарарди. “Йўқ, бу бўлиши мумкин эмас!”

– Шошманг, худди шундай қутича бувимда ҳам бор дедингиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Уни қаердан олган?

– Бобом ясаб берган, у кичкиналигимда ўлиб кетган. Бувимнинг айтишича, қўли гул уста бўлган экан.

– Кечирасиз, ота-онангиз ҳаётми?

Бу саволдан йигит ҳайрон бўлди.

– Улар бобом билан бир кунда вафот этишган.

Лэнгдоннинг юраги қаттиқ тепарди.

– Автомобил ҳалокатидами?

– Ҳа. Ўша ҳалокатда бобом, ота-онам ва...

– Опангиз ҳам қурбон бўлган.

Тош уй Софи кўрганидан бери кўп ўзгаришлардан янгигина ёпилган нон иси тараларди. У остида яшириқларида аёл кишининг йиғи товуши эшитилди.

Софи даҳлизга кирди. Сочларига оқ орадан нисса аёл қўлида эркак кишининг расмини ушлаганча ўксиб-ўксиб йиғарди. У расмини дарҳол таниди...

– Бобожон!..

Аёл кескин ўтирилди. Софи уйдан қочиб чиқмоқчи бўлди, лекин оёқлари ўзига бўйсунмади. Улар бир неча сония бир-бирларига сўзсиз тикилиб туришди ва ниҳоят қутилмаган бу бахтдан, айрилиқнинг аччиқ азоби ва армонлари адоғига етганидан аёлниг чеҳраси ёришиб кетди. У ажин босган кафтлари билан Софининг силлиқ юзларини, сочларини силади, кейин эса уни маҳкам бағрига босганча ўкириб юборди:

– Болагинам! Қизалоғим менинг!..

Софи донг қотиб қолган эди.

– Софи!.. – аёл унинг юз-кўзларидан тинимсиз ўпарди.

– Ахир... бобом... – аранг шивирлади у.

– Биламан, қизалоғим, биламан. Бобонг иккимиз шундай қилишга мажбур бўлдик. У сенга бор ҳақиқатни айтмоқчи эди, лекин сизлар аразлашиб қолдиларинг. Унинг сенга айтадиган гаплари жуда кўп эди. Мана энди, оиланг ҳақида ҳамма нарсани билиб оласан. Ҳеч қандай сирга ҳожат йўқ, Маликам...

## БИР ЮЗ БЕШИНЧИ БОБ

– Жаноб Лэнгдон, кеча Жакнинг ҳалок бўлганини эшитиб, Софидан қаттиқ хавотирланган эдим, – деди Мари Шовел. – Бугун эса уни уйимнинг остонасида кўриб, қанчалар енгил тортигимни тасаввур қила олмайсиз. Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман.

Лэнгдон уларни холи қолдирмоқчи эди, Мари рози бўлмади. *“Жак сизга сўзсиз ишонган экан, мен ҳам ишонмаслигим мумкин эмас. Сиз ҳам ҳақиқатни эшитишингиз мумкин”*.

Марининг ҳикоя қилишича, улар Меровинглар сулоласидан бўлиб, Мария Магдалина ва Исо Масихнинг авлодлари экан. Хавфсизлик важдан Сен-Клер ва Плантар фамилияларини ўзгартиришларига тўғри келибди. Уларнинг фарзандларини Сион Приорати ҳар доим ҳимоя қилиб келган. Софининг ота-онаси сирли тарзда автоҳалокатда нобуд бўлишгач, биродарлик қаттиқ ташвишга тушган.

– Ота-онанг чиққан машина дарёга қулаб тушганини хабар қилишган заҳоти бобонг билан айрилишга қарор қилдик, – Марининг кўзларидан ёш томчиларди. – Ўша машинада ҳаммамиз кетишимиз керак эди, лекин сўнгги дақиқаларда режамиз ўзгариб қолди ва ота-онанг бизсиз йўлга чиқишди. Бу чиндан ҳам ҳалокат эдими ёки йўқ, бунисини билолмадик. Лекин аниқ билардикки, энди набираларимизни ҳимоя қилишимиз зарур. Жак полицияга машинада мен ва кичик уканг ҳам бўлганини айтди. Шундай қилиб сен ва бобонг Парижда қолдиларинг, мен ва уканг эса бу ерга келдик, – унинг овози титраб чиқарди. – Оиламизнинг бўлиниши биз учун ҳаётдаги энг оғир синов бўлди. Биз Жак билан камданкам кўришардик, чунки Приоратнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Ҳар сафар учрашганимизда...

Лэнгдон, суҳбатнинг давомини эшитиш одобдан бўлмас, деган ўйда ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Остонада турганча Рослин ибодатхонасига тикиларкан, Граал ҳақида ўйламасликдан ўзини тиёлмади.

*“Граал ҳақиқатдан ҳам шу ерга яширилганми? Агар яширилган бўлса, шеърдаги “қилич” ва “идиш” сўзлари нимани билдиради?..”*

– Қўлингиздагини берақолинг, – Марининг овози эшитилди.

Роберт орқага қайрилиб, унга пиёлани тутқазди.

– Раҳмат.

– Мен нариги қўлингиздагини назарда тутандим, жаноб Лэнгдон.

– Ҳа, буми, – у папирус ўрамини узатди.

Мари ўрамни оларкан табассум қилди:

– Париж банкида ишлайдиган Андре Берне деган одамни билман. У Жакнинг яқин дўсти эди, омонатни сақлаш учун ҳар нарсага тайёр турарди.

*“Ҳатто мени отиб ташлашга ҳам”,* хаёлидан ўтказди Роберт. Лекин бунини ташига чиқармади. Бечоранинг бурнини синдиргани ҳақида ҳам гапириб ўтирмади.

– Энди Приорат нима бўлади?

– Мурватлар алақачон ишга тушиб кетган, жаноб Лэнгдон. Биродарлик жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказди. Ишончим комил, ерга тушган байроқни қайтадан кўтарадиган одамлар ҳар доим топилади.

– Айтингчи, Черков Сангрил ҳужжатлари ошкор этилмаслиги учун Приоратга босим ўтказиб келганми? – Лэнгдон Вестминстер аббатлигида Тибинг айтган гапларни эслаганди.

– Ё Худо! Албатта, йўқ. Янги мнинг йилликнинг бошланиши билан боғлиқ воқеалар бирор телбанинг ўйлаб топганлари, холос. Биродарлик ҳужжатларни ҳеч қачон ошкор этмасликка қарор қилган.

– Ҳеч қачон-а?

– Биласизми, бу сир Граални эмас, балки руҳларимизни қутқариш учун аталган. Баъзилар учун Граал ичидаги ичимликдан бир ҳўплаб, абадий ҳаётга эришиш мумкин бўлган коса, баъзилар учун эса махфий ҳужжатлар ва улар билан боғлиқ сирлар кетидан қувиш. Менимча, кўпчилик учун у ҳозирги талотўпли дунёда ҳам йўлчи юлдуз бўла оладиган ва ҳеч кимнинг қўли етмайдиган бебаҳо хазинадир.

– Агар Сангрил ҳужжатлари ошкор этилмаса, Мария Магдалина сири ҳам очилмай қолаверади-ку!

– Асло! Атрофга яхшироқ қаранг, унинг тарихи тасвирий санъат, мусиқа, адабиётда яшайпти. Биз ҳар куни Граалга тўқнаш келамиз ва ўтмишда қандай хатоларга йўл қўйганимизни, ўзимизни ўзимиз йўқ қилишга уринганимизни эслаймиз. Демакки, муқаддас аёллик ибтидосига қайтадан жон бағишлаш лозим, – у бир пас жим қолди. – Эшитишимча, аёллик ибтидоси тимсоллари ҳақида китоб ёзаётган экансиз, тўғрими?

– Ҳа.

– Ўша китобни тезроқ тугата қолинг, жаноб Лэнгдон. Дунёга янги оқинлар керак.

Мари унинг сабрсизлана бошлаганини кўриб кулиб қўйди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам худди шуни сўраган бўларди.

– Сиз Рослинда Граал яширилганми, йўқми, шуни билмоқчисиз-а?

Лэнгдон қизариб кетди.

– Ҳа.

– Эҳ, бу эркаклар! Граални ҳеч тинч қўйишмайди-я! Нима учун уни Рослинда деб ўйлаясиз?

– Бу ҳақида Соньер қолдирган шеърда айтилган. Яна қилич ва идиш ҳақида ҳам. Лекин у нарсаларни ибодатхонада кўрмадим.



– Тушунарли, қилич эркаклик, идиш эса аёллик белгиси. Юринг, сизга уларни кўрсатаман.

Улар ибодатхонага киришгач, Мари чироқни ёқди ва полдаги минглаб одамлар топтаб ўтган улкан юлдузга ишора қилди:

– Ана улар.

– Бу Довуд юлдузи-ку, ахир... – Лэнгдон гапини тугатмаёқ ҳаммасини тушунди.

Бир-бирига туташган қилич ва идиш.

*Довуд юлдузи... эркак ва аёлнинг қовушиши... ҳар икки иб-тидонинг бирлашуви...*

– Демак, шеърда чиндан ҳам Рослин ҳақида айтилган экан. Қойил. Граал пастда, оёқларимиз остидами?

Мари кулиб юборди.

– Рамзий маънода, холос. Граал кўп вақт мобайнида яшириш учун бир мамлакатдан бошқасига ташиб ўтилди. Жак Приоратнинг Улуғ устаси бўлгач, хазинани Францияга қайтариш ва у ерда абадий сақлашга қарор қилди.

– Хўш, бу ишни қилишга улгурдими?

– Жаноб Лэнгдон, оиламиз учун қилган хизматингиз эвазига бир сирни очишим мумкин: бу ерда Граал йўқ.

Бироқ Лэнгдон енгилгиси келмади.

– Ахир пойдевор тоши Граал яширилган жойни кўрсатиши керак эмасми? Нима учун унда Рослин кўрсатилган?

– Балки шеърни нотўғри тушунгандирсиз.

– Яна қандай тушуниш керак? – хитоб қилди Роберт. – Оёқларимиз остида қилич ва идиш рамэн, шифтда юлдузлар тасвири, атрофимизда моҳир усталарнинг ишлари. Буларнинг бари Граалдан дарак берапти!

– Яхши. Шеърни мен ҳам ўқиб чиқсам майлими?

*Граал сизни кўҳна Рослин ичра кутмоқда,*

*Эшик очинг ва кўрингки – қилич ва идиш.*

*Маҳоратли усталарнинг ижод маҳсули,*

*Сонсиз юлдузлар остида топмиш осойиш.*

– Оҳ, Жак!.. – табассум қилди Мари.

– Граалнинг қаердалигини тушундингизми?

– Жаноб Лэнгдон, ўзингиз ҳозиргина гувоҳ бўлганингиздек, очиқ-ойдин нарсаларни ҳам бошқача услубда ифода этиш мумкин. Сизга тўғриси айтиш, Приорат менга Граал яширилган жойни ошкор этмаган, лекин аёллик ҳиссиётим мени ҳеч қачон алдамаган... Сезиб турибман, Рослиндан ўз саволларингизга жавоб топа олганингиз учун қаттиқ афсусдасиз, лекин ишонинг, кун келиб бу сирдан албатта воқиф бўласиз...

Эшикдан кимдир киргани эшитилди.

– Бу ерга яшириниб олган экансизлар-да! – деди Софи қувноқ овозда.

– Эндигина кетмоқчи бўлиб тургандик. – Мари набирасининг пешонасидан ўпди. – Хайри тун, Маликам! Жаноб Лэнгдонни кўп ушлаб турма, у киши ҳам қаттиқ чарчаган.

Улар уй томон йўналган Марини нигоҳлари билан кузатиб қолишди.

– Тўғриси, бунақа бўлишини кутмагандим, – деди Софи. У бутун ҳаётини ўзгартириб юборган бутунги воқеадан қаттиқ ҳаяжонда эди.

– Аҳволингиз қалай? – сўради Роберт. – Буларнинг барини бирданига тушуниб олиш...

– Энг муҳими оиламни топдим. Киммиз, қаердан келганмиз – буларни англаб етиш учун вақт керак, – у енгилгина хўрсиниб қўйди. – Биз билан қоласизми? Ҳеч бўлмаса, бир неча кун.

Лэнгдон жон-жон деб қолган бўларди...

– Сиз яқинларингиз даврасида бўлишга ўрганиб олишингиз керак. Мен эса эрталаб Парижга қайтаман.

Улар анчагача жим туришди. Кейин эса қўл ушлашиб ташқарига, ибодатхона ортидаги тепаликка чиқишди. Чароғон юдузлар янги ойни ўраб олишган, юзларига Шотландиянинг салқин шабадаси уриларди.

– Софи, эртага вақтли жўнайман. Сиз у пайтда ухлаб ётган бўласиз, – Лэнгдон тутилиб қолди. – Кечирасиз, бунақа нарсаларга укувим йўқроқ...

– Энди қачон кўришамиз?

– Ҳм... умуман олганда, кейинги ой Флоренцияга бораман, конференцияда маъруза ўқиш учун. Бир ҳафта ўша ерда бўламан.

- Нима бу, таклифми?
- Айтиб қўяй, “Брунелески” меҳмонхонасидан менга жой ажратилган.
- Ҳаддингиздан ошиб кетмаяпсизми, жаноб Лэнгдон?
- Кечирасиз, қўполроқ чиқди, шекилли. Мен бошқа нарсани...
- Майли, розиман! – кулимсиради Софи. – Флоренцияда учрашганимиз бўлсин. Лекин битта шартим бор: ҳеч қанақанги музейлар, черковлар, даҳмалар, санъат асарлари бўлмайди. Келишдикми?
- Келишдик! – бош ирғади Лэнгдон.

Роберт Лэнгдон қандайдир турткидан уйғониб кетди. Туш кўрди, шекилли. Кўзларини ишқалаб, стул устига ташлаб қўйилган халатнинг кўксигади ёзувни кўрди: «Ритц» меҳмонхонаси, Париж».

Икки кундан бери ташқарига чиққани йўқ, дам олиб ётибди. Эринибгина ўрнидан тураркан, уни уйғотиб юборган жуда ғалати, кутилмаган... фикр эканлигини тушуниб қолди. Жумбоқнинг тагига етиш учун не-не саргузаштлар, машаққатларни бошидан кечирибди-ю, бу жиҳатни эса эътиборга олмабди.

«Шундай бўлиши мумкинми?»

Роппа-роса йигирма дақиқадан кейин меҳмонхнадан чиқиб, Вандом майдони сари йўл олди. Атрофга қоронғилик чўкаётган эди. Кийинаётиб биринчи қаватдаги кафедра бир оз ўтироқчи, сутли қаҳва ичмоқчийди, лекин оёқлари ўзига бўйсунмади.

У де Пти Шамп кўчасидан ўтиб, Пале-Роял боғига кириб бориши биланоқ ерга кўз қадади. Парижнинг салқин шабадасига ҳам парво қилмай, тобора ичкарилаб бораверди. Ва ниҳоят, қидирган нарсасини топди: плиталарга бир нечта лаппаклар ёпиштирилган бўлиб, ҳар бирига «N» ва «S» ҳарфлари туширилган эди.

*Nord. Sud.\**

Пойтахт йўлкаларига бундай бронза лаппаклардан бир юз ўттиз беш донаси ётқизилган бўлиб, улар шаҳарни шимолдан жанубга томон кесиб ўтганди. Лэнгдон бир неча йил аввал бу чизиқ бўйлаб юриб, Сакре-Кёр ибодатхонасидан эски расадхонагача борган эди.

Дунёдаги биринчи меридиан.

---

\*Шимол. Жануб (франц.)

Илк нолинчи узунлик.

*Парижнинг қадимги Атиргул чизиги.*

Лаппакларни таъқиб этганча Риволи кўчасидан илдам одим-лаб бораркан, мақсадга ҳеч қачон бунчалар яқин бўлмаганини ҳис қилди. Яна битта кварталдан ўтса, бас ва...

Граал сизни кўҳна Рослин узра кутмоқда...

Ҳаммаси мос келяпти!.. Соньер шеърда тилган олинган «Рослин»\* сўзининг келиб чиқиши... қилич ва идиш... моҳир усталар безаган даҳма...

Лэнгдон узундан-узун Решелье туннелидан отилгудай бўлиб чиқдию, рўпарасида намоён бўлган мўъжизадан донг қотиб қолди.

Ёрқин нурларга кўмилган Лувр эҳроми.

Унинг ёнида улкан ойнаванд айлана. Қадим-қадим замонларда бу ерлар мажусийларнинг қанчадан-қанча байрамлари, маъбудага сиғиниш билан боғлиқ маросимларига гувоҳ бўлган.

У эҳромнинг «тўнтарилган» деб аталувчи қисмидан пастга туша бошлади.

Эшик очинг ва кўрингки – қилич ва идиш....

^ – бу қилич. (лотинчадаги V ҳарфининг тўнтарилганини кўйиш керак)

V – бу идиш.

Парижнинг ушбу ғаройиб меъморчилик обидасида донги бутун дунёга кетган да Винчи, Ботичелли сингари буюк санъат усталарининг ижод намуналари сақланади.

Маҳоратли усталарнинг ижод маҳсули,

Сонсиз юлдузлар остида топмиш осойиш.

Лэнгдон тепага, шиша панеллар узра нур сочаётган саноқсиз юлдузларга назар ташлади ва Улуғ уста қолдирган мисраларнинг асл моҳиятини эртароқ англаб етмаганидан афсусланди.

«Граални излаш – Мария Магдалина хоки олдида тиз чўк-моқликдир». Мари Шовелнинг сўзларини эслади у ва астагина тиз чўкди.

Қулоғига аёл кишининг овози чалингандай бўлди... Асрлар ва кўҳна замин қаъридан келаётган донолик саси...

---

\* «Атиргул чизиги» деган маънони билдиради.

*Адабий – бадиий нашр*

**ДЭН БРАУН**

**ДА ВИНЧИ СИРИ**

Муҳаррир  
Дилрабо МИНГБОВЕВА

Техник муҳаррир  
Елена ДЕМЧЕНКО

Компютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 20.04.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 11,0. Шартли босма тобоғи 18,48

Адади 5000 нусха. Буюртма № 112

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс - 173-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru